

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№9 (88)

2004 йил, сентябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА

МИРПУЛАТ МИРЗО. *Мен нечун севаман Ўзбекистонни*.....3

ПУБЛИЦИСТИКА

ГАФФОР ҲОТАМОВ. *Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари*.....6

НАСР

ИРВИН ШОУ. *Бой ва камбағал. Роман*.....49

Ҳ.М.БУҚРИЙ. *Сафо айвони. Роман*.....102

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

СЕСАР ВАЛЪЕХО. *Дунё тор қафас*.....42

АЗИЗИЙ. *Ибодатга айланди фироқ*.....46

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

ҲАМИДУЛЛА АКБАРОВ. *Кувонч ва ташвишлар*.....141

ТОШКЕНТ
СЕНТЯБР

АДАБИЙ ТАНҚИД

УМИДА ТЎЛАГАНОВА. *Ритм – асар жозибаси*..... 146

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

УИКЛИ КОЛЛИНЗ. *Ойтош. Роман*..... 149

Бош муҳаррир:
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат МИРЗО
(Бош муҳаррир муовини)
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Амир ФАЙЗУЛЛА
Раҳматилла ИНОҶОМОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Қуддус АЪЗАМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Туробжон ЖЎРАЕВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Абдулла ОРИПОВ
Ғайрат ШОУМАРОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Тўлепберген ҚАЙИШБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Ўзлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Жаҳон адабиёти, 9. 2004.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир А.ФАЙЗУЛЛАЕВ
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 15.07.2004 й. Босишга рухсат этилди 05.09.2004й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Наприйёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1200 нусха. А-5712 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2004 й.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Етмишинчи йилларнинг боши эди. Албатта, ўтган асрдаги. Шўролар салтанати мафкурасининг энг авж мавқеларга кўтарилган пайти. Мен комсомол Марказий Қўмитасининг ётоқхонасида яшардим. Ҳамхоналарим партиянинг дастёрлари — эрта-индин катта-катта мансаб курсиларига ўтираман деган ишончли кадрлар эди.

У пайтларда бутун мамлакатни ғалати руҳ, тўғрироғи, коммунистик сароб чулғаб олганди. Ҳамма учмоқни орзу қилган хўроздек ниманидир бунёд қилишга чоғланар, ўрни келди дегунча совет ғояларига эътиқодини, компартияга садоқатини аён этгиси келарди. Айниқса бу садоқат комсомол кадрларининг юз-кўзидан “уфуриб” тўрарди.

Бир кун ётоқхонамизга янги бир ходим келиб жойлашди. У камгап экан. Лекин аста-секин гапимиз гапимизга қовуша бошлади. У менинг ижодкор эканлигимни, наириётда ишлашимни билгач, сўраб қолди:

— Абдулла Ориповни танийсизми?

— Ҳа, кўришиб ҳам тураман.

— Наҳотки?!

Унинг бу ҳайратида “Қанчалар бахтлисиз!..” деган ҳавас изҳори бор эди.

— Нима эди? — сўрадим.

— Биласизми... — деди у дафъатан ҳаяжонга берилиб. — Мен унинг кўп шеърларини ёддан биламан. Москвада таҳсил олган йилларим ўзбек ёшлари тўпланиб олиб, Абдулла аканинг шеърларини бир-биримизга ўқишардик...

У бир зум хотира гирдобига чўмди-да, шеър ўқий кетди:

*Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо...*

У “Ватан...” сўзини шундай бир туйғу билан айтдики, ундаги этни жимирлаштирувчи ҳароратни ифодалаб бермоқ қийин.

Ҳамхонам шеърни ўқиб бўлиб, юраги ажиб қониқиш топгандек жилмайди. Унинг бу жилмайишида айни чоғда теран бир шукуҳ ва мазмун бор эди. Бу мазмун — совет мамлакатини ҳар қанча ватан деб улуғламайлик, менинг асл ватаним Ўзбекистондир, совет халқини ҳар қанча мадҳ этмайлик, мен ўзбек халқига мансубман, ўзбекман, деган сурур ва ифтихор ҳисларидан иборат эди.

Мен ушбу шеър сеҳрига ҳали-ҳануз лол боқаман. Зеро чучмал шиорлар қуёш юзини тўсиб, сохта ғоялар ақлимизни палағда қилиб қўйган бир даврда ушбу шеър шукуҳи рангин камалакдек товланиб, руҳиятимизни ёриштириб юборган эди.

Хуррият ва Озодлик тушига ҳам кирмас бир даврда ушбу шеър Истиқлол ва Мустақилликка ўти даъват ва ундан баишорат бўлган бўлса, не ажаб!

Йиллар сувдек оқиб ўтди. Тарих саҳифалари куймас, ўчмас сатрлар ила тўлдирилди. Мустақил бўлганимизга ҳам, мана, 13 йил бўлибди.

Лекин мазкур шеърнинг қиммати пасайгани йўқ, аксинча, янги мазмун билан янада нурланди.

Бир қаламкаш сифатида биламанки, ҳар бир шеър ҳам қўшиққа тушавермайди. Баъзан шундай шеърлар бўладики, ундаги ҳассос руҳ умуман қўшиқ билан қовушмайди. Чунки қўшиқ унга путур етказиб қўйиши мумкин. Лекин дунёда мўъжизалар содир бўлиб туради. Ана шундай мўъжизалардан бири — “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” қўшиққа айланганлигидир. Қўшиқ бўлганда ҳам энг дилбар қўшиққа! Ва бу қўшиқ мустақиллик йилларимиздаги энг яхши қўшиқлардан бири бўлди. Бунинг сирини синоати унинг сатрлари замиридаги оҳори тўқилмас сурурда эди.

Бу сурур ушбу қўшиқни ҳар сафар эшитганимда бир неча кун юрагимга ўрнашиб қолади — гоҳ ўтли сатрлар бўлиб, гоҳ мафтункор қўшиқ бўлиб янграб туради.

Шу боисдан мен бот-бот ўзимга савол беришга одат қилганман: Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!

Бу туйғуга жавобни кўпроқ хорийжга қилган сафарларим давомида топгандек бўламан. Тасаввур қилинг, сиз Фарбнинг энг тараққий этган мамлакатидасиз. Ёки Америкадасиз. Ҳамма нарсдан ақлингиз шошади, ҳайратланасиз. Лекин бу ҳайрат сизни барибир чарчатади ва ана шунда юрагингизни алланечук туйғу қамраб ола бошлайди. Қадрдон заминингизни соғинасиз, бу замин манзаралари тушларингизга кириб чиқади, Тошкентнинг саришта кўчаларини, мунаввар оқшомларини кўмсайсиз... Буларнинг барчаси ўз Ватанингизга — Ўзбекистонингизга бўлган муҳаббатингиз туйғуларидир!

Сафарларимдан бирида, ён қўшни мамлакатда бўлганимда, Ўзбекистонимиз ҳақида энг ажойиб гаплар қулоғимга чалинганди: “Ўзбеклар улўғ миллат экан, ўзлигини сақлаб қолишибди, Тошкентга бориб кўр, ҳаммаси ўзбекча...”

Қирғизистонлик ижодкор дўстимдан бир гал, “Кўнглингиздагини айт-чи, биздаги нималарга ҳавас қиласан?..” деб сўраганимда, “Сизлар улўғ халқсиз, чунки улўғларингизни кўтараётисиз, эъвозлаётисиз...” деганди.

Бир зум ўйга толаман: ортиқча ҳиссиётга берилиб кетмаётиманмикин, деб. Айни шу сонияда кимдир, нега қийинчиликлардан гап очмайсан, нега муаммоларни тилга олмайсан, деяётгандек ҳам бўлади. Мен ана шу дақиқаларда унга дарҳол шундай жавоб қиламан: “Турмуш муаммоларига дучор бўлмаган, қийин шароитлардан бутунлай холи, ундан кафолатланган бирор мамлакат борми ўзи бу кун дунёда?... Қайси халқнинг бошида ташвиш йўқ бу кун?!”

Зеро, Марҳум шоир Муҳаммад Юсуф машҳур қўшиғида:

“Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўтқинчидир,

Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир”, деганида бениҳоя ҳақ гапни айтган эди.

Бизнинг тенғурларнинг ёшлик йиллари кўп шоирона давраларда тонготар суҳбату мушоиралар билан кечган. Уша даврларда ана шундай давраларни юрагимиздаги эришиб бўлмас деб санаганимиз — Озодликка, Хурриятга бўлган таиналик ёлқини шуғалантирар эди. Шу боисдан гоҳ маҳзун, гоҳ масрур эди бу давралар. Ушанда бир шоир дўстимнинг айтган гапи ҳамон ёдимда: “Шундай яшасангки, миллатингдан, яшаётган Ватанингдан хижолат чекмасанг!..”

Тангрига беадад шукурларким, бу кун биз ана шундай хижолатсиз, нафақат хижолатсиз, балки ғурурга, ифтихорга тўлиб-тошган ҳур Ватанда яшаётимиз!

Халқимизнинг иқтидори улўғлигига, тафаккури чақноқлигига бу кун бутун дунё шохид бўлиб турибди. Беруний, Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний каби буюк боболаримизга муносиб ворислар тарбия топмоқда заминимизда. Бу ҳақиқатни навқирон шахматчимиз Рустам Қосимжонов исботлаб қўйди!

Яна шеър сатрлари, қўшиқ сеҳри руҳиятимни чулғайди.

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен тағзим қиламан она халқимга...

Ушбу мисралар нафақат ҳассос шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббати изҳори, балки шу юрт ҳар бир оддий фуқароси юрагидаги туйғулар мазмунини ҳамдир.

Жумладан, мен ҳам бунёдкору миришкор, сербардошу матонатли халқимиз олдида таъзим қиламан! Ана шундай халқимиз борлиги боис ҳам биз Ўзбекистонни тоабод севамиз!

Мен сўзларимга нуқта қўйиб уни оққа кўчиришим жараёнида пойтахтимизда мудҳиш воқеалар содир бўлди: террористлар шаҳарнинг уч жойида ўзларини портлатишди. Бундан беғуноҳ инсонлар ҳам жабр чекишди, айримлари ҳалок бўлди. Бу худкуш кимсалар муддаоси халқимиз осойишталигини бузиб, унинг кўнглига ғулғула солмоқлик эди. (Ҳолбуки мен юқорида “ноёб бахт бўлган — элимиз тинчлиги” ҳақида сурур билан тўхталгандим!..) Мен уларни дафъатан гумроҳлар дея атагим келди. Разил гумроҳлар!.. Йўқ, йўқ, портловчи қўғирчоқлар улар! Чунки дастлабки маълумотларга қараганда, учаласи ҳам, диний оқимга мансуб шахслар экан. “Тақводор” худкушлар ўзларининг бу ишлари билан нимани исботламоқчи бўлишади?! Ахир, ҳадисларда айтилмаганми — жонни ато этувчи Аллоҳ, олувчи ҳам унинг ўзидир деб!.. Мен бундай “шаҳидларни” ҳеч қачон тушунмайман!

Буюк ёзувчи Достоевский, тегрангда мутлоқ зулмат-у, сен атрофида оч тўлқинлар сапчиган яйдоқ қояда ёлғиз қолсанг ҳам яшайдан умидингни узма, уни севгин дея бежиз уқтирмаган, ахир!

Ҳаётга теран разм солинг, унинг қалбига қулоқ тутинг, унда ажиб ранглارни кўрасиз, интиҳосиз бир кўшиқни ҳис этасиз. Ҳар қандай разолат, ҳар қандай қабохат бу кўшиққа чек қўя олмайди. Унга вақтинчалик халал бериши мумкин, холос.

Кўшиқ ҳар қандай кулфат ичидан самандардек тирилиб чиқади, қанотларини ростлайди. Хувиллаган заминга кириб келган баҳор янглиғ нашидаси билан яна дилларни чулғаб олади.

Асл кўшиқлар завол билмайди. Агар у Ватан ҳақида бўлса, яна ҳам устувордир!

Мирнўлат МИРЗО

Гаффор ҲОТАМОВ

Яша ва ёдингда тут!

Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари

Адашганлар, бузғунчилар ва исёнчилар ҳақида

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбару раҳнамолари, олим уламолари, барча фарзандлари масъулдир.

*Ислои КАРИМОВ
1992 йил*

1. Биринчи ихтилоф

Ривоят қилишларича, исломий даъватларнинг дастлабки йилларида Макка мушриклари Расули акрамнинг олдига келиб:

- Эй, Муҳаммад, - дейишади. - Айтишларича, сен Арабистоннинг подшоиси бўлар экансан. Агар, сенинг динингга кирсак, биз билан салтанатни бўлишасанми, йўқми?

Шунда Расулulloҳ: *“Ё, тавба, бу одамлар салтанат ҳасратида мусулмон бўлмоқчи, шекилли?!”* - деб ҳайратга тушади.

Тоифликлар, ҳукумат иши бизда бўлишини шарт қиламиз, деса, Ямома ўлкасининг амири ҳавза ибн Али, агар пайғамбарликка мени шерик қилсанг, динингга кирман, - деб талаб қўяди.

Бу дунё кенг ва одамлар турли-тумандир. Ҳар бир инсон ҳаётни ўз қаричи билан ўлчаيد. Биров, кишилар дилига яхшилиқни жо этай, деб умрини фидо қилса, бошқа биров, ҳатто Аллоҳнинг марҳаматига ҳам тама кўзи билан қарайди ва ўз зиёнига иш кўради. Беш қўл баробар эмас, деганлари шу.

Қуръони каримнинг илк оятлари нозил бўлганидан буён 1394 йил вақт ўтди. Бу давр ичида ислом дини номидан шу қадар беҳисоб фитна ва хиёнатлар, ҳийла ва жаҳолатлар содир этилдики, уларни ҳатто жилд-жилд китобларга ҳам сиғдириш қийин. Кимдир: *“Муҳаммад бир сеҳргар, ислом бир уйдирмадир”*,

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Муқаддас Ислои динимиз тинчлик ва маърифат, покизалик ва яхшилик, ҳиммат ва меҳр-оқибат дини эканлиги қуёшдан ҳам равшанроқ ҳақиқатдир.

Барча мунаввар зиёли зотлар ўтмишида ҳам, ҳозирда ҳам бу фикрни билиштифоқ эътироф этадилар. Афсуски, бундай очиқ-ойдин ҳақиқатдан бебаҳра бўлган маърифатсиз ва жоҳил кимсалар улғу динимизни ниқоб қилиб олиб, турли хил жиноятлар ва манфур ишларни содир этмоқдалар.

Бундай ғаразли фоқиҳлар Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини бузишга, тараққиёт йўлимиздан қайтаришга ҳаракат қиладилар, шу билан бирга, динимиз софлиги ва обрўйига зиён етказмоқчи бўладилар.

Бундай тубан кирдикорларнинг сабаби мутаассиблик билан бирга, ниятларнинг хусуматли эканлиги ҳамдир.

Ҳаётимизга таҳдид солмоқчи бўлаётган бундай маразнинг давоси, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фақатгина илм-маърифатдир.

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда сеvimли ёзувчимиз Гаффор Ҳотамовнинг “Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари” номи рисоласи айни

деб диний ихтилоф солса, яна кимдир: “*Биз ёмонликдан қайтариб, яхшиликка ундовчилармиз*”, деб мўминлар бошига беадад ташвиш ва қулфатлар ёғдирди.

Кимдир, исломни тозалаш иддаосида талончилик содир этса, яна кимдир подшолик ҳавасида низо кўзғади, ноҳақ қон тўкиб, пок ва бегуноҳ инсонларга зулм қилди.

Гарчи бундай балойи офатлар ҳаргиз тинмаган бўлса-да, бу илоҳий таълимот диллардан-дилларга, авлодлардан-авлодларга ўтиб, улуг ва салобатли карвон янглиғ ўз йўлида собит давом этди ва одамларни маънавий-руҳий уйғоқликка, пок ва сарафроз яшашга ундади. У оғир ва машаққатли дамларда инсонга тоғдек таянч бўлиб, ҳаёт ва тараққиёт йўлини мудом нурлантириб келмоқда.

“Бу мусаффо дин тўғайли пасткашлик ва золимликдан, беҳуда қон тўкишдан ҳазар қиладиган, ўзаро биродарлик, олиҳимматлик ва меҳр-оқибат асосига қурилган покиза бир жамият вужудга келдики, у умумбашарий такомилга ўзининг қудратли таъсирини ўтказмоқда”, деб ёзади британиялик таниқли олим Лудер Брантон.

Одатда, жамоатчиликни чалғитиб, ғалаён кўзғашга устаси фаранг бўлган риёкорлар ўз муддаоси йўлида кўпчилик эргашадиган таълимотларни восита қилиб олади. Агар, биз бугун ўтмишга назар ташласак, дор остидан қочган нобакордан токи обрў ва амал талашган мунофиқгача исломни ўзига байроқ қилиб олганига гувоҳ бўлаемиз.

Дунё ҳаёти кўзларини қамаштирган ва ҳавойи нафс йўлида ҳеч балодан қайтмайдиган бу олчоқлар миллатлар ва элатлар орасига низо солган, бемаъни уруш ва ихтилоф келтириб чиқарган, мудҳиш қабоҳатлар содир этиб, қонли қирғинларга сабабчи бўлишган.

Бу золимлар мўтабар динимизга иснод келтириб қолмай, гуллаб-яшнаётган шаҳару қишлоқларни вайрон этган, ҳаётни бузиб ташлаб, ёвузлик уругини сешган ва ижтимоий тараққиётни юз йиллар орқага улоқтириб ташлаган.

XI асрда яшаб ўтган улуг мутафаккир Низомулмулк “Сийосатнома”¹ асарида мана шундай ихтилофчи тоифани умумлаштириб, бир ном билан **хорижийлар** (*ажралиб кетганлар, исёнчилар*) деб атайдди.

Бу зоти пастлар жуда қадим замонлардан буён Пайғамбарга ва ҳукмдорларга қарши бош кўтариб, кўзғолон ва исён келтириб чиқариб, мусулмонлар орасини

¹ Низомулмулк (1018-1092) салжуқийлар шоҳи Аппарслон, кейин унинг ўғли Маликшоҳ саройида вазир бўлиб хизмат қилган. Соҳибқирон Амир Темур ўз “Тузуқлар”ида Низомулмулкни “бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган”, ақл кўзгуси бўлган, доно ва ҳушёр вазир сифатида тилга олиб, у қилган хайрли ишларни эслаб ўтади. Уша даврда Маврда машҳур Низомийна мадрасаси ва обсерватория барпо этилган, улкан маърифий ишлар амалга оширилган.

давримизнинг талабидир. Муаллиф унда турли хил бузғунчи оқимларнинг келиб чиқиши илдизлари ва уларнинг ғаразли мақсадларини кучли шарҳий ва мантиқий далиллар асосида изчил баён қилган.

Китобни ўқиган ҳар бир ўқувчи Исломи дини ғоят мўтабар ва холис дин эканини, аксинча, бу динни ниқоб қилмоқчи бўлганлар манфур ва ноҳолис кимсалар эканини ҳам қалбан, ҳам ақлан чуқур англаб етади.

Бу рисола яна шу жиҳати билан эътиборлики, асар фақат маълум бир муайян мутахассислар учун эмас, балки халқимизнинг барча қатламлари учун бирдек зарур ва жуда қимматлидир.

Рисолани диққат билан, холислик билан мутолаа қилган ҳар бир китобхон бундай адашган, бузғунчи ва исёнчи тоифалар кирдикорини атрофлича муҳокама этиши, зарарлик қилмишлари моҳиятини англаб этиши, дунё ҳаёти, ота-оналик шартини ва фарзанд парваришини ҳақида жиддий ўйга толиши муқаррардир.

Аллоҳ-таоло барчамизга бу ҳақиқатларни англаб этишимизни насиб айласин. Бундай маърифат тарқатувчи китобларни тўғри йўладан адашмаслик учун сабаб айласин.

**Анвар қори ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби**

бузиб келади, деб ёзади улуғ донишманд. Унинг таъкидлашича, “*ҳеч бир ўлкада бу қавмдан кўра тубанроқ ва маккорроқ бузғунчилар бўлмаган.*”

Улар майда-чуйда ишларга ҳам аралашиб, фикру фасод ёйиб, соҳиби давлатга пинҳона ёмонлик қилиб юради. Худо кўрсатмасин, мабодо салтанатга бирон-бир шикаст этиб қолгудек бўлса, бу итлар яширинган жойларидан чиқиб, ҳеч тап тортмай ўз давлатларига қариши юриши қилишади...”

Мавлоно, хорижийлар орасидан чиқиб, кейинчалик ўзларини пайғамбар ва ёки маҳдий деб эълон қилган, ҳар нарсага кўр-кўрона ишонувчи соддадил одамларни тўғри йўлдан оздирган бетавфиқ тоифалар, хусусан, жаннобийлар, қарматийлар, ботинийлар, уларнинг диндан қайтиши ва ундан кейинги кирдикорларига батафсил тўхталади, нафсу ҳавога қул бўлганларнинг мусулмонларга етказган ситаму озоридан ўкиниб ҳасрат қилади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз “Тузук”ларида исломни заифлаштириш учун мусулмонларни пароканда этиб ташлаган қарматийлар¹ хусуматига алоҳида тўхталиб ўтган.

Қарматийлар 930-йили чин арафа куни, Абу Тоҳир бошчилигида, ҳаж маросимига келган зиёратчилар сифатида, Маккаи мукаррамага кириб боришади ва ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган золимликни қилишади. Улар қўққисдан ҳужумга ўтиб, Каъбатуллоҳда ҳаж амалларини бажараётган ўттиз минг мусулмонни қиличдан ўтказди ва муқаддас гора тошни девордаги ўрнидан суғуриб олишади. Шундан сўнг исломнинг бешиги бўлмиш бу мўътабар шаҳарни талон-тарож этиб, хонадону қабристонларни вайрон этишади, йиғиларни қириб, кексаю болаларни ва аёлларни қул қилиб ҳайдаб кетишади.

Қарматийлар жаҳолати шу даражага бориб етадики, Масжиди ҳаром таланади, хароб этилади ва буткул оёқости қилинади, мўътабар гора тош эса, икки бўлакка бўлиниб, Хуфуф шаҳрига олиб кетилади. Бузғунчилар уни ўз кўрғонларига олиб боргач, йигирма йил давомида гўё ҳожат ишларига яратган бўлишади ва, Каъбатуллоҳни тавоф этиш бидъат, деб эълон қилишади.

Жаннобийлар содир этган қуфру исёни эса, айтишга ҳатто тил бормайди. Бу ахлоқсиз ёввойилар, *хотинлар - умумий, опа-сингил ва туғишган қиз - ҳалол*, деб ҳукм чиқаради ва шу залолатга ўзлари амал қилади.

Бундай иснодли кирдикорлар ҳалаб ва Мисрда ҳам, Табаристон ва Боғдодда ҳам, Сабзавор ва Қошонда ҳам содир этилган, фосиқ ва имонсиз тоифалар юзтубан кетиб, кўндан-кўп жирканч кирдикорни амалга оширган. “*Бу итлар ҳақида битилган маълумотларни жам этсак, ҳар бири катта бир китоб бўлар эди*, - деб ёзади Низомулмулк. - *Муҳаммад алайҳиссалом динида булардан кўра ёмонроқ душманнинг ўзи йўқ.*”

Мутафаккир, бу тоифа ҳар жойда ҳар хил ном билан аталган, аслида барчаси бир ҳаракатдир, уларнинг мақсади - одамларни йўлдан оздириш, ўзларига ўхшаган бузуқ ва беномус кимсалар даврасини кенгайтириш ва бизнинг дину имонимизга соя солишдан иборат бўлган, дейди.

Бу, айтиш ҳақиқатдир. Кўнгли иллатли бўлган, инсон шаънига нолайиқ ишлар қилган, одамларнинг ҳаётини бузиб, уйини куйдириб юборган золим ўзини ким деб аташидан, қандай дин ва қандай байроқ остида ҳаракат қилишидан қатъи назар, у муқаррар бузғунчидир. Зеро, “*(Одамларни) алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир*” (Қуръони карим, 2:191).

Нафратга учраган бу фитналар, хўш, қаёқдан келиб чиққан? Оломонни ким кўзгаган? Ким эҳтиросларни оловлантириб турган? Ва уларнинг иддаоси нима бўлган?

Бугун, минг афсуски, жуда кўпчилик буни билмайди. Ўқиган-билганлар эса, андиша қилиб, сукут сақлайди. Мана шунинг оқибатида, аксарият кўпчилик ҳолларда ўтмишдан беҳабар бўлган, фитна ва сиёсий ўйинлар нима эканини билмаган ёшлар бузғунчининг қўлидаги яшил байроққа ва таъсирчан даъватларга маҳлиё бўлади, унинг кўкрагидаги қора ниятни илғай олмайди ва, янглиш хулоса чиқариб, ўзи англамаган ҳолда қабоҳатнинг рўёбга чиқишига хизмат қила бошлайди...

¹ Қарматийлар IX асрда Ироқнинг жанубида юзага келган. Бу ҳаракат ташкилотчиси Ҳамдон ибн ал-Ашъас бўлиб, унинг лақаби Қарматдир.

Қарматийлар Маккаи мукаррамага тажовуз қилгач, лаънатга учраган ва қириб ташланган.

2. Охири пушаймонлик иш...

1999 йил 16 февраль воқеалари жуда кўп оилалар бошига жудолик кулфатини олиб келди.

Бу қонли фожиани содир этишда айбланган, беайб ва бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлган жиноятчилар, бир йигитнинг ишини қилиб қўйгандек, аввалига суд мажлисида ўзларини жуда бамайлихотир тутишган. Айниқса, Бегали Султонов деган ёш ва дўлвор айбланувчи жиноятдаги ўз иштирокини роса маромига етказиб, кибр ва иддао билан ҳикоя қилган.

- Селитра, олтингугурт, алюмин пудра олиб келишди, портловчи моддани кўпроқ тайёрлаш керак, портлатишлик билан ҳокимиятни босиб оламиз, дейишди, шунда мен, чиройлик қилиб портлагамиз, дедим...

Айбланувчининг ўзига бу қадар бино қўйиши, бу қадар кибр ва ор билан гапириши шусиз ҳам эзилиб ўтирган жабранувчи Нажие Керимовага малол келгач:

- Болам, - деди унинг гапини бўлиб, синиқ ва шикаста овозда. - Мана, сиз “чиройлик қилиб портлатган” ингизни айтиб бераяпсиз, менинг эса, юрагим чидамаяпти. Чунки шу портлашда қирқ яшар ўғлим жувонмарг бўлди, уч нафар набирам чирқираб қолди.

Менинг ўғлим таҳоратсиз юрмаган, намозни қанда қилмаган, бировга зиёни тегмаган. Қани, айтинг-чи, унинг гуноҳи нима?

Агар, шу мусибат бошқа бир миллатдан етса, дардимни ичимга ютиб, сабр қилар эдим. Лекин ўзимизнинг мусулмонлар, тагин сизга ўхшаган, ҳали она суғи озидан кетмаган ўспирин болалар мана шундай зolimлик қилиши, яна биз бечораларни одам ўрнида кўрмай, керилиб гапириши, Худо ҳаққи, мени саросимага солаяпти.

Биз урушни, қирғин-қатағонларни кўрганмиз, лекин ҳеч бир замонда бундай балога дуч келган эмасмиз. Ҳайронман, ўша оғир кунларда ҳам, ўзимиз бир тўғрам нонга зор бўлсак-да, етим-есирларнинг бошини силаганмиз, бир майиз топсак, шуни қирқ бўлиб еганмиз. Бутун, елкамизга офтоб теккан шундай бир замонда, нега сиз, мусулмон болалари эл-юртнинг тинчини бузаяпсизлар? Бундай қон тўкаяпсизлар? Бир-бирингизни ўлдираяпсизлар?

Ахир, бу очиқ залолат-ку? Бунинг сўрови бўлади-ку, ҳали. Аллоҳдан кўрқмайсизми?

Қани, айтинг-чи, болам, менинг ўғлимдан сиз нимангиз билан афзалроқсиз?

Ким сизга ҳуқуқ бердики, шундай бир йигитни ўлдираяпсиз?

Қиёмат кuni Яратган эгам, нега сен бундай гуноҳга ботдинг, деб сўрайди, шунда сиз нима деб жавоб берасиз?

Бегали Султоновнинг ранги докадек оқарди, у бир нуқтага тикилганча тошдек қотиб қолди. Афтидан, шу пайтга қадар бу ҳақда у жиддий ўйлаб кўрмаган эди.

Залга жуда оғир жимлик чўкди. Ҳамманинг кўзи айбланувчида эди. У қаттиқ шамол тебратаётган буга каби чайқалар ва одамларни анчадан буён маҳтал қилиб қўйгандек туюлар эди. Ниҳоят, у мунгайиб бошини кўтарди. Ўтган лаҳзалар тегирмон тоши каби уни эзиб-янчиб ташлаган эди, гўё.

- Лекин мўмин мўминни ўлдириши исломда йўқ, - деди у аранг, эшитилар-эшитилмас, синиқ овозда...

Ўша суд мажлисида қолган террорчилар ҳам, ўз жигаридан жудо бўлган инсонларнинг зилдек оғир мана шундай саволларига дуч келиб, тайинли жавоб айта олмай, қора терга ботгани, тавба қилиб қон йиелагани ҳамон ёдимда. Суд терговида эса, биз “амир”нинг фармонини бажардик, деб диний ва дунёвий тушунчалари ғоятда ибтидоий эканини ошкор этишган.

Шунинг учун ҳам улар қандайдир риёкорнинг кутқусига учиб, қасддан одам ўлдирган, юртга ўт қўйган ва миллатга иснод келтирган...

Шунинг учун ҳам жабранганлар уларнинг кечиримини қабул этмаган, *“Нима қилаётганини ўзи билмай, халқ юзига оёқ босган, бегуноҳ инсонлар қонини тўкиб, отадан ўғилни, фарзанддан онани жудо қилган бундай зolimларнинг яшашга ҳақи йўқ!”* - дейишган. Ва яна айтишганки: *“Мабодо уларнинг жирканч режаси амала ошганида, бу қонхўрлар мамлакатни қонга ботирмасмиди?”*

Ёвузлик авж олиб, юрт олов ичида қолиб кетмасмиди?!”

Суд мажлисининг олтинчи куни террорчилар содир этган мудҳиш жиноятлар видеотасвири намоиш этилди. Қанчалик золим бўлмасин, одам ўзи қилган ваҳшийликнинг юзига тик қарай олмас экан. Қора қонига беланган жасадлар уларнинг ўзларини ҳам даҳшатга солди. “Полвон” деб аталмиш “амир” ҳатто ўз оқловчиси ҳимоясидан воз кечди. Айблов ҳукмидан сўнг, охириги сўз берилганида, у:

- *Биз қон тўқдик, қасддан одам ўлдирдик, - деди, - бу ишларни ислом номидан қилиб, янада оғир гуноҳга ботдик. Бугун ўзимизни оқлайлик, десак, қонун ҳам, ислом ҳам йўл бермайди.*

Биз Президент ҳаётига тажовуз қилдик, ҳокимиятни босиб олмоқчи бўлдик, кўриб турибмизки, сизларнинг бахтингиз, ҳаётингиз бизнинг қўлимизда эмас экан.

Эҳтимол, бизнинг қисматимиз бошқаларга бир сабоқ бўлсин, деб Аллоҳ сабр этгандир?!

Мени қийнаётган, ўлимдан ҳам оғир нарса - бу ишлар учун Парвардигорнинг олдида нима деб жавоб бераман?

Буни эшитганлар унутмасин, охири пушаймонлик бундай ишларни зинҳор қилмасин! Бу менинг охириги гапим, тилагим - ҳеч бирингизнинг хонадонингиздан бизга ўхшаганлар чиқмасин!

Сиёсий ўйинлар мана шундай мудҳиш қабоҳатлар ва мусибатли йўқотишлар, таъна-маломатлар ва армонли пушаймонлар устига қурилади. Ундан қолган нуғулмас жароҳатлар эса, миллат бор экан, унинг хотирасида абадий яшайди...

3. Ваҳҳобийликдан “ҳизбут таҳрир”га...

Февраль воқеалари, табиийки, бу мудҳиш жиноятни содир этган ваҳҳобийлар ва, умуман, мазҳабимизга тамомила зид бўлган бу бузғун оқим ва унинг келиб чиқиш тарихи жиддий муҳокама этилишига сабаб бўлди.

Шўро замони даҳрийлик сиёсатига асослангани учун, гарчи одамлар ота-боболари динига амал қилса-да, кейинги даврда ташқи ислом оламида рўй берган янгиликлардан деярли беҳабар эди. Шу боис, тўқсонинчи йилларда ўзларини ваҳҳобий деб атаган саркаш ва беадаб ёшлар ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлганида, аксарият кўпчилик ўзга сайёралик келгиндиларга рўбарў бўлгандек ҳайрон қолишган.

Аслида ҳам, бу ҳаракат бизнинг исломий фитратимизга тамомила зиддир.

Бу оқим наждлик Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳобнинг номи билан бевосита боғлиқ бўлиб, айрим олимлар уни Англиянинг мустамлакачилик сиёсатига бевосита дахлдор деб билади.

Ваҳҳобийлик моҳият эътибори билан ҳанафий ва шиа мазҳабларига, шу билан бирга, дунёвий қадриятларга ўта муросасиздир.

Масаланинг моҳияти шундан иборатки, ўша даврда Нажд музофоти Усмонлилар салтанати¹ таркибида бўлган. Шу маънода, диний-сиёсий бу оқим аслида миллий озодлик ҳаракатига пойдевор сифатида юзага келган, десак, ҳақиқатга яқин бўлади, бироқ ислом дини бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл бермайди. Шунинг учун ҳам ваҳҳобийлар “*исломни асл ҳолига келтириш*” даъвосида майдонга чиқади.

Ваҳҳобийлар, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси бўлса-да, аслида ўзимизга ўхшаган оддий бир одам, шу маънода унинг қабрини зиёрат этиш ширкдир, саҳобалар ва азиз-авлиёларга иқтидо қилиш эса, куфрдир, уларни Аллоҳга воситачи қилмаслик керак, деб ҳисоблаган. Улар мазҳаб ва мазҳаб эгаларини ортитақа деб билган, тасаввуф, тасвирий санъат ва мусиқани, шойи либос кийиш ва қаҳва ичишни бидъат, деб қоралашган. Шундан келиб чиқиб, исломни дастлабки ҳолига келтириш даркор, бунинг учун эса, жиҳод қилиш

¹ Маълумки, тўғри йўлдан борган халифалар даври 661 йили якун топади. Шунга қарамадан, кейинги асрлардаги умавийлар, аббосийлар, фотимийлар ва усмонлилар сулолаларидан бўлган ҳукмдорлар ҳам ўзларини халифа деб атаган, уларнинг салтанати эса, халифалик дейилган (“Ислом. Энциклопедия”). XVI-XX асрларда Ҳижоз, Миср, Сурия, Жазоир, Фаластин каби араб ўлкалари (Маккаю Мадина, Нажд минтақаси ҳам) Усмонлилар салтанати таркибида бўлган.

керак, бу йўлда кимда-ким бизга эргашмаса, у мусулмон эмас, биз унга ҳам шафқат қилмаймиз, дейишган.

Уша даврда яшаб ўтган уммонлик тарихчи Ибн Розикнинг таъкидлашича, Абд ал-Ваҳҳоб ўз *“таълимот”*ида ваҳҳобийларга эргашмаган мусулмонларни қиличдан ўтказишга ҳамда уларнинг уй-жойларини, бор бисотини ва ҳаттоки хотинларини ҳам ўзлари олишларига шаръий йўл очган.

Абд ал-Ваҳҳоб 1730 йили дастлаб Нажд қабилаларини мана шу ҳаракатга даъват этади. Орадан уч йил ўтгач, ваҳҳобийлар Маккага бориб, ҳарамайн олимлари билан музокара қилади, аммо ўзларининг ҳақлигини далиллай олмайди. Макка қозиси Абд ал-Ваҳҳобни ҳам, унинг издошларини ҳам кофир, деб ҳукм чиқаради.

Шунга қарамасдан, 1740 йили Абд ал-Ваҳҳоб олти юз шериги билан ал-Жубайлга боради ва саҳоба Зайд ибн Хаттобнинг мўътабар даҳмасини вайрон этади. Орадан тўрт йил ўтгач, у ҳаракат кўламини кенгайтириш мақсадида Диръа амири Муҳаммад ибн Сауд билан битим тузади.

Ваҳҳобийлар ҳарбийлашган жангари ҳаракатга айлангач, араб қабилаларини бирлаштиради, деган шиор остида тарихда ҳеч унутилмас мудҳиш излар қолдирган. Муаррихларнинг ёзишича, улар қатор амирликларни босиб олиб, ўз ваҳшийликлари билан одамларни даҳшатга солади. Шунинг учун ҳам 1773 йили ар-Риёда ҳужум қилишганида, саросимага тушган аҳоли шаҳарни ташлаб сахрога қочади. Қочоқларнинг бир қисми қириб ташланади, қолганлари эса, жазирамада ташналикдан ўлиб кетади.

Ваҳҳобийлар ҳаётдаги ҳар қандай янгиликка бидъат сифатида қарайди ва дунёвий тараққиётга монелик қилмоқчи бўлишади. Ваҳҳоблар, Расули Акрам: *“Кимки, бир ишни қилибдур ва ул ишга бизнинг динимиз муваффақият этмабдур, ул ишга амал қилинмас”*, - дея марҳамат қилган (*“Риёз ус-солиҳин”*). Ва яна, *Сўзнинг аълоси -Аллоҳнинг каломи, йўлнинг аълоси - Муҳаммад алайҳиссалом йўли* эканини уқтирган. Ваҳҳобийлар эса, дунёвий янгиликларга қарши чиқади ва мўминларни ҳайратга солади. Чунки Куръони каримда: *“Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир!”*(24:45), *“Осмон ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга (ҳос)дир. У ўзи хоҳлаган нарсани яратур”*(42:49), - деган эслатмалар мавжудки, бу ояти карималар оламдаги *яратилиши* Парвардигорнинг иродасига мувофиқ бўлишини англатиб туради. Куръони каримда бу ҳақиқат қайта-қайта уқтирилган ва айтиланганки: *“Осмонлар ва Ердаги (барча) жонзот (ҳожатларини) Ундан сўрар. У ҳар кун фаолиятдадир”*(55:29).

Албатта, ҳар қандай фикр муайян бир мақсадга йўл очиш учун айтилади. Ваҳҳобийлар Пайгамбарнинг аҳли оиласи(аҳли байт)га ҳурмат кўрсатиш, ҳазрати Алига меҳр қўйиш ва унинг авлодини беозор деб ҳисоблаш ширк, деб даъво қилган. Шундан келиб чиқиб, улар ислом оламининг азиз сиймолари мақбараларини вайрон этган.

Айниқса, улар Имом Ҳусайн мақбарасини бузишга узоқ ҳозирлик кўради. Чунки зиёратгоҳда йиллар давомида беҳад-беҳисоб ҳалая ва инъомлар йиғилган эди. Ундаги дафина манаман деган шаҳаншоҳлар хазинасидан кам эмасди.

Хуллас, 1802 йилнинг 20 апрелида ваҳҳобийлар Карбало шаҳрига ёпирилиб киради.

“Ун икки минг ваҳҳобий кўкқисдан Имом Ҳусайн мақбарасига тажовуз қилишди, - деб ёзади франциялик хуфя Ж. Раймон. - Бу ёввойилар мисли кўрилмаган хазинани кўлга киритгач, қутуриб ҳужумга ўтишди ва ҳатто чолу камтирларни, бола-чақаларни ҳам аямай қиличдан ўтказишди, иккиқат аёлларнинг қорнини ёриб, ҳомиласини олиб сўйишди...”

Бу ёвузлар тўрт мингдан зиёд одамни қириб ташлади, қон бамисоли дарё бўлиб оқди...

Қирғин ва талон-тароғ эрталабгача давом этди, ваҳҳобийлар Имом Ҳусайн мақбарасини, шаҳардаги хонадонларни обдон талашди, сўнг вайрон этишди...

Шундан кейин ўз ўлжаларини тўрт минг туяга юклаб, қабилаларига қайтишди” (*“История Саудовской Аравии”*).

Ваҳҳобийлар ҳатто мақбарадаги қимматбаҳо ёпинчиққача талаб кетишади. 1803 йилнинг апрелида эса, улар Маккаи мукаррамага худди шундай тажовуз

қилишади. Каъбатуллоҳ ва Иброҳим мақомидан бўлак жамики қубба ва зиёратгоҳлар, ҳатто Расули акрамнинг аҳли байтлари ва Бақий қабристонидagi саҳобалар сағанаси қуббалари вайрон этилади. Расули акрам, Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, ҳазрати Али ва Фотима туғилган уйлар ҳамда меъморий ёдгорликлар бузиб ташланади. Орадан кўп ўтмай, бу ваҳшийлик ва талон-тарожга раҳбарлик қилган амир Абд ал-Азиз Турайф масжидида номаълум бир дарвеш томонидан пичоқлаб ўлдирилади. Ва ўша дарвешнинг ёнидан: *“Ал-қасосу минал-Ҳақ”* - *“қасос Ҳудодан”*, деган ёзув чиқади.

Ҳеч қутилмаган бу зарба ваҳҳобийларни шошириб қўяди, аммо орадан яна икки йил ўтгач, улар ўз кирдикорларини давом эттириб, Мадинаи мунавварага бостириб киради ва Расули акрамнинг масжидини талон-тарож қилиб, ўлжа олган қимматбаҳо ашёларни эллик минг риёлга сотиб юборишади.

Мана шундай ботил кирдикорлари учун ваҳҳобийлар *“маъбад бузувчилар”*, деб ном олган. Улар 1807 йили ҳатто ҳаж зиёратини ҳам таъқиқлаб қўйишган ва, оқибатда, *“диндан чиққанлар, Ҳудодан қайтганлар”*, деб лаънатланган.

Ўз вақтида тилла тақинчоқ тақиш, шойи либос кийиш - бидъат, деб дунёни бузган ва исломни асл ҳолига келтирамиз, деб мўминларни қирғин қилган Абд ал-Ваҳҳоб ва Муҳаммад ибн Сауд кейинчалик ўз ҳаётларини шу қадар ҳашаматли ташкил этадики, бу асъасаю дабдаба хорижий тарихчиларни, ҳатто Франциянинг ҳалабдаги консули Л. Корансезни ҳам ҳайратга солади. *“Бундай оқилларнинг барчаси ҳам одаларни инсофга ва камтарона яшашга ундаб, ўз фаолиятларини бошлайди ва раҳнамонинг шоҳона ҳаётга эришиши билан уни якунлайди”*, деб ёздаи у (*“История Саудовской Аравии”*).

Араб тарихчиси Ибн Бишрнинг қайд этишича, закотга тушган маблағнинг учдан бир қисми Сауд саройига сарфланган, унинг аҳли аёли Шомдан ва Ҳиндистондан олиб келинган ноёб шойи либослар билан безанган, Эроннинг нодир жавоҳирлари, тилла тақинчоқлари билан ўзларини зийнатлаган. Саройда мингдан зиёд қуллар ва чўрилар хизмат қилган.

“Сауд ўз саройидаги маҳобатни кўз-кўз қилишни яхши кўрарди, - деб эслайди Ж. Раймон. - Унинг серҳашам қасрига жило бериб турган зеб-зийнат, нақш-нигор беқийс шоҳона ҳаётни ўзида намоён этарди” (*“История Саудовской Аравии”*).

Россия Фанлар Академияси Африка институти директори А. Васильевнинг ёзишича, ўша даврда яшаб ўтган исломий уламолар, ваҳҳобийларнинг кирдикори жоҳилият давридаги қуфрдан беш баттар ёмон эканини уқтирган. Чунки *“ҳанбалий мазҳабидаги ўта бетоқат ва бирёқлама бу оқим “бидъатга қарши кураш” шиори остида ҳанафийларнинг тамойилларини инкор этди ва унга амал қилган Усмонлилар салтанатига қарши жаанг қилди”*.

Очиқ айтганда, ваҳҳобийлар ўз иттифоқига қарши курашди ва ўз амирликларига эга бўлмагунча талончилик, вайронкорлик ва қатлу қирғинни давом эттирди. Араблар: *“Мана, кўрасиз, вақти келиб, халифалик тахтида яна араб ўтиради”*, дейдики, буни ўз вақтида Ж. Раймон ёзиб қолдирган.

Бу машъум фитна Аллоҳ марҳамат қилган, Қуръони карим нозил бўлган ва илоҳий таълимот илдиз отган муборақ заминда ва, яна, ислом байроғи остида содир этилди. Шунинг натижаси ўлароқ XVIII асрнинг саксонинчи йилларида, Нажд минтақасида ваҳҳобийлар давлати юзага келди.

Тарихда у, Диръа амирлиги, деб қайд этилган...

Ваҳҳобийлар гоят ҳаддидан ошгач, 1813 йили Миср ҳукмдори Муҳаммад Али ва унинг қўшинлари Усмонлилар томонидан уларга қарши сафарбар этилади. Узоқ давом этган муросасиз уруш 1818 йилнинг 11 сентябрида ваҳҳобийларнинг яқсон этилиши билан якун топади. Қўлга олинган Диръа амири, имоми ва вазири Истанбулга олиб келиб, қатл қилинади...

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Наманганда содир этилган ваҳшийликлар ана шу тубан ҳаракатнинг юртимизга олиб кирилган айрим сарқитларидир.

Қаранг, орадан икки асрдан зиёд вақт ўтгач, шундай бир мўътабар заминда, дунёга маърифат улашган халқнинг баъзи бир одобсиз болалари шимининг пойчасини калта қайтариб, соқолига тиг тиккизмай юришни русум қилди.

¹ М а ь б а д - ибодат қилинадиган жой.

Бу тоифа аёллар каби қўлларини қўкрақда қовуштириб, оёқ кериб намоз ўқиди, имомга эргамай тўсатдан: “Аллоҳу акбар!” - деб шовқин солди, “Фарз” намозидан сўнг суннат намозини адо этаётган жамоатни оёқости қилиб, атай туртиб-суртиб масжиддан чиқиб кетишди.

Улар ҳар нарсани бидъат деб ёш боладек инжиқлик қилишди, миллий урф-одатларни поймол этмоқчи, ҳанафийлик қадриятларини диний амаллардан сиқиб чиқармоқчи бўлишди.

Намангандаги ёдгорликларни, “Меҳмон Вали” қабристонидagi мозорларни бузиб ташлашди ва жамиятни парчалай бошлашди.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон амалда фронтга чегарадош мамлакатга айланув қолган, чор атрофда қон тўкилаётган, минглаб одамлар қурбон бўлаётган, юз минглаб аҳоли хонавайрон қилиниб, сарсон-саргардонликка гирифтор этилган гоят хатарли бир даврда, ваҳҳобийлар хуруж қилиб, қўшни ўлкалардаги уруш алангасини юртимизга олиб кирмоқчи бўлишди, мудҳиш жиноятлар содир этиб, нотинчлик ва галаён келтириб чиқаришди. Ҳатто ўз ўтмишдошлари каби жаҳолатга берилиб, ҳокимлик биносини “босиб” олишгача етиб боришди.

Айрим олимлар, янги ваҳҳобийлар, деб атаётган бу бузғун тоифанинг такаббурлиги, Пайгамбарни, аҳли байтни ва азиз-авлиёларни тан олмаслиги, азалий қадриятларни поймол этиши, дунёдаги ҳар бир янгиликни залолат деб, ким бизга эргашмаса, у - кофир, ундайларни ўтда ёқамиз, керак бўлса, отамизга қарши жиҳод қиламиз, деб шовқин солиши, мухтасар айтганда, бош устимиздаги осмонни кўтариб тургандек иддао қилиши ўз вақтида жамоатчиликнинг қаҳру ғазабини оловлантириб юборган, аммо дунё кўрган халқимиз яна офир-вазминлик қилган, сукут сақлаган.

Уша даврда аксарият кўпчилик бу тоифа ва унинг ўтмиши ҳақида аниқ бир тасаввурга эга эмасди. Улар Наманганда содир этган ваҳҳийликлар, босқин ва талончилик, қасддан одам ўлдиришлар эса, ҳали очилмаганди...

1999 йилнинг 16 февралда Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Тошкентда содир этилган қонли қирғинлар бу манфур тўданинг ҳақиқий башарасини халққа танитди.

Ваҳҳобийлик деб аталмиш бу тубан ҳаракат ўзининг манфур ўтмиши, зулмкорлиги, содир этган мудҳиш қабохатлари билан халқнинг кўз олдида тўлиқ намоен бўлди ва чексиз нафрат ва қаҳру ғазаб уйғотди. Шу пайтга қадар уларнинг ҳавойи даввосига учиб, эс-ҳушини йўқотиб юрган айрим художўйлар ҳам асрлар давомида қон кечиб келаётган бу нопок қавмдан юз ўтирди.

Президент Ислом Каримов, баъзи бир ёшлар илмсизлик туфайли хато қилганини, агар, жиноят содир этмаган бўлса, улар албатта кечирилишини маълум қилгач, адашганлар, этилган бошни қилич кесмас, деб ҳатто хориждаги ҳарбий базалардан қочиб кела бошладилар. Бу эса, ваҳҳобий “амир”ларни баттар қутуртириб юборди, улар аламига чидай олмай, туғилиб ўсган юртга қайтаётган ўн етти йигитни қўшни ўлканинг тоғ йўлида шафқатсизларча қиймалаб ташлашди.

Бу жирканч ваҳҳийлик эл-юртнинг сабр косасини тошириб юборди.

Мана шу ёвуз ва даҳшатли кирдикорлари туфайли ваҳҳобийлар лаънатга учради ва халқимизнинг қарғишига гирифтор бўлди.

Ҳамма ҳазар қила бошлагач, шу бузғун оқимни Ўзбекистонда ёйган, издошларининг қонли кирдикорига бошчилик қилган Тоҳир Йўлдош яна риёкорлик қилди ва “Биз - ваҳҳобий эмасмиз, ҳанафиймиз”, деб расман баёнот берди.

У юзи қаро бўлгач, бурунги замон чопарларига ўхшаб иш кўрди, яроқсиз қирчангидан воз кечиб, бойловда турган аргумоққа эгар урди-да, яна йўлида давом этди. Унинг этагидан туган ва ҳамма нарсани бидъатга чиқариб, дунёни бузиб юрган ориятсиз, тўпори тоифа эса, нима бўлганини англай олмай, ҳайрон бўлиб қолаверди.

Худди ўша кунларда, 2000 йилнинг сентябрида Кобулда Толибон, Ўзбекистон ислом ҳаракати ва бошқа террорчи тўдалар вакиллари ўзаро

келганда, бундан буён асосан “ҳизбут таҳрир”¹ воситасида иш юритишга келишиб олишди (*“Независимая газета”, 2000 йилнинг 11 ноябри*).

2004 йилнинг баҳори ва ёзида Тошкент шаҳрида, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, пойтахтдаги хорижий элчихоналар ва Бош прокуратура биноси олдида, шунингдек, айрим хорижий ўлкаларда содир этилган террорчилик тажовузлари мана шу ҳаракатнинг энди юзага чиқадиган натижаси, десак, асло хато бўлмайди. Чунки улар бир хил тартибда ва ягона андоза асосида амалга оширилди, яъни, худкуш (камикадзе) ўз белига портлагич боғлаб, жамоатчилик орасига кириб, ўзини-ўзи портлатиш орқали ўзгалар ҳаётига тажовуз қилди.

- Уйлар портлаб кетган ўша қишлоққа мен тонг саҳарда етиб бордим, - деб ҳикоя қилади ромитанлик журналист Амрилло Бешимов. - Тасаввур қилинг: қишлоқнинг энг четида, магистрал йўлнинг ёқасида жойлашган иккита уй. ҳар қайси ҳовлининг саҳни эллик сотихдан ортиқ. Пўримгина иссиқхонаси, ҳаммоми, барча шарт-шароити мавжуд. Яна Нурмат Раззоқов Бухорода, тижорат дўконида ишлаган.

Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, унинг шериклари ҳам тушпа-тузук жойларда ишлаган, шу билан бирга, тижорат билан шуғулланган. Биринчи оилани таъминлаб қўйиб, иккинчи хотини билан яшаган. Уларнинг иккинчи хотинлари - Ғиждувон ёки Намангандан. Яъни, ўзларига ўхшаб, “шаҳар кўрган” жувонлар...

Хуллас, олдиндан етмишта идишда портлагич тайёрлаб қўйилган. Ўша оқшом саккиз нафар “ҳизб”ий Нурмат Раззоқовникига келиб, ўша портлагичларга детонатор ўрнатмоқчи бўлишган. Иккинчи идишга мослама қўяётган пайтда учкун чақнаб, портлаш рўй берган. Кўрганларнинг айтишича, уй осмонга кўтарилиб, бир лаҳза муаллақ турган, сўнг бирдан гўмбирлаб, тўрт томонга сочилиб кетган. Бешикдаги чақалоқ нақ эллик қадам нарига бориб тушган.

Уларнинг туриш-турмушига назар солсангиз, булар бемаврид ўлиб кетишни истаб турган одамлар эмас, деган ҳаёлга борасиз.

Қаранг, ўзлари учун ҳавас қилса арзийдиган шарт-шароит яратиб олишган. Дунё ҳаётига иштиёқи беқиёс бўлган одамларгина мана шундай бекаму кўст яшашга интилади.

Назаримда, уларнинг ортида қандайдир даҳшатли куч турибди, “ҳизб”ийларни ўлимга маҳкум этган шу! Ўша жувонлар, бари бир ўлдириб юборишади, деган гапни қайта-қайта айтганки, бу ҳам шуни тасдиқлайди.

Шу маънода, бу қабоҳатнинг динга ҳам, диёнатга ҳам, ишсизликка ҳам, жамиятга ҳам зигирча алоқаси йўқ. Қандайдир қора куч ҳаётимизга муттасил таҳдид солиб келмоқда, айрим ёшлар, ортиқча қизиқувчанлиги туфайлими, анойилиги туфайлими, шу ёвуз кучнинг чангалига тушиб қолмоқда. Улар масаланинг моҳиятини англаб етгач, пушаймон қилади, бироқ унинг човугидан чиқиб кета олмайди. Бу бало, афтидан, вабога ўхшайди. Вабога учраган одамнинг ҳаёти аксарият ҳолларда ўлим билан якун топади...

- Биз, у-бу, деймиз-у, лекин ўлим хавф солиб турган бўлса ҳам, ўздан ортиб, ўзгаларни ўйлайдиган одамлар бор экан, - дейди ҳуқуқшунос Эркин Йўлдошев. - Ўша куни биз постда турган эдик, олдин “Тико” келиб тўхтади, милиционер - ёш йигит, кейинги машинада экан, афтидан, у “ҳизб”ийни кузатиб келган, хуллас, бориб, “Тико”нинг ҳайдовчисини пастга туширди, кейин энгашиб, орқа ўриндикда ўтирган одамга бир нима деди. Сўнг қўққисдан орқага тисарилди, ёнида турган ҳайдовчини жон-жаҳди билан четга суриб юборди, ўзи эса...

У бегона бир одамнинг ҳаётини сақлаб қолди, ammo ўзи шу портлашда nobud бўлди. Ҳали-бери унута олмайман, шу йигитни...

Террорчиларнинг фавқулудда қабоҳати ўзининг ғайриинсонийлиги билан кишини сескантиради. Нимага десангиз, икки дарё оралиғида ҳеч вақт, ҳеч қачон бундай қабих жаҳолат содир этилмаган.

¹ “Ҳизбут таҳрир ал-исломий” - “Ислом озодлик партияси” (“Ислом. Энциклопедия”).

4. Дунёнинг сирү синоатлари

Одамзод табиатан сирли ҳодисаларга ўч бўлади. Ва камдан-кам ҳолда кўнглида рағбат уйғотган воқеа-ҳодисанинг замирида ётган ҳақиқатни муҳокама этиб кўради.

Ислои нозил бўлишидан аввал Ажамда Маздак Бомдодон деган шахс ўтган, у динлар тарихидан ва юлдузлар илмидан огоҳ бўлган, Аллоҳнинг охирги элчиси дунёга келишини ва у ёйган таълимот қиёматга қадар яшаб қолишини ҳам билган. Маздак, мана шу зот ўзи бўлишини жуда-жуда истаган ва, ахийри, ўзини оташпарастилик динини ислоҳ қилиш учун юборилган пайғамбар деб эълон қилган.

Бу гапдан хабар тошгач, шоҳ ундан ҳужжат талаб этган. Шунда Маздак, динимизга муҳолифлар зиён етказган, мен уни асл ҳолига келтириш учун юборилдим, сизлар меҳроб ва қиблага айлантирган муқаддас олов менинг пайғамбарлигимга гувоҳлик беради, деб уни ишонтирган. Хуллас, бир неча кундан сўнг мамлакатнинг аёнлари, коҳинлар ва бузурғлар оташхонага жам бўлган. Маздак, Худога ҳамду санолар айтач, муқаддас оловга қарата мурожаат этган ва унга жавобан шундай нидо келган:

- *Худоғўйларнинг Маздакка итоати фарздор!*

Хотинларни умумий қилиш асли Маздак Бомдодондан қолган. Бирон одамнинг аёли бошқа бировнинг кўзига чиройли кўринса, дарвоза тутқичига бош кийимини илдириб қўйиши кифоя бўлган. Хуллас, у инсон шаънига нолайиқ талай яроқсиз амалларни эл ичра ёйган, аммо узоққа бормай бадахлоқнинг ўзи ҳам шармандаю шармисор бўлган, доно ва тadbирли шахзода Нўширавон сохта “пайғамбар”нинг машъум сирини фoш этган.

Маълум бўлишича, оташхонага ер остидан лаҳм қазилган, жамоат жам бўлишидан илгари Маздакнинг ишончли роҳиби шу йўл орқали оташхона ичига келиб турган, Маздак савол бергач, у олдиндан келишилган жавобни айтаган...

Хуллас, 529-йили юзиқаро бўлган Маздак ўзининг ўн икки минг тарафдори билан бирга, оёғи осмонга қаратилган ҳолда тириклайин кўмилади. Лекин Ўша кунга қадар бу пасгаш тоифа қанчадан-қанча одамнинг оиласини иснодга қолдиради, ҳаётини бузиб ташлайди, энг ачинарлиси, маздакпарастилар кейинчалик ҳам мусулмонлар орасида фиқу фасод кўзғаб, имон-эътиқод йўлларига тўсқинлик қилади, ўзларининг тубан ва ярамас амалларида давом этади.

Инсон ўз нафсини енга олмас экан, бундай “сир”ли ҳодисалар, кундалик ҳаётда, каттаю кичик микёсда, вақти-вақти билан учраб туради. Ва бир қарашда улар хайрликдек, яхши тилакка хизмат этаётгандек бўлиб туюлади, аммо илдизига етиб борсангиз, шайтоний макру ҳийла намоён бўлади. Ва, энг ёмони, бундай ҳаракатлар замирида ёвуз ва ғаразли мақсадлар яширин бўлади, соддадил, зеҳни суи одамлар ҳадеганда унинг фарқига бормайди ва зиён кўрганлардан бўлиб қолади.

Ваҳҳобийлик ҳам, “ҳизбут таҳрир” ҳам ислоимиятта ортиқча рағбати бўлган, аммо илми бўлмаган тажрибасиз одам учун мана шундай бир “тилсим”дир.

Аслида, ваҳҳобийлар билан “ҳизб”ийлар бир олманинг икки палласига ўхшайди. Ваҳҳобийлар ўз вақтида халифаликни парчалаб ташлаган, чунки шундай қилмаса, ниятларини рўёбга чиқа олмас эди. “Ҳизб”ийлар эса, ўша ҳаракатни давом эттиришга, халифаликни қайта тиклашга даъват қилади. Бунинг замирида эса, оддий одамларнинг хаёлига ҳам келмайдиган улкан сиёсий ўйин ва манфаатлар мужассамдир.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, халифаликни қайта тиклаш ҳаракати кунни кеча пайдо бўлган эмас. Қолаверса, бу ташаббус “ҳизб”ийлардан чиққани йўқ...

1924 йилнинг 3 мартда Туркия Буюк миллат мажлиси халифаликни тугатиш ҳақида қонун қабул қилади. Бу расмиятчилик жаноза ўқишдек бир зарурият эдики, аслида халифалик аллақачон барҳам тошган ва унинг ўрнида янги давлатлар ва Европага вассал ўлкалар юзага келган эди. Гарчи шундай бўлса-да, орадан унча кўп вақт ўтмай, Усмонлилар салтанатини парчалаб ташлаган кучлар энди халифаликнинг афзалликларини даъво қила бошлайди.

Шарқшунос Н. А. Смирновнинг ёзишича, бу ҳаракатни биринчи бўлиб Британия қироллиги бошлаб берган, улар ўз мустамлакаси бўлмиш Мисрнинг подшоҳи Фуадни янги халифа сифатида тарих саҳнасига олиб чиқишга ҳаракат қилган ва, ҳатто, 1926 йилнинг майида, Қоҳирада Умумжаҳон халифалик конгресси чақиришга муваффақ бўлишган. Бу саъйи ҳаракат амалга ошса, Англия ўз мустамлакаси орқали мусулмон оламини таъсир доирасида тутиб туришга муваффақ бўлар эди. Аммо йирик мусулмон мамлакатлар ушбу анжуманда иштирок этишдан бош тортади, унда қатнашган давлатлар вакиллари эса, халифаликни қайта тиклашга ҳеч қандай ҳаётий зарурат йўқ, деб ҳисоблайди (*“Современный ислам”*).

Лекин шу билан бу масала бутунлай барҳам топмайди. Аста-секин халифалик даъвоси мусулмонлар орасида ихтилоф келтириб чиқариш ва исломга иснод келтириш учун ғоят қулай ва етакчи манбага айлантирилади, у ваҳҳобийларнинг, бу йўлда кимда-ким бизга эргашиб, у мусулмон эмас, биз унга ҳам шифқат қилмаймиз, деган “тамоийил”и каби бузғунчилик ва низога, талончилик ва қонли қирғинга йўл очади, мўминларни ҳалокат гирдобига тортиб, бир-бирига қарши қўйишга ва ич-ичидан бўлиб ташлашга хизмат қила бошлайди.

5. Амалпарастлик дарди бедаводур...

Британия ўз вассали Фуадни янги халифа сифатида мусулмон оламига тақдим этишга уринган ўша йилларда Миср аҳли учун мустамлакачиликдан халос бўлиш ҳаёт-мамот масаласига айланган эди.

Истилочиларга қарши кўзғолон ғоят кескин тус олган бир вазиятда, 1927 йилнинг мартида Сувайш канали бўйидаги Исмоилия шаҳрида Ҳасан ал-Банно раҳбарлигида “ал-Ихвон ал-муслимин” - “Мусулмон биродарлар” ассоциацияси яширин фаолият юрита бошлайди.

Шарқшунос Ш. Маҳмудбековнинг ёзишича, “Мусулмон биродарлар” халқнинг миллий озодлик ҳаракатини ҳеч қутилмаган томонга буриб юборувчи исломни асл ҳолига келтириш ва халифаликни қайта тиклаш шиорини илгари суриб чиқишади. Ҳасан ал-Банно эса, Ватан озодлиги учун эмас, балки очиқ-ойдин ҳокимият учун кураш олиб боради.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, мазкур ассоциация молиявий жиҳатдан Буюк Британия таъминотида бўлган.

Ҳасан ал-Банно: *“Мусулмон дунёси бошқа давлатлар билан муросасиз уруш ҳолатида яшайди, - деб ёзади. - Мусулмонларнинг асосий мақсади - ғайридинларни қириб ташлаш, соф динни ва исломий давлатни қарор топтиришдан иборат”*.

Афтидан, бу фикр мусулмонларнинг ашаддий душмани томонидан, исломнинг юзига қора чаплаш ва дунёдаги халқлар ва миллатлари орасини бузиб ташлаш учун қасддан илгари сурилган.

Ҳасан ал-Банно, *ҳокимиятни қандай қилиб қўлга киритсанг ҳам, бари бир, ўзини оқлайди*, дейди. Шу боис ўзи бу дунё жаннатига, амал ва шон-шавкатга интилгани ҳолда, издошларини у дунё саодатига, шаҳидлик ва жиҳодга даъват этади: *“ҳар бошда бир ўлим бор, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Шундай экан, Аллоҳ йўлида фидо бўлинг! Агар, шаҳид кетсангиз, у дунё саодатига мушарраф бўласиз!”*

У ҳатто, ўлимни қабул этиш санъати ҳақида китоб ёзган. Ва бу тушунчалар қон-қонига сингиб кетган “Мусулмон биродарлар” 1942 йилдан сўнг ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай тажовуздан тап тортмаган. Оқибатда, мамлакатнинг бош вазири Аҳмад Моҳир, Қоҳира полицияси генерали Салим Закий, судья Аҳмад Ҳазиндор каби кўзга кўринган бир қанча шахслар мана шу жаҳолатнинг қурбонига айланган.

Охир-оқибат, 1948 йилнинг декабрида ҳукумат “Мусулмон биродарлар” фаолиятини таъқиқлашга мажбур бўлади, бунга жавобан, ушбу ҳужжатга имзо чеккан бош вазир Маҳмуд Нуқраший ўлдирилади. Ўшанда Ҳасан ал-Банно ҳам, у бош бўлган ҳаракат ҳам мисрлик уламоларнинг лаънатига гирифтор бўлади. Ташкилотнинг тўрт мингта яқин фаоли ҳибсга олинади. Қотил қатл этилади. Лекин негадир ташкилот раҳбарига ҳеч бир зиён-заҳмат етмайди. Аммо

орадан унча кўп вақт ўтмай, Ҳасан ал-Банно яратган “ўлим гирдоби” унинг ўзини ҳам қомига тортиб кетади...

Тақдирнинг ўйинини қаранги, у салтанат жуда заифлашиб қолган, узатса, тожу тахтга қўли етадиган бир вақтда ўлим топган. Мана шу истехзоли воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турган “Мусулмон биродарлар”нинг ғоявий раҳбари Саййид Қутб бундан хулоса чиқариш ўрнига, ҳаракатга аввалгидан ҳам шиддатли тус берган.

“Сиёсий ҳокимиятни эгаллаш исломнинг ва бизнинг ҳаракатимизнинг Аллоҳ томонидан берилган ҳуқуқигина эмас, балки унинг асосий диний вазифасидир, - деб уқтиради у. - Бу йўлда кимда-ким қарши турса ва нимаки тўсиқ бўлса, уни йўқ қилиш жоиз”.

Албатта, бу, риёкорнинг ўз мақсади йўлида динни ҳаёсизларча суистеъмол қилишидир. Қаранг, у ҳеч уялмасдан, ҳокимиятни эгаллаш ҳуқуқи бизнинг ҳаракатимизга *Аллоҳ томонидан берилган*, деб даъво қилмоқда. Ўзингиз ўйланг, Аллоҳдан кўрққан, имони саломат бўлган одам шундай риёкорлик қилишга журъат эта оладими, ахир?!

Ҳукамолар айтадики, *хуббур-риёсат, яъни амалпарастлик дарди бедаводур*. Миср озодликка чиққач, 1952 йилнинг июлидан сўнг бу дарди бедаво янада кучаяди. “Мусулмон биродарлар” эндигина оёққа туриб келаётган ўз давлатларини қўллаб-қувватлаш ўрнига унинг йўлида гов бўлади ва, зудлик билан исломий давлат тузасан, деб мамлакат раҳбарига тазийқ ўтказади.

Давлат раҳбари Жамол Абдул Носир, халқ истибдодга қарши курашиб, озодликни қўлга киритди ва ўзининг тараққиёт йўлини белгилади, мен унинг хоҳиш-иродасига қарши бормайман, деб уларнинг талабини рад этади. Шундан сўнг “Мусулмон биродарлар” янада қаттиқ кўнгилчилик қилади ва мамлакатда тартибсизликлар уюштира бошлайди. *“Булар на миллатни, на унинг озодлигини, на унинг келажакини ўйлайди, - деб қуонади Жамол Абдул Носир. - Буларнинг тоғу тахт илинжидан ўзга дарди йўқ, мўътабар динимиз эса, мана шу йўлда бир восита, холос”.*

Саййид Қутб эса, ҳақиқатдан узоқлашиб, амалдаги тузумни ҳамда раҳбариятни обрўсизлантириш йўлида давом этади ва *ҳозир дунёвий ишларнинг юритилиши, амалдаги анъана ва қадриятлар, муассаса ва тузилмалар исломий эмас, балки ғайридиний*, деб сиёсат қилади ва бу ҳолатни жоҳилият давридаги адашувга ўхшатади. У, Жамол Абдул Носир бундан тазум ҳам жоҳилият тузумининг ўзгинасидир, деб мусулмонларни исёнга чорлайди.

Ҳолбуки, Парвардигорнинг: *“У яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур”*(16:8),- деган қавли мавжуд. У *“ўзи хоҳлаган нарсани яратишига қодирдир”*(42:50).

Бу ояти карималар яратиш ва яратилиш, дунёвий такомил мудом Яратганнинг измида эканини аниқ-равшан аниқлаб туради.

Қолаверса, бу даврда Мисрнинг тараққиёт йўлидаги соғлом интилишлари араб оламида жиддий эътибор топаётган эди. Лекин “Мусулмон биродарлар” бу ҳақиқатларни англагани-кўргани ҳолда улардан кўз юмади ва мамлакат сиёсатига путур етказишда давом этиб, ҳукумат амалга ошираётган ўзгартишларни муттасил қоралайди, келажакка нисбатан шубҳа ва ишончсизлик уйғотади, мана шунинг оқибатда тарафларнинг қарама-қаршилиги янада кучаяди. Аммо ҳукуматни ёмонотлиқ қилиш, фитна ва бузғунчилик содир этиш билан, бари бир, кутилган натижага эриша олмайди. Шундан сўнг улар ўзларининг *“йўқ қилиш жоиз”* деган разил тамойилларига биноан, 1954 йилнинг 26 октябрида, Искандария шаҳрида давлат раҳбарининг ҳаётига суиқасд қилишади.

Ана шундан кейин “Мусулмон биродарлар”нинг етти нафар раҳбари қатл этилади, ўн саккиз минг фаоли ҳибса олинади, қочиб қутулганлари эса, тарикдек тирқираб кетади.

6. Вафонинг шарти меҳрибонликдир...

Агар, сиз “ҳизбут таҳрир”нинг “Сиёсий фикрлар” қўлланмаси билан танишиб чиқсангиз, ҳақиқатан ҳам бу сарқит ўтган асрнинг ўргаларида,

парчаланиб кетган “Мусулмон биродарлар”нинг оқоваси сифатида юзага келганига ишонч ҳосил қиласиз. Бу фирқа асосини ҳам Саййид Қутбнинг юқорида айтиб ўтилган ғайриинсоний қарашлари ташкил этади ва унга беҳаёлик, қабиҳлик ва зolimлик бағишлайди. Шу билан бирга, қўлланмадаги фикрлар гоятда эскирган ва ибтидоий, улар фитна солишдан ва асабий тиш қайрашдан иборатдир.

Қўлланмадаги ҳар бир фикр гараз ва адоват билан айтилган, шунинг учун кўнгилда ғашлик қўзғайди. Аммо ҳаётга енгил қарайдиган, юзаки фикрлайдиган, ўйинқароқ одамларда ўзга дин аҳлларига нисбатан нафрат ҳиссини уйғотиши табиий.

Балки бу, мусулмонлар орасига нифоқ солиш учун қилинган фитнадир, балки бу, дунёда хусумати бўлган бир аламзаданинг душманлигидир, деб ўйлайсиз, аммо бу фикрлар қачон ва ким томонидан, кимнинг манфаатини кўзлаб айтилган, деган саволлар мазкур қўлланмада *нимагадир* жавобсиз қолдирилган.

“Сиёсий фикрлар”: *“Халифалик давлати тугатилиб, исломий юртларда куфрнинг бошқарув низомлари татбиқ қилина бошлагандан буён ислом сиёсий жиҳатдан тугатилди”*, деган таъна билан бошланади.

Бейхтиёр, нима, ислом сиёсий ва носиёсий жабҳаларга бўлинадими, деб ўйлайсиз. Чунки Расули акрам: *“Дин Аллоҳ ва унинг Расули, мусулмонларнинг имомлари ва барча мусулмонлар йўлида қилинадирган насиҳатдур”*, деган. Қолаверса, бу мўътабар дин Иброҳим халилуллоҳ давридан буён яшаб келмоқда, аниқ айтганда, халифаликкача ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд.

“Сиёсий фикрлар”ни мутолаа қилсангиз, мазкур қўлланма: *“XX аср бошларида инсонларнинг дилларида ислом ва исломга ҳурмат бор”* эди, кейин дунё тасқари айланиб кетди, *“Аллоҳни тарк этган халқда бузуқлик ва зулм кенг тарқалади. Ҳаётда сиёсий курашни юзага келтириш учун уни аввало дилларда пайдо қилиш”*, *“мусулмонларни уйғотиш”* ва *“умматни озод қилиш керак”*, деган таъна ва маломатдан, аниқ айтганда, халифаликни ўрнатил ва оламга исломни ёйиш, бунинг учун эса, жиҳод қилиш даркор, деган кутқудан иборат эканини кўрасиз.

Наҳотки шундай бўлса? Мусулмонлар Аллоҳни тарк этдимиз? Уни яна дилларда пайдо этиш керакми?

Ахир, ўтган минг йилдан ошиқ вақт мобайнида исломий ақидалар одамларнинг қон-қонига сингиб кетди-ку!

Ҳатто, араб алифбосидаги жамики китоблар йиғиб олинган, масжид ва мадрасалар вайрон этилган, ўн минглаб уламолар қатл қилинган, *“Дин афғондир”*, деб ҳар қадамга ёзиб қўйилган, худосизлик давлат сиёсатига айланган истибод даврида, гоятда даҳшатли ва фожиали йилларда ҳам мусулмонлар имондан қайтган эмас. Одамлар намозу ҳайитни қанда қилмаган, никоҳсиз келин туширмаган, жанозадан қолмаган.

Мана шу ишларга сиёсий баҳо берилганида, кимдир партиядан ўчирилган, кимдир ишдан олинтган ва яна кимдир қамалган.

“Бизнинг болалигимиз урушнинг оғир йилларига тўғри келган, - деб эслайди Президент Ислам Каримов. - Инсон боласи бир тўғрам нон ташвишидан ортмаган, дину динат ҳақида гапириш ман этилган ўша таҳликали даврда ҳам Имом Бухорий тўнлаган ҳадислар, Имом Мотуридий ўғитлари, Баҳоуддин Нақшбанд тариқати билан боғлиқ ҳикоятлар кечки оилавий суҳбатлар асосини ташкил этарди”.

Биз истаимизми, йўқми, ислом бизнинг кундалик ҳаётимиз, каттаю кичик бирдек амал қиладиган урф-одатларимиз, ахлоқий тамойилларимиздир. Фақат буни ҳеч ким ўзини кўрсатиш учун атай қилмайди ва сиёсий, носиёсий жабҳаларга бўлмайди.

“Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон купларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. “Шукр” деган каломни ҳар кун айтмайдиган бирон инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи!” - дейди Президент Ислам Каримов.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу дарёдил халқ доимо Аллоҳнинг ёди билан яшайди. Дунёда ундан кўра оққўнгил, имонли ва ориятли, инсофли ва меҳр-

оқибатли бирон-бир миллат ёки элат бўлса, айтнинг, мана бу қавм сизлардан кўра афзалроқдир, деб...

Донишмандлар, *вафонинг шартли меҳрибонлиқдир*, дейдилар. Модомики, ушбу қўлланмани тайёрлаган шахс шунчалик исломшараст экан, нега Расули акрам суннатларига амал қилмайди? Агар, ҳақ бўлса, нега жамоат олдига чиқиб, очиқ юз билан иш юритмайди? Ва илмсиз, тажрибасиз ёшларни исломий маърифатга эмас, балки ўзлари ўйлаб топган жиҳодга, яъни худкушликка, ўзини-ўзи портлатиш ва ўз биродарларини ўлдиришга даъват этади?!

Ахир, бу бориб турган разолат-ку, исломга зид-ку!

Бундай қабиҳ кирдикорларни Яратган ҳам кечирмайди.

“Сиёсий фикрлар”да уқтирилишича, *ҳатто Фаластин муаммоси ҳам жузъий масала бўлиб, исломий уммат қаршисида турган ва зарур чора-тадбирни талаб қилаётган иш халифаликни тиклаш масаласидир*.

Бу фикр кишида таажжуб уйғотади, нимага десангиз, бу ҳаракат 1953 йили Исроилда, фаластинлик Тақийуддин Набаҳоний томонидан ташкил этилган. Бу жанобнинг ўз юрти ногинч бўлиб турган бир вақтда, *“халифаликни қайта тиклаш ва бутун оламга исломни ёйиш”*дек жаҳоний масалани илгари суриши, очарчилик ва қонли террор авжига минган йигирманчи йилларда большевиклар *“жаҳон революцияси”* деган оламшумул чақирик билан инсониятни чалғитиб юборганига ўхшаб кетади.

Мана, орадан шунча вақт ўтди, на жаҳон революцияси амалга ошди, на “ҳизб” ийлар “жузъий” деб ҳисоблаган масала ўз ечимини топди. Ҳамон Тақийуддин Набаҳонийнинг набиралари гоятда замонавий танкларга қарата палахмондан тош отиб юрибди. Лекин бу мунофиқ экиб келган қабоҳат уруғи ҳамон тинч ўлкаларга ногинчлик, осойишта хонадонларга ташвиш ва кулфат, мўътабар динимизга эса, иснод ва маломат олиб келмоқда. Мусулмонларни оёғидан ушлаб, дунёвий тараққиётдан орқага тортмоқда, ўз ёғига ўзини қовурмоқда...

7. Халифалик

“Ҳизбут таҳрир” даъво қилаётган халифалик масаласи аслида боши берк кўчадир. Бу йўл бир марта босиб ўтилган. Ўз вақтида халифалик тахти учун бўлган курашлар мусулмонлар иттифоқига жиддий шикаст етказган, кўпдан-кўп бузғун оқимларнинг келиб чиқишига ва ҳеч унутилмас оғир жудоликларга сабаб бўлган.

Маълумки, ҳазрати Алининг халифалик даврида Шом волийси Муовия халифалик тахтини талаб қилиб майдонга чиқади. 657 йили Сиффин воҳасида ҳар икки мусулмон қўшин ўртасида қаттиқ ва беомон жанг бўлади, бу уруш саксон минг одамнинг ёстиғини қуритади.

Ҳазрати Алининг қўли баланд келгач, Муовия тараф Куръони каримни ўртага қўйиб, сулҳ талаб этади, яхшиси, ҳар икки томондан ҳакам сайлайлик, улар халифалик масаласида бир битимга келсинлар, дейишади.

Ҳакамлар маслаҳати ҳали яқун топмай туриб, шомликлар вакили, ҳазрати Алининг ризолиги олинди, Муовия халифаликка қабул этилди, деб шовқин солади.

Тарихда “ҳакамайн воқеаси” деб аталмиш шу машъум ҳодиса кейинчалик кўпдан-кўп бўлиниш ва аянчли оқибатлар келтириб чиқарди.

Гарчи ҳазрати Али яна қон тўкилишини истамагани учун фитнаю фасодга гоятда вазминлик билан ёндашса-да, ноҳақликка чидай олмаган ўн икки минг тарафдори ундан юз ўтиради ва ажралиб чиқади. Улар халифани сусткашликда айблайти ва жаҳолатга берилиб, ҳатто унинг ўзи билан урушишгача бориб этади. Оқибатда, шикаст топиб, ашаддий мухалиф кайфиятда тарикдек сочилиб кетади.

Кейинчалик **хорижийлар** дея ном олган бу тоифа алам ва хусумат туфайли бузғунчилардан бўлиб қолади ва, ҳад билмай, кўпдан-кўп ботил ҳаракатларни келтириб чиқаради. Улар оёғи етган жойда мўминларни йўлдан уради, чиркин ва бўлмағур амалларга даъват этади...

Рошид халифалар ва ҳидоятли имомлар Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ҳамда Али ибн Абу Толибнинг, шунингдек, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг ўлдирилиши, Пайгамбар авлодига жиддий шикаст етказилиши, мўминларнинг бир-бирига таъна-маломат ёғдириб, ўзаро адоват тутиши ва бўлиниши, хуллас, ислом тарихида битмас жароҳат қолдирган жамики кулфат ва йўқотишлар аслида ҳавойи нафс ва тожу тахт учун бўлган ҳақ-ноҳақ курашлар билан бевосита боғлиқдир.

Кишилиқ жамияти буни унутган эмас, бу, ҳаёт бор экан, яшайдиган тарихдир. Лекин нимагадир “ҳизб”ийлар ўз “Сиёсий фикрлар”ида бу воқеаларни мутлақо “четлаб” ўтади. Ва уларнинг даъвоси ҳам гоёгдa аломатдир, *зўёки халифалиқ соясида мусулмон халқлар азизу мукаррам бўлиб яшаб келишган, аммо Европанинг сиёсий ишлари, Усмонлиларнинг ҳолдан тойиши, сиёсий тафаккурдаги хатоси ва адашиши натижасида мана шундай мўътабар давлат барҳам топиб кетган* эмиш!

Улар гапни айлангириб келиб, жамики айбни Усмонлилар бўйнига юклайди, Мустафо Камол Ота Туркни эса, исломий давлатни янчиб ташлаган бетавфиқ ва хиёнаткор сифатида лаънатлайди. Ўзларини эса, мусулмон халқлар азизи мукаррам бўлиб яшасин деб курашаётган фидойилар сифатида тақдим этади.

Аччиқ тарихий ҳақиқатлар эса, бу уйдирма сафсатани мутлақо инкор қилади.

Маълумки, XVIII асрнинг бошларига келиб, Европадаги кучли давлатлар дунёни, биринчи навбатда, мусулмон оламини қайтадан бўлиш ҳаракатига тушади. 1735 йилдан сўнг чор Россияси Усмонлилар салтанатига қарши муттасил уруш олиб боради. Шу билан бирга, у Шарқни истило этишга киришди.

Хусусан, 1865 йили жаҳон миқёсида муҳим аҳамият касб этган Сувайш канали ишга туширилгач, қудратли давлатлар Форс кўрфазини ўз тасарруфига олиш учун очиқ кураш бошлайди. Франция Гибралтар бўғозидан Сувайш каналигача бўлган ҳудудни ўз таъсир доирасида сақлашга интилади, Буюк Британия кўшинлари эса, 1882 йили Мисрни босиб олади, чунки Ҳиндистонга ҳарбий ва тижорат кемалари қатнови учун бу ҳудуд сув билан ҳаводек зарур эди, қолаверса, Афғонистонни истило қилиш жараёни ҳали поёнига етмаганди.

1895 йили Буюк Британиянинг бош вазири Солсбери Усмонлилар салтанатини (“ҳизб”ийлар таъбири билан айтганда, халифаликни) парчалаш ва уни истифода этиш масаласини кун тартибига қўяди. Унга кўра, Арабистон, Миср, Судан ҳамда Нил ва Фурот дарёлари кўрфазлари Буюк Британиянинг қўл остида бўлиши лозим эди. Оқибатда Усмонлилар салтанати ташқи кучларнинг қақшатқич зарбасига учрай бошлайди. Инглизлар 1899 йили Суданни ишғол этишади...

Мана шундай қалтис бир вазиятда, 1843 йилда Файсал ибн Туркий ар-Риёдда ваҳҳобийлар амирлигини қайта тиклайди ва уни кенгайтириш учун, ўзи эътироф этганидек, отаси Туркий каби, инглизлар билан изчил ҳамкорлик қилади. Кейинчалик унинг ўғиллари Сауд билан Абдурахмон ҳам худди шундай йўлдан боришган.

Тарихчиларнинг ёзишича, ўша нотинч ва инқирозли замонда ваҳҳобийлик ҳам, уларнинг жангари “таълимоти” ҳам бировнинг хаёлига келган эмас. Чунки очарчилик ва қаҳатчилик ҳукм сурган, юқумли касаллик тарқалиб, минглаб одамлар қирилиб кетган. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган. Шунга қарамасдан, ака-ука Абдуллоҳ билан Сауд тожу тахт таллашиб, бошқа амирликларга ҳужум қилган, босқин ва ғалаён содир этган, мамлакат ичида нотинчлик ва беқарорлик келтириб чиқарган.

1904 йилнинг ёзидан бошлаб ваҳҳобийлар (Абд ал-Азиз) британиялик майор Перси Кокс билан доимий муносабат ўрнатади ва Усмонлилар салтанатига қарши очиқ кураш олиб боради. Шунанда бўлиб ўтган жанг Нажд минтақасига халифалик таъсирини батамом синдиради. 1911 йили Ибн Сауд Усмонлиларга яна бир қақшатқич зарба беради - Буюк Британия билан ҳамкорлик битимини имзолайди.

Ваҳҳобийлар шу билан чекланиб қолмайди, улар 1913 йили ал-Ҳасанни ҳам ишғол этишади. 1915 йилнинг 26 декабрида эса, Дарин оролида Буюк Британия билан “Катиф шартномаси” имзоланади. Унга кўра, Нажд, ал-Ҳаса,

ал-Катиф, ал-Жубайл ваҳҳобийлар суверенитети (вассаллиги) таркибига киритилади ва бошқа бир халқ ёки мамлакат билан аҳднома тузмаслик ҳамда Нажд амирлиги худуди Буюк Британия назорати остида бўлиши қатъий белгилаб қўйилади. Шундан сўнг ваҳҳобийлар Буюк Британия томонидан замонавий қурол-аслаҳа билан таъмин этилади.

“Мустақил Арабистон масаласи бизнинг Шарқ сиёсатимизда доимо асосий тамойил бўлган, - деб ёзади Буюк Британия Мустамлакалар вазири лорд Мильнер, 1919 йилнинг 16 майида. - Бунинг маъноси шуки, Арабистон ўзича мустақилликка эришган тақдирда ҳам, Европадаги сиёсий ўйинлар доирасида ҳоли бўлади ва Британия қироллиги таъсир доирасида туради. Бошқача айтганда, унинг маҳаллий ҳукмдорлари биздан бўлак бирон-бир мамлакат билан аҳднома тузмайди”.

Ўша даврда Арабистон деганда Нажд, Ҳижоз, Жабал-Шаммар, Асир ва Яман кўзда тутилган, Британия қироллиги маъмур амирликларни Нажд давлати таркибига қўшиб юбориш йўлидан боради. Шу боис Абд ал-Азиз Ҳижозни истило этиб, Маккаю Мадинаю ўз тасарруфига олишга муваффақ бўлади.

Ҳолбуки, 1922 йилнинг 21 ноябрида ал-Укайрада бўлиб ўтган музокарада Буюк Британия вакили Перси Кокс Нажд давлати чегарасини қизил қалам билан, жуда аниқ қилиб чизиб берган эди, лекин орадан унча кўп вақт ўтмай, улар мустақил Ҳижоз амирлигини ва унинг қироли Алини ваҳҳобийлар учун қурбон қилиб юборади. Шунинг учун ҳам Абд ал-Азиз Перси Коксга лутф қилиб, *сиз мени йўқдан бор қилган, шу юксак мартабага олиб чиққан ота ўрнидаги отам, она ўрнидаги онамсиз, истасангиз, давлатимнинг ярмини, истасангиз барини сизга ваъфа этаман*, дейди (“История Саудовский Аравии”).

Лекин “ҳизб”ийлар ўз “Сиёсий фикрлар”ида нимагадир бу ҳақда ҳам лом-мим демайди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, бу сиёсий ўйинлар Биринчи жаҳон уруши бошланган, Усмонлилар Германия тарафдори сифатида урушда сафарбар этилган мушкул бир вазиятда амалга оширилган.

1914 йили Британиянинг генерал Таунсен бош бўлган қўшини Сувайш канали, Нил ва Фурот водийларини ишғол этади. 1915-16 йиллар улар Ироқни босиб олиш учун кетма-кет ҳужум қилишади, бироқ Усмонлиларга бас кела олмай, мағлуб бўлишади. Худди шу даврда британиялик ҳарбий хуфялар араб қабилаларини ғалаён кўзгашига даъват эта бошлайди. 1916 йилнинг октябрида инглиз зобити Т. Лоуренс Маккага келиб, урушдан сўнг мустақил араб давлати тузиб берамиш, деган ёлғон сафсата билан мусулмонлар орасига қандай низою ихтилоф солганини ўзи ёзиб қолдирган. Натижада кўпдан-кўп очик ва яширин бузғун ҳаракатлар юзага келади, ҳақ-ноҳақ ғалаёнлар авж олади. Худди шу вазиятда чор Россияси қўшинлари Битлисга қадар бостириб киради. 1917 йилнинг мартаида эса, инглизлар Бағдодни, кейин Ливанни, ундан сўнг Сурия билан Фаластинни ишғол этишади (*“Всемирная история”*).

Шу тариқа халифалик ҳам, Усмонлилар сулоласи ҳам биратўла барҳам топади. Бу ишда инглизларга кўмак берган араб амирликлари эса, айланиб келиб, Британиянинг истилосига тушиб қолади ва унинг дунёдаги ҳукмронлик мавқеи янада ошишига хизмат этади. Лекин “ҳизб”ийлар бу ҳақда ҳам лом-мим демайди. Аксинча, улар, *Усмонлилар ғайриисломий фикр ва қонунлар қабул қилди ва уларни исломдан деб эътибор қилди, оқибатда давлатнинг парчаланishi ва мусулмонларнинг хорлик ва тубанликка тушишига сабабчи бўлишиди*, деб далилсиз тухмат қилишади. Албатта, бу бориб турган риёкорликдир.

Эҳтимол, улар бу ҳақиқатдан кўз юмишни истар, аммо бўлиб ўтган воқеаларни тарих саҳифаларидан ўчириб ташлаш асло мумкин эмас.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: XX асрнинг бошларига келиб, нима учун мусулмонлар Сталиннинг ва ёки қандайдир Перси Кокснинг марҳаматига мунтазир бўлиб қолдилар? Нега улар ҳатто ота-боболаридан мерос қолган ўз Ватанларининг чегарасини белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар?..

Вақтида келажакни ўйламагани, дунёвий тараққиётдан орқада қолиб кетгани учун эмасми?

Эҳтимол, кимдир мана шу жараён яна давом этишини истар? Шу мақсадда “ҳизбут таҳрир”ни ўйлаб топгандир? Ва, бу сарқит ўша сиёсий ўйинларнинг давомидир, балки?!

Ҳаётга очиқ кўз билан қарайдиган ҳар қандай одам, XXI асрга келиб содир этилаётган бу жаҳолат исломга ва ислом аҳлига қасддан душманлик қилиш эканини англамай иложи йўқ.

“Ҳизб”ийлар, ўзларига қулай бўлсин учун, Расули акрамни “давлат раиси” деб сифатлайди. Бу эса, улар чалкаштирган масалага баъзи бир ойдинликлар киритишни талаб этади.

Гарчи, халифалик деганда дастлабки исломий жамият, халифа деганда эса, уни бошқарган раҳбар тасаввурда намоён бўлса-да, аслида халифалик (*ноиблик, ўринбосарлик*) пайғамбарларга берилган нисбатдир.

“Эсланг, (эй, Мухаммад,) Парвардигорингиз фаришталарга: “Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман”, деганида, улар айтдилар: “У Ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан сени мудом улуғлаймиз...” (Қуръони карим, 2:30).

Аллоҳ таолонинг ҳукмига кўра Одам алайҳиссалом унинг ердаги биринчи халифаси этиб тайинланган, Расули акрам эса, Парвардигорнинг рўйи заминдаги охириги халифасидир.

Абу Бакрга: *“Ё, Аллоҳнинг халифаси!”* - деб мурожаат этишганида, у: *“Мен Расулуллоҳнинг халифасидурман”*, - дейдики, бу ҳам шунинг тасдиғидир.

Халифалик масаласига ўз вақтида Расулуллоҳ кундай равшанлик киритган. Жобир ибн Сумранинг ривоят қилишича, бу муборак зот: *“Ун икки киши амир (халифа) бўлғай”,* дейди (“ал-Жомий ас-саҳиҳ”). Ҳаётининг охирида эса, Расули акрам уқтирадики: *“Менинг вафотимдан кейин халифалик ўттиз йил давом этади. Ундан кейин амирлик ва подшоликлар бошланади”* (“Сунани Термизий”).

“Расулуллоҳ айтган эдилар:

- *Мендан кейин ўттиз йил халифалик бўлғай, ундан кейин подшолик бўлғай.*

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ икки йилу уч ой, ҳазрат Умар ўн йилу олти ой, ҳазрат Усмон ўн икки йил, ҳазрат Али тўрт йилу тўққиз ой, Имом Ҳасан олти ой халифа бўлдилар.

Бу бешовларининг халифалик даврлари ўттиз йилга тўлиб, Расулуллоҳ айтганларидек бўлди” (*“Тарихи Мухаммадий”*).

Халифалик ўз даврини ўтаб бўлгач, у диний нуфузни сақлагани ҳолда, ҳукмронлик султоннинг қўлига ўтди, кейинги минг йилликда эса, султон - дунёвий раҳбар, имом - диний раҳнамо сифатида фаолият юритиши тамойилга айланди.

8. Уруш васвасаси

“Ҳизб”ларнинг даъвосича, *“сиёсий фикр фикрлар ичида мутлақ олийсидир”*. Афтидан, улар ўз сиёсий фикрларини Аллоҳнинг калюми - калимаи тавҳиддан ҳам улуғ деб билади, шунинг учун Қуръони карим оятларию ҳадиси шарифларни ўз маслақларига “бўйсундиришади”...

Абу Абдуллоҳ Торик ибн Ошим розиёллоху анҳу айтдики: *“Мен жаноб Расулуллоҳ бу сўзни айтиб турганига шохид бўлдим: “Кимки “Ло илоҳа иллаллоҳу” деса, унинг молига ва жонига ҳамла қилмоқ мусулмон учун ҳаром бўлур ва унинг аҳволу руҳиясини муҳосаба этмоқ Аллоҳ таолонинг ўзига ҳаволадур”*.

Имом Муслим келтирган бу ҳадиси шарифда калимаи шаҳодат исломнинг етакчи руқни сифатида тақдим этилади ва мусулмонларнинг аҳволу руҳиясини муҳосаба этиш Яратганнинг ўзига ҳавола қилинади. Чунки бу борада бандаси ожиздир. Шу боис имон келтирган мўминнинг бири - баланд, бири - паст ҳисобланмайди. “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”да келтирилган ҳадис мана шунинг тасдиғидир.

“Абу Бакр закот тўламоқдан бош тортганларга қариш уруш қилмоқ лозим деб ҳисоблағанда, ҳазрат Умар: “Уларга қариш қандай уруш қилғайсиз? Ахир, Расулуллоҳ: “Одамлар “Ло илоҳа иллаллоҳу” деб айтмагунларига қадар уруш қилмоғим менга амр қилинди, агар шундай десалар, жону моллари менадан омон қолур!” - деганлар-ку!” - деди”.

Ушбу ҳадисда закот тўлашдан бош тортган мўминлардан уни қандай

ундириш масаласи муҳокама этилиб, гарчи ислом арконларидан бирини адо этмаган бўлсалар-да, имон келтирганлар билан урушиб бўлмайди, чунки буни Расули акрам ман этган, дейилмоқда.

“Ҳизб”ийларнинг амаллари эса, бунинг зиддидир. Улар ҳатто ҳадиси шарифларни ҳам ўз раъйларича истифода этади: *“Сиёсий онг оламга муайян бурчакдан туриб қарашидир, бизга нисбатан олганда, исломий ақида бурчаги - “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-р-Расулulloҳ” - бурчагидан қарашидир.*

“Мен инсонларга то Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур-р-Расулulloҳ, деб айтгунарлича уруш қилишга буюрилдим. Агар шу калимани айтсалар, мол ва жонлари омонда, илло ўз ҳаққи билан”.

Сиёсий онг мана шудир”.

Кўриниб турибдики, бу ўринда, *ер юзида исломга кирмаган битта ҳам одам қолмаслиги даркор, токи шунгача уруш олиб боришимиз шарт*, деган хулоса келиб чиқади. Унинг замирида эса, вайронкорлик, қабоҳат ва қиргинбарот уруш иддаоси ётибди.

Ваҳоланки, Қуръони карим оятлари ва Расули акрам ҳадислари истифода этилар экан, биринчи навбатда улар қачон ва қандай тарихий шароитда, қандай ижтимоий зарурат юзасидан айтилгани ойдинлаштирилиши лозим.

Бу масала атай мавҳум қолдирилса, оят ва ҳадис мақсадга мослаб, юлиб олиб ишлатилса ва улар ғаразли ниятда таъвил қилинса, айрим дунёбеҳабар ёшлар масалага “ҳизб”ийларнинг “бурчаги”дан қараши, ҳовлиқиши ва, ҳақиқатан ҳам, “сиёсий онг мана шудир”, деб чалғиб кетиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам Расули акрам: *- Кимки Қуръонни ўз раъйича таъвил қилибди, батаҳқиқ ўзига жаҳаннамдан жой ҳозирлабди, -* дея огоҳ этган.

“Ҳизб”ийларнинг даъвосича, *“Исломий ақида мусулмонларнинг исломий ҳаётни қайта бошлаш ва даъватни ёйиш учун, яъни мусулмонлар тақдирини ҳал қилувчи масалани ечиш учун гуруҳ ёки ҳизб ёки жамоа шаклида фаолият кўрсатишларини вожиб қилади”.*

Мана энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, нима, исломий ҳаёт тўхтаб қолган эдимиз? Мусулмонлар тақдирини ҳал қилувчи масала халифаликми? Ким гуруҳ ёки ҳизб ёки жамоа шаклида фаолият кўрсатишни **вожиб** қилади?

Бутун 120 дан зиёд мамлакатда мусулмонлар яшаб, уларнинг нуфуси 1 миллиард 315 миллиондан ошган бўлса, Жаҳон Олий Ислом кенгаши, Ислом конференцияси ташкилоти, Ислом Олами уюшмаси, Ислом Олами конгресси, Европа Ислом кенгаши, АҚШ Олий Ислом кенгаши каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ишлаб турган бўлса-ю, исломий ҳаёт тўхтаб қолди, деб кутку солишдан, одамларни далвай қилиб чалғитишдан мақсад нима ўзи?

Мисол тариқасида биргина Ўзбекистоннинг ўзини олиб кўрайлик, кейинги ўн икки йилда қирқ мингдан зиёд мусулмон ҳаж зиёратига муяссар бўлди. Халқаро ислом тадқиқот маркази, Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти, ўн та мадраса ва икки мингта яқин масжид юзага келди.

Мусулмон оламининг забардаст устунлари бўлмиш донишманд боболаримизнинг ва азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳлари исломий маърифат ўчоқларига айланди.

Бутун Қуръони карим ва ҳадиси шариф кириб бормаган бирон-бир хонадон топилармикан?!

Хўш, бу жаноблар олдин қаёқда эди? Ахир, қуни кеча эмасмиди, олимлар туғишган жигарининг жанозасига боргани учун калпакнинг остида қолиб, ўлиб кетгани!

Наинки диний маросимлар, ҳаттоки Аллоҳнинг номини тилга олиш тақиқлаб қўйилган, ҳилолнинг тасвири бўлгани учун қабртошлар бузиб ташланган, “Худосизлар жамияти” дунёни тескари айлантган шўро замонида қаёқда эди улар?

Истибодд зулми жонимиздан ўтган, қон ютиб яшаган ўша оғир кунларда нега улардан бир садо чиқмади?

Бутун, юрт озодликка чиққач, нега энди улар биз билан Яраттаниннг ўртасида воситачилик қилмоқда?

“Ҳизб”ийлар Қуръони каримдаги “Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар ишларни олиб борадиган (бир) уммат

бўлсин”(3:104), - деган оятта ишора қилиб, бу “*оят сиёсий ҳизб ташкил этишига буюраяпти*”, биз ана ўшалармиз, дейди. Ҳолбуки, тафсириларда мўминларни ёмонликдан қайтариб, яхшилиққа даъват этувчи хайрлироқ уммат - маърифатли исломий уламолар экани баён этилган. Расули ақрам айтадики, “*Умматимдан бир тоифаси ҳақ йўлидаги курашда давом этадилар, улар дин олимларидур!*” (“Ал-Жомий ас-саҳиҳ”).

Қаломни раббул оламин ҳақидаги ҳадиси шарифда айтиладики, “*Аллоҳ таоло нозил этган Қуръони карим яхши ишларга ундагувчи, ёмон ишлардан қайтаргувчидир*” (“Нур-ул яқин”).

Қолаверса, чиройли насихатлар айтиб, ёшларни покиза йўлларга ундаш, хайрли ишларга даъват этиш шарқона тарбия, одоб ва ахлоқ асосини ташкил этади. Ҳар бир одам, ёққан чироғим ўчмасин, житарбандим оқил, мард ва олижаноб инсон бўлсин, эл-юртнинг кунига ярасин, ҳеч вақт халқ назаридан қолмасин, деган орзу-ҳавас билан яшайди.

Ўзи бошлаган ишларни ўғил-қизи қўлидан олиб, давом эттиришини истамайдиган бирон-бир ота-она Ўзбекистонда топилаармикан?

Бу ҳақиқатни “ҳизб”ийлар жуда яхши билади, шунинг учун ўз кирдикорини зимдан ва яширинча амалга оширади. Улар ҳар қандай жамиятда учрайдиган ва йўлдан оздириш мумкин бўлган анойиларни ўз қомига тортиб, “қайта тарбиялаш”дан ва ўз қўлларига қуролга айлантиришдан манфаатдордир.

“*Ҳозирда сиёсий кураш деб ном олган иш аини амри маъруф, наҳи мункар ва ҳокимларни муҳосаба қилиши бўлиб, бу сиёсий кураш мусулмонларга фарзидир*”.

“Ҳизб”ийлар ўз “таълимот”ига “назарий” асос қилиб олган ёмонликдан қайтариб, яхшилиққа ундаш тамойили аслида халқимизнинг гўзал фазилатлари ва азалий одатларидан бири ҳисобланади.

Биров бир хайрли ишга қўл урса, одамлар, ҳорманг, деб уни қўллайди, керак бўлса, ёрдамини аямайди. Бошқа биров бузғунчилик қилаётган бўлса, қўй, бу ишнинг дуруст эмас, деб унга танбеҳ беради. Бу, қиёматлик қарзни узиш каби ҳаётий эҳтиёжга айланган.

“Ҳизб”ийлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган мана шу одатни бир масала сифатида кўтариб, “*амри маъруф ва наҳий мункар*” деб унга расмий-сиёсий тус беради ва шу тариқа одоб-ахлоқ мезонларини атай чалканштириб, одамларнинг юзидан ҳаё пардасини олиб ташлашга ҳаракат қилади.

Мусулмончиликда дунё кўрган одамнинг ўзидан ёшларга панд-насихат қилиши одатга айланган. Ҳатто шундай ҳолатда ҳам, бировнинг дилини огритмаслик учун ёши улуглар: “Болам, биз бу дунёнинг паст-баландини кўрганмиз...” - деб узоқдан гап бошлайди...

“Ҳизб”ийлар эса, ҳокимларни муҳосаба қилиш - сиёсий кураш, бу мусулмонларга фарз қилинган, деб таъкидлаш баробарида мана шу ахлоқий тамойилга раҳна солади. Аниқ айтганда, раҳбарни муҳосаба этишда ёшнинг ва ҳаётий тажрибанинг, ахлоқий мезонларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, мусулмон гўр ва дўлвар бўлиши мумкин, аммо отаси тенги ҳокимни муҳосаба этишга батамом ҳақли, наинки ҳақли, балки бу унга фарз қилинган, деб уқтиради.

Шу тариқа улар одобсизликка, бетгачопарликка ва уруш-жанжалга йўл очади.

Мана шу усул “ҳизб”ийлар юритаётган “сиёсат”нинг мағзини ташкил этади.

Улар: “*ҳокимни муҳосаба қилиши — ҳокимни маъруфга чақириши ва мункардан қайтариши бўлиб, бу иш фарзидир*”, дея қайта-қайта таъкидлайди ва шундан сўнг ҳеч бир далил ва ҳужжатсиз муайян ҳокимни эмас, балки ҳокимларни фасод қила бошлайди, жамоатни уларга қарши кўяди. Бу гапларнинг замирида: “Сизлар ўз зиммангиздаги фарзни адо этмай, оғир гуноҳга ботаяпсизлар!” - деган кутку яшириндир. Кейинги босқичда эса, “*ҳокимлар билан курашиши фарзидир*, - деб очиқ даъват қилинади. - *Чунки Аллоҳ буни талаб қилиб, жиҳод каби эътибор қилди, балки жиҳоддан ҳам афзал билди*”.

Кўриб турибсизки, мўминлар хато-камчиликка йўл қўйган ҳокимга панд-насихат қилишга эмас, балки ҳокимлар билан, яъни ўз раҳбарлари билан очиқ-ойдин урушга даъват этилмоқда.

Бундай куткуга маҳтиё бўладиган, отаси тенги одамнинг юзига сапчийдиган калтабин “ҳизб”ийлар топилмайди, деб ўйлайсизми?

Аслида бу, одамлар орасига фитна солиб, ихтилоф кўзгашдан, низою адоват келтириб чиқаришдан бошқа ҳеч нарса эмас. Ва унинг замирида, мусулмонлар бўлинсинлар, урушсинлар, тараққиёт юзини кўрмай хор бўлиб ўтсинлар, деган илдоо яшириндир.

Мана шундай найранглар содир этилишини сезибми, ўз вақтида Расули акрам: *“Қулоқ солиб итоат этингизлар, гарчи мен сизларга боши майиз янглиғ қоп-қора бир қулни бошлиқ этиб қўйсам ҳам!”* - деб уқтирган.

Ва яна айтган: *“Кимки ўз амирининг бирон ишини ёқтирмаса, сабр қилсин, чунким жамоатдан бир қарич четга чиққан киши жоҳилият (даври) ўлимини топгай (яъни, имонсиз кетгай!)”* (“ал-Жомий ас-саҳиҳ”).

Қуръони карим оятлари ҳам шунга буюради: - *Эй, мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, пайғамбарга ва ўзларингиздан бўлган ҳокимларга бўйсунингиз!* (4:59).

Аллоҳнинг каломини ва Расулulloҳнинг суннатини тескари талқин этиб, одамларни бузғунчилик ва исёнга чорлашдан мақсад нима ўзи? Бу тубан кирдикорни - дину имонимизни, халқимизни ич-ичидан бузиш, демай, бошқача аташ мумкинми?

Қуръони каримда: *“Фирқаларга бўлинманглар”*(42-13), - деган ҳукм мавжуд. Ва, мана шундай талашиб-тортишишлар одамларни йўлдан оздириши, талашиб-тортишадиган кимсаларнинг ҳужжатлари Парвардигор наздида ботил-беҳуда экани қайта-қайта уқтирилган. Аммо “ҳизб”ийлар бу ҳақиқатлардан кўз юмади ва юқоридаги оят исломга даъват этишига, бунинг учун эса, сиёсий ҳизмлар тузишига далолат қилаётти, деб даъво қилади.

Ҳўш, нима учун “ҳизб”ийлар бу ботил йўлдан қайтмайди?

Чунки улар шуни яхши биладикки, бу муборак ояту ҳадисларни биров ўқиган, бошқа биров ўқимаган. Биров бу фитна оқибатини чуқур англайди, бошқа биров эса, англамайди. Шу маънода, бундай кутқулар маърифат аҳлларига гарчи ғалати туюлса-да, малакасиз, илми заиф, қизиққон ёшларга, бари бир, ўз таъсирини ўтказади, кўнглида кирлик ва асорат қолдиради ва, охир-оқибат, жамиятни парчалаб ташлайди.

Қаранг, улар қандай ҳийлаи шаръий қилмоқда ва кўз олдимизда ҳеч тап тортмай қабоҳат ва ёвузлик уругини сочмоқда.

“Халифалик ташкил топгач, исломий давлат барча сиёсий доираларни(мунофиқ мусулмонларни) ҳар қандай восита - ўлдириш, тирикчилик йўлларини тўсиш, уларнинг сиёсий ва маънавий вужудини йўқотиш ва шу каби бошқа воситалар билан тугатиши зарур”.

“Ҳизб”ийлар, Расули акрам ҳам худди шундай йўл тутган, деб таъкидлайди.

Ҳатто мушриқлар ҳам Расулulloҳга нисбатан бундай бўҳгон қилишга журъат этмаган. Чунки бу зот одамийликни, гўзал хулқларни ва меҳр-муруватни камол топтириш учун юборилгани, раҳмдилларнинг раҳмдили экани кундай равшан ҳақиқатдир.

Ривоят қилишларича, Уҳуд жангида Расулulloҳ жуда оғир ярадор бўлади, тишлари синиб, боши ёрилади. Яралардан оқаётган қон оёқ остига тушмасин деб мутгасил артиб туради. Шунда бунинг сабабини сўрайдилар. Расулulloҳ айтадики:

- Агар, қоним ерга томса, мушриқларга фалақдан балойи азим ёғилгай.

Шунда саҳобалардан бири:

- Ё, Расулulloҳ, - дея илтижо қилади, - дуо қилинг, бу кофирлар қирилсинлар!

Расулulloҳ айтдики:

- Аллоҳ мени олам халқига ўз марҳаматини етказмоқ учун юборган, мен башар аҳлига Парвардигорнинг раҳматини олиб келганман, лаънат ўқиб, уларни ўлдирмоқ учун келганим йўқ! (*“Тарихи Муҳаммадий”*).

9. Жиход

“Ҳизбут таҳрир” ўзи илгари сураётган “таълимот” муҳокама этилишидан жиддий хавотир олади, шу боис ўз сирларини очмаслик ҳақида ҳар бир аъзосига

қасам ичиради, шунга қарамасдан, уларни муттасил ўзгалар фикридан эҳтиёт бўлишга ундаб туради. Ва, яна гапни айлантириб келиб, жиҳодга даъват этади.

Ислоом нозил бўлганидан буён бирон-бир бузуқи тоифа ваҳобийлар, “Мусулмон биродарлар” ва “ҳизб” ийларчалик жиҳод тушунчасини хор этиб, бу қадар суистеъмол қилган эмас. Улар ўз манфаатлари йўлида содир этган жамики талончилик, бузғунчилик ва разолатларни ҳеч уялмасдан мўътабар динимиз билан боғлашди. Ва бу тубан кирдикор, минг афсуски, ҳамон давом этмоқда.

Ҳозир жиҳод деса, Наманганда содир этилган қасддан одам ўлдириш, босқин ва талон-тарож, Февраль воқеалари ва ўзини-ўзи портлатиш каби кўнгилда оғир таассурот кўзгайдиган муҳимш фожиалар, шундан келиб чиққан нотинчликлар, вайронгарчилик ва жудоликлар бир-бир киши хаёлидан ўтади. Ва ҳар қандай одамнинг юраги музлаб кетади. Бу қонли кулфатлар ўз вақтида, исломият йўлида мусулмонлар кўрсатган беқиёс фидойилик ва матонатта иснод келтирмоқда, шу билан бирга, бу илоҳий таълимот ҳақидаги қарашларга соя ташламоқда.

Аслида, жиҳод - жидду жаҳд, сабъ-ҳаракат, машаққат ва заҳмат, куч-гайратни ишга солиш, деган маъно англатиб, диний истилоҳга кўра Аллоҳ йўлида нафс билан, шайтон билан ва ёв билан курашиш тушунилган.

Маълумки, Пайғамбар 610 йили дастлаб оила аҳлини, сўнг ўз қариндошларини исломга даъват этади. Аста-секин бу таълимот ёйила боради ва шунга яраша кескин қаршиликка учрайди. Ҳатто китоб аҳлининг маърифатли роҳиблари имон келтиргани ҳолда, ўз қавмининг жоҳил раислари: *“Утаан ота-боболаримиз йўлига қарши чиқди”*, - деб Расулulloҳни хўрлайди ва ҳақорат этади, ситам ва тазийқ ўтказади. Тоифликлар уни тошбўрон қилишса, маккаликлар ҳаддидан ошиб, ўлдиришга қасдланади, саҳобалар ва ансорлар¹ бошида тегирмон тошини юргизади.

Бу зулм ва зўравонлик чидаб бўлмас даражага бориб етгач, ахийри 622 йили Пайғамбар ва унинг тарафдорлари Маккани яширинча тарк этади, Мадинага ҳижрат қилади (кўчади).

Мана шу кунга қадар мўминлар қўлига қурол олмаган, ҳаттоки мушриклар зулмидан ўзларини мудофаа қилмаган, чунки Парвардигорнинг ижозати бўлмаган. Аллоҳ таоло буюрганки: *“Эй, Мухаммад,) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг!”*(16:125).

Яъни, ислом дини одамларни жаҳолату хурофотга эмас, балки илму ҳикмат ва маърифатга ундайди, Аллоҳнинг бу марҳаматига муяссар бўлишда қаҳр-газаб ва адоват ортиқчадир.

“Пайғамбар алайҳиссалом ҳеч бир одамни куч билан динга киритган эмас, аксинча, тушунтириш орқали исломга даъват этган, - деб ёзади мисрлик уламо Мухаммад Ҳузарий. - *Расулulloҳ Қурайш мушриклари хуружини сабот билан енгиб ўтиши учун Аллоҳ доимо уни оғир-вазмин бўлишга буюради. “Бас, (эй, Мухаммад,) Сиз ҳам матонатли пайғамбарлар сабр қилганидек сабр қилинг!”*(46:35).

Парвардигор ўтган, хўрланган ва таҳқирланган пайғамбарлар қиссаларини баён этар экан, охирги элчисига доимо таянч бўлиб, уни янада вазмин, янада марҳаматли, чидамли ва ғоятда олиҳиммат бўлишга ундайди” (“Нур-ул яқин”). Ва бу қоронги кечалар ўтиб, фараҳбахш тонг отишига, файзли ва барокатли, мунаввар кунлар келишига ишонч уйғотади.

Шу боис Расули акрам аҳвол ҳар қанча оғир, вазият ҳар қанча кескин бўлмасин, бари бир, мусулмонларни уруш ва ихтилофдан доимо қайтарган. Бунинг замиридаги ҳикматни эса, орифлар қуйидагича изоҳлайди: *“Инсоннинг вужуди - Аллоҳнинг иморатидур. Буни бузишга Аллоҳнинг ризолиги йўқдур.*

Ҳақиқатни юзага чиқаришга барча йўллар ёпилса, яъни ҳалокат юзага келса, қон тўкишдан бошқа ҳеч бир чора қолмаса, ана шундагина Қурбон ҳукмида жиҳодга руҳсат қилинади. Чунки инсон ислоҳи учун қўлланиладиган чораларнинг энг охиргиси қиличдур.

¹ Саҳобалар - Пайғамбарга доимо елкадош бўлган зотлар; ансорлар - ҳижратдан сўнг Мадинада Расули акрамга ва мусулмонларга кўмакдош бўлган ҳамда ислом динини қабул қилган тарафдорлар.

Макка мушрикларининг Расулulloҳга ва мусулмонларга қилмаган ёмонликлари, кўрсатмаган жабр-жафолари қолмади, ҳам бунинг устига, у зотни ўлдиришга қасд қилиб, ўз ватанларини ташлаб чиқишга мажбур этдилар” (“Тарихи Муҳаммадий”).

Дарҳақиқат, Қуръони каримдаги етмишдан ортиқ оятда мусулмонлар урушдан қайтарилгандир.

Улар Мадинада яшай бошлагач, тазйику ихтилоф янада кучаяди. Мушриклар: **“Аниқки, сеҳрланган ва ақлдан озган кишига эргашимоқдасизлар”**(17:47), - деб, гурбатда ҳам мўминларга кун бермай, узликсиз тажовуз қилади. Таҳқир ва зулмлар чегара билмай, бошқариб бўлмайдиган мушкул бир вазият юзага келгач, ахийри, қуйидаги оят нозил бўлади: **“ҳужумга учраётган (мусулмонлар)га, мазлум бўлгани учун (жанг қилишга) изн берилди”** (22:39).

Муҳаддислар айтадики, мусулмонлар мазлум бўлгани ва яна ҳужумга учраётгани, золимлар аввал ҳам уларга жуда қаттиқ азият етказгани учун ниҳоят ҳимоя тариқасида жанг қилишга рухсат этилган. **“Ушанда ҳам мушриклар зулм қилиб тортиб олган мол-мулкларининг бир қисмини бўлса-да, қайтариб олиш учун мусулмонларга жанг қилиш изни берилган”**, - деб уқтиради Шайх Абдулазиз Мансур.

Бунда ўйлаб кўриш лозим бўлган теран ҳикмат, инсоф ва адолат мужжасамдир.

Шу билан бирга, Қуръони каримда яна шундай ҳукм мавжуд: **“(Эй, имон келтирганлар) агар интиқом олмоқчи бўлсангизлар, у ҳолда фақат ўзларингизга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! Агар (интиқом олмай) сабр қилсангизлар, албатта, бу, сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир”** (16:126).

Маълумки, Расулulloҳнинг ҳар бир ғазоти Аллоҳнинг изни билан қилинган.

Бу ҳикматнинг маъноси шуки, кимда-ким ўзича одамларни залолатга бошласа ва ноҳақ қон тўкса, унга эргашганларнинг гуноҳи ҳам, тўкилган қонларнинг уволи ҳам унинг бўйнида қолади.

Исломда ўз жонига қасд қилиш йўқ. Қасддан одам ўлдириш йўқ. Мўминнинг мўминга зулм қилиши йўқ. Беозор бўлган ва бир жамиятда яшаётган ўзга дин аҳлларига озор етказиш йўқ.

Булар улуг гуноҳ ҳисобланади.

Йилнинг тўрт ойи муқаддас бўлиб, унда қон тўкиш ман этилган. Ҳатто жангда ҳам аёлларни ва норасидаларни қатл қилиш таъқиқланган. Яъни, ҳар ишда бўлгани каби, урушда ҳам тартиб-қоида мавжуддир.

Аллоҳ таоло ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаддан ошмасликка буюради. Бу ғоят ҳикматли танбеҳдир.

Бундай жабҳага аёлларнинг сафарбар этилиши эса, малъунликдир, риёкорликнинг чегара билмай кетишидир.

Ривоят қилишларича, Расули акрам урушдан сўнг бир мушрик аёлни ўлдирилган ҳолда кўради ва аёллар билан болаларга зулм ўтказишни қатъиян қоралайди.

Оша разияллоҳу анҳу ривоят қиладики: “Мен Расулulloҳдан жиҳод қилмоққа изн сўрадим. Шунда ул зот: **“Сизларнинг (яъни, аёлларнинг) жиҳодингиз - ҳаждур”**, - деб марҳамат қилдилар”.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, “Бир киши Расулulloҳнинг ҳузурига келиб, жиҳод қилмоққа изн сўради. Шунда ул зот: **“Ота-онанг тирикми?”**- деб сўрадилар. **“Ҳа”**, - деди у ва ул зот: **“Ундай бўлса, ана ўшаларнинг йўлида жиҳод қилгил (яъни ота-онангни ризо қилмоқ учун мол-дунёни сарф қил, кеча-кундуз хизмат қилиб, уларнинг дуосини ол!)”**, - дедилар”.

Расули акрам ўз уммати хулқига зийнат бағишловчи қуйидаги олижаноб фазилатларни ҳам жиҳод сифатида таъкидлаб ўтган. Биринчиси, *амри маъруф* - *яхшиликка ундаш*. Иккинчиси, *наҳйи мункар* - *ёмонликдан қайтариш*. Учинчиси, *ўз зиёнига бўлса ҳам рост сўзлаш*. Тўртинчиси, *фосиқ кимса масҳара қилса, унга чидаб туриш*.

Қолаверса, дунё кезиб, ўзга юртларга бориш, турли элатлар билан дўст туғиниб, қимматли илму ҳунар ўрганиш, билимни бойитиб, ўзидан чиройли излар қолдириш ҳам исломиятда ғоят қадрланади. Чунки дунё кўрмай, дунё

кишиси бўлиш қийин. Ва, бу Парвардигорнинг, *Биз сизларни Одам билан Ҳавводан яратдик ва бир-бирингиз билан яқинлашиб, дўст-биродар бўлиб яшанглар, деган мақсадда турли-туман миллатлар ва элатлар қилиб қўйдик*, - деган қавлига мувофиқдир. Шу боис Расули ақрам: *“Умматининг саёҳати Аллоҳ йўлидаги жиҳод кабидур”*, - дея марҳамат қилади.

Бу улуғ зот, “ал-Жомий ас-саҳих”да айтилишича, *“Энг афзал жиҳод сидқу тақво бирла қилинган ҳаждур”*, - деб буюрган ва яна уқтирганки, *энг улуғ жиҳод нафс билан бўлур*.

Ҳақиқат ҳам, агар инсон илму ҳикматдан ва имон-этиқоддан йироқ бўлса, ҳавойи хаёллар уни ботил йўлга бошлаши муқаррар. Истак ва эҳтирослар алангаси унинг кўзларини пардалаб қўяди. Оқибатда у хато қилади. Буни яшираман ва хаспўшлайман деб янада оғир гуноҳга ботади. Хуллас, бир-биридан аянчли қабоҳатлар сўнггида у ҳеч балодан қайтмайдиған риёкор ва золимга айланади.

Ҳокимият ҳасратида исломни суистеъмол қилиб, бузғун фирқалар тузган, инсонларнинг бош-кўзини айлантириб, уларни ўлимга гирифтор этаётган риёкорлар қабоҳати мана шунинг далилидир.

Ёки бўлмаса, Аллоҳни унутиб, дунёга ҳирс қўйган ва тама билан ўз биродарларига қарши от сурган амалпарастлар кирдикорини бир эсга олинг. Бу золимлар не-не пок зотларни оёқости қилмади, не-не муқаддас туйғуларни паймол этмади, гуллаб-яшнаган не-не шаҳару қишлоқларга ўт қўймади, ахир?!

Расулulloҳ айтадики, *муҷоҳид бу — Аллоҳга итоат йўлида нафси билан жиҳод қилган инсондур* (“Мукошафат-ул қулуб”).

Эсланг, ўз вақтида иблис ҳам юксак мақомдаги малаклардан эди. Аллоҳ Одамни азиз ва муқаррам этгач, қора ҳасад унинг жонини ўртади, кибр ва ор қилиб, унга таъзим этмади ва лаънатга учради. Оқибатда, ҳазрати Одамга хусуматли бўлди, вақти-соати етгач, унинг кўзига таққиқланган неъматни ҳар недан афзал қилиб кўрсатди.

“Шайтон унга васваса қилиб: “Эй, Одам, мен сени абадият дарахти ва чиримас (йўқ бўлмас) мулкка бошлаб борайми?” - деди.

Бас, (Одам билан Ҳавво) ундан ейишлари билан авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар.

Одам Парвардигорига осий бўлиб, янглишиди”(Куръони карим, 20:120,121).

Агар, ўшанда ҳазрати Одам иблиснинг макрига учмаганида, Яратганнинг ғазабига гирифтор бўлмас, эҳтимол, унинг ва авлоду зурриётининг тақдири тамоман бошқача кечар эди.

Нима бўлганда ҳам, **“Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва ҳидоят қилди** (20:122). Шундан кейин Одам билан Ҳаввони жаннатдан туширди ва яна огоҳ этди: - Менинг эслатмамга амал қилган зурриётларинг пок ва ҳалол, хотиржам яшайди, кимда-ким ундан юз ўгирса, шубҳа йўқки, қисмати оғир ва чигал кечади.

(Иблис) айтди: “Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта уларга (Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта уларни тўғри йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)” (Куръони карим, 15:39-40).

Бу дунё шундай бир хилқатки, нима эксанг, шуни ўрасан, нима қилсанг, шунинг жавобини оласан. Даъват ва даъволар яхшини ёмон, ёмонни яхши қилишга ожиздир. Чунки Парвардигор бу оламни ҳикмат билан ораста этган. Ва одам боласига ақл-фаросат ва илм-маърифат берганки, токи у ҳақ билан ботилнинг фарқига борсин, ўзига ато этилган неъматларнинг қадрига етсин!

Огоҳ бўлингизким, шайтон ҳақ билан ботилни пардаламоқ учун гоҳо ҳақгўй шамойилида ҳам намоён бўлади, деб ёзади Имом Ғаззолий. Ва шу тариқа у жамоатнинг имони заиф қатламини ҳалок этади. Мудом ўздан рози бўлиб яшаш учун одам, албатта, унинг қутқусидан эҳтиёт бўлмоғи, илму ҳикматни, поклик ва диёнатни раҳбару раҳнамо билмоғи лозим.

Расули ақрам: *“Нафс тарбияси йўлида риёзат чекканинг ажри жанггоҳда ёв билан олишганинг мукофоти сингаридур”*, - деб марҳамат қилади ва умматини сабр-қаноатли, оқил ва обид бўлишга, нажотта элгувчи рост Сўзга эргашишга

ундайди. Чунки инсон умрининг ўтаётган ҳар бир лаҳзаси аслида синов ва имтиҳондан иборатдир. Шунинг учун ҳам уламолар, дил билан жиҳод қилинг, уни ғубор ва кирликдан пок тутинг; тил билан жиҳод қилинг, ўзгаларга ундан озор етмасин; қўл билан жиҳод қилинг, у ноҳақ ва номуносиб ишлар қилмасин, деб уқтиради.

Одам бу дунёда турли балолардан ўзини асраши, хайрли бир иш қила олиши учун энг аввало оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг фарқига бормоғи, кўнгилни обод этмоғи лозим. Мана шу оддий қонуниятта амал қилишдан тортиб, ҳиммати баланд инсонларнинг улуғ мақсад йўлида бутун ақл-заковати ва куч-қудратни сафарбар этиши, дунёни обод қилиши ва ўзидан барокатли излар қолдириши, барча-барчаси аслида жидду жаҳд, демакдир.

10. “Оламга рисолат кўтариб чиқмоқдамиз!”

“Ҳизбут таҳрир” даъволари Лениннинг инсонпарвар шиорларга бурканиб олган ёвуз сиёсатига ғоятда ўхшаш ва ҳамоҳангдир.

Жуда баланд пардаларда айтилаётган, ҳар икки гапнинг бирида “фарз” ва “вожибдир” дея уқтирилаётган оташин хитоблар ўтган асрнинг бошларида жаранглаган инқилобий даъватларни ёдда солиб туради.

Ўз вақтида Ленин ҳам мазлумларни озодликка олиб чиқиш, одил халқ ҳокимияти барпо этиш ва ер юзини ҳар қандай зулмдан, зўрлик ва қуликдан халос қилиш даъвосида шоҳни йиқитган. Унга итоат этган инқилобчилар эса, дарё-дарё қонлар тўқди, қанчалик-қанча халқларнинг тақдирини бузиб ташлади, кишилик тараққиётини табиий ўзанидан чиқариб юборишди.

У яратган мустабид тузум ўзининг зolimлигини яқин-яқингача халқлар дўстлиги ва коммунизм ҳақидаги чиройли уйдирмалар билан пардалаб келди...

Сиёсий ўйинлар мана шундай жодули даъватлари ва шайтоний макру ҳийласи билан соддадил одамларни жунбушга келтиради ва уларни ҳалокат гирдобига тортиб кетади.

“Сиёсий фикрлар”да айтилган қуйидаги даъватга эътибор қилинг: *“Исломиё уммат фақат ўзи ҳақида ўйлаши ярамайди, зеро, худбинлик у қабул этган ақидага беғона”. Шунинг учун у “ўзи ва оламни озод этиши вазифасини ўз зиммасига олиши вожибдир”.*

Ҳай-ҳай демасангиз, бу удлабурролар сизни диндан чиқариб, жаҳаннам қаърига итқитиб юборади. Уларнинг пайдар-пай даъватларига кулоқ солсангиз, ламаңчилик Дон Кихот каби, оламни озод этаман, деб, совут кийиб, қирчанги отни миниб, йўлга чиқиш ҳеч гап эмас.

- Оламнинг кунни сенга қолдимиз, эй, биродар? - деб сўрайдиган бир инсон йўқ. Ва бир сўрайдиган одам йўқки, айтса: - Эй, биродар, нега сен ўзинг амал қилмаган ишга ўзгаларни даъват этасан?

Қаранг, балога ундовчи доимо хатардан четда туради. Икки ўртада адашган ёшлар нобуд бўлиб кетади.

“Оламни қутқариш, залолат ва адаштириш зулматларидан ҳидоят нурига ва ҳаёт саодатига чиқариш масъулиятини ўз гарданига олиш исломиё уммат учун фарздир”.

Бу ўринда, халифалик ташкил топгач, *“исломни рисолат сифатида оламга даъват ва жиҳод орқали ёйиш шарт”* ҳақида гап бораётир.

Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, хўш, мусулмонлар кимдан ўзини ва бу оламни озод этиши даркор?

Биз адашиш зулматидан кимларни ҳидоят нурига олиб чиқишимиз ва ҳаёт саодатига муяссар этишимиз лозим? Ва нимага асосан? Оламга саодат ато этиш, башариятга ҳаёт саодатига мушарраф қилиш банданинг қўлидан келадими, ўзи? Ва бу “ҳизб”ийларнинг инон-ихтиёридами?

Қандай хужжат ва далилга кўра, бу ишлар *вожиб ва фарз*, дейилмоқда?

“Ҳизб”ийлар негадир мусулмонларни китоб аҳлига қарши кўяди ва тинимсиз фитна кўзғайди: *“Барча давлатлар исломга душман, чунки улар исломга зид бўлган дин ва мабдаларга эътиқод қилади, исломиё дунёқарашдан фарқлироқ, балки зид бўлган дунёқарашга эга”.*

Кимдир бошқа бир миллатга мансуб бўлса ва бошқа динга амал қилса,

унинг турмуш тарзи, дунёқараши, расм-русум ва урф-одатлари бизникидан тафовут қилиши табиий, албатта. Лекин бу, мана шу одам мусулмонларга душман, деб ҳукм чиқаришга ва носоғлом бу фикрни ташвиқ этишга асос бермайди-ку!

Ҳар биримизга кундай равшанки, ер юзидаги жамики одамлар ўз вақтида жаннатдан туширилган ҳазрати Одам билан Ҳаввонинг авлоду зурриётларидир.

“Эй, инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл(Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишларингиз (дўст-биродар бўлишларингиз) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик”(49:13).

Муфассирлар айтадики, бу ояти каримада исломнинг башариятга муносабати ифода этилган. Бинобарин, барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Улар бир-бирини зимдан таъқиб қилиб, бир-бирининг отамерос ерларини босиб олсин, бир-бирини қулликка маҳқум этсин, тожу тахт талашиб, уруш-жанжал ва қирғин-қатағон билан умр ўтказсин, деб турли миллат ва элат қилиб қўйилгани йўқ, бундан мақсад шуки, улар бир-бири билан яқинлашсинлар, яхши-ёмон кунларда бир-бирининг оғирини енгил қилсинлар ва бирдамликда шу мўътабар заминни обод этсинлар.

Қаъб-ул Ахбор карамаллоҳу анҳу ривоят қиладики, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга йигирма иккита муқаддас суҳуф (саҳифалар) туширди. Бу ҳодиса Рамазон ойининг биринчи кечаси содир бўлди.

Мазкур суҳуфларнинг фасл-боблари, фаслларининг битиклари бир-бирига мувофиқ бўлиб, уларда муқаддас набийлик нурининг наслдан-наслга ўтиш тартиблари, Худойи таолонинг Расули акрамга фарз ва насихатлари, башар учун нима ҳалолу нима ҳаром экани, ҳаёт қандай тартибда кечса, охири чиройлик бўлиши баён этилган эди.

Шундан сўнг Парвардигор ер юзидаги халифасига бу суҳуфларни кўчириб, кўпайтиришни амр этди. Ҳазрати Одам ихлос қалами билан қўй терисидан ошланган саҳтиён varaқларга йигирма саккиз хил ҳарфни битди. Бу ёзув кейинчалик Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони каримда истифода этилди (“Оламнинг аввали, охири...”).

“Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг (ораларида келишмовчиликлар пайдо бўлгач,) Аллоҳ (мўминларга) хушxabар етказувчи, (кофирларни жаҳаннам азобидан) огоҳ этувчи пайғамбарларини юборди. Яна, улар билан бирга, одамлар орасида чиққан келишмовчиликларга ҳакам бўлсин деб ҳақ китобни (Таврот ва Инжилни) нозил қилди. Энди очиқ оятлар келганидан кейин, фақат шу китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортишдилар. Сўнгра Аллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар (китоб берилган кимсалар) ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўлади.

Аллоҳ Узи истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қилади”(2:213).

Бу ояти каримада бир замонлар одамлар бир миллат ва бир дин аҳли бўлгани уқтирилади. Шайх Абдулазиз Мансур тафсирларга таяниб айтадики, Одам алайҳиссалом даврида унинг авлодлари мусулмон бўлган, фақат Қобил ўз биродари Ҳобилни ўлдиргач, бузилиш ва ҳақ йўлдан озини бошланган...

Хуллас, Аллоҳ ўз пайғамбарлари - Одам, Шис, Идрис ва Иброҳимга суҳуф ҳолида, Мусо, Довуд, Исо ва Расули акрамга каломуллоҳ ҳолида илоҳий китоблар нозил этган, булар Таврот, Забур, Инжил ва Қуръони каримдир.

Ҳар бир дин шу эътиқодда собит бўлган инсон учун азиз ва мукаррамдир.

Шунинг учун ҳам Расули акрам: **“Аллоҳ таолога ва ул нозил қилган барча нарсаларга иймон келтирганмиз, деб айтишлар!”** - дея қайта-қайта уқтиради.

Афтидан, “ҳизб”ийлар, замонлар ўтиб, бу тарих, бу оят ва ҳадислар унутилди, бу дунё эгасиз қолиб кетди, деган фикрда собит. Шу боис улар ҳаётни тубдан қайта ташкил этиб, ер юзида ўз тартиб-қоидаларини ўрнатишни истади ва Парвардигорнинг ишларига араланиб, устабузмакорлик қилади.

“Ғайриисломий мамлакатлардаги сиёсий доиралар бузққ доиралардир, - деб ҳукм чиқаради улар. - Биз уларнинг мамлакатлари ва аҳолисини халос этиши ва ҳидоятлаш учун Рисолат кўтариб чиқмоқдамиз”.

Бундан ортиқ кибрга берилиш ва ҳадиддан ошиш бўлиши мумкинми, ўзи? Ғайриисломий деганда, хўш, нимани тушуниш керак? Ёки сен Аллоҳнинг Расулимидингки, ҳукм бўлса-ю, рисолат кўтариб майдонга чиқсанг?

Аслида, бу жуда пухта ўйланган, мусулмонларни ўзга дин аҳлларига қарши қўйиб, икки орага ихтилоф солишга, қизгин қонли ёшларни кўзгаб, ўт чиқаришга, дунёни бузиб, одамларни ҳаётдан бездириб юборишга қаратилган “ёлқинли чақирик” дир.

“Бир хил инсонлар бўладики, улар ўз мазҳабидан хорижда бўлган ёки фикрлаш тарзи ўзгача кишиларга ёвлик қиладилар, - деб ёзади Имом Ғаззолий. - Бундай хатти-ҳаракат жамиятни емириб, охир-оқибатда ўлимга маҳкум этади”.

Аллома, бундай иллатни келтириб чиқарувчи - ботил ва фосиқ тушунча, таассуб ва кекдир, бу гуноҳлар аслида шайтондандир, дейди.

“Ҳизб” ийлар эса: *“Исломиёй даъватни оламга ёйиши Расул алайҳиссалом ишларини давом эттиришидир”*, - деб уқтиради ва яна *“аламни у қулаб бораётган бахтиқаролик, хорлик ва қулликдан халос этиши”* учун жиҳодга даъват этади.

Агар, бу олам хорлик ва қуллик, бахтиқаролик чоҳига қулаб тушаётган бўлса, уни Яратган зот мавжуд-ку!

“Осмон ва Ердаги борлиқ Ушиқидир” (21:19).

Аллоҳ таоло: - *Замонни сўкманглар, замон - мен ўзимман, тун ҳам, кундуз ҳам менинг илгимдадир!* - деб буюради.

Ва яна уқтиради: *“(Биз) Ҳақ(Қуръон)ни ботил(жаҳолат)нинг устига ташлаймиз, бас, уни эзиб юборгач, беҳос (ботил) йўқ бўлур”*(21:18).

Моломики, шундай экан, бу тоифа нега бунча ҳовлиқади?

Эй, биродар, эҳтимол, сенинг назарингда, бу олам хорлик, қуллик ва бахтиқаролик чоҳига қулаб бораётгандир, аммо унинг қуни сенга қолган эмас, сен кўзингни оч, сал пастга туш, оёгингни ерга қўйиб, атрофинга бир қара, нималар бўляпти ўзи? Ва сенгача нималар бўлган?

Маълумки, Расули акрам амакиси Абу Толибнинг тарбиясида вояга етган.

Мусаййиб разияллоху анху ривоят қилишича, Абу Толиб жияни Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига доимо ишонган ва уни асраб-авайлаган, мушриклар зулмидан қаттиқ ҳимоя қилган. Бу меҳрибон ёрдамчиси ўлим тўшагида ётганида, Расули акрам унинг ҳузурига кириб: *“Эй амаки, “Ло илоҳа иллаллоху” деб айтингиз, токи мен Аллоҳ таоло ҳузуринида сиз учун бул калимани ҳужжат қилайин!”* - деб ўтинади. Аммо бир четда ўтирган Абу Жаҳл билан Ибн Муғийра, ота-боболаринг амал қилган диндан қайтасанми, деб шундай кутку соладики, Абу Толиб имон келтирмасдан, мушрик ҳолида жон таслим этади. Бу аянчли ҳолат Расули акрамга жуда қаттиқ таъсир қилади. У амакисининг бош учиди, гамга ботиб ўтирганида қўйидаги оят нозил бўлади.

“Эй, Муҳаммад, аниқки, Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган бандасини ҳидоят қилур. У ҳидоят топгувчи зотларни яхшироқ билгувчидир”(28:56).

Демак, Аллоҳ йўл бермаса, ҳатто Ҳотам ул-анбиё ҳам ожиз, у ҳатто ота ўрнида ота бўлган жони пайваста инсонни ҳам ҳидоят қила олмайди.

Парвардигор ўз Расулига: *“Аниқки, Сиз “ўлик”ларга (сўзингизни) англата олмассиз, орқа ўгириб кетаётган “кар”ларга ҳам даъватни уқтира олмассиз. Яна Сиз (“кўр”ларни ўз залолатларидан (қайтариб), ҳидоят қилувчи эмассиз”*(30:52-53), - деб уқтирган.

“Тўғри йўлга (ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳ измидадир”(16:9).

Қуръони каримда бу ҳақиқат қайта-қайта таъкидланган. Кўриб турибмизки, шунча замон, не-не шоҳу султон ўтиб, ҳали биров бу дунёга устун бўлган эмас. Ва бу ҳам илоҳий каломнинг тасдиғидир. Бас, шундай экан, ҳар ким ҳаётдаги ўз ўрнини билгани, вақтида этагини йиғиштириб олгани ва ортиқча замзама қилмагани авло эмасми?

“Ер юзиди кибрланиб юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва бўю бастда тоғларга ета олмайсан.

Буларнинг барчаси Парвардигор назиди макруҳ бўлган гуноҳ(лар)дир”(17:37-38).

Бу ояти каримани ўқиганда, оёгинг остидаги ерни худди биров гилам каби суғуриб олаётгандек бўлиб туюлади ва юрагинг увишиб кетади. Буни ҳаргиз нунутмаган маъқул.

Шу маънода, ислоннинг иккинчи Ватани деб эъзоз топган бу мўътабар заминда мутақаббирнинг адоват билан кезиб юриши, жамоат орасига кириб,

худкушлик қилиши ва эл-юртга иснод келтириши кишини астойдил ранжитади. Ўзингиз ўйланг, ўз жонига қасд қилган гофил, бало-қазодай ёпирилиб келиб, одамларнинг ҳаловатини ўғирласа, пок ва сиддиқ, орзу-ҳавасли мўмин-муслмонлар ҳаётини бузса ва уларнинг умрига зомин бўлса, Яратганга бундан ортиқ исён ва осийлик бўладими, ўзи?!

Мана шулар ҳақида ўйлаганда, Парвардигорнинг яна бир мўътабар каломи ҳаёдан ўтади: **“Ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (тағйин) қилиб қўйдик. Агар, Аллоҳ хоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шариатда) қилиб қўйган бўлур эди. Лекин, Ўзи берган нарса (шариатлар)да сизларни синаш учун (шундай қилмади). Бас, хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқинг!**

Ҳаммангизнинг қайтиб борадиган жойингиз Аллоҳнинг ҳузуридир” (5:48).

Худойи таоло муслмонларни, муайян миллатни ва бу дунёни эмас, балки ўн саккиз минг оламни ва жамики мавжудотни Яратган қудрат ва ҳикмат соҳибдир. Унинг наздида барча тенг, биров бировдан паст ёки баланд эмас, бир қавмнинг бошқа бир қавмдан, бир халқнинг бошқа бир халқдан ортиқ ёки кам жиҳати йўқ. Шараф ва устунлик чиройли амаллар, орифлик ва обидлик, илм-фазилат, ҳиммат ва қарам, раҳмдиллик ва меҳр-оқибат биландир.

Аллоҳ шарафли ишларни севувчи зотдир. У ўз яратганлари залолатда қолиб кетишини истамагани учун марҳамат қилди ва одамларни ҳидоят йўлига олиб чиқсин деб ўз элчиларини юборди. Бу пайғамбарларнинг энг улуғлари Одам, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад Мустафодир. Улар олиб келган илм-ҳикмат ва шариатларнинг асоси бир бўлиб, динларнинг мукаммали исломдир.

Ислом илдиэ отиб, мисли қўрилмаган ахлоқ ва маърифат вужудга келгач, Парвардигор ҳукм этдики: **“Динга мажбурий киритиш йўқдир. Зеро, ҳақ йўл залолатдан ажратилди” (2:256).**

Расули акрам ўз вафотидан аввал кундай равшан мана шу ҳақиқатни янада ойдинлаштирди: **“Биз ва бизгача ўтган пайғамбарлар шунга ўхшаймизки, рўйи заминда гўё охириги ғиштидан бўлак барча жойи мукаммал бўлган ғоятда мухташам бир иморат бунёд этилди. Кейин, одамлар келиб, бу жойни зиёрат қилдилар ва унинг маҳобатидан ҳайратга тушдилар, ва айтдиларки, қани энди, шу улуғвор қошонанинг охириги ғишти ҳам қўйилган бўлса!**

Мен ана шу ғиштни ўз ўрнига қўйиб, бу қасрни беками кўст этгувчидирман ва пайғамбарларнинг энг сўнггисидирман” (“ал-Жомий ас-саҳиҳ”).

11. “Биз нега муслмон бўлдик?”

Одам боласи балоғат қасб этиб, дунёга жиддий кўз билан қарай бошлагач, абадиёт қонунини англаб етишга, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб, ўзини ўйлантирган саволларга жавоб топишга астойдил интилади. Мана шундай бедор ва безовта дамларда Қуръони қарим инсонга маънавий уйғоқлик йўлини нурлантириб кўрсатади, бир раҳнамо сифатида руҳий таскин беради. Чунки у - Аллоҳнинг каломидир.

Ва исломий таълимот етган жойида илмий-маърифий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

“Муслмонлар Испанияда кўркам иморатлар, меҳмонхона ва саройлар, мактаб ва шифохонлар, боғу бўстонлар барпо этдилар. Дорилфунун ва мадрасалар таъсис қилдилар, - деб ёзади тарихчи Жон В. Драпер. - Бу дорилфунунлар бутун дунё учун маърифат манбаига айланди ва мамлакат гуллаб-яшнади”.

Қаранг, бундан минг йил муқаддам Рим папаси Сильвестр II арабий рақамларни Европада жорий этади. XX асрнинг бошларида эса, бу рақамлар Россия орқали ўлкамизга кириб келади, аслида улар мана шу заминда, Муҳаммад Хоразмий томонидан яратилган эди.

Ёки бўлмаса, Ибн Синонинг беш жилдлик “Тиб қонуни” 1279 йили иброний тилига таржима қилиниб, Европада беқиёс шухрат топади. 1493 йили китоб босиб чиқариш йўлга қўйилгач, 1500 йилгача бўлган даврда 16 марта қайта нашр этилади ва тиббиётнинг пойдевори вазифасини ўтайди.

Франциядаги Сарбонна ва Англиядаги Кембриж университетлари Европадаги

дастлабки таълим ўчоқлари бўлиб, улар XII асрда юзага келган. Испаниянинг Кордова, Севилья, Толедо, Валенсия, Гренада шаҳарларида эса, мана шундай маърифий масканлар IX асрда бунёд этилган.

Исломиий тараққиётнинг ғарбга таъсирини ўзида намоён этувчи бундай ёрқин мисоллар ғоят беҳисоб. Европалик шарқшунослар бу тарихий ҳақиқатни ўз вақтида эътироф этишган. *“Мусулмонлар Урта асрларда фалсафа ва илму урфонда яёна эдилар, - деб ёзади Седилат. - Улар қадами етган жойда маърифат ёйди. Европанинг уйғониши ва тараққиёти асоси шудир”*.

Ўз навбатида, буюк жуғрофий кашфиётлар, денгиз йўллари ва янги қитъанинг забт этилиши, илмий ихтиролар ва замонавий техникалар яратилиши Европа ҳаётини жонлантириб юборди. Улар янги дунёни ишғол этди ва азму шижоат билан тараққиётнинг тўғри йўлига чиқиб олди.

Фан ва техника ривожини ақл-заковатнинг чексиз имкониятларини ўзида намоён этди, табиийки, бу ижтимоий ҳаётдаги ўсиш-улғайишга шиддатли таъсир кўрсатди.

Олимлар шу билан чекланиб қолмади, улар ҳаётнинг мазмун-моҳияти, ибтидо ва интиҳо, оламнинг тузилиши, макон ва замон ҳақидаги тасаввурларни ислоҳ этишга киришди. Тадрижий такомил, одамнинг маймундан тарқалгани ҳақидаги назариялар: *“Инсон тобеликдан холи бўлсин, қандай хоҳласа, шундай фикр юритсин, фақат ўз қарашларини бировга зўрлаб ўтказмасин!”* - деган фалсафий қарашларга асос яратди. Шу тариқа улар: *“Оламини Худо яратганми ёки у азалдан мавжуд бўлганми?”* - деган ғоятда нозик масала билан юзма-юз келди.

Инсон ўзини турлича тасаввурлардан халос бўлган ҳолда озод ва эркин кўришни истади, азалий таълимотларни, Парвардигорни рад этди ва ўз тақдирини ўз қўли билан яратиб учун янги назарияларга асос солди. Табиийки, бу унинг маънавий-руҳий оламини остин-устун қилиб юборди.

Агар, сиз мана шу давр фарзанди бўлмиш Лев Толстойнинг изтиробли кечинмалари билан танишсангиз, қарама-қарши фикрлар тўфони унинг руҳий оламини ҳам четлаб ўтмаганига гувоҳ бўласиз. Улуғ адиб ўзини қоп-қоронғи ўрмонда адашиб қолган йўловчига ўхшатади. Йўл топиш учун тўрт томонга бошини уради, бироқ вақт ўтган сари йўлсизлик зулмати қаърига баттар кириб бораётганини чуқур ҳис этади.

Мен ўзим кимман ва нимаман? Нега яшайман? Ҳаётнинг маъноси нима?

Адиб жамики замонавий илмлардан мана шу саволларга жавоб ахтаради, аммо уни топа олмайди. Файласуфлар илгари сурган: *“Борлиқ ҳечликдан иборат, инсон ҳаёти чексиз бир нарсаининг заррасидир”*, - деган нуқтани назарлар унинг фикрларини янада мавҳумлаштиради.

“Олимлар шахсиятида илм ҳаётнинг моҳиятини инкор этгани ҳолда миллионлаб одамлар, башарият бу теран ҳикматни савқитабиий тарзда идрок этади.

Ана шу ғайришуурий илм имон бўлиб, у Худо ва У яратган оламдир, - деб ёзади мутафаккир. - Худони тан олишим билан менга жон киради, яшай бошлайман, уни унутсам, унга ишонмай қўйсам, дарҳол ўла бошлайман. Бу тирилиши ва ўлишлар нима бўлса экан?”

Улуғ адиб таҳдид солиб келаётган янгича қарашлар тўфони ва унинг хатарли оқибатларини сезмаслиги ҳеч мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам ўзига замондош бўлган файласуфларнинг *ҳаёт ёвузликдан иборат, яшайдан ўлим афзал, фақат қудратли одамларгина умргузаронлик қилишга ҳақлидир*, деган турлича ақидаларини рад этади ва илоҳиятдан таянч қидиради. У одамзотни тушпа-тузук ишляётган соатни бузиб, қайта тузатишга келганда ожиз қолган болакайга қиёслайди...

Бу даврда нигилизм ва оғишлар янада кучайиб, оламга муносабат кескин ўзгариб бораётган эди.

Кишилик жамиятидаги баланд-пастликни ҳисобга олмаган ҳолда, Карл Маркс синфий кураш орқали жамиятни янгилаш ва одамларни коммунистик бахт-саодатга олиб чиқиш ҳақида орзу қилса, Фридрих Ницше бунга тамомила зид бўлган бошқа бир “таълимот”ни илгари суради. *“Бизнинг инсонпарварлик маслагимизнинг биринчи шартини шуки, нотавон ва ногиронлар қирилсинлар, - деб уқтиради у. - Керак бўлса, уларнинг ўлиб кетишига кўмак бериш лозим.*

Нотавон ва ногиронларга ачиниш, меҳр-мурувват кўрсатиш, христианлик ҳар қандай гуноҳдан олғирроқ гуноҳдир” (“Антихристианин”).

Даҳрийлик авжига минган XIX аср мана шундай турли хил ақидаларга жуда кенг йўл очиб берди. Янги замон кашпофлари эса, ўз манфаатларига мос келувчи тамойилларни зулм-зўравонлик билан ўтказишга киришди. Оқибатда, беомон курашлар, исён ва инқилоблар бошланди. Ва рўйи замин турли хил кучлар ўз омадини синаб кўрувчи майдонга айланди.

Шу тариқа баландпарвоз шиорлар остидаги сиёсий ўйинлар ва яна истилою талон-тарожлар авж олди. “*Ҳаммани бахтли қиламиз!*” - деган большевиклар оқ подшоҳни тахтдан қулатди. Германияда эса, нацистлар ҳокимият жиловини ўз қўлларига олишди.

Жаҳон харитасига яна жиддий ўзгартишлар киритилди.

Биз ўтган етмиш йил давомида коммунистик ақида тантана қилиб, оламни ларзага солганига, мисли кўрилмаган даражада террор уюштириб, қанчадан-қанча беайб ва бегуноҳ инсонлар умрини куйдириб юборганига тирик гувоҳ бўлдик.

Ҳаёт шунини кўрсатдики, ғайриинсоний сиёсат олдида наинки айрим одамларнинг, балки бутун бир миллат ва элатларнинг қисмати ҳам сариқ чақага арзимай қолар экан. Хўрланган, ҳақоратланган ва яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган мазлумлар кулфати бу аччиқ ҳақиқатни ҳамон тасдиқлаб турибди.

Ҳаёт яна шунини кўрсатдики, дунёни зир титратган ва юракларга даҳшат-саросима солган ёвузлик салтанатининг ўзи ҳам абадият қошида чангдек тўзиб кетувчи ўткинчи бир тўзон экан.

Кишилиқ жамияти ўтган асрда яна шунинг гувоҳи бўлдики, олий ирқ даъво этилган уруш бутун башариятни ўз гирдобига тортиб, миллионлаб инсонларнинг ёстигини куригиб юборди.

Қаранг, бутун бир Европани ўтда куйдириб, вайронага айлантирган фашизм жазаваси вақти келиб, худди қумга синган сувдек исиз йўқолди.

Демак, абадият қонунига қарши чиқиб, ҳар қанча зулм ва ситам, қирғин ва инқилоб қилган билан осмондаги ойни олиш амри маҳолдир, нимага деганда, тақдири азалнинг ўз қонуниятлари мавжуд, тараққиётнинг табиий оқимини тўхтатиш ёки уни бошқа бир ўзанга буриб юбориш ҳеч мумкин эмас, шундай бўлган тақдирда ҳам, эртадир-кечдир ҳаёт ўз билганини қилади ва сен бузиб-тузган нарсаларни яна қайтариб жой-жойига қўяди.

Худонинг айтгани бўлади, деган ҳикматнинг маъноси шу, аслида...

Бу даврда, яна бир ақидавий ҳаракат дунёвий сиёсат майдонига чиқди. Ва у, Европадаги жараённинг зидди ўлароқ муросасиз бир иқлимни юзага келтирди.

1925 йилнинг 11 декабрида Ҳижоз ҳукумати халқаро миқёсда расман тан олиниб, Абд ал-Азиз Ҳижоз қироли ва Нажд султони сифатида эътироф этилди.

Тақдирнинг истехзосини қарангки, орадан кўп ўтмай, ваҳобийлар, *кимда-ким бизга эргашмаса, у - кофир*, деб уруш бошлагач, бошқа бечоралар қандай аҳволга тушган бўлса, қиролнинг ўзи ҳам худди шундай ҳолатга тушди.

Ваҳобийлар яна тўполон қилишди ва улар Макка шаҳридаги Расули акрам, Хадича ва Абу Бакр таваллуд топган жойларда барпо этилган обидаларни бузиб ташлашди. Ҳижоздаги жамики даҳмаларни текислаб чиқишди. Ҳатто ал-Ҳаёт шаҳрига биринчи автомобил кириб келганида, бидъат, деб унга ўт қўйишди. Аэроплан Аллоҳнинг иродасига қарши учади, деб жанжал қилишди...

Тарих такрорланаётган эди. Куни кеча Абд ал-Азизнинг қўлида бўлган қурол энди унинг ўзига қарши қаратилган ва бу - охир-оқибатда ҳалокатга маҳкум этувчи ихтилоф эди.

1926 йилнинг ноябрида шайх Файсал ал-Давеш, шайх Зайдан ибн Хислан, шайх Хумойд ибн Бижад ўз қабилалари умуммажлисида Абд ал-Азизга етти банддан иборат жиддий айб қўйишди.

Қиролнинг ўғли Файсал Лондонга сафар қилгани, Абд ал-Азизнинг ғайридин давлат бўлмиш Англия билан узвий ҳамкорликда ишлаётгани, ислом заминини телефон, телеграф ва автомобил босиб кетгани, барча-барчаси бидъат сифатида қатъиян қораланди.

Низонинг асл сабаби - ал-Давеш Наждга, Ибн Хислан Эл-Хасага, Ибн

Бижад эса, Ҳижозга амир бўлиш ниятида эди. Қирол буни уларга раво кўрмади. Оқибатда уруш келиб чиқди. Ваҳҳобийлар билан кураш 1930 йилнинг январигача давом этди. Ва ниҳоят, шайхлар Британия ҳукуматига таслим бўлишди. Инглизлар эса, уларни ўзлари “билъат” деб лаънатлаган аэропланда олиб келиб, Абд ал-Азизнинг қўлига топширдилар. Қирол шайхларни ар-Риёд турмасига ташлади. Улар зиндонда ўлиб кетишди...

Албатта, шу билан жангу жадал тўхтаган эмас, бироқ Абд ал-Азиз 1932 йилнинг сентябрида “Араб қироллиги ҳудудларини бирлаштириш ҳақида”ги декретга имзо чекди. Шу тариқа мамлакат “Саудия Арабистони қироллиги” деб атала бошлади, тожу тахт эса, ворисийлик касб этди...

Тарихчи А. Васильев, ваҳҳобийлар режими ички ва ташқи ғанимларига қарши исломни бир қурол сифатида истифода этиб келганини ёзади. Принстон университети профессори Бернард Льюис эса, улар ўз “таълимот”ини хорижий ўлкаларда ёйиш учун ҳар йили бир неча юз миллион доллар сарфлашини қайд этади. Бундай саъйи ҳаракатлар ҳеч қачон, ҳеч бир замонда яхшилик олиб келмайди...

Қаранг, ислом нозил бўлганидан буён қанча сувлар оқиб ўтди, қанча салтанатлар нураб кетди, аммо у заррача ўзгарган эмас, ҳамон осмону юлдузлар ва кўёш янглиғ ўз ўрнида муқимдир.

Неча замонлар ўтган бўлишига қарамай, Куръони карим ва ҳадиси шариф мудом асл ҳолича яшаб келмоқда, шу маънода, ҳар бир авлод она сунгидек безавол бўлмиш Аллоҳнинг мўътабар каломига ва Пайгамбар суннатига тўғридан-тўғри мурожаат этиш, яъни, аслига таянган ҳолда исломнинг бугун моҳиятини англаб етиш имконига эгадир.

Лекин бузғунчилар аксарият ҳолларда ёшларнинг мана шу маърифий сарчашмага етиб олишига йўл қўймайдилар, уларга кузгундек чанг солиб, ўз домига тортадилар. Ҳали исломий ҳикматдан баҳраманд бўлмаган, Яратганни ва дунёни танимаган, алданиш, нашъаланиш, нафсоний туйғулар ва васвасалар голиб келиш ёшида бўлган йигит-қизларни ҳақ йўлдан оздирадилар. Оқибатда улар, ўзлари билмаган ҳолда, катта сиёсий ўйиннинг қурбонларига айланади - ислом номидан қон тўкиб, ўз динининг ва миллатининг дунёвий нуфузига зиён-заҳмат етказди. Бу ўйинни ташкил этиб қўйганлар эса, “исломий экстремизм”, “исломий террор”, “исломий фашизм” деган иснодли ибораларга атай урғу беради...

Ваҳҳоланки, ислом ўзгани камситиш, зулм қилиш ва ноҳақ қон тўкишни қатъиян ман этади.

Бу ҳаётбахш таълимот инсонни азизу мукаррам зот сифатида эъзозлайди ва шу улуг эҳтиромга муносиб бўлиб, пок ва ҳалол яшашга, ота-она ва дўсту ёрга меҳр кўрсатиб, егим ва мискинларга мурувват қилишга, кўнглини ва ёруғ оламни обод этишга ундайди. *“Остона ҳатлаб, ҳар уйга қадам қўйганда, (шу уйни Ҳудо ярлақасин, деб) дуо қилинглар, “Ассалому алайкум” денглар (бу - сизга тинчлик тилайман, деганидир)(24:61)* .

Бу эзгу таълимот башар ҳаётини, инсоннинг хуш ахлоқли муносабатларини ва, биринчи навбатда, тинчлик ва хотиржамликни энг бебаҳо неъмат сифатида улуғлайди.

Агар, сиз бугун яқин ўтмишга назар солсангиз, худосизлик авж олган ХХ асрда ҳам юз минглаб одамлар ислом динини қабул қилганига гувоҳ бўласиз. Уларнинг аксарият кўпчилиги европалик олимлар, ёзувчилар ва дин арбобларидир. Бу кишиларга, ислом динини қабул қилинг, деб биров сиёсат юритган эмас. Аксинча, уларнинг айримлари ўз вақтида мўминларни насронийликка ташвиқ этган, шу йўлда жидду жаҳд кўрсатган, аммо айланиб келиб, ўзи ислом динини қабул қилган.

“Саратон. Қоқ туш маҳали. Қайноқ тупроқ йўлда борар эканмиз, баногоҳ кўнгироқ садоси янглиғ сеҳрли бир овоз қулоққа чалинди. Гуё у етти иқлимга таралаётгандек эди. Беихтиёр ўша томонга бурилдик ва кишини ҳайратга соладиган ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Озода хирқа кийиб, бошига оқ салла ўраган ёши улуг бир муаззин азон айтарди. У бу ёруғ оламдан батамом узилиб, ўз холиқи - Раббулоламиннинг васлига етишгандек, илоҳий бир ҳолатда эди. Биз бу ҳолатга маҳлиё бўлиб, ўтириб қолдик.

Ғоят маҳобатли оҳангда жаранглаётган илоҳий саслар руҳимизга таскин ва ҳаловат баҳи этарди.

Ниҳоят, жасоат йиғилди, улар оёқ кийимларини ечиб, сафга тизилдилар. Оқ ва қора танлилар, бой ва камбағаллар, маъмур ва ишчилар, улар ҳеч бир тафовутни ҳисобга олмай, елкама-елка туриб, намоз ўқий бошладилар.

Одам боласига муяссар этилган бундай муаззам биродарликни умримда биринчи марта кўриб туришим эди”, - деб ёзади америкалик Томас Клэтон. Шундан сўнг у ҳар бир одам учун эслатма бўлмиш Куръони каримни мутолаа этади ва ислом динини қабул қилади. Зеро, “У ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (фойдали илм) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақки, унга кўп яхшилик берилибди”(2:269).

Англиялик олима Руқия Мақсуд, инглизлар кечиримлик, покизалик ва одамийлик асосига қурилган мусулмон ҳаётига ҳавас қилади, шунинг учун бу мўътабар динни қабул этаёттир, деб ёзади.

Ҳозир Буюк Британиядаги мусулмонлар сони уч миллиондан ошиқдир.

Биргина 2002 йилнинг ўзида Германияда ўн мингдан, Англияда эллик мингдан, Францияда юз мингдан зиёд киши исломни қабул қилган. Ҳозир Америка Қўшма Штатларида мусулмонлар нуфуси уч миллиондан, Германияда тўрт миллиондан, Францияда эса, беш миллион нафардан ошиқдир.

Утган юз йилликда тарафдорлари кескин ўсган дунёдаги ягона дин исломдир, деб ёзади рус шарқшуноси Николай Жданов. 1900 йили ер юзида жами 216 миллион киши бу динга амал қилган бўлса, ҳозир мусулмонлар нуфуси 1 миллиард 315 миллион нафардан ошиқдир.

XX асрнинг олтинчи йилларида ҳар беш кишининг, ҳозир ҳар тўрт кишининг бири мусулмондир. 2030 йилга бориб, ҳар уч кишининг бири исломга амал қилиши кутилаёттир (“Ислам и политика”).

“Ислом юлдузи жаҳолат ичидаги дунёга ойдинлик, тинчлик ва таскину тасалли баҳи этди, - деб ёзади Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди Маҳатма Ганди. - Исломият қилч туфайли эмас, балки ўзининг ғоят ҳаётбахилиги, улғворлиги, Пайғамбарнинг ниҳоятда олижаноблиги ва башарга мислсиз меҳру садоқати туфайли бу қадар шиддат билан оламга ёйилди”.

Дарҳақиқат, Расули ақрам Аллоҳнинг фазлу карамига бежиз муяссар бўлгани йўқ. Бу улғ зот ўзининг ғоятда олий хислатлари ва комил инсоний фазилатлари билан беқиёс ибрат мактабини яратиб кетди.

Абу Бакра разияллоҳу анҳу ривоят қилишича, бир куни Расулуллоҳ набираси Ҳасан ибн Алини суюб, айтадики: *“Менинг бу ўғлим раҳнамодур! Мендан кейин умматим орасида чиққан фитнани шу ўғлим бартараф этгай. Бунинг ҳиммати билан икки мусулмон кўшин ноҳақ қон тукилишидан сақлангай!”*

Орадан қарийб қирқ йил ўтгач, Имом Ҳасан худди мана шу вазиятга рўбарў келади. У халифалик тахтига ўтиргач, Шом волииси Муовия яна тожу тахт даъвосида юриш қилади. Имом Ҳасан ҳам унга қарши лашкар тортиб чиқади. Икки кўшин, жами 150 минг мусулмон, бир-бирига тўқнаш келади. Шунда, Имом Ҳасан, салтанат деб бир-биримизнинг қонимизни тўкмайлик, деган андиша билан ихтиёрий равишда тахтдан воз кечади. Унинг ҳиммати туфайли мусулмонлар ихтилофда яшаш масъиятидан халос бўлади...

Бу ҳикмат чуқур маънога эга.

Ҳотам ул-анбийё: *“Бу иккиси менинг бу дунёдаги икки хушбўй райҳонимдур”, - дея набиралари Ҳасан билан Ҳусайнни ардоқлайди. Ўзингиз бир ўйланг, Аллоҳнинг чексиз марҳаматига муяссар бўлган бу муборак зот нега тожу тахтни ўз авлодларига абадул-абад муҳраб қолдирмади? Нега уларни салтанат йўлидаги бўлғуси курашлардан ўз вақтида қайтарди? Ва нега мудом одамийликка, бағрикенгликка, шафқат ва мурувватга, бир сўз билан айтганда, маънавий-руҳий комилликка даъват этди?*

Расули ақрам ўз умматининг тинчлиги, осойишталиги ва биродарлигини ҳамма нарсадан ортиқ кўрди ва денгиз мавжлари янглиғ фитналар авж олиб, улар бир-бирининг бўғзига тиг санчадиган золимлардан бўлиб қолишини истамади.

Насабли авлодлари ҳам Пайғамбар кўрсатган мўътабар йўлда доимо собит турдилар ва шу йўлда ўзларини фидо этдилар.

Ҳаёт бор экан, одамлар инсонийлик ва меҳр-оқибатни, ҳиммат ва қарамни, тинчлик ва биродарликни қадрлар экан, бу нурли ва ибратли ҳақиқат мудом тантана қилиб яшайди.

У, оқибатни унутган, ҳақиқатни беҳуда бир нарса деб билган маккор ва мунофиқ кимсаларни ҳушёр тортириб, дунёни таниган, эзгулик йўлида сафарбар бўлган башарга доимо шараф келтириб туради.

12. Ўзбекистоннинг мунаввар йўли

Президент Ислом Каримов озошлик офтоби елкамизга теккан заҳоти халқ Рухининг тикланиши жараёнида исломни четдан *“импорт”* қилишга, дин восита этилган сиёсий курашларга, жамият ҳаётини бузиб ташловчи турли хил ҳавфу хатарларга қатъиян қарши турди.

Ўша нотинч ва беором кунлар мустақил ҳаётга энди қадам қўйган ёш давлат учун осон бўлмаган. Мамлакатимизнинг жанубида ва шарқда уруш алангаси ловуллаб турар, бу олов чегара ошиб ўтиши, Ўзбекистонимизни ўз домига тортиб кетиши ҳеч гап эмасди.

“Ҳар бир ақли расо одам шунинг англаб турибдики, айни вақтда Ўзбекистонда ақидапарастлик ва экстремизм голиб келадими-йўқми, деган ҳаёт-мамонт масаласи ҳал этилмоқда”, - деб уқтиради Президент Ислом Каримов хорижий журналистлар билан бўлган мулоқотда. Ва яна айтадики, Ўзбекистон минтақада ашаддий ақидапарастликка асосланган ҳар қандай *“таълимот”*лар тарқатилишига қатъиян қарши туради.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган бемаъни уруш ўн миллионлаб инсонлар ҳаётини бузиб ташлаганига, очлик, муҳтожлик ва бедодлик одамларнинг тоқатини тоқ этганига, қирғин ва талон-тарож авж олган бир шароитда яна халқаро террорчилар тайёрланаётганига, агар аҳвол ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ҳадемай ижтимоий портлаш рўй бериб, дунёни ларзага солишига эътиборни қаратади. Ва хорижий журналистларни **навбатдаги ваҳшийликнинг олдини олиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга** даъват этади.

Масаланинг моҳияти шундан иборатки, 1979 йилнинг 27 декабрида совет қўшинлари Афғонистон ҳудудига бостириб киради, шу муносабат билан Америка Қўшма Штатлари, Саудия Арабистони ва Покистон 25 минг ёлланма жангаридан иборат хорижий исломий экспедициявий корпусни ўлкага сафарбар этади. Ҳеч балодан қайтмайдиган бу ёлланма жангарилар фаластинлик Абдулла Аззам бошчилигида *“Муҳоҷидларга¹ хизмат мактаби”* ташкил этиб, уруш одамларини тайёрлай бошлайди. Лекин орадан кўп ўтмай, Абдулла Аззам сирли бир тажовузнинг қурбони бўлади, шундан сўнг кўпорувчилар тайёрлаш ишига саудиялик Усама бен Ладен раҳбарлик қилади. Ва худди шу кундан эътиборан, ўқув ва амалиётга ваҳҳобийлик *“таълимоти”* асос қилиб олинади.

Ўлкада ва унга туташ ҳудудларда 150 та ҳарбий база ва лагерлар иш юритган бўлса, бу жойларда ҳар йили 5 мингдан зиёд ашаддий жангари тайёрлаб чиқилган ва уларнинг қон-қонига ваҳҳобийлик *“таълимоти”* сингдириб юборилган.

Россиялик шарқшунос А. А. Игнатенко буни ваҳҳобий-толиблар альянси, деб атайди.

Олимнинг таъкидлашича, мазкур альянс, биринчи навбатда, ўтмишда ислом байроғи остида иш юритган жамики бузғунчи фирқа ва ҳаракатларни яна *“оёққа қўйди”*, айни пайтда, ўз Ватанида эл-юрт қазабига учраган ва сиёсий ҳаётдан четга суриб қўйилган, жиноят содир этиб, жазодан қочган аламзада кучларни ўз атрофида жипслаштирди ва уларнинг қўли билан ўша бузғун *“таълимот”*ларни Марказий Осиё, Кавказ, Европа ва Австралияда жуда кенг ёйди.

Мусулмон ўлкаларда бу ҳаракатлар зоҳиран ваҳҳобийлик, *“ҳизбут таҳрир”*, *“Жамоати таблиғ”*, *“Ал-жиход, ал-исломий”*, *“Ал-такфир вал ҳижрат”* каби турли тоифалар шаклида намоён бўлса-да, аслида улар ҳали онги шаклланиб

¹ М у ж о ҳ и д - жиҳод уруши иштирокчиси (*“Ислом. Энциклопедия”*).

улгурмаган, бироқ динга ихлоси баланд бўлган тажрибасиз ёшларни ўз домига тортиш ва мана шу ҳисобдан ваҳҳобий-толиблар альянсини янги кучлар билан таъминлашга хизмат этган. Альянс жиловбардорлари бу ёшларни ўқув базаларида “қайта тарбиялаб”, ваҳҳобийлик “таълимот”и билан онги-шуурини заҳарлаган ва ўз қўлларидаги ташвиқот ва террорчилик қуролига айлантирган.

Уруш ва қабоҳат ўтида тобланиб, балою офат манбаига айланган ваҳҳобий-террорчилар ўтган чорак аср давомида бугун муслмон оламига ёйилди. Биринчи навбатда, улар ваҳҳобийлик “таълимот”и ҳисобига исломни “янгилаш”га ҳаракат қилишди. Шу билан бирга, дунёдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид сола бошлади (*“Ислам и политика”*).

Маълумки, 1989 йилнинг 15 февралда собиқ иттифоқ ўнминглаб аскардан, беҳисоб қурол-аслаҳа ва ҳарбий ускунасидан, иззат-ҳурматидан айрилган ҳолда ўз қўшинини Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетди. Бу шармандали ҳолат, устига-устак, собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши баъзи бир чет эллик сиёсатчиларда мутлақо янгилаш тасаввур уйғотди. Афғондан, улар, мужоҳидлар бизнинг ёрдамимиз туфайли шундай қудратли давлатни “синдириб” ташлади ва оқибатда у ҳалокатга юз тутди, шундай бўлгач, нега энди, жаҳон харитасига янада жиддий ўзгартишлар киритишимиз мумкин эмас?! - деган хаёлга боришди.

1992 йилнинг 30 апрелида Саудия қироллиги махфий хизмати раҳбари шаҳзода Туркий ибн Файсал билан Покистоннинг ўша вақтдаги бош вазири Навоз Шариф Кобулга ташриф буюради. Улар мужоҳидлар ҳукуматини расман эътироф этадилар. Айни пайтда, Навоз Шариф, бизнинг қўллаб-қувватлашимиз билан мужоҳидлар Афғонистон, Эрон, Туркия ва Марказий Осиё мамлакатларидан иборат федерал иттифоқ ташкил этади, деб баёнот беради (*“Известия”, 1992 йилнинг 1 майи*).

Бу иддао йўлида мисли кўрилмаган саъий ҳаракат қилингани кундай равшан ҳақиқатдир. Аввало исломиятга ихлоси баланд бўлган илмсиз ёшлар ваҳҳобийлик, “ҳизбут-таҳрир”, “Жамоати таблиғ” таъсирига олинishi янада кучайди. Шундан сўнг Наманганда жуда оғир жиноятлар содир этилди.

1996 йилнинг 3 апрелида, Қандаҳорда толиблар етакчиси мулла Умар амир ал-мўминин, яъни мўминлар ҳукмдори деб эълон қилинди. Шу йилнинг 30 октябрида толибларнинг “Тулуйи афғон” газетаси: *“Бизнинг мақсадимиз, ер юзидаги муслмон мамлакатларни халифаликка бирлаштиришидан иборатдир”*,¹ - деб ёзди.

Ҳадемай, толиблар Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларига таҳдид сола бошлади. Улар, Самарқанду Бухорони босиб оламиз ва ўз режамизни жорий қиламиз, деб баёнот беришди. Шундан сўнг водийда ислом давлати тузамиз, халифалик ўрнатамиз, деган даъволар янгради. Уруш ва қабоҳат хатари янада кучайди.

1999 йилнинг 16 февралда Президент ҳаётига суиқасд қилиш, конституциявий тузумни ағдарилш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Тошкентда мудҳиш портлашлар содир этилди, 16 нафар беайб ва бегуноҳ инсон террорчилар ваҳшийлигининг қурбонига айланди. 128 нафар ватандошимиз эса, оғир жароҳат олди.

1999-2000 йилларда террорчилар Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларига, Қирғизистон ҳудудига суқилиб киришга ҳаракат қилди, улар 23 нафар чет эллик альпинист ва геологларни гаровга олиб, кўндан-кўп нотинчликлар ва қонли босқинлар содир этишди. Ватаннинг унутилмас фидойи ўғлонлари ҳаётига зомин бўлишди.

2004 йилнинг баҳори ва ёзида Тошкент шаҳрида, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, пойтахтдаги хорижий элчихоналар ва Бош прокуратура биноси олдида амалга оширилган ўзини-ўзи портлатишлар, шу тариқа Ўзбекистоннинг халқаро обрўига соя ташлаб, тинчлик ва осойишталикка, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зиён-заҳмат етказишлар, барча-барчаси мана шу қабих ҳаракатнинг унутилмас жароҳатлари, десак, асло хато бўлмайди.

Вақтида улар юртимизни уруш гирдобига тортишга, ҳаётимизни бузиб,

¹ “Ҳизб”ийларнинг “Сиёсий фикрлар”ида ҳам федерал иттифоқ рад этилган.

мамлакатни вайрон этиб, жаҳолат қарига итқитиб ташлашга астойдил ҳаракат қилишди.

- Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади, - дейди Президент Ислоом Каримов. **- Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган кунидек оёққа туришга ва ўзи юришга, ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлди.**

Ҳақиқатан ҳам, агар, биз бу даврни бугун мураккаблиги билан яхлит ҳолда кўз олдимишга келтирсак, ўша туфонли кунларда Ўзбекистон кулфат ва жар ёқасида турганини тасаввур этишимиз қийин эмас. Мамлакатда иқтисодий танглик ва машаққатлар, миллатлараро низою қонли тўқнашувлар, демократия “туфон”лари ғоятда авж олган, одамлар денгиздек тошаётган қалгис ва ҳалокатли вазиятда, Ўзбекистон уруш ва терроризм, вайронкорлик ва бузғунчилик балосига қатъиян қарши турди, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун сабот ва матонат билан кураш олиб борди.

Халқимиз, давлатимиз раҳбари бошчилигида, аввало мўътабар динимизни ва исломий қадриятларимизни, бинобарин, ўғил-қизларимизни, келажагимизни, тинчлигимиз ва осойишталигимизни уруш ва ёвузлик алангасидан мардона ҳимоя қилди. Шу билан бирга, ўзидан ортиб, жафокаш кўшнилари дарғидан малҳам бўлди ва уларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қилиш учун сабот ва матонат билан курашди. Зеро, бу кураш тилдан-тилга ўтиб, асрлар оша яшайдиган бутун бир тарихни ташкил этади.

Бу кураш жуда кескин тус олган ўша оғир йилларда, исломий қадриятларни эъзозлаш борасида кенг қўламли, мумтоз ва мўътабар шундай эзгу ишлар амалга оширилдики, бугун биз уни дунёга ҳар қанча кўз-кўз қилсак арзийди.

Бухорий ва Нақшбанд, Гиждувоний ва Термизий, Мотуридий ва Марғиноний, Сайид Амир Кулол ва Зангиота, Шайх Хованди Таҳур ва Қосим Шайх каби қатор ёлгорлик мажмуаларини бир кўз олдингизга келтиринг. Бугун ихлосмандлар дарёдек оқиб келаётган бу обод зиёратгоҳлар куни кеча хорликка юз тутиб ётгани рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Самарқанду Бухоро, Шаҳрисабзу Хивадаги қанчадан-қанча исломий обидаларга қайта ҳаёт бахш этилди ва улар Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхатидан муносиб ўрин олди.

Бу ишлар зулматни чақмоқдек тилиб юборган бир тарихий ҳикматни ёдга солади. Ўз вақтида Чингиз кўшинлари бугун дунёга даҳшат солди. Босқинчилар Мовароуннаҳр аҳлини қўйдайд бўғизлаб, шаҳару қишлоқларга ўт қўйди. Оламни қоп-қора тутун қоплади. Шунда одамлар: *“Ер юзида мўғулдан бўлак ҳеч ким қолмади, бу зулмат тарқалиб, осмону фалак яна ёришармикан ёки шу билан қиёмат қоим боиланиб кетармикан?”* - деб ўйланиб қолди.

Мўғуллар Бинокатда қаршиликка учрагач, шу қадар золимлик қилдики, ҳатто бешикдаги чақалоқлар ҳам қиличдан ўтказилди, ўт қўйилган шаҳар вайроналари бир ярим аср давомида юракларга даҳшат солиб турди. Ва, ниҳоят, соҳибқирон Амир Темур юртни зулмдан халос этгач, бу ўлик хароба ўрнида обод ва кўркем бир шаҳар бунёд қилди, миллатнинг, мамлакатнинг қалдини кўтариб, дунёнинг ярмига исломни ёйди ва уни янада қувватлантирди.

“Мовароуннаҳр Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадан кейинги азиз ва мўътабар юрт, ислом динининг иккинчи ватанидир, - деб ёзади “Покистон обсервер” газетаси. *- Чунки айнан шу замин муқаддас динимиз қувват олиб, янада кенг ёйилишида иккинчи манба бўлган”* (1998 йилнинг ноябри).

Ҳа, Ўзбекистон замини ғоятда азиз ва мўътабардир. Зеро, у ҳадис илмида мўминлар амири дея шарафланган Имом Бухорийнинг, Аллоҳнинг кўшниси, олам аҳлининг устози дея эъзозланган Абул Қосим Замахшарийнинг, жаҳон аҳлининг улуғи деб ардоқланган Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг, ҳақ йўлида ҳидоятта бошловчи Имом Абу Мансур Мотуридийнинг, исломиятнинг юлдузи бўлмиш Шайх Нажмиддин Кубронинг, тасаввуф аҳлининг сулғони Баҳоуддин Нақшбанднинг Ватанидир.

Бу қутлуғ заминнинг ҳар бир қаричи бир пири комилни, бир азиз-авлиёни бағрига босиб ётибди. Ва улар мана шу заминда яратган тариқатлар, илму ҳикмат жавоҳирлари бутун мусулмон оламига маърифат ёдусини таратиб келмоқда.

Мана шундай ўтмишга ва мўътабар мавқега эга бўлган бу қутлуғ заминда содир этилган аянчли фожиалар ашаддий хусуматчи қавмнинг мудом туғён қилиши, қасдланиб халқимиздан ўч олишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Чунки ўз вақтида улар исломни восита қилиб, бу халқни ўз ортимиздан эргаштириб кетамиз, деб ўйлаган эди. Аммо бунга муваффақ бўла олмади.

Шундан сўнг улар осойишта ҳаётимизга раҳна солишди, уйимизни бузиб ташламоқчи бўлишди, аммо портлатиш ва тажовузлар содир этиб ҳам тайинли бир нимага эриша олмади. Ахийри, ўзлари ҳеч қачон ўлмайдигандек, ҳаддидан ошиб, ўз кўлларида тутиб турган нодон ёшларни жаҳаннам қаърига тикиб юборишди.

Тарихга бир назар ташланг, тинчлик устувор бўлган ҳеч бир замонда, мусулмон мусулмонга жиҳод қилганми? Жиҳод қиламан деб бир мўмин иккинчи бир мўминни, яна ўз қавмини асосиз равишда ўлдирганми? Ҳеч бир замонда бу жабҳага аёл зоти жалб этилганми? Ва, аслида, бу жаҳолатнинг мўътабар динимизга нима алоқаси бор?

Бундай оғир қабоҳатлар нафақат жамиятни бўлиб ташлаш учун, балки одамларни диндан бездириш, динлар ва миллатлар орасига ихтилоф солиш, мусулмонларни бошқа халқлар кўзига ёмон кўрсатиш учун атай қасдан қилинади.

Агар, диёримизда, мен Аллоҳ йўлида фидойилик кўрсатаман, деган ғайрат-шижоатли йигит-қиз бўлса, қани, айтинг-чи, ким уларнинг йўлини тўсади? Ва яна қаерда, бундай тилакни рўёбга чиқариш учун мана шундай меҳрибонлик ва шарт-шароит яратилган?

Ислом тарихи, ислом фалсафаси, тафсир ва фикҳ илмига доир қанчадан-қанча ноёб ва бебаҳо қўлёзмалар мана шундай оташин ёшларнинг заҳматига мунтазир-ку? Уларни тадқиқ этиб, халқимизга етказишдан кўра хайрлироқ иш борми, ўзи?

Ҳазрат Мотуридий айтадики, *Илм (Алийм) Парвардигорнинг сифатларидан бўлиб, агар бу сифат бирон-бир инсонда намойён бўлса (яъни, у чинакам фозилликка эришса), билинги, Аллоҳнинг сифати унга очилган бўлади.*

Мана шундай улуғ мартабага эришган ва исломий маърифатга беқиёс таъсир кўрсатган ўлмас ажлодларимизнинг юзлаб мумтоз асарлари ҳали халқимизнинг маънавий мулкига айланган эмас, уларни она тилимизга ўтириш ва нашр этишдан кўра дунё ва охираат учун шарофатлироқ иш борми?

Британиялик олима Руқия Мақсуднинг ёзишича, мўътабар динимизни қабул қилган англияликларнинг кўпчилиги нақшбандийлик тариқатига амал қилишади.

Нақшбандийлик, кубровийлик ва яссавийлик тариқатлари, уларнинг фалсафий тамойиллари, балоғату фасоҳатнинг умумий қоидалари ҳақида жилд-жилд тадқиқотлар яратиш мумкин, донишманд ажлодларимиз яратган бу илм ва ҳикмат хазинаси неча асрдан буён ақлият, аҳлият ва ҳалолликни эъзозлаб, жамиятнинг маърифий такомил йўлини нурлантириб келмоқда.

Кўл ишда, кўнги Аллоҳда бўлсин!

Орифлар айтадики, ҳаётнинг маъноси аслида шудир, кимки бу ҳикматга амал қилса, унинг икки дунёси обод бўлади.

Қуръони карим кишилик жамияти ҳаётига мунавварлик бағишлаган, тараққиёт эшикларини ланг очган неъмат илоҳийдир. Ундан қувват олиб, ҳикмат ва илму маърифатдан дўстларни баҳраманд этиш ҳам инсон умрига зийнат бағишлайди. Қуръонни тушуниш кейинги минг йиллик тарихимизни, илмий ва маънавий меросимизни чуқур англамоққа йўл очади. Ёки бўлмаса, йўлсизларга йўл кўрсатган Расули акрамнинг замонлар оша яшаб келаётган муборақ сиймосини, бу сиймога кўрк ва улуғлик бағишлаб турган олижаноб шахсиятини, ҳиммат ва шижоатини, бу зотнинг одам боласига бўлган чексиз меҳр-муруватини бир кўз олдингизга келтиринг ва шунга иқтидо қилинг.

Ҳазрати Али карамаллоҳу ваҳҳа:

- *Ё, Расулulloҳ, сизнинг суннатингиз қайсидур?* - деб сўрайди, шунда бу улуғ зот, қаранг, қандай марҳамат қилган:

- *Маърифат меним сармомдур. Динимнинг асли ақлдур. Ишимнинг асоси муҳаббатдур, муҳаббатсиз ҳеч иш вуҷудда келмас. Қуролим илмдур, илмсиз амални Худо қабул қилмас. Сабр меним либосимдур, сабрсиз имон камолга етмас...*

Ҳаёт абадий. Кечагина атак-чечак қадам ташлаган гўдак бугун балоғатга етиб, ҳаётдан ўз ўрнини қидира бошлайди. У чавандоз янглиғ от суриб майдонга чиқишидан аввал, она-Ватанининг, халқининг ва динининг тарихини қунг билан ўрганмоғи, ота-боболари динга ва дунёвий илмларга қандай амал қилганини теран англаб етмоғи лозим. Бу - мураккаб, бироқ ғоятда зарур иш. Чунки оламдаги ҳар бир мавжудот, ҳатто гиёҳлар ҳам озиқланиш туфайли униб-ўсади. Ҳаёт нафасини туйиш, кўш нурларини эмиш ва оламга чирой бериш учун тошлолалар тошни ёриб чиқади...

Бугун рўй берган, фикри-хаёлимизни банд этган ҳодисалар ўтмишда ҳам қандайдир шаклда содир бўлган ва ота-боболаримиз унга тўқнаш келиб, муайян сабоқ чиқарган. Аждодлар йўлида собит бўлиш улар билиб-билмай қилган хатоликлардан асрайди, ҳақиқатни билиб олиш ва улгайишга замин яратади. Шу маънода, ҳаётнинг паст-баландини билиб, унинг ботиний курашларини идрок этишда, дунёнинг сиру синоатларини англаб етишда ўтмишдан яқинроқ дўст топилмайди.

Тарихий хотира шу.

Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, **тарихий хотирасиз келажак йўқ!**

2004 йилнинг 18 июни.

Мазкур рисолада “Қуръони карим” (Тошкент, “Чўлпон”, “Шарқ”, 1992, 2000), Имом Бухорийнинг тўрт жиллик “ал-Жомий ас-саҳиҳ” (Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1991-96), Имом Термизийнинг “Аш шамоил ан-набийя”, “Сунани Термизий” (Тошкент, “Чўлпон”, “Адолат”, 1993-99), Низомулмулкнинг “Сийосатнома” (Тошкент, “Адолат”, 1997), Абу Ҳомид Фаззолийнинг “Мукошафат-ул қулуб” (Тошкент, “Адолат”, 2002), Носируддин Рабғузийнинг “Қисас-ул анбиё” (Тошкент, “Ёзувчи”, 1990), Абул Ҳасан Кисоийнинг “Оламнинг аввали, охири ва пайғамбарлар ҳаёти” (Тошкент, “Ёшлик”, 1991), Муҳаммад Ҳузарийнинг “Нур-ул яқин” (Тошкент, “Чўлпон”, 1992), Алихон Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” (Тошкент, 1991), Абдурауф Фитратнинг “Мухтасар ислом тарихи” (Тошкент, “Нур”, 1992), Сайид Маҳмуд Олтинхонтўранинг “Риёз ус-солиҳин” (Тошкент, “Камалак”, 1991), англиялик олима Руқия Мақсуднинг “Ислам” (Москва, “Грант”, 1999), Михаил Родионовнинг “Ислам классический” (Санкт-Петербург, “Азбука-классика”, 2003), Николай Ждановнинг “Исламская концепция миропорядка” (Москва, “Международные отношения”, 2003), Н. А. Смирновнинг “Современный ислам” (Москва, “Наука”, 1930), “Ислам и политика” (Москва, “Крафт плюс”, 2001), Олег Большаковнинг “История халифата” (Москва, “Наука”, 1989), Сергей Модестовнинг “Геополитика ислама” (Москва, “Молодая гвардия”, 2003), “Ислом. Энциклопедия” (Тошкент, ЎМЭ, 2004), “Биз нега мусулмон бўлдик?” (Тошкент, “Камолот”, 1997), Лев Толстойнинг “Икромнома” (Тошкент, “Маънавият”, 1998), “Всемирная история” (Москва, “Наука”, 1960), Фридрих Ницшеннинг “Антихристианин” (“Сумерки богов”, Москва, ИПЛ, 1989), Алексей Васильевнинг “История Саудовской Аравии” (Москва, “Классика плюс”, 1999), Фозила Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997), Шухрат Маҳмудбековнинг “Борьба народа Египта за независимость” (Ташкент, УЗАП, 1992) ва бошқа китоблардан фойдаланилди.



Сесар ВАЛЬЕХО

Дунё тор қафас

СОФИНИШ

Кекса отагинам мудрайди аста,
Оламни, одамни унутган тамом;
Кўнглини бир ташвиш айлар шикаста,
Ёлғиз мени ўйлаб эзилар мудом.

Кимсасиз хор кулба; шом чўқар сокин,
Ўёлонлар на хабар ва на хат йўллар.
Отам уйғонар-да, эслайди мискин —
Мисрга сафарим, бегона эллар.
Кўз ўнгидан бари ўтади бир-бир,
Кўмсаб мени такрор энтикар оғир.

Боғда мевалардан тотинар онам,
Бироқ ҳеч биридан тўлмайди кўнгли.
Ҳамиша шундай у, яккам-яғонам,
Ўзи кулган билан кўзлари мунгли.

На бола-бақра бор, на шовқин-сурон,
На хабар, на мужда, хувиллаган уй.
Қалбимни титратар бамисли бўрон,
Ватаним ёдимга солган ҳазин куй!

*Абдул ҲАМИД
таржимаси.*

Перу адабиёти, жумладан, шеъриятининг илдизлари маҳаллий ҳиндиларнинг қадимий маданиятига, қолаверса, кейинчалик бу заминда жойлашган испан халқи намояндалари адабиётининг бой аънаналарига бориб тақалади. Сесар Вальехо ранг-баранг аънаналар билан бой Перу адабиётида дастлабки, чинакам миллий шоир сифатида эътироф этилган. Асосан ўтган асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган Вальехо (1892-1938) шеърияти эркинлик, мустақиллик, миллий ўзликни англаш хитоби сифатида янгради. 1923 йилдан Вальехо Лотин Америкасидаги қатор матбуот нашрларининг муҳбири сифатида Парижда, кейин то умрининг охиригача Мадридда яшаб, ижод қилди. Вальехо қаерда яшашидан қатъи назар, ватани Перуга талпинди, унинг заҳматкаш халқининг орзу-ниятларини бадиий пухта шеърларида юксак пардаларда куйлади, ҳақ-адолат жарчиси тарзида қалам тебратди. С.Вальехо нафақат оташнафс шоир, балки “Вольфрам” романи муаллифи ҳамдир.

* * *

Тўрт томондан қисар тўрт девор,
Тўрт томонда девор тор қафас.
Қутулмоғим наҳотки душвор.

Исканжада вужуд, оёқ-қўл,
Тўрт томонга тортар тўрт бурчак,
Бурчак деманг, бу тўрт кишан, гул!

Қайлардасан халоскорим, айт!
Тўрт томондан урилган кишан,
Азобидан халос айла, қайт!

Ҳамроҳ бўлсанг, бўлсанг ҳамнафас,
Боғи беҳишг бўларди аниқ,
Тўрт томонда тўрт девор қафас!

Деворларнинг бир жуфти, хиёл
Узунроғи бутун тун, марҳум —
Бироқ ҳануз битта болани.

Икки қўлидан ўнгирлар бўйлаб
Бошлаб борар икки модарнинг
Арвоҳидай эзди тун бўйи.

Афтодаман, ночор, қон бағир,
Нажот қайда озурда жонга,
Ё Раб, бу не уқубат ахир!

То қабрга дўнмай тор қафас,
Келақол тез, эй Исонафас!

АКАМ МИГЕЛГА

Ёлғизман, иморат пойида ёлғиз,
Сени қўмсаб армон ўртади бағрим.
Аввалгидек бекинмачоқ ўйнай олсайдик,
Онам шўрлик бошимиз силаб:
“Етар шумтакалар...” деган бўларди.

Ҳар галгидек шом пайтида беркиниб олсам,
Тополмасдинг мени ҳатто ернинг тагидан.
Кейин меҳмонхонада,
йўлакнинг бурчагига беркинардинг мендан.
Кўп кулган бир йиғлар деганларидай
Жанжал билан тугарди гоҳ ўйинларимиз.

Машъум август кечаси, нурафшон тонг арафасида
беркиндинг сен, Мигель, росмана, бироқ чеҳрангда
қув табассум эмас, муҳрланган мангу ғам-ғусса.

Мен эса безовта эгизак қалбинг
тўрт томонга зир югурсам ҳам
тополмай ҳеч армондаман, ҳамон армонда.
Болалигим осмонида булутлар қора.

Чорлагайман сени, Мигель,
беркинган жойингдан чиқақол тез, чиқ!
Онам ҳам хавотир олаётгандир.

ДУРАНГО ВАЙРОНАЛАРИДА МОТАМ АЛЁРИ

Испан қишлоқларин хоки муқаддас,
Тангри паноҳида сақлагай омон,
Заволдан камолга юзландинг сен, бас.

Гар хоки туробсан, ёвқурсан, довсан,
Парвозинг сарбаланд бўлғай тоабал,
Бошимиз узра балқ, мисли яловсан.

Ёнғинлар қаъридан чиққансан омон,
Мунаввар маъволар сенга мунтазир,
Ёнғинлар қаъридан чиққансан омон.

Муқаддас заминим, эй қасоскор руҳ,
Барқарор бўлғай бахт, иқболинг сенинг,
Муқаддас заминим, эй қасоскор руҳ.

Руҳимиз қаноти нажот наҳрисан,
Бағрингни долғалар қилмагай пора,
Марҳумлар қарғиши, лаънат, қаҳрисан.

Муқаддас туробим, малҳам, тўғиё,
Эй мудом мардона, мудом жасур, мард,
Эй зулмат кўксига санчилган зиё.

Муқаддас туробим, эй аламдийда,
Иқболинг қуёши порлагай мангу,
Муқаддас туробим, эй аламдийда.

ҚОРА ЭЛЧИЛАР

Ҳаётнинг шундай зўр зарбалари бор,
Ҳаётнинг бор шундай зўр зарбалари,
Тангрининг қаҳридек,
бамисоли Тангрининг қаҳри,
зарбаларни сезгандай гўё
бор дарду ҳасратим бедор-безовта
бор дарду ҳасратим жунбушга келиб,
Кўнглимда қўзғайди ғалаён...
Тақдир зарбалари,
Зарбалар....

Дайтарли кўп эмас ва лекин
Ўта қатъиятли чеҳраларга ҳам ва ҳатто
забардаст елкаларга ҳам чандиқдай тоабал
қолдирар мангу асорат
эҳтимол, булар Отеллонинг ёлдор тулпорларидир,
балки, қора элчилари ажалнинг, унинг жарчилари.
Бу сабрланд Исоий Масиҳ қалбининг таназули бу,

Етмиш икки томиримиз титратган ҳол бу, тандирдан
келаётган бадбўй, гўё ризқу рўзимиз — нонимиз
куйиб қулга айланаётир.

Инсон-чи!...О, бу шўрлик, бандаи ожиз!
Гўё кимдир қўққисдан ортидан келиб,
Исканжага олганда унинг нигоҳида бир
эсанкираш ва бошидан кечган воқеалар
барча-барчаси айбдорлик қўланкасидай
қотиб қолар нигоҳларида.
Тақдир зарбалари... Зарба, зарбалар...

ҚОРА КУН

Бири деди:

— Марнада нақ кўксимни ўқ
тешиб ўтганда бошимга тушганди
қора кун.

Бошқаси деди:

— Қора кунга Йокогамада бўлдим
гирифтор; зилзила соҳилдаги
барчани тўлқиндай ўз домига тортди,
қандай омон қолганимга
ишонгим келмас ҳамон.

Яна бири деди:

— Башарти кундузи ухласам,
ўша менинг энг қора куним.

Бошқаси деди:

— Перуда қамоққа олинганимда
лучор бўлдим қора кунимга.

Яна бир бошқаси деди:

— Отамни тушуниб етган сана мен
учун энг қора кун бўлганди рости.

Ҳамон мум тишлагандай жим ўтирган
кимса эса шундай деди:

— Минг бор шукур, қора кунга
йўлиққанам йўқ.

* * *

Ё Раббий, банданга раҳм қил, раҳм,
Машаққатсиз нон йўқ, гуссасиз йўқ кун.
Гар ожиз бандангмиз ожиз, бефаҳм,
Ортдинг зиммамизга бор дунё юкин,
Марийни ҳам кўмдик бизлар, Оллоҳим!

Бўлганимда агар Сен ўзинг инсон.
Афтода ҳолимиз англар эдинг сен.
Ҳадялар улашиб, улашиб эҳсон,
Доду фарёдимиз тинглар эдинг сен.
Инсонлик қисматин ким айтар осон?!

Мен зулмат қўйнида тебраниб толдим,
Мақгулман кундага қўйган бошини.
Мулки адам ичра йитдим, йўқолдим,
Хўрлама лоақал банданг лошини,

Дунё — дунё эмас, бу — қиморхона,
Ҳаётимиз, ҳайҳот, тикилган довга.
Бемантиқ, беҳисоб турфа баҳона,
Кул айлар қисмат деб аталган ёвга.

То бизни яратдинг Сен қилиб инсон,
Қисматимиз ўзинг осон қил, осон!
Хору зор этгандан яксон қил, яксон!

АЗИЗИЙ

Ибодатга айланди фиروق

СЎЗЛАРНИ СЎЗЛАТДИНГ СЎЗЛАРГА

Маҳмуд ҚОШФАРИЙ хотирасига

Сўзларни сўзлатдинг сўзларга,
Сўзларга ранг бердинг беқийс.
Сўзларнинг парвози фалақда,
Сўзларда оламча эҳгирос.

Сўзларни сўзлатдинг сўзларга,
Сўзларни уйғотдинг сўзлардан.
Сўзларнинг пардаси йиртилди,
Сўзларни унутган кўзлардан.

ШУ КУНИ

МАШРАБга марсия

Шу куни денгизлар тошди қирғоқдан,
Бўрон ялтиради сувда шу куни.
Замин ҳам ларзага келди япроқдек,
Осмон куйди ва чўқди аршга
Муз босган тоғларнинг аламли уни.

*Уйғур тилидан
Хурматжон ФИКРАТ
таржимаси.*

2002 йили ўзининг 40 ёшини кутиб олган таниқли уйғур шоири ва таржимони, моҳир муҳаррир Азизий нафақат ўз ижоди, балки уйғур ўқувчиларига ўзбек адабиётини таништириш жиҳатидаги самарали меҳнат билан ҳам анча хурматга сазовор. У ҳозиргача Зулфия, Миркарим Осим, Иззат Султон, Азиз Қаюмов, Халима Аҳмедова, Исмоил Маҳмуд, Тилаб Маҳмудов, Озод Мўмин каби шоир ва адабиётшунослар, олимларнинг асарларини уйғурчага таржима қилиб, ўқувчиларнинг меҳрини қозонди. У ҳозир янги ўзбек шеърятини уйғур ўқувчиларига кенгроқ таништириш мақсадида “Янги замон ўзбек шеърятидан сайланма” деб номланган китоб тайёрлаш ва нашр эттириш борасида ҳаракат олиб бораяптилар.

Қардош икки халқ ўртасидаги дўстлик риштасини мустаҳкамлаш йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бу шоирнинг шеърларидан ўзбек ўқувчиларини ҳам баҳраманд этиш мақсадида унинг “Тангри тоғ” журналида эълон қилинган янги шеърларини ўзбекчалаштириб, ўқувчилар диққатига ҳавола этдик. Шуни ҳам айтиш жоизки, шеърларни ўзбекчалаштиришда, икки тил учун муштарак бўлган сўзлар, имкон қадар, айнан олинди. Шу боис шеърлар тўла ўзбекча бўлмагандек туюлиши ҳам мумкин. Аммо бу ҳол, менимча, шеърнинг бадийлигига путур етказмайди, балки, икки халқ тилининг нечоғли яқинлигидан гувоҳлик беради.

Шу куни азобли нурланди жаннат,
 Шу куни қон билан ювинди дўзах.
 Бир лаҳза музлади қуёш шу куни,
 Шу куни чўзилди асрдан узоқ.

Шу куни қор ёғди гулларга қизил,
 Шу куни ёриди қориклар¹ қора.
 Юлдузлар айлади шу куни фарёд,
 Минг йиллик дарахтнинг юраги яро.

Шу куни ҳидоят биёбонлари,
 Ёлқинли самота² тушди тўлғаниб,
 Шу куни тошларнинг тиловатлари,
 Муножот авжига кетди қўшилиб.
 Шу куни бир бўвоқ³ туғилди ўтдан,
 Бир бўвоқ ўт аро қайтди ўзига.

Шу куни кўзлардан йиртилди ҳижоб,
 Шу куни аксини йўқотди кўзлар,
 Шу куни алвонга очиб бағрини,
 Муқаддас маънодан айрилди сўзлар.

Барханлар сел бўлиб оқди шу куни,
 Булоқлар тагидан ўхчиди⁴ нидо.
 Шу куни аршга туташди фиғон,
 Шу куни ой тунга қилди иқтило.
 Шу куни шамолнинг кўкси ёрилди,
 Порлади қиёмат деган бир садо.

* * *

Дунё гўё бир пиёла ғам,
 Уни ичиб яшаймиз ҳамма.
 Ичиб-ичиб қонганлар кетар,
 Кетмаганлар тўлдирар яна.

ҲИЖРОН

Деразалар қарайди ғамгин,
 Танҳолигим йўқолди қаён?
 Мудрамоқда сархуш қалаҳлар,
 Ташналиги томлардан⁵ аён.

Капалакнинг тушидек гўё,
 Кеч бўлмайди нечун бу замон?
 Ичилмаган шаробдек туриб,
 Танҳолигим бўляпти хазон.

¹ Кўз қорачиғи.

² Суфийларнинг зикр тушганига ўхшаган ҳаракат.

³ Чақалоқ.

⁴ Опилиб чиқмоқ.

⁵ Деворлардан.

ҲАЁТ НИМА?

Ҳаёт нима —
Нотавон куртакми у қўкка интилган?
Ва ёки аршнинг шўрли томчиси
Ерга тўкилган.

Ҳаёт нима —
Ҳаммага бахшанди фароғатми у?
Ва ёки қуёшнинг ўчган шуъласи —
Чанқаган дилларга сепилган қайғу?

Ҳаёт нима —
Сабр косаси?
Ширин азоб билан лиқ тўлган.
Биз яшаймиз унга қонмасдан,
Қонганларнинг ҳаммаси ёлғон.

ТАНҲОЛИК ШАЖАРАСИ

Танҳоман
Пайқалмаган оролдек.
Шундай битмиш
Қисматимни бу фалак.
Оқшомлари шеър ёзаман,
Мисраларда сирпанар юрак,
Омадим йўқ унинг устига —
Азобдек йиртилган қоғоздан бўлак.

ТУШИМДАГИ АЁЛ

Шундай сирли учратдим сени,
Учратгандек ажиб бир гулни...

Кўзларингда сархуш талпиниш,
Сўзларингда мунгли ҳаяжон.
Шундан бери ширин бир азоб.
Вужудимни айлади макон.

Йўлиққандек бўлдим хизрга,
Ибодатга айланди фироқ.
Дийдорингдан умид узмадим,
Сифинишда кутсам ҳам узоқ.

Шайдолигим ортанча сенга,
Кетдинг шунча мендан йироқлаб.
Чақирсам ҳам уним етмади,
Орамизни жудолик қошлаб.

Шундай сирли йўқотдим сени,
Йўқотгандек ажиб бир гулни...



Ирвин ШОУ

Бой ва камбағал

Роман

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

1-боб

1963 йил

У уйга яқинлашганда тропик Калифорния жаласи шиддат билан саваларди — ёмғир гулларни аямай миғғир, черепицали томдан кўрғошин питралардай сапчир, тепалик ёнбағридаги бульдозерлар қолдирган тупроқ уюмларини ювар ва бу тупроқни қўшниларнинг боғлари ва ҳовузларига элгарди. Колиннинг ўлганига икки йил бўлса ҳамки, Гретхен ўғлимнинг машинаси ўша жойда турмаганмикан деган ўйда беихтиёр очиқ гаражга қараб қўйди.

Дарсликларни ўзининг эскигина “форд”ида қолдирди-да, у катта эшик томонга чопиб кетди, гарчи эшиккача бор-йўғи бир неча ярд бўлса ҳам, ёмғир унинг сочларини жиққа хўл қилиб юборди. Уйга киргач, жувон плашини улоқгирди ва хўл бошини силади. Соат энди беш ярим бўлса ҳам, уйни зимистон чулғаб олганди ва у холл чироғини ёқди. Билли дўстлари билан дам олгани тоққа кетганди ва Гретхен тоғда ҳаво бу ерда — қирғоқ бўйидан яхши бўлишига амин эди.

У қўлини почта қутисига сукди. Қандайдир ҳисоблар, рекламалар ва Венециядан хат — Рудольфнинг дастхати.

Йўл-йўлакай барча чироқларини ёққанча у меҳмонхонага ўтди. Хўл туфлисини итқитди, стаканга озгина виски қўйди, содали сув қўшди ва диванга ястаниб, чароғон хона илиқлигини ҳайрат ила ҳис қилган кўйи оёқларини тагига буклаб олди. У Колиннинг собиқ хотини устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлган ва у шу уйда қолиб яшашни кўнглига тутиб қўйганди. Суд Колиннинг мол-мулки қанчалиги узил-кесил аниқлангунча унинг улуши ҳисобидан Гретхенга вақтинчалик нафақа тўлаб турилсин деб ҳукм чиқарган эди ва у энди укаси Рудольфга боғлиқ эмасди.

Гретхен хатни очди. Узундан-узун хат. Америкада яшаб турганида у телефон қилишни афзал кўрарди, бироқ ҳозир Европа бўйлаб саёҳат қилар экан, опасига хат ёзиб турарди. У, модомики, тез-тез хат ёзаётган экан, демак, унинг бўш вақти шу қадар кўп экан-да.

“Азизим Гретхен, — овозини чиқариб ўқиди жувон, — Венецияда ёмғир ёғаяпти, Джин расмга тушгани чиқиб кетди. Унинг айтишича, ёмғир чоғи Венецияда кайфиятингни яхшилаш учун энг қулай пайт ҳисобланади — пастда ҳам сув, тепада ҳам сув. Мен эсам шинамгина хонамизга кўмилиб олганман ва гўзалликка зиғирча интилиш ҳис этмайман. Джин яна фотосувратларнинг мавзули туркумларини тайёрлаяпти ва одамларни жудаям ачинарли ҳолатларда сувратга тушираяпти. Унинг айтишича, маҳрумиятлар ва кексалик, тўғрироғи, униси ҳам, буниси ҳам биргаликда одамлар ва мамлакат характерини яхши очиб беради. Мен ҳатто у билан баҳслашиб ҳам ўтирмайман. Мен ўзим эса

Охири. Боши ўтган сонларда.

хушсуврат йигитларни ва офтоб нурини афзал биламан, бироқ мен унинг бор-йўғи ўз хузурини ўйлайдиган эриман, холос...”

Телефон жиринглади, Гретхен хатни бир четга қўйди-да, дивандан туриб, гўшакни олди. Қўнғироқ қилган Сэм Корн экан — монтаж бўйича Колин билан унинг барча учала фильмида бирга ишлаган кекса режиссёр. Ихлосманд Сэм унга ҳафтада камида уч марта телефон қилар, баъзан эса Гретхен у билан янги фильмлар кўриқларига студияга борарди, улар, Сэмнинг фикрича, жувонга ёқиб қолиши ҳеч гап эмасди. Сэм эллик бешда эди, у хотини билан узоқ йиллардан бери бахтиёр умргузаронлик қилиб келар ва Гретхен у билан ўзини енгил ва хотиржам сезар эди. У Колин теварагидагилар ичидан Гретхен муносабатини давом этдириб келаётган ягона одам эди.

— Гретхен, — деди Сэм, — бугун биз Nouvelle Vague¹нинг навбатдаги фильмини кўрамиз. Париждан яқингинада олдик. Кейин эса мен сени кечки овқатта таклиф этаман.

— Кечир, Сэм, лекин мен боролмайман. Бугун олдимга машғулот ўтказгани курсдошларимдан бири келиши керак.

— Машғулотлар, машғулотлар, — гудранди Сэм, — Қадимги эзгу мактаб йиллари. — У мактабни тўққизинчи синфда ташлаб юборган ва олий маълумот олиш завқидан мутлақо бебаҳра эди.

— Бирон бошқа пайтда борармиз, Сэм, хўпми?

— Шу ҳам гап бўлибди-ю, майли, — деб жавоб берди йигит. — Тепаликдаги уйингни сел олиб кетмадими ишқилиб?

— Олиб кетди деса ҳам бўлади.

— Калифорниядан бундан ортиқ нарсани кутиш қийин.

— Венецияда ҳам ҳозир ёмғир экан, — деди Гретхен.

— Бунақа ўта махфий ахборотни қаердан оласан?

— Укамдан келган хатни ўқиб ўтирган эдим. У Ҳозир Венецияда. У ерда ҳам ёмғир экан.

Джин билан биргаликда Гретхенникида бир ҳафта меҳмонда бўлганида Сэм Рудольф билан танишган эди. Улар кетгач, Сэм Рудольфни яхши йигит экан-у, сира хотинининг чизган чизигидан чиқмай қолибди-да, деган эди.

— Унга хат ёзганинда, — деди Сэм, — сўраб кўр-чи, мен сувратга олмоқчи бўлаётган арзон фильмга беш миллион кўярмикан.

Бой голливуд ишбилармонларининг жамиятида кўп йиллардан бери ўралашиб юрган Сэм банкдаги ҳисобларида юз минг доллардан ортиқроқ пули бўлган одамлар уларни бошқалар соғин сугир қилиб юришлари учунгина яшашларига амин эди. Худо ақлдан ярлақанган бойларгина бундан мустасно эди. Ақл эса фақат битта бўлади, деб ҳисобларди Сэм, — бу ҳам бўлса кино чиқариш.

— Бу ишдан унинг боши осмонга етишига ишончим комил, — деди Гретхен.

— Бўпти, тагин ивиб қолма, — деди Сэм ва гўшакни илди.

Колиннинг ўлимидан сўнг Сэм Гретхен билан узоқ гаплашди ва борди-ю, у ҳеч нима қилмасдан бева боши билан Голливудда шунчаки ивирсиб юрадиган бўлса, охири бахайр бўлмайди, деб огоҳлантирди. Уч фильмини суратга олиш давомида у жувон билан яхшигина танишиб олди ва Колин бекорга унинг фикрлари билан ҳисоблашмаганини билди. Сэм унга ўзи билан бирга ишлашни таклиф этди ва ўзим билганларимнинг барини сенга ўргатаман деб ваъда берди. “Бу шаҳарда боши очик хотин учун энг яхши жой — студиядаги монтаж столи. Кун бўйи ўзинг билан ўзинг бўласан, хўрланмайсан, расамади билан, саришталик билан ишлайсан ва ўз ишининг маҳсулини кўрасан — бу кунда битта пирог пишириш деган гап”.

Ушанда Гретхен шундай жавоб берганди: “Раҳмат, йўқ”, чунки университетга ариза бериб қўйганини ҳисобга олмаганда, у марҳум эрининг обрўйдан чакана манфаат кўришни истамаганди. Бироқ шундан кейин ҳар гал Сэм билан гаплашганида, унга бир шубҳа тинчлик бермасди — жавоб беришда шопқалоқлик қилмадимикан? Университетда унинг теварагидаги одамлар бари ёш эди, ҳаддан ташқари шиддатли суръат билан яшашарди, унга фойдасиз

¹ “Янги тўқинлар” (франц.) — 60-йиллар бошида француз кинематографиясидаги оқим.

бўлиб кўринган нарсаларга қизиқишарди, бир зумда минг хил ахборотни ҳам қилиб юбориш уларга чўт эмасди, бу эса биргина материал устида ҳафталаб бош қотиришмоқда, жонини жабборга бериб олишмоқда эди.

У яна диванга қайтди ва Рудольфнинг хатини қўлига олди. У Венецияда. Венецияда, сулувгина ёш хотини билан, бунинг устига, бадавлат одамнинг қизи. Рудольфнинг ҳаминша ошиғи олчи.

“Уитбидан норози оҳангдаги гўнғир-гўнғир келаяпти, — ўқиди Гретхен. — Қария Колдервуд менинг Европа бўйлаб чўзилган саёҳатимдан роса хуноб бўлаяпти, ҳатто кўтир бузоқнинг башараси билан пуриганча номуслиқликни хаспўшловчи Жонни ҳам таътил деганини сенга чиқарган экан-ку, деб сиполик билан шама қилаяпти менга. Гарчи шу пайтгача ҳеч қачон вақтимни бундай хузур билан ўтказмаган бўлсам-да, мен буни ҳечам таътил демаган бўлардим. Бу саёҳат мен учун — маълумотимни давом этдириш, холос, бу шундай давом этдиришки, коллежни тутатганимда ўзим бунга асло йўл қўймаган бўлардим, чунки мен ҳаддан ташқари камбағал эдим ва универмагда доимий ишлаб қолиш учун бошлашим керак бўлган ишни давом этдириш эди.

Уйга қайтгач, ўзим учун кўп нарсаларни ҳал қилишим керак бўлади ва ҳозирнинг ўзидаёқ Дождлар саройидаги Тициан сувратига қараб турган ёки Авлиё Марк майдонида қаҳва ичиб ўтирган бир палламда мана шундай нарсалар ҳақида ўйлар сўраяпман. Бу жуда тумтароқли гаплар бўлмадимикан деб кўрқаяпман, аммо энг аввало мен бундан кейинги ҳаётимни қандай қуришимни ҳал этишим керак. Ҳозир ўттиз бештаман, бисотимда пул ҳам етарли — мен ҳам асосий маблагимни, ҳам йиллик даромадимни назарда тутаяпман, — қолган умримни зўр яшашим учун. Ҳаттоки, агар дидим ўта гайриоддийлиги билан ажралиб турган бўлса-да, ва агар Джин камбағал бўлганда ҳам еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда бўларди. Америкада, агар сен бойиб кетсанг, яна қашшоқликка қайтиш учун даҳо ёки бўридай очкўз бўлишинг керак. Баъзан миямга қолган умримни олди-сотдига бағишласаммикан, бусиз ҳам катта бойлигимни кўпайтиришга ҳаракат қилсаммикан, деган тентак хаёллар келиб қолади.

Ҳа-да, мен хайр-саховат ишлари билан шуғулланишим ва шунга арзийдиган камбағалларга ёки шунга арзийдиган рассом ё олимларга пул улашим мумкин эди, бироқ гарчи ҳозир ҳам, назаримда, турли фондларга сахийлик билан садақалар қилиб турганимда, ўзимни кимга ёрдам бериш керак-у, кимга йўқлигини ҳис қилувчи ҳакам ролида тасаввур қилолмайман. Бундан ташқари ҳам фаолиятнинг бу турини асосий ва ягона фаолиятга айлантириш асло мумкин эмас — нима бўлганда ҳам бу менга тўғри келмайди.

Балки сенга кулгилдир, дарвоқе, менинг ўзимга ҳам кулгили: Жордахлардан биттаси пули кўплигидан ўзини қўярга жой тополмай қолса-я; аммо Америкада ҳаёт йўллари шунақанги айқаш-уйқашки, олдиндан бир нарса деёлмайсан — мен худди шундай аҳволга тушиб қолганман.

Яна бир муаммо — мен Уитбидаги уйимни, бу шаҳарчанинг ўзини ҳам севаман. Мен ҳақиқатан ҳам бошқа ҳеч бир жойда яшагим келмайди. Джин яқинда у ер менга ҳам ёқали деб иқдор бўлди ва айтдики, агар бир куш келиб фарзандли бўлсак, уни Уитбида тарбиялашни афзал кўрибди, Нью-Йоркда эмас. Нима ҳам дердим, болаларимиз бўлишига ёки ҳеч бўлмаса битта фарзандимиз бўлишига ҳаракат қиламан. Аммо Уитбида “олма пиш, оғзимга туш” қабилда яшаб бўлмайди. Кўшчиларимиз мени ўша заҳоти “томи кетган”га чиқаришади ва шаҳар мен учун файзини йўқотади. Мен аллақандай Тедди Бойланга айланишни истамайман.

Балки, Америкага қайтгач, “Таймс”нинг янги сонини оламан-да, ишга ёллайдиган эълонларни қараб чиқарман.

Ҳозиргина шалаббоси чиқиб, Джин келди, хурсанд, озгина кайфи бор. Ёмғирдан қочиб бирон қаҳвахонага урган ва иккита сермулозимат венециялик уни винога тўйдирган бўлса керак. У сенга салом айтаяпти. Хатим узун ва худбинона бўлиб кетди. Сендан ҳам шунақасини кутиб қоламан. Уни Парижга жўнат. У ерда қачон бўлишимизни ҳозирча айтолмайман, аммо албатта бўламиз, эҳтимол, икки ҳафтадан кейин. Сени ва Биллини ўшаман.

Рудольф.

P.S. Том сенга хат ёзаяптими? Ойимизни дафн этганимиздан буён ундан ҳеч нарса олганим йўқ”.

Гретхен дераза олдида келди-да, пастга қаради. Ёмғир ҳамон қуярди. Тепалик этагидаги шаҳар сув ичида қолган.

У укасининг хати хусусида ўй суриб кетди. Учрашгандагидан кўра улар хатда бир-бирига илиқ муносабатда бўлар эдилар.

Хатларида Рудольф, одатда, яширишга муваффақ бўлган хислатларини ошқора этарди: қандайдир ишончсизликми-ей, такаббурлик ва ўзига бино қўйишнинг йўқлиги-ей. Сатрлар орасидан унинг табиатининг кенглиги, ҳаммасини кечиришга тайёрлиги бўртиб чиқиб турарди ва бу фазилат айниқса жозибадор бўларди — у буни кўз-кўз этмас ва ҳеч қачон кечириши жоиз бўлган қилмишларга шама қилмасди. Билли унга Рудольфни ҳақорат қилгани ҳақида сўзлаб берганди; ўшанда Рудольф унинг мактабига бир неча бор келибди, Рудольф бу ҳақда чурқ этиб оғиз очолмабди ва болага илиқ ва меҳрибонлик билан сўзлабди. Ҳар бир хатининг охирида албатта: “Сени ва Биллини ўпаман” деб ёзарди.

Мен бағрикентликка ўрганишим керак, деб ўйлади жувон, ёмғирга боқаркан.

Том ҳақида Рудольфга қандай жавоб айтишни у билмасди. Том унга хатни кам ёзма ҳам, ўз ишларидан бохабар қилиб турарди. Бир вақтлар онасига қилганидай; ўшанда манзилимни Рудольфга айтмайсиз деб онасидан сўз олиб олганди. Ҳозир айни шу кунларда Том ҳам Италияда эди. Тўғри, яриморолнинг нариги чеккасида ва сал жануброқда-ю, аммо Италияда. Атиги бир неча кун аввал Гретхен укасида Ўрта ер денгизида, Римдан жануброқдаги Порто-Санто-Стефано деган шаҳардан хат олганди. Том ва унинг аллақандай Дуайер деган ошниси ниҳоят арзонгина нархга ўзларибоп бир яхта топишибди ва уни биринчи июнда сузишга тайёрлаш учун қишни у билан верфда ўтказишибди.

Хатининг охирида у шундай деганди: “... Агар сенинг шу ёзда Ўрта ер денгизи бўйлаб сузишни истайдиган қандайдир бой танишларинг бўлса, уларга мени айт. Бу энди ҳазил эмас.

Нью-Йоркка бориб қолсанг, илтимос, хотинимнинг қаердалигини, нима иш қилаётганини ва ўғлим қандайлигини билишга уриниб кўр. Меҳрибон юртимни, унинг ҳусни жамолини соғинмайман-у, аммо ўғлимни жуда соғинаман.

Сенга узундан-узун хат ёзаётганим сабаби — ёмғир челақлаб қуяпти ва биз иккинчи бор рубкани бўйи олмаямиз (биз уни мовий рангга бўямоқчимиз). Агар сенга Ўрта ер денгизида ёмғир бўлмайди, дейишса, асло ишонма.

Дуайер тушлик қилаяпти ва дастурхонга келмайсанми деб қичқираяпти. Унинг овқатидан қанақанги бадбўй ҳид келишини тасаввур қилолмайсан.

Севаман, ўпаман, Том.”

Ҳамма жойда ёмғир, Порто-Санто Стефанода ёмғир, Венецияда ёмғир, Калифорнияда ёмғир. Жордаҳларга яхши об-ҳаводан буюрмаган экан-да... Аммо ҳеч бўлмаганда улар оиласидан иккитасининг об-ҳаводан бошқа ҳамма нарсадан омади чошиб турибди-ку, гарчи бу омад узоққа бормаса ҳам.

— Куннинг энг расво вақти — соат бешпи, — овозини чиқариб деди Гретхен. Ўзига ачинишдан кутилиш учун у пардани тортиди-да, стаканга яна виски қуйди.

Эртасига эрталаб у икки якшанбалик маърузага бормади. Бунинг ўрнига студияга, Сэм Корнга телефон қилди ва гаплашгани олдинга борсам майлими, деб сўради.

2 - боб

Гарчи Джин ҳомиладор бўлса-да, у ҳар кун эрталаб у билан бирга нонушта қилгани пастга тушарди.

“Кун охирига бориб сендай силлам қуришини истайман, — дерди у. — Кун бўйи ўринда ағанаб ётадиган америкалик хотинларга ўхшагим келмайди. Эрлари

ишдан қайтгач, ҳар оқшом шўрликларни уйдан судраб олиб чиқишади, чунки ўзлари кучини қарга сарфлашни билмайдилар-да. Кўп ҳолларда оила хиёнат сабабиданмас, балки айнан шу “қуввати йўқлик”дан бузилиб кетади.

Деразага апрел қуёшининг ошпоқ нури келиб қуйилди. Улар Мартанинг қаҳва олиб келишига мунтазир бўлиб столда ўтиришарди. Унинг онаси ўлгандан кейин Марта бугунлай бошқача бўлиб қолганди. У таомни илгаригидан бир лукма ортиқ емасди-ю, аммо хиёл тўлишганди, босиқ, авзоига бекачилик нуқси уриб қолганди. Юзидаги чуқур ажинлар текисланган, илгари асабий қимтилган лабларида қандайдир кулгига ўхшаш нарса жилва қиларди. Ўлимнинг ҳам фойдаси бўлиб туради, хаёлидан ўтказди Рудольф Мартанинг қаҳвадонни Джин олдига қўяётганини кузатаркан. Илгарилари “пешонам курсин мен шўрликнинг” деган сўзлар билан зорланиб, бу қаҳвадонни столга дўқ этиб қўяр эди.

Ҳомиладорлик Джиннинг юзини дўмбоқ қилиб қўйганди ва у энди синфида биринчи бўлиш учун ўлиб-тириладиган қайсар мактаб қизига асло ўхшамасди. Хотиржамлик ва аёлларга хос ифбат қоллаган чеҳрасини куёш нурлари яна ҳам нафис қилиб юборганди.

– Бугун чинакам фариштага ўхшайсан, – деди Рудольф.

– Бўлмаса-чи, икки ой ҳеч ким билан гуноҳ иш қилмаганингдан кейин фаришта бўласан-да, – жавобан деди Джин.

– Бола ҳам шунга яраша бўлишига умид қиламан.

– Қандай яхши бўларди.

– Бугун у қандай тутди ўзини?

– Яхши. Тўғри, бироз депсинди, менимча оёғига этик кийиб олган бўлса керак, қолгани – жойида.

– Агар қиз бўлса-чи?

– Унда бирваракайига иккитаси билан дон олишма деб кулогига қуйишимга тўғри келарди, – деди Джин. Иккаласи кулиб юборди.

– Бугун нима қилмоқчисан? – сўради Рудольф

– Энага ёллашга тўғри келади, у билан ўзим гаплашаман. Сўнг болалар хонасига жиҳоз келтиришади, биз Марта билан уларни жойлаймиз. Кейин дармондори ейишим керак, кейин тарозида ўзимни тортдиришим... хуллас, иш кўп. Сенинг қанақа режаларинг бор?

– Мен университетга ўтиб келаман. Бугун у ерда васийлик кенгаши бор. Яна идорага бирров кираман...

– Анови қари газанда Колдервуд сенга тагин вайсаб юрмасин, хўпми?

Рудольфнинг ионда бизнестан кетиш ниятини билгандан бери Колдервуд ҳар кўришганда минғирлаб қўярди: “Ўттиз олтига кирганда ким ўлишни хоҳлайди?”

“Мен” деб жавоб берди бир куни Рудольф, бироқ қариянинг бунга ишонгиси келмади. Табиатан баддумон Колдервуд корпорация фаолияти устидан тўла назоратни қўлга олиш учун Рудольфнинг чинданам айёрлик қилаётганига шубҳаланарди; агар Рудольф ҳеч қаёққа кетмаса, ҳаммаси у хоҳлагандек бўлишини чол унга қайта-қайта шама қилгани боиси шунда эди. Боз устига, Колдервуд ҳатто уларнинг марказий идорасини Нью-Йоркка кўчириб ўтишни таклиф қилганди, бироқ Рудольф Нью-Йоркда яшамасликка аллақачон аҳд қилиб қўйганман, деганди. Джин ҳозир унинг Уитбидаги эски фермерлик уйига бўлган ихлосини тўлиқ қўллаб-қувватламоқда ва меъмор билан уни кенгайтириш режаларини муҳокама қилмоқда эди.

Университетнинг маъмурий биносига олиб борадиган йўл спорт майдончаси ёнидан ўтарди ва Рудольф у ерда Квентин Мактовернни кўриб қолди. Квентин машқ одимлари билан йўлакдан йўртиб борарди. Рудольф тўхтаб, машинадан тушди. Квентин унинг олдига югуриб келди – баланд бўйли, жиддий чеҳрали йигитнинг терлаган юзи йилтиларди. Рудольф унинг қўлини қисди.

– Менинг машғулотларим ўн бирда бошланади, – деди Квентин, – бугун эса кун аёло. Югурмаслик гуноҳ, айниқса, бутун қиш тўрт девор ичида дарсликлар устида ўтиригандан кейин.

Улар энди ерталаблари бирга югуришмай қўйганди. Уйланганидан кейин, Джинга ёқиши учун, Рудольф теннис билан шуғуллана бошлаган эди.

– Муваффақиятлар қалай, Квентин?
 – Ёмон эмас. Йигирма дақиқа ва ўндан саккиз сонияда икки юз йигирма ярд югураяшман. Тренер мени тўрт юз қирқ ярдлик дистанцияда ва бир йўла эстафетада синаб кўрмоқчи.

– Бу борада ойингнинг фикрлари қандай?

Ўша совуқ қиш тонглари эслаб, Квентин жилмайиб қўйди.

– Жудаям ўзингни уринтириб қўйма, дейди. Оналарнинг бари бир хил бўлади.

– Машгулотлар-чи, қандай бораётти? – сўради Рудольф.

– Афтидан, қандайдир хатолик ўтган. Мени энг яхши талабалар рўйхатига киритишмади.

– Ойинг бунга нима дейди?

– Бунга сабаб, дейди, мен қора танлиман, маъмурият ўзининг либераллигини намоиш қилмоқчи. – Квентин билинар-билинимас жилмайди.

– Агар ойинг яна бошингни қотирадиган бўлса, унга айт, менга қўнғироқ қилсин.

– Албатта, мистер Жордах.

– Бўпти, мен кетдим. Отанга салом деб қўй.

– Отам ўлди, мистер Жордах, – хотиржам оҳангда деди Квентин.

– Кечир. – Рудольф машинага ўтирди. Жин урсин, ўйлади у. Квентиннинг отаси Колдервудда кам деганда йигирма беш йил ишлаган. Унинг ўлими ҳақида раҳбарларга хабар қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмадимикан?

Квентин билан бўлган суҳбатдан кейин тонг унга яна ҳам тиниқроқ ва ёқимлироқ туюлиб кетди.

Маъмурий бино олдидаги автобус тўхташ жойида барча жойлар банд эди ва Рудольф машинасини бир четга, бинодан эллик ярдлар нарига қўйишга мажбур бўлди. У эшик қулфи жойига тушганини текшириб турганида бирдан кимдир қичқирди:

– Салом, Жордах!

Уни васийлар кенгаши аъзоси, кенгашга кетаётган Леон Гаррисон чақирарди. Гаррисон олтмиш ёшлардаги новча, соч-соқоли сенаторларга хос оқ оралаган ва самимияти юзаки кўркам киши эди. У отасидан Уитбининг ўзида ва теварак-атрофидаги ерлар билан мерос қолган маҳаллий газетани чиқарарди. Рудольф Гаррисоннинг газетаси аста-секин мазаси қочиб бораётганини биларди, лекин бундан сира хафа бўлмасди. Газета таҳририяти бошқа шаҳарларнинг газеталари ҳайдаб солган паст маошли, шарти кетиб, парти қолган бир ҳовуч ичкиликбоз аёллардан иборат эди. Рудольф бу газетадаги биронта сўзга, ҳатто об-ҳаво маълумотига ҳам ишонмасликни ўзига урф қилиб олганди.

– Қалайсан, оғайни? – сўради Гаррисон, Рудольфни елкасидан қучганча ва у билан маъмурий бино томонга одимлаганча. – Одат бўйича кекса консерваторлар думига ўт қўйишга чоғланиб олгандирсиз-а? – У мутлақо сулҳпарварлигини намоиш қилганча қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Менинг таклифларим ўша-ўша, – жавоб берди Рудольф. – Масалан, табиий фанлар факультети биносини ёқиб юбориш ва шу йўл билан профессор Фредериксдан ажралиш.

Фредерикс факультет декани эди, бироқ Рудольф бу ишдан тоймаслиги ҳам мумкин эди: табиий фанлар шу даражадаги бошқа ҳар қандай университетдагидан ёмон ўқитиларди. Фредерикс ва Гаррисон қил ўтмас дўстлар эди ва Фредерикс ўз мақолаларини Гаррисоннинг газетасида босдирарди, уларни ўқиб, университет учун Рудольф уятдан қип-қизариб кетарди.

Кам деганда йилда уч бора газетанинг биринчи бетида Фредерикснинг саратонни даволашнинг янги усули топилмаганини хабар қилувчи мақолалари пайдо бўларди.

– Вой, бизнесменларнинг дастидан дод! – алам билан хўрсинди Гаррисон, – сиз ҳеч қачон соф фаннинг қадрига етмайсиз. Сизга бир нарса муҳим – ҳар олти ойда ўз қўйган маблағларингиздан фойда олиш. Сиз ҳар бир пробиркадан доллар тўкилиб тушишини кутасиз, холос.

Университетнинг янги президенти Дорлэкер Гарвард дипломли ёш, ғайратчан одам эди. У васийлик кенгашининг тизгинини тортиб турар ва унинг

чирмандасига ўйнамасди. Рудольф билан оралари яхши эди ва Дорлэкер хотини билан Жордаҳларникига тез-тез ташриф буюриб турарди, васийлик кенгаши аъзоларининг кўпчилиги баҳридан ўтиш истагини яширмай, у билан мутлақо очикчасига суҳбатлашарди. Дорлэкернинг Гаррисонни кўргани кўзи йўқ эди.

Кенгаш анча олдин тузилган тартиб бўйича ўтарди. Молия ҳайъати раиси хабар қилдики, гарчанд пул эҳсонлари ўсаётган бўлса-да, харажатлар ундан ҳам шигоброқ ўсмоқда ва ўқиш пулини оширишни, шунингдек, стипендиялар миқдорини чеклашни тавсия этди. Якуний қарор масала чуқур ўрганиб чиқилгунча қолдирилган эди.

Гаррисон талабалар газетасида ядро синовларини тақиқлаш талаби билан намойиш ўтказишга чорловчи тахририят мақоласи бўйича ташвишланаётганини билдирди. Муҳаррирга маъмурий чора кўриш керак, деди у, талабаларини саёсатга жалб этгани ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига нисбатан ҳурматсизлиги учун. Овоз бериш йўли билан муҳаррирга ҳеч қандай маъмурий чора кўрилмасликка қарор қилинди.

— Кенгаш ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортмоқда, — ўкирди Гаррисон.

Рудольф васийлик кенгашидаги энг ёш аъзо эди ва мажлисларда паст овозда ва одоб билан гапирарди. Шундай бўлса-да, Дорлэкер билан дўстлиги ва университетнинг собиқ битирувчилари ва турли ташкилотлардан (у ҳатто Колдервудни кутубхонанинг янги қанотини тиклашга беш минг доллар кўйишга унатгани) хайр-эҳсон ундириш уқуви туфайли, шунингдек, Уитбидаги, ҳаётдан ва шаҳарча ва университет ўртасидаги ўзаро муносабатлардан воқифлиги туфайли кенгашда энг катта обрўга эга эди ва бунга ўзи ҳам биларди.

— Сизга маълумки, — деди гапни олиб Дорлэкер, — бутун биз янаги ўқув йилига бўш лавозимларга номзодлар ҳақидаги масалани кўриб чиқишимиз керак. Ҳозирча иқтисодий факультет декани лавозими эгалланмаган. Биз маълум одамни узоқ қидирдик, факультет ходимлари билан кенгашдик ва ҳозир бир одам номзодини сизнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз. У бир вақтлар собиқ коллежда тарих ва иқтисодиёт бирлашган кафедрасини бошқарган, сўнгги бир неча йил давомида Европада ишлаган ва уларда қимматли тажриба тўплаган одам. Мен профессор Лоуренс Дентонни назарда тутаяпман, — профессорнинг исми-шарифини айтатуриб Дорлэкер беихтиёр Рудольфга бурилди ва билинар-билимас кўз қисиб кўйди. Рудольф ўз эски ўқитувчиси билан хат ёзишиб турар ва Дентоннинг Америкага қайтиш орзуси борлигини биларди. Тақдир унинг беватан одамга айланишига йўл бермаётганди. Рудольф Дорлэкерга Дентон ҳақида ҳаммасини айтиб берди ва Дорлэкер уни аз таҳи дил эътироф этди. Дентон ўз қарашларини мустаҳкамлаб олганди, чунки Европада бўлган вақтларида немис иқтисодиётининг уйғониши ҳақидаги китобига юқори баҳолар олган эди.

— Дентон... — деди Гаррисон, — мен бу исмни эслайман. Уни коммунистпарастлик фаолияти учун айблашган.

— Мен унинг досьесини диққат билан қараб чиқдим, мистер Гаррисон, — деди Дорлэкер, — маълум бўлишича, профессорга ҳеч қандай айблов кўйилмаган ва унинг фаолияти расмий қидирувга берилмаган. Профессор Дентон Европада ишлаб келиш учун истеъфога чиққан.

— У коммунистми ё шунга ўхшаган бир нарса эди-да, — қайсарлик билан деди Гаррисон. — Бусиз ҳам университетда ҳар турли ашаддий бакироқлар тўлиб-тошиб ётибди, яна чет элдан чақиришнинг ҳожати йўқ.

— У пайтларда, — юмшоқлик билан деди Дорлэкер, — мамлакат узра маккартизм соя ташлаб турарди ва озмунча ҳурматли одамлар айбсиз жабрланмади. Бахтимизга булар ҳаммаси узоқ ўтмишда қолиб кетди ва биз энди одам ҳақида унинг қобилиятларига қараб бемалол ҳукм чиқара оламиз. Уитби университетига фақат қатъий академик мушоҳадалар билангина раҳбарлик қилинишини исбот этишдан бахтли бўлар эдим.

— Агар сиз бу одамни қабул қиладиган бўлсангиз, менинг газетам жим қараб турмайди, — дўқ урди Гаррисон.

— Мен сизнинг фикрингизни номуносиб деб ҳисоблайман, — хотиржам оҳангда деди Дорлэкер бир оз ўйлаб туриб. — Бу ниятингиздан воз

кечишингизга ишонаман. Энди эса, агар ҳеч ким қўшимча қилмоқчи бўлмаса, ўйлайманки, овоз беришга ўтсак бўлади.

– Жордах, – хўмрайди Гаррисон, – сен бу ишга ҳеч қандай дахл қилмассан деб ўйлайман?

– Очиғини айтсам, дахл қиламан, – жавоб берди Рудольф. – Мен бу ерда ўқиганимда профессор Денгоннинг маърузалари энг қизиқарли бўларди. Бундан ташқари, унинг китоби жуда ҳам ажойиб.

– Ҳа, бўпти, овоз берсаларинг бераверинглар, – тўнғиллади Гаррисон. – Тушунмайман, бу мажлисларга мен нимага келиб юрибман ўзи?

Гаррисон қарши овоз берган ягона одам бўлди ва Рудольф мажлисдан кейиноқ Женевага, кувғиндига телеграмма юборишга қарор қилди.

Эшик тақиллади.

– Кириг, – деди Дорлэкер.

Унинг котибаси кирди.

– Халақит берганим учун узр, – деди котиба, – мистер Жордахни телефонга чақиринг. Мажлис кетаяпти десам ҳам...

Рудольф стулдан сапчиб турди-да, қабулхонадаги телефонга чопди.

– Руди, илтимос, уйга келақолгин. Тезроқ. Мени тўлғоқ тутиб қолди. – Джиннинг овози шодон ва хотиржам жарангларди.

– Ҳозир етиб бораман, – жавоб берди у гўшакни қўйиб, сўнг котибага юзланди. – Мен учун президент Дорлэкер ва кенгаш аъзоларидан кечирим сўраб қўйинг: хотинимни касалхонага олиб боришим керак. Айтмоқчи, сиздан илтимос, у ёққа кўнғироқ қилинг, улар доктор Алвинга мисс Жордах ярим соатдан кейин етиб келади деб қўйишсин.

Уззу-кун у касалхонада Джиннинг олдида унинг қўлидан ушлаб ўтирди. Шунча бардошни хотини қаёқдан олаётганига Рудольфнинг ақли етмаётганди. Доктор Левин хотиржам эди. Биринчи туғишда бу бўладиган нарсалар, деди у. Доктор вақти-вақти билан Джиннинг палатасига шундай нигоҳ билан қараб қўярдики, гўё дунёвий ташриф буюраётгандек. У Рудольфга пастдаги кафетерийга тушиб тамадди қилиб олишини таклиф қилганда, Рудольф тахта бўлиб қолди. Наҳотки доктор уни хотинини азобга ташлаб, ўзи қурсоқ гамида бўлади деб ўйлаётган бўлса?!

– Мен отаман, доя эмасман, – қаттиқ ғазаб билан жавоб берди у.

– Мен сизга айтсам, оталар ҳам овқат ейди. Улар кучларини сақламоқлари керак, – кулиб қўйди Левин.

Падарингта лаънат, ҳиссиз моддиюн. Борди-ю, қачонлардир иккинчи фарзанд кўришдек ёввойи ўй мияларига келиб қолгудек бўлса, улар ҳақиқий врачни эмас, роботни ёлпашади.

Чақалоқ қарийб ярим тунда оламга келди. Қиз. Доктор Левин туғуруқ бўлимидан чиқиб, она билан бола ўзларини яхши ҳис қилаётганини хабар қилганда, Рудольф унга муҳаббатини изҳор қилгиси келиб кетди.

Кўча совуқ эди. Эрталаб Рудольф уйдан чиққанида ҳаво илиқ эди, лекин у пальтосини олиб, машинага ташлаб қўйганди. У машинага етунчаёқ баданини қалтироқ босди.

Рудольф қаттиқ асабийлашганини ҳис этди ва ухлаб қолмаслигини биларди. Кимгадир телефон қилиб, ота бўлганини нишонламоқни истарди шу тобда, бироқ соат тунги икки бўлиб, биронтани уйғотишга журъат этолмади.

У машинадаги иситгични юргизиб қўйди ва уйга етунча хиёл илиб олди. Деразаларда чиқроқлар ёниб турарди – Марта унга уйини ёритиб қўйганди. Майсазордан катта эшик томон одимларкан, айвон қоронғисидан кимдир кимиради.

– Ким бу ? – кескин сўради у.

Кўланка аста ёруққа чиқиб келди. Виржиния Колдервуд. Эғнида кулранг мўйнали пальто, бошида – шарф.

– Ё худойим, Виржиниямисиз?! – ҳайрон бўлди йигит. – Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

– Мен ҳаммасини биламан. – Қиз жуда яқин келди. Рангпар ва озгин, ёқимтой чеҳра ва унга тикилиб қараб турган катта-катта тим-қора кўзлар. –

Мен касалхонага бир неча марта телефон қилдим. Мен сенинг синглинг бўламан деб айтдим унга. Мен ҳаммасини биламан. У туққан. Менинг боламни туққан.

— Виржиния, яхшиси, уйга боринг, — Рудольф қизинг унга дахл қилмаслиги учун орқага тисланди. — Агар отангиз тунда бу ёқларда изғиб юргангиздан хабар топиб қолса борми...

— Ким нима билса билаверсин, тупурдим ҳаммасига, — деди қиз. — Мен уялмайман.

— Юринг, мен сизни уйингизга олиб бориб қўяй, — таклиф қилди Рудольф, унинг эси жойидами, йўқлигини уйидагиларнинг ўзи ҳал қилсин. Бу унинг вазифаси эмас. Тагин мана бундай тунда-я. — Сиз ҳозир тўйиб ухлаб олишингиз керак, сиз...

— Менинг уйим йўқ, — унинг гапини бўлди Виржиния, — мен сеникиман, менинг жойим шу ерда, сенинг ёнингда.

— Йўқ, сизнинг жойингиз бу ерда эмас, Виржиния, — чинакамига қизишиб деди Рудольф. Ҳар бир ишни ақл-фаросатга таяниб бажаришга ўрганганидан у ҳозир ночор ҳолга тушиб қолганди. — Бу ерда мен хотиним билан тураман.

— У сенинг бошингни айлангириб, мендан ўғирлаб кетди. Ҳақиқий муҳаббатни чил-чил қилди. Илоё касалхонада ўлиб кетсин деб бугун худога илтижо қилдим.

— Виржиния! — Шу пайтгача унинг на бир сўзи, на бир хатти-ҳаракати Рудольфни чинакамига қўрқитолмаган эди. У йигитнинг гашига тегиши, масхара қилиши ёки раҳмини келтириши мумкин эди, аммо буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Унинг хатарли эканини у биринчи марта англади. Уйига кириши ҳаманоқ касалхонага қўнғироқ қилмаса, Виржинияни туғуруқ бўлимига ва Джин ётган палатага қўйилмасин деб огоҳлантириб қўймаса бўлмайди.

— Менга қаранг, — деди у юмшоқлик билан, — келинг, машинамга ўтиринг, мен сизни уйингизга олиб бориб қўяман.

— Менга ёш болага гапиргандай гапирма, — деди қиз. — Мен аллақачон катта қиз бўлиб қолганман. Ана, ўзимнинг машинам турибди ёнимда, мени у ёқ-бу ёққа олиб бориб қўяман деб овора бўлма.

— Виржиния, ўлгудай чарчаганман, бирпас ухлаб олишим керак, — деди Рудольф. — Агар мен билан ростданам бирор нарса гаплашмоқчи бўлсангиз, эртага қўнғироқ қилинг.

— Мен сен билан ётмоқчиман, — деди қиз жойидан жилмай ва қўлларини чўнтагидан олмай. Кўринишдан ажабтовур, қиздайин бир қиз, энгил-боши ҳам дурустгина. — Бугун мен сен билан бўлмоқчиман. Биламан, сен ҳам шуни хоҳлаб турибсан. Кўзларингга биринчи марта боққанимда сезганман буни. — У бир маромда, шошиб гапирарди. — Фақат айтишга журъат қилмасдинг. Худди бошқалардай, сен ҳам отамдан қўрқасан. Мени ол. Кейин хурсанд бўласан. Мени ҳали ҳам дастлаб уйимизда кўрган ўша гўр қизалоқ деб юрибсанми? Кўрқма, менинг аллақачон бўйим етиб бўлган. Менинг ҳам у-бу нарсага ақлим етади. Эҳтимол сенинг ўша алақандай фотографни ўйнаш қилиб юрган жондан азиз ойимгиллангчалик тажрибам йўқдир... Оббо, буни қаёқдан била қолди экан деб ҳайрон бўлаётгандирсан?! Мен ҳаммасини биламан, мен сенга яна кўп нарсаларни айтишим мумкин.

Бироқ йигит шартта эшикни очди-да, ўзини ичкарига олиб, яна эшикни гуп этиб ётди ва қулфлаб қўйди. Ташқарида Виржиниянинг бир ўзи қолди. У эшикни муштумлаб урарди. Рудольф ичкарига кириб биринчи қаватдаги барча эшикларни ва деразани ёпиб қўйди. У катта эшикка қайтиб келганида миттигина аёл муштчаларининг габзбли дуп-дуллари тинган эди. Хайрият, Марта уйғониб қолмади. Рудольф айвонча устидаги чироқни ўчирди. Сўнг касалхонага қўнғироқ қилди-да, ҳорғин тепага, Джин билан ўзи ётадиган ётоққа кўтарилди.

Туғилган кунинг муборак бўлсин, қизалогим, сен тинч, ҳашамдор шаҳарчада дунёга келдинг, уйлади у кўзи илинаркан.

Кун шанба бўлгани ва клуб аъзоларининг кўпчилиги ҳали гольф ва теннисдан қайтиб келмагани учун шаҳар ташқарисидаги бар хувиллаб ётарди. Рудольф бир ўзи пиво ичиб ўтирибди. Джин аёллар ечинувхонасида

кийимларини алмаштиради. Унинг касалхонадан чиққанига атиги беш ҳафта ўтган бўлса-да, теннисда эридан икки сетни ютишга муваффақ бўлганди. Кортдан унинг гул-гул очилиб, голибона чиқиб кетишини эслаб, Рудольф жилмайиб қўйди.

Хотинини кутаркан, у пештахта устида ётган “Уитби сентинел”нинг янги сонини қўлига олди ва ўша заҳоти бу ишидан афсусланди. Биринчи саҳифада университетга профессор Дентонни таклиф қилиш ҳақидаги мақола босилганди. Мақола бошдан-оёқ университетнинг қизиқувчан талабалари ғоятда шубҳали таъбирга берилиб қолаётганлари муносабати билан ўз ташвишларини баён этган ва номаълумлигича қолишни истаган шахсларнинг ўша-ўша бўҳтонлари ва асоссиз даъволари билан тўлиб-тошганди.

– Оббо, падарингга лаънат Гаррисон-ей, – овозини чиқариб сўкинди Рудольф.

– Сизга бирор нарса келтирсинларми, мистер Жордах? – сўради барнинг нариги чеккасида газета ўқиб ўтирган бармен.

– Илтимос, яна пиво келтиринг, Хэнк, – деди Рудольф. У газетани бир тарафга итқилди. Шу заҳотиёқ унинг миёсига бир фикр келди: иложини топиб, Гаррисондан газетасини сотиб олади. Бу унинг бутун шаҳарга қилган хизмати бўлади. Дарвоқе, газетани сотиб олишдан осони йўқ. Мана, уч йилдирки, у Гаррисонга бир чақа фойда келтирмаяпти ва агар газетани Рудольф сотиб олаётганини билмаса, Гаррисон арзон-гаров нархга жон-жон деб сотиб юборди. Душанба кунни Жонни Хит билан бу ишнинг йўл-йўсинлари устида батафсил гаплашиб олиш керак.

Гаррисон ҳақида ортиқ ўйламасликка қарор қилиб, пиводан ҳўриллатиб симириди. Шу топ барга ўзининг учта шериги билан гольфдан қайтган Брэд Найт кириб келди. Унинг чўгдай қизил алвон чолвор кийиб олганини кўриб, Рудольф қошини чимириди.

– Аёллар турнирига ёзилмадингми, ишқилиб? – сўради у Брэдан, йигитлар пештахта олдига яқинлашганларида.

Найт унинг елкасига қоқиб қўйди-да, кулиб юборди:

– Табиат, Руди, ҳар доим ҳўрозларни товуқларга қараганда ёрқинроқ патлар билан безайди, дам олиш кунлари мен табиат қўйнига сингиб кетаман, – сўнг барменга қараб деди: – Ҳаммани меҳмон қиламан, Хэнк. Бугун катта пул ютиб олдим.

Брэднинг шерикларидан бири Эрик Сандерлин клубда спорт кўмитасини бошқарди ва ҳозир суюкли отини эгарлаб, гольф майдончасини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича ўз лойиҳаси ҳақида сўзларди. Клуб худудига катта ўрмонли ер келиб туташар, унда бир ташландиқ ферма бўлар эди. Сандерлин клуб аъзоларига заём чиқариб, шу бўлак ерни сотиб олиш таклифи ёзилган хатни тарқатди.

– Шунда клубимиз биринчи разрядлилар қаторидан ўрин олади, – деди Сандерлин. – Биз ҳатто ПЎУ¹ турнирида иштирок этишга ҳам уриниб кўришимиз мумкин.

Америкада ҳар доим “икки баравар ортиш”га ва юқорироқ разрядга тушишга интилишади, бегаразларча дилидан ўтказди Рудольф. Шундай бўлса ҳам барда “Сентинел”даги мақола эмас, гольф ҳақида гапирганларидан хурсанд эди.

– Сен-чи, Руди? Биз билан бирга заёмга ёзиласанми? – сўради Сандерлин.

– Ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрганимча йўқ, – жавоб берди Рудольф. – Икки ҳафтача муҳлат бероласанми ўйлаб олишга?

– Бунинг ўйлайдиган жойи бор эканми? – таҳдиднома оҳангда деди Сандерлин.

– Кўҳна Руди сув кўрмасдан этик ечмайди, – гапга аралашди Брэд. – Ҳатто соқолини олиш керак бўлса ҳам нақд икки ҳафта ўйлайди.

– Агар сендай одам ёнимизни олиб турганда борми, – ҳамон ундарди Сандерлин. – Барибир мен сени қўймайман энди.

– Бунга шубҳа йўқ, Эрик, – деди Рудольф. Сандерлин ўзининг бир сўзлиликига бўлган бу эътирофга кулиб қўйди ва қолган иккала йигит билан душга кетди.

¹ ПЎУ – профессионал ўйинчилар уюшмаси.

Брэд барда қолди ва ўзига яна виски буюрди. Унинг юзи доим қип-қизил бўлиб турарди, бу қуёшданми ё ичкиликданми, билиб бўлмасди.

— Сендай одам! — тақрорлади Брэд. — Уитбида сен ҳақингда шундай гапиришадики, гўё бўйинг осмон баравардай.

— Бу шаҳарга илакишишим сабаби ҳам шунда-да, — деди Рудольф.

— Бизнесдан кетганингдан кейин ҳам шу ерда қолиб кетиш ниятидамисан? — сўради Брэд Рудольфга қарамасдан ва олдига вискили стакан қўйиб кетган Хэнкка бош ирғаб қўйди.

— Мени бизнесдан кетади деб ким айтди сенга? — Рудольф Брэднинг ўз режаларига аралашинини истамасди.

— Шунақа миш-мишлар юрибди.

— Буни сенга ким айтди?

— Ахир ўйиндан чиқишга ўзинг астойдил бел боғлаган эдинг-ку?

— Ким айтди сенга?

— Виржиния Колдервуд.

— Ҳа-а.

— Отаси бу ҳақда онаси билан гаплашиб турганида эшитган экан. Биз Виржиния билан сўнги икки ой ичида тез-тез кўришиб турибмиз. Яхши қиз у.

— Ҳм... ёмон эмас.

— Ўрнингга кимни қолдиришни чол билан келишиб олгандирсан?

— Ҳа, шундай гаплар бўлувди.

— Хўш, ким бўлади энди ўрнингга?

— Буни ҳали ҳал қилганимизча йўқ.

— Бўпти! — Брэд жилмайиб қўйди. Бироқ унинг юзи аввалгидан ҳам қизилроқ бўлиб кетганди. — Бу ҳақда ҳамтовоқ дўстинга бошқаларга маълум бўлишидан ўн дақиқа олдин хабар қиларсан деган умиддаман.

— Албатта, Мисс Колдервуд сенга яна нималар деганди?

— Айтарли ҳеч нарса, — дудмалланиб деди Брэд. — Мени севишини айтди. Яна шунга ўхшаган алламбалолар. Сен уни анчадан бери кўрмадингми?

— Анчадан бери. — Рудольф уни қизалоги Инид туғилган ўша тундан бери кўрмаганди. Олти ҳафта — чакки эмас.

— У билан доим кулишганимиз-кулишган. Унинг ташқи кўриниши одамни алдайди. У жудаям қувноқ қиз.

Қизнинг табиатидаги янги қирралар. Кулишни севаркан. Ўзгалар эшиги тагида ярим тунда хандон ташлаб кулади.

— Очигини айтсам, мен унга уйланмоқчи бўлиб юрибман, — деди Брэд.

— Нима учун? — Гарчи нима учунлигини англаб турса-да, жўрттага сўради Рудольф.

— Хотинлар ортидан итдай санқиш жонимга тегди, — деди Брэд. — Яқинда қирққа кираман, энди олдинги Брэд эмасман, ахир.

Йўқ, сен менга ҳаммасини айтмаётибсан, ўйлади Рудольф. Йўқ, дўстим, ҳали ҳаммасини айтмадинг.

— Балки сендан ўрнак олиб шундай қилаётгандирман? — давом этди Брэд. — Ахир сендай одам уйланишни ўзига эп кўрибдими, — у елпуғичдай катта, қип-қизил юзини тиржайтириб кулди, — демак, менга ҳам ёмон бўлмас. Оилавий бахт жаннати!

— Бу жаннатда биринчи гал узоқ қолиб кетмовдинг, шекилли?

— Ҳаққол-рост, — иқрор бўлди Брэд. Унинг биринчи турмуши — бир нефть саноатчисининг қизига уйланган эди — атиги ярим йилгина давом этганди. — Ҳа, унда ёш эдим. Бунинг устига биринчи хотиним Виржиниядек тагли-тахтли оиладан эмасди. Кейин эса... балки бунисида омадим келар.

Рудольф чуқур хўрсинди.

— Йўқ, Брэд, омадинг келмайди, — хотиржам тусда деди у. Сўнг Виржиния Колдервуд ҳақидаги бор гапни унга ҳикоя қилиб берди. Қизнинг унга ёзган хатлари ҳақида, телефон қўнғироқлари ҳақида, Рудольфнинг уйи олдида уни ўсал қилгани ҳақида, олти ҳафта олдинги нафратли воқеа ҳақида сўзлади.

Брэд жим тинглаб турди-да, кейин:

– Сени шу қадар севишар экан, бу жуда зўр гап, ошна, – деди, холос.

Икки ҳафтадан кейин Рудольф тонгги почтадан мисс Виржиния Колдервуднинг мистер Брэдфорд Найт билан никоҳ маросимига таклифнома олди. Черков аргануни тўй таронасини бошлаб юборди ва Виржиния отасининг қўли остидан туганча скамейкалар оралиғидаги йўлакдан юриб кетди. Ошпоқ никоҳ либосида у латиф, нозик, нафис ва хотиржам кўринар эди. Рудольфнинг ёнидан ўтаётган у йигитга ақалли қиё боқиб ҳам қўймади, ҳолбуки Рудольф хотини билан биринчи қаторда ўтирарди. Ёз жазирамасидан қизариб ва терга ботиб кетган куёв вакил отаси Жонни Хит билан биргаликда уни меҳроб олдида қутарди. Вакил оталикка Брэд нима учун Рудольфни танламаганига ҳамма ҳайрон эди, бироқ Рудольфнинг ўзи бунга заррача ажабланмаётганди.

Булар ҳаммаси – ўзим пиширган ош, ўйларди Рудольф, таронага чала-чулпа қулоқ соларкан. Уни Оклохомадан бу ерга мен чақирдим. Уни корпорацияга мен олиб кирдим. Мен қизга куёв бўлишдан бўйин товладим. Ҳаммаси – ўзим пиширган ош, хўш, ўзим пиширган ош деб, айлиниб-ўргилиб ичаверишим керакми?

3-боб

1965 йил

I

Палубада чўк тушиб жимгина ниманидир хуштакда хиргойи қилганча Томас лангар чиғирининг мис галтагини зўр бериб йилтиратарди. Гарчи июль эндигина бошланган бўлса-да, кун иссиқ эди. У оёқяланг ва кўйлаксиз ишларди. Елка ва орқалари офтобдан куйиб, қорайиб кетганди, у Антиб банларгоҳида хизмат қилаётган энг қорача италияликлардан кам қораймаган эди. У бокс билан шуғулланганида баданидаги томирлар энди олдингидай унақа бўртиб чиқмасди. Мушаклари ҳам ўрқач-ўрқач шишиб чиқмас, балки анча юмшоқ ва силлиқ бўлиб қолганди. Агар ҳозиргидай тепакал бошига қалпоқча қўндириб олса, икки йил аввалги Томасдан ҳам ёш кўриниб кетарди.

Пастдан, машина бўлимидан болганинг тўқ-тўқ овози қулоққа чалинарди – Пинки Кимболл ва Дуайер насосни созламоқда. Эртага яхта бу мавсумда биринчи марта йўлга чиқаяпти, синов сузишда эса чап двигатель қизиб кетганди. Банларгоҳида энг катта кема ҳисобланган “Вега”да механик бўлиб ишлаган Пинки ишқалнинг қаердалигини билишни таклиф этди. Унча-мунча носозликларни Дуайер билан Томас ўзлари тўғрилашди, бироқ каттароқ таъмир ишлари чиқиб қолгач, улар ташқаридан ёрдам сўрашга мажбур бўлишди. Яхшиямки, Томас қишда Кимболл билан дўстлашиб қолганди, шу йигит “Клотильда”ни тартибга келтириш ва ёзги мавсумга тайёрлашда ёрдам бериб юборди. Улар Порто-Санто – Стефанода яхтанинг номини “Пенелопа”дан “Клотильда”га алмашгирганда нима учун бундай ном берганини Томас Дуайерга айтиб ўтирмади.

...Машина бўлимидаги тўқ-тўқ овозлари тинди ва кўп ўтмай люкдан Кимболлнинг малла боши пайдо бўлди, у билан кетма-кет палубага Дуайер чиқди. Кимболл қўлларини артди ва бир тутам лаш-лушни борт ортига улоқтирди.

– Энди ҳаммаси жойида бўлиши керак, капитан.

Овсарнамо инглиз Кимболлнинг юзи сепкилли бўлиб, ҳеч офтоб урмас ва бутун ёз бўйи оч қизил рангда товланиб тураверарди. Ўзининг айтишича, Кимболл ичкиликни кўтаролмайди. Ичиб олач, у тажанг бўлиб қолар, барларда жанжаллар чиқарарди. У раҳбарлар билан сира чиқишолмас, битта кемада узоғи билан бир йилгина ишларди, бироқ қўли гул кема механиги бўлганидан янги ишни қийинчиликсиз топарди.

Томас билан улар бошиданоқ апоқ-чапоқ бўлиб кетишганди – соҳилда учрашганда куюқ сўрашишар, банларгоҳга кираверишдаги мўъжазгина барда бир-бирини пиво билан меҳмон қилар эдилар. Томаснинг собиқ боксчи эканини

Кимболл пайқаб қолганди. Томас боксчилик фаолиятидаги барча ютуқларию мағлубиятларини ҳикоя қилиб бераркан, Фалькнетти ҳақида лом-мим демади ва Дуайернинг ҳам бу ҳақда оғиз очиб бўлмаслигига фаросати етарди...

...Пинки рубкага кирди, асбобларга кўз югуртирди, дизелларнинг тарақ-туруқларига диққат билан қулоқ солди.

– Мана, ниҳоят ёзги мавсумга тайёрсизлар, – деди у. – Ўзингизнинг кемангизда. Сизларга ҳавасим келади.

– Тайёрмиз-у, бутунлай эмас, – жавоб берди Томас. – Бизнинг ошпазимиз йўқ.

– Нима? – ҳайрон бўлди Пинки. – Ўтган ҳафта ёллаганинг ҳалиги испаниялик-чи, қани?

Испанияликнинг яхшигина тавсиялари бор эди ва у “Клотильда”га ёлланаётиб кўп сўрамаганди. Лекин бир куни кечқурун испаниялик қирғоққа тушганида Томас унинг этиги кўнжигача пичоқ жойлаётганини кўрди. “Бу нимага керак?” – сўради Том. – “Мени ҳурмат қилишлари учун”, – жавоб берди испаниялик. Эртасига Томас уни ҳайдаб юборди. “Ҳурмат қилишлари” учун кўнжигача пичоқ жойлаб юрадиган одамнинг ўз кемасида бўлишини у хоҳламасди.

– Мен уни кемадан ҳайдаб юбордим, – деди Том Кимболлга ва негалигини тушунтирди. – Менга яна ошпаз-споарл керак. Бу икки ҳафтага чидайди. Менинг йўловчиларимга яхта фақат кундузи керак бўлади, улар егуликларини ўзлари олиб келишади. Аммо ёзга ошпаз керак бўлади.

– Хотин кишини ёллашни ўйлаб кўрмадингми? – сўради Пинки.

Томас қошини чимирди.

– Қозон қайнатишу бошқа икир-чикирлардан ташқари “Клотильда”да оғир ишлар тўлиб ётибди.

– Бақувват бир хотинни олиш мумкин-ку, – деди Пинки.

– Ҳаётимдаги кўнгилсизликларнинг кўпчилиги айнан шу хотинлар туфайли содир бўлган, – деди Томас. – Бақувватлариям бир гўр, бақувватмаслариям бир гўр уларнинг.

– Турли кўсқи бандаргоҳларда қачон кир ювишади-ю, қачон йўловчиларга уларни дазмоллаб беришади, кутавериб ҳар ёзда қанча вақтим бекорга кетади, улар эса тўхтовсиз вайсагани-вайсаган, вақтнинг қадрига етишмайди, деб ўйлагандирсан-да?

– Ҳа, энг нобоп томони шунда, – унинг гапини маъқуллади Томас. – Кўз тагинга олган битта-яримга борми?

– Худди шундай. У “Вега”да оқсоч бўлиб ишлайди, бу иш кўнглига зиғир ёддек урган. У денгиз жинниси, бутун ёз бўйи эса фақат кир ювиш машинасидан кўзини узмайди.

– Яхши, – истамайгина деди Томас, – олиб кел-чи, гаплашиб кўрай ўзи билан. Аммо айтиб қўй, пичоғини уйда қолдириб келсин.

Соат олтида у Пинкининг қирғоқда қандайдир хотин билан турганини кўрди. Ўрта бўйли, тикмачоқдай. Сочини иккита қилиб ўриб олибди. Эгнига жинси шим, кўк свитер ва оёғига ишли тагчармдаги шиппак кийган.

– Бу Кейт, – таништирди хотинни Пинки. – Мен унга сен ҳақингда гапириб бердим.

– Салом, Кейт. – Томас қўлини чўзди ва хотин унинг қўлини сиқди. Кирхонада ишлайдиган ва кемадаги ҳар қандай оғир ишни қилиб кетаверадиган аёллар учун унинг қўли ҳаддан ташқари юмшоқлик қилар эди. Пинки каби у ҳам инглиз бўлиб, Ливерпулда туғилган экан. Ёши йигирма бешларда. Ўзи ҳақида паст овозда гапирарди. Овқат қилишни, кир ювишни биладан ва кемадаги ҳар қандай ишда ёрдам беришим мумкин деди. Французча ва италянча сўзлай оларкан, штурвалда ўтириб, кемани бошқаришни уйдларкан, кечалари навбатчиликда ҳам туришга тайёр экан, зарурат туғилиб қолса, машина ҳам ҳайдай оларкан. Пичоқли испаниялик оладиган маошга рози экан. Уни гўзал деб бўлмасди, аммо у дуркун, юзининг қизили қизилга, оқи оққа ажраган, қорачадан келган, истарали аёл эди ва суҳбатдошининг кўзига тик боқарди. Қишда, агар ишдан бўйлатишса, Лондонга қайтмоқчи ва официантка бўлиб ишга жойлашмоқчи экан. У турмуш кўрмаган, унаштирилмаган ҳам экан,

унга кема жамоасининг бир аъзоси каби муомала қилишса бўлди экан, бундан ортиғи ҳам, ками ҳам керак эмас экан.

– Ёввойи инглиз атиргулининг ўзи, – деди Пинки. – Тўғрими, Кейт?

– Ҳазилингни йиғиштир, Пинки, – жавоб берди қиз. – Мен бу ерда ишламоқчиман. Оҳорланган оппоқ кийим ва оппоқ чулкиларда худди мурувват ҳамшираларидай Ўрта ер денгизи бўйлаб изғишлар, “мисс” ё “мадемуазель” деб ном олишлар жонимга тегди. Мен анчадан бери яхталарингга кўз солиб келардим, Том. У менга ёқади – Британия қироллик яхта клубидаги сингари бесўнақай эмас. Тоза, кўриниши бежирим. Бунинг устига, бортда хонимчалар кўп бўлмайди, йўқса бутун кун Монте-Карлода қолиб кетган бўлардим, хонимчалар саройдаги балда кийиниб, кечқурун гоз юриш қилишлари учун кўйлақ дазмоллардим.

– Ўзинг биласанг, – йўловчиларининг олифталикларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб деди Томас. – Биз ҳарҳолда камбағалларни ташимаймиз.

– Нима ҳақида гапирётганимни тушундингиз-а? – деди қиз. – Нима бўлганда ҳам бошингизга текин галва сотиб олишингизни истамайман. Сизлар овқатландингизларми?

– Йўқ.

Бу пайтда Дуайер эрталаб сотиб олган балигидан нимадир тайёрламоқчи бўлиб, камбузда танҳо қуйманарди, бироқ камбуздан келаётган шовқиндан Томас ҳали ҳеч бало тайёр бўлмаганини осонгина фаҳмлаб олди.

– Мен сизларга кечлик қилиб бераман, – деди қиз. – Ҳозироқ. Агар ёқса, мени “Клотильда”га оласизлар. “Вега”га бораман-да, буюмларимни олиб, бутуноқ сизларникига кўчиб ўтаман. Ёқмаса, сизлар барибир ҳеч нарса йўқотмайсизлар. Агар оч қолсангизлар, шаҳарга, ресторанга тушасизлар – улар кеч тунгача ишлайди. Пинки, кетма, биз билан овқатланасан.

Улар кема тумшугида, рубка ортида овқатланишди. Кейт дастурхон тузади ва негадир у Дуайерникидан кўра кўркамроқ кўринар эди. Қиз иккита вино очди ва уларни музли челақда стулга қўйди. У картошка, пиёз, саримсоқпиёз, помидор, ҳил, оқ шарбат ва чўчқа ёғи бўлаклари билан димлама балиқ тайёрлаган эди. Эркаклар ювинишди, соқолларини қартишлашди, тоза кийимларини кийишди ва камбуздан келаётган овқат ҳидидан маст бўлиб палубада ўтирганча икки қадаҳдан пастис уриб олишди.

Кейт балиқли каттакон товоқни кўтариб келди. Нон ва ёғ аллақачон столда салат билан ёнма-ён турарди. Ҳаммага балиқ улашиб, қиз хотиржам ва ўзига ишонган ҳолда столга ўтирди. Томас капитанлик ҳуқуқи бўйича бир қадаҳдан вино сузди.

Овқатга биринчи бўлиб қўл урган Томас салмоқ билан чайнарди. Бошини солинтирганча, Кейт ҳам овқат ейишга киришганди.

– Пинки, – деди Томас, – сен ҳақиқий дўстсан. Сен мендан бақалоқ ясашга қасд қилмаганмисан? Кейт, сен ишга қабул қилиндинг.

Қиз кўзини кўгарди ва жилмайди. Улар жамоанинг янги аъзоси учун қадаҳ кўгардилар.

Ҳатто қаҳва ҳам қаҳвага ўхшаган бўлибди.

Овқатдан кейин Кейт идишларни ювар экан, эркаклар палубада ўтириб, оқшомги сокинликдан ҳузурланган, Кимболл келтирган сигареталардан мазза қилиб чекканча Альп тоғлари ортидан кўтарилиб келаётган ойни томоша қилар эдилар.

– Дуайер, – деди Томас, стул суянчигига ўзини ташлаб, оёғини узатар экан, – биз орзу қилган нарса шу эмасмиди?

Дуайер “ҳа”дан бошқа нима ҳам дей оларди.

Дуайер иккинчи каравоти бўлган Томаснинг палатасига кўчиб ўтди, ўзининг собиқ палатасида эса Кейт учун топ-тоза чойшаб тўшаб берди. Томас тунлари хуррак отарди – рингда унинг бурнини пачоқлашганди. Аммо Дуайер бунга кўникишга мажбур эди. Ҳеч бўлмаганда вақтинчага.

Бир ҳафтадан сўнг у яна ўзининг палатасига қайтди, чунки Кейт Томаснинг олдига кўчиб ўтганди. Қиз, хуррак менга халақит бермайди, деди...

...Улар Антибга бандаргоҳларга кирмасдан қайтмоқда эдилар ва Томас билан Кейт уйқуга тўйиб олишсин деб Дуайер тунги саккиз соатлик вахтада турди. Антибга улар тушга яқин етиб келишди. Томасга иккита хат мунгазир эди — бири акасидан, иккинчиси эса нотаниш дастхат билан ёзилганди. Аввал у Рудольфнинг хатини очди.

“Азизим Том, — ўқиди у. — Ниҳоят сен ҳақингда баъзи нарсаларни билиб олдим ва бундоқ олиб қараганда ишларинг яхши кетаяпти экан. Бир неча кун аввал менга мистер Гудхарт кўнғироқ қилган эди ва сенинг яхтангда сузганини айтганди. Маълум бўлишича, базада унинг фирмаси билан қандайдир муштарак ишлар бор экан ва ўйлайманки, сенинг аканг ким ва қандай одам эканини билиш унга қизиқ туюлар. Улар эр-хотин бизни уйига коктейлга таклиф этишди. Ўзинг билганингдек, Гудхартлар ғоятда меҳрибон отахону онахон. Улар сен ҳақингда жуда илиқ гапларни айтишди, сенинг яхтанг ҳақида ва денгиздаги ҳаётинг ҳақида ҳаяжонланиб ҳикоя қилишди. Сен “Д.К.” корпорацияси акциялари учун тушган пулларни ишлатиб, асрнинг энг яхши маблағ сарфи қилганинг истисно эмас. Агар банд бўлмаганимда — шу йил Уитби мерига сайловда ўз номзодимни қўйишни мўлжаллаб турибман, — ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай Джинни олардим-да, самолётга ўтириб, мовий денгиз узра сенинг яхтангда юзгани етиб борардим. Балки, бунга келаси йил улгурарман. Ҳозирча эса мен сендан “Клотильда”ни (кўрдингми, Гудхартлар менга ҳаммасини айтишган ва мен ҳатто яхтангнинг номини ҳам биламан) дўстимга бир рейсга бериб туришингни илтимос қилар эдим. У яқинда уйланади ва асал ойини Ўрта ер денгизиде ўтказишни истаяпти. Сен, балки уни эсларсан — Жонни Хит. Борди-ю, у ғашинга тегадиган бўлса, уни дамли қопга ўтказ-да, денгизга қўйиб юбор — ўзи билан ўзи саёҳат қилаверсин.

Жиддий гапирадиган бўлсам, сендан жуда хурсандман ва менга хат ёзишингни истар эдим. Борди-ю, бирон ёрдамим керак бўлиб қолса, ҳеч иккиланмай хат ёз.

Сени севувчи Рудольф”.

Хатни ўқиб бўлиб, Томас хўмрайди. “Клотильда”ни сотиб олгани учун унинг кимдан миннатдор бўлишини эслатиш унга ёқмади. Бироқ хат дўстона руҳда ёзилганди, об-ҳаво бирдек яхши бўлиб турибди, ёзги мавсум аъло даражада ўтмоқда, эски гиналарни эслаб, таъбни хира қилиш ақлдан эмасди. У хатни текис қилиб буқлади-да, чўнтагига солиб қўйди.

Иккинчи хат Рудольфнинг дўстидан эди. Хит, ўн бешинчидан ўттизинчи сентябргача “Клотильда”га умид боғласам бўладими, деб сўраган эди. Мавсум охирлаб қолган бўлиб, Томасда бошқа тавсиялар йўқ эди ва яна битта рейс нур устига аъло нур эди. Хит Монте-Карло ва Сен-Тропез оралиғидаги соҳил бўйи ёқалаб сузишни ёқтираман деб ёзганди. Бортда иккита йўловчи ва қисқа масофа — мавсум охири беғалва ўтадиган бўлди.

Томас столга ўтирди ва Хитга, уни ўн бешинчида ё Ницце аэропортида, ёки Антибдаги вокзалда кутаман, деб хат ёзди.

Рудольфнинг саъй-ҳаракатлари билан яна бир рейс бўлишини билиб, Кейт Томасга миннатдорчилик билдириб аканга хат ёз деб туриб олди. Томас хатни ёзиб, энди елимлай деб турганида акасининг бирон нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, ҳеч иккиланмай ёзиб юборавер деганини эслаб қолди. Ёзсам нима қилибди? — ўйлади у ўзича. Бундан ҳеч ким зарар кўрмайди. Сўнг постскриптумда шундай деб қўшимча қилди: “Бир хизмат бор эди, майлими? Баъзи сабаблар билан мен Нью-Йоркка ҳамон қайтолмаяшман, аммо, эҳтимол, бу сабаблар ўтиб кетгандир. Мана, неча йилдирки, ўғлим ҳақида ҳеч нарса билмайман, худди уйланганим-уйланмаганимни билолмаганимдек, ўғлимнинг қаердалигини ҳам билмайман. Мен уни бир бора кўришга зорман, агар имкони бўлса, олдимга, бу ерга бирмунча муддатга олиб келсам дегандим. Ўшанда матчдан кейин Гретхен икковларинг меникига кирганларинг эсингдадир? Эсингда бўлса ечинув хонасида менинг менежерим бор эди, мен уни сенга таништирган ҳам эдим. Унинг исми Герман Шульц. Сўнги ахборотлардан билишимча, у саккизинчи авенюдаги “Бристоль” меҳмонхонасида яшаркан,

аммо эҳтимол у ҳозир у ерда турмас. Агар сен Гардендаги идорадан уни қандай топсан бўлади деб сўрасанг, улар Шульцнинг ўликми ё тириклигини, агар тирик бўлса, Нью-Йоркдами ё у ердан кетганми, айтишади. У Тереза ва менинг болам ҳақида бирон нима билиши керак. Унга ҳозирча менинг қаердалигимни айтмай тур. Фақат, “ҳали ҳам аҳвол тангми?” деб сўраб кўр, бас. У ҳаммасини тушунади. Агар топсанг, унинг сенга нима гап айтганини менга хабар қил. Бу билан менга жуда ҳам катта хизмат қилган бўласан ва мен сендан жуда-жуда миннатдор бўлар эдим”.

4-боб

I

“Бристоль” меҳмонхонасида Герман Шульцни ҳеч ким эслолмади, бироқ Мэдисон-Сквер-Гардендаги Реклама ва ахборот бюросида кимдир унинг манзилени топишга муваффақ бўлди — Эллик учинчи Фарбий кўчадаги мебелли хоналарда тураркан.

Қотган қон рангидаги бўёғи кўпчиган эшикни оёғини судраб босадиган, ясама сочи бир ёнга қийшайган букри чол очди. Ҳатто узоқдан ҳам ундан моғор ва пешоб ҳиди анқирди.

— Мистер Шульц уйдами? — сўради Рудольф.

— Тўртинчи қават, йўлакнинг охирида, — Рудольфни уйга кўяр экан, чол тисланди. Зинадан кўгариларкан, Рудольф чолдан келаётган бадбўй ҳид бутун уйни тутиб кетганини англади.

Тўртинчи қаватда йўлакнинг охиридаги хона эшиги очиқ эди. Томнинг қоқ таги бўлганидан бу ер ҳаддан ташқари иссиқ эди. Бир вақтлар Томас қанақалигини айтиб танишгирган Шульцни Рудольф дарров таниди. Шульц кўрпасиз каравотнинг бир четида ифлос чойшабда қаршидаги деворга тикилганча қимир этмай ўтирарди.

Рудольф эшик кесақисига уриб тақиллатди. Шульц аста, қийналиб бошини бурди.

— Сизга нима керак? — сўради у. Унинг овози кескин ва адоватли жаранларди.

Рудольф хонага кирди ва қўлини узатди:

— Мен Томас Жордахнинг акасиман.

Шульц тезгина қўлини орқасига яширди. У қирланиб кетган, қўлтиқларида доғлари бўлган спорт кўйлаги кийиб олганди. Қорни баскетбол тўпидек дум-думалоқ эди. Шульц оғзида яхши кўндирилмаган жағи бордай лабларини қийинчилик билан қимирлатди. Бошида битта ҳам тук йўқ, кўриниши касалванд эди.

— Қўлингизни қисмайман, — деди у, — артритим бор.

У Рудольфни ўгиришга таклиф қилмади, ҳа, дарвоқе, каравотдан бошқа ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ эди.

— Итдан тарқаган, — деди Шульц. — Унинг номини эшитишга тоқатим йўқ.

Рудольф ҳамёнини олди ва йигирма долларлик иккита қоғоз пулни суғурди.

— У мендан мана бунини сизга бериб қўйишимни илтимос қилди.

— Каравотга қўйиб қўйинг. — Шульцнинг юзида қотиб қолган ёвузона, илондек совуқ ифода қилча ўзгармади. — У мендан юз эллик доллар қарз.

— Мен эртагаёқ уни қолган пулингизни етказиб беришга мажбур қиламан, — деди Рудольф.

— Аллақачон бериши керак эди. Энди мендан унга нима керак экан? Нима, у яна бировнинг башарасини ёрдими?

— Йўқ. У бошқа биронга ҳам тўполон қилгани йўқ.

— Афсус, — заҳархандалик билан деди Шульц.

— У сиздан бир нарсани сўрашимни илтимос қилди: ҳали ҳам танглик ўша-ўшами? — Бу сўзларни айтар экан, Рудольф уларнинг галати жаранглашини ҳис этди.

Шульцнинг юзи муғомбирона, сирли тус олди ва Рудольфга кўзининг қири билан қараб қўйди.

– Эртага қолган пулни юборишига ишончингиз комилми?

– Шубҳасиз.

– Нима ҳам дердим, – деди Шульц, – ундай ҳолда унга айтиб қўйинг, танглик қайтган. Ҳаммаси аллақачон орқада қолди. Анови пайтавакулоқ Куэйлс ўша сассиқ укангиздан калтак еганидан кейин бирон марта жангда ютолгани йўқ. Менинг бирдан-бир ишонганим ўша эди. Ҳа, ҳаммаси ортда қолди. Ҳаммаси тинч. Кимни лаҳадга тиқишди, кимни қамоққа. Энди шайтон укангизни эслайдиган одамнинг ўзи қолмади. Унга худди шундай деб айтинг. Ҳа, яна шундай деб қўйинг: менинг унга қилган яхшилигим юз эллик доллардан қимматроқ туради.

– Мен буни унга албатта айтаман, – чол нимани назарда тутаётганини тушуниб тургандек гапиришга ҳаракат қилиб, ваъда берди Рудольф. – Унинг номидан мен сизга яна битта савол бераман.

– Бу пул учун у саволларни ҳаддан ошириб юбораяпти.

– У хотинининг қандайлигини билмоқчи.

Шульц пишқириб юборди:

– Анови суоқоёқми? – Бу сўзларни Шульц роса иккига бўлиб, донадона қилиб айтди. – Унинг фотосуврати газеталарда чиқди. “Дейли ньюс” да. Икки марта. Барларда эркакларга осилгани учун уни икки марта ҳибсга олишди. Нуқул исмим Тереза Лаваль дейди, холос. Француз эмиш. Лекин мен бу манжалақини дарров танидим. Феранцуз эмиш-а! Уларнинг ҳаммаси, ҳаммагинаси бузук. Мен сизга мингтаси ҳақидаги гапларни айтиб беришим мумкин, мистер...

– Унинг қаерда туришини биласизми? – Рудольф бу димиқ, сассиқ хонада Шульцнинг хотинлар ҳақидаги фикрларини тинглай деб ўлиб тургани йўқ эди. – Ўғли-чи, у қаерда?

– Энди ким ҳам нимани биларди? – бошини чайқади Шульц. – Қаерда турганимни мен ўзим билмайман-ку. Тереза Лаваль. Француз аёли. – У яна пишқирди. – Оббо зангар-ей, француз аёли эмиш-а.

– Катта раҳмат, мистер Шульц, – деди Рудольф. – мен сизни бошқа безовта қилмайман.

– Бунинг нимаси безовта қилиш бўларкан? Пича валақлашиб олганимиз қолди. Эртага сиз пулни аниқ юборасизми?

– Сизга кафолат бераман.

– Эгнингиздаги костюм зўр экан, – деди Шульц, – аммо бу ҳали кафолат эмас.

II

Чўнтагида Рудольфнинг телеграммаси билан у Кеннеди номидаги аэропортда самолётдан тушди-да, юзлаб бошқа йўловчилар билан бирга санитария ва иммиграция назорати пештахтаси ёнидан ўтди. У бу ерда сўнгги марта бўлганида аэропорт ҳам Айдлуайльд деб аталарди. Аэропортга номинг берилиши учун бошингдан кўрғошин ейиш¹ – бу жуда қимматли тўлов.

“Иммиграция назорати” нишончаси таққан барваста ирландиялик унга шундай қарадики, ҳатто Томасни қайта мамлакатига қўйиш ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ унга галатидек туюлиб кетди. У Жордах фамилиясини қидириб катта қора китобни узоқ varaқлади ва у ерда фамилияси чиқмагач, унинг жуда ҳафсаласи пир бўлди.

Томас божхона текширув залига ўтди ва юкини кута бошлади. Одамнинг кўплигини! Гўё Европада таътилни ўтказиб, бутун Америка қайтаётгандай. Қизиқ, одамлар пулни қаердан олишаркин?!

Юқорида, ойнаванд йўлакда кутиб олувчилар оломони. У Рудольфга рейс рақами ва келиб қўниш вақтини айтиб телеграмма юборгани, бироқ йўлакдаги

¹ Жон Фицджеральд Кеннедининг Далласда номаълум шахслар томонидан отиб ўлдирилишига ишора (тарж.).

оломон ичида акаси кўринмасди. Бир лаҳза аламидан вужудини ўт олгандай бўлди. Акасини қидириб Нью-Йорк бўйлаб сандироқлагани келмади-ку бу ерда.

Хит билан катерда сузгандан кейин у Антибга қайтиб келганида бир ҳафта бурун Рудольфдан келган телеграмма унга мунтазир ётарди. “Азизим Том, — ўқиди у. — Бемалол учиб келавер нқт ўғлингнинг манзилени яқинда топсак керак нқт ўпаман нқт Рудольф”.

Ниҳоят чемоданига кўзи тушиб, уни тутиб олди-да, Том божхона пешпахтаси олдидаги навбатга бориб турди. Назоратчи унга чемоданни очишини айтди ва уни узоқ титкилади. Томас ҳеч кимга совға олиб келмаётгани ва уни ҳеч бир гишавасиз ўтказиб юборишди.

Ҳаммолнинг хизматидан воз кечиб, у чемоданини кўтариб ташқарига йўл олди. Оломон ичида турган Рудольф унга кўлини силкитиб қўйди — у ҳаммадан енгил кийингани: шляпасиз, спортча шим ва енгил пиджакда. Улар кўл бериб кўришишди ва Рудольф чемоданни унинг кўлидан олмоқчи бўлган эди, бироқ Томас буни эп билмади.

— Яхши учиб келдингми? — сўради Рудольф, улар аэропорт биносидан чиқишгач.

— Дуруст.

— Мен машинани ҳув яқинга қўйганман. Шу ерда кутиб тур. Дарров келаман.

Рудольф узоқлашгач, Томас акасининг ўша-ўша сирғанма юриш билан юришини, худди ёшлиқдагидек, юрганда елкалари қимирламаслигини пайқайди.

У ёқа тугмасини ечди ва галстуги тугунини хиёл бўшатиб қўйди. Гарчи эндигина октябрнинг боши бўлса-да, жазирама нафасни бўғар, ҳавони ёнган бензин ҳидли рутубат қоплаганди. Нью-Йоркнинг иқлими қанақалиги ҳам, бу ердаги одамларнинг қандай яшаши ҳам эсидан чиқиб кетибди.

Беш дақиқалардан кейин мовий “бюик”да Рудольф қайтиб келди. Том чемоданини орқа ўриндиққа ташлади ва акасининг ёнида ўтирди. Машинада кондиционер ишлаганидан ичкари салқин эди.

— Хўш, қандай янгиликлар бор? — сўради Томас.

— Мен Шульцни қидириб топдим, — жавоб берди Рудольф. — Телеграммани ўшанда жўнатгандим. У танглик аллақачон барҳам топганини айтди. Ким ажали етиб, ким қамоқда ётиб ўлиб кетган. У нимани назарда тутаётганини сўраб ўтирмадим.

— Тереза ҳақида, ўғилчам ҳақида бирон гап борми?

Рудольф кондиционер дастакчаларини суриб қўйди-да, афтини буришгирди.

— Нимадан бошлашни ҳам билмай қолдим.

— Гапирар, кўрқма. Маҳкамман, чидайман.

— Уларнинг қардалигини Шульц билмас экан. Лекин газеталарда хотинингнинг сувратини кўрибди. Икки марта.

— Бу қанақаси?! — Бир лаҳза Томас саросималанди. Балки, бу тентак қиз ростданам саҳнада ё тунги клубда пул ишлаётгандир?

— Уни барларда фоҳишалик қилгани учун тутишибди. Икки марта, — деди Рудольф. — Бу ҳақда айти мен айтишга мажбур бўлаётганимдан хафаман.

— Тупур ҳаммасига, — дағалик билан деди Томас. — Шундай бўлиши ҳам керак эди.

— Шульц айтдики, репортёрларга у бошқа фамилияни айтибди, лекин у барибир танибди. Мен суришгирдим. Ўшанинг ўзи. Полицияда менга унинг манзилени беришди.

— Йигитча қалай экан?

— У ҳарбий мактабда. Мен бу ҳақда икки кунгина аввал билдим.

— Ўғлим солдат бўлишини бир умр орзу қилгандим!... Бу севинчли янгиликларни сен қандай билиб олдинг?

— Хусусий изқувар ёлладим.

— У анови қанжиқ билан гаплашибдими?

— Йўқ.

— Демак, бу ердалигимни ҳеч ким билмайди-а?

— Ҳеч ким. Мендан бошқа. Мен яна бир иш қилдим. Сен қарши бўлмассан деб ўйлайман?

- Тагин қанақа нағма бошладинг?
- Мен бир таниш оқловчи билан гаплашдим. Биронта исмни тилга олмайди. Сен осонгина ажрашиб, ўғлингни олиб кетишинг мумкин. Терезанинг икки марта қўлга олиниши сабаби билан.
- Уни қамоққа тиқиб, калидни улоқтириб юборишса яхши бўларди.
- Менга қара, – бир оз сукутдан кейин деди Рудольф. – Мен бутун Уитбига қайтишим керак. Истасанг, бирга кетайлик ёки шу ерда квартирамда қолишинг мумкин. У ерда ҳозир ҳеч ким турмаяпти. Ҳар куни эрталаб фаррош келиб, полни артади.
- Раҳмат, мен шу ерда, квартирада қоламан. Эртага ўша оқловчинг билан мени учраштира оласанми?
- Бўлмаса-чи.
- Демак, сенда хотинимнинг манзили бор ва ҳарбий мактабнинг номини биласан, шундайми?
- Рудольф бош ирғади.
- Зўр. Менга бошқа ҳеч нарса керакмас.
- Сен Нью-Йоркда қанча турмоқчисан?
- Қанча лозим бўлса, худди ўшанча, хотиним билан ажрашишим керак ва ўғлимни Антибга ўзим билан олиб кетишим керак.
- Жонни Хит саёҳатдан роса кўнгли тўланини ёзганди. Унинг қайлиғига яхтангда сузиш жуда ёқибди, – деди Рудольф.
- Дарров нимани пайқай қолибди, – ишонқирамай бош чайқади Томас. – У ҳар беш дақиқада кийим алмаштиришдан ортани ҳам йўқ эди-ку. Чамадонлари ҳам нақд ўттизтамиди-ей. Яхшиямки, яхтада бошқа йўловчи йўқ эди. Унинг юклари иккита бўш каютага жой бўлди.
- У жудаям бой хонадондан, – жилмайди Рудольф.
- Шундоқ кўриниб турибди. Бойлигининг сассиғига чидаёлмаяпти. Анови эса, дўстинг, умуман дуруст. Ёмон об-ҳаводан шикоят қилмади ва берган саволлари шу бўлдики, иккинчи ҳафтанинг охирига келиб, “Клотильда”ни сал бўлмаса Тунистгача ўзи ҳайдаб кетай деди. У сен билан хотинингта келаси ёзда ўзи билан бирга денгиз саёҳатига чиқишни таклиф этаман деб қолди.
- Агар вақтим бўлса.
- Менга қара, мана бу пучмоққа мэр бўлиш учун ростдан номзодингни қўяяпсанми? – сўради Томас.
- Уитби ҳечам пучмоқ эмас, – деди Рудольф. – Бу фикримнинг нимаси сенга ёқмаяпти?
- Бу мамлакатдаги аълолар аълоси бўлган сиёсатчини ҳам бир мирига олмаган бўлардим.
- Балки, мен фикрингни ўзгартиришга эришарман?
- Бир вақтлар бир яхши одамимиз бўларди, уни ҳам отиб ўлдиришди.
- Ҳаммани отиб ўлдириб бўлмайди.
- Керак бўлса, қилишга ҳам, – қайсарлик билан деди Томас.
- Том, наҳотки ҳеч Американи соғинмайсан?
- У менга жуда нима қилиб қўйибди? Ҳозир ишларимни битираман-да, ҳайт деб жўнавораман, уни миямдан чиқариб ташлайман.
- Қандай тилинг боради шу гапларни айтишга?
- Оиламизга битта ватанпарвар етиб-ортади.
- Ўғлинг-чи?
- Нима – ўғлим?
- Уни Европада қачонгача олиб ўтирасан?
- Бир умр, – деди Томас. – Борди-ю, сени президент қилиб сайлашса-ю, сен бу мамлакатда тартиб ўрнатсанг, барча муттаҳамлар, генераллар, полициячилар, судьялар, конгрессменлар ва қиммат оқловчиларни қамоққа тиқсанг, шунда ҳам сени отиб ўлдириб қўйишмаса, балки шунда мен уни бу ерга меҳмонга юборарман.
- У маълумотни қандай олади?
- Антибда ҳам мактаблар кўп. Ҳар қанақанги бадбўй ҳарбий мактабдан дурустроқ.
- Лекин у америкалик-ку.

– Нима қилгил?
 – У француз эмас-ку, ахир.
 – У француз бўлмайди ҳам. У Уэсли Жордах бўлади.
 – Ўғлинг ватансиз қолади.
 – Хўш, сенингча менинг ватаним қаерда? Шу ердами? – Томас кулиб жоборди. – Ўғлимнинг ватани Ўрта ер денгизидаги яхтада бўлади. У вино ва зайтун ёғи чиқарадиган бир мамлакатдан яна вино ва зайтун ёғи чиқарадиган бошқа мамлакатга қараб сузади.

Рудольф бу суҳбатни ортиқ чўзиб ўтирмади ва йўлнинг квартираси жойлашган Парк-авенюгача қолган қисмини индамай босиб ўтишди. Швейцар Томасга шубҳали разм солди: ёқаси ечилган, галстуги шалвираб ётибди, кенг шимли мовий костюм, Генуяда сотиб олинган жигарранг тасмали яшил шляпа.

– Кийинишим швейцарингга ёқмади, – киноя билан кулди Томас, улар лифтда кўтарилишарканда. – Менинг Марселда кийинишимни унга айтиб қўй, Марсель эса Европада эркаклар модасининг энг буюк маркази эканини ҳамма билади.

– Швейцарнинг ўйидан ташвиш қилма сен, – деди Рудольф, укасига уйининг эшигини очаркан.

– Чакки жойлашмабсан, – деди Томас камини ва узун, оқиш-зарҳал духоба қошамали дивани бўлган ҳайҳотдай меҳмонхона ўртасида тўхтаб, диваннинг ҳар икки томонида биттадан юмшоқ оромкурси қўйиб қўйилганди. Столдаги гулдонларда – янги гуллар, полга жигарранг гилам тўшалган, тўқ яшил деворларда – абстракциячи рассомларнинг асарлари. Деразалар ғарбга қараган бўлиб, пардалар орасидан хонага қуёш нурлари тушиб турарди. Кондиционер майин визиллар, хонада ёқимли салқин ҳаво ҳукмрон эди.

– Биз Нью-Йоркка хоҳлаганимиздан камроқ тушиб турамыз. Джин яна ҳомилдор, мана шу икки ойда ўзини унча яхши ҳис қилмаяпти, – деди Рудольф буфетни очаркан. – Мана бу ер бар. Музлаткичда муз бор. Агар ресторанда эмас, шу ерда овқатланмоқчи бўлсанг, эрталаб оқсочга айтиб қўй. У овқатни бошлайди.

Рудольф ўзига ва Томасга содалаи виски қўйди ва улар виски ичишар экан, полицияда олган қоғозлар ва хусусий изқувар ҳисоботини олди-да, буларнинг ҳаммасини укасига берди. Сўнг оқловчига кўнғироқ қилди ва Томасни эртага эрталаб соат ўнда қабул қилишини келишиб олди.

– Хўш, – деди у вискини ичиб тутатишгач, – сенга яна нима қилишим мумкин? Хоҳласанг, сен билан мактабга тушишим мумкин.

– Мактабни ўзим тўғрилайман, ташвишланма.

– Пулдан қалайсан?

– Ачиб ётибди. Раҳмат.

– Бирон нима бўлса мента Уитбига кўнғироқ қил, – деди Рудольф.

– Хўп бўлади, жаноб мэр, – жилмайди Том.

Улар бир-бирининг қўлини сиқди ва Томасни полиция қоғози ва изқувар ҳисоботи ётган стол олдида қолдириб, Рудольф чиқиб кетди.

“Хилпон”¹ ҳарбий мактаби, дарҳақиқат, баланд тепалик устида жойлашганди ва мактабнинг ҳарбийлигига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Худди қамоқхонадай, у кулранг тошдан тикланган баланд девор билан қуршалганди. Насияга олган машина ойнасида Томас чангли майдончада марш қилиб юрган кулранг-мовий либосдаги болаларни кўрди.

У машинадан тушди ва бинога кирди. Зинадан сочи калта қилиб олинган ва энгига кўлаб ғалати кашталар тикилган йиғитча тушиб келарди.

– Ўғлим, бу ерда бошлиқнинг хонаси қаерда? – сўради ундан Томас.

– Бу ёқда, сэр, – бола ғўдайганча катта хона эшигини очди. Чоққина тўсиқ билан ўралган столда иккита аёл ўтирарди. Томас энг яқиндаги стол олдида борди.

– Хўш, хизмат, сэр?

– Ўғлим шу ерда ўқийди, – деди Том. – Фамилиям Жордах. Мен бошлиқлардан бири билан гаплашишим керак.

¹ Тоғ чўққиси (ингл.).

Гўё унинг фамилияси бирон нохуш нарсадан дарак бергандай, аёл унга галати қараб қўйди. Сўнг ўрнидан турди.

Бир неча дақиқадан кейин аёл қайтиб келди ва тўсиқдаги эшикчани очиб деди:

– Полковник Бейнбриж сизга мунтазир, сэр. – Сўнг уни полковник хонасига бошлаб борди.

– “Хилтон”га хуш келибсиз, мистер Жордах, – деди Бейнбриж. – Қани, ўтиринг.

– Мен ўғлимни кўргани келдим, – муддаога ўтиб қўя қолди Том.

– Ҳа, албатта, тушунаман, – деди Бейнбриж бироз дудмалланиб. – Янглишмасам, сиз унинг отасисиз, шундайми?

– Ҳа.

– Мени кечиринг-у, мистер... мистер Жордах, Уэслини мактабга олишда аризада отаси ўлган деб ёзилганди.

– Кўриб турганингиздай, мен тирикман. Хотиним билан муносабатимиз ёмон эди.

– Миссис Жордахни кўрмаганман-у, хат ёзишиб турамиз. У... ҳалиги... эски буюмлар олди-сотдиси билан шуғулланадими?

– Балки мижозлари ичида битта-яримта шунақаси бўлса бордир. Қисқаси, мен ўғлимни кўрмоқчиман.

– Беш дақиқадан кейин машғулотлар тугайди. Бундай ҳолатда... ота билан ўғилнинг кўришуви қувончли ҳол.

– Қанақа ҳолат?

– У жуда бизни қийнаб юборди, мистер Жордах.

– Хўш, нима қилди?

– У ҳаддан ташқари... хў-ўш, одамови. Қачон қарама, муштлашгани-муштлашган. Ҳатто бир ўқитувчимизни ҳам уриб, бечора бир ҳафтагача ишга чиқолмади... Хуллас, биз, муаллимлар, буни жуда хатарли деб биламиз.

Минг қилса ҳам Жордах қони-да, алам билан ўйлади Томас, лаънати Жордах қони.

– Унда, полковник, – деди Том, – сизга бир яхши янгилик айтмай. Бундан кейин Уэсли тарбияси ва барча бошқа ишлари билан ўзим шуғулланаман...

... Томас ҳамёнини чиқарди ва Бейнбриж олдида паспортини қўйди. Полковник аста яшил дафтарчани очди.

– Ҳм, албатта, фамилиянгиз Жордах. Шундай бўлса-да, сэр, мен унинг онаси билан гаплашишим керак.

– Вақтингизни ортиқ олмаслик учун, полковник, – Томас пиджагининг ички чўнтагидан Тереза Жордах-Лаваль ҳақидаги полиция маълумотномасини олди ва унга узатди, – буни ўқиб кўринг.

Бейнбриж ўқиб кўрди, кўзойнагини олди ва ҳорғин кўзини артди.

– Болани олиб қоласизми? – дангал сўради Томас.

– Албатта, бу ҳужжатлар бизнинг ишимиз моҳиятини ўзгартиради, – деди Бейнбриж. – Жиддий ўзгартиради.

Ярим соат ўтгач, улар ҳарбий мактаб деразасидан чиқиб кетишди. Орқа ўриндиқда Уэслининг солдатча кутиси ётарди, ўзи эса ҳамон мактаб либосида олдинда, Томаснинг ёнида ўтирарди. Йигитча ёшига қараганда бўйдор, ранглар ва чўғирнамо эди. Мунгли кўзлари ва кенг қимтилган оғзи уни Аксель Жордахга ўхшатиб турарди. Бола отага ўхшаганидек, у бобосига торганди. Уни полковник хонасига олиб келишганида ва у ерда Томни кўрганида болакай пинагини ҳам бузмади; уни мактабдан чиқариб олишгаётганини айтишганида ҳам қилт этмади, ҳатто Томасдан қасққа олиб борасиз деб бир оғиз сўрамади ҳам.

– Эртага, – деди Томас, мактабдан анча узоқлашишгач, – сени одамдай қилиб кийинтирамиз. Билиб қўй, энди сен ҳеч қачон муштлашмайсан.

Уэсли индамасди.

– Гапимни эшитдингми?

– Ҳа, сэр.

– Мени ундай дейишингнинг кераги йўқ. Мен сенга сэр эмас, ота бўламан, – деди Том.

5-боб

1966 йил

Иш билан бўлиб Гретхен бугун қирқ ёшга тўлганини сал бўлмаса эсидан чиқараёзиди. У овоз монтаж аппарати олдидаги баланд пўлат табуретда ўтирар, дастакларни босар ва товушни тасвирга мослаштирганча экранга диққат билан тикилар эди. Қўлига эмульсия чапланган ифлос оқ қўлқоп кийиб олганди.

У учинчи фильм монтажи устида ишламоқда эди. Сэм Крон аввалига уни ўзига ёрдамчи қилиб олди, кейин яхшилаб ўқитиб, режиссёр ва продюсерларга уни мақтаб-мақтаб мустақил ишлаш учун оқ фотиҳа берди. Юксак профессионализм ва ижодий индивидуалликка эга бўлишига қарамай у зинҳор режиссёр бўлишга интилмасди, унинг студияда қўлма-қўл бўлганини ва ўзига ишни ўзи танлай олишини кўриб, атрофдагилар ҳасаддан ёнар эдилар.

... Гретхен ишини тўхтатди-да, сигарета тутатди. У билан Идага кулдон вазифасини ўтовчи плёнка қутичалари ҳар доим сигарета қолдиқларига тўла бўларди.

Қирқ ёш, тугунни ичига тортиб, ўйлади у. Ҳозир уни ҳеч ким табриклагани йўқ. Нима билан табриклашарди ҳам? Шундай бўлса-да, Биллимдан телеграмма келмаганмикан, деган умидда почта қутисини қараб кўрди. Лекин қути бўм-бўш эди. Идага у туғилган куни ҳақида айтмаганди. Иданинг ўзи қирқдан ошиб кетганди — киши қалбини ортиқ яралашнинг ҳожати йўқ. Ўз-ўзидан аёнки, Эвансга ҳам ҳеч нарса дегани йўқ. Эванс ўттиз иккига кирган. Қирқ яшар хотинлар ўз туғилган кунлари ҳақида ўттиз икки яшар жазманларига эслатмайдилар.

Эшик очилди ва хонага Кинселла кирди. Чийдухоба шим, қизил спортча кўйлак ва юпқа юнг свитер устидан у белбоғли плаш кийиб олганди. Плаш ҳўл эди. У бир неча соатдан бери деразадан қарамагани учун ташқарида ёмғир ёғаётганидан беҳабар эди.

— Салом, қизлар, — деди Эванс. У баланд бўйли, озғин, тўзғин қора сочли киши эди. Ияги кўкишгоб кўринарди, унинг соқолини чала олганлигини шундан билса бўларди. Уни ёқтирмайдиганлар у бўрига ўхшайди дейишарди. Эванс олтига фильм яратишга улпурган бўлиб, учтаси катта муваффақият қозонганди.

У аввал Иданинг, сўнг Гретхеннинг юзидан ўпди. Фильмларидан бирини у Парижда олган бўлиб, кўришганда ҳамма билан бир бошдан ўпишиб чиқиш олатини ўша ёқдан “юқдириб” келган эди.

— Сен тайёрмисан? — сўради у Гретхендан.

— Деярли, — жавоб берди Гретхен. Иш билан бўлиб, вақт қандай ўтиб кетганини сезмаганидан афсусда эди у. Йигит келиши олдида тараниб-бўяниб олганда ёмон бўлмасди.

Улар чоққина кўрик залига ўтишди. Қоронғида ҳаммалари жой-жойларига бориб ўтириб олишди ва яқинда олинган кадрларни кўра бошлашди — биргина лавҳа турли масофалардан қайта ва қайта намойиш этиларди. Эванснинг гайриоддий, биров телба истездоди тасманинг ҳар бир метрида яққол кўриниб туради, нечанчи бор дилидан ўтказди Гретхен. Тайёр ашёни жойлаштиришни қандай бошлашини кўнглига тугиб қўйди.

Кейин у бугун кун бўйи ишлаган лавҳани томоша қилишди. Катта экранда у Гретхенга монтаж столидагидан ҳам бадтарроқ кўриниб кетди. Бироқ чироқ ёнғач, Эвенс деди:

— Зўр. Менга ёқди.

Гретхеннинг у билан ишлаётганига икки йил бўлди, бунгача ҳам битта фильм ишланган эди. Йигитнинг талабчанлигини у аллақачоноқ англаб улпурган эди.

— Бунга унчалик ишончим комил эмас, — деди Гретхен. — Шу бўлакни яна биров ишласамми деган эдим.

— Вақтни йўқотганинг қолади, — жавоб берди Эванс. — Ишонавер, ҳаммаси жойида.

— Билмадим, аммо менга лавҳа биров чўзилгандек туюлаяпти.

– Мен худди шундай бўлишини хоҳлагандим, – деди йигит. – У биров чўзилишини истайман. – Қайсар боладай сўз бермасди Эванс.

– Мана бу одамларнинг бари гоҳ киради, гоҳ чиқади, – эҳтиёткорлик билан давом этди Гретхен, – орқаларидан соялар чўзилади, аммо ҳеч қандай мудҳиш воқеа содир бўлмайди...

– Мендан Колин Берк ясайман деб овора бўлма. – Эванс ирғиб турди. – Мени Эванс Кинселла дейишларини унутма. Илтимос, эсингда тут.

– Қўпам болага ўхшаб чуғурлайвермасанг-чи, – чақиб олди Гретхен.

– Плашим қани? Лаънати плашимни қарда қолдирдим? – асабий ва баланд овозда деди у.

– Уни монтаж хонасида қолдирувдинг.

Монтаж хонасида Эванс плашини апил-тапил елкасига илди. Ида бутун ишланган тасмаларга белгилар кўйиб чиқа бошлади. Эванс эшик томон йўналган ҳам эдики, бироқ бирдан тўхтади ва Гретхеннинг олдига қайтиб келди.

– Мен сени кечликка таклиф қилмоқчи, кейин эса бирга кинога тушмоқчи эдим. Бороласанми? – У дўстона жилмайди. У лоақал бир дақиқага бўлса ҳам бировга ёмон кўринишни кўтаролмасди.

– Кечир, боролмайман. Укам келиши керак эди, бизлар дам олиш кунлари уникига Уитбига борамиз.

Эванснинг чехраси ачинарли тус олди. Унинг кайфияти ҳар лаҳзада ўзгарарди.

– Мен эса дам олиш кунлари эркин қушман. Уйловдимки, сен билан... – Хонадан чиқиб турар деган умидда у Идага қараб қўйди. Бироқ Ида хотиржам ишини давом этдирарди.

– Мен якшанба куни айни кечлик олдидан қайтиб келаман, – деди Гретхен.

– Бўпти. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Укамга салом деб қўй. Менинг номимдан табриклаш ҳам эсингдан чиқмасин.

– Нима билан?

– Нима, “Лук”да унинг сувратини кўрмадингми ҳали? Бу ҳафтада у бутун Америкада офизга тушган.

– Ҳа, гап бу ёқда де!

Журналда “Ёши қирқдан ошмаган ўн нафар янги сиёсий юлдуз” номи остида мақола босилганди. Рудольф ва хотини Джиннинг сувратлари алоҳида-алоҳида чоп этилган бўлиб, мақолада бўлажак мэр ҳақида умидвор ва баландпарвоз сўзлар айтилганди.

– Мақолани ўқиб, Рудольф ҳамма ишни қилибди-ю, бир ўликларни тирилтириши қолибди, холос, деган ҳаёлга бориш мумкин, – деди Гретхен. – Уни укамни телбаларча севиб қолган аёл ёзганлиги шундоқ кўриниб турибди. Укам аёлларни қандай мафтун этишни билади.

– Қариндош-уруғларингга бўлган хайрихоҳлигинг фикрларингни янаям товлаштириб юборди, – кулди Эванс.

– Ўзлари ҳақида ёзилган бўлмағур гапларга қариндош-уруғларим лаққа тушавермаслар деб умид қиламан, холос, – жавоб берди Гретхен.

Улар лифтда пастга тушиб, Бродвейга чиққанларида Рудольф опасига “туғилган кунингиз муборак бўлсин” демади. Гретхен унга эслатмаганди-да. Рудольф опаси жойлаб берган чоққина чемоданни кўтариб борарди. Ёмғир ҳамон қуярди, ҳеч қарда такси кўринмасди ва улар Парк-авеню томонга яёв кетишди. Эргалаб ёмғир йўқ эди ва Гретхен соябонни ўзи билан олиб олмаганди. Улар олтинчи авенюга етганларида Гретхен бутунлай шалаббо бўлганди.

– Нью-Йоркка яна камида ўн мингта такси керак, – деди Рудольф. – Бу шаҳарда яшаб жинни бўласан.

– Ғайратли маъмур, мўътадил либерал, шаҳарнинг узоқни кўрувчи ислохотчиси... – журналдаги таърифларни такрорлади Гретхен.

– Э-ҳа, бу мақолани ўқидингизми? Бошдан-оёқ сафсата, – кулди Рудольф, аммо Гретхенга укаси мамнундай туюлди.

Улар Беџинчи авенюдан борар экан, ёмғир аввалгидан ҳам кучлироқ қуя бошлади. “Йигирма бир” ресторани тўғрисида келишганда Рудольф опасининг кўлидан тугди:

– Юринг, кириб, ул-бул ичиб олайлик. Кейин швейцар бизга такси тутиб келар.

– Салом, мистер Жордах, – швейцарлар, гардеробчилар, маъмурлар, метрдотель ва бармен Рудольф билан кетма-кет сўраша кетишди. Озмунча кўллар сиқилмади.

– Джин қалай? – сўради Гретхен барда. Джиннинг иккинчи ҳомиласи тушган ва бечора жувон қаттиқ қийналганди. У эзилган, паришон кўринар, бошлаган суҳбатини қутилмаганда таққа тўхтатар эди, баъзан эса гапи оғзида қолганча шартга ўрнидан турарди-да, хонадан чиқиб кетарди. У фотосурат олишни ҳам ташлаб юборганди, бир гал Гретхен ундан яна шу касбингга қайтасанми деб сўраганида, Джин муҳмал қилиб бош чайқаб қўйганди, холос.

– Джинми? У яхши, – қисқагина жавоб берди Рудольф.

Бармен келди. Рудольф ўзига виски буюрди, Гретхен эса – мартини.

Рудольф стаканини кўтарди:

– Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Қаранглар-а, эсидан чиқмабди.

– Менга раҳминг келмасин, – деди Гретхен, – бўлмаса йиғлаб юбораман.

Рудольф чўнтагидан чўзинчоқ чарм қутича олди ва уни пештахтага, Гретхеннинг олдига қўйди.

– Тақиб кўринг-чи.

Қутичада “Картъе” деган фирма номи бор эди. Ичида чиройли тилла соат ётарди. Гретхен ўзининг оғир темир соатини ечди-да, билагига нафис тилла балдоқни ширқ этиб тақди. Бутун кун давомидаги ягона совға. Кўз ёшини базўр тутганча у укасининг юзидан ўпиб қўйди. Укам ҳақида иложи борича яхши ўйлашим керак, аҳд қилди у ўзича.

– Бутун сизга тагин нима совға қилишди? – сўради Рудольф.

– Ҳеч нарса.

– Билли кўнғироқ қилдимми? – У бу саволни томдан тараша тушгандай берди.

– Йўқ.

– Икки кун аввал мен уни тасодифан университет олдида кўриб қолдим ва унга эслатгандим.

– Унинг иши бошидан ошиб ётибди, – ўглини оқлашга ҳаракат қилди Гретхен.

– Балки туғилган кунингизни эслатганим, кўнғироқ қил деганим жиянимга ёқмагандир? У тоғаси Рудольфни сира назар-писанд қилмайди.

– У ҳеч кимни назарига илмайди, – деди Гретхен.

Билли Уитбидаги университетга ўқишга кирган эди, чунки Калифорнияда ўрта мактабни битиргандан кейин шарқий штатлардан биронтасига ўқигани кетаман деб аҳд қилганди. Гретхен унинг Лос-Анжелес ёки Жанубий Калифорния университетига ўқишга киришини хоҳларди ва аввалгидек уйда яшарди, бироқ ўғилча, ўламан обло ортиқ уйда яшолмайман, деб иккала оёғини бир этикка тиқиб олганди. У жуда ақлли бола эди, аммо дарсни кам тайёрларди ва баҳолари унинг АҚШ шарқдаги бирон-бир бообрў коллежга кириб ўқишига имкон бермасди. Гретхен укасидан ўғлимни Уитби университетига кириб ўқиши учун ўз таъсиридан фойдаланиб кўришини сўраганди. Билли онасига кам хат ёзарди – гоҳо Гретхен ўғлидан икки ойлаб хат олмасди. Охири хат келарди, хат қисқа бўларди: у шуғулланган фанларини санаб чиқар, ёзги таътил режаларини ёзарди – ҳар доим таътилни уйдан узоқроқда ўтказишни афзал биларди. Бир ойдан кўпроқ бўлдики, Гретхен Нью-Йоркда, Уитбидан транспортда бир неча соатлик масофада ишлаяпти, бироқ ўғли уни кўргани бирон марта ҳам келгани йўқ. Унинг ўзи ўғлини бориб кўришга эса гурури йўл қўймасди, бироқ энди у ортиқ чидаёлмайди.

– Болага нима бўлаяпти ўзи? – сўради Рудольф.

– У мени жазолаяпти.

– Нима учун?

– Эванс учун. Мен ҳеч нарсани билдирмасликка ҳаракат қилдим. Эванс ҳеч бизникида тунаб қолмасди, мен ўзим ҳам кеч бўлди дегунча уйга қайтиб келардим, дам олиш кунлари сира у билан бир ёққа бормасдик, лекин Билли барибир ҳаммасини фаҳмлаб қолди-ю, у билан орамизга совуқлик тушди.

– Ундаги бу нарса ўтиб кетади. Одатдаги болаларча қизганиш, шундан бошқа нарса эмас.

– Илоё шундай бўлсин-да. У Эвансни ёмон кўради. Уни совун пуфаги дейди.

– Бу ростданам шунақами ўзи?

Гретхен елка учирди.

– Бир нарса дейиш қийин, Колиндек-ку сираям бўлолмайди, аммо мен ҳам ердан чиққанмасман, ахир.

– Эванс сизга уйланмоқчи эмасми?

– Голливудда омадли ўттиз икки ёшли режиссёрлар хоҳ бой бўлсин, хоҳ машҳур бўлсин, хоҳ унисиям-бунисиям биргаликда бўлсин, қирқ ёшли бевага уйланмайдилар. Мен эса унисиям, бунисиям эмасман.

– У сизни севадими?

– Қаёқдан билай.

– Сиз-чи, уни севасизми?

– Буни ҳам билмайман. Менга у билан тўшақда ётиш яхши. У билан ишлашни ёқтираман. Мен унга ўрганиб қолдим. Мен бирон-бир эркакка албатта ўрганишим, унга мен кераклигимни ҳис этишим керак, хуллас, Эвансининг омади чопан экан. Агар менга турмушга чиқ деса, мен ўйлаб-нетиб ўтирмай рози бўлардим. Лекин ундан садо чиқмаяпти.

Квартирага киришаркан, улар болганинг темирга қаттиқ-қаттиқ урилган овозини эшитишди. Рудольф, у билан изма-из Гретхен меҳмонхона бўлмасига чошиб киришди. Джин ўйинчоқ ўйнаётган боладай хона ўртасида оёқларини кенг ёйиб ўтириб олганди. Унинг кўлида болга бор эди ва у ўчакишиб олдида ётган бир талай фотоаппарат ва объективларни уриб майдаларди. Джин шимда ва ифлос свитерда бўлиб, ҳар навбатдаги зарбани бериш учун эгилганида ювилмаган соч толалари юзига тушарди.

– Джин! – қичқирди Рудольф. – Нима, эсингни едингми? Нима қиляпсан?

Джин бошини кўтарди ва сумалакдай осилиб турган сочлари орасидан унга маккорона қараб кўйди.

– Муҳтарам мэр нозанин бой бекачининг нима қилаётганини билмоқчимиз? Бўпти, муҳтарам мэрга айтганим бўлсин. Унинг бой ва ёш бекачи мана буларнинг ҳаммасини бир уюм ахлатга айлантормоқчи, – Джиннинг тили айланмай қолди, у фирт маст эди. У болга билан каттакон кенг бурчакли объективга бир солган эди, объектив чил-чил бўлиб атрофга сочилди.

Рудольф ундан болгани тортиб олди. Хотини қаршилик кўрсатмади.

– Муҳтарам мэр ёш ва бой бекачидан болгани тортиб олди, – деди Джин.

– Ҳечқиси йўқ, азизим бир уюм ахлат, хафа бўлма. У бўлмаса, бошқа болга-да. Сен ўсиб бораверасан ва шундай кун келадики, сен дунёдаги энг буюк ва гўзал ахлат уюмига айланасан ва муҳтарам мэр сени Уитби аҳолиси севинчи учун барпо этилган шаҳар парки деб эълон қилади.

Кўлидан болгани кўймай, Рудольф опасига кўз ташлаб кўйди. Рудольфнинг кўзларида ҳам уят, ҳам кўрқув бор эди.

– Эй худойим, Джин, – деди у хотинига, – сен салкам беш минг долларлик аппаратни йўққа чиқарибсан-ку.

– Мэрнинг муҳтарама хотинига у энди керак эмас, – деди Джин. – Энди келиб, мени расмга олишсин. Фотография билан камбағаллар шуғуллансин. Истеъдодли одамлар ҳам. Таралга-ла-а. – У эпилиб, балетдагига ўхшаб кўлларини пирпиратди. – Менга болгани олиб келинг! Руди, азизим, нозанин, бой ва ёш бекачинга ичиш учун бирон нарса келтиришинг керакдай кўринмаяптими?

– Аллақачон бўкиб олибсан-ку.

– Рудольф, – деди Гретхен, – бўпти, мен кетдим. Барибир бугун биз Уитбига бормаймиз.

– Жонон Уитби! – давом этди Джин. – Муҳтарам мэрнинг нозанин ва ёш бекачини демократлар ҳам, республикачилар ҳам бир хил табассум билан кутиб олади; у ерда у меҳр-мурувват бозорлари очади...

– Бас қил, Джин! – шартта унинг гапини бўлди Рудольф.

– Йўқ, мен кетмасам бўлмайди, – такрорлади Гретхен. – Мен сенга кўнгироқ қиламан ва...

– Муҳтарам мэрнинг опачаси, мунча қаёққа шошаяпсиз? – унга томон

ўтирилиб деди Джин. — Ким билсин, эҳтимол қачонлардир унга сизнинг ҳам овозингиз керак бўлиб қолар. Кетманг, бизлар аҳил-иноқ, оилавий ўтириб, ичайлик. Қолинг, кетманг. Қулоқ солинг. Бу сизга иб... ибрат бўлади, — у тугила бошлади. — Атиги юзта сабоқда сиз ўз эрингизга пос... пос... посангига айланасиз. Мен ўзимга ташриф карточкаси буюраман: мисс Жордах, собиқ профессионал фотосувратчи, энди эса посанги. Қўшма Штатлардаги ўнга энг истиқболли посангидан биттаси. Текинхўрлик ва иккиюзламачиликка ихтисослашган. “Қандай қилиб посангига айланиш мумкин?” мавзусида маърузалар ўқийди. — У ҳиринглади. — Ҳар қандай тоза қонли америкалик аёлга диплом бериш кафолатланган.

Гретхен ўтирилди-да, аста хонадан чиқди. Рудольф уни тутиб турмади. У қўлида болга ушлаб, маст хотинига тикилиб қараганча ҳўл плашда қимир этмай турарди.

“Алпонквин”га қайтиб у Эвансга қўнғироқ қилди, бироқ ҳеч ким телефонга келмади. У коммутатордаги телефончи қизга мисс Бэрк дам олиш кунларида ҳеч қаяққа кетмайди, бутун оқшом меҳмонхонада ўз хонасида бўлади деб Эвансга айтиб қўйишини сўради. Кейин у иссиқ ваннада чўмилди, кийимларини алмашгирди, ресторанга тушди ва овқатланди.

Рудольф эртасига эрталаб соат тўққизда қўнғироқ қилди. Гретхен ёлғиз эди. Эвансдан дом-дарак бўлмади. Рудольфнинг айтишича, Гретхен кетгандан кейин Джин ухлагани ётибди, эрталаб эса қилмишларидан роса уялибди. Ҳозир ҳаммаси жойида экан, улар Уитбига отланишяпти ва Гретхенни кутишяпти экан.

Кийинар экан, Гретхен кечаги томоша ҳақида хаёл суриб кетди ва Джиннинг олдинги учрашувлар вақтидаги жиннинамо галаги қилиқларини эслади. Ҳаммаси аста-секин равшанлаша бошлади. Илгари Джин буни Гретхендан яширишга муваффақ бўларди, чунки улар кам учрашишарди. Энди эса ҳаммаси тушунарли эди — Джин ичкиликбоз. Буни Рудольф тушунармикан? Бирон-бир чора кўрармикан?

Соат чорак кам ўн бўлди ҳамки, Эванс ҳамон қўнғироқ қилмаётганди. Гретхен лифтда пастга тушди-да, чарақлаган куёш остида Қирқ саккизинчи кўчага чиқди: У тўғрига қараб одимлаб кетди — баланд бўйли, оёқлари келишган сарвқомат бир аёл. Қоп-қора сочлари майин, бадани сутдай оқ. Энида тивит костюм ва шойи блузка, айни дам олиш кунлари шаҳар ташқарисига ҳордиқ олгани чиққанда кийиладиган кийимлар. Фақат аёло тикилган жакети ҳошиясига тўғноғичда қадаб қўйилган “Йўқолсин бомба!” нишончасигина шундан далолат берардики, 1966 йилнинг куёшли баҳор тонгида Америкада ҳамма нарса ҳам қўнғилдагидек бўлмаган.

Заррин сочли дўмбоққина Инид кўзлари тўрт бўлиб уларни кугарди — қизалоқ аллақачон икки ёшга тўлганди. У ўзини онасига ташлади ва улар узоқ кучоқлашиб ўпишишди. Опаси кетидан чемоданни кўтариб кирган Рудольф Гретхенга ажратилган хонага кўтарилди.

— Руди, — овозини пастлатиб деди Гретхен, — биз бутун ичмаслигимиз керак.

— Нега? — йигитнинг овозида ҳайрат бор эди.

— Джиннинг ҳавасини қўзғамаслигимиз керак. Ҳатто унинг ўзи ичмаган тақдирда ҳам... Энида бошқалар ичаётганини кўрса...

— Э-э, бу менинг парвойимга келмайди, — беғамлик билан деди Рудольф.

— Кеча у бироз асабийлашганди-да...

— У ичади, Руди. Бу ичкиликбозлик, — оҳиста деди Гретхен.

Рудольф қўл силтади.

— Паппадан фил ясаманг, опа, ахир сиз бунақа эмассиз-ку. Вақти-вақти билан сал қуюшқондан чиқиб кетади, вассалом. Худди сиздай ва мендай.

— Йўқ, асло ундай эмас, — эътироз билдирди Гретхен. — Унга бир қатра ҳам ичиш мумкин эмас. Ҳатто бир қулгум пиво ҳам. У ичишни яхши кўрадиган одамлар билан учрашмаслиги ҳам керак. Руди, мен нима деётганимни биламан.

Голливудда унга ўхшаган аёллар тиқилиб ётибди. Бунга ўхшаб энди бошлаганлар ҳам бор, жуда ҳаддан ўтказиб юборганлари ҳам бор. Кейингиларидан худонинг ўзи асрасин. Хотининг шунга қараб кетаяпти. Сен уни сақлаб қолишинг керак.

Пастдан қўнғироқ жириглади, сўнг Джинининг овози янгради:

– Гретхен! Сизни чақирингиз, Билли.

– Илтимос, гапимга кир, – деди Гретхен укасига.

– Пастга тушиб, ўелингиз билан гаплашинг, – совуққина деди Рудольф.

Телефонда Биллининг овози катталардай дўриллаб эшитиларди.

– Салом, ойи! Келганингиз жуда зўр бўлибди-да. – Гретхеннинг ҳаётида Эванс пайдо бўлган пайдан бошлаб ўгли уни “она” деб атаётган эди. Илгари уни “ойижон” деб чақирарди. Ўшанда кап-катта боланинг оғзидан бу сўз жуда болаларча чиқаятгандек туюларди унга, аммо ҳозир унинг овозини эшитиб тушундики, ана шу эркалаб айтилган “ойижон” етмай турибди. – Менга қаранг, мен жуда ноқулай аҳволдаман, – деди Билли. – Мен учун, илтимос, тоғамдан кечирим сўраб қўйинг, хўпми? Улар мени тушликка таклиф қилган эдилар, лекин бизда бу ерда соат бирда бейсбол бўлади, мен тўп узатиб туришим керак, бундан бўшолмасам керак деб қўрқаман.

– Яхши, сен учун кечирим сўраб қўяман, – жавоб берди Гретхен. – Биз қачон кўришамиз?

– Биласизми, ҳозир бир нима дейишим қийин. – Биллининг овозида яққол саросималик сезиларди. – Ўйиндан кейин бир боланикита бормоқчимиз. Пиво билан дабдабали оқшом бўлади ва...

– Қаерда ўйнайсизлар? Мен томоша қилгани бораман. Биз танаффусда ҳам гаплашиб олишимиз мумкин-ку.

– Оббо, ҳалитдан димоғингиз шишиб кетибдими?

– Ҳечам димоғим шишгани йўқ, бу гапни қаёқдан олдинг? Айт, қаерда ўйнайсизлар?

– Талабалар шаҳарчасининг шарқий қисмида. Ўша ерда қатор спорт майдончалари келади. Ўзингиз топиб олаверасиз.

Тушликдан кейин Гретхен укасининг машинасини олди-да, Уитбининг талабалар шаҳарчасига равона бўлди.

Учта майдонда бейсбол ўйналаётган экан. Ўғлини у ўйин ҳаддан ташқари ёмон кетаётган ва ўйинчиларининг деярли ярми қизлардан иборат нариги майдонда кўрди. Қизлардан бири чимзорда ўтириб олиб китоб ўқирди, фақат жамоадош дўстлари уни тўп орқасидан югур деб қичқаришгандагина китобдан бош кўтарарди. Ўйин, афтидан, анча олдин бошланиб бўлган эди, чунки Гретхен биринчи ҳимоя чизигига яқинлашганда ҳисоб неча бўлгани устида баҳслашишарди – ўн тўққизу ўн олтими ё ўн саккизу ўн бешми. Агар Билли ўйнамаганида бу ҳеч нарсани ўзгартиролмагани ўз-ўзидан равшан эди. Почаси жиғали, унниқиб кетган джинс ва кулранг теннис кўйлаги кийган Билли тўп узатиб турарди. Қизларга у энгилгина ирғитарди, аммо болаларга кучининг борича улоқтириб отарди.

Билли онасини дарҳол сезмади ва бирмунча вақтгача Гретхен ўғлининг эринибгина ва назокат билан ҳаракат қилаётганини кузатиб турди. Ҳаддан ташқари узун сочлари унинг юзига тушиб турарди, юзи эса чиройли эди, Вилли Эбботнинг яхшилланган нухсаси бўлиб, унда ҳиссиёт, қудрат ва норозилик ифодалари жилва қиларди. Манглайи ҳам ўшандай ирғиб чиққан ва баланд, кўзлари яна ҳам қорароқ ва ичга тортган, бурни узун, кенг бурун катаклари тинмай титраб туради, кулганида ўнг юзида чуқурча пайдо бўлиб, юзидаги мавзунликни бузар эди; тишлари терилган, болаларга хос ошпоқ, гуручдай.

Шунга яраша феъли ҳам яхши бўлгандами, ўйлади Гретхен, бу вақтда унинг ўғли коптокни дўмбоққина бир қизга узатмоқда эди. Қиз сакраб келди-да, тўпни тутолмади ва ясама ғазаб билан: “Йўқол, қўлимдан келмаяпти!” деб қичқирди.

Танаффусда Билли чизик ортида турган онасига кўзи тушди ва унинг олдига келди.

– Салом, она, – Гретхеннинг юзидан ўпиб, деди у. “Йўқолсин бомба!”

нишончасига кўзи тушганда, унинг кўзларида кинояли учкун чақнади. — Айтмовдимми, мени осон топасиз деб.

— Ўйинингга халақит бермадимми, ишқилиб? — сўради у, “мени яхши кўр, мен сенинг онанг бўламан” деган оҳангда гапирганини англаган ҳолда.

— Йўқ, нега ундай дейсиз, — жавоб берди ўғил ва қичқирди: — Ҳой болалар! Биронтангиз менинг ўрнимга ўйнаб туринг, меҳмон келиб қолди. — У ҳеч қачон болаларга онасини таништирган эмасди. — Йўқ демасангиз, бирга яёв сайр қилайлик? Мен сизга шаҳарчани кўрсатаман.

— Рудольф билан Джин тушликка келмаганингдан ранжишди, — деди Гретхен, улар майдончадан узоқлашгач. Яна ўша оҳанг — йўқ, чиқмади.

— Ростданми? — бефарқ оҳангда деди Билли. — Чатоқ бўлти-да.

— Рудольфнинг айтишича, сени кўп марталаб таклиф қилган экан. Лекин сен уникига қорангни кўрсатмас экансан.

— Биласизми, нега шундай бўлади. Ҳали у иш, ҳали бу иш чиқиб қолиб...

— Агар сен барибир ҳам уникига бирров борсанг, мен хурсанд бўлардим.

— Бўлти, бораман. Тоғам билан авлодларнинг ётлашиб кетиши ҳақида гап сотамиз. Ёки нима учун университетда ҳамма афъюн чекиши ҳақида гаплашамиз. Унинг газетаси шунақа нарсалар ҳақида зўр ёзади.

— Сен-чи, афъюн чекасанми?

— Она, азизам, осмони фалақдан йигирманчи асрга тушсангиз-чи.

— Мен билан бундай гаплашишга қандай журъат қилаяпсан? — тик қараб деди Гретхен.

— Бугун ажойиб кун. Биз анчадан бери кўришганимиз йўқ. Келинг, баҳслашмайлик.

— Сенинг қизинг ҳам сизлар билан ўйнаганмиди?

Билли бир хатида унга гуруҳимиздаги бир қиз менга ёқади деб ёзганди.

— Йўқ, Дам олиш кунлари уникига ота-онаси келиб қолибди, у ҳозир узини гўё мен йўқдай қилиб кўрсатиши керак. Унинг отаси мени, мен уни кўришга тоқатимиз йўқ. У менга қизимни йўлдан уриб бузаяпсан дейди. Гирт маймуннинг ўзи.

— Сен бирон одам тўғрисида бир оғиз яхши гапира оласанми?

— Бўлмаса-чи. Альберт Камю ҳақида. Лекин у ўлиб кетган Айтмоқчи, бошқа бир шоир тирикми, Эванс Кинселла деган?

— Тирик, — деди Гретхен.

— Ана, холос! Мана буни янгилик деса бўлади! Шов-шувли янгилик.

Агар Колин ҳалок бўлмаганида, болақай бунақа бўлмасди, деб ўйлади Гретхен. Ҳа, бутунлай бошқача бўларди у. Ўлган ўлиб кетади, аммо қолганлар унинг жабрини тортади.

— Дарсларинг қандай кетаяпти?

Биллининг пешонаси тиришди.

— Тоғаннинг гапига қараганда, ишларинг анча чатоқмиш. Унинг айтишича, сени ҳайдашлари ҳам мумкин экан.

— Агар ҳар семестрда неча соат дарсда қатнашмаганимни ҳисоблашга вақт тошган бўлса, бу шаҳарчада мэрнинг қиладиган иши қолмабди.

— Агар сени ҳайдашса, ўзингни армияда кўрасан. Ё ўзинг шуни хоҳлайсанми?

— Нима фарқи бор? — Бепарво жавоб берди Билли. — Армияда бу ердаги кўплаб машғулотларга ўхшаб жудаям зерикарли бўлмаса керак.

— Сен ҳеч мен ҳақимда ўйлайсанми? — Мутлақо нотўғри усул. Мумтоз оналик хатоси. Бироқ айтилган сўз — отилган ўқ. — Агар сени Вьетнамга жўнатишса, менинг ҳолим нима кечишини биласанми?

— Эркақлар жанг қиладилар, аёллар йиғлайдилар, — деди Билли. — Нега энди бизда бошқача бўлиши керак экан?

— Буни ўзгартириш учун сен бирон нарса қилаяпсанми? Масалан, урушни тўхтатиш учун. Қанчалаб талабалар бутун мамлакат бўйлаб туну кун...

— Аҳмоқлар, — онасининг гапини бўлди Билли. — Вақтни исроф қилишадди, холос. Уруш — жуда кўп йирик лўттибозлар учун ўта қулай емишхона. Бир сиқим асабий мишиқларнинг қичқириқларига “туф!” дейдилар улар. Албатта, хоҳласангиз, нишончангизни ўзимга тақиб олардим. Улуғ иш! Билли Эббот ядро қуроллари синовига қарши чиққанини билиб, Пентагон, албатта, кўрққанидан дағ-дағ титрайди!

– Билли, – Гретхен тўхтади ва ўғлининг кўзларига қаради, – сен умуман ҳаётда бирон-бир нимага қизиқасанми?

– Тўғриси, йўқ, – хотиржам жавоб берди ўғил. – Хўш, бу ёмонми?

– Бу аравани қуруқ олиб қочиш, қўзичоғим, бундан бошқа ҳеч нарса эмас.

– Бу аравани қуруқ олиб қочиш эмас, – деди Билли. – Агар шу пайтгача пайқаманган бўлсангиз, билиб қўйинг, мен энди кўзичоқ ҳам эмасман. Мен энди қап-катта эркакман, ва назаримда, атрофдаги ҳамма нарса чириб битган. Агар ўрнингизда бўлганимда, бирмунча муддат мен ҳақимда ўйламасликка ҳаракат қилган бўлардим. Борди-ю, ўқишимга пул тўлаш сизга малол келаётган бўлса, тўламай кўя қолинг. Менинг қандай бўлганим сизга ёқмаяпти, шундай бўлганим учун сиз ўзингизни айбдор деб билаяпсиз, – ким билсин, сиз чинданам бу борада айбдордирсиз, балки айбдор эмасдирсиз. Кечиринг, қаттиқ гашириб юбордим, аммо мен хоҳламаган нарса – бу иккиюзламачи бўлиш. Агар мен хусусимда ташвишланмай қўйсангиз, менимча, сиз анча бахтли бўлар эдингиз. Келинг, сиз азиз тоғажоним Рудольф билан кадрдонингиз Эванс Кинселла олдига қайтинг, мен эса бориб бейсбол ўйнай. – Билли ўтирилди-да, қатта-катта одим ташлаб сўқмоқчадан спорт майдончаси томон йўл олди.

Ўғли узоқда кичкинагина кулранг-мовий тусли кўланкага айланмагунча Гретхен унинг орқасидан тек қараб қолди, сўнг секин ва оғир одимлаганча машина қўйилган жойга қараб кетди.

Энди унга Уитбида яна бир кун қолишга ҳожат қолмаганди. У укаси ва келини билан жимгина овқатланди, эрта тонгда эса электричкага ўтирди-да, Нью-Йоркка қайтиб кетди.

Меҳмонхонада унга бир хатча мунтазир эди. Эванс бугун у билан кечлик қила олмаслигини айтган эди.

6-боб

1967 йил

Самолёт Нью-Йорк–Даллас рейси билан учиб борарди. Рудольфнинг ёнида ўтирган Хит лиқ тўла портфелдан олган қоғозларни қараб чиқмоқда. Рудольф ҳам шундай иш билан машғул. У муниципалитетга келаси йил бюджетини тақдим этиши керак эди, муниципал молиячиси тайёрлаган қалин тахминани варақлар экан, лунжи тобора осилиб бормоқда эди. Ҳамма нарсанинг нархи муттасил ошиб борарди, полициячилар, ўт ўчирувчилар, давлат мактаблари ўқитувчилари, хизматчилар маоши аллақачон ошиши керак эди, айниқса Уитби негр аҳолиси орасида нафақага муҳтож шахслар микдори даҳшатли тарзда ўсмоқда эди; режада янги сув тозалаш коллектори қурилиши кўзда тутилганди, шу билан бирга барча солиқларнинг ошишига қарши курашар, штатдан ва федерал ҳукуматдан келадиган ёрдам аввалги даражасида сақланиб қолишини талаб этарди. Ана холос, ўйлади у, ҳатто ўттиз минг фут баландликда ҳам пулларни қаердан олиш тўғрисида яна бош қотираман.

Жонни Хит ҳам ҳозир пул ташвишини қилмоқда эди, ҳам ўзининг пули, ҳам Рудольфнинг пули. Отаси ўлгандан кейин Брэд Найт идорасини Талсадан Далласга қўчириб кетганди ва Рудольф билан Жонни “Питер Найт ва ўғли” акцияларига қўйган ўз маблағлари тақдирини ҳал қилгани ўша ёққа учиб кетмоқда эди. Сўнгги вақтларда омад Брэддан юз ўтираётган бўлиб, Жонни билан Рудольф бирин-кетин ўз пулларини, маълум бўлишича, битта бўш скважинага қўймоқда эдилар. Бирон-бир жойда нефть борлиги маълум бўлиб қолган тақдирда ҳам скважиналардан фойдаланиш гоҳ азот сувлари туфайли, гоҳ узлуксиз ўпирилишлар туфайли, гоҳ эса қутилмаганда кавлаши жуда қиммат турадиган қаттиқ геологик жинслар туфайли мураккаблашиб кетар эди. Жонни Хит эҳтиёткорлик билан маълумотларни тартибга келтираркан, Брэд анча вақтдан буён ҳисоботларда сохта ахборотларни бериб келаётгани ва уларнинг пулларини ўзи ўзлаштираётгани, деган хулосага келди.

Улар Далласга келганларида Брэд уларни кутгани чиқмади. Ўзининг ўрнига

похол шляпали, энсиз галстук таққан ва йўл-йўл пиджак кийган баланд бўйли, тўладан келган ўз ёрдамчисини юборганди. У узр сўради (мистер Найт кенгашда эдилар, деди у) ва жазирама қуёш тандирдай қиздирган йўлдан уларни кондиционер билан жиҳозланган “кадиллак”да шаҳар марказидаги меҳмонхонага олиб кетди, у ерда Брэд уларга иккита ётоқ ва битта меҳмонхона бўлмали хона олиб қўйганди.

Деворга тақаб қўйилган узун столда ҳар бирида бугдой ва шотланд вискиси, джин, арақ бўлган олтитадан шиша, битта вермут шишаси, чақмоқланган музли челақча, кока-колали ва сода сувли йигирма-ўттизта шиша, лимонли сават, тансиқ мевали улкан ваза ва турли катталиқдаги қадаҳлар ва стаканлар қўйиб қўйилганди.

— Пиво билан шампанское музлаткичда, — деди Брэднинг ёрдамчиси. — Кўнглингиз тусаса, албатта. Барчаси мистер Найт ҳисобига. Сизлар унинг меҳмонисизлар.

— Биз эртагаёқ учиб кетамиз, — деди Рудольф.

— Мистер Найт мендан сизларга заррача малол келмаслигини илтимос қилди. Сизлар ҳазилакам жойда эмас, Техасдасизлар. Мистер Найт соат бешларгача бўшасалар ҳам катта гап. Сизларга бирон нарса керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмай менга идорага кўнгироқ қилаверинг, — деди у, кетаркан.

— Кўзимизни бўямоқчилар, — деди Жонни хонага ва шиша терилган столга кўз югуртирар экан.

Рудольф ўзининг мудом шубҳаланишлари билан унинг гашига тегаётганини ҳис қилди.

— Мен талай жойга телефон қилишим керак, — деди Рудольф. — Брэд қачон келишини билиб бер менга. — У ўзининг ётоқ бўлмасига кириб кетдида, эшикни ёпиб олди.

Энг аввал у уйга кўнгироқ қилди. Джинга кунда камида уч марта кўнгироқ қилишга ҳаракат қиларди. Пировардида у Гретхеннинг маслаҳатига кирган эди ва уйда спиртли ичимлик сақламасди; дарвоқе Уитбида ичкилик топишдан осони йўқ эди — шаҳардаги дўкон ва барларда вино тўлиб-тошиб ётарди. Аммо бугун ташвиш қилмаса ҳам бўларди: Джин у билан тетик овозда гаплашар ва бутунлай ўзига келиб олганди. У қизалоғи Инидни унинг биринчи болалар байрамига олиб бормоқчи экан. Икки ой бурун у рулга маст ҳолда ўтирганди — Инид орқада ўтирарди — ва машинасини уриб олганди, хайриятки унинг ҳам, қизи Иниднинг ҳам у ер-бу ери хиёл лат еганди, холос.

— Даллас ёқадими сенга? — сўради Джин.

— Техасликлар, ўйлашимча, бу ерда ёмон яшашмас экан. Аммо бошқалар учун — дўзахи алим.

— Қачон қайтасан?

— Бўшаним билан.

— Қолиб кетма, — деди хотини. У Жонни билан унинг Техасга не иш билан учиб келишганини айтиб ўтирмади. Ичмаган пайтларида эса Джин, одатда, шубҳалар билан ўзининг ич-этини ерди.

Кейин у муниципалитетдаги котиби билан боғланди. Бу биров хотинчалиш, аммо ўзига етганча тепса-тебранмас бир киши эди. Лекин бугун унинг тепса тебранмаслигидан асар қолмаганди. Эрталаб “Сентинел” тахририяти биноси олдида талабалар газетада университетда захирадаги зобитларининг қўшиндан ташқари тайёргарлиги факультетини сақлаб қолишни ёқлаб ёзилган бош мақолага қарши намоийш уюштиришибди. Рудольф бу мақолани ўзи қўллаб-қувватлаганди, чунки мақола ҳолисона руҳда ёзилган ва унда ҳарбий тайёргарликни зарурий фанга айлантирмаслик таклиф этилган эди. Мақолада айтилишича, ҳарбий факультет ўзини ҳарбий соҳада тараққий этишга бағишланган талабаларни ўқитишга, шунингдек, ҳар қандай ҳолатда ҳам ватан ҳимояси учун тайёр бўлиш керак деб ўйлайдиган талабаларга мўлжалланган. Бироқ яхшилик ва оқиллик билан айтилган гап талабаларнинг газаб ўтини боса олмаганди. Тахририят деразасига тош отишибди, полицияни чақиритишга тўғри келибди. Котибнинг хабар беришича, муниципалитетга университет президенти Дорлэкер кўнгироқ қилибди ва шундай дебди (сўзма-сўз): “Модомики у мэр экан, нега жойида йўқ?” Полиция бошлиғи Отмен кирибди.

У жуда ҳаяжонда экан. У, мэрда жуда зарур ишим бор, мэр зудлик билан қайтса яхши бўларди, дебди. Олбанидан икки марта кўнғироқ қилишди. Уитби негр аҳолиси вакиллари делегацияси сузиш ҳавзасига ўхшаган бир муаммо важидан намойишга чиқибди.

– Етар энди, Уолтер, – ҳорғин деди Рудольф. Гўшакни олди-да, ўзини каравотдаги осмондек кўм-кўк сирпанчиқ шойи чойшабга ташлади. Уитби мэри сифатида у йилига ўн минг доллар олар ва бу барча пулни хайр-эҳсонга, жамият хизматида садақа қилар эди.

Туфлиларидаги чанг текканини кўриб у каравотдан турди-да, меҳмонхона бўлмага чиқди. Улкан ёзув столида пиджаксиз Жонни қоғозларига кўмилиб ўтирарди.

– Зигирча ҳам шубҳам қолмади, Руди, – деди Жонни, – бу итдан тарқаган бизни боладай роса қулоғимизга тепган экан.

– Бу тўғрида кейинроқ гаплашамиз, – деди Рудольф. – Айни пайтда жамиятнинг фидойи ва содиқ қулининг иши бошидан ошиб-тошиб кетган.

У стаканга бир неча чақмоқ муз ташлади, кока-коланинг устидан чайқади ва дераза олдига бориб, пастда ястаниб ётган Далласга разм солди.

Кейин у ётоқ бўлмасига қайтди ва Уитби полиция бошлиғи билан суҳбатга буюртма берди. Кўнғироқни кутар экан, у ўзини ойнага солди. Қизиқ, у биринчи инфарктга қачон дучор бўларкин?

Уни полиция шефи Отмен билан улашганида, овозига қараб Отменнинг анча қўлтиғига сув пуркалганлиги сезилиб турарди.

– Гишг қолицдан кўчган, жаноб мэр, – деди Отмен. – Лейтенант Сэттерн бугун соат саккиз яримда кафетерийда афьюн чекиб ўтирган биринчи курс талабасини қўла олган. Ўзингиз ўйлаб қаранг-а – эрталаб соат саккиз яримда! Ёнидан аляқанча ҳам афьюн топишибди. Жаврайвериби сира оғзи тинмаганидан кейин қамаб кўйишди. Айтишча, уларнинг ётоқ хонасида камида эллик бола қорадори чекар экан. Агар бориб ўша жойни титкиласанглар, камида бир фунт “заҳар” топасизлар, дейди. Менга яқинда Дорлэкер кўнғироқ қилди ва талабалар шаҳарчасидан узоқроқда юринг деб маслаҳат берди, лекин ҳадемай бу бугун шаҳарда овоза бўлиб кетсаю мен қўл қовуштириб ўтираверсам, унда нима деган одам бўламан? Университет Гаванада ё Буэнос-Айресда эмас, жин урсин, Уитбининг ичиди-я, қонун бошингдан силаб қўймайди, ахир. Агар менга зарурий чора-тадбирлар кўришни тақиқлагудек бўлсангиз, мэр, мени истеъфога чиқди деб билаверинг.

– Яхши, – деди Рудольф, – Дорлэкерга кўнғироқ қилинг. Мен билан гаплашганингизни ва мен университет ётоқхонасида кеч соат саккизда тинтув ўтказишга изн берганимни айтинг. Тинтув қилишга ордерни судья Сэттерндан оласиз, ҳа, йигитларингизга айтинг, калтак олишмасин. Кўнғилсиз тўқнашувлар бўлишини истамайман. Тинтув ҳақидаги овоза тез тарқалади, талабаларнинг ақли бўлса, сизлар у ёққа бормасингиздан илгарироқ “заҳар”ларини чиқариб ташлашади.

– Ҳозирги ёшларни билмайсиз, мэр, – ғамгин деди Отмен. – Бурунларидаги мишиқни артиб олишга ҳам уларнинг фаросати етмайди.

Рудольф унга Далласдаги телефон рақамини берди ва тинтувдан кейин зудлик билан кўнғироқ қилишини буюрди. Гўшакни кўйиб, у кока-колани охиригача ичди. Самолётдаги овқат ёқмай, жигилдонини қайнатмоқда эди.

Телефон яна жиринглади.

– Рудольф, – Гретхеннинг овози чалинди.

– Хўш? – Гретхен келини Джинни ичкиликбоз деб айтган кундан бери ораларидан ола мушук ўтиб қолганди. Гретхен ҳақ бўлиб чиқди, аммо бундан ўрталаридаги совуқлик бадтар кучайганди.

– Телефон қилмас эдим-у, аммо ҳозир жинни бўлиб қоламан!

– Нима гап?

– Мен Билли ҳақида гапирмоқчи эдим. Бир ой бурун уни университетдан ҳайдашганини биласанми?

– Йўқ. У менга сира ичини ёриб гапирмасди.

– У ҳозир Нью-Йоркда яшаяпти. Қандайдир қиз билан.

– Гретхен, опажон, – деди Рудольф, – нақ ярим миллион йигит айни

пайтда қизлар билан яшаяпти. Унинг биронта ўғил бола билан яшамаётганига шукур қилсангиз-чи.

– Мен буни айтмоқчи эмасман. У энди талаба эмас, уни армияга чақиришди.

– Нима қипти, қайтанга яхши бўпти, икки йилда армия уни одам қилади.

– Сенинг фарзандинг қиз бола, сенга гапириш осон. Менинг фарзандим эса ўғил бола. Яккаю ягона. Манглайига ўқ келиб теккандан кейин унинг қанақа одам бўлишини яхши биламан.

– Сизга қандай ёрдам қилишим мумкин?

– Вашингтонда танишларинг тўлиб ётибди-ку.

– Бола ўқишни ташлаган-у, тўрт мучали соғ бўлса, уни армиядан ҳеч кам олиб қоломайди. Ҳатто Вашингтондагилар ҳам.

– Нима деб гапиришларию ёзишларига қараб, бунга умид қилиб бўлмаслигини тушунаман. Лекин мен сендан ўғлимни армиядан олиб қол деб сўраётганим йўқ.

– Унда мен нима қилишим керак?

– Танишларингни ишга солиб, уни Вьетнамга жўнатишмайдиган қилсанг бўлди.

Рудольф оғир хўрсинди. Ҳа, тўғри, Вашингтонда агар астойидил сўраса бу ишни бажонидил дўндирадиган одамлар борлигини биларди. Аммо сиёсий доираларда бунақа иқир-чиқир ишларни таниш-билишларини ўртага солиб ҳал этишни жинидан ёмон кўрарди...

– Гретхен, балки бошқа бирон йўлини топарсиз...

– Шунақа де, – энди опаси телбаларча қичқириб берди, – агар сен ҳеч нима қилмайдиган бўлсанг, мен Нью-Йоркка бораман-да, Биллини олиб Канадагами ё Швециягами жўнавораман. Кейин нега бундай қилганимни элга овоза қилиб, шунақанги катта жанжал кўтарайки, ўзинг балли дейсан, ҳа, шунақа!

– Ё тавба, опажон, сизга нима бўлди? Эсингиз жойидами ишқилиб... – симнинг нариги учидан гўшакнинг улоқтирилган овози чалинди.

Оила, маънос ҳолда ўйга чўмди у. Ўзи ҳам билмаган ҳолда у ҳар доим ўз оиласини кўз қорачигидек асраб-авайларди... У ўзи ва бошқалар олдидаги ўз масъулиятини чуқур ҳис этарди ва бошқача йўл тутишга виждони чидамасди. Масъулиятнинг эса чек-поёни бўлмайди. Ҳамма гап мана шунда эди.

Телефонга яқин келиб у Калифорния билан суҳбатга буюртма берди. Опаси гўшакни олгач, у сўз қотди:

– Яхши, опажон, қайтишда Вашингтонда қўнаман-да, бирон иш чиқаришга уриниб кўраман. Кўнглингиз хотиржам бўлсин.

– Раҳмат, Руди, – оҳиста деди Гретхен. – Ёрдам беришингни билардим.

Брэд уларнинг олдига соат беш яримда келди. Техас қуёши ва техас ичимлигидан унинг юзлари лов-лов ёнарди. У семириб кетган ва ўзига етганча қувноқ эди. Этница йўл-йўл ёзги костюм ва катта-катта дур илматугмали зангори кўйлак кийганди – ҳозир шу кўйлак урфга кирганди.

– Сизларни кутишга чиқмаганим учун узр, аммо ёрдамчим ҳаммасини тўқис адо этган деб умид қиламан. – У ўзига виски қўйди ва дўстларга яшнаб кулиб қаради. – Эҳ, йигитлар, сизлар меникига аллақачон келишларинг ва сизларга пул қаёқдан оқиб келаётганини ўз кўзларинг билан кўришларинг керак эди. Биз ҳозир янги скважина кавляшмиз, балки эртага самолёт ижара оламиз-да, у ёқда ишлар қандай кетаётганини кўриш учун учиб кетармиз. Афсус, Виржиния ҳозир бу ерда йўқ. Унинг йўқлигида келганларингизни эшитиб, роса хафа бўладиган бўлди-да. У ҳозир шимолда, дадажонисининг олдида. Эшитишимча, тоби йўқмиш. Ишқилиб, ҳеч нима қилмаган бўлсин-да. Мен билан бобойнинг орамиз, кўз тегмасин, яхши.

– Бас қил, илтимос, Брэд, – унинг гапини бўлди Рудольф. – Қизнинг нега кетиб қолганини биз жуда яхши биламиз. Сен айтганингдай, у дадажонисини соғинганидан кетиб қолгани йўқ.

Икки ҳафта бурун Рудольфнинг олдига Колдервуд кириб, Виржиния Брэдниқидан кетиб қолганини айтиб берганди, чунки Брэд аллақандай киноактрисага илакишиб қолибди ва ҳафтада уч бора Далласдан Голливудга танда қўйиб, пулларины совура бошлабди. Айнан Колдервуд келиб кетгандан

кейин Рудольфнинг дилида шубҳа пайдо бўлиб, бу ҳақда Жоннига фикрларини очиб солганди.

– Уртоқжон, – Брэд вискидан ҳўплади, – нима деётганингни тушунолмадим. Мен ҳозиргина хотиним билан телефонда гаплашдим-ку, у бугун-эрта келади ва...

– Сен у билан гаплашганинг ҳам йўқ, у келмоқчи ҳам эмас, Брэд. Буни ўзинг яхши биласан, – деди Рудольф.

– Сен қанча кўп нарса билсанг, – кўшимча қилди Хит, – биз ҳам сендан кам нарса билмаймиз.

– Жин урсин, йигитлар, агар кўп йиллик қадрдон дўстлар бўлмаганимизда, сизлар мени ёмон кўрасизлар деб ўйлашим мумкин эди. – Хонада кондиционер ишлаб турганига қарамай, Брэд терлаб кетди ва зангори кўйлагига қора доғлар пайдо бўлди. У яна ўзига виски қўйди ва стаканга муз чақмоғи солар экан, яхшилаб пардозланган тирноқли калта, йўғон бармоқлари титрар эди.

– Қани, гапир, ўзи нима гап, вақтни чўзма, – деди Жонни.

– Нима ҳам дердим, – Брэд кулиб қўйди, тўғрироғи кулишга ҳаракат қилди, – балки мен ростданам сал ишимни узгандирман. Лекин мени биласан-ку, Руди. Мен – сен эмас. Фейлим юмшоқроқ, биронта жонон кўзини сузиб қараса, ўзимни туголмай қоламан. Виржиния эса буни юрагига жуда қаттиқ олади, у...

– Бизни сенинг Виржиния билан муносабатларинг қизиқтирмайди, – унинг гапини бўлди Жонни. – Пулларимиз қаёққа кетди – шундан гапир. Биз баъзи нарсаларни текширган бўлдик, қарасак сўнги йилда сен ҳар биримиздан тахминан етмиш минг доллардан уриб қолибсан.

– Мени лақиллатиб нима қиласизлар, йигитлар, – деди Брэд. Унинг юзи шолғомдай қизариб кетди. Чехрасидаги табассум тошдай қотиб, ёқаси тердан жиққа ҳўл бўлди. – Ҳазиллашяпсизларми, қўйсангиз-чи, – ишонмай такрорларди у. – Бир юз қирқ минг доллар! Ахир бу ақл бовар қилмас нарса-ку. Эй худойим-ей!

– Брэд! – огоҳлантирган оҳангда уни тўхтатди Рудольф.

– Бўпти! – ҳўрсинди Брэд. – Англашимча, сизлар ҳазил қилмаяпсизлар. – У ола-була диванга оғир чўкди. Семиз, елкалари кенг бу ҳорғин одам Далласнинг кулинг ўргулсин меҳмонхонасининг кулинг ўргулсин хонасидаги кўзни олгудек ярақлаган кулинг ўргулсин диванда мулзам ўтириб қолганди. – Нима гаплигини мен сизларга очиқ айтганим бўлсин.

Гап шунда эдики, бир йил бурун Брэд унинг компаниясига маблағ қўя оладиган янги пулдор одамларни қидириб, Голливудга борган эди, у Сандра Дилсон деган ёш актриса билан танишиб қолди. “Жудаям кетиворган эканми, фаришганинг ўзи-я,” деганди Брэд. Ўзининг айтишига қараганда, у қизга дарров ошиқи беқарор бўлиб қолган, қиз эса узоқ вақтгача тутқич бермай юрган. Унга таъсирини ўтказиш учун у қизга қимматбаҳо тақинчоқлар олиб бера бошлаган...

Пул ундириш учун Брэд ҳар ойлик ҳисоботларни сохта расмийлаштиришга киришган. “Нефть қидириш ва ундан фойдаланиш” катигага у аллақачон ташлаб юборилган ёки бўм-бўш скважиналарни ёзиб борган, сотиб олинадиган жиҳозлар нархини ўн-ўн беш баравар ошириб юборган. Бухгалтерларидан бири буларни билган, бироқ Брэд жим юргани ва ёрдам бергани учун пул билан унинг оғзига урган. Пудратчилардан кимдир маълумотномалар талаб қилиб чиққан ҳам, бироқ Брэд одамларнинг кўзини шамғалат қилишга муваффақ бўлган.

– Ҳозир сенда нечта пудратчи бор? – сўради Жонни.

– Эллик иккита.

– Эллик иккита лақма! – алам билан деди Хит.

– Панжара ортида ўтиришингга тўғри келади, Брэд, – деди Рудольф.

– Лекин сен бундай қилмассан, тўғрими, Руди? Битирув оқшомида ўзинг билан ёнма-ён ўтирган жондай дўстингга бунақа ёмонликни раво кўрмассан, ахир?

– Айнан шундай қиламан мен.

– Бир дақиқа, – орага суқилди Жонни. – Қамоқ ҳақидаги гапни ҳозирча

қўя турайлик. Бу лўттибозни қамоққа тиқишдан олдин қайси йўл билан бўлса ҳам пулларимизни қайтариб олиш муҳимроқ бўлиб турибди ҳозир.

– Мана бу бошқа гап, – сакраб тушди Брэд. – Бу ўринда ақл билан иш тутиш лозим.

– Ҳозир активингда қанча пул бор? Айни дамда?

– Мана бу бошқа гап, – такрорлади Брэд. – Биз энди чинданам ишчан вазиятга ўтдик. Мени тугаб бўлган одам деб ўйламанглар. Менга ҳам кредит беришади.

– Шу хонадан ҳатлаб кўчага чиққанингда, – деди Рудольф, – сенга АҚШдаги биронта банк бир цент ҳам кредит бермайди. Бу ёғини ўзим ҳал қиламан. – У олдида турган одамга бўлган нафратини базўр босиб турарди.

– Сен саволимга жавоб бермадинг, – давом этди Хит. – Активингда қанча пул бор?

– Шу... бухгалтер ҳужжатлари у қадар... ҳалигиндай, қувонарли кўринмасида, – Брэднинг табассумида умид йилг этгандек бўлди. – Аммо гоҳо қора кунга деб унча-мунча пулни туғиб қўйишга муваффақ бўлганман. Бу пуллар турли банклардаги сейфларимда ётибди. Барча пудратчилар билан, тўғриси, ҳисоб-китоб қилолмайман-у, лекин сизларга, йигитлар, анча-мунча нарса қайтаришим мумкин.

– Нима, бу Виржиниянинг пулларими? – сўради Рудольф.

– Ҳаҳ! – пишқирди Брэд. – Унинг қари отаси қизига ажратилган пулларни шунақанги чангаллаб олганки, агар очдан ўлганимда ҳам унга бир бўлак сосиска сотиб ололмайман.

– У биздан кўра ақлпроқ чиқиб қолди-ку, – деди Рудольф.

– Худо ҳақи, Рудольф, – шикоятмоз деди Брэд, – ярамга туз сепма. Бусиз ҳам ҳолимга маймунлар йиғлапти.

– Нақд қанча пулинг бор? – сўради Жонни.

– Ўзинг тушунасан-ку, Жонни, бу пуллар ҳеч қаерда ҳисобга олинмаган ва компанияга бу ҳақда ҳеч нарса маълум эмас.

– Мен ҳаммасини тушунаман. Қанча?

– Юз мингга яқин. Мен ҳар бирингизга эллик мингдан бера олган бўлардим. Қолганини кейин тўлайман деб кафолат бераман.

– Қандай йўл билан? – Кескин оҳангда сўради Рудольф.

– Ҳалиги... яна нефти бор қудуқлар қолган-ку... – чайналиброқ гудранди Брэд. Рудольф унинг алдаётганини кўриб турарди. – Кейин эса Сандранинг олдида бораман, тушунтираман, шунақа бўлиб қолди дейман, тақинчоқларингни бериб тур дейман... шу-да.

Рудольф ишонқирамай бош чайқади.

– Наҳотки, у тақинчонларини беришига ишонсанг?

– У зўр қиз, Руди. Мен сени у билан албатта таништириб қўйишим керак.

– Э худо, ҳеч сенинг ақлинг кирадими ё йўқми?

– Шу ерда тура тур, – деди Жонни Брэдга. – Мен Руди билан яккама-якка гаплашиб олишим керак. – У намоёишкорона столдан қоғозларни олдида, Рудольфнинг ётоқ бўлмасига йўналди.

– Озгина ичиб олсам қаршилик қилмайсизларми, йигитлар? – Синовчан сўради Брэд.

Рудольф билан ётоқ бўлмасига киргач, Жонни эшикни ёпиб қўйди.

– Биз бир қарорга келишимиз керак, – деди у. – Агар у айтганидай нақд юз минг бўлса, биз уни олишимиз ва зарарни бирмунча қоплашимиз мумкин. Борди-ю, олмасак, бор гашни кредиторларга маълум қилишимиз, кредиторлар кенгашини чақиришимиз ва, эҳтимолки, уни банкрот деб эълон қилишимиз керак бўлади. Ҳатто жиноий иш кўзгашга тўғри келар. Барча кредиторлар унинг пулига тенг ҳуқуқли шерик бўлади ва қўйган маблағлари ёки Брэднинг ҳар бир кредитордан ҳақиқий қарзига мутаносиб равишда бу пулни бўлашиб оладилар.

– Унинг бизга тўлаб, бошқаларга тўламасликка ҳақи борми? – сўради Рудольф.

– У ҳали банкрот бўлганича йўқ-ку, – жавоб берди Жонни. – Судда ҳеч ким ҳеч нарсага даъво қилолмайди деб ўйлайман.

– Йўқ, бунақаси кетмайди, – деди Рудольф. – Бу юз мингни умумий қозонга ташласин. Бугуноқ унинг сейфлари калидини ундан олиб қўйишимиз керак, токи у улاردан пул олишга улгурмасин.

– Шундай дейишингни билардим, – хўрсинди Хит. – Мардлар ҳали йўқ бўлиб кетмаган.

– Борди-ю, у муттаҳам бўлса, мен ҳам муттаҳам бўлишим керак дегани эмас, зарарни ундирсак бўлгани.

– Айтим-ку, ахир, судда ҳеч ким ҳеч нарса даъво қилолмайди деб, – эслатди Жонни.

– Барибир. Бу менга тўғри келмайди.

Жонни Рудольфга синчковлик билан тикилди.

– Борди-ю, мен бориб шартга: “Бўпти, мен ўз улушимни оламан-да, ўйиндан чиқаман,” десам нима бўлади?

– Мен буни ҳиссадорлар йиғилишида маълум қиламан, – пинагини бузмай деди Рудольф. – Сўнг сенга қарши жиноий иш қўзгайман.

– Таслим бўлдим, азизим. Ҳалол сиёсатчи билан тенглашиб бўларканми?!

Улар меҳмонхона бўлмага қайтишди. Брэд виски тўла стаканни қўлида тутганча дераза олдида турарди. Жонни унга не қарорга келишганини маълум қилди. Тўлиқ англамаган ҳолда Брэд бошини сараклатар эди.

– Эртага соат тўққизда сен шу ерда бўлишинг керак, – деди Рудольф. – Банклар очилгунига қадар. Биз сен айтган барча сейфларни биттама-битта кўриб чиқамиз ва пулларинг ташвишини биз гарданимизга оламиз. Сенга тилхат берамиз. Борди-ю, тўққиздан бир дақиқа ўтганда бу ерда бўлмасанг, мен полиция чақираман ва сени муттаҳам деб эълон қиламан.

– Руди, – аянчли оҳангда чўзиб деди Брэд.

– Агар дурли илматугмангни асраб қолмоқчи бўлсанг, – давом этди Рудольф, – уни маҳкамроқ беркитиб қўй, чунки ой охирида шериф мана бу зангори қўйлагингни қўшиб барча мол-мулкингни қарзларни тўлашга ёзиб қўяди.

– Оббо сизлар-ей, – пушаймон қилганча деди Брэд. – Бунинг нима эканини сизлар тушунмайсизлар, йигитлар. Сизлар бойсизлар, хотинларингиз миллионер, сизлар нимани хоҳласангиз, олдингизда муҳайё. Менинг аҳволимга тушганинг ҳолини сиз қаёқдан ҳам билардингиз...

– Раҳмимизни келтирмаман деб овора бўлма, – қўполлик билан унинг гапини бўлди Рудольф. У умрида ҳеч кимга бундай ёмон муомала қилмаганди. Бу одамни муштуми билан айлантириб солиб қолишдан ўзини базўр тутиб турарди. – Эртага эрталаб соат тўққизда шу ерда бўл.

– Бўламан, – деди Брэд. – Бу аҳволда мен билан кечки овқатни бирга ейиш ниятингиз йўққа ўхшайди.

– Йўқол бу ердан, бўлмаса ўлдириб қўяман, – ўзини туголмай, қичқириб юборди Рудольф.

Брэд эшикка йўналди.

– Начора, Далласда вақтингизни хуш ўтказинг дейман. Ажойиб шаҳар. Ҳа, эсингиздан чиқмасин, – у қўлини айлантириб хонани ва стол устидаги шишалар сафини кўрсатди, – булар бари менинг ҳисобимдан. – Сўнг хонадан чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб, худди айтилганидек, роса тўққизда Брэд турли Даллас банклари сейфларининг калидлар шодаси билан етиб келди. Унинг кўзлари қип-қизил эди, гўё тунги билан мижжа қоқмаганга ўхшарди.

Юристикига бориш ва банкма-банк юришлар эрталаб талай вақтни олди ва Рудольф тушда Далласдан Вашингтонга учиб кетадиган самолётга илиниш учун шоншмоқда эди.

Самолётда у нонушта ва йўловчиларга рухсат этилган икки биринчи даражали коктейлнинг баҳридан ўлди. Портфелидан тахмина лойиҳасини олди ва ишлаб кўрмоқчи бўлди, бироқ рақамларга диққатини жамлай олмади. Олдинда қамоқ кутиб турган маҳкум, шармандаси чиққан, касодга учраган Брэд миясида уймалашгани-уймалашган эди. Хўш, ҳаммаси нимадан келиб чиқди ўзи? Очкўз Голливуд қизалоғи сабабидан. Жирканч. Брэд уни севишини ва ундан ҳеч нарсани аямаслигини айтди. Севги... Бемаҳал ишқ қурбони...

Брэд узил-кесил касод бўлгандан кейин, уни қайсидир йўл билан қўлдамаса бўлмайди, деган қарорга келди Рудольф хаёлан. Балки билдирмай йилига беш мингдан юбориб туриш лозим бўлар? Бу пулга на Брэднинг кредиторлари, на ҳукумат чанг солмаслиги учун. Бироқ бу ишлар билан — Брэдга эса улар сув билан ҳаводек зурур эди ва уларни жон-жон деб олар эди — қийин дамда ундан юз ўтирган одамдан пул олаётиб Брэд кечирган виждон азоби ва таҳқирларни қошлаш мумкин бўлармикан?

“Камарингизни боғлаб олинг” лавҳаси ёнди. Самолёт пастга ина бошлади. Рудольф қоғозларни портфелга жойлади, хўрсиниб кўйди-да, камарни боғлади.

“Мейфлауэр” меҳмонхонасида уни котиба юборган телефонограмма кутиб турарди. Унда зудлик билан Уитбига кўнғироқ қилиши сўралганди. Рудольф икки марта телефон қилди, бироқ линия банд экан, шунда у аввал АҚШ соддатига хавф солаётган хатардан Биллини ҳимоя қилиши мумкин бўлган бир сенатор билан боғланмоқчи ҳам бўлди. Бироқ учинчи уринишдан кейин ниҳоят котибига кўнғироқ қилишга муваффақ бўлди.

— Кечирасиз, жаноб мэр, — ҳорғин деди Уолтер, — нима бўлганда ҳам тезроқ бу ерга қайтиб келмасангиз бўлмайдиганга ўхшайди. Кеча, мен уйга кетганимдан кейин, не гаплар содир бўлганини бир худо билади. Бу ҳақда мен фақат бугун эрталаб хабар топдим, акс ҳолда сиз билан анча олдинроқ боғланган бўлар эдик.

— Нима гап? Нима бўлди? — сабрсизлик билан сўради Рудольф.

— Ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетган. Воқеалар оқибатини тиклай олишимга кўзим етмайди. Умуман, Отмен талабалар шаҳарчасига келганда талабалар кираверишни тўсиб қўйганлар ва уни ичкарига қўймаганлар. Дорлэкер Отмендан полициячиларни қайтариб юборишга унатмоқчи бўлган, лекин у кўнмаган. Полициячилар яна киришга уринишганида, талабалар қўлларига тушган нарсани улоқтира бошлаганлар. Отмен кўзидан жароҳатланган. Айтишларича, кўрқинчли эмас эмиш, аммо ҳозир касалхонада экан, полиция вақтинча чекинибди. Сўнг бошқа талабалар оммавий намоийиш уюштиришибди... шундоқ сизнинг уйингизнинг рўпарасида. Мен ҳозир ўша ердан қайтиб келдим. Уй олдидаги ўтлоқзор дабдала қилиб ташланган. Миссис Жордахга тинчлантирувчи дори ичиришди...

— Қолганини Уитбига етиб борганимда гапириб берарсиз. Мен биринчи самолётдаёқ етиб бораман.

— Мен ҳам шундай қиларсиз деб ўйлаган эдим, — деди Уолтер, — Скэнлонни сизнинг уйингизда машинангизда жўнатиб юбордим ҳам. У сизни “Ла Гердиа” аэропортида кутиб олади.

Семиз Скэнлон хирллаб, бўғилиб сўзлар эди. Гарчи ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса ҳам, полицияда ишлар ва эрта-индин нафақага чиқариб юборишлари керак эди. У боддан азият чекарди ва уни фақат меҳр-мурувват юзасидангина Рудольфга ҳайдовчи қилиб тайинлашганди.

— Агар ҳаммасини бир бошдан гапирадиган бўлсам, — хир-хир қилганча деди Скэнлон, — талабалар ёки қораялоқлар бор жойда шаҳар полициясига хизматга ўлай агар бормас эдим.

— Скэнлон, худо ҳақи! — туртиб кўйди уни Рудольф. У дастлабки кунданоқ Скэнлоннинг оғзини тўғрилашга беҳуда уринар эди. Рудольф олдинги ўриндиқда кекса полициячи билан ёнма-ён ўтирарди, у машинани азбаройи секин ҳайдагани Рудольфнинг гашига тегмоқда эди. Бироқ агар пулга Рудольфнинг ўзи ўтирганида, Скэнлон чинакамига хафа бўларди.

— Мен ростини айтаяпман, сэр, — деди Скэнлон. — Улар учига чиққан ваҳшийлар, ҳайвон бари, қонунни бир тала тўнғизчалик ҳурмат қилишмайди. Полициячиларни бўлса бир чақага олишмайди. Тўғри, сизга ундоқ қилинг, мундоқ қилинг деёлмайман, лекин сизнинг ўрнингизда бўлганимда тўғри губернаторга мурожаат қилган ва кўшин юборинг деб илтимос қилган бўлардим...

— Бунга ҳали улгураимиз, — деди Рудольф.

— Гапларим эсингизда бўлсин. Шунгача бориб етади ҳам. Нью-Йорк ва Калифорнияда улар нима ишлар қилганини биласиз-ку ахир.

– Уитби Нью-Йорк ҳам, Калифорния ҳам эмас.

– Барибир. Бизда талабалар билан қораялоқлар тўлиб кетган, – ўжарлик билан деди Скэнлон ва жим бўлиб қолди. Кейин яна тилга кирди: – Кеча уйингизда бўлганингизда эди, сэр, ўшанда эҳтимол нима деётганимни тушунган бўлардингиз.

– Ҳа, эшитдим, – деди Рудольф. – Улар ўтлоқзорни топтаб ташлашибди.

– Шунинг ўзи бўлса майли-я. Мен ўзим у ерда бўлмаганман, аммо Руберти менга ҳаммасини сўзлаб берди. – Руберти ҳам полициячи эди. – Улар қилган ишдан қусиб юборасиз! Руберти шунақа деди. Қусиб юборасиз! Улар сизнинг ташқарига чиқишингизни ва уят қўшиқ айтиб беришингизни талаб қилишибди. Ёш-ёш қизалоқлар, худди юкчилардай сўкинишармиш. Кейин боғингиздаги гул ва буталарни битга қўймай илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлашибди, мисс Жордах эшикни очганида...

– У эшикни очибдими? – ваҳима ичида қайта сўради Рудольф. – Нега?

– Биласизми, улар уйга тош дейсизми, лой дейсизми, пиво банкалари дейсизми – ота бошлашибди, “Қани, чиқсин бу ёққа анови к...!” деб қичқиришибди. Айтишга уяласан-у, лекин улар сиз тўғрингизда шундай дейишибди. Полициячилардан у ерда фақат Руберти билан Циммерман бор экан. Қолган барча полициячилар университетга кетишибди, бу ёввойи ҳиндиларнинг қутурган подасига қарши иккитагина полициячи нима қила оларди? Улардан у ерда уч юзтаси тўпланган экан. Шу денг, боя айтганимдай, мисс Жордах эшикни очибди ва уларга қараб қичқира бошлабди.

– Ё худойим, – ух тортиб деди Рудольф.

– Бошқа бировдан кўра сиз менинг оғзимдан эшитганингиз дуруст, – деди Скэнлон. – Мисс Жордах эшикни очганида маст экан. Қип-яланғоч экан. Ўша ерда талабалар газетасидан бир фотограф ҳам бор экан, ялт-юлт қилиб бир неча суврат олибди. Руберти унга ташланган экан, бошқа талабалар унинг йўлини тўсиб қолишибди ва фотограф яширинишга улгурибди. Бу сувратларни улар нима қилишларини билмадим-у, аммо сувратлар уларнинг кўлида.

Рудольф Скэнлонга тўғри университетга ҳайдашни буюрди. Бош маъмурий бино чароғон эди. Деразалардан талабалар йиртилган ҳужжат парчаларини ирғитар, бинони қуршаб олган полициячиларни болохонадор қилиб сўкар эдилар – полициячиларнинг кўлида калтак бор эди. Дарахт тагига келиб тўхтаган машина олдига Отмен келди, Рудольф хотини сувратидан талабалар қандай фойдаланганини кўрди. Иккинчи қават ойнасидан яланғоч Джиннинг жуда катта қилиб ишланган суврати осилиб турарди.

Рудольф машинадан тушганда бир неча талаба Рудольфни таниб қолди ва ваҳшиёна тантанавор ҳайқириқ билан олқишлай кетди.

Отмен ўз машинаси олдида турарди. Унинг боши ва кўзи дока билан боғланган эди, полиция фуражасини боши орқасига кўндириб олганди. Полициячилардан олтигагина темир қалпоқда эди. Рудольф ярим йил аввал Отмен полицияга яна йигирмата темир қалпоқ сотиб олайлик, деганда, ортиқча чиқим нега керак деб, шартта рад этганини эслади.

Отмен дабдурустдан деди:

– Котибингиз сизни келадилар деб айтди, шунинг учун биз ҳеч бир чора кўрганимизча йўқ. Улар Дорлэкер билан икки профессорни гаровга олиб туришибди. Бино бугун қуршаб олинди, кеч соат олтида.

Бинога бошдан-оёқ кўз югуртирганча Рудольф бош ирғаб қўйди. Деразалардан бирида у Квентин Мактовернни кўриб қолди. Мактоверн аспирант бўлиб, кимё факультетига ассистент вазифасида ишларди. Квентин деразадан туриб жилмаярди. Квентин уни кўриб турганига Рудольф амин эди ва табассум унга йўлланганини ҳис этди.

– Бугун яна нима воқеа рўй берса ҳам, Отмен, – деди у, – сиз чапдаги учинчи деразадан қараб турган ҳов анови негрни ҳибсга олишингиз керак. Унинг исми Квентин Мактоверн. Агар бу ерда қўлга олишингиз иложи бўлмаса, уйда оласиз.

Отмен бош ирғади.

- Улар сиз билан гаплашишмоқчи, сэр. Вазиятни муҳокама қилиш учун сизнинг улар олдига борингизни исташаяпти.
- Муҳокама қиладиган ҳеч гап йўқ, — эъгироз билдирганча бошини чайқади Рудольф. Яланғоч хотини суврати борасида у ҳеч ким билан музокара олиб боришни истамасди. — Боринглар, бинони тозаланглар.
- Бу айтишга осон, аммо бажаришнинг ўзи бўлмайди, — деб жавоб берди Отмен. — Мен уч карра чиқинглар деб буйруқ бердим, улар эса нуқул кулишади.
- Бинони тозаланг дедим. — Рудольфнинг юраги газабдан гуп-гуп қиларди. Муздек газаб. Нима қилаётганини у билиб турарди.
- Қандай қилиб? — сўради Отмен.
- Сизда қурол бор.
- Нима, уларга қараб ўт оч демоқчимисиз? — қулоқларига ишонмай деди Отмен. — Бизга маълум бўлишича, уларнинг биронтасида қурол йўқ.
- Рудольф бир сония каловланди.
- Йўқ, — деди у, — ўт очиш керак эмас. Лекин сизларда калтак ва кўздан ёш оқизувчи газ бор.
- Балки уларнинг жонига тегиб, чарчагунларича пойлаб турганимиз маъқулдир? Агар ҳеч бир ўзгариш бўлмаса, сиз кўшин чақирингиз мумкин, — ишончсизлик билан таклиф қилди Отмен.
- Йўқ, мен ўтириб, кутмоқчи эмасман, — деди Рудольф. Отмен ўзи ҳаммасини аъло даражада тушуниб турганини у биларди: у девордан Джиннинг сувратини олиб ташламоқчи эди. — Йигитларингизга буюринг, кўздан ёш оқизувчи газларни ишпа солишсин.
- Жаноб мэр, — аста деди Отмен. — Бу буйруқни ёзма равишда, имзонгиз билан беришингизни сўрайман.
- Ён дафтарингизни беринг менга.
- Отмен унга ён дафтарини узатди ва Рудольф уни машина капоти устига қўйиб, ҳарфларнинг дона-дона бўлишига ҳаракат қилиб, буйруқни ёзди. Имзо чекиб, ён дафтарни Отменга қайтарди.
- Кўздан ёш оқизувчи газли граната биринчи қават деразасига бориб тушганда, у ёндан ваҳимали қичқириқ янгради. Сўнг яна гранаталар уча кетди ва талабаларнинг юзлари ғойиб бўлди. Бир-бирига ёрдам берганча полициячилар деразаларга тармашиб чиқа бошлашди. Бироқ полициячилар жуда оз эди ва кўпчилик талабалар орқа эшикдан жуфтакни ростлаб қолишди. Рудольф тик турганча ҳамон Джиннинг суврати осиглиқ жойдан, тепадан кўз узмасди. Деразада полициячи кўринди, фотосувратни йиртиб олди ва у билан бирга бино ичига кириб кетди.
- Ҳаммаси жуда тез тугади. Фақат йигирматагина талаба қўлга олинганди. Учтаси бошидан яраланган, бирини эса замбилда олиб кетишди. У қўллари билан кўзини чангаллаб олганди. Қайсидир полициячи уни кўр бўлиб қолди, лекин, ҳойнаҳой, бу вақтинчалик кўрлик бўлиши мумкин, деб айтди.
- Кўчага Дорлэкер ва икки профессор чиқиб келди. Уларнинг кўзлари ёшли эди. Рудольф Дорлэкернинг олдига борди.
- Қалайсиз? — сўради у.
- Дорлэкер менга гапираётган ким бўлди экан деб кўзларини қисиб қаради.
- Сиз билан мен гаплашяпман, Жордахман. Эртага репортёрлар учун ариза ёзаман, агар эртага кечқурун ўз газетангиздан сотиб олсангиз, сиз тўғрингизда нима деб ўйлашимни билиб оласиз. — У кимнингдир машинасига ўтирди-да, кетди.
- Улар талабалар шаҳарчаси ҳудудидан чиқишганида рўпарадан сиренани чийиллатганча “тез ёрдам” машинаси учиб келарди. Орқасидан ҳибсга олинганларни олиб кетиш учун чақирилган мактаб автобуси келарди.
- Скэнлон! — деди Рудольф. — Менимча, бутунги оқшомдан бошлаб мен мэр эмасман, шундайми?
- Скэнлон узоқ вақтгача жавоб бермади. У қовоғини солганча йўлдан кўз узмасди, муюлишга келганда эса кексаларга хос тарзда томоқ қириб қўйди.
- Ҳа, мистер Жордах, — ниҳоят деди у. — Мен шундай ўйлайман, сиз ҳақсиз.

7-боб

1968 йил

I

Бу сафар у Жон Кеннеди номидаги аэропортда самолётдан тушаётганида уни ҳеч ким кутиб олмади. У қора кўзойнакда бўлиб, оёғини судраб босарди. У келиши ҳақида Рудольфга хабар қилмаганди, чунки Гретхеннинг хатларидан Рудольфнинг ўз ташвишлари ўзига етарли эканини билар ва ўзининг унга дард устига чиққон бўлишини истамаганди. Бу қишда, “Клотильда” Антибдаги бандаргоҳда турганида ва улар уни ёзги мавсумга тайёрлаётганда арқон узилиб кетиб, унинг юзига урилганди. Эртасига боши айлана бошлади ва кўзи иккита кўрадиган бўлиб қолди. Кейт ва Уэслини ташвишга қўймаслик учун у ўзини ҳеч нима бўлмагандек қилиб юрди. У мистер Гудхартга яхши бир нью-йорклик кўз дўхтири топиб қўйинг деган илтимос билан хат ёзди, жавоб олгач эса Кейтга ажралиш ишларини охирига етказиб қўйиш учун Нью-Йоркка бораман деб хабар қилди. Кейт турмушга чиқаман деб қўймаётганди ва Томас мутлақо уни қўллаб-қувватларди. Октябрда улар фарзанд кутишаётганди, ҳозир эса апрелнинг ўрталари эди.

— Тўрпарда бироз шикастланган, — деди врач. Текширув узоқ, синчков ва оғир кечди. — Афсуски, мен сизни жарроҳга юборишга мажбурман.

Томас бош ирғади. Навбатдаги жароҳат.

— Бу қанча туради? Мен ишчи одамман, унақа катта пул тўлаёлмайман.

— Тушунаман, — жавоб берди врач. — Мен бунини жарроҳ Холлиуэллга тушунтириб қўяман.

Уч ҳафтадан сўнг у касалхонадан чиқди. Унинг юзи ошпоқ, бир томчи қон йўқ эди ва врач уни узоқ вақтгача кескин ҳаракатлар ва оғир ишлар қилишдан ўзингизни тийишингиз керак деб огоҳлантирди. Уч ҳафта ичида у деярли ўн беш фунтга озган эди ва костюм эгнида худди кийимилгичдагидай осилиб турарди. Бироқ у энди яхши кўрар ва бурганда боши айланмас ва кўнгли беҳузур бўлмас эди.

Жарроҳлик ва касалхонада ётгани учун ундан бир минг икки юз доллардан сал кўпроқ олишди, аммо натижа шунга арзирди.

У “Парамаунт” меҳмонхонасида кўнди ва ўша заҳоти акасига кўнгироқ қилди. Телефонга Рудольфнинг ўзи келди.

— Рудольф, — деди Том. — Ишлар қалай?

— Ким бу ?

— Томман.

— Том? Қаердасан?

— Шу ерда, Нью-Йоркдаман. ”Парамаунт”даман. Сен билан кўришсам бўладими?

— Бўлмаса-чи, гап бўлиши мумкин эмас. — Овозидан Рудольфнинг чиндан хурсандлиги сезилиб турарди. — Ҳозироқ меникига етиб кел. Манзилни биласан.

Лифт кўтарилганда, Рудольф уни йўлакда кутиб турарди.

— Э худо, Том, — деди у укасининг қўлини сиқаркан. — Овозингни эшитиб, ҳайратдан донг қотиб қолибман. — Бир қадам ортга чекиниб, у Томга синчиклаб расм солди. — Сени нима жин урди? Нима бало, касалмидинг?

Томас акаси ўзинг ҳам мендан бешбадтар кўринасан-ку, дейиши мумкин эди, бироқ индамай қўя қолди.

— Агар ичишга бир нима берсанг, мен сенга кўп гаплар айтаман, — жавоб берди у. Ичкилик бобида ҳам кўзингизга қараб ичинг, деб огоҳлантирган эди врач.

Рудольф уни меҳмонхона бўлмага олиб кирди, у ер Томас олдинги сафар келганда қандай бўлса, ўшандай эди. Шинам, кенг бархона. Бу ерда ёқимли, унча катта аҳамиятга эга бўлмаган, аммо зинҳор ҳалокатдан холи воқеалар содир бўлиши лозим эди.

— Вискими? — сўради Рудольф.

Томас тасдиқ маъносида бош ирғади. Акаси олдинги келгандагидан анча

катта кўринар эди. Кўзлари атрофи ва манглайига чуқур ажинлар из ташлабди. У секин, деярли судралиб юрарди.

– Ўтир, қани, айт-чи, сени Нью-Йоркка қандай шамоллар учириб келди? Анчадан бери шу ердამисан?

– Уч ҳафтача бўлди.

– Нега шу пайтгача менга кўнғироқ қилмадинг? – хафа бўлганча сўради Рудольф.

– Жарроҳликка ётишимга тўғри келди, – жавоб берди Том. – Кўзим касал эди. Касал бўлганимда бир ўзим бўлишни афзал кўраман.

– Мен сени тушунаман, – Рудольф унинг қаршисидаги юмшоқ оромкурсига чўкди. – Мен ўзим ҳам шундайман.

– Ҳозир ҳаммаси жойида, вақти билан одам сал кўзига қараб юриши керак, вассалом. Бўпти, сенинг соғлигингга. – Томас стаканини кўтарди.

– Сенинг соғлигингга, – жавобан деди Рудольф ва укасига диққат билан разм солди. – Сен энди боксчига ўхшамайсан, Том.

– Сен эса – мэрға, – деди Томас ва ўша заҳоти гапирган гапидан пушаймон қилди.

Бироқ Рудольф кулиб қўя қолди.

– Гретхен сенга ҳаммасини ёзиб юбордим деганди. Ҳа, бир оз омад мендан юз ўгирди.

– Опам Уитбидаги уйингни сотди деб ёзганди.

– У ерда хира папша бўлиб юриш тўғри келмасди. – Рудольф ўйчан ҳолда стакандаги музни айлангирди. – Бизга шу квартира ҳам бемалол етиб-ортади. Инид энагаси билан паркда. У ҳозир келиб қолади, уни бирров кўришинг мумкин. Ўғлинг қалай?

– Аъло. Унинг французчалаб гапиришини бир эшитсанг эди! Яхтани ҳам мендан яхши ҳайдайди.

– Ҳаммаси яхши бўлиб кетганидан бошим осмонда. Гретхеннинг ўғли Билли эса Брюсселда армияда хизмат қилаяпти. НАТО кўшинларида.

– Биламан. Опам ёзганди. У ёққа сен жойлаб кўйганингни ҳам ёзганди.

– Менинг сўнгги расмий ёки, тўғрироғи, яримрасмий акцияларимдан биттаси, – Рудольф энди паст овозда, бир маромда гапирарди, гўё сўзлари жуда ҳам жарангдор чиқишини хоҳламагандек.

– Ҳаммаси бунақа оёғи осмондан бўлиб кетгани чатоқ бўпти-да, Руди, – деди Томас. Ҳаётда биринчи марта унинг акасига раҳми келди.

Рудольф елка учириб қўйди.

– Бундан бадтар бўлмаганига шуқур қилишим керак. Анови йигитча ўлиб қолиши ҳам мумкин эди, хайрият кўрик билан чекланиб қўя қолди.

– Энди нима иш қилмоқчисан?

– Эҳ-ҳе, иш дегани худо уриб ётибди. Нью-Йоркда истаган кўйингда яшашинг мумкин. Джин қайтиб келгач, икковимиз саёҳатга жўнаб кетсак керак.

– У қаерда?

– Санаторияда, – жавоб берди Рудольф стакандаги муз чақмоқларини шиқирлатганча, – Тўғрироғи, бу санатория эмас, одамларни ичкиликдан қайтарадиган клиника. У ерда деярли ҳаммани даволашади. Кеннойинг иккинчи марта ўша ерда. Биринчисидан кейин олти ойгача оғзига бир қатра олмаганди. Уни бориб кўришимга ҳожат йўқ – аллақандай врачнинг аҳмоқона қоидаси, – бироқ клиника директори билан алоқа боғлаб турибман, у Джинга гап йўқ дейди. – Виски томоғига тикилиб, у йўтала бошлади. – Балки мен ҳам даволаниб чиқсам ёмон бўлмасди, – жилмайиб деди у, йўтал кўйиб юборгач. – Хўш, сен-чи? Мана, кўзинг жойига тушибди, қандай режаларинг бор?

– Хотиним билан ажрашишим керак, Руди, – деди Томас. – Ўтган гал мен шошиб тургандим, болани бу мамлакатдан тезроқ олиб кетишим керак эди. Нью-Йоркда қолгудек бўлсам, Уэслига сабабларини айтишимга тўғри келарди. Ойинг билан суюқоёқлиги сабабидан ажрашганман деб унга қандай айта олардим? Бунинг устига, агар Нью-Йоркда ажрашадиган бўлганимда, бу кўп вақтимни олган бўларди ва ёзги мавсумнинг талай қисми зое кетарди, мен эса бунга йўл кўёлмасдим. Энди эса кечи билан октябрғача албатта ажрашиб олишим керак.

– Нимага?

– Умуман... Мен бир аёл билан яшайман. У инглиз. Ажойиб инсон. Октябрда биз фарзанд кўришимиз керак.

– Ҳаммаси равшан, — деди Рудольф. — Табриклайман. Жордахлар қабиласи ўсаётми. Балки бизда айнан инглиз қони етишмаётгандир? Сенга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Мен Тереза билан юз кўришишни истамайман. Агар унга кўзим тушса, ўзимни тутолмай қоламан-да, худо билади, уни нималар қилиб қўймайман. Орадан шунча вақт ўтса ҳам. Балки сенми ё бошқа бировми, ажрашиш осон бўлган Реногами ё бирон бошқа бир шаҳаргами боришга уни кўндиралармидинглар?

Рудольф эҳтиёткорлик билан стаканни столга қўйди.

– Албатта, — деди у. — Мен бажонидил ёрдам бераман. — Ташқаридан шовқин эшитилди. — Ана, Инид ҳам келди. — Кейин у чақирди: — Бу ёққа кел, қизалогим.

Хонага қизил пальто кийган Инид ирғишлаб чошиб кирди. Отаси ёнида нотаниш кишини кўриб, у таққа тўхтаб қолди. Рудольф уни қўлига олди-да, ўйди.

– Қани, амакингга салом бер-чи. Томас амакинг яхтада яшайди.

Уч кун ўтгач, Рудольф Томасга кўнғироқ қилди ва у билан Учинчи авенюдаги ресторанда тушлик қилишга келишиб олди.

У барга кириб келганида Том унга мунтазир ўтирарди.

– Шундай қилиб, — деди Рудольф, баланд табуретга укаси билан ёнма-ён ўтираркан, — хоним йўлдалар. Қайдасан Невада деб учиб кетаяптилар.

– Ҳазиллашаяпсан, — деди Томас.

– Мен ўзим уни аэропортга олиб бордим-да, самолёт ердан кўгарилмагунча ўша ерда турдим.

– Оббо Руди-ей, қўлингдан келмайдиган мўъжиза йўқ-да!

– Бундоқ олиб қараганда, иш ҳамирдан қил суғургандай битди, — деди Рудольф ва Тереза билан ўтказган бутун тонгнинг оғир хотираларини тарқатиб юбориш учун мартини буюрди. — У ҳам турмушини янги тдан бошламоқчи экан, — ёлғонлади у, — агар, унинг айтишича, Нью-Йоркда судма-суд юриб, яхши номини ёмонга чиқармаса, оқилона иш бўлишини тушунаркан.

– У роса шилгандир? — сўради Томас. У хотинининг феълини биларди-да.

– Йўқ, — деб яна ёлғонлади Рудольф. — У, яхши топаяпман, бу саёхатимни ўзим бемалол кўтара оламан, деб айтди.

– Ўша хотинми ё бошқа бировми, — шубҳа билан бошини чайқади Томас.

– Балки, ҳаёт уни шундай мўмин-ювош қилиб қўйгандир.

Рудольф Тереза билан нақд икки кун олишди ва охири барча йўл ҳаражатларини зиммасига олишга рози бўлди, бориб-келиш биринчи даражали авиачипта, олги ҳафта давомида Ренодаги меҳмонхонада тургани учун ва яна қўшимчасига ҳафтасига беш юз доллар (Терезанинг айтишича, туриб қолгани учун) ҳам шунинг ичида. Барча пулнинг ярмини олдиндан беришга мажбур бўлди, қолган ярмини у қайтиб келиб, унга ажрашганлик ҳақидаги гувоҳномани кўрсатгандан кейин тўлашга ваъда берди.

Рудольф ва Томас зўр тушлик қилишди, бир шишадан шароб ичишди. Ширакайф Томас жуда ёйилиб кетди ва Рудольфга ўла-ўлгунча сендан миннатдорман деб тинмай такрорлар, шунча йиллардан бери шундай ажойиб акам борлигини билмай аҳмоқ бўлиб юрган эканман, деб пешонасига урарди.

Коньяк ичиша туриб у шундай деди:

– Менга қара, яқинда сен бир нима деётувдинг, хотининг клиникадан чиққандан кейин саёхатга чиқмоқчисизлар, тўғрими? Июлда дастлабки икки ҳафтада яхтам бўш бўлади. Бу вақт ичида уни сизларга қолдираман. Хотининг билан меникига кел, ўзимизга яраша денгиз саёхати уюштирамиз. Агар имкон тополсанг, Гретхенни ҳам ўзинг билан ола кел. Сен Кейт билан албатта танишишинг керак. Жин урсин, ахир мен бу вақтга келиб ажрашиб бўламан-ку, хуллас, сизлар айни тўйимизга етиб келар экансизлар. Келишдикми, Руди? Рад этишни хаёлингга ҳам келтирма.

– Бу Джинга боғлиқ, – дудмалланиброқ деди Рудольф. – Билмадим, у ўзини қандай ҳис қиларкин...

– Бу унга кони фойда, – сўзини бермасди Томас. – Бортда шишанинг уруги ҳам бўлмайди. Руди, сен келмасанг бўлмайди ҳам.

– Яхши, – рози бўлди Рудольф. – Бизни биринчи июлда кут. Балки, ҳақиқатан ҳам бирмунча муддат хорижга бориш иккаламиз учун ҳам фойдалидир.

II

Мэрнинг елкаси оша тасма тақиб кўйилган эди. Тўқ зангори ранг кўйлақдаги келин ҳечам ҳомиладорга ўхшамасди. Оқ қўлқоп кийган Инид онасининг қўлидан ушлаб олган, қовоғини уйганча унга нотаниш тилда гапираётган катта ёшдаги одамлар ўйнаётган сирли ўйинларни кузатарди. Томас офтобда товланиб, яна бардам ва соғлом кўринарди. У яна вазини тиклаб олганди ва оқ кўйлагининг ёқаси мушакдор бўйнига ёпишиб турарди. Отасининг ортида баланд бўйли, хушқомат ўн беш яшар ўспирин Уэсли турарди, у енгги тор келиб қолган костюмда эди. Юзлари офтобдан қорайган, Ўрта денгиз куёшидан сочи яна ҳам ялтироқ тус олганди. Гретхен жудаям улуғвор кўринади, дилидан ўтказди Рудольф. Унинг эндигина битта-яримга оқ оралаган, силлиқ қилиб тараган сочи, катта-катта чиройли кўзлари озгин юзини янада жозибадор қилиб юборганди. Бир оз мунг аралаш очиқ чехраси қироличалардай улуғвор кўринарди. Тўй одамлар қалбига ана шундай шоирона илҳом бағишлайди. Бир ҳафта денгизда сузиб, Рудольфнинг ўзи – у буни биларди – Ниццада самолётдан тушган ўша кундагидан кўра анча ёш кўринарди. Клиникадан қайтган Джин бир қатра ҳам оғзига олганича йўқ ва Томнинг бандаргоҳдаги дўстлари орасида гайриоддий тарзда гўзал ва нозик кўринарди.

Тутма боғичига тўғналган оқ чиннигулни дам-бадам тўғрилаб кўяётган Дуайергина бугун ғамгин эди. Томас акасига Дуайер тарихини сўзлаб берди ва Рудольф, балки дўстининг бахтини кўриб, Бостонда уни кутиб турган “Клотильда”даги қизга бевафолик қилганидан пушаймон қилаётган бўлса керак, деб ўйлайди.

Рудольф Кейт билан танишганида аввалига укасининг дилидан ҳафсаласи пир бўлди. У ўзи кўрган аёлларни ёқтирарди, Кейт эса қорачадан келган, юзи япасқи ва оддий, жуссаси миқти бир хотин эди, унда гўзалларга хос бўлган ҳусусиятлардан ном-нишон йўқ эди. У Гоген сувратларидаги тай хотинларини эслатарди. Ливерпулча лаҳжаси, вазмин ва унча ҳам саводли бўлмаган нутқи аввалига Рудольфнинг қулоғига сира ёқмади.

Бироқ икки кун ўтгач, Кейтнинг Том ва Уэсли билан бирга яхтадаги энг оғир ишларни тепша-тенг бажараётганини, ўелига ҳам, эрига ҳам баб-баравар меҳр ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлаётганини кўриб, Рудольф олдинги ўйидан ўзи уялиб кетди. Том бахтидан тинибди. Буни унинг ўзига ҳам айтди. Том жиддий тусда унинг фикрига қўшилди.

Мэр нутқини тугатди, келин-куёв бир-бирига узук тақди ва куёв келиндан бўса олди.

Рудольф билан Гретхен ёшлардан кейин қайднома китобига имзо чекишди. Бир оз тараддулланиб, Рудольф Кейтнинг олдига борди ва уни ўпиб қўйди. “Ше Феликс-о-Порт”да уларни шампан виноси, қовун ва оқ винога солинган балиқ кутарди. Аккордеонда куй янграрди. Мэр келин учун қадаҳ кўтарди. Пинки Кимболл эса – куёв учун. Рудольф келин-куёв учун французчалаб қадаҳ сўзи айтганида ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади ва гулдурос қарсақлар янгради. Джин ўзи билан фотоаппарат олиб келган бўлиб, тинмай “ширқ-ширқ” қилганча сувратта оларди. Ўз фотоаппаратларининг абжағини чиқариб ташлагандан кейин у бугун фотокамерани биринчи бор қўлга олиши эди. Лекин бу гоё Рудольфдан чиққан эмасди. Джиннинг ўзи сувратта олишни кўнгли тусаб қолганди.

Тушлик соат тўртда ниҳоясига етди ва меҳмонлар – кўшлар кайфдан чайқалиб қолганди – келин-куёвни “Клотильда”га кузатиб қўйдилар. Яхта тумшугида Рудольфнинг тўйга совғаси – қизил тасма боғланган каттакон

қути турарди. Ҳали барча Мэриядалик пайтда уни яхтага олиб келиб кўйишларини тайинлаб қўйганди.

– Тагин бу нима бало бўлди? – ҳайрон бўлди Том, табрик мактубини ўқир экан.

– Оч, кейин биласан, – жилмайди Рудольф.

Дуайер бориб болға билан зубила олиб келди, куёв эса белигача яланғоч бўлиб олиб, меҳмонлар қуршовида қутини очди. Ичида “Бендикс” фирмасининг ажойиб радари бор эди. Нью-Йоркдан жўнашидан олдин Рудольф Гудхартга телефон қилган ва Томас яхтасида нима бўлишини кўпроқ хоҳлашини сўраганди. Мистер Гудхерт радар сотиб олишни маслаҳат берганди.

Томаснинг кўзларида ёш ўйнади. Ўз-ўзидан равшанки, у хиёл ширакайф эди.

– Радар! Неча йиллардан бери орзу қилардим!

Режа бўйича тўйдан кейиноқ Портфинога сузиб кетиш мўлжалланганди. Улар Монте-Карло, Менгока ва Сан-Ремо орқали соҳил ёқалаб олға кетишга, сўнгра тунда Генуя қўлтигини кесиб ўтишга ва эрталаб Италиянинг бирон жойида лангар ташлашга келишиб олишганди. Об-ҳаво маълумотлари кўнгилдагидек эди ва саёҳат, Томаснинг фикрича, кўпи билан ўн беш соатдан ортмаслиги керак эди.

Дуайер билан Уэсли Томас билан Кейтнинг қўлларини совуқ сувга урдиришмади, уларни яхта тумшугига ўтқазиб қўйишди, ўзлари эса лангарни кўтаришди. Бандаргоҳда турган кемалардан келин-куёвлар шарафига салют бериб, гудоклар янгради. Бандаргоҳдан чиқаверишда бакен сузгичларгача “Клотильда” ортидан гулларга тўла балиқчи катер сузиб борди ва икки денгизчи улар ортидан гуллар сочқи қилди.

III

Гретхен ва Рудольф кун ботишидан завқланиб, палубадаги шезлонгда ўтиришарди. Джин пастда Инидни ётқизиш билан овора. Куёв шампан виносидан кейин бир уйқуни уриб олди. Дуайер билан Кейт камбузда кечки овқат тайёрлашмоқда. Рудольф Кейтнинг бугун қозонга уннашига қарши эди ва барчани Ницца ёки Монте-Карлода овқатланишга таклиф этганди, бироқ Кейт ўз айтганидан қолмади.

“Бундай кунда хизмат қилиш менга дунё-дунё лаззат беради,” – деди у. Кўк свитер кийган Уэсли – кечга бориб салқин тушганди – штурвалда турарди. У яхтада оёқяланг юрар ва гўё денгизда дунёга келгандай ҳамма ишни дангал адо этарди.

Гретхен билан Рудольф ҳам свитерда эди.

– Июлда салқин бўлиши мисли кўрилмаган ҳол, – деди Рудольф.

– Келганингдан хурсандмисан? – сўради Гретхен.

– Жуда.

– Оиламиз бирлашди. Йўқ, бирлашдигина эмас, жипслашди. Ҳаётда биринчи бор. Ҳаммаси Томнинг шарофати билан. Бундай бўлади деб ким ўйловди!

– У ҳаётда биз ҳамон охиригача тушуниб етмаган бир нарсани англаб қолган, – деди Рудольф.

– Худди шундай. Эътибор қилган бўлсанг, у қаерга бормасин, атрофини муҳаббат қуршаб олади. Унинг хотини, Дуайер, тўйдаги унинг барча дўстлари. Ҳатто унинг ўғли. – Гретхен киноли жилмайиб қўйди.

Гретхен Рудольфга Антибга келишидан олдин Биллини кўргани Брюсселга борганини айтиб берганди ва Рудольф бу кинояли табассум ортида нима ётганини биларди. Барча хатарлардан йироқда ҳарбий хизматни ўтаган Билли армия девонхонасида ёзув машинкаси олдида ўтирарди. Гретхеннинг айтишича, у жуда димоғдор бўлиб кетганмиш, ўзини осмонда тутармиш, ҳеч нарсага интилмасмиш, дунёдаги ҳамма одамлар, ҳатто ўз онаси устидан кулиб, шунчаки муддатни ўтаётганмиш. Кўҳна Олам хазиначилари унга заррача таъсир қилмасмиш, Брюссель ва Париждаги турли надон қизчаларга илакишиб қолганмиш, афёюн чекармиш, энди, эҳтимол, ундан кучлироғига ўтиб, қамоқ таралдудини кўраётган бўлса ҳам, ажаб эмасмиш; дарвоқе, университетдан ҳайдалганидек,

бу ҳам унга барибирдек эмиш. Онасига у ҳамон аввалгидек совуқ муомала қиларкан. Улар охири марта кечлик қилишганида гап айланиб Эванс Кинселла келиб тақалибди-ю, Билли тутатиб кетибди. “Сизнинг ёшингиздаги барча одамларни мен миридан-сиригача биламан, — дебди у. — Нуқул юлдузни кўзлайсизлар, китоблардан, пьесалардан ва саёсатдонлардан лоф урасизлар, булар эса бизнинг авлодимизда фақат кулги уйғотади, холос. Сизлар дунёни кутқариб қолиш ҳақида оғиз кўпиртирасизлар, гоҳ бир, гоҳ бошқа истеъдодсиз расмон ижодидан ҳаяжонга тушасизлар, бу билан ўзларингизни ҳамон ўн гулидан бир гули очилмагандай қилиб кўрсатасизлар, навбатдаги бардама ё навбатдаги тўшакдами, гўё сизларни “ажойиб янги олам” кутаётгандай”.

“Бир ҳисобдан у ҳаққа ўхшайди, — деганди ўшанда Гретхен Рудольфга. — У шафқатсиз, аммо дунёда қабиҳлик ҳукмрон деганда ҳақ ҳам. Ахир сен мени бошқалардан кўра кўпроқ биласан-ку. Қалтис пайт келганда мен ўғлимга “қамоққа бор” ё “армиядан қочиб кет” демаганман-ку. Мен шунчаки мансабдор укамга кўнгироқ қилдим ва ўғлимнинг жонини сақлаб қолдим; бошқа оналар ўғилларини қамоққа жўнатадими, армиядан қочиб кет дейдими ёки жунглиларда ажал кўлига топширадими, билганини қилишсин”.

Рудольф бунга бир нима деб жавоб бермаганди. У опаси билан бу ишда тенг шерик эди, Биллига қўйилган айбловлар уларнинг ҳар икковига ҳам бирдек дахл қилар эди.

Бироқ денгизда кечган ҳафта шу қадар шифобахш, тўй эса шу қадар сафоли ва умидлар билан тўлиб-тошган эдики, у билиб туриб миёсидаги барча бошқа фикрларни чиқариб ташлади. Штурвалда турган чаққон ва офтобда пишган Уэслига қараб туриб, опаси билан беихтиёр Билли тақдири ҳақида унга чўмганлари унга алам қилмоқда эди.

— Унга қара, — деди Гретхен, Уэслига қарар экан. — Онаси — фоҳиша. Отаси ҳатто ўрта мактабни ҳам битирмаган, уни калтакладилар, таъқиб қилдилар, хўрладилар; ўн олти ёшдан бошлаб разиллар орасида яшади. Вақт-соати етди деди-да, шартта ўғлини олиб, ўзга мамлакатга жўнаворди, бошқа тилни ўрганасан деб туриб олди ва ўқиш-ёзишни сал-пал эплайдиган чала-савод кўпол одамлар муҳитига олиб кирди. Шанба кунлари Билли кинога икки доллар сўраб юрган пайтларда Томнинг ўғли ишлар эди. Оилавий ҳаётнинг лаззатларига келсак... — Гретхен кулиб юборди. — Йигитчанинг каютасини отасининг ўйнаши, уни гуноҳдан туққан бир қишлоқи хотиннинг каютасидан фақат юпқагина деворча ажратиб туради, холос. Хўш? Бу ёғини сўрасанг, йигит девдай бақувват, иш деганни еб-ютаман дейди, одобли. Отасига содиқлиги шунчаликки, Том унга ҳатто овозини кўтариб гапирмайди. Отасининг бир ишорасига маҳтал, кўз очиб-юмгунча бажо қилади... Жин урсин, менимча, болалар тарбияси ҳақидаги барча китобларни бошқатдан ёзиб чиқиши вақти етганга ўхшайди! Тўғри-да, бундай йигит аллақандай чақирув ҳайъати уни Ўьетнамга юборганда ҳам ҳеч нимадан кўрқмайди. Бу табиий. Отаси бундай бўлишига йўл қўймайди. Мана, мен сенга нимани айтмоқчиман, Руди. Сеннинг ўрнингда бўлганимда, Инид улгайиб, яхтада йиқилмасдан бемалол юрадиган бўлганда мен уни бу ерга, Томга, тарбияга юборган бўлардим... Эй худо, ҳозир жон-жон деб бир нима ичган бўлар эдим. Том сўзсиз бирон жойга битта-яримта шишани беркитиб қўйган бўлиши керак.

— Бу турган гап, — деди Рудольф. — Мен ундан сўраб кўраман.

У ўрнидан турди-да, камбузга йўл олди. Дуайер чаноқда салатни юварди, Кейт эса одатдаги ишчи кийимида духовкадаги гўшт нимтасига ёғ сепаётган экан.

— Кейт, — деди Рудольф, — Томнинг тасодифан битта-яримта яшириб қўйган шишаси бормикан?

Кейт духовкани ёпди, қадини ростлади ва ташвишли нигоҳ билан Дуайерга қаради.

— Сизлар бизникидалик пайтингизда ҳеч ким ичкиликни оғизга олмайди, деб ваъда бергансиз деб ўйловдим.

— Ташвишланма, — деди Рудольф. — Джин боласи билан каютада. Мен ва Гретхен учун сўраяшман. Биз у билан палубада ўтирибмиз, ҳаво эса хийла салқинлашиб қолди.

– Куёнча, – Кейт Дуайерга ўтирилди, – бор, олиб кел.

Дуайер ўз каютасига қараб кетди ва кўп ўтмай бир шиша джинни кўтариб қайтиб келди. Рудольф джиндан иккига стаканга қўйди ва озроқ тоник қўшди. У палубага кўтарилди-да, опасига стаканни тутди.

– Агар Джин палубага чиқиб қолса, биз оддий тоник ичаяпмиз, деймиз. У джиннинг ҳидини йўқотади.

– Ишқилиб шундай бўлсин-да.

Улар бир кулгумдан ичишди.

– Эванс джин деса ўзини томдан ташлайди, – деди Гретхен. – Бу борада ҳам дидимиз бошқа-бошқа.

– У билан қандайсизлар?

– Ўша-ўша, – бепарволик билан жавоб берди Гретхен. – Йилдан-йилга бадтарлашиб борса бораяптики, яхши эмас. Мен ундан қутулишим керакка ўхшайди, лекин мен унга керакман. У мени у қадар севмайди-ю, лекин менга муҳожирлиги бор. Балки менинг ёшимда шу ҳам дурустдир, сен у қадар севимли бўлмассан, аммо кераксан.

Палубада баданига чипша ёпишган қизил шим ва оч кўк рангли юмшоқ свитер кийган Джин пайдо бўлди. У стаканларга тикилиб қаради-ю, аммо ҳеч нима демади.

– Инид қалай? – сўради Рудольф.

– Ширин ухляпти. У мендан, Кейт билан Том амаки бир-бирига таққан узукларни сақлаб қўядиларми, деб сўраяпти. – Джин кунишди. – Совқотаяпман.

– Сўнг Рудольфнинг елкасига қапишди. Рудольф унинг юзидан ўпиб қўйди.

– Ла-ла-ла! – деди чўзиб кулинганича, – Англия атрининг ҳиди келаяптими?

– Тоник унга фириб беролмаганди. У шу лаҳзадаёқ ҳаммасини англади ва қизариб кетди. – Бир қатра бер.

Рудольф иккиланди. Бир ўзи бўлганида, стаканни қўлидан чиқармасди. Лекин ёнида Гретхен ўтирар ва уларга қараб турарди. Опаси борлигида у хотинини изза қилишга асло йўл қўёлмасди. У стаканни Джинга берди. Хотини озгина хўшлади-да, стаканни қайтиб берди.

Дуайер палубага чиқиб, дастурхон тузай бошлади. Яхтада, одатда, шамларда кечлик қилишарди, столда тўқима похол салфеткалар ётар, ўртада унча катта бўлмаган гулли гулдон ва салатли ёғоч товоқ турарди.

Тўсадан кема танасига бир нима гуп этиб урилди ва тумшук томон тарақлаб кетди, Уэсли двигателни ўчиргунча бўлмай, пастдан темирнинг жингирлагани эшитилди. Дуайер панжара олдига югуриб келди-да, қоп-қора сувда яхта ортидан чўзилган ошпоқ кўпикка синчиклаб разм сола бошлади.

– Падарига лаънат! Биз ҳарига урилиб кетибмиз-ку! – қичқирди у бармоғи билан алақаёқни кўрсатиб. – Кўраяпсизларми?

Палубага Томас югуриб чиқди. У оёқяланг ва қўйлаксив эди, аммо қўлида свитерини ушлаб олганди. У билан изма-из Кейт чошиб келарди.

Свитерини кийиб, Томас рубкага ўтди ва штурвални қўлга олди. “Клотильда” рулга бўйсунмас, кучсиз шамолдан кўтарилган тўлқинлар узра қаттиқ-қаттиқ чайқаларди. Том чап двигателни юргизиб юборди. У яхши ишларди ва паррак кўнгилдагидек айланарди. Бироқ Томас ўнг двигателни ишга солганда пастдан яна темир жаранги эшитилди ва “Клотильда” титрай бошлади.

– Эшкак парраги шикастланибди, вал ҳам кетганга ўхшайди, – деди Томас.

Уэсли йиғлаб юбораёзди:

– Дадажон, кечиринг, харини кўрмай қолибман.

Томас ўелининг елкасидан қоқиб қўйди.

– Сенда айб йўқ, Уэс, ростини айтаяпман. Машина бўлимига туш-чи, трюмда сув борми ё йўқми, – деди ва кинояомуз илжайиб қўйди: – Ўрта денгиздан тўй совгаси. – У трубкага тамаки бостирди, уни тутатди ва хотинининг елкасидан кучиб, хотиржам Уэслининг қайтишини кутди.

– У ер қуп-қуруқ, – деди Уэсли палубага кўтарилиб.

– Кампиршо “Клотильда”нинг жони темирдан, – деди Томас. Шу топ у Рудольф билан Гретхеннинг стаканларини кўриб қолди. – Э-ҳа, байрам давом этаяптими?

– Атиги бир қултумдан, – жавоб берди Рудольф.

Томас бош ирғади.

– Уэсли, – ўзига юзланди у, – штурвалга бориб тур. Биз Антигга қайтамиз. Битта двигателда.

Томас штурвалда ўзи туришни афзал билишини, аммо содир бўлган воқеадан Уэсли ўзини айбдор ҳис қилмаслиги учун атайлаб шундай қилаётганини Рудольф фаҳмлаб турарди.

Улар бор-йўғи соатига тўрт узелдан сузиб боришарди ва Антигга етиб келишганида бандаргоҳ жимжит бўлиб, зимзиё қоронғилик кўйнига чўмганди.

IV

Уйқуси ичида босиқ, бир маромдаги тиқ-тиқ овози қулоғига чалинди ва уйғонаркан, Томас: “Пэппи келган кўринади,” – деб ўйлади. У кўзини очди ва ўз каютасида ётганини, ёнида эса Кейт ухлаётганини кўрди.

Тиқ-тиқ ҳамон давом этарди.

– Ким у? – сўради у шивирлаб, Кейтни уйғотиб юборишдан кўрқиб.

– Бу мен, Пинкиман, – эшик ортидан шивирлаш эшитилди. – Пинки Кимболлман.

– Ҳозир. – Чироқни ёқмасдан Том кийинди. Кун бўйи итдай чарчаганидан Кейт донг қотиб ухлар эди.

Оёқланг, шим ва свитерда Томас оҳиста эшикни очди ва йўлакка чиқди, у ерда уни Пинки кутиб турарди. Пинкидан арақ ҳиди бурқсир эди, бироқ йўлак қоп-қоронғи бўлгани учун Том Пинкининг нечоғли маст эканини аниқлай олмади.

– Нима керак сента? – гижиниб сўради Томас.

– Ҳозиргина Канндан келдим, – хириллаган овозда деди Пинки.

– Нима бўлган шунга? Ҳар доим Канндан қайтишда шунақа одамларни уйғотасанми?

– Ундан кўра, ошнам, гапимга қулоқ сол. Мен Каннда келиноийингни кўрдим.

– Мастсан, Пинки, – жирканиб деди Томас. – Бор, ётиб ухла.

– У қизил шимда. Мен сента бекорга гапириб зарур кептими? Кун бўйи кўриб турган аёлни таниёлмайдиган даражада маст эмасдирман? Хайрон бўлдим, олдида бордим, “Мен сизни Портфинога етай деб қолдингиз деб ўйлагандим,” – дедим. У бўлса: “Йўқ, биз ҳеч қанақанги Портфинога борганимиз йўқ, чунки кемачамиз бузилиб қолганди, Антиг бандаргоҳини эса биз ўлғудай яхши кўрамиз,” – деб жавоб берди.

– У “ўлғудай яхши кўрамиз” дейиши мумкин эмас, – деди Томас. У Джиннинг “Клотильда”даги ўз каютасида эмас, аллақайда узоқда эканига ҳамон инонгиси келмаётганди.

– Ҳа энди даромадига шунақа дедим-да, – деди Пинки. – Лекин мен уни кўрдим.

– Хўш, Каннинг қаерида кўрдинг? – бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун Томас иложи борица ўзини босишга ва секин гапиришга ҳаракат қиларди.

– Стрипгизли бир бинода, “Қизил эшик” деб аталади. Бу Бивуак Наполеон кўчасида. У барда бир барзанги билан ўтирган экан. Югославми ё бошқа биронтасими-ей. Умуман габардин костюмдаги бир одам. Бу жойларда мен уни илгарилари ҳам кўриб турардим. У уччига чиққан хотинбоз. Ўтириб чиққан.

– Лаънати! Келиноийим мастми?

– Фирт. Мен уни Антигга олиб бориб қўяй дегандим, у: “Керак бўлганда, мана бу жентльмен мени уйга элтиб қўяди,” деб жавоб берди.

– Шу ерда тура тур. – Томас пастга тушди-да, салондан йўлакка, ундан Грегхен ва Иниднинг каюталари ёнидан ўтди. У ёқдан тиқ этган товуш эшитилмасди. У катта каюта эшигини қия очганда, Рудольфнинг кенг каравотда пижамада бир ўзи ухлаб ётганини кўрди.

Томас аста эшикни беркитди-да, Пинкининг олдида қайтиб келди.

– Ҳа, бу ўша экан.

– Энди нима қилмоқчисан? – сўради Пинки.

– Бораман-да, уни қайтариб олиб келаман.

– Мен ҳам сен билан бирга борсам майлими? У ерда нуқул каллакесарлар.

– Йўқ, кераги йўқ, – рад қилганча бошини чайқади Томас. Хушёр вақтида Пинкиннинг қўлидан бир иш келиши амри маҳол-ку, мастлигида гапирмаса ҳам бўлади. – Раҳмат. Бор ухла. Эрталаб кўришамиз. – Пинки айтганида туриб олмоқчи бўлган эди, Том уни асти туртиб, деди: – Бор, бор, ёт.

Кейин у Дуайер ва Уэсли ухлаб ётган каюта олдидан оёқ учида юриб ўтиб ўз каютасига қайтиб келди. Елкасидан туртиб у Кейтни уйғотди.

– Овоз чиқарма, – деди у. – Бутун яхтани уйғотмоқчи эмасман. – Кейин Пинки айтган гапларни битта қўймай ҳикоя қилиб берди. – Мен бориб, келинойимни қайтариб олиб келишим керак.

– Бир ўзингми?

– Буни қанча кам одам билса, шунча яхши. Мен уни бу ерга олиб келаман, эрининг қўйнига солиб қўяман, эрталаб эса бошим оғрияпти, дейди, бирон кун ётиб дам олади, хуллас, ўрага сичқон тушди, гулдургул. Уэсли ва Дуайер келинойимни маст ҳолда кўрмасликлари керак.

Ҳаммасидан ҳам у, агар муштлашув бошланиб кетадиган бўлса, Уэсли билан Дуайернинг ёнида бўлишини хоҳламаётганди.

– Мен сен билан бирга бораман, – деди Кейт. У каравотдан турмоқчи бўлган эди, бироқ Томас уни қайта ётқизди.

– Яна гап шундаки, унинг хотинбозлар даврасида ўтирганини сен кўриб турганлигингни билмаслиги керак – қолган бутун умримизни биз аҳилликда ўтказишимиз керак.

– Эҳтиёт бўлгин-да, ишқилиб, хўпми?

– Бўлмаса-чи, ташвиш қилма, – деди у ва хотинини ўпиб қўйди. – Ухла, жонгинам.

Бошқа ҳар қандай хотин додлаб дунёни бошига кўтарган бўларди, ўйлади Томас, палубага кўтариларкан. Аммо Кейт унақалардан эмас.

У “Қизил эшик”ка кирганида, келинойиси барда йўқ эди. Габардин костюмли югославдан ҳам у ерда ном-нишон кўринмасди. Пештахта олдидан бир неча эркак стриптиз томоша қиларди, ёнларида иккита фоҳиша қийшанглари. Кираверишдан унча узоқ бўлмаган столда бир ўйинчи аёл улфатчилигида учта эркак ўтирарди, уларнинг башараси Томасга сира ёқмади. Стриптиз ҳозиргина бошланганди. Оркестрнинг қулоқни батанга келтирувчи овози остида оқшом кўйлагидаги малласоч аёл сонларини диркиллатар, прожектор нурида у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди ва қарийб елкасигача келган узун қўлқопини аста ечмоқда эди.

Томас содали виски буюрди. Бармен унинг олдига стаканни қўйганида, у инглизчалаб деди:

– Мен яқинда бу ерда бўлган америкалик аёлни қидириб юрибман. Тўқ жигарранг сочли. Қизил шим кийган. У габардин костюмли бир эркак билан эди.

– Ҳеч қанақа америкалик аёл кўрингани йўқ, – жавоб берди бармен.

Томас столга юз франкни қўйди.

– Ҳа, сал эслагандай бўлаяпман, – деди бармен.

Томас яна юз франк қўйди. Бармен шошиб атрофга кўз югуртирди. Пуллар шу заҳоти ғойиб бўлди. У стаканни олди-да, уни астойдил арта бошлади. У Томасга қарамасдан гапирарди. Оркестр дунёни бошига кўтаргудек баланд жаранларди, биров эшитиб қолади деб қўрқмаса ҳам бўлаверарди.

– Ҳожатхона орқасида, – лаби-лабига тегмай гапирарди бармен, – un escalier, зинапоя келади, тағхонага олиб тушади. У ерда бизнинг dishwasher, идиш ювувчимиз ишдан кийин ухлайди. Зора-мора сиз қидирган одамларингизни ўша ердан топсангиз. Бу одамнинг исми Данович. Sal type¹ Эҳтиёт бўлинг. Унинг дўстлари бор.

Аёл бир чулкисини ечиб, силкитаётганини ва иккинчи оёғидаги боғични ечаётганини кузатиб турарди. Стриптизни қизиқиб томоша қилаётган кишидай

¹ Жирканч нусха (франц.).

Томас шошмасдан зал охиридаги “Ҳожатхоналар. Телефон” деб ёзилган чироқди лавҳа томон йўл олди. Атрофдагиларнинг барчаси ечинаётган жувондан кўз узмас эди ва Томас лавҳа тагидаги аркка ўтганига ҳеч ким эътибор бермаганига ишончи комил эди. Ҳожатхона ҳиди димоққа уриб турган эшиклардан ўтиб, у тағхонага олиб тушадиган зинапояларни кўрди. У тезда пастга тушди. Хира чироқ ёритиб турган зинапоя юпқа фанер эшикка қадалиб турарди. Оркестр шовқини остида эшик ортидан юракни ларзага солувчи аёл овозини эшитди, биров аёл оғзини ёпгандек, тўсатдан овоз узилди. Томас эшикни итарди, лекин у қулфлог эди. Шунда у орқага чекинди-да, кучининг борича елкаси билан эшикка ўзини урди. Чириган ёғоч ва эски қулф бараварига кўчиб тушди ва Томас тағхонага учиб кирди. Джин идиш ювиладиган йиғма каравотдан туришга чиранарди. Тўзиган сочлари юзида осилиб турарди. Свитерининг бир енги деярли узилиб тушганди. Габардин костюмли эркак, Данович, эшик томонга беткай унинг олдида турарди. Шифтдаги симга осилиқ ёлғиз чироқ ёғдусида Томас бўш вино шишалари батареяларини, “эшак”ни ва тартибсиз равишда сочилиб ётган дурадгорлик асбоб-ускуналарини кўздан кечирди.

– Том! – қичқирди Джин. – Олиб кет мени бу ердан! – Кўрқувдан у сал ҳушига келган эди, эҳтимол олдин ҳам у Пинки тасаввур қилганчалик маст бўлмаган кўринади. Жувон ўрнидан турмоқчи бўлган эди, бироқ Данович уни қайта қаттиқ туртиб юборди.

– Сенга нима керак? – сўради у Томасдан. Данович инглизча гапирарди, бироқ тили яхши айланмаётганди. Унинг ҳам бўйи Томасдек келарди, елкалари кенг, бақувват эди. Бир юзини пичоқ ё тиг зарбасидан ҳосил бўлган чандиқлар хунук кўрсатиб турарди.

– Мен бу хонимни уйга олиб кетгани келдим, – деди Томас.

– Мен зарур деб билганимдан кейин уни ўзим уйига элтиб қўяман. Fous – woele samr¹ янки! – Шундай дея у яна туришга ҳаракат қилган Джинни кафги билан туртди.

Том йиғма каравот томонга бир қадам ташлади.

– Жанжал чиқарма, – хотиржам деди у Дановичга. – Хоним мен билан кетади.

– Агар у сенга шунчалик керак бўлса, олишга уриниб кўр уни, – Данович кутилмаганда орқага чекинди, “эшак”дан болгани олди ва уни боши узра кўтарди.

Жин урсин, ўйлади Томас, қаерга борсанг битта Фальконеттига дуч келасан.

– Илтимос, Том! Ялинаман! – пиқ-пиқ йиғлади Джин.

– Даф бўлишингга беш сония бераман. – Данович болгани унинг юзи баробарида тутганча Томас томонга юрди.

Томас биларди: ҳар қандай ҳолатда ҳам бошни болгадан асраб қолиш керак. Борди-ю, болга унга сирпаниб текканда ҳам ҳаммаси тамом бўлади.

– Бўпти, бўшти, – деди у, хиёл орта чекиниб, сулҳарварларча қўлларини кўтарган ҳолда. – Мен муштлашмоқчи эмасман. – Болга ҳавода учган заҳоти у ўзини Дановичнинг оёқлари тагига отди ва кучи борича боши билан рақибининг пўконига калла қўйди. Болга унинг елкасига келиб тегди ва елка ўша заҳоти карахт бўлиб қолди. Данович мувозанатини йўқотди ва чалқанчасига йиқилди, Томас эса унинг тиззаларини кучоқлади-да, устига миниб олди. Йиқилаётди Данович, афтидан, бошини уриб олганди, чунки бир сонияча у қаршилик кўрсатмади. Томас пайтдан фойдаланиб, уни бошидан ушлаб олди, Данович болгани сермади ва Томаснинг юзини яшираётди олдинга қилган тирсагига тушириб қолди. Бир қўли билан Дановичнинг кўзига тиранганча Томас болгага чўзилди. Бироқ у болгани тутолмади ва шу заҳоти тиззасида қаттиқ оғриқ сизди. Кейинги гал у чаққонлик қилди ва Дановичнинг қуролсиз қўлига тушираётган зарбаларига парво қилмай болгани тутиб олди. То Дановичнинг қўлидан чиқиб, цемент полнинг бир чеккасига отилиб тушмагунча у болгани айлантираверди. Тиззалари билан Дановични итариб юбориб, Томас болгага ташланди ва уни қўлига олди. У ҳам, Данович ҳам оёққа турди, бироқ

¹ Йўқол (бузилган франц.).

Томас тиззаси лат еганидан зўрға ҳаракат қиларди, у болгани чап қўлига жойлаштиришга мажбур бўлди, чунки унинг ўнг елкаси ҳеч нарсани сезмас эди.

Оркестр гумбури ва ўзининг оғир-оғир нафаси орасидан у Джиннинг қичқириқларини эшитиб турарди, бироқ жувоннинг қичқириқлари узоқдан келаётгандек аранг чалинарди қулоғига.

Томаснинг лат еганини билиб, Данович орқадан келишга ҳаракат қилди. Томас базўр ўша томонга бурилишга улгурди. Данович унга ташланди ва Томас болга билан унинг тирсагидан юқорироққа зарба берди. Дановичнинг қўли сиртмоқдай осилиб олди, бироқ у чап қўлини силташда давом этарди. У бошини панасиз қолдиргани ҳамон Томас унинг қаншарига қаттиқ туширди — тўғридан эмас, ён томондан, аммо шунинг ўзиёқ етарлидек туюлди. Данович бир чайқалди-да, чалқанчасига ағдарилиб тушди. Томас ўша заҳоти уни миниб олди ва болга билан бошига солди. Хир-хир қилганча Данович соғ қўли билан юзини тўсди. Том унга уч карра болга билан зарба берди — елкасидан, панжасидан ва тирсагидан, шу билан ҳаммаси тугади-қўйди, Дановичнинг ҳар иккала қўли гавдаси бўйлаб жонсиз шалвираб ётарди. Уни саранжом қилиш учун Томас болгани кўтарди. Қўрққанидан Дановичнинг кўзлари тиниб кетди, қаншаридан оппоқ юзи бўйлаб қоп-қора қон оқарди.

— Йўқ! — қичқирди у. — Йўқ! Ўлдирма мени! Илтимос! — Унинг овози чийиллаб ўчди.

Нафасини ростлашга ҳаракат қилганча Томас рақибининг устида ётаркан, чап қўли билан болгани ҳамон боши узра ушлаб турарди. Борди-ю, ўлдиришга бирон-бир лойиқ одам борми деса, бу албатта Данович бўлиб чиқар эди. Ҳа, Фальконетти ҳам ўлдиришга лойиқ муртадлардан эди. Майли, бунга энди бошқа биров бажара қолсин. Томас болгани айлангирди ва уни сопи билан Дановичнинг этлари пир-пир учаётган оғзига тикди. У олдинги тишларнинг синаётганини сезиб турарди. Ҳозир Томас бу одамни ўлдиришга қодир эмас эди, аммо Дановичнинг изгироблари унинг парвосига келмаётганди.

— Туришимга ёрдамлашиб юборинг, — деди у Джинга. Жувон қўлларини сийнасига қисганча буклама каравотга ўтирар, худди мушгашувда у ҳам ишпирок этгандай оғир-оғир нафас оларди. Секин, мажолсиз ўрнидан туриб, у Томаснинг олдига келди, қўлтиғидан тутди-да, тортди. Томас оёққа турди ва ерда қалтираб ётган танадан четга бир қадам қўйиб, сал бўлмаса бошқатдан йиқилаёзди. Унинг боши айланар ва хона кўз ўнгида сузарди, аммо фикрини йўқотмаганди. Тағхонадаги ягона стул суянчиғидаги Джиннинг оқ пальтосини кўриб, у деди:

— Кийиб олинг уни.

Джиннинг эғнидаги свитер йиртилиб кетганди ва улар залдан ўтиб кетишолмасди. Томнинг ўзи юришга ярармикан денг ҳали? Улар зинаюядан кўтарилар экан, Томас ҳар иккала қўли билан шикастланган оёғини қадам-бақадам кўтариб қўйишга мажбур бўлаётганди. Дановични улар цемент полда ётган ҳолда қолдиришди. Унинг ёрилган оғзида болга осилиб турар ва кўпикли қон оқарди.

“Қизил эшик”даги томоша узлуксиз давом этарди. Яхшиямки, агар ечинишга тайёрланаётган қора либосли, оёғида этик ва қўлида қамчи тутган қизга йўналтирилган чироқ нурини ҳисобга олмаса, зал ичи қоронғи эди. Джиннинг елкасига оғир опичлаганча Томас унча оқсоқланмасликка ҳаракат қилди ва улар клубдан қарийб чиқиб бўлишганида эшик олдида ўтирган учликдан бири уларни кўриб қолди. У ўрнидан туриб, қичқирди;

— Allo! Vojus la. Les Américains. Arrêter. Pas si vite¹.

Бироқ улар эшикдан чиқишди-да, бир амаллаб олға юриб кетишди. Бир вақт такси ўтиб қолди, Томас уни тўхтатди. Джин базўр Томасни машина ичига олди, сўнг ўзи жойлашди ва такси Антиб томон елиб кетди. Уларни залда чақирган киши кўчага чиқди-да, атрофга аланг-жалаң қилганча қолаверди.

¹ Ҳўй! Америкаликлар! Тўхтанлар! Шошманлар! (Франц.)

Таксида Томас ҳолсиз ҳолда ўзини ўриндиқ суянчиғига ташлади. Оқ пальтога ўранганча Джин Томасдан нарида бурчакка биқиниб олганди. Бунинг учун Томас келинойисидан хафа бўлмади, ўзидан Данович, қон ва рутубатли тағхона ҳиди аралаш тер иси келаётганидан унинг ўзига нафратини кўздирмоқда эди. Бирмунча муддат у ё ҳушидан кетиб, ё мудроқ босиб ётди ва машина Антиб бандаргоҳига яқинлашганда кўзини очди. Джин ўзининг бурчагида юракни эзиб йиғларди, аммо Томас ундан бугун ташвиш қилмаса ҳам бўлаверарди. Улар “Клотильда” турган қирғоқ бўйига етиб келишганида, йигит кулиб қўйди.

Унинг кулгиси Джинга қамчи солгандай таъсир қилди. У ўша заҳоти йиғидан тўхтади.

– Нимадан кулаяпсан, Том? – сўради жувон.

– Нью-Йоркдаги врач эсимга тушиб кетди, – жавоб берди у. – У менга кескин ҳаракатлар қилиш ва ҳар қандай зўриқишлардан ўзингизни тийинг деб маслаҳат берганди. У мени бугун кўрганидами!

Машинадан бир амаллаб ўзи тушиб олгач, Том таксичи билан ҳисоб-китоб қилди ва чўлоқланганча Джин билан изма-из зинадан кўтарила бошлади. Унинг яна боши айланган кетди ва у сал бўлмаса сувга йиқилиб тушай деди.

– Каютагача обориб кўяйми? – сўради Джин, ниҳоят улар палубага чиқиб олишгач.

– Кераги йўқ, – қўл силтади Томас. – Жойингизга боринг-да, эрингизга қайтиб келганингизни айтинг. Бирон баҳона ўйлаб топарсиз.

Жувон эгилди-да, Томаснинг лабидан ўпиб қўйди.

– Энди ўла-ўлгунча оғзимга бир қатра олсам, худо урсин.

– Шунақа денг, – деди йигит, – унда бу оқшом бекор кетмабди. – Гапини янада юмшатиш учун у келинойисининг чақалоқникидай лўппи юзига оҳиста шапатилаб қўйди.

Кейт ухламаганди ва каютада чироқ ёниқ эди. Эрини кўриб, у вой деб юборди.

– Жим, – уни тинчлантирди Томас.

– Нима бўлди? – шивирлаб сўради хотини.

– Мўъжиза! Мен одамни ўлдирмасликка муваффақ бўлдим. – Томас мадорсиз бир ҳолда ўзини тўшакка ташлади. – Энди кийин-да, врачни чақириб кел.

У сувнинг шариллашидан эрта уйғониб кетди – Дуайер ва Уэсли шлангадан палубани юварди. Унинг тиззаси қисиб боғлаб ташланган, елкасини ҳаракатлантирганда эса ҳар гал оғриқдан афти бужмайиб кетарди. Шунчаликка ҳам шукур қилиши керак. Врач, синиқ йўқ деди, бироқ тизза ва, эҳтимол, тиззанинг кўзи қаттиқ шикастланган бўлиши мумкин.

Соғ қўлига таянганча Том каравотдан тушди ва чоққица тошойна олдида бир оёқлаб туриб олди. Башарсига одам қараб бўлмасди. Ўшанда тағхонада у буни сезмаганди, бироқ у Дановичга ташланганида юзи билан цемент полга урилган ва энди бурни шишган, лаби дўрдайган, пешонаси ва яноқларида чуқур сидирилган жойлар қорайиб турарди. Врач унинг шилинган жойларини спирт билан ювди ва юзи баданининг бошқа барча жойидан кўра камроқ оғримоқда эди, шундай бўлса-да, Инид уни кўриб, кўрққанидан “Ойижон!” деб қичқириб юборишидан хавотирда эди.

У тошойна олдида қип-яланғоч турарди – кўкси ва елкалари қора-кўк мўматалоқлар билан қошланганди. Шимини кийиш учун у беш дақиқа сарфлашига тўғри келди, қўйлагини эса минг уриниб ҳам киёлмади. У қўйлакни ўзи билан олди-да, соғ оёғида сакраб-сакраб, камбузга қараб кетди. Қаҳвадон аллақачон плитада турарди. Кейт пўртаҳол сиқарди. Врач унга эрингизга ҳеч нима қилмаган деб айтгани ҳаманоқ у дарҳол тинчланган ва аввалгидай ишчан ва режали бекачга айланганди. Врач кетгач, ухлагани ётаётиб Томас унга бўлган воқеани миридан-сиригача сўзлаб берди.

– Сухсурдай куёвингни ўпиб қўймайсанми? – сўради у.

Кейт жилмайди, оҳиста ўпиб қўйди ва унга қўйлакни кийишда ёрдамлашиб юборди.

– Биронталари билишадими?

– Мен Уэслига ҳам, кўнчага ҳам чурқ этиб оғиз очганим йўқ, қолганлар эса ҳамон уйқуни ураётти, – жавоб берди хотини.

– Агар сўрашса, мен “Ле-Камео”да маст билан солишганман, – деди Томас. – Бу ўз тўйида бўкиб ичишни ният қилганлар учун кўргазмали қурол бўлиб хизмат қилади.

Кейт бош ирғади.

– Бўпти, – деди Томас. – Энди мен палубага чиқиб, бемалол ёлғонларни дундираверсам бўлади.

Дуайер билан Уэсли уни кўришганида, Дуайер шошиб қолди:

– Эй худойим, нима қилиб қўйдинг ўзингни?

Уэслининг ҳам эҳсонаси чиқиб кетди:

– Дадажон!

– Ҳаммамиз жамулжам бўлганимизда бир бошдан ҳикоя қилиб бераман, – деди Томас. – Бу воқеани юз марталаб такрорлаш ниятим йўқ.

Рудольф қизи билан палубага кўтарилди ва Томас унинг юзидан шу нарсани англадики, Джин унга кечасиги воқеа ҳақидаги бор ҳақиқатни ёки қарийб бор ҳақиқатни айтиб солган. Инид:

– Том амаки, бугун афтингиз жуда ғалати бўп қоптими? – деди холос.

– Жуда топиб айтдинг, оппоқ қиз, – жилмайди Том.

Рудольф хотинининг боши оғриётганини пайқагандай бўлди ва Джин тўшакда ётганича қолаверди, нонушгадан кейин хотинига пўртаҳол шарбати олиб келиб беришни дилига тугиб қўйди. Улар столга ўтиришгач, палубага Гретхен кўтарилди.

– Ё алҳазар, Том, сенга нима бўлди? – юраги увушиб сўради у.

– Ким менга шу саволни берар экан деб интиқ эдим, – жавоб берди Томас. Кейин у “Ле-Камео” ёнида бир маст билан мушглашгани ҳақидаги тафсилотни сўзлаб берди. Лекин у маст мен ўйлаганчалик маст ҳам эмас экан, деди кулиб у.

– Эҳ Том-а, – хиёл паришонхотирлик билан деди Гретхен, – мен бўлсам сени мушглашувни ташлагансан деб юрибман.

– Мен ҳам шундай деб ўйлардим, лекин анови маст бундай ўйламас экан-да, – жавоб берди Том.

– Сен ҳам бормидинг ўша ерда, Кейт? – таънаомуз сўради Гретхен.

– Мен ухлаётгандим, – хотиржам жавоб қайтарди Кейт. – У билдирмай чиқиб кетибди. Эркаклар ўзи шунақа бўлади, ўзингиз биласиз-ку.

– Менимча, бу уят, – деди Гретхен. – Кап-катта одамлар мушглашиб юрса...

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – бош ирғади Томас. – Айниқса сенинг ўзингни калтаклашса жуда уят бўларкан. Қани, энди дастурхонга қаранглар.

V

Сал кейин, ўша куни эрталаб, Томас билан Рудольф иккаласи палубада ўтирарди.

– Джин менга ҳаммасини айтиб берди. Сенга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман, Том, – деди Рудольф.

– Кўйсанг-чи, нима қилибман жуда.

Фақат Джин, унинг тарбияси чатоқ, аслида иш бундан беш бадтар ёмон бўлиши мумкин эди, деди

– Кеча ҳамма кун бўйи ичди, – алам билан деди Рудольф. – Кейин эса биз Гретхен билан кечликдан олдин палубада қиттак-қиттак қилдик. У шунчаки ортиқ чидаб туролмаган. Ичкиликбозлар гоҳо шунақа қув бўлишади. Ҳайрон қоламан: мени уйғотмай туриб у қандай ўрнидан турган-у, кийинган-у “Клотильда”дан жуфтакни ростлаб қолган... – У бошини чайқади. – Сўнгги вақтда у ўзини шундай яхши тутаётган эдики, кўнглим бутунлай хотиржам бўлиб қолганди. Лейин бир-икки қадаҳ ичди демагунча ўзини тугулмай қолади. Муғлақ бошқа одамга айланади-қўяди. Ичмаган пайтда ҳам тун чоғлари, худо билади, эркак қидириб қарларда юради деган хаёлга бормайсанми, ишқилиб?

- Йўқ, албатта, Руди.
- Нега сен мени уйғотиб, ўзинг билан олиб кетмадинг?
- Бунақа сайрлар сенга тўғри келмайди, Руди.
- Ҳа, лекин мен унинг эриман, минг қилса ҳам.
- Шунинг учун ҳам сени уйғотиш тўғри келмасди-да.
- Лекин у сени ўлдириб қўйиши мумкин эди-ку.
- Ҳа, шундай дамлар бўлдики, у мени бемалол ўлдириши мумкин эди, — иқрор бўлди Томас.
- Сен ҳам уни ўлдиришинг мумкин эди.
- Мана шу бутун воқеа давомида яккаю ягона ажойиб лаҳза бўлди, — деди Томас. — Мен одам ўлдиролмаслигимни бирдан англадим.

VI

Сокин кеч оқшом ҳавосидан ҳузурланиб нафас олганча у бир ўзи палубада ўтирарди. Кейт пастда — каютада эди, барча қолганлар эса машинада Италия бўйлаб икки кунлик саёҳатга кетишганди. Мана, бешинчи кундирки, “Клотильда” Голландиядан янги эшкак парраги ва вал келтирилишини кутиб, бандаргоҳда лангар ташлаб турибди. Рудольф, пайтдан фойдаланиб машинада бирон ёққа кичикроқ саёҳатга чиқиб келсак, зўр бўларди-да, деган эди. Ўша кунги шиддатли тундан бери Джиннинг бутунлай нафаси ичига тушган. Рудольф унинг миясидан бўлмағур хаёлларни ҳайдаш учун жонини жабборга берарди. У Кейт билан Томасни ҳам ўзлари билан боришларини сўраб илгимос қилди, бироқ Томас келин-куёвлар бирга бўлишини маъқул кўрдик деб бунинг илтимосига қўнмади.

Бандаргоҳда жимлик ҳукм сураб, кўпчилик яхталарда чироқлар аллақачон ўчганди. Томас эснаб керишди-да, ўрнидан турди. Тўсатдан у пирс ёқалаб чироқлари ўчириб қўйилган машина физиллаб келаётганини кўрди. Машина “Клотильда”нинг рўпарасига келиб тўхтади. Бериги томонга қараган ҳар иккала эшик очилди ва автомобилдан иккита эркак тушди. Сўнг яна иккитаси тушди. Охири Данович чиқди. Унинг бир қўли дока билан боғланган эди.

Агар Кейт яхтада бўлмаганда, Томас сувга калла ташлаган ва узоқ вақтгача уларга тутқич бермаган бўларди. Бироқ ҳозир у ҳеч қачон кетмай, уларни кузатиб туришдан ўзга иложи қолмаганди. Қўшни яхталарда жон асари кўринмасди. Данович пастда қолди, учаласи эса боргга қўтарилди.

- Хўш, жаноблар, — деди Томас, — менга не хизмат билан келдингиз? Унинг бошига зилдай бир нарсга келиб урилди.

У бир мартагина, бир лаҳзагина ҳушига келди. Уэсли ва Кейт касалхона палатасида унинг ёнида эди.

- Бошқа ҳеч қачон... — деди у ва яна ҳушидан кетди.

Рудольф Нью-Йоркдан машҳур нейрожарроҳни чақирди ва Томас қазо қилганида у Ниццанинг ярим йўлида эди. Томаснинг бош суяги қаттиқ пачоқланган, деб тушунтирди жарроҳ Рудольфга ва мияга жуда кўп қон қуйилган.

Рудольф опаси, хотини ва қизини меҳмонхонага олиб бориб қўйди ва опасига Джинни бир сония ҳам кўздан қочирмасликни тайинлади.

У полицияга ўзига маълум бўлган ҳамма нарсани оқизмай-томизмай айтиб берди; полициячилар Джиндан сўраб-суриштиришида эса ярим соат ўтгач, жувон жазавага тушиб қолди ва у ҳеч бир гапни яшириб ўтирмади. Жувон уларга “Қизил эшик” ҳақида сўзлаб берди ва Данович қўлга олинди, бироқ гувоҳлар топилмади, Дановичнинг эса бутун тунга татигулик инкор этиб бўлмас даъволари бор эди.

VII

Ўлик куйдирилгандан кейинги тонгда Рудольф ва Гретхен таксида крематорияга боришди ва уларга укасининг хоки солинган кўвачани беришди. Крематориядан чиқиб улар Кейт, Уэсли ва Дуайер йўлларига кўз тутиб турган

Антиб бандаргоҳига йўл олишди. Джин ва Инид меҳмонхонада қолишди. Бу куни Кейтнинг Джин билан ёнма-ён туришга асаби дош беролмаса керак деган қарорга келганди Рудольф. Борди-ю, Джин ичиб қўйгудек бўлса, бунинг учун унда барча асослар бор, деб ўйлади у.

Барча қолганлар каби Гретхен ҳам энди бор ҳақиқатдан хабардор эди.

Одатдаги коржомаларини кийиб олган Кейт, Уэсли ва Дуайер палубада кутиб туришарди. Йиглайвериб, Дуайер ва Уэслининг кўзлари қизариб кетганди, бироқ Кейтнинг ғамдан тош қотган юзида ёшдан ном-нишон кўринмасди. Рудольф кўвачани рубкага қўйиб қўйди, Дуайер штурвал олдига борди-да, битта двигателни ишга солди.

Улар бир соатча қирғоқдан узоқлашганча жануб томонга сузиб боришди. Битта двигателда очиқ денгизда улар узоққа сузиб бора олмас эдилар ва кема қўйруғи ортидан қирғоқ яққол кўзга ташланиб турарди.

Роса ярим соатдан кейин Дуайер яхтани бурди ва двигателни ўчирди. Яқин атрофда битта ҳам кема кўринмасди, денгиз ҳам шундай тинч эдики, ҳатто сувнинг чапиллаши ҳам қулоққа чалинмасди. Рудольф рубкадан кўвачани олиб чиқди ва уни очди. Кейт пастдан каттакон оқ ва қизил гладиолус дастасини олиб келди. Ҳамма кема тумшугида чексиз денгиз томонга юзланганча саф тортиб турди. Уэсли амаксининг кўлидан кўвачани олди. Унинг кўзидаги ёшлар аллақачон қуриб бўлганди. Бир лаҳза у роз қотиб турди, сўнг оҳиста отасининг хокини денгизга сочди. Бу бор-йўғи бир дақиқагина вақтни олди, холос. Хок сувга келиб тушиши ҳамон сув уни олис-олисларга олиб кетди, хок зарралари Ўрта денгизнинг мовий сатҳида сингиб кўздан йўқолди.

Офтобда қорайган кўллари билан аёлларга хос нозик ҳаракатлар ила Кейт гулларни сувга ирғитди.

Уэсли кўвачани борт оша итқитди. Кўвача ўша заҳотиёқ чўкиб кетди. Сўнг Уэсли рубкага кирди ва двигателни юргизиб юборди. Энди улар қирғоқ томон сузиб боришарди ва у яхтани тўғри бандаргоҳнинг энсиз киравериш жойига қараб ҳайдамоқда эди.

Кейт пастга тушди, Дуайер эса ранглари бўздек оқарган Рудольф ва Гретхенни кема қўйруғида танҳо қолдириб, тумшук томонга ўтиб кетди.

Денгиз томондан эсаётган енгил шамолга ўзини тутганча Дуайер яхта тумшугида турарди. Тонг қуёшидан ярақлаб товланган уйлар, кўҳна қалъа деворлари ва кўм-кўк қарағайлар тобора яқинлашиб келаркан, уларга қараб унинг кўзи тўймасди.

“Бойларбоп об-ҳаво”, – хаёлидан кечирди у.

Тамом.

*Рус тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА
таржимаси.*



Сафо айвони

Роман

18

Мактабнинг юқори босқичида ўқиётган давримизда мактаб кутубхонасидан бир ёки бир неча китобни вақтинчалик олиб ўқишимиз керак эди. Мактабнинг анъаналарига кўра бир эмас, бир неча ўқитувчиларнинг қистовига қарамай, ҳеч бир ўқувчи бу ишни ўз-ўзидан қилмас эди. Кунларнинг бирида мактаб мудирининг хонасига китоб олиш учун кирдим. У оромкурсига ўтириб олган, олдида бир пиёла чой, қамишдан ясалган пашша ўлдирадиган бўлиб, пашшаларни кўриб ўтирарди. Тўпланган пашшалар тарқалар, сўнг чой қуйилган пиёла ёнига яна қайтар, у эса ора-орада чойдан хўшлаб-хўшлаб турарди, сўнг яна пашша кўришда давом этарди. Мени кўриши биланоқ киришимнинг сабабини, менинг кимлигимни суриштирмай, кўли билан “Чик!” деган ишора қилди. Лекин мен, аксинча, у томонга боравердим. Сўнг яқинлашдим-да, “Мен Муҳайсинман”, – дедим. У эса одат бўлмаган ҳолни бошқалар ҳам кўришини хоҳлаб, у ёқ-бу ёққа қаради-да: “Муҳайсин? Қайси Муҳайсин?” – деди.

– Муҳайсин ал-Биллий, юқори босқич ўқувчиси бўламан.

– Ҳа-а-а, китоб олмоқчимисан?

– Ҳа.

У кўлини эски қоғ устида бир уюм бўлиб ётган китобларга узатиб, ичидан биттасини олиб берди ва менга қараб:

– Варақларини йиртма, устига овқат кўйма, кир бўлади, – деб, яна пашша ва чойи билан овора бўлди. Мен эса ўз синфхонамга қайтдим. Билишимча, ўша мудир мактабимиз ҳомийси бўлмиш осиеликлар ҳайъати томонидан тайинланган бўлиб, бу муҳим вазифани бажариш учун ўша ердан жўнатилган экан. Кўриб турганингиздек, мудир ўша вазифасини ва мактаб ишларини ўша тонгда менинг ишимни қандай бажарган бўлса шундай бажаряпти.

Ўша китоб кам саҳифали, шеърий китоб бўлиб, аслини олганда бир дона қасида экан. Қайсидир “ал-Андалусий”нинг “Давр устидан ҳажвия” қасидаси эди. Шеър мен учун янги нарса бўлиб, фақат ёдлаш дарсларида ёд олганимдан бошқасини билмас эдим. Ўйиборлисис ас-Самуалнинг “Бизнинг тоғимиз бор” қасидаси бўлиб, ўзимиз шундай номлаган эдик, чунки қасида ичида “Бизнинг тоғимиз бор, кимни ҳимоя қилсак, уни ўша эгаллайди”, – деган сатрлари бор эди. Ҳажвий қасиданинг маъносини ва йўналишини ўқиб тушунишда бироз қийинчиликлар туғилди. “Давр устидан ҳажвия” қасидасини назарда тутяпман. У ёки бу сўзнинг маъноси, ёки бутун бошли жумла ҳақида бир неча мактаб ўқитувчиларидан маслаҳат сўрар эканман, китобни якунлагач, ўша даврга нисбатан ачиниш ҳиссини туйдим, чунки ўша замон мумкин бўлган энг қабиҳ суратда ҳажв қилинган эди. Узоқ вақтгача бир неча байтларини ёд олиб юрдим. Сўнг иккинчи китоб, учинчиси, ҳаммаси ҳажвиялар. Кейинроқ мактаб мудирининг нима сабабдан китоб олиш учун келганларга бир тартибда шундай китобларни мажбурлаб бераётганини сездим. Балки у “ёвуз ният соҳиби”, балки ҳақиқатан ҳам воқеий инсондир ва келажак кишиларининг ҳаётнинг фақат қоронғу томонларини кўришларини хоҳлар, чунки уларга бошқа жиҳати кўринса, уларнинг хурсандчиликлари икки баравар бўлиб кетар эди.

Охири. Боши ўтган сонда.

Менингдек ўша уч китобчани ўқиганлар албатта ал—Муганаббийнинг “Ибн ат—Туртубба” ҳажвиясини ҳам ўқиган бўлишлари керак. Шоирнинг айнан мана шу шеъри ҳаётига зомин бўлди. Ўйлашимча, Хуросон йўлида ўша Ибн ат—Туртубба бир неча ҳамтовоблари билан шоир йўлини тўсиб қиличлари билан бошини танасидан жудо қилганлар. Шундай бўлишга қарамай, инсонлар қалбида ўша гўзал қасида қолдирган таассуротни ҳеч бир нарса ўчира олмайди.

Мактабимизда ҳажвияга оид шу уч китобдан бошқа китоб йўқлигига худога шукрлар қиламан! Агар акси бўлганда, қолган ўқув йилини одамларнинг мавқелари устидан кулиш-у, қонун тазйиқи остида бўлган нарса ва шахсларни қоралаш билан ўтказар эдим. Сўнгги икки йил мобайнида мактабда мавзу жиҳатдан турли ривоятлар, таржима қилинган қиссалар, шеърий девонлар ва ҳар хил бошқа китобларни ўқидим. Масалан, бири Арасту деган шахс ҳақида, уни ўқиб ҳеч нима тушунмаганман, иккинчиси фалакиёт, учинчиси минераллар кимёси ҳақида. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган китоблар. Уларнинг бирортасини ҳам ўзим танламаганман. Китоб танлаш ўз ихтиёримизда бўлмай, ўқиш учун китобни мудир танлаб берар эди. Китобхонлар сони ҳам уч нафар бўлиб, улардан бири мен эдим.

Китобни, кўпинча, чироқлари кўплиги туфайли Масжид—ул—ҳарамда ёки уйимизга яқин бўлган кўча чироғининг нури тушиб турадиган торкўча бурилишида ўқир эдим. Ўқиш жараёни тик турган ҳолда давом этиб, оёқлар толиб увишпудай бўлса, у ёқ—бу ёққа бориб ҳаракат қилиб олар эдим. Шаксиз, кўринишим ўтган—кетганларнинг эътиборини қаратмасдан кўймасди. Қанчадан—қанча йўловчилар тўхтаб, кўча муолишида ҳар тун миҳланиб турган бу телбага қизиқмади, дейсиз. Ўқийверади, ўқийверади. Эси борлар мазза қилиб уйда ўтирибди. Фойдаси нима экан? Лекин уйдаги “шамчироқ” ўқиш учун етарлича ёруғлик бермайди. Эътибор қаратганлар ичида, юқорида айтиб ўтилган торкўча ниҳоясида яшовчи “Умар амаки” ҳам бор эди. Ёнимдан ўтар экан, бир неча бор тўхтаган ва биринчи маротабасида эса сен “Фалон” хонимнинг ўғлисан-а?” — деб сўраганда, мен — “ҳа”, жавобни берсам, қандай китоб ўқиётганимни сўраган эди. Китоб номини айтсам, бошини қимирлатиб, яна йўлида давом этганди. Ҳар сафар китобнинг ўзгарганини кўрса, саволини қайтарарди, калласини ликиллатиб яна кетаверарди.

Умар амаки ажойиб тенги йўқ шахс эди. У бутун маҳалладаги хусусий ва бошланғич мактаб китобларидан ташқари, бошқа китобларни ҳам мутолаа қилган ягона шахс эди. Балки у ҳукумат идорасида ишлаётган ягона одамдир. Балки олдин ҳамма қатори жубба кийиб, сўнг саудийлар даврида масъул ходим вазифасида ишлаётганда, ҳозирги плашсифат расмий “мишлах” кийганларнинг биринчисидир. Шунингдек, янги чиққан нарсалар бўйича ҳам маҳалланинг биринчиси эди — радио ихтиро қилинган, биринчи бўлиб радио олган, биринчи бўлиб тиббий кўзойнак таққан. Машиналар чиқа бошлагач, яқин кунларда биринчи бўлиб сотиб олган, шунингдек, ҳижозликлардан эмас, бошқа жойдан бўлган хизматкор ишлатган одам, яна...яна... Шу каби беҳисоб янгиликларни у билан бўлган алоқамиз чуқурлашган сари вақт ўтиши билан билиб боравердим.

Бир неча ой ўтгач, ўқиш макони бўлиб қолган ўша торкўча бурчагида турганимда, шайх Умар тўхтаб, унда бир қанча китоб борлигини, хоҳлаганимни олиб ўқиб турсам, хурсанд бўлишини, мен фақат бирор кун аср пайтида унинг уйига бориб, китобларини кўришим ва хоҳлаганимни олишим мумкинлигини айтди. Мен унга ташаккур билдирдим, у эса йўлида давом этди.

Эртаси куни кечаги гап ҳақида сўз очмай, узоқдан салом—алик қилиб ўтди. Ва у бир неча кун мана шундай қилди. Яна бир куни кечаги:

— Ҳалиги айтган таклифим ёдингдан чиқими? — деди ва турган жойида — агар хоҳласанг, баъзи китобларимни шу ерга олиб келишим мумкин, — деди.

Ўшанда ўзимдан хижолат бўлиб кетдим ва:

— Йўқ, бунга ҳожат йўқ... Бормаётганимнинг сабаби ҳозир қўлимда ўқиётган китобим бор — тугатиб мактабга топширай, сўнг сизникига бораман, — дедим.

Ўша кеча унинг таклифини айтиб, онамдан маслаҳат сўрадим. Онам бир неча дақиқа сукут сақлаб қолдилар. Балки, хусусий дарсларга боришимни ман

этган тунни ўйлагандирлар. Шунинг учун жавоб бермай, узоқ жим турдилар, мен яна такрор сўраганимда:

– Сенинг йўлингни тўсишни хоҳламайман, лекин ишнинг оқибати нима билан тугагини ўйламай туриб, сенга розилик беролмайман. Ўша шайх Умар “масончи”, буни ҳамма маҳалладагилар билади. Насронийлар юртига боради, мусулмонларнинг тилидан бошқа тилда гаплаша олди ва ҳеч ким билмайдиган катта китобларни ўқийди, – дедилар, сўнг: – Агар бораман деб туриб олсанг, на илож, биринчи маротаба сен билан бирга бораман. Унинг онасини танийман. Ёши бир жойга борган бўлса ҳам, яхши аёл. Одам танймай қолган бўлса ҳам, уни кўриб келаман, сен китобингни оласан ва бирга қайтамиз, – деб қўшиб қўйдилар.

Балки, ўша пайт шайх Умар “масончи” бўлгандир. Балки ундан ҳам баттарроқдир. Лекин, уйига кирганимда, биринчи бор кўзим тушган нарса бир соқолли чолнинг – отасидир ёки буваси – каттакон сурати эди. Ўша даврда сурат чизиш катта гуноҳлар қаторида ҳисобланарди. Нафақат маҳаллада, балки бутун Маккада бирон-бир суратхона, сурат босиладиган босмахона, на катталаштирадиган жой бор эди. Ҳеч ким деворга сурат осиб у ёқда турсин, бундай катта ҳажмдаги суратни уйига олиб киришга журъат этишни ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Ё тавба, қаердан олиб келган экан—а?!

Суратга анграйтганимча, остона ҳатламай жойимда туриб қолдим. Нима ҳам қила олардим – сурат осилган жойдан фаришталар чиқиб, шайтону жинлар кириб олмайдими?! Иккиланаётганимни сезиб, шайх мен томонга келиб қўлини узатди. Биринчи маротаба қўл бериб кўришимим. Узатилган қўлнинг шубҳаланарли жойи йўқ эди. Мен ҳам икки қўллаб кўришдим. У кулиб: – Бу отамнинг сурати. Бир неча йил аввал Лондонга сафар қилганимда олдирган эдим!.. Ажаб?! Онам тўғри айтган эканлар, эҳтиёт бўлишим керак.

Ўша куни шайтонлар маскан қилиб олган хонада ўтирмасдан, учта китоб олиб чиқдим. Афтидан, у ҳеч нима сезмагандай эди. Чиқиб кетаётганимда эса – “Китобларни ҳар бирини ўқиб чиққач, битта–битта олиб келасан, фақат кутирмасдан”, – деди. Айтганидай қилдим.

Ўқиб бўлган китобни тошширгани борганимда, бирор марта ҳам қолишимни ёки ўтиришимни сўрамади. Салом-алиқдан сўнг китобни бериб кетаверардим. Бироқ, учинчи китобни тугатиб олиб борсам, бирпас ўтиришимни сўраб, бошқа китобларини кўрсатди ва хоҳлаганимни танлаб олишимни айтди. Ўша куни у билан бир пиёла чой ичиб, бир неча дақиқа суҳбат куришга мажбур бўлдим. Мен шундай қилишга олдиндан тайёр эдим. Лекин у жилмайишдан у ёғига ўтмасди. Унинг бу жилмайишига вақт ўтиши билан ўрганиб қолдим. Баъзида ёққан бўлса, баъзан эса ундан нафратланардим, чунки бу жилмайиш кўпинча ўша – “Туя тушунмаса, менга нима” иборасига тенг келарди.

Кунларнинг бирида ўқиб чиқилган китоблар ҳақидаги фикримни ва улардан бирининг қисқача мазмунини айтиб беришимни сўради. Мен бир таржима қилинган романи қисқача гапириб бердим. Хурсанд бўлиб кетганидан юзидаги ўша жилмайиш йўқолиб, кўзлари ёниб кетаёзди.

Ўша суҳбат ниҳоясида у мени ичкаридаги бошқа хонага бошлаб кирди. Ҳа, инсон ҳаёлига келмайдиган нарса. Юзлаб нафис жилдли китоблар ёғоч токчаларга ажиб тартибда устма-уст терилган. Э, қойил-е, “масончи”!

Қўли билан бир қатор китобларга ишора қилар экан:

– Бу қадимги шеърый девон, мана буниси муҳожирларнинг шеърларидан – муҳожирлар сўзининг маъносини албатта тушунмаганман. – Бу китоблар фалсафага, буниси риёзийга оид, мана булар таржима қилинган роман ва ҳикоялар. Лекин, негадир китобларнинг каттагина қисмига изоҳ бермасдан ўтди. Мен ҳам индамадим. Шу пайтгача бу қадар кўп сонли китобларнинг бир жойда жамланганига кўзим тушмаган эди. Ҳатто мактаб кутубхонасида бу ерда кўрганимнинг арзимас қисми ҳам йўқ. Уйимизда эса ақалли бирорта ҳам китоб йўқ. Нима қилишимни билмай иккиланиб турган эдим ҳамки, у:

– Шу китоблар ичидан хоҳлаганингни олиб ўқишинг мумкин, тугатгач, жойига қайтариб, яна бошқасини олишинг мумкин, деди. Чурқ этмай жойимда

қимирламай турар эдим, у эса қўлини чўзиб, китобларнинг бирини олди—да, менга узатиб:

— Мана буни ўқи, — деди...

Кундан—кунга ўша “масончи”га нисбатан бўлган қизиқишим ортиб борди. Тавба қилдим—у, у билан унинг махсус хонасида бирга ўтира бошладим, бир пиёла чой устида у ёки бу китоб ҳақида гаплашар эдик. Энг қизиғи, девордаги ўша катта сурат мени безовта қилмай қўйди. Шунга қарамай, кунларнинг бирида ундан ҳаром бўлган нарсани қандай қилиб илиб қўйгани ҳақида сўрадим. Тўғридан—тўғри саволимга жавоб бериш ўрнига мендан “шу суратга ибодат қилиш ҳақида бирор марта ўйлаганмисан?” деб сўради. Сўнг суқунатта ботди, Ҳар сафар шундай қиларди. Кўплаб савол берган кезларим тўғридан—тўғри жавоб бериш ўрнига савол билан мурожаат қилар ва ўша ғаройиб жилмайишини кўймасди.

Кунларнинг бирида у менга:

— Мени шайх Умар эмас, устоз Умар деб чақиргин, — деди.

Кейинчалик унга фақат устоз деб мурожаат қиладиган бўлдим. Ўша кундан бошлаб, бир неча йиллар давомида мен устоз деб чақирадиган ягона инсон ўша киши эди. Мен уни ҳақиқатан устоз деб билардим.

Ундан қанча китоб олганимни ҳозир эслолмайман, улар жуда кўп эди. Ҳаммасини ҳам ўқимасдим, бошпидан бир неча варақ мутолаа қилиб кўрар эдим, мабодо ёқса, давом этардим, акси бўлса, қайтариб, бошқасини олардим.

У бунга қаршилик кўрсатмас, балки нимани хоҳлашимга қараб, китоб танлашиб юборарди. Олди—бердилар давомида кўп суҳбатлашардик. Айниқса, мактабда эшитганларим, ҳаром—ҳалол масалалари, шунингдек, нима жоизу нима ножоизлиги ҳақида фикрини сўрардим. У кўп гапирмасдан лўнда қилиб жавоб берарди. Бир куни синфда бўлиб ўтган тортишувли муаммонинг ечимини ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлдим. У менга бирор фикр бериш ўрнига қўйидагича жавоб қайтарди:

— Сен билмоқчи бўлган кўп ишлар, инсон ақлининг нақадар четараланганлигига далолатдир, — деди—да, жим бўлди. Нима демоқчилигини мен ҳам тушунмадим, у ҳам сукут сақлаганча, бошқа лом—мим демади.

Ўша вақтда, яъни ўқишни битираётган йилим, озми—кўпми ижодимни қоғозга бита бошладим. Билмадим, уни шеър деса бўладими, насрми ёки ривоятми? Лекин бирортаси ҳам ўзимга ёқмагач, йиртиб ташладим. Сўнг машҳур мақол—маталлар қолишида ўзим шунга ўхшашларини ёза бошладим. Ҳатто анча—мунчаси қўлимда тўпланиб қолди. Лекин баъзи бир “Карвондан қолган керакли жойга ҳам бора олмайди, юк ортилган елканни ҳам аямайди” каби маъносига тушуниб етмаган мақолларга ўхшашини ёза олмадим.

Кўйидаги ибораларни ёзганимни эслаймаман. Масалан: “Тарчи тилинг калта бўлса ҳам у сеники” шаклида “Бурнинг кесилган бўлса ҳам у сеники” га ўхшаш, яна “На у ёғлимас, на бу ёғли” га монанд: “На китобда ва на қўчада”, яъни шахсий ҳаётда ва мактабда иши юришмайдиган одамга нисбатан айтилади. Шу даражага етдимки, чўнтагимнинг бири оқ варақлар билан тўла бўлса, иккинчиси мисол—маталлар билан лиқ бўларди. Кези келганда доимий қайтариб юришим учун ёки янги фикр келса дарҳол ёзиб қўйиш учун ҳаминша ёнимда олиб юрардим. Катта—катта ижодкорлар каби, Аллоҳ дилимга солган, тунда ҳам келган фикрни ёзиб қўйиш учун қоғоз билан чироқ ахтариб, кечкурун тунайидиган пашшахонамни ҳам тарк этардим. Ўз ишимга шу даражада киришиб кетган эдимки, мен ёзган ҳар қандай ҳолатда айтилган ва айтилиши мумкин бўлган айнан ўшандай мақол—маталлар тўплами юзтагача етиб боради деди. Лекин буни биров кўрмаганидан мен хурсанд эдим. Ўзим эса ижод асирига айланиб қолгандим; кўнглим гурурга тўла, чўнтақларим қаппайган, ўзимга—ўзим: “қанийди билсаларинг”— деб кўярдим. Бу ёзганларимни тузатиш — қўйиш, олиб ташлаш, тўғрилаш амалиётлари йўқ деганда кунда бир маротаба бўлса ҳам бажариларди. Ҳатто, кунларнинг бирида ижодий адабий ишим қониқарли даражага етганлигидан қаноат ҳосил қилиб, намуналаримни олганча, у ерга — устозникига йўл олдим. Фахру гурурдан ичим тўлиб отилиб кетай деяётган бўлса—да, устозга тавозе ва хижолатда ёзганларимни кўрсатдим. Бир лаҳзадаёқ

ўқиб, табиийки, мени мақтов уммонига кўмиб ташлашини кутган эдим. Лекин у бир четга қўйиб индамади. Бу ишидан кўнглим у қадар оғримаса—да: “Қандай қилиб инсон бу нафис ижодни четга суриб, кўришни кечиктириши мумкин?”— деган савол мени қийнади. Лекин у шундай қилди.

Эртаси куни устоз билан кўришиш ҳаётимдаги кундалик дастурнинг бир қисмига айланиб қолган одатим бўйича устозникига бордим. У қоғозларимни лом—мим демай, ҳеч бўлмаганда бирор сўз айтмай қайтариб берди. Бироз кутдим, лекин фойдасиз, жўнаш олдидан барибир фикрини билмоқчи бўлиб:

— Ёзганларим сизга ёқдими? — дедим.

Менга узоқ тикилиб:

— Оригиналлик йўқ. Ҳаммаси машҳур мақоллардан кўчирма. Ўзингдан келиб чиққан ҳолда ёзишга ҳаракат қил.

Бу кутганимнинг охири эди. Шунча куну тунлар саҳифа кетидан саҳифа қоралаб эшитганим — “Ёзганларингда оригиналлик йўқ!” — деган гап бўлди. Нафратим ошганидан — “Қани кўчирма бўлса ҳам ўзингиз ёзганингизнинг бирортасини кўрсатинг—чи!” деб юборай дедим, лекин бундай қилмадим. Энг ёмони шуки, у вазиятни юмшатиш ёки бахтсизликни баргараф этишга ҳаракат ҳам қилмади. Тошдек турган жойда қотиб тураверди. Асабларим таранглашганидан тер босиб, панжаларимни биринг—кетин қарсиллата бошладим. Ортиқ тура олмадим. Қоғозларимни олиб, тезда эшик томон йўл олдим. Шундай бўлса—да, у ҳамон жойида қимирламай турарди. Ўша куни уни қанчалар ёмон кўриб кетдим! Қилган қилмишига яраша жазо сифатида инсонга етиши мумкин бўлган барча азиятларга дучор бўлишини хоҳлардим. Ўзимга ўзим: “Бу фақат “масончи”нинг кўлидан келади! Бошиданоқ у билан онамнинг насиҳатларига қулоқ солиб алоқа қилмаслигим керак эди”, дердим. Ўша куни кечқурун, авзойим бузуқ, дилим яраланган, кимга дардимни айтишимни билмасдим. Онам ўнлаб халқ иборалари ва мақолларини ёддан билсалар—да, ижодкорлик борасида ҳеч нарсани тушунмас эдилар. Ўша тун уйқусиз ўтказган санокли тунларимнинг бири эди. Аслини олганда ўзим уйқучиман, бошим ёстиққа тегиши биланоқ ўтган кечаси кўрган тушимни кўришни давом эттираман. Лекин бу туннинг катта қисмини ичимда у билан жанжаллашиб ўтказдим. Учратганда айтадиган гапларимни кўнглимга тутдим, лекин лабларидаги ўша ғалати жилмайиши кўз олдимга келиб, тузган режаларим барбод бўлар эди. Яна бошидан бошлар эдим. Бундай адоватли муносабатнинг сабабини қидиришга уринардим. Бироқ бирор гап ёки бирор иш билан кўнглини оғритганимни эслай олмадим.

Табиий ҳолки, ўшанда унинг ҳақлиги ҳаёлимга ҳам келмаган экан. Бу эса инсон ҳаёлига келадиган охириги фикрдир. Ўйлаб—ўйлаб, охири “Бу “масончи” қилган ишимга ҳасад қилаётти, шунинг учун ўзининг кўролмаслигини тенгсиз ижодимни камситиш орқали ифода этишни хоҳлади”, деган фикрга келдим. Бу фикр бир оз бўлса ҳам кўнглимга таскин бергандай бўлди, лекин асаблар таранглигини бутунлай ёзиб юбормади.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб мен ҳис қилган қайғу енгиллаша бошлади. Бир неча кун ташлаб қўйган ибораларимни — ўша бойликларимни яна чўнтагимдан олиб, тўғрилаш, яхшилаш, қўшиш, олиш каби ишларни ҳеч нарса бўлмагандай давом эттирдим.

Табиийки, унинг уйига бориб, китоб олмай қўйдим. Охириги олган китобни онамдан бериб юбордим. Алоқани узганим уларга ёқиб тушгандай кўринди. Лекин уларнинг хурсандликлари ўша пайтда нима сабабандир менинг кўнглимни оғритганини билмайман. Ўқиб учун у ҳар куни ўтадиган ўша тор кўчанинг муюлишидан бошқа жойни топишим керак эди. Кўп ўйлаб, онамдан ўша торкўча ва деворлар оралаб ўқишда давом этмаслигим учун, уйимизда боридан каттароқ шамчироқ ёки қорачироқ олиб беришларини илтимос қилдим. Олиб бердилар ҳам.

19

Маҳалламизда — дунёнинг бор маҳаллаларида бўлгани каби — бир тўда тентаклар борлиги билан у Гамбургнинг “Рибербан” ёки Парижнинг “Мон Парнас” кварталларидан деярли фарқ қилмасди. Фақат номланишларида бироз

фарқ бўлиб, Парижда уларни кўпинча “ижодкорлар” деб аташса, бизда “аҳмоқлар” ёки юмшоққина қилиб “касаллар” деб аташарди. Бундан бошқа кўпгина феъл-атворлари ҳам ўхшаб кетади, шунингдек, кийим-кечакалари ҳам кўпи ямоқли. Парижда энг сўнгги замонавий кийимлар модасига мувофиқ равишда улар янги кийимларга турли рангдаги эски кийим бўлакларидан ямоқ солишар эди. Бу эса олдинги — ямоқ бир кун келиб асримиз белгисига айланади деган башоратимни таъкидлади. Ана шу безориларнинг баъзилари, табиийки, бизнинг маҳаллада расм солишни хуш кўрардилар. Жамият уларни раббатлантириш борасидаги ўз вазифасини бажармагач, улар тижорат мақсадида келтирилган кўмир парчалари билан деворларга расм чиза бошладилар. Талабдан кўра таклиф кўшиги уларнинг ишларини ҳайрон қоларли даражада осон этарди. Расмларига назар солган киши ҳайратдан ёқа ушларди. Чизилган суратларни “янги борлиқ” деб номласа бўлади, чунки кўпинча улар яланғоч одамлар бўлиб, овраглари ҳатто ўша машҳур туг барги билан ҳам беркитилмаган. Ўша тентаклар чизган баъзи суратларни “ифода этиш санъати” деб ҳам аташ мумкин, чунки улар ўзлари чизаётган мавжудотлар жисмининг у ёки бу аъзосини катталаштириб чизардилар. Ижодий жараёнлари тугагач, бирор мактаб ўқувчисига у ёки бу расм остига бошқа безори биродарининг исмини ёзиб қўйишни буюрардилар ва бу ярамаслар ўша исм ўрнига кўпинча бошқасини алмаштириб кўярди. Натижада ўша ижодкор ва расм ёнига исми ёзилган безори ўртасида жанжаллар чиқарди. Бу жанжал аксарият ҳолларда исм соҳиби ижодкордан исмини ўчириб ташлашни талаб қилиши, ижодкор эса — бу сенинг исминг эмас, бошқасининг исми, — дея ўжарлик қилиб туриб олиши билан тугар эди. “Ўқишни билмайсанми? Жинни—пинни эмасмисан?” — деб дўқ ҳам уриб кўярди. Энг катта жанжал энг қувноқ, табиийки, энг тентак ва эътиборни қаратадиган даражадаги энг барзанги безори ўртасида содир бўлди. Гўё у бошқа сайёра махлуқи—ю, бир неча йил аввал бу оламни босиб олишни бошлагандай эди. Мазкур тентак икки одамни беҳаёларча ёнма—ён турганини чизган. Одатдагидай ярамас мактаб ўқувчиларининг бирига бошқа бир безорининг исмини расмнинг остига ёздирган. Ўша ярамас унинг айтганини қилиб, маҳалладаги жанжалкаш ва зўравонларнинг каттасининг исмини ёзади. Исм соҳиби кўриб, чизган безорининг сочидан ушлаб тили билан ялаб ўчирмагунча қўймайман дея қасам ичади. У безори “қилмайман” деб туриб олади ва қаттиқ қаршилик кўрсатади. Одамлар, болалар тўпланadi. Баъзилари ўша безорини душманини уришга ундасалар, баъзилари иккинчисига далла бериб туришарди. Маҳалланинг аксар ақллари — улар кўп эмасдилар — “ла ҳавла ва ла қуввата”ни айтиб, икки безорига: — “Ақлларингни йиғинглар!” — деб насиҳат қилиб ўтиришарди.

Безори қандай қилиб ақлини йиғсин?!

Ва ниҳоят, муаммо безори рассом ўша ёзувни агар исм соҳиби унга икки ҳалала¹ берсагина, ялаб ўчиришини айтиши билан ҳал бўларди. Ўша даврда икки ҳалалага бир стакан узум шарбати келарди. Газли ичимлик заводлари ихтиро қилинишидан олдин роҳатбахш ичимлик сифатида сотиларди.

Ўша пайтлар бир вақтнинг ўзида икки хислат — ҳам тентаклик, ҳам кўрликни ўзида жам қилган “ракета” лақабли маҳалланинг энг машҳур зўравони бўларди. У даврлар ракета нима эканлигини билишмаса—да, кўр бўлишига қарамай ҳаддан ташқари тез юриши сабабли у шундай ном билан танилган эди. Ҳассасини олдига ўтказиб олиб, йўлида тўғри келганга — одамми, ҳайвонми — барибир урилиб кетаверарди. Айниқса, ат-Тафарон яланглигидаги бир саф бўлиб молларини сотаётган савдогарларга урилар эди. Бирор одам ёки нарсага тўқнашиб кетгач, баланд овозда: “Нима бало, кўрмисан!” — деб бақирарди. Юқоридаги гапи инсонлар, ҳайвонлар ва нарсаларга нисбатан ҳам бир хил қўлланаверар, сўнгра тўқнашув ҳолатига қараб ўнг ёки чап томонга бурилиб, йўлида давом этарди. Юқоридаги ҳодисалар содир бўлгани сабаб қанчадан—қанча жароҳатлар— у зарбалар олганига қарамай, барибир инсонлар ва жониворларга нисбатан муомаласини ўзгартирмади. Балки буларнинг ҳаммасига унинг бошида Аллоҳ яратган инсонлар миясида мавжуд бўлган олдиндан огоҳлантирувчи жиҳознинг этишмаслиги сабабдир. Маҳалламиз катталаридан бирининг эшаги билан бўлиб

¹ Ҳ а л л а — саудия пул бирлиги, бир риёл юз ҳалаладан иборат. (Таржимон изоҳи.)

ўтган тўқнашув унинг кўринмай кетишига сабаб бўлди. Айнан ўша тўқнашув эмас, балки ундан кейинги бўлган воқеа унинг кўринмай кетишига сабаб бўлди. Ўша тўқнашув натижасида эшак тентакка тихирлик қилади. Зўравон ҳам эшакнинг қулоғини чунонам тишлайдики, натижада узилиб тушишига сал қолади. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг эшак эгаси полициячига шикоят қилади, у кўрни жиннихонага олиб бориб тоштиради. Ўша—ўша у ҳақда бирор хабар йўқ.

Борди—ю, ўшанда бизда ҳам ахборот ёки журналистикага оид университет бўлганида эди, бу ҳаётгий воқеа эслашга арзийдиган журналистика хабари сифатида ўқитилган бўларди. Инсон эшакни тишлаб олиши ҳақидаги хабар ҳар кунни ҳам учрайвермайди. Бу билан четдан кириб келаётган фикрлар акс этирадиган мисолларга ҳожат қолмасди. Масалан, бир руҳонийнинг игни тишлаб олгани ҳақида, бу ҳам журналистнинг берган хабари, аксинча, ит руҳонийни тишлаб олганда нима бўларди?

Вақти—вақти билан бўлиб ўтадиган бу каби баъзи воқеалар маҳалла кундалик режасининг ажралмас қисмини ташкил этган ва маҳалла аҳли билан анча дўстона алоқада бўлган “худо ярақаганлар” феъл—атворининг натижасидир, албатта. Баъзилари эса маҳаллага вақтичоелик онларини тақдим этадилар. Маҳалламизда биринчи бўлиб муסיқий гуруҳ тузганлар ҳам ана ўшалар. Бир нечтаси тўшланиб, мазкур гуруҳни тузишга қарор қиладилар. Бўшаб қолган бочкалар ёки четдан ичимлик олиб келинган тунука банклар улар учун муסיқа асбоби вазифасини ўтайди. Ҳар кунни аср пайтида ўша ялангликда туриб олиб, “бочка”ларни калтаклар билан чалардилар.

Ҳар хиллик киритиш кераклигини сезишгач, уювлари — улар учта эди — “цирк” группасини ташкил қилдилар ва турли—туман ўйинлар — ҳаракатлар намоийиш эта бошладилар: бир—бирларини устма—уст кўтарардилар, учинчиси ҳам бўй—бастини ростлагач, “Аллоҳ мадад берсин” — деб бақирарди, бу гапни нима мақсадда айтаётганини ҳеч ким билмасди. Энг кулгилиси шуки, — агар шу кулгили бўлса, — бу кўтариш амалиёти мантиқий кечмас, яъни тўладан келгани қолганларини кўтариши ўрнига акси бўларди. Булар тентаклар эмасми?! Ва ниҳоят, намоийиш тутагач, кўтариб тургани елкасига минган “жиннилар”га таҳдид қилиб, баланд овозда бақирарди.

Жамоа намоийишдан ташқари алоҳида дастурларда тентакнинг у ёки бу ўртоғини кўтариб юришидан ич—ичидан роҳатлангани кўринарди. Шунинг учун кўпинча, уларни бирма—бир кўтариб ялангликдан қудуққача юз метр чамаси келадиган жойга тескарилаб югуришга ҳаракат қилиб борарди. Шу ҳолатда тўғри, яъни қадди букилмай етиб борса, марра уники, акс ҳолда миниб олганнинг ютуғи бўларди. Бу жинниларнинг ишлари ажойиб—да!

Уларнинг маҳаллага қилган хизматлари мақтовга лойиқ. Маҳалламизда бирор инсоннинг назрига вафо қилмаган ҳолати бўлмаган, чунки улар мана шундай маросимларда доимо ҳозир у нозир бўлардилар. Фитр—садақасини олардилар, тўй ва мотам дастурхонидаги қолган—қутган нарсаларни ҳам паққос туширардилар. Маҳалла кўтариш зарур бўлиб қолган у—бу нарсалар: қондаги гуруч, бир сандиқ чой ва шунга ўхшаш нарсаларни уларга кўтартирар эди. Биргина қўрқиб ёки улардан хавфсираб кўтаришга руҳсат бермаган нарсалари тўй жиҳозлари эди. Шунингдек, савдогарлар ўзаро ахборот алмашишда улардан фойдаланардилар: Мендан кўра фалончининг харидори кўпми, ёки унинг молидан у—бу нарса қолибдими, йўқми? Шунингдек, уларни баъзи бузғунчилик ишларига ҳам жалб этардилар. Бу эса халқаро терроризм ва бузғунчилик баъзи инсонларнинг асл табиатидан эканлигига далолат эди.

Икки бузғунчилик амалиёти бизнинг давримизда бўлиб ўтган. Маҳалламизга бошқа маҳалладан икки янги сотувчи келади ва маҳаллий сотувчиларга рақобат хавфи туғилади. Маҳаллий сотувчилар бу хатарни бартараф этишда икки зўравонни ишга соладилар. Улардан бири қатиқ ва қаймоқ тўла сават кўтариб олган сотувчининг изидан боради, сотувчи ва тентак Сафо айвонининг энг қоронғу ва тор ичкарасига етиб келганларида, тентак сотувчининг биқинига чунонам урадики, мувозанатини йўқотган сотувчи қўлидаги қатиқ ва қаймоқ солинган саватини тушириб юборади. Натижада молдан зарар кўради. Безори эса уч—тўрт қадам нарида туриб олиб “ла ҳавла ва ла қуввата”ни айтар экан, уни бу маҳаллага — жин ва ажиналар маконига — қайтиб келмаслигини уқтиради.

Иккинчиси эса, маккаликлар кечки овқатда севиб истеъмол қиладиган таом — “мақлия” ни пишириш учун тайёрлаб қўйилган, ичида доғланган ёғи бўлган товага бир челак ифлос сувни қуйиб юборади.

Ўшаанда биринчи марта ёши бир жойга борган соқолли инсоннинг йиғлаётганини кўришим эди, у, эҳтимол, сармоясининг нафақат бир қисмидан, балки ҳаммасидан айрилганидан куюниб йиғларди.

Табиийки, ўша воқеадан сўнг бу икки сотувчидан бири иккинчисини якка қолдирган ҳолда ўзининг олдинги маҳалласига қайтиб кетади. Натижада маҳалла сотувчилар ўртасидаги рақобатнинг фойдали томонларидан баҳраманд бўлолмайди. “Отлар ўзаро чопишса, отликлар хурсанд бўлади” дейдилар-ку.

20

Яқин орада ихтиро қилинган нарсалар қатори, руҳий муаммолар ҳали ихтиро қилинмаган эди. Шунинг учун ўша тентакларни у ёки бу руҳий муаммоларга тааллуқли деб баҳо ҳам беролмаймиз. Лекин, гап улар ҳақида борар экан, ҳар бир нарсанинг сабаби бўлгани каби, уларнинг бундай ҳолатга тушишларининг ҳақиқий сабабларини ахтариб кўрамиз. Шуниси ойдин бўладики, уларнинг бу ҳолатга тушишларига камбағаллик сабаб бўлган.

Ана шундай ҳолатлардан бири “рўшон”¹ — “балкон” дардига мубтало бўлган шоиртабиат, ашулаю кўшиқ хиргойи қилиб юрувчи тентак бўларди. У қуйидаги кўшиқни кўп қуйлар, одамларнинг юрагини эзиб юборарди:

Гар қазо қилсам, аё дўстлар,
Кўмингиз мени ўша бурчаги “Рўшон”га.

“Рўшон” эса бойлик ва мансаб рамзи бўлиб, баланд—баланд бинолар қад кўтаргани сари, “рўшон”лар ҳам кўпаяр, бечора тентакларнинг эса ҳасадлари янада ошарди. Маълумки, камбағал ночорлар фақат бир қаватли, бир ёки кўпи билан икки хонали камтар уйларда истиқомат қиладилар. Уй ичида бўлса бир ёки иккита курси, бўлмаса у ҳам йўқ. Шундай руҳий ҳолатнинг юзага келишида “рўшон”нинг орқасидагилар сабабми ёки “рўшон”нинг ўзи — ёғочлари, нақшлари ва ҳамма нарсалар қатори йўқ бўладиган ўткинчи буюклиги сабабми буни ҳеч ким айтиб бера олмайди.

“Фул”² кўпчиликнинг, балки ҳамманинг, севимли нонушгаси бўлишига қарамай, фул муаммосини ўша маҳаллада учратдим. Ёш, кучга тўла бўлган тентак “фул жинниси” ҳар куни эрталаб маҳалладаги фул сотувчисининг олдига келар, дўкон ташқарисида эса узун хонтахта қўйилган бўлиб, бир неча пастаккина ерга тегай деб турган ўриндиқлар ҳам бор эди. Хўрандалар уларга бирин—кетин ўтирардилар. Улар йиғилиб, ўриндиқлар тўлай деганда ҳалиги тентак ҳам қўлтигига ҳар доим бирор нонвой эҳсон қилган иссиқ нонни қистириб келиб қоларди. Иштаҳа қитиқлайдиган ўша таомларнинг ҳиди таралаётган дастурхон олдига етар—етмас нонидан бир тишлам узиб, ҳар бир хўранданинг олдидан бир метр ёки ундан кўпроқ баланддан ўтар экан, биринчи хўранда товоғидан, сўнг иккинчи нон бўлаги билан иккинчи товоқдан ҳавода теккиза бошлар эди. Бу каби ҳаводан бўладиган шерикликдан ҳеч ким моддий зарар кўрмаса—да, лекин кўпчилик хўрандалар уни — тентакни назарда тутяпман — сиздирмасдилар ва бақир—чақир бошланарди. Тентак эса:

— “Худо йўлида, фақат бир луқмагина эҳсон қил”, — дея ўзиникида туриб оларди. Кўринадики, мана шундай ҳаво йўли орқали “ҳид” билан овқатланиш унга ҳузур бахш этар ва тўхтовсиз ҳар куни шу ишини моҳирона бажарарди.

Бизнинг замонамизда ҳам ҳозиргидек жойларда тадқиқот олиб борувчи илмий ходимларнинг ўндан бири бўлганида эди, улар ўтмиш хотирага айланмай, “худо ярлақагурлар”ни бир жойга тўшлаб, одамларни улар билан яшаш,

¹ “Рўшон” баланд иморатларнинг балкони, бу балконлар тўсилган бўлиб, унинг кичик-кичик тирқишларидан балкон ортидагилар ташқарини кўриши мумкин, лекин ташқаридагилар уларни кўра олмайди. (Таржимон изоҳи.)

² “Фул” — ловияга ўхшаш дон маҳсулоти, шу маҳсулотдан тайёрланадиган таом. (Таржимон изоҳи.)

шунингдек, улардан фойдаланишдек имкониятдан маҳрум этишларидан олдин ўшанда кенг тарқалган камбағаллик муаммосининг турли кўринишларини қайд эта олган бўлардилар.

Инсоннинг энг олий қувватидаги у ёки бу тартибсизликлар шакл ва рангларда ўзгариш содир бўлганидек, инсоннинг ашёлар ўртасидаги алоқасининг ўзгаришига сабаб бўлган бўлиши керак. Шунинг учун, бу тоифа одамлар нарсалар ва шахслардаги бошқалар кўра олмайдиган жиҳатларни кўришади, шундай экан, уларнинг атрофга бўлган муносабатлари, бизникидан фарқ қилади.

Маҳаллада кекса, сўлиб қолган, тишлари сўйлоқ бир хабаш кампир бўларди. Тентаклар олдидан ўтиб қолгудай бўлса, уларнинг бири:

– “Вой қизил яноқларингдан, мунчаям мулойим, мунчаям чиройли бўлмасанг”, – деб бақириб қоларди.

Ким билади, тентакнинг замонни ҳис этиши бизникидан бошқачадир? Балки, улар замон кенглигидаги биз кўрадиган бир лаҳзадаги муддат ичида биздан кўра кўпроқ ашёларни кўришга қодирдирлар? Балки, ўша кампирга нисбатан айтилган “қизил яноқлар”, “гўзаллик” эллик йил олдинги ёшлигидаги гўзаллигига мос келар? Бизнинг назаримизда ҳамма нарса ўчиб кетган бўлса ҳам, тентаклар учун ҳаммаси ўз ўрнида қолган ва буни фақат уларгина кўра оладилар.

Балки, илгари бундан юз йиллар олдин ва ҳозирда эллик–олтмиш йиллар олдин соғу носоғни, тасаввуф билан жазавага тушишни аралаштириб юборганимизнинг сабаби шудир. Баъзи тентакларга улар “Аллоҳга яқинлар” деб муомала қилдик. Улардан хайр–барака қидирдик, шунингдек, у ёки бу сабаб билан бизни дуо қилишларини сўрадик.

Ўзим сезмаган ҳолда қалбимда ўса бошлаган ва биринчи бор ўша қимматли мақол–маталларни мева қилиб берган ижод уруғи яна ўзим сезмаган ҳолда жимгина ривожлана борган бўлиши керак. Нағижанда мени қисса ёки баъзилар атагандек роман ёзиш фикрига ундади. Ўзим ўқиган, таржима қилинган романлар қолипиди. Лекин нима ҳақида ёзаман? Ўқиган романларимнинг ҳар бирида бир ёки ундан кўпроқ эркак ва аёл қаҳрамонлар бўларди. Аёлларга келсак, ҳаётимда бирор бегона аёлни кўрмаган бўлсам. Онам ва холам мен учун аёл эмас. Шундай экан, аёлларнинг фикрлашлари–ю, юриш–туришларини мен қайдан билай? Аёл сўзини “а” ҳарфи билан бошланишини, бу сўзнинг турланишини яхши билишим уларни яқиндан билишимга далолат эмас. Кўп ўйлагач, қисса мавзуси ва қаҳрамонларидан олдин унинг номини қўйишга қарор қилдим. Ҳаётимдаги аксарият соат ва лаҳзаларни уйнинг томида, сокин тун, порлоқ юлдузлар суҳбатида осуда ва шоирона ўтказишимни эътиборга олиб “Томдаги тунлар” деб назаримда ниҳоятда мос кўринган ном танладим. Бора–бора миямда хамиртуруш – асар қаҳрамони шакллана борди, сўнг уни қоғозга туширдим. Қаҳрамоним ёш, ўта ҳиссиётли ўсмир бўлиб, ҳатто ой нуридан ҳам таъсирланадиган бўлади. У “Ой жинилари” касаллигига йўлиққанлар асари мисолида бўлиб, ўша кунларда мен улар ҳақида ўқиган эдим. Воқеалар шундай ривожландики, ўзим ҳам ҳайрон қоладиган даражада жуда кўп саҳифалар қораладим. Ўша йигитнинг изгирубун кечинмалари қаердан келди? Унинг ҳаётини ёзишни бошлашимдан олдин ҳаётимга ҳам келмаган бу каби тартибли ёзишимга қандай имкон бўлди? Шундай қилиб китобнинг биринчи боби ниҳоясига етди. Шериятнинг энг гўзали унинг энг ёлғони деган фикр бошқа жанрларга ҳам мос келиши мумкинлигига имоним комил бўлди.

Биринчи бобдан кейин “Шайхнинг эшаги тоғли йўлга келиб, таққа–тақ тўхтади”. Ёзувчилик ҳаётида иккинчи сабоқни олдим. Китоб бу сен хоҳлаган вақтингда ёзадиган нарса эмас, балки ёзувчилик шайтонлари сенга муваффақиятли йўлдош бўлсагина ёза оласан. Бахтга қарши йиллар ўтибдики, бу иш амалга ошмади.

Ўқиганларим ўзимга ёққач, ижод маҳсулимни устоз билан орани тиклаш мақсадида, менга қандай фикр билдиришидан қатъи назар, унинг олдига олиб боришга қарор қилдим. Ҳар ҳолда бу сафар “оригиналлик йўқ” деб айтмаса керак, айтадиган бошқа гап топар, кўрамаиз.

Бир неча кундан сўнг, энг ёмон гап эшитишга ҳам тайёр бўлиб борган эдим, лекин у мени кулиб, илиқ қарши олди. Лабларидаги олдинги ёқимсиз

жилмайиш ўрнини илиқ табассум эгаллаган эди. Мени кўрибоқ — илгари ҳеч қилмаган иш — мен томон юра бошлади. Қоғозларимни қайтиб берар экан, мени рағбатлантирувчи гаплар айтиб, кўнглимни олди ва ёнига бир китоб кўшиб берди. Унда “ёш, умидли Муҳайсинга биринчи ижод маҳсули учун муносиб совға” деб ёзилган эди. Ўша кун мен учун қутилмаган ҳол юз берди. Кўпи билан варақларимни танқид остига олиб қайтаришини кутган эдим. Лекин акси бўлиб чиқди — қабул қилди, мақтади, ёнига ўзининг исми ёзилган қимматбаҳо бир китобни ҳам кўшиб берганига нима дейсиз?!

Қиссани у ёки бу йўналишда тугатиш учун биринчи бобга бир неча боблар қўшиш йўлида кўп ҳаракат қилдим, лекин фойдасиз. Хўрознинг тухуми на укаси, на синглиси бор, ягона тухум бўлиб чиқди. Ҳар сафар устозни учратсам:

— Қолгани қани? — деб сўрарди. Мен эса жилмайиб:

— Йўлда, — дердим. Қанчалар узоқ экан ўша йўл!

Бир неча ҳафтадан сўнг “Томдаги тунлар” ҳам эсдан чиқди. Башорат қилинган умидли ёш Муҳайсин адиб бўлолмади.

Устоз билан алоқани узмадим. Ўқишнинг охирги йили эди. У билан бирга ўтадиган бир неча дақиқам кунимнинг энг гўзал онларига айланди.

Мана шундай зиёратларнинг бирида у ўғли Жамилни араб тилига ўқитиб беришимни айтди. Мен ҳам ўзим кутмаган ҳолда: “Сиз эса менга инглиз тилини ўргатасиз”, — дедим.

Бу фикр менга қаердан келди, ҳисоблаш машинаси билан ҳам кўра тез суръатда бу каби жавобни қандай бердим, ўзим ҳам билмайман. Айтишларича, инсоннинг ақли иккита бўлса керак — бири бизнинг хоҳиш—истакларимизни тасарруф қилса, бошқаси ўзиникини тасарруф қилади. Халқнинг бир гапи бор “Фалончи икки ақл эгаси”, яъни одатда бошқаларнинг хаёлига келмаган ишларни ва гапларни гапирадиган одамга нисбатан айтилади.

Устознинг ўзи билмаган ҳолда оғзи очилиб қолди. Ичимга севинч кирди. Балки, у мени тавозе билан узр сўрашимни кутгандир, сўнг яна қисташини, яна узр сўрашимни, яна ўқит дея сўрашини, мен эса “розиман—у, лекин нагизасига кафолат бермайман, шундай бўлса ҳам ҳаракат қиламан” дейишимни кутгандир. Балки, мени индамаслигимни, у эса ҳар ойда бир мажидий бераман дейишини ўйлагандир.

Турли эҳтимолларни ўйлаб, ўзини турли хил ўнлаб саволларга жавоб беришга тайёрлагандир, нима бўлганда ҳам, мен айтган гапни кутмаганлиги аниқ. Дунёда инглиз тили деб аталадиган тил борлигини биладиганлар сони маҳалламизда нол дона бўлса керак. Чунки ўша нол сонлилар бу тилни ўрганишга интилиш бўлиши мумкин бўлган нарса каби қарамасдилар. Сабаб: биринчидан бу тил насронийларнинг тили, иккинчидан бу тилдан фойда йўқ, агар фойдаси бўлганда эди, турли тилларни ўрганишга иқтидори билан машҳур бўлган Макка аҳли, улар қаторида мен ҳам, ўрганган бўларди. Мен ҳам ҳожиларнинг тилларидан бир неча тилда баъзи сўзларни яхши билардим. Ҳозир ҳам Нигерия халқининг “хауса” тилида “дайа, баю, акку, қўма, шишида”¹ деб санашни биламан. Ўзимни ҳайратга солган қилмишимдан лол қолиб, унга тикилиб турардим. Бир нарса дейишга қарор қилгандек бўлди—ю, лекин тўхталиб қолди. Бу эса менинг унга нисбатан катта ғалабам эди. Ва ниҳоят бир сўз:

— Розиман, — деди. Мен эса:

— Бир кун—бир кундан, яъни ҳафтада уч кун мен ўқитаман, уч кун сиз, жума иккаламиз учун дам олиш куни. У бошини ликиллатди. Шу тарзда ишни бошладик.

Ўғли Жамил билан маҳалла мактабида бирга ўқиганмиз. Айнан ўша Жамил Суфённинг Сафодаги полиция маҳкамасига мажбуран олиб борилишига ва ўша машҳур “туфлаш”га йўлиқишига сабабчи бўлган эди. Ҳа, у менинг синфдошим эди, лекин у даҳр қўлларини қулоғига қўйишга мажбур қиладиган шовқин тутул, дунёда пичирлашчалик бирон нарса қолдиришга қодир эмас.

¹ “Дайа, баю, акку, қўма, шишида” — Хауса тилида “бир, икки, уч, тўрт, беш”. (Таржимон изоҳи.)

Ростини айтганда, дунёнинг ўзи унинг мавжудлигини билмас эди. Агар устоз нариги дунёга кетмаганда эди, бу гапни айтишга журъат этмаган бўлардим. Ҳа, айтиш жоиз бўлса, Жамил “гўлча”, яъни кичкина гўл эди. Лекин устоздек одамдан қандай қилиб Жамилдек фарзанд туғилишини ҳеч ким билмайди. Балки Жамилнинг бирор томири узилиб қолгандир. Сарик туялардан қора туялар туғилгандек ёки марказга интилиши қоиласига мувофиқ юз бергандир. Рухшунос олимлар таъкидлашганидек, иккита ақлли инсонлар орасида никоҳ тузилса, туғилажак бола улардан кўра ақлпроқ бўлиш ўрнига акси, ақли камроқ бўлиб туғилар экан. Агар шуларни сабаб деб кўрадиган бўлсак, Жамил ҳам марказга орқага интилиш мойиллиги билан қайтган кўринади.

Табиийки, унга Ибн Моликнинг “Алфия”сини ўқитмадим. Ахир қандай қилиб ўқитай, у от билан феълнинг фарқига бормаса. Ниҳоят, дунёда феъл, исм каби сўз туркумлари борлигини билгач, “Бола шошилувчидир” жумласида шошилувчи сўзи феъл, гапнинг эгаси яширинган, деб гапда туриб олди. На мен, на устоз, на шовқинимизни эшитиб, ёпиниб келган Жамилнинг онаси фикрининг нотўғри эканлигини уқтира олмадик. Бу ҳолатдан устознинг қулоқлари қизариб кетди. Жамилнинг онаси ўғлининг фикрини ҳозирча мураса учун қабул қилишимизни ва келаси дарсдан Жамил албатта бизнинг фикримизга қўшилишини таъкидлаб, илтимос қилди. Исмнинг исм, феълнинг феъл эканини, бу борада асло мурасасозликка йўл қўймаслик кераклигини тушунтириб олгунимча қулоқларим қизариб кетди. Шунда онаси:

– Ҳаммаси Аллоҳдан, – деди.

Шунча ҳаракат зое кетди. Устоз эса олдиндан ҳам кўра таранг тутунни ечиш учун ёлғиз ўзимни қолдириб, хонасига кириб кетди.

Бир неча ҳафтадан сўнг келишувимиздан ўзаро алданганимизни ҳар биримиз ҳис қилдик. Устоз эса мажбуриликдан мени ўқитишни ўзига лозим деб топди. Ёдлаган сўз ва жумлаларим сони у кутгандан ҳам зиёда бўлди. Жамил эса ўша—ўша, бугун ёдлаган нарсасини эртасига эсидан чиқарарди. Онаси унинг қобилиятига яраша ўқитмаётганимни таъкидлаб “ла ҳавла ва ла қуввата”ни айтарди. Жамил бўлса, қайсарлигини кундан-кунга оширарди. Бир кун “да” қўшимчасини юклама деса, бошқа куни “от” деб туриб оларди. Устоз уйдан чиқар эканман, бош айланишга ўхшаган нарсани сезсам ҳам, дарс қолдирмасликка ҳаракат қилдим. Албатта, бунинг сабаби илми ёйишга бўлган интилиш эмас, балки келажакда маҳаллада устоз ва мендан бошқа ҳеч ким билмайдиган тилини ўрганишга бўлган қизиқиш эди.

Бошқа берилмас фурсатни қўлдан бой беришдан қўрқиб, тез суръатларда одимлардим. Жамил эса, икки йўналишда қадам ташларди: бир қадам олдинга, икки қадам орқага. Бироқ бир неча ой деганда Жамил борасида муваффақият қозондим. Бир неча сўзларни исм, феъл, ҳарф туркумига ажратилганда ўзаро келишадиган бўлдик. Лекин баъзи—баъзида ўзиникига қайтиб, гапирётганимни “тўғри эмас”, – дея мен билан тортишарди. Эҳтиёт чораларини кўрганлигим сабаб, ўз қўллари билан ёзиб, сўнгги қарор сифатида белгилаб қўйган ўша сўзларни дафтаридан топиб кўрсатардим. Ўзи қилган қароридан эса қайтиш йўқ.

Тузган шартномамизни устоз бекор қилмоқчи бўлганини сезгач, қарама—қарши стратегик йўл тута бошладим. Турланадиган сўзларни Жамил билан келишган ҳолда бирга қайтариб устоз хузурида амалий иш қилишга чақирардим. У ёки бу сўзларни сўрар эканман, ичимда “ишқилиб “масончи” доимо тортишувга сабаб бўлаётган бирорта сўз сўраб қолмасин”, – дея худодан сўрардим. Лекин ҳаммаси ўз маромида ўтди. Жамилга дарсхонамизга қайтишини айтиб, ўзим эса устоздан ўғли ҳақидаги фикрини билиш учун қолдим. Устоз бошини кўтарар экан:

– Ҳеч ким Жамилни ўз фикрига кўндиролди деб ўйламагандим. Мана сен бунинг уддасидан чиқдинг, – деди. Бироздан сўнг яна қўшиб қўйди: – Ўзим бу ишни энглай олмагач, сента мурожаат қилган эдим. Балки, тендошликларинг сабаб шундай бўлгандир.

Устознинг муваффақиятсизлиги ўғли ва ўзининг ўртасидаги ёшга боғлиқ бўладими йўқми, мен яна бир неча ой ўқитиш ва ўқишга қарор қилдим.

Ўша йил ниҳоясида талаба Муҳайсиннинг, яъни менинг мактаб билан бўлган алоқам ниҳоясига етди, ёки менга шундай туюлди. Ҳижрий XIV аср бошларида инсонга берилиши мумкин бўлган энг олий шаҳодатнома билан мактабни якунладим. Мактаб тантанаси ўтказилиб, одатдагидай, аълочиларга ҳадялар, битирувчиларга келаси ишларида муваффақиятлар тилаб, шаҳодатномалар топирилди. Йиғилишда кўпгина сўзлар гапирилди, илм ва жаҳолат ўртасидаги мунозараларидан иборат спектакль қўйилди.

Мунозара жаҳолат фазилати сифатида жоҳиллар ўз ақлларида дам бериб, роҳат қилиб, ҳаётдан лаззатланаётганликлари ҳақида кўплаб мисоллар келтирилгани, аксинча, илм аҳли ўз илми билан машаққатли меҳнат қилаётгани ва ҳ.к.ларга қарамай, илмнинг афзаллиги ва жаҳолатнинг устидан галабаси билан якунланди. Спектакль “Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?”¹ – деган оят билан якунланди. Жаҳолат ўз фикрини исботлайдиган бирорга оят тополмаганлиги сабабли оғзини очолмади.

Ўша кун ҳаётимнинг тўлиқ олти йили ўтган мазкур мактабни сўнгги бор кўряшман деб ўйлагандим. Ҳайҳот, бундай бўлмади. Тантана тугаб, йиғилганлар зални, яъни хонани бўшатар–бўшатмас мактаб мудирини кўлини мен томон ишора қилиб, олдимга кела бошлади.

– Эй бола, ҳой бола.

У бошқасини чақираётгандир деб ўйладим. Ахир қандай қилиб йил битирувчиларига шаънига айтилган шунча гаплардан кейин ҳам ўзимни боладай тасаввур қилай? Лекин у ишорасида давом этавергач, олдига боришдан бошқа чорам қолмади. Яқинлашганимда эса:

– Сен билан сенга тегишли бўлган масала ҳақида гаплашмоқчиман, эртага эрталаб идорамга киргин, – деди.

Мудир айтган ўша эртанги кун мен учун озодлик лаззатини ҳис этган ҳолда, муайян вақтда туришга мажбур қилмайдиган ва мактаб қоровули эшикни беркитиб қўйишидан олдин шошилиб боришдан қутулган биринчи тонг эди. Онам мени тантанали табриклаш мақсадида ўзлари “арика”² тайёрлаб ёққа ботирдилар. Шунингдек, тутатқичда чўғ қилиб, ёқимли “бахур”³ тутатдилар. Ўша кунни эсласам ҳали ҳам бахур иси димоғимга урилади. Тонг ёришгач, мудир олдига жўнашимдан олдин кичкинагина ўралган туғунни – унинг нималигини билмайман – чўнтагимга солар эканлар:

– Аллоҳ сени ёмон кўзлардан асрасин, – дея дуо қилдилар.

Идорага чақирилган бола, яъни мен кириб келдим ва мудир томон бордим. У кўли билан ўтиришга ишора қилди. Бир пиёла чой узатгач:

– Мактабда ўқитувчилик учун битта бўш ўрин бор, – деб, дарс бера олишимни ҳисобга олиб, мени шу ўринга тайинлашга қарор қилганини айтди ва, – ўқитувчининг иш ҳақи ойига ўн мажидий, – деб қўшиб қўйди. Сўнг сукут сақлади.

Йиллар мобайнида ёпиқ кўзларини биринчи бора очган одамдай унга ва қўлимдаги пиёлага узоқ тикилиб қолдим. Шуниси қизиқки, бу банда, яъни мен ўтган йиллар давомида ўқишни тугатиб бўлиб, нима қиларканман деб бирор марта ўйлаб ҳам, қизиқиб ҳам кўрмаган эканман. Нега ҳам қизиқай? Бунга сабаб онамнинг талабларимнинг кўпини сўзсиз бажаришларидир. Ҳайитда икки янги кўйлак ва бир пойафзал, мактаб учун дафтар ва кундалик харажатлар. Буларнинг барчасини ўз вақтида онам ҳозирини нозир қилардилар. Нонуштам, кечки овқатим доимо тайёр, шундай экан, қайси одам эртаси кунни ҳақида бош қотиради?

– Сенга нима бўлди, чурқ этмайсан?

Мен бўлсам бир нуқтага тикилиб туриб, “Аввал онамдан руҳсат сўраб кўрай” деб юборишимга сал қолди. Лекин бундай демадим.

¹ “Зумар” сураси, 9-оят. (Таржимон изоҳи.)

² “А р и к а” – миллий таом тури. (Таржимон изоҳи.)

³ “Б а х у р” – тутатиладиган, хушбўй ҳид тарқатувчи ёғоч парчаси, кукун ва аралашма шаклидаги молда. (Таржимон изоҳи.)

Мудир эса:

– Гапир, гапирсанг—чи. Ёки соқовмисан? — деди. Мен эса ўйлаб—нетмай:
– Мен бола эмасман, илтимос, мени бундай чақирманг, — дедим.

У олдинги сафаргидай ўнг ва чап ёнига қараб:

– Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан—а, — деди.

– Илтимос, бошқа ўқитувчиларни “бола” деб чақирмайсиз—ку. “Устоз”, ёки “шайх”, ёки “фалончи”, ё бўлмаса “мавлано” деб мурожаат қиласиз. Нима, мен Аллоҳнинг яратганларидан эмасманми? Ҳамманинг олдида “бола” деб чақирасиз?

У эса кафтини кафтига уриб:

– Ла ҳавла ва ла қуввата илло—билло, ҳозирги замон болалари, — дея гапида давом этди, — Муҳайсин, ўғлим, сен ахир болаларимдан ҳам кичкинасан.

Шунда мен:

– Ўғлим деб чақирсангиз—ку, майли, аммо бола деб...

– Яхши, ўғлим, кел, мавзуга қайтайлик. Сенга таклиф қилган ишим маъқулни?

Мен:

– Шу кунгача ҳаёлимга келмаган нарсани айтдингиз, эртадан сўнг бу хонани асло кўрмайман деб ўйлагандим. Мана ўзингиз уни яна менга боғлаб қўйдингиз. Келинг, бу янги вазифада ўзимни тасаввур қилиб кўришга вақт беринг.

У ҳеч нима тушунмагандай:

– Ўзингни тасаввур қилиб кўрасан? Бу нима деганинг? Ўқитувчилар жамоасига қўшил, десам—у, бошимни ўпиб, раҳмат айтиш ўрнига “ўзимни тасаввур қилиб кўрай” деганинг нимаси?

Бу тортишувдан фойда йўқлигини сезиб:

– Розиман, — дедим. У эса яна у ёқ—бу ёғига қараб:

– Розиман? “Раҳмат” дегин. “Худо хайрингизни берсин”, дегин. Розиман деганинг нимаси? Мен сендан розимисан, йўқмисан деб сўрадимми?

Шунда мен:

– Илтифотингиз учун ташаккур, — дедим.

– Ва ниҳоят, тилга кирдинг, — дер экан, пиёлага иккинчи бор чой қуйиб узатди ва:

– Мактаб эшиклари эртадан бошлаб беркилади ва иккинчи тур имтиҳон белгиланган вақтга қадар очилмайди. Сен эса ўзингга салла ва жубба сотиб олишинг ва ҳар куни аср намозидан сўнг “муовиним”, яъни ёрдамчимга учрашинг керак. У сенга ўқитиш йўллари ва талабалар билан ўзаро муомала масалаларида баъзи кўрсатма ва тавсияларини беради. Мана бу китобни ҳам кўриб чиқишинг керак, — дея қўлидаги китобни менга берди ва гапида давом этиб, — чунки сен грамматика ва ўқиш бўйича дарс берасан, сен учун амалий тайёргарлик бўлади. Имтиҳондан ўтолмаган баъзи талабаларнинг оталари билан сенинг уларга қўшимча дарс беришинг ҳақида ҳам келишиб қўйдим. “Баб ад—Дориба” олдида тўпланишади. У ерда ўша оталардан бирига тегишли қироатхона бор экан. Шомни ўқиб бўлгач, ўша ерга борасан—да, индиндан ишни бошлайсан. Ва ... ва... деганча, мен учун ажратилган режа ҳақида узоқ вақт тушунтирди. Сўнг:

– Бир ойда бир мажидий беришади, агар муваффақиятли ўтиб олишса, ҳар бир ота қўшимча равишда яна бир мажидийдан беради. Ўқитишни, худо хоҳласа, рамазондан сўнг бошлайсан. Уйимга келсанг, ўқитадиган фанингдан сени бир имтиҳон қилиб кўраман. Шуни доим ёдда тут, Муҳайсин, талабалар уч турли бўлади, — дея сўзида давом этиб, тўлиқ бир соат мобайнида талабалар ва уларнинг муаммолари, ўқитувчилар ва уларнинг ўзига яраша муаммолари, шунингдек, мактаб идораси муаммолари ҳақида гапира кетди. Мудир билан суҳбатлашар эканман, унга нисбатан бўлган фикрим бирдан ўзгарди. У мен ўйлаганчалик содда ҳам эмас, менга кўринганчалик калтафаҳм, қўпол ҳам эмасди.

Суҳбат сўнгида ўзи истаганидек пешонасидан ўпиб қўйдим. Чехраси очилиб:

– Бугун менинг тўртинчи ўғлим туғилди, — деб қўйди.

“Ажяд” маҳалласидаги отамдан мерос қолган уйимиз пастаккина бўлиб, эътибор тортадиган нарсаси йўқ эди. Лекин биз учун дунёда “бору йўғимиз” ҳисобланарди. Уйимизда, тўғрироғи, унинг бир қисмидагина яшардик. Кўпроғини эса Ҳаж мавсумида ижарага берардик. Онам ва мен йил бўйи ижарадан тушган маблағ ҳисобига бемалол яшардик. Ўтган йиллар мобайнида бирор марта ҳам бошқа одамга муҳтож бўлмаганмиз. Ортиғига ҳам эҳтиёж сезмаганмиз.

Уйимиз бир неча хонадан иборат бўлиб, жойлашишини тушунтириш биров қийинчилик туғдиради. Балки бу ернинг шаклига боғлиқ бўлса керак. Бизнинг еримиз ҳам бошқа ерлардан фарқ қилмагани ҳолда тўғри тўртбурчак ҳовлидан иборат эди. Кўчага қараган дарвоза томоннинг эни олти метрдан ошмасди, лекин ичкари томон эса ўттиз ва ундан ҳам ортиқроқ метр бўлиб, уй ичига кирсангиз, биринчи бўлиб узун ва қоронғу даҳлизни кўрасиз. Бир неча метр юргач, чап томондаги эшик меҳмонхонага олиб киради. Меҳмонхона катталиги тўртга тўрт метр узунликда, тўртбурчак шаклида бўлиб, ёнида ҳожатхона, таҳоратхона ва кичик зал, у ерда эса мағрибнинг каттакон сув кўзаси қўйилган. Уйимизнинг энг азиз ва кўпроқ фойдали нарсаси ҳам ана ўша кўза эди. Даҳлиздан яна бир неча метр юришда давом этсангиз, бошқа эшикни кўрасиз. У айтиб ўтилган меҳмонхона ва овқатланиш хонаси, ошхонаси, шунингдек, омборхонаси ўзаро боғловчи яна битта хонанинг эшиги. Ўша залдан очиқ айвонга чиқсангиз, асосий хона – ухлаш хонасини кўрасиз. Ҳозирги кунга солиштирадиган бўлсак, унинг шакли ажойиб бўлиб, на девори ва на шифти бор. Бор-йўғи учта супадан иборат бўлиб, кундузи усти очиқ, кечаси эса ёпинчиқлар билан тўшалар эди. Тонг ёришиши билан ёпинчиқларни йиғиб, тунука соябонли бурчакка кўяр эдик. Яна шунга кўшимча қилган равишда тўртга бурчакка тўртта мих қоқилганини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги замонда йўқ бўлиб кетган пашшахона ишларини ўша михлар ўзаро боғлаб турарди. Пашшахона эса тун бўйи гўнғиллаб ёпирилганча келаётган искабтопарлар кўшинидан бизни ҳимоя қиларди.

Деярли йил бўйи уйимизнинг мана шу қисмида яшардик. Ҳожилар келишгач, ўша кенг уйнинг бошқа жойига ўтиб, ижарага берардик. Агар яна даҳлиздан икки метр юрсангиз, куёш нурини кўрасиз, чунки ўша жойнинг томи йўқ. Яна давом этсангиз, даҳлизнинг қолган жойи, кўмирхона, яна бир кичик зал ва куён боқиладиган иккинчи жой бор. Уйимиз ижарага берилганда мана шу ерда яшардик. Уйимизнинг учинчи ва энг охириги қисми баланд жой бўлиб, уйнинг сўнги қисмида жойлашган. Даҳлизнинг охирига етгандагина ўша ерга чиқардик. У ерда ёруғ хона, айвон, ҳожатхона (таҳоратхона деб аташарди) бор. Унинг орқасида кичик яланглик бўлиб, агар ўша ерга чиқсангиз, сочилиб ётган уйларни этагида жойлаштираган баланд “Етти қиз” тоғи сизни ўз кучоғига олади.

Ўша ялангликда товуқ боқар эдик. Тунда қафасга ҳужум қилиш ниятида тоғдан тушиб келган ва панжасининг бири сиғадиган чуқур ковлайдиган “Абул Ҳусайн”, яъни тулки билан кураш олиб борар эдик. У чангалига илинган биринчи товуқни тилка–пора қиларди. Товуқлар орасида бир неча бор товуқ қолдиқларини топиб олганмиз. Келаси тунда ҳам улар қурбонликка номзод бўлишларига қарамай, ўтган тунда бўлган воқеага эътибор қилмаган кўринардилар.

Бу “маккор” устидан галаба қозонишимиз биров вақт олди, ва ниҳоят, унинг ёмонлигига нуқта қўйдик. Босқинчиликлари тамом бўлди. Бу эса онамнинг бир неча режалари барбод бўлгач, умумий, шунингдек, тафсилотлари билан ишлаб чиққан режаларининг натижасидир. Ҳозирги кунда ҳам тулкиларни йўқ қилишда бу усулдан фойдаланишни хоҳловчилар учун режанинг қисқача тафсилоти қуйидагидан иборат – айланаси йигирма сантиметр, чуқурлиги ўттиз

сантиметрлар атрофида чуқур қавладилар. Ичини сувга тўлдириб, устини юпқа фанер билан ёпдилар. Тулки умуман сезмаслиги учун фанер устидан юпқа тушроқ ётқиздилар.

Кавланган чуқур тулкининг қафас томон боришга одатланган йўлига жуда яқин бўлиб, мақсад, табиийки, ўша малъунни ўлжаси томон кетаётганда чуқурга тушириш эди. Албатта, шундай бўлди ҳам. Эртаси куни эрталаб уни чуқурдаги сувга фарқ бўлганини кўрдик ва ёмонликлари тутади. Шундай қилиб, товуқларимиз, шунингдек, “яхши овоз соҳиби” хўрозларининг тадрижий камайиши барҳам топди. Лекин бу камайиш охиригиси бўлмади. Миллий бойлигимизга таҳдид солувчи вабо эпидемиясининг офати одамларни ҳаётдан олиб кетгани каби, товуқларимизнинг ҳам кўпининг ҳаётига зомин бўлди. Лекин бу касалликнинг олдини олиш ёки баъзи жисмонан бақувват қурбонларни даволаш усуллари ҳам бор эди. Бироқ нимжонлари эса “заифларга ўлим” қоидасига асосан биринчи ўринда касаллик туфайли нобуд бўлар эди.

Эпидемия давомида товуқлардан бирининг баланд ва чўзиқ овозда қичқириб, эгасига жонини таслим этаётганини эшитасиз. Дарҳол ўлиги торкўчага олиб чиқиб ташланади, мушук ва итларга ем бўлади. Бу ҳолат кўпинча бир неча ўн кун давом этади ва тугашидан олдин кўплаб жониворларнинг бошига этади.

Ўша кунлар давомида товуқлар сонини асл ҳолатига қайтариш учун қаердан пул топиш ва янги кўпайтириш усулларида фойдаланишни ўргандик. У икки хил бўлиб, табиий ва сунъий равишда бажарилади. Биринчиси, товуқларнинг бирини “курк” бўлганини, яъни тухум босишга рағбатини кўргач, бир неча тухумни кўйиб, унинг ихтиёрига топширдик. Товуқ уларни иситади, вақти—соати етгач, жўжаларининг тухумни ёриб чиқишига ёрдамлашади. Қарабсизки, кўзни қувонтирувчи жажжи жўжалар дунёга келади. Сунъий кўпайтиришда етишиб келаётган бирон авлод кўрмаган ва эшитмаган йўл — бир неча тухумларни кепакка кўмиш усулидан фойдаланилади. Кепак янги авлод дунёга келиб, биринчи нафасини олгунга қадар курк товуқнинг вазифасини бажаради. Бир неча ҳафтадан сўнг эркагидан урғочисини ажратиш амалиёти бошланади. Янги авлод орасида битта хўрознинг бўлиши кифоя. Қолганларини эса тухум сотиладиган торкўчада сотиб юборилади ёки битта—биттадан пишириш учун онамнинг ихтиёрига қолдирилади. Албатта, онам уларни оёқлари кучга тўлиб “жўжа” ўрнига “жўжахўроз” бўлганида пиширадилар. Бу жўжалар хўрозларнинг ўсмирлик даври бўлиб, ўзбошимчаликлари одамзот болалариникига ўхшайди. Эркакларини урғочиларидан ажратиш бир неча йўл билан амалга оширилади. Бири “хўроз”нинг қичқариши, яъни эркаклар катта хўрозларга ўхшаб қичқаришга ҳаракат қилишади ва улар орасидаги фарқ яққол ажралиб туради. Иккинчиси бошларидаги тожнинг кўринишидан ва учинчиси жўжахўрознинг макиёни босишга ҳаракат қилишидан ёки тумшугидан ушлаб кўтарганда қаттикроқ қанот қоқса эркак, акси бўлса урғочи.

Шу кунлардаги фанлар товуқнинг гўшт, тухум ва пат беришидаги фойдаларини ҳисобласа, бизнинг товуқлар эса яна шунга кўшимча равишда қатлама патирлар, килолаб тарик ҳам беради.

Иқтисод томонидан эса товуқ биз учун табиий бойлик манбаларидан бири эди. Қандай қилиб бизга юқоридагиларни беради дейсизми? Бунинг йўли жуда осон.

Товуқларимиз сони, хўроздан ташқари, йигирматага етарди. Олдинги ва ҳозирги рақамлар шуни исботлайдики, ҳар бир товуқ бир йилда ўртача икки юз—уч юзтагача тухум беради. Биз эса фақат икки киши эканлигимизни ҳисобга олиб, бир жиҳатдан Балақаф ва бошқа жиҳатдан ал—Асмуний амаки ўртасида доимий маҳсулот айирбошлаш амалиёти олиб борар эдик. Биринчиси билан ҳар йигирма дона тухум эвазига бир килограмм тарик, иккинчиси билан эса ўн беш дона тухум эвазига иккита сабзавотли ва гўштли патир, бири ширин, бошқаси тузли бўлар эди. Кейинги амалиёт маҳалладагиларнинг ҳар бири учун яхши таниш бўлган ўша патирларга бўлган иштиёқимизнинг кучи ёки тухумларнинг оз—кўпчилигига қараб, бир ёки икки ҳафтада бир маротаба қилинади.

Ўқитувчи лавозимига тайинланган куним уйга қайтганимда онам худди куёвларни кутгандай, тантана билан кутиб олдилар. Тездан оғзиларига сув хўшлаб, менга пуркаб юбордилар. Уша пайтдаги одатга кўра, у ёки бу сабаб туфайли бирор кимсага кўз тегмасин дейилса, шундай қилинар эди. Бироздан сўнг онам шу муносабат билан мен учун кичик зиёфат ҳозирлаб қўйишларини, Асмо холани, гўрковнинг уйида яшайдиган мен учун исми номаълум бўлган бир хонимни тушликка айтиб келишимни, сўнгра дастурхон тузалгунча масжидга бориб, пешин ва икки ракаат шукр намозини ўқишимни тайинладилар.

Уша кунни биз тўртовимиз уйимиздаги асосий хона — меҳмонхонада тушлик қилдик. Мен учун қутилмаган ягона нарса, гўрковнинг уйида яшайдиган ўша аёлнинг овқат пайтида ёпиниб ўтириши эди. Мошполлоҳ, мен ҳам балоғатга етиб қолибман, Асмо холанинг бундан гаши келиб, бақира кетди:

— Бу нима қилганинг, у ҳали ҳам бола. Болаларингнинг энг кичкинасида ҳам кичкина,— деди. Лекин у аёлнинг ўз фикрида туриб олгани бироз ўнғайсизликка сабаб бўлди. Ўзимни уч аёл ичида ноқулай ҳис қила бошладим.

Ўқитувчи сифатида ўтказган биринчи кунларим, қутилмаганда, мен учун асабий ва машаққатли кечди. Ҳар тонг мана шу салла ва жуббани кийиб юришим ҳагто ўзим учун ҳам ғалати туюларди. Айни пайтда, ҳар кунни ойнага қараганимда қаршимда турган инсон, яъни ўзимнинг кўринишим ўзимга ғалати кўринар, мен ҳар кунни саллани бошимнинг у ёки бу ёғига қўндириш учун бир неча дақиқа сарфлар эдим. Онам эса шу янги кийимда отамга ўхшаб қолганимни таъкидлаганлари сари ҳозирги кўринишим ўзимга ўхшамай қолганини ва олдимда менга кўринаётганинг албатта, мени хурсанд қилмаслигини билардим.

Бунинг устига бир гуруҳ талабалар олдида туриш, агар хоҳласангиз, ўтириш мен учун қулайлик тўғдирмас эди, ич-ичимдан ҳали ҳам талаба эдим. Фикрлашим ҳам ўқувчиларникидан ўқитувчиларникига ўхшаб дарров ўзгариб қолгани йўқ. Энг ёмони мактаб мудирининг биринчи кунлариёқ, дарс беришга лаёқатим борлигидан ишонч ҳосил қилиш учун, дарсингни кузатаман деб туриб олгани бўлди. Хонанинг охирида ерга ўтириб олганча, ҳар бир айтаётган гапимни диққат билан эшитар, мен томондан ўтказилган хатоларни, қоидага риоя қилмай беҳос айтиб юборган сўзларни тузатиш учун қўли билан бир неча бор ишора қилишга уринарди. Унинг дарсимни кузатишидаги мен учун фойдали бўлган ягона нарса синфдаги жимликнинг сақланиши бўлиб, ҳеч ким овозини кўтармас, ёнидагисига озор бермас ёки синф тартибини буза олмас эди. Дарс соатлари давомида шум Суфённинг сурати кўз олдимда гавдаланар, лаҳзалар ўтар экан, синфнинг “Суфёни” ким экан, менга ва ё бошқа талабаларга қачон “набақ”нинг данаклари учиб келар экан деб кутардим. Бироқ мудирнинг дарсда қатнашиши бу каби ҳодисалар рўй беришининг олдини оларди. Ўқитувчилар хонасида ўтиришим, дарс хонасида ўтиришимга нисбатан хотиржамлигимни англамас эди. Чунки ҳамма ўқитувчилар мен учун устоз ҳисобланиб, улар билан ўтиришга ва суҳбат қуришга одатланмаган эдим. Шунинг учун узоқ вақт индамай юрдим. Кейинги дарсга нозир қўнғироқ чалиши биланоқ биринчилардан бўлиб синфга шошилдим. Шунинг учун куним синфга шошилиш ё у ердан ўша сурагга чиқиш билан ўтар, ёки мен учун ажойиб туюлган мана шу кийимда юрганимни ҳеч ким кўриб қолмаслиги учун, маҳалладаги эски дўстларимнинг шумларидан бири ҳар лаҳзада учраб қолишини эътиборга олиб, кўринишимдан баланд овозда қаҳқаҳа отишини ёки устимдан аёвсиз масҳара қилиб қулишидан ҳадиксираган ҳолда тез уйга шошилдим.

Кунларнинг бирида бир ўқувчи секингина қўйлагим чўнтагига ўралган қоғоз солиб қўйди. Уйга етиб олгунимча ичида нима борлигини билмадим. Уйга келгач, унда қутилмаган нарсани топдим. Шейрдан фақатгина бир байт ёзилган эди. У қуйидагича эди:

“Салла кийса айланур маймунга,
Салласин ечса, ўхшар тўнғизга.”

Уйимиздаги ҳожатхонага кириб хўрликдан роса йиғладим. Аввалига ичимда, сўнг баланд овозда тинмай йиғлардим. Ҳатто онам ваҳимага тушиб, нима бўлганини билиш мақсадида мен томон чопиб келдилар. Дарҳақиқат, кўринишим ғалати эди. Одамлар ҳожатини чиқариш учун ўтирадиган бурчақда

бор бўй-бастим, кийимларим билан ҳўнграб йиғлаганча турардим. Онам эса мени юпатиш мақсадида елкамга қоқишларининг фойдаси бўлмагач, саллам, сўнг жуббамни ечиб, ўзимни тоза ҳавога олиб чиқар эканлар, оғзиларидан “ла ҳавла ва ла қуввата” ва “аузубиллоҳ” тушмас ва кетма-кет “нима бўлди” дея сўрардилар. Мен эса йиғлашда давом этиб, ахири йиғи-сигидан тўхтадим ва ўзимдан, шунингдек, онамдан уялиб кетдим. Уларга нима дейман? Онам мендан ва қандай одам бўлганимдан фахрланиб турган бир пайтларида дардларимни қандай айтаман.

Ҳар доимгидай сўнги паноҳим бўлмиш Масжид—ул—ҳарам томон югуришдан бошқа илож қолмади. Каъба атрофини тинмай тавоф этдим, ҳатто етгитадан неча маротаба тавоф қилганимни билмасдим. Ва ниҳоят зам—зам қудуғининг челагидан илиққина сув ичиш билан амалимни тўхтатдим. Шу қадар кўп ичганимдан қовурғаларим отилиб кетай деди. Шундагина кўнглимда хотиржамлик, тинчлик ҳис эта бошладим. Онамни тинчлантириб, ҳамма нарса ўз жойига қайтганини айтиш учун уйга шошилдим. Айни пайтда бўлиб ўтган ҳодисани ва чўнтагимга ўша варақчани ким солиши мумкинлигини хотиржам фикр-мулоҳаза қилишга ҳаракат қилдим. Охири дарсдан сўнг чиқаётган пайтимни бир неча бор тасаввур қилдим. Эшик олдидаги тикилинч, ўқувчилар манзараси ва ниҳоят, кўз олдимда бошқа ўқувчиларни суриб—итариб мен томон ошиқаётган бир ўқувчининг сурати келди. Ҳа, худди ўша. Олдимда унинг турганини сезгандим, кейин бир қўл мен томонга чўзилганини ва ушлаб турган нарсани ташлаб, кейин у қўлнинг тортилганини ҳам сезгандай бўлгандим, ўша бўлиши керак, бошқаси эмас. Лекин нима учун?

Мактабда ўтган олти йиллик даврни ёзиб олинган узун магнит тасмаси сифатида кўз ўнгимдан ўтказдим. Уша бола билан биринчи йили бирга ўқиганимиз ёдимга тушди. Лекин у синфда қолиб, мен ўқув йилининг иккинчи санасига ўтганимда у яна ўша синфда қайта ўқишни бошлади. Уни ўшандан бери кўрмагандим. Мана энди кўринди, ҳозир нечанчи синфда экан? Мен уни қидириб топишим керак. Лекин саволга жавоб топишдан олдин эртага нима қилишни ўйлаб кўришим керак. Уни яна учратишим аниқ. Мудирга шикоят қилсаммикан? Ёки ўқитувчилар хонасига чақириб, нима иш қилганини сўраб, танбеҳ берсаммикан ва бу иш менинг қўлимдан келармикан? Ундан кўрқиб қалтирашимни кўз олдимга келтирялман. Бошқа ўқитувчиларга келсак, ҳақиқатни билишгач, ўша байтни ўқиб беришимга тўғри келади. Тўсатдан, бирортаси ўқувчи олдида кулиб юборса, бу мени баттар ўкситади. Йўқ, албатта бундай қилмайман. “Туя суғоришнинг ҳам ўз йўли бор” деган эканлар. Мен ўз ичимда пухта пишпан йўл, у ҳам бўлса стратегиялар ва режалар йўлини қўллашим керак. Стратегиянинг биринчи тамойилини ҳаётимдаги узоқ йиллар давомида ўрганганман. У ҳам бўлса, ҳақиқатда амалга оширмакчи бўлган ишни яшириб, ўзини бошқа нарса қилаётгандай қилиб кўрсатиш. Эртаси куни ўша йигитни танаффус пайтида учратдим ва хоҳламайгина илиқ табассум қилиб, унинг мендан ёши ҳам, жуссаси ҳам катта бўлишига қарамай, тажрибали катталар кичикларни қандай қилсалар, мен ҳам шундай қилиб, унинг елкасига бир-икки қоқиб қўйдим. Оталар шум болаларнинг қулоқларидан торгани каби, мен ҳам унинг қулоғидан ушлаб:

— Ҳали ҳам ёмонлигингни қўймабсан-да? — дедим, сўнг ундан дўстона оҳангда: Неча йиллардан буён кўринмайсан, ҳозир нечанчи босқичдасан? — деб сўрадим.

У эса:

— Иккинчи олий босқичдаман, — деб жавоб берди.

— Жуда соз. Келаси йил битирганингдан кейин сени муаллим қилиб тайинлашга тавсия қиламан. Ана ўшанда чўнтагинга мана бу қоғозни солиб кўяман, — деб айтдим. У уялганча бошини эгди. Мен эса йўлимда давом этдим.

Ўша лаҳзалар мен бор кучимни ишлатдим. Ўқитувчилар хонасига кирганимда эса, гўё бирор ваҳший ёки баҳайбат одам билан қўлма-қўл олишгандай ўзимни ҳис этардим...

Талабаларга дарс бераётганимда синфга мудир кирмай қўйди. Натижада синфда тартибсизлик, ўқувчиларнинг бақириб-чақирришлари, бир-бирини ҳақоратлашлар бошланди. Ҳар куни янгидан—янги муаммоларга йўлиқар эдим.

Шу давр мобайнида ўқитувчиликка тайинланганимда мудирнинг менга берган маслаҳатларига таянишга ҳаракат қилардим ва “Талабалар уч хил бўлади”, — деган тақсимога кўра уларни тасниф этишга уринар эдим. Энг ёмони эса, ўқитувчилар билан алоқамнинг йўқлиги эди. Ўқитувчилик қилаётган бўлсам-да, уларга қўшила олмадим. Бир неча кундан сўнг вазият менга нисбатан чидаб бўлмас даражага етди. Мудир олдига кириб, ўқитувчиликдан бирорта идора ишига ўтказиб қўйишини илтимос қилдим. У эса:

— Мактабнинг идора ходимлари етарли, бошқасига ҳожат йўқ, — дея рад этди ва: — Нима бўлди? Нима сени қийнапти? Айт, қўлимдан келганча ёрдам бераман, — деди. Мен бўлса:

— Ўқитувчилар... Мен ўзимни ўшаларнинг бири деб ҳис этолмаяпман, — дедим.

— Бошланишда бу табиий ҳолат, — деди—да, гапида давом этди: — Вақти-вақти билан ўқитувчиларнинг “ўтириши” бўлиб туради, навбати етган ўқитувчи туш пайтида уйига меҳмонга чақиради. Келаси ҳафта ана шундай ўтиришга мени чақиришади. Мактаб муҳитидан ташқарида сени уларга қўшишга ҳаракат қиламан.

Шундай ҳам бўлди. Унинг катта ҳаёт тажрибасига эга эканлиги яна бир бор исботланди.

Мен ўша куни бир инсоннинг бошига салла ўраган пайти билан бошидаги салласини ечган пайтида фарқ борлигини кашф этдим. Ана шу назария узоқ йиллар ўтиши билан амалий жиҳатдан исботланди ва умумий қоидага айланди. Бошга салла ўраганми ёки тарбуш кийганми, ё “хўжа”ларнинг шияасидан кийганми, бунинг фарқи йўқ. Ҳа, бу бир неча далиллар билан исботланди. Ана шу бошланг ва салла ўраган устозлар улардан олдинги ва кейинги бошқа инсонларнинг қалблари кўр бўлиб, на ўзларини эркин тута ололмаганлари ва на жилмая ололмаганлари каби бўлиб қолмаслик учун ўзаро бир-бирлари билан нафақат ҳазил-мутойиба қилиб латифалар айта бошладилар, балки кўнгиллари эзиш ва қалблари ўтмаслашиб, кўрмас бўлиб қолмаслиги учун бўлиб ўтган турли воқеий ва ўйлаб тўқилган ҳикояларни сўзлаб, ўзаро ҳазиллаша бошладилар.

Таом келтирилгач, гуруч устидаги қўзи гўшгининг баъзи жойларидан узиб, бир-бирларига бир неча марта отдилар, сўнг бир-бирларининг олдиларидаги гуруч уюми остига гўш парчаларини беркитиш бошланди.

Биргина бу ўйинда қатнашмаган одам орамизда фақат “Мавлоно” деб чақириладиган ўқитувчи эди. Мавлоно узун бўйли, савлатли одам бўлиб, ҳақиқатан ҳам виқорли эди. Кўриниши шу даражада жиддий эдики, ҳатто унга қарай ҳам олмасдинг. Юқоридагидай қизиқ ўйинда ҳам иштирок этмади, лекин бошқалар каби салласини ечиб ўтирди ва унинг юзи бу кўринишда юмшокроқ, инсонийроқ бўлиб кўринди.

Ҳа, ўша куни маккаликларнинг кичик йигилишидаги хурсандчилигида мен ҳам иштирок эта олдим. У ёки бу кишига мос қизиқ ҳикоя ёки қилмишига ўхшаш бошқа бир воқеани айтиб ҳазиллашишдан тортинмадим, балки ўша зиёфатда қўйнинг тилини кесиб, катта бўлагини мазкур “Мавлоно”нинг олдига қўйдим. У ҳам менга қараб бир жилмайди—да, ҳеч нима бўлмагандай тилни тановул қила бошлади.

Бош кийим ёки умуман кийимлар инсон аъзосини ёпиш билан биргаликда унинг ўзининг қўп жиҳатларини яширадигандай кўринади. Кийимлар тури ва унга солинган крахмал миқдори инсоннинг очиш керак бўлган жиҳатларини очиб, яшириш керак бўлган томонларини беркитишда иштирок этади. Балки қадим хитойликларнинг бундан минг йиллар аввал айтган машҳур ҳикматларининг ҳам сабаби шундадир. “Агар инсоннинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, у билан ётоқхонасида гаплаш”, яъни пижамадалигида, чунки у ўша пайтда тўлиқ кийим—кечагини киймай туриб ўзлигига яқин, шунингдек, кўзбўямачиликдан йироқ бўлади. Кийимда эса у ойнага қарар экан, ўздан гурурланиб сўнгра ижтимоий ўрни ва мол—дунёсини ўйлайди. Сўнг ўзини қандай ҳис қилса шундай эмас, балки юқоридаги икки омил асосида иш тутади.

Бу борада европаликлар, айниқса, шимоликлар, пижама қойдаси борасида бир қадам олдинга ёки орқага одим ташладилар. Одамлар нафақат бош кийими,

балки ич кийимларидан бошқа ҳамма нарсаларини ечадиган “сауна” хоналарини ихтиро қилиб, алоқа ўрнатиш ва битимга келишишнинг энг яхши йўлини кашф этдилар. Баъзан расмийчилик сочиқни белларига ўраб олсалар, баъзиларини эса хона билан тўла бўлган сув буғи ўраб туради.

Яна бош ва бош кийими муаммосига қайтадиган бўлсак, халқда бундай гап бор: “Фалончи бошини очибди”, бу билан ўша одам ичидаги бор гапнинг моҳиятини айтишини назарда тутишган. Кўпинча эса, муомала ва ўзини тутишнинг ҳамма жиҳатларини йўқотган кишига нисбатан ҳам қўлланилади. Шунингдек, аёлларнинг кўрсатилиши кутилмаган хоҳиш—истакларини намоён этганларида, масалан, ёпинчқларини ташлаганларида ҳам шу гап ишлатилади. Албатта, ўша давр хонимлари салта эмас, “бурқуъ”¹ кийганлар. Ҳозирги пайтда европаликлар бирор хонимни кўрсалар, унга бўлган эҳтиром ёки ундан ҳам кўпроқ туйғунинг изхори сифатида шляпаларини кўтардилар. Шунингдек, бошқа хонадонга зиёрат учун борсалар, киргандан сўнг биринчи бўлиб қиладиган ишлари бошларидаги шляпани ечиш бўлади. Гўё хонадон эгасига: “Мана, ҳеч қандай ёпинчқисиз, ҳақиқий кўринишим” дейётгандай.

Халқнинг эса “Каллани узсанг ҳам, саллани бузма” деган гапи бўларди, нимага? Чунки салланинг бузилиши салта эгасининг амалидан айрилиши—ю, шунингдек, у ҳам одамзод наслидан эканлиги бутун моҳияти билан намоён бўлиши демакдир. Ўша кун меҳмондорчилик, ҳамкасбларни ялангбош, яъни норасмий ҳолда кўришим натижасида мен ўзим ва ҳамкасб ўқитувчиларим ўртасидаги алоқаларда юз берган бундай ўзгаришдан шу қадар илҳомланиб кетдимки, ҳатто мудир жанобларига ҳамкасбларимни келаси жума кун бизникига чақиритиш таклиф қилиб юбордим. У эса: “Шошилма, аввало ҳамманинг уйида меҳмон бўлмагунингча ҳеч кимни чақирмайсан. Ана ундан кейин навбатинг келади”. Табиийки, унинг гапига қулоқ солдим ва айтган гапининг нақадар тўғрилигига амин бўлдим. Қолганлар эса: “Келаси жумами ёки кейингисидами, ўзинг қилақол.”— дейишарди. Мен бўлсам: “Ким шанба кун меҳмонга чақирса, уни якшанба кун чақиритишди, кўпчилигингиз ҳали на шанба ва на жума кун меҳмонга чақирганингиз йўқ. Талаб қилишга нима ҳақларинг бор,” — дер эдим.

26

Мактабдан олаётган каттагина маошим мен учун анча—мунча иқтисодий муаммони келтириб чиқарди. Пулнинг кўпчилиги ёки бошқача қилиб айтганда, бу даражадаги катта маош олиш тўловлар балансининг издан чиқишига, маошни ёки унинг бир қисмини қандай қилиш ҳақида тинимсиз ўйлашга сабаб бўлди. Ушанда менга ўхшаб, кутилмаганда бирданига даромади кўпайганларнинг довдираши аниқ. Шундай экан, ўшанда ҳар ой охирида маошни олар эканман, буни нима қиламан деб ўйлар эдим. Қаерга кўяман? Қандай яшираман? Табиийки, онам бундай ишлар бўйича оила мурожаат этиши мумкин бўлган иқтисодий мутахассис эдилар. Ўн риёлни индамай қўлларига тутқазар эканман, тезлик билан кафтларини ёпиб, узоқдаги хонага югурганча, кўйиш керак бўлган жойга бориб жойлаб келардилар. Пулни жойлаш асосида уйимиздаги шароитни яхшилаш йўллари уйлардилар. Биринчи бўлиб қилган ишлари кўчада: “Идиш ювамиз, зиналарни супурамиз”, — дея бақириб юрадиган “африка” аёллари хизматидан фойдаланиш бўлди. Эҳтиёжга қараб кунда ёки ҳафтада бир маротаба уларнинг бири билан бу ишларни қилишни келишиб олдилар. Натижада даҳлиз топ-тоза бўлди. Шунингдек, аввалгидан фарқли ўлароқ, унинг юқори қисми — “меҳмонхона” ҳожилар келишига доим тайёр бўладиган бўлди. Кейинчалик, ўша тиришқоқ ишчи аёлларга бошқа ишлар: ҳар сешанба кир ювишни юкладилар. Чунки бу кун маккаликлар томонидан кир ювиш учун танланган кун эди. Улар орасида кенг тарқалган ривоятларга кўра, ўша кун тоғлар яратилган экан. “Фақиҳа”ни — ўша даврда ҳар бир африка аёлини “фақиҳа” деб чақиритар эди — онам қуйидагича ишлатар эдилар: кир тоғорани онам ўзлари тайёрлаб берардилар. Тоғорага кўпгина кул солиб, қолган

¹ “Б у р қ у ъ” — аёлларнинг фақат кўзларини очик қолдирадиган, юзларини тўсадиган ёпинчқ. (*Таржимон изоҳи.*)

қисмини сув билан тўлдирдилар, бироз тинар эди. Ўша пайтларида ҳозирги кимёвий кир ювиш воситалари ҳали маълум эмас эди. Ишқор эса доғ ва кир кеткизувчи фаол восита эди. Фақиҳа кир ювишдаги энг қийин иш, яъни кирларни икки бора ювар, онам эса биринчи ва иккинчи мартасидан осонроқ бўлган учинчи марта ювишни, керакли миқдорда крахмал ёки синка қўшиб чайқашни ўзлари қилар эдилар.

Ҳеч ким оилаларнинг ана шу фақиҳалар билан алоқаси фақат ўша пайтда бошланган деб ўйламаса керак. Тўғриси, ҳар бир оиланинг улар билан бўлган алоқаси қадимдан чуқур томир отган, балки юзлаб йиллар олдин бошланган бўлса керак. Илло, агар бундай бўлмаса, рамазон ойида Макка аҳлининг асосий таоми “буғдой шўрва”нинг буғдойини ким туйиб берарди. Ҳа, бу йилда бир маротаба, албатта, шаббон ойининг иккинчи ярмида бўларди. Улар кўчада узунлиги бир метр бўладиган ёғоч келиларини кўтариб олиб, баланд овозда “буғдой туямиз” дея чақириб юришарди. Бунни эшитган маҳалла хонимлари улар томон ким ўзарга шошилишар, қилинажак иш борасида келишиб олишар эди. Бу ишларнинг ҳаммаси ўша кунларда кўп тарқалган бир гап, яъни африка аёлларининг “нам—нам”, яъни одам гўштини ейдиганлар табақасига тегишли эканликларига қарамасдан, бир маромда бўларди. Кейинчалик бу тухматни бир неча асрлардан сўнг император “Инкаса” амалий йўл билан исботлади, яъни кечки дастурхонда муҳтарам император жаноблари билан бирга бўладиган вазирлардан бирини пишириб туштик қилган.

Онам юқоридаги хизматлардан фойдаланишлари натижасида анчагина бўш вақтга эга бўлдилар ва уни нима биландир банд қилиш керак эди. Шу сабабли соатлаб чеварчилик билан шуғуллана бошладилар. Ўша даврнинг катталари қилгани каби, ҳижоблари ёки менинг рўмолчаларим, иштонларимизни безардилар. Шу билан биргаликда овқат тайёрлашга ҳам бор кучларини сарф этдилар. Бу ҳаракат нафақат овқатларнинг мазасида, балки турли-туманлигида ва миқдорининг кўпайишида ўз аксини топди. Натижада иккаламиз ҳам тўлишиб, авваллари кенг бўлган кўйлақларимиз ўзимизга лойиқ бўлиб қолди.

Хўжалик ишлари буларнинг ҳаммасидан ўтиб тушди. Уйимиз учун керак бўладиган идиш товоқлар, жиҳоз, уй—анжомларини сотиб ола бошладилар. Чўнтакда борини онамнинг қўллари маълум қилиб “еган” сари гойибдан келаверарди.

Узоқ йиллар давомида менинг хурсандчилигимга сабаб бўлган нарса хонадон учун мўлжалланган “музқаймоқ” қиладиган асбоб эди. У жуда ҳам фойдали бўлиб, ташқи томонига бир бўлак муз, ички қисмига эса бир ёки икки стакан маҳаллий лимон шарбатидан қуйиб, то қотгунча қўлда айлантирилди. Қарабсизки, музқаймоқ истеъмол қилишга тайёр бўларди.

Онам ҳақида бир нарсани айтсам оилавий сирни очган бўламан деб ўйламайман. Улар кўшиқ шайдоси бўлиб, кун бўйи паст овозда хиргойи қилиб юрардилар. Энг ёқтирган ашулалари Суриянинг

“Силкин, силкин, эй анжир,
Шом олмаси лаззатли, ширин,” –

ашуласи эди. Лекин очишни хоҳламаётган сирим онам кунларнинг бирида қадимдан қўлланиб келаётган куй сандиғи — патефон деб аталадиган сандиқнинг бирини сотиб олганлари эди. Қандай йўл билан, кимдан олганларини ҳеч кимга айтмаганлар. Бу сир. Ўша сандиқни ичкари хоналарнинг бирига қўйиб, унинг овозини кўшнилари эшитиб қолмаслиги ва мумкин бўлмаган нарса уйимизда мавжудлигини билиб қолмасликлари учун атрофини баъзи латта-лутталар билан ўраб қўйдилар. Ўша ҳодиса ота—оналарнинг тасарруфлари шубҳалардан холи эмаслигини мен учун исботлади. Онамнинг ўша сандиқни сотиб олишларидан асосий мақсад уйда кўтаринки кайфиятни ҳосил қилиш эди. Лекин ўша сандиқ, мактабдагилар бу ишдан хабар топиб қолмасликларидан қўрқиб, мени кўпинча тажанг юришимга сабаб бўлди. Биргина устозимнинг насиҳати ғамимни сал

енгиллаштиргандай бўлди. “Парво қилма, уйларингда бу каби сандиқнинг борлиги ҳаёнинг йўқолиши ёки феъл–атворнинг бузилиши дегани эмас.” У ҳам ўшанга ўхшаш сандиқдан сақлашини ва бундан ҳеч қандай муаммо йўқлигини айтди. Энг даҳшатлиси, у ўзида бор баъзи пластинкаларни эшитиш учун олиб туришимизни, бўшагач, қайтариб беришимизни айтгани бўлди. Бу билан ўша “масончи” ва мана бу ҳаёли аёл бир қаторда бўлиб қолди. Ё, ажабо!

27

Жамилни грамматикага ўқитишда давом этдим, лекин дарсларга баъзи ўзгартиришлар киритишим уларни аввалгидай қуруқ бўлиб қолишини камайтирди. Табиийки бу борада устозимдан рухсат сўрадим:

– Жамилни ўқишга бўлган салоҳиятини яхшилашимиз керак деб ўйлайман. Сўзларни ўз ўрнида қўллашни билмаса, қоида билганининг нима фойдаси бор?

Устоз таклифимга рози бўлди. Ўқишга бўлган қизиқишини орттириш учун энг яхши йўл – унинг учун содда ҳикоя ва эртакларни ёзиш эди. Бу борада, ҳовлида ва пашшахона деворлари орасида исқаптопарларнинг гўнғиллаши кучайганда, онам айтиб берган ва эсимда қолган баъзи ҳикоя ва эртаклардан фойдаландим. Бу йўл билан гўё авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқимизнинг меросини, ҳаммасини бўлмаса – да, бир қисмини Жамилга сўзлаб бераётгандай эдим. Ягона фарқ шуки, бу мерос одат бўйича аёл оғзидан эмас, эркак оғзидан сўзланди. Жамил эса кундан-кунга ҳикоялардаги “воқеа”лардан таъсирланиб, ҳайратини яшира олмас, ҳатто жони чиққан одамдай пастки жағи осилиб қоларди. “Тўлиқ” даражасидан аста-секин “соддалиқ” даражасига яқинлашиб борарди. Бу эса олдингисидан кўра яхшироқ.

Кунларнинг бирида онамнинг ҳикоялари тугагач, ўзим унга “қуёнлар ўрмони” номли эртак тўқиб, дафтарига ёзиб бердим. Эртаким унга шунчалик таъсир қилганидан кўзлари хурсандчиликдан яшнаб кетди. Тўқилган эртак соддагина бўлиб, ўрмонда тинч–хотиржам яшайдиган қуёнлар тўдаси ҳақида эди. Нима бўлди-ю, уларнинг тинчи бузилди. Бир кулранг қуён – қизил ҳам бўлиши мумкин – улар ўртасига адоват уругини сочиб, қуёнларни бир-бири билан уриштириб қўйди. Натижада бир–бирларини ўлдириб, гўшгларини ғажиб, ея бошладилар. Охир–оқибат фақат бир қуён тирик қолди. Уша қуён ўртоқларини егани учун шу даражада катта бўлиб кетдики, асло ўзига, яъни қуёнга ўхшамай қолди. Дунёдаги барча мавжуд ҳўкизлар ана ўша қуённинг зурриёти экан, дея эртакни яқунладим. Аждодлари ўтхўр бўлгани сабаб, ҳўкизлар ҳам ўт ейишни яхши кўрадилар.

Жамилга эртак тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ёқдики, ҳатто ўқийвериб–ўқийвериб, ёдлаб олди, ўша “ҳўкиз-қуёнга” бўлган иштиёқидан фойдаланиб, у ёки бу сўзни турлаб беришини, “ҳўкиз”нинг аниқ ёки ноаниқлигини, қуённинг “муаннас” ёки “музаккар”¹лигини сўрардим. Ўйлайманки, ўша кунларда у грамматик қоидаларни бутун олдинги кунларга нисбатан кўпроқ билиб олди. Эртакдаги қуёнга шу даражада қизиққанидан, ҳар бир жумлани сўзма–сўз таҳлил қилишга уринар эди.

Лекин эртак тўқийётганимда бир нарсага эътибор бермаган эканман. Кунларнинг бирида Жамил кутилмаганда ғалати савол бериб қолди: “Қуёнлар ўша жанг мобайнида қирилиб кетган экан, ҳозирги кунимиздаги қуёнлар қаердан келиб қолди?” Бу савол бироз ўйлашга мажбур этди. Сўнг: “Ҳозирги қуёнлар очарчиликка, қўллар қисқаришига йўлиққан бўлиб, бунинг натижасида жуссалари кичиклашиб кетган ва ҳозир қўриб турганимиздек бўлиб қолишган”, – дедим. Мен айтган “воқеа”ларнинг сўнги ривожланишини эшитиб, унинг ўша эртакка бўлган ҳайрати янада ошди.

Устоз ўғли Жамилнинг эришаётган муваффақиятларидан гоят бахтиёр эди ва тинмай миннатдорчилик изҳор этарди. Лекин ўғли қуёнлар ҳақидаги эртакни ўқиб бергач, юзини булут қоплади. Оч қолган ҳўкизларнинг ўз ҳолига, яъни қуёнга айланганини оғзаки айтиб берганда эса, ҳалиги булут янада қорайиб кетди. Бу билан Жамилнинг ақдан нормал инсон эмаслиги ойдинлашди. Уни ҳар қанча ўқитсам ҳам ёки ҳар қандай ўқитувчи бўлмасин бор сабъ–ҳаракатини

¹ Сўзларнинг грамматик жинси. (Таржимон изоҳи.)

сарфлаши мумкин бўлса ҳам унинг ҳаракати бу содда инсоннинг ақл савиясини оширмайди ёки Аллоҳнинг қолган бандалари сингари бўлишига ёрдам бермайди. Шунга қарамай, устоз ўқитишни давом эттиришимга ундаб: “Ўқитавер, шояд бир кун келиб қутубхонадаги баъзи китобларни ўқий олас. Аллоҳнинг бошқа бандалари каби ҳаётда ўз ўрнини топиб олар, ҳеч бўлмаса ярим нормал ҳаёт кечирар”, — деди.

Кунларнинг бирида дарсхонасидан чиқиб, эшик томон кетаётсам, устоз тўхтаиб, у билан бир неча дақиқа ўтириб, бир пиёла чой ичишимни сўради. Рози бўлдим. Ўша куни у қутилмаганда менга “Инглиз тилида кўп қўлланиладиган иборалар” номли китобчани берди. Миннатдорчилик билдириб, кетишга отландим. Остонада турар эканмиз у шундай деди:

— Жамиланинг ўғил бола бўлишини хоҳлар эдим. Уни ўқитишни сенга топширардим. Эҳтимол, самарали бўлар эди. У шу даражада зийракки, ўз насибасини ҳам, акасининг насибасини ҳам ўзига олганмикан, деган хаёлга борасан.

Жамилни ўқитишдаги қийинчиликларимга бўлган эътиборига, шунингдек, самараси оз бўлса-да, кўп сабъ-ҳаракат қилишимга бўлган ташаккури учун раҳмат айтиб чиқиб кетдим. Бу айтилган гап ҳақида бошқача ўйламадим. Буни менга бўлган миннатдорчилик белгиси деб тушундим. Кўп ўйлашга ҳожат йўқ эди. Мен Жамилга бераётган дарслардан қандайдир даражада ҳузурланардим.

Жамила ҳикояси шу тариқа ниҳояланмади. Бошқа сафар устоз:

— Бахтга қарши қизлар мактаби ҳам йўқ. Шунинг учун Жамила таълим олишдан маҳрум бўлди, ваҳоланки, у бунга муносиб, — деди-да, сукут сақлади. Мен:

— Нима учун “Ал-Кабарити” қизлар мактабига бермадингиз? Ҳеч бўлмаса “Амма” порасини ўқий оладиган даражада Куръони каримдан бирон нима билиб, намозида тиловат қила оларди, — дедим.

— Айтганингдек қилдим. Бир порадан ортиқроғини ҳам ёдлади, лекин бу кифоя эмас. Жамила бундан кўра кўпроқ билим олишга қодир, — деди-да, жим бўлди. Мен ҳам нима дейишга ҳайрон бўлиб жим турган эдим, у гапида давом этди:

— Одатларимиз йўл қўйганда эди, Жамилани ҳам ўқитишни сенга топширар эдим, — деб яна жим бўлиб қолди. Сўнг мени ўз ҳолимга қолдирди, мен уйга йўл олдим. Уйларимиз орасидаги бир неча дақиқали фурсат ичида устознинг гапларини бирма-бир ўйладим. Бу “масончи” қизлар мактаби бўлишидан ташқари, янада чуқурроқ нарсани кўзлаётганини ҳис этдим. Ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Бир неча кун ўтгач, у яна мавзуга қайтиб:

— “Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз” дейилган, шундай эмасми?

— Албатта.

— Бу фарзни қандай адо этса бўлади?

Саволга жавоб бермасимдан олдин менда шак-шубҳа қолдирмасдан очиқ-ойдин кўзлаётган мақсадига кўчди:

— Жамилни ўқитганинг каби, қизим Жамилани ҳам ўқитишга розимисан?

— Лекин...

— Қизим билан бирга бувиси ҳам бирга ўтиради, табиийки, Жамил ҳам. Дарс соатини иккига бўлишади.

Қутилмаган фожиадан титрардим. Ичимдаги гапни айтгани ҳам қўймай у:

— Албатта, у ҳижобда бўлади. Биринчи дарсларда ўзи ишпирок этмай кузатади. Кейинги сафардан бошлайди. Ҳа, айтгандай, Жамилга ёзиб берган ўша ҳикоя ва қиссаларингдан фойдалансанг бўлади, то ўқиши яхши бўлиб олгунча. Кейин эса тайёрлов мактабида ўқиган “Ўқиш китоби”га ўтсаларинг бўлади, — у гапида давом этиб: — ўқишга қодир эканлигини била туриб, уни билимсиз қолдириб қўйиш унинг ҳаққини адо этмасликдир, — деди.

Жамила мендан ва акаси Жамилдан икки ёки уч ёш кичик эди. Беш-олти яшар қизлигида кўрганимча, мана йиллар ўтибдики, бошқа кўрганим йўқ эди. Сўнг ёпинчиқ ўрай бошлагандан кейин у ҳақда ҳеч нима билмас эдим. Нафақат билмас эдим, балки отаси у ҳақда гап бошлашидан аввал бор-йўқлигини ҳам унутиб юборган эканман.

Бажарилиши керак бўлган “қоида” бўйича биринчи дарсга қари бувиси билан келди. Уларнинг дарсда иштирок этишлари Жамилни ва мени баробар даражада кучли ҳаяжонга солди. “Бизни бу ҳолатда ҳеч ким кўриб қолмасмикан”, — дея у ёқ—бу ёққа қараб қўярдим. Жамилнинг: “Қиз бола, қиз бола? Қандай қилиб? Биз билан бир жойда ўтирадимми?” — деб бақариб юбориши қўлимдаги жиловни чиқиб кетишига сабаб бўлди. Бувиси эса эшитарли овозда истиффор айтар, афтидан, у ҳам бу ишга норозидай, лекин қаттиққўл “масончи”нинг бўйруғи остида бу ишни Аллоҳга таваккал қилди.

Жамила ўша даврда кенг тарқалган аёллар кийими “жома” ўраб олгани учун ҳеч қаери кўринмас, гўё қандайдир бир уюмга ўхшарди. Жома соҳибаси дунёни кўриш учун биргина дераза — кўзлари атрофидаги икки тирқишдан қарарди.

Жуссаси Жамил ва меникидан фарқли ўлароқ анча кичкина ва нозик бўлиб, биринчи кун муҳтарама бувиси билан бир бурчақда ўтирди. Дарс тутагунча бирор марта ҳам қимирлаб қўймади. Хонадан чиқиб кетар экан, бувиси ҳам ҳеч нарсга демай, хайр—маъзурни насия қилиб орқасидан эргашди.

Жамила дарсда амалий иштирок этиши керак бўлган вақт етиб келгач, устоз ўзи ҳам кирди. Орқасидан уйдаги хизматкор бола бир патнисда чой, бир ликонда гўла асосан ҳаж мавсумида уй бекалари пиширадиган ширинлик олиб келди. Устоз дарс мобайнида бирор сўз айтмаган бўлса ҳам, иштирок этишининг ўзи ўтирганларда хотиржамлик ва ишонч ҳиссини юзага келтирди. Келаси дарс соатларида ҳам иштирок этишини илтимос қилдим. Лекин мунтазам иштирок этмади. Биз билан қолишни истамаса, дарс давомида бир—икки бор ташқарига чиқиб келарди. Бир неча дарслардан сўнг бувиси — олдин ҳеч учрамаган иш — қилаётган ишимиз, айтишича, ҳеч қандай чегарадан ўтмаётганига ишонч ҳосил қилди. Бу ишонч ҳар сафар дарсга келганда менга “ассалому алайкум” дейишида кўринди. Чунки олдин индамай кириб келар эди. Кейинчалик салом бера бошлади. Бир неча ҳафтадан кейин салом охирига “ўғлим” сўзи қўшилди. Кейинги ҳафталарда бир—икки оғиз гапириб, онам ҳақида сўрайдиган бўлди. Жубба ва салладаги кўринишим унга ёққани кўриниб турарди. “Ёмон кўзлардан асрасин” деган дуо олишгача бордим. Дуо борасида яна бир қадам силжиш — “Невараларимга бераётган дарсларингиз учун Аллоҳ ўзи ажру савоб берсин”, — деган тилаклар билдирадди.

Шу даражага етиб бориш бутун оила розилигини қозонганимдан далолат эди. Гапимнинг катта далили сифатида шуни айтишим мумкин, ҳатто устознинг хотини энг камида бир марта дарсда иштирок этиб, Жамила ёзиб берган ҳикояларимдан бирини қизи ўқиётганини диққат билан эшитди.

Бу вақтда бувида рўй бераётган руҳий ўзгариш билан бир қаторда яна бошқа икки ўзгариш ёнма—ён ёки кетма—кет амалга ошиб борарди. Жамила эса устоз айтгандай ва лекин мен кутмаган даражада зийрак бўлиб чиқди. Ҳикояларни ўқишни бирин—кетин тез ўзлаштирар эди. Мен билан бир ёки икки бора ўқиғач, кундузи бир неча соат қайтариб, ёдлаб олар, келаси сафар ҳеч қандай хато ва камчиликсиз, қоидаларни билган ҳолда айтиб берарди.

Иккинчи ўзгариш менинг ўзимда, ичимда кечди. Ўша мулоийм, ширали, паст овозга ўргана бошладим. Шу даражада кўникдимки, тонг чоғлари унинг овозини кўмсаб, эслашга ҳаракат қилардим. Ураниб олганидан эслайдиган шу ёқимли овозидан бошқа эслаш мумкин бўлган ҳеч нарсга ҳам йўқ эди. Жамила эса ҳали ҳам тушунарсиз уюм, кимлигини билмайман. Вақтнинг ўтиши ва менга бўлган ишончнинг кучайиши натижасида Жамила ҳам овозини аста—секинлик билан кўтара бошлади.

Ўша кунларгача “Кўрлар севгиси” романини ўқимаган эканман. Бу роман бир кўр билан бошқа бир банда ўртасида аввало овоз, кейин эса пайпаслаш йўли билан ривожланган ўзаро инсоний ва ҳиссий алоқалар ҳақида сўзлайди. Романни олдин ўқимаган бўлсам ҳам ундаги воқеаларни кўрлар каби табиий ва нотабиий ҳолда бошимдан кечириб бўлдим. Овозга кўниккач, у томон интила бошладим. Овоз соҳибасини билмаган ҳолда унга боғланиб қолдим. Кутилмаганда “Лайли ва Мажнун” девонини ўқиётганимни кўрасиз. Агар ўзим холи бўлсам, унинг кўзларини кўрмаган бўлсам ҳам, қуйидаги байтни хиргойи қилиб юрардим:

Сенинг кўзинг унинг кўзи,
Сенинг бўйнинг унинг бўйни.

Фақат бир неча йиллардан кейингина ўша кўзларни кўриш насиб этди. Ўшанда киши қандай қилиб бир нарсага эмас, балки нарсаларга ва одамларга фақат такрор ва одат орқалигина кўникишидан ҳайратда қолдим.

Бу руҳий ўзгариш янада бошқача тус олди. Мен ўша нотаниш “уюм”ни уч кишига – бувиси, устоз, Жамилга – таяниб, хаёлимда тасаввур этиб, суратини чиза бошладим. Унинг бурнини бошқасининг пешонасига, Жамилнинг жуссасини ўзгартириб, кичрайтириб, ҳосил бўлган чехрани кўйиб кўрардим. Натижада олдимда “ўтирган”нинг, мендан “беркилган”нинг илк чизгилари намоён бўларди.

Жамилани овози билан бўлган алоқамнинг чуқурлашувида бувиси амалий тарзда ёрдам берарди. Неча бор ўқишини эшитмаётганимдан шикоят қилсам, у: – Овозингни кўтар, Муҳайсин эшитсин, – яна бошқа сафар: – ўқитувчи эшитсин, у ҳам аканг сингари ва аканг тенги, – дер эди.

Бироқ бир неча ой давомида ҳар қандай гап ўқитувчи ва унинг ўқувчиси орасидаги муносабат доирасида давом этди. Лекин Жамиланинг муваффақияти унга берилмакчи илм доирасини кенгайтиришни ва бу борада устоз билан маслаҳатлашишни тақозо этди. Натижада математика ва грамматика илмлари кўшилди. Буларнинг барчаси ўзаро гаплашишни, “Салом берсанг, алиқ оласан” қоидаси бўйича мунозара ва савол–жавоб қилишни тақозо этди, чегарадан чиқмаган ҳолда, албатта.

Жамил қизнинг иштирок этишидан норози бўлмай кўйди. Биринчидан, дарс вақти иккига бўлинганлиги сабаб, унга юклатилган босим ҳам иккига бўлинди, иккинчидан синглиси билан бўлаётган савол–жавоблардан фойдаланар, гоҳида ўзига берилмаган саволга жавоб бериш истагини ҳам билдирарди. Синглисидан ўзишни жуда хоҳлаётган Жамилнинг ҳаракатидан фойдаланиб, сал бўлса ҳам фаоллашиб қолган миясининг катакларини тўлдиришга шошилдим.

28

Ўша салла ва жуббани кийиш билан болалик, ўсмирликдан тортиб то ихтиёрим бўлмаган ҳолда ёшим улғайганлар ва виқорлилар қаторига ўтдим. Гўё Штейнбекнинг “Одамлар ва сичқонлар” ҳикояси қаҳрамонлари ибтидоийликдан инқирозга босиб ўтиши керак бўлган тараққиётни четлаб ўтганларидек. Тараққиёт эса бу иккала босқич ўртасида.

Мазкур кийимларни киймай туриб, мен ҳам ўша давр йигитлари каби ҳар хил ўйинлардан “у ёки бу нарсдан кўрқиб ёки мен тўғримда у—бу дейишмасин... ўйлашмасин...” деган сабаблар билан завқланмаганман. Бироқ мен ҳеч бўлмаганда атрофимда бўлаётган воқеаларни қузатувчи ролини бажарардим. Ҳа, бир неча бор “Садъ” кўчаси ниҳоясида ястаниб ётган “Хандама” тепалигига чиққанман. Маҳалла болаларининг ҳуштак чалиш ўйинларини, аёвсиз бекинмачоқ ўйинларини, баъзан олишувларини ёки кўпинча авжга чиқиб, мажозий маънода эмас, ҳақиқий маънода охири қон билан яқунланадиган жанжалларнинг гувоҳи бўлганман. Ўша манзаралар энг камидан мен бу ишга ҳақиқатан ҳам аралашмасам—да, ҳеч бўлмаса, атрофимда айланаётган ҳаётнинг бир тарафи эканлигимни ҳис этирарди. Мен буларнинг барчасидан батамом маҳрум бўлдим. Ахир, толиби илм ўз вақтини зое кетказиб, бу каби ўйинларни томоша қилиб юриши тўғри бўладими? Бироқ ана шу илм толиби руҳан ҳали ҳам бола, ҳали ҳам ўсмир эди, завқлангиси ва ўзи иштирок этгиси келарди.

Яна маҳрум бўлган нарсаларимдан бири маҳалламиз ва кўшни “Мисфала” маҳалласи йигитлари ўртасида келиб чиққан бешафқат уришишларни томоша қилиш эди. Ўша маҳаллада “Мисёл” номли жой бўлиб, ундан кейин руҳий касаллар шифохонаси келар эди. Макка аҳли мазкур шифохона ва унинг мудири Саййид Ҳусайнни танишарди. Маккани, унинг маҳаллалари ва улар ўртасидаги алоқаларни билмайдиганларга шуни айтиш жоиз—ки, Макка маҳаллалари ўртасидаги муносабат доимо дўстона эмас, балки унинг акси эди. “Шомия”

маҳалласи “Мисфала”нинг тарафқаши бўлса, “Ажёд” маҳалласи “Шабика” маҳалласига тарафқашлик қиларди ва бу икки маҳалла юқоридаги иккитасига ўзларидан аввалги қабилаларнинг икки минг йилдан буён ичида-ю ташида давом этиб келаётган душманлиги каби ашаддий душман эди. Макканинг қуйи қисмида ёйилган майсазор боғларни томоша қилиш учун йўл олган маҳалламиз аҳли Мисёл худудидан ўтаётиб, қанчадан-қанча қийинчиликларга дуч келишарди. Уларнинг йўлларини кўпинча мисфалаликлар тўсар, ўтаётган одам агар Ажёд маҳалласидан эмаслигини айтса – бу эса уни гурур ва обрўдан юз ўтиришга олиб келарди – қўйиб юборишарди. Маҳалламиз аҳли ҳам бўш келмай, Мисфаланинг кўп йигитларини ўз маҳаллаларида ишлашга қўймасдилар, бирга икки қилиб қайтаришарди. Айниқса, “Хандама” тоғидан эшак–хачирларга тош ортиб, шаҳарнинг бошқа томонларига олиб ўтадиган тош ташувчиларга кун беришмасди. Бу каби урушишларнинг ҳам ўзига яраша усул ва қоидалари бўлар, авваламбор маҳалладан ўтаётган нотанишдан дўст ёки душманлиги сўралар, душман бўлса келган жойига қайтиб кетиши талаб қилинарди, йўловчи рад этса “энди ўзингдан кўр” деб, бирга-бир жанг бошланарди. Кам ҳолларда бир душманга биттадан кўпроқ бўлиб чиқишарди. Мана шулар маҳалла аҳлининг қоидаси ва жанг усуллари эди. Олишув уришаётганлардан бирининг тупроққа буланиши, кийим-бошининг йиргилиши, балки бошига калтак билан тушириш билан тугарди. Агар шундай жанжаллар ҳозирги катта ёшдаги авлодларимиз ўртасида бўлиб ўтганда эди, балки томонлардан бирининг қорнига пичоқ уриб, ичак–чавоғини чиқариш билан тутаган бўларди. Кўпинча, ишнинг кутилмаган босқинчиликлар шаклида тус олиши, бунда бир неча босқинчилар тўпланиб бошқа маҳалла билан кўрқитиш, яъни чегарасиз гуруҳ–гуруҳ бўлиб жанг олиб боришга қарор қилардилар. Бу турдагиси кўпинча жароҳатлар ёки ўлим, ё бўлмаса ҳар иккаласи билан ниҳоя топарди. Сўнг ишнинг аслини беркитишга ўтардилар, ўлганни жимгина кўмардилар, натижада қотиллик қилган маҳалладан қасос олиш учун режалар тузилади ва қасос олинади. Бир кун ундоқ бўлса, бир кун бундоқ, ваҳоланки, бошлаган киши кўпроқ зулм қилган ҳисобланади.

Бундай қиссанинг энг гаройиби ҳеч ким эшитмаган “туллаган давр” деган паллада рўй берган. “Муобиди” маҳалласидаги бир тентакдан қасос олиш воқеаси эди бу. Жуссасининг шу қадар катталиги ва бақувватлигидан у “хўкиз” лақабини олган бўлиб, ҳақиқий исмини ҳеч ким билмасди. Ўша “хўкиз” кўпгина маҳалла болаларини нафақат уриб–сўкиб, балки ўлдиришгача бориб етган экан. Натижада қасос олишни жамоавий тарзда амалга оширишга тўғри келган. “Шаб Омир” аҳлидан уч киши ўзаро келишиб, жума куни шом пайтида унга ташланмоқчи бўлишади. Аср намозини бирга ўқигач, – “Бирортамиз ҳам орқага чекинмаймиз. Олишув нима билан тугашидан қатъи назар, бир–биримизни сотиб қўйиш ёки ҳақиқатни эътироф этиш йўқ”, – дея ўзаро тил бириктиришади. Кейин душманлари “хўкиз”ни ўликлар қаторида ҳисоблаб, унинг руҳига фотиҳа сурасини тиловат қилишади. Воқеа қуйидагича содир бўлган экан: улар уловларига миниб, Макканинг юқори қисми – Минонинг бошланишидаги “Мажр ал–Кабш”га етгач, ўша ердаги харсангтошларга уловлари арқонини боғлаб, ўзлари “хўкиз”нинг кундалик сайлидан қайтишини куёш ботгунча яшириниб кутган. Кутилмаганда қоялар орасидан кўлларига калтаклари билан унга ташланишган. Ҳеч қандай гап-сўзсиз йигитларнинг бири унинг бошига чунонам урганидан у мувозанатини йўқотиб эшаги устидан кулаб тушган экан. Фурсатдан фойдаланиб қолган иккиси устига миниб, худди ҳайвоннинг қорнини чавақлагандай чавақлаб ташлашади. Ўлганига ишонч ҳосил қилгач, пичоқларини кўйлагига артишиб, уловларига миниб, “Ҳеч ким ҳеч нарса кўрмади, ҳеч ким ҳеч нарса эшитмади” зайлида Маккага қайтиб келишади. Шундай қилиб, Макка кеккайиш ва босқинчилик тимсоли бўлган бир зўравондан қутулади. Лекин ҳеч ким уни ким йўқ қилганини билмасди. Шунингдек, ҳеч ким “бу ишни мен қилдим” деб айтмади. Шундай қилиб, “бу иш номаълум шахс томонидан қилинди” деб қайд этилди.

Ҳаётнинг бу каби завқли томонларидан маҳрум бўлсам–да, жамиятдаги табақаларнинг бошқа бир табақасига ўтганимдан ва унинг бошқа жиҳатларидан роҳатлана бошладим. Маҳаллада бўладиган никоҳ тўйларига чақирдишарди. Бу эса ҳадя сифатида қонда шакар ёки гуруч жўнатишда иштирак этишимни

тақозо қилди. “Ким шанба куни хайр—эҳсон қилса, якшанба куни хайр—эҳсон олади” қоидасига биноан, ўша даврда маҳалла аҳлининг қилган тўёнаси тўй харажатини тўлиқ кўтарар эди. Бундай яхши одат натижасида янги тўйдан чиққанлар узок муддат тўёналар ҳисобига тирикчилик қилишарди. Тўёналар аксари бир—икки йилгача бузилмасдан сақланиши мумкин бўлган озиқ—овқат маҳсулотлари бўларди.

Яна тўй эгаси тўёна берган кимсага удум бўйича тўй таомларидан ва ширинликларидан “насиба” жўнатиши одат эди. Уша кунларда “насиба” ҳада қилинган уй аҳли учун таом бўларди. Агар “насиба”ни олиб боришда ўша уй аҳлига бирор ярамас аралашиб қолса, уларнинг ҳолига вой: насибани умуман бошқа жойга олиб борар ва ўзи паққос туширарди. Албатта, бундан ёмони йўқ. Тўёна берганлар эса бундан беҳабар тўй соҳибини одатта амал қилмагани ва бефаросатлигидан нолишар, қарғашар эди.

Ўзаро келишмовчиликларни ҳал қилиш кўмитаси аъзосига ҳам айландим. Бировнинг уйини сел олган, бошқасиникига ўт тушган, шу каби масалаларни ҳал қилардик. Овқатнинг сероблиги—ю, ҳаракатнинг камлиги натижасида умумий кўринишимда содир бўлган тадрижий катталаниш ана шу ролни бажаришимга ёрдам берарди.

Руҳий илҳомланиш қоидасига биноан (бу борада уста эдим), мен нафақат маҳаллада, балки ҳаётда ҳам керакли инсон эканлигим хаёлимдан ўтди. Бундан онамнинг боши кўкка етди. Кўпинча уйга келганимни кўрибоқ, сув пуркаб юборардилар ва ҳасадгўйларнинг, шунингдек, Муҳаммад пайғамбарга салават айтмайдиган кимсаларнинг кўзидан Аллоҳ сақласин дея дуо қилишга ўтардилар.

29

Масжид—ул—ҳарамда ёки маккаликлар таъбири бўйича “Ҳарам” да бомдол намози ўқиладиган эди. Жума тонги ўша давр мен ва аксарият маккаликлар учун ўзига хос руҳий гўша эди. Балки у ерда қолган Макка аҳли учун ҳозир ҳам шундай бўлиб қолгандир. Энг зўри, ҳарамга азонтгача бир ёки икки соат олдин келиб, жойнамозни биринчи саф, яъни Каъбанинг олдига солгач, азон айтилгунча таҳажжуд намози ўқиш ёки тавоф қилиш, буларнинг барчаси табиий ҳолда кечар, оталардан болаларга мерос қолган одат эди. Чунки оталар болаларини балоғатга етгунга қадар ўзлари билан олиб келадилар, натижада оталарига одат бўлган нарсаларга одатланадилар. Шу тарзда ўзларидан кейинги авлодни шу одатга ўргатадилар.

Мана шундай кунларнинг бирида бомдолдан олдин “Мавлоно”нинг ҳарам равоқлари остида ёлғиз ўзи таҳажжуд намозини узок қироат қилиб ўқиётганини кўриб қолдим. Қироати шу даражада эдики, гўё у рукуъ қилмаётгандай туюларди. Узокдан уни кузатиб турдим. Намозини тугатгач, мен тўсатдан уни кўриб қолган кишидай олдига яқинлашдим. У саломлашишга мажбур бўлди. Табиийки, мен ҳам салом бериб ўтирдим. Сўнг намоз ўқишга одатланган жойимга ўтиб олдим. Бу иш эсимдан чиқди. Лекин у буни унутмаган кўринади. Уни билмаган кишиларга ва қўл остида ўқимаганларга шуни айтиш керакки, у “Усул” илмларидан дарс берарди: тафсир ва фикҳ усуллари, буларга қўшимча равишда, тил асослари, яъни “тил фикҳи” илми борасида унга тенг келадигани топилмасди. Ажабланарлиси, у сурёния тилидан ҳам озмунча хабари бўлиб, тақволи ва тўғри инсон эди. Айтишларига қараганда, у сўфий ҳам эди. Нафақат бу, балки тасаввуф тариқатининг соҳиби бўлиб, унга эргашганлар бўлган. Айниқса, Африканинг шимолида. Бундан ташқари у “фугувот” аҳлидан ҳам экан, ва ҳ.к., ва ҳ.к... Агар шу кунларгача яшаганда эди, у ҳақидаги ҳақиқатни билиш лозим бўлар эди. Агар у ҳаёт бўлса, юздан ошган бўларди. Тирик бўлиши ҳам мумкин. Лол қоларли даражада бақувват ва жуссаси катта эди.

Муҳими, ўша тонги учрашувдан сўнг “Мавлоно” одатдаги кўпчилик қатнашадиган “ўтириш” имиздан ташқари ўз уйига кечки овқатта тақлиф қилди. Ҳайрон бўлдим. Кечки овқат гоётда қийин ўтди. Чунки “Мавлоно” билан яккама—якка бўлиш ниҳоятда қийин иш. Чунки у билан гаплашиш керак бўлган мавзуларни топшида қийинчилик юзага келади. Шунинг учун то унинг ўзи гап бошлагунча ёки саволлар ёғдиргунча кутиб ўтиришинг керак бўлади.

Мен унинг қабул имтиҳонидан ўтдим, шекилли, у иккинчи ва учинчи бор яна сабабсиз меҳмондорчиликка чақирди. Тўртинчи мартасида: “Еб ўтирган овқатимизни Амина тайёрлади”, – дея гап очди. Секин–секин у қизнинг тақвоси, Куръонни ёдлаганлиги ва ҳоказолар ҳақида таъсирчан қилиб таърифлади. Мен эса ҳайрат билан қийин вазиятга тушган тентаклар табассум қилганидек жилмайиб туравердим. Бир неча пиёла кўк чой ичиш ниҳоясида Амина унинг қизи эканлиги ва мени ўзига қув қилмоқчилигини сездим. Гарчанд бунини очик–ойдин айтмаган бўлса–да, бир неча бор ишора қилишидан билиб олдим. Шу даражадаки, “Қўлингни бер, мана бу қизим, сенга никоҳладим, қабул қилдим дегин”, – дейишидан кўрқиб турардим. Ўша давр одамлари шундай қилишар эди. Лекин у бундай қилмади. Балки, у:

– Келаси сафар Аминани кўрасан, уйланишдан олдин аёл юзига қараш нафақат талаб қилинган, балки буюрилган, – деди.

Бу тақриф мен учун кўра олмайдиган инсон устидан қилинадиган жарроҳлик амалиётига ўхшарди. Ундан сўнг нарса ва одамларни кўриш мумкин бўлгани каби, шу пайтгача мен ҳам эр бўлишим ёки турмуш ўртоғим ким бўлар экан деб ўйлаб кўрмаган эканман. Барча ишларимиз кўмондони онам раҳматли ҳам бу борада гап очмаган ва бунга ҳатто ишора ҳам қилмаган эканлар.

Уйга кетаётиб отаси тасвирлаб бергандай, Аминанинг сурати кўз олдимда гавдалана бошлади. Унинг ёнида эса номаълум сабабга кўра Жамиланинг сурати пайдо бўлди. Биринчиси чиройли, келишган, узун бўйли, айтганидек, тўладан келган, ошпоқ қиз бўлиб гавдаланди. Иккинчиси бўйи сал пастроқ, ўша давр кўпчилик Макка қизларидек, қотма, буғдойранг қизнинг сурати чизилди. Уйимизгача бўлган масофани босиб ўтишга кетадиган бир неча дақиқалар ўтгач, кўз ўнгимда шундай манзара ойдинлаша бошлади. Аминанинг шарпаси қоронғу Макка кўчаларида гўё ёнимда кетаётгандай, уни кўлларим билан ушлашга оз қолгандай эди. Лекин у шарпа менга нисбатан юмшоқ ёки ёқимли бўлиб кўринмади. Аксинча, “Мавлоно”дай қаттиққўл, кўпроқ баджаҳл, кеккайган бўлиб кўринди. Уйга етиб олгунимча ўша шарпа ҳақиқатга айланиб, мен билан бир умр яшаш мумкинлиги ҳақидаги ўйлар мени қамраб олди.

Кутилмаган янгиликдан онам ҳайратланмадилар, ўша шарпадан ҳайикқандай ҳам кўринмадилар. Балки:

– Нима бўлибди, ошпоқ, бўйлари узун, бўлиққина, ҳар бир эркакнинг орзуси–ку, бу! – дедилар.

– Лекин мен хоҳламайман.

– Ҳали кўрмай туриб, қандай қилиб қарор чиқарасан?

– Кўрдимми–кўрмадимми, фарқи йўқ. Унинг ёнимда турганини ўйлашимнинг ўзи мени чўчитиб юборяпти.

– Аллоҳ сенга берган неъматдан юз ўтирма.

– Сиз қандай неъмат ҳақида гапиряпсиз?

– Бола бўлма. Мавлонодек ҳурматли шайх сенга қизини тақдим этса–ю, хурсанд бўлиш ўрнига кўрқувдан титрайсан.

– Шу кунгача ўзим ва фақат сиз билан яшаб келганман. Қандай қилиб ўша Амина дегани билан яшайман?

– Ҳамма эркаклар бошида шундай дейишади. Асалдан бироз ялағач, ишгаҳалари очилиб, янада кўпроқ бўлишини хоҳлаб қоладилар.

– Асалми ё асал эмасми, муҳими бу эмас. Шу пайтгача уйланишни ўйламаганман. Сиз ҳам бу борада бирор нарса демагансиз.

– Индамагимнинг сабаби сени йўқотиб қўйишдан кўрққан эдим. Биласан, дунёда ёлғизман. Лекин насибанг шу экан қочиб қутулишнинг иложи йўқ.

– Агар насибам бўладиган бўлса, фақат Аминадан бошқаси бўлишини хоҳлайман.

Онам ҳайрон бўлиб:

– Бошқаси ҳақида ўйлайсанми? – дедилар.

– Балки...

Онам билан менинг ўртаимиздаги тортишув икки “кар”нинг суҳбати каби

узоқ давом этгани жонимга тегиб кетди. Бу аснода олдин аён бўлмаган нарса ойдинлашди. “Насиба” бўладиган бўлса, Жамила бўла қолсин — ўша менинг насибам. У кўз ўнгимда гавдаланганда, ёнида баҳайбат шайх турар, юрагим орқага тортиб, ўша мен қўрмаган улкан одам олдида жоним чиқиб кетарди. Ва ниҳоят, онам куйидаги қабрлар келдилар:

– Уйланиш қисмати бошнингда бор, болам. Мавлононинг олдида бор, қизини сенга кўрсатсин. Хоҳламасанг, ҳеч ким сени мажбур қилмайди. Боришдан олдин Аллоҳдан бахтингни тилаб, “истихора”¹ намозини ўқигин.

– Агар қўлини чўзиб, “Сени бунга уйлантирдим” деб қолса, нима дейман?

– Агар шундай бўлса айт, “шошилишга ҳожат йўқ, Мавлоно, аввал оилам билан маслаҳатлашиб олай”, дейсан.

Мақоми Иброҳим орқасида истихора намозини ўқир эканман, Аминани мен учун танлашини эмас, балки уни мендан узоқлаштиришини сўраб дуо қилдим.

Одатдагидек, кечки овқат “Мавлоно”никида бўлди. Ҳар доимгидай зиёфат уйимиздаги “қуруқ овқат”га қараганда анча “ёғли” бўлди. Суҳбат ҳар доимгидай давом этар, узоқми, яқинданми бўлса ҳам Аминага ёки ўтган галги суҳбатга ишора қилинмас эди. Овқатни тановул қилиб бўлганимиздан сўнг хизматкор бола идишни олиб кетди. Сўнг Амина патнисда чойнак-пиёлаларни олиб кириб келди. Орқасидан ҳалиги хизматкор бола қолган-қутган нарсалар: самовар ва идиш қўйиладиган кичик хонтахтани олиб кирди. Амина баланд овозда урғу билан тортинмасдан, хижолатсиз “Ассалому алайкум”, деди-да, ўтириб нафис пиёлаларга чой қуя бошлади. Қуйиб бўлгач, чойнакни самовар устига қўйди. Иккита пиёлани кумуш суви юритилган патнис устига қўйиб, қаддини ростлаганча биз томон кела бошлади. Отаси олдида келиб, чап қўлини кўксига қўйганча энгашиб, ўнг қўли билан чойни узатди:

– Марҳамат, отажон.

Кейин менинг олдимга яқинлашди. Сўнг хона бурчагидаги жойга бориб ўтирди, бўлаётган нарсага бепарводай ўзи ҳам чойдан ҳўплай бошлади. Кўриб қолмасин деб ўғринча унга назар ташладим. У ҳам мен ҳақимда фикр ҳосил қилиш учун мени кўришга ҳаракат қилаётганини бир-икки бор сездим. Мен тасаввур қилганчалик ёмон эмасди. Узун бўйли, дўмбоққина бўлса-да, ёқимтой, кўзлари ёрқин, нозик ҳаракатли, келишган қиз эди.

Мавлоно овқатланиш олдида бошлаган гапини давом эттириб, Аллоҳнинг у ёки бу солиҳ бандалари ҳақида қисса кетидан қисса сўзлай бошлади. Қийинчилик пайтида Аллоҳ томонидан солиҳ бандаларга юборилган “мадад” ҳақидаги қиссалардан, у ёқ-бу ёқдан иқтибослар келтирарди. Солиҳ бандалар деганда фақат Муҳаммад умматларини тушунмаслик керак, зеро, унга қадар ҳам Нуҳ, Иброҳим, Мусо каби пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ўтишган ва улар ҳақида жуда кўп қиссалар мавжуд. Бир марта қошини кериб, қизига қарата “Фалон ат-Тануҳий”нинг китобини сўради. Бу билан қизининг ўқишини билладиган зиёли эканлигини кўрсатмоқчи бўлдими ёки ҳақиқатан ҳам муаллифнинг номини эсдан чиқариб, қизининг ёш хотирасидан ёрдам сўрадим, буниси менга қоронғу.

Ўша кунги меҳмондорчилик одатдагидан кўра кўпроқ чўзилди. Кетиш учун изн сўраш менга жуда ноқулай эди. Шунинг учун бир сафар чордона кўриб, бошқа сафар оёғим устида ўтириб, ҳар бир ҳолатда менга тушаётган босимни енгиллатиш мақсадида панжаларимни қирсиллатишга ҳаракат қилардим. Ўша кеча хижолатдаги одам Амина эмас, мен бўлдим. Гўё у эмас, мен унинг розилиги учун кўрсатилаётгандай ҳис этдим ўзимни. Жуда қийин аҳволда қолган эдим. У эса ўзига ишонган, тинч, хотиржам эди.

Қиз чойнак-пиёлаларни олиб кетгач, Мавлононинг кўзига қарамай, кетишга изн сўрадим.

Уйга етиб олгунча фикрларимни жамлашга ҳаракат қилдим. Онам тайёрлаб қўйган саволлар тўфонига жавоб қидира бошладим. Бир неча бор униси ёки бунисидан тўхташ учун ҳар қандай баҳона қидириб йўлимда тўхтаб ҳам қолдим. Ўзимга-ўзим савол бердим:

¹ “И с т и х о р а” намози — бирор яхши, хайрли ният қилсангиз, қилган ниятингизнинг амалга ошишини Аллоҳдан сўраб ўқиладиган намоз. (Таржимон изоҳи.)

– Муҳайсин, нима дейсан, “ҳа” ёки “йўқ”?

Рад жавоби бериш қийинлигини тушунгач, уйга томон шошилдим. Айтганимдай, онам тик турардилар. Балки у ёқдан-бу ёққа бориб келавериб, уйимизни ўлчаб ҳам қўйгандилар. Нафасимни ростлашимга қўймай, мен томон шошилиб, ҳал қилувчи учрашув натижасини билиб олиш учун сўрашди:

– Нима бўлди, рангларинг оқариб кетибди? Бирор нохуш иш бўлдими?

Саволларига жавоб ололмагач, яна такрор сўрадилар. Шунда мен:

– Тўхтаб туринг, ўзимга келиб олай, – дедим.

– Нима бўлди? Чиройли эканми, ёқдим ишқилиб?

– Билмадим.

– Билмайсан? Қандай қилиб?

– Билмайман дедим-ку, сизга.

– Қизиқ, нега билмайсан? Ахир кўриниши қандай экан? Отаси айтгандай бўйлари узун, оппоққина эканми?

– Ҳа, у оппоқ, бўйлари узун.

– Бўлмаса, ёқибди-да.

– Мен бундай деганим йўқ.

– Нимага энди, новчагина, оппоққина бўлса. Демак, чиройли бўлиши керак.

– Ҳамма новчалар, оппоқлар ҳам чиройли бўлавермайди.

– Демак, хунук экан-да, юзида бирор нуқсон кўрдингми?

– Йўқ, ҳеч қандай нуқсон йўқ.

– Сенинг ишинг қизиқ-ку!

– Онажон, менга ишонинг. Ўша қизга нисбатан нима ҳис этаётганимни ўзим ҳам билолмаяпман. Балки туйғуларимни аниқлаш учун яна бир бор кўрарман. Иш сиз ўйлаганчалик осон эмасдир. Балки мен эмас, у қарор қилиши керакдир, – дедим.

– Ҳаётимда биринчи бор бундай гапни эшитишим. Аёл эмас, эркак киши ҳал қилади бундай масалани. Қарор қилса ҳам нима бўлгити? Сенинг ҳам айбли жойинг йўқ. Қайси қиз сenga хотин бўлишни хоҳламайди, дейсан?

– Кўрамиз, – дедим-да, суҳбатни тугатиш мақсадида зина томон йўл олдим.

Мавлоно ҳузурдаги навбатдаги меҳмондорчиликкача бўлган кунлар ҳам ўтиб борарди. Мен бўлсам боши берк кўчага кириб қолгандай эдим. Нима қилишни ҳам билмасдим. Бирор нарсани ифодаларми экан, деб юзидаги ўзгаришдан пайқаша ҳаракат қиламан. Ўзимга-ўзим “Қачон кутилмаган саволни берар экан”, – дея кутаман. Ёки ўзим сўз очсаммикан? Гапирганда ҳам нима дердим? Айтадиган гапимнинг ўзи бўлмаса. Ҳайронман. Уйланиш шунчалар қийинми, а? Шундай экан, нега бундай ташвишларсиз бирор қарор қабул қилганимча тўхтаб турмайман? Навбатдаги меҳмондорчилик белгиланган вақт етиб келди ва Мавлоно менга унутмаслигимни эслатди. Табиийки, унутмаганман.

У юзимга олдин мен кўрмаган тарзда тикилди. Ўша оқшомдаги гаплари одатдан ташқари тарзда узук-юлуқ эди. Балки у қўлини фотиҳа учун очиб, “Аминани хотинликка қабул қилдингми?” дейдиган фурсатни кутаётгандир? “Ҳа” десам бас, дарҳол хотинимга айланади. Хотиним бўлгач, балки ўзим билан уйимга олиб кетишимни сўрар. Ишнинг шу зайлда давом этиб, деярли мажбуран уйланаётганимни тасаввур этар эканман, бақариб юборишимга сал қолди. Лекин нима учун Аминага уйланмайман? Унинг айби нима? Отаси мени қабул қилиб, қизини ҳаля қилиб турса? Бирдан ҳеч қандай “кириш сўзлари” сиз унинг салобатли овозини эшитдим.

– Муҳайсин, ўғлим, китобларда: “Кимники дин ва диёнатининг яхшилигини кўрсаларингиз, ана ўшаларга қиз беринг, куёв қилинг” дейилган. Мен сени диёнатли, тақводор йигит деб биламан, – деб бироз сукут сақлади-да, сўнг: – Уйланиш Аллоҳнинг белгилаган тақдири ва изни билан бўлади. Биз бирор нарсани хоҳлаганимиз билан, Аллоҳ хоҳлаганини қилади. Менга қолса, сени дарҳол куёв қилган бўлардим, бироқ танлаш ёки бўлмаса мен танлаган кимсага турмушга чиқишга рози бўлиш Аминанинг ихтиёрида, у ҳозиргача розилик билдиргани йўқ, – дея яна сукут сақлади. Сўнг менинг унга қараб турганимни сизди. Лекин мен уни кўрмаётган эдим.

– Хафа бўлма, балки Аллоҳ сен учун ундан яхшисини сақлаб қўйгандир, балки Аминанинг пешонасига сендан бошқаси ёзилгандир. Аллоҳнинг иродаси бу, – дея мана шундай қийин, қутилмаган вазиятларни енгиллаштириш учун айтиладиган бир неча байт ўқиб берди. Ҳисларимни бир ерга тўплашга ҳаракат қилиб:

– Менга турмушга чиқишни рад этди демоқчимисиз? – дедим.

– У рози бўлмади, – деб жавоб берди.

Уйга кетаётиб бўлган воқеаларни яна бир бор мулоҳаза қилиш учун қадамимни секинлатдим. Шу дақиқалар мобайнида мен учун инсон зотининг, яъни менинг мисолимдаги инсон зотининг, нақадар ажойиб эканлиги ойдинлашди. Мен Аллоҳга илтижо қилиб, Аминани мендан узоқлаштиришини чин дилдан сўраб дуо қилган эдим. Дуо ижобат бўлиб, айтганим бўлгач, Аллоҳга шуқр айтмадим, аксинча, тушкунликка тушиб кетдим. Нега? Нега ахир? Балки рад этилганимда камситиш ва хорлик туйғуларини ҳис этгандирман. Ваҳоланки, ўзим у қизнинг ҳис-туйғуларини ёки камситилганлик ва умидсизлик ҳолатини ҳис этишини ўйламаган ҳолда уни рад этишга тайёр эдим.

Одатдагидай, онам эшик олдида мени кутиб турар эдилар.

– Ҳа, болам, фотиҳа кунини белгиладиларингми, тўй кунини тайин қилдимми? Тагин у меникида яшайди деб ўйлаб юрган бўлмасин!!

Мен оддий қилиб:

– Қизини яна бироз вояга етиб олиши учун бу мавзуни кейинга қолдиришга келишдик, – деб жавоб бердим.

Ҳатто ўз онамга ҳам рад этган мен эмас, балки мен рад этилганимни айтишга қодир бўлмадим. Онам бўлса ҳайрон бўлиб:

– Балки шундай бўлгани ҳам яхшидир, – дедилар.

Нега? Нима учун – билмадим.

Бир неча кун ўтгач, бу мавзу бутунлай фикру хаёлимдан бошқа жойга ўтди, яъни унут бўлди. Бироқ Мавлоно ҳақиқий инсон эканлигини исботлади. Ҳеч нима бўлмагандай, алоқани давом эттириб, кечки овқатга таклиф қилди. Илиқ кутиб олишлар, ҳатто онамнинг ҳол-аҳволлари ҳақида сўраши бошимни осмонга етказди. Бир пайтлар унинг уйида энг яқин кишиси томонидан хорланганим ҳам эсимдан чиқиб кетди.

30

Ўша кунлар Макка аҳлидан бирортаси ва Маккадаги бирорта оила йўқ эдики, ҳаж қилмаган бўлса. Йилдан йилга уларнинг ҳаммалари кўпинча ҳаж ва ҳожилар билан йўлбошчилар ёки савдогарлар сифатида алоқадор бўлишар эди. Ё бўлмаса ўзлари ҳаж қилиш мақсадида ҳажда бўлардилар. Ўша замонда бундан осони йўқ эди. Ҳарамда у ёки бу фарзни ўқидингизми, “Муддаий” томонга йўл оласиз. У ерда бақир-чақир қилиб одамларни кутиб турган карвонига чорлаётганларни кўрасиз. Арафотдаги тўққизинчи кунга кеч қолаётган бўлсангиз, ёки агар пайғамбар ҳажини қилаётган бўлсангиз, Минога бориш учун бир неча қирш эвазига бир ўзингиз ёки хоҳласангиз икки киши бўлиб боришингиз мумкин бўлади. Арафотдаги йиғилиш пайтида, яъни зул-ҳижжа ойининг тўққизинчи кунини Маккада эркак зоти деярли қолмайди. Соқчилар ва “Халиф ўғрилари” (ўша даврда уларни шундай деб аташарди) бундан мустасно. Бу ўғрилар “ҳаж ўғрилари”га нисбатан аҳамияти камроқ ва кўпроқ бўйсинувчан кўринади. Ҳаж ўғрилари тарвия¹ кунини кечаси ҳожилар чодирига тушишга одалланганлар. Арафотда ўтказилган туннинг охириги қисмида барча ҳожилар чодирларига қайтгандан сўнг аҳён-аҳёнда у ер-бу ердан “ўғри-ўғри” деган бақир-чақирни эшитиб қоласиз. Сўнг йўлбошчи хизматчиларининг шарпасини, қўлларида машғала билан ўнгга ёки чапга юрдими дея гумон қилиб, етиб олишга ҳаракат қилаётган, у ёки бу томонга югураётганларини кўрасиз. Лекин ҳеч ким ўғрининг кимлигини ва қайси томонга кетганлигини аниқ билмасди. Тун эса зулматли, ҳурматли “электр-хоним” ҳақида ҳали ҳеч ким эшитмаган эди. Машғала, фонар чироқ эса ўз атрофини зўрға ёритар эди.

¹ “Т а р в и я” кунини – Зул-ҳижжа ойининг 8-кунини. (Таржимон изоҳи.)

У ёки бу сабаблар билан ҳажга бора олмаган эркаклар ёки аёллар ўша тунлари маҳалланинг у ер—бу еридаги кенгликда, хусусан, “Утайбийя” маҳалласида “Қайс кечаси”ни ўтказиш учун тўпланишга одат қилган эдилар. Кеч тунгача фақат бир тўда аёлларнинг бор овозда куйлаётганларини эшитасиз:

“Аё эй Қайс, ташриф этгин хонамизга,
Биз сенга шарбатлар қуяйлик,
Халос этгин бизни офат балолардан...”

Ота-боболаримизнинг кўплаб бидъатлари йўқ бўлгани каби, юқоридаги бидъатдан ҳам Аллоҳ бизни халос этди. Бироқ ўтган аср бошларида аёллар кўшиқ куйлаб, Маккада ўзлари қолганлари сабаб, ёлғизлик ҳиссини кетказишда иштирақ этиш учун, “Қайс кечаси”нинг келишини интизорлик билан кутар эдилар. Ёшлигимда мен ҳам табиийки, шундай кечалардан бир нечасининг гувоҳи бўлганман. Шунингдек, олдиларида машъал кўтариб юриш ҳам насиб этган. Улар эса қўлларидаги ёғоч қиличлари билан орқада рақс тушишарди. Аммо онам бу ишларда иштирақ этмай, фақат нима бўлаётганини томоша қилардилар. Қўлларида ширинлик тўла халта бўлиб, унинг ичидаги нарсалардан олиб, жағлари тинмай чайнар эдилар. Негадир ўша манзара, охириги “Қайс”ни кўрганимга кўп йиллар бўлишига қарамай, тушунарсиз манзараларнинг бири сифатида ҳали ҳам хотирамдан чиқмаган. Бундай аёллар йиғилиши, одатда, бирор воқеа-ҳодисасиз ёки у ҳақда тўқилган ва тўқиладиган афсоналарсиз ўтмас эди. Буларнинг барчаси аёллар қандай қилиб улар каби кийиниб олган ва қўлида қиличини кўтариб олиб, сирим очилмайди дея ўйлаб, ораларига билдирмай кўшилиб олган эркакларни сезиб қолганликлари ҳақида бўларди. Лекин аксинча, у ва шунга ўхшаш эркакларнинг доимо сирлари очилиб қоларди. Аёллар шапалоқ тортиб, қўлларидаги ёғоч қиличлар билан уларнинг жазоларини беришарди. Ҳайитдан сўнг қилган ишлари очиқ-ойдин ошқора бўлгач, қариндош-уруғ ва яқинлари орасида изза бўлардилар. Кейин маҳалла оқсоқоли ёнига чақириб танбех берар, кулги остига олар, ниҳоят, уйланган бўлса, бу қилиғини қайта қилмаслик учун талоқ билан қасам ичирарди.

Ишим кўпайиб кетганлиги сабабли, балки ундан ҳам бир ёки икки йил олдин бўлса керак, “Қайс”га бўлган қизиқишим сўнди. Бошқа томондан унинг ўрнини ҳаж билан боғлиқ бўлган бошқа қизиқишлар эгаллади. Натижада ишга кўмилиб кетдим. Мен ва мен қабиларга мўлжалланган яхши ишларнинг бири ҳарамда “тавоф” қилдириш бўлиб, бу иш билан менинг ёшимдаги ўнлаб ёшлар ёки йўлбошчиларнинг шогирдлари бўлиб, ёки зиёрат учун келган йўлбошчиси йўқ кўчманчи арабларни “овлаб” мустақил тавоф қилдирувчилар бўлиб ишлар эдилар. Шунингдек, йўлбошчилари томонидан белгиланган вақтдан ташқари кўпроқ тавоф қилишни хоҳловчилар ҳам ана шундайларга таянар эдилар. Бу ҳунар анчагина таниқли бўлиб, мавсумда кўпчилик шу иш билан шуғулланар ва йилнинг “бисора” деб номланувчи қолган ойлари учун яшашга етулик тўплашарди. Ҳатто ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам бу ишда иштирақ этишиб бирон-бир йўлбошчининг қўлида ишлашарди. Одамлар ҳарамнинг кўпгина эшиклари остонасида туриб олиб, ҳаж ва умрага келаётганларни “овлайдиган” нафсу ҳавосига берилганлардан кўра, ана ўша йўлбошчиларни кўпроқ ҳурмат қилишарди.

Ишнинг ҳар томонларини ўйлаб, ҳаж мавсумига боғлиқ бўлса-да, бошқача йўл тутишга қарор қилдим. Маҳалламизда кўзга кўринган ҳаж ишларининг “бошқарувчиси” қўлида кириш-чиқимлар котиби лавозимида ишлаб бошладим. Дафтарга ҳожиларнинг исмлари, кемалари, қолдирадиган омонатлари, шунингдек, ҳажбадал ҳужжатларининг сони ва ҳажбадал қилиб берадиганларнинг номлари, ажратилган маблағнинг қурбонликка кифоя қилиш-қилмаслиги, яна ижарага олинадиган уйлар, тахтиравонлар, чодирлар, Минодаги жойлардан тортиб, ҳожилар учун Жиддадан етиб келишлари шарафига махсус бериладиган зиёфатлар, шунингдек, ҳаж мавсуми давомида кундузи ва кечкурун бериладиган зиёфатлар, кетиш олдидан ҳар бир жамоанинг видолашув тавофидан кейин бериладиган зиёфатлар қайд қилинар эди. Ҳажбадал маблағлари бошқарувчилар учун қўшимча даромад манбаи бўлиб, унинг кўп ва кам бўлиши бошқарувчи

виждонига ҳавола эди. Баъзилари қўлига тушган бу маблағ темир сандиқларга тушгач, қайта нур кўрмасди. Бошқалари эса ҳужжатларнинг баъзиларини танлаб олардилар, айниқса, нархи балеңларини, ўзларига, қариндош—уруққа, қўл остидаги ишчиларга, қолганини бўлса шоғирларга, қўшниларга ва маҳалла—кўйга эҳсон қилардилар. Баъзи ҳажбадал ҳужжатлари белгиланган нархдан камроғига битар эди. Бу эса бошқарувчининг фойдасига қоларди. Ҳаж қилишга қодир бўлмаган ҳожининг исми билан ҳаж амаллари бажарилар экан, ҳажбадал қилиш шаръий иш ҳисобланади ва маломат қилишга ўрин йўқ. Ҳаж қилишни орзу қилиб, ниятига етолмай кетганларнинг меросхўрларига унинг ўрнига ҳаж қилиш ёки ўша одамларни ният қилиб амалларни бажарадиган одамни топишлари керак бўлади.

Табиийки, ўша йили бирортаси учун ҳажбадал қилмадим. Чунки фикҳ китобларида “кимки, ўзи учун ҳаж фарзини адо этмаган бўлса, ҳажбадал, яъни бошқалар учун ҳаж қилмайди” деган ҳукмларни ўқиган эдим. Шундай бўлса—да, бу ҳукм ҳажбадалларнинг бирини карвонда — бошқарувчининг карвонида — боришга қарор қилган онамнинг номига олиб беришимни манъ этмасди. Уша кунлари солдалигимдан ҳажбадалларнинг бирини устозга яхшилик қилишни хоҳлаб, унинг олдига олиб бордим ва “Агар истасангиз...” — дея кўрсатдим. У менга узоқ тикилиб, сўнг нигоҳини буриб, ёқмагандай:

— Мен бировнинг ўрнига ҳаж қилмайман, бунга эҳтиёжим ҳам йўқ, — деди.

Қаёқдан ҳам менга бу ҳажбадалларни ким олар экан, деган фикр келди. Ахир бу ҳажбадалларни бажариб берувчилар Аллоҳнинг оддий, бечораҳол бандалари бўлсалар. Улар файласуф ҳам эмаслар, ўзларига тўқ ҳам эмаслар...

Минога чиқиш куни ҳақиқатан ҳам одамлар билан гавжум эди. Гўё ҳарбий юриш тайёргарлигида ишлатиладиган тартиблар сингари у ерда ҳам қатъий тартибга риоя қилинарди. Бу тартиблар минг йиллардан кўпроқ вақт ичидаги режа ва тафсилотлари билан ишлаб чиқилган эди. Биз ўзимизни “аҳоли” ёки “бошқарувчи оиласи” деб ҳам атардик ва карвоннинг бошида борар эдик. “Оила” минган туялар сони тўртта бўлиб, улар ичида менинг оилам ҳам бор эди. “Аҳоли”нинг тахтиравонлари қолган ҳожиларнинг тахтиравонларидан ажралиб турар, аввалгиси ёрқин матолар билан ўралиб, атрофлари зийнатланган бўлса, ҳожиларники дағал каноп қоқ матоси билан ўралган бўлиб, тахталари кўриниб турар, на чиройи ва на диди бор эди. Ҳатто “аҳоли” учун танланган туялар ҳам бошқа ҳожиларникидан бақувват ва сервиқор бўлиб кўринарди.

Тахтиравонлар маҳкам ўрнатилгач, ҳожиларнинг туялари узун саф қилиб терилди. Сарбонлар ҳам стратегик равишда жойлашдилар. Сарбонларнинг ёши каттаси, кўпроқ тажрибага эга бўлгани биринчи туянинг нўхтасидан ушлади. Қолганлари карвон ёнида, яъни бир неча туялар оралигида биттадан бўлиб тарқалдилар. Карвон ортидан эса яна иккитаси юрадиган бўлди. Карвон мисрлик ҳожиларники бўлгани сабабли, туялар юришни бошлаши биланоқ, у ёқ—бу ёқдан севинч ҳайқириқлари эшитилди. Карвон бир маромда йўлида давом этар экан, Маккадаги уйларни тарк этиб, шарқ томон зиёрат қилинадиган жойларга қараб жўнадик.

Қароқчиларнинг қатнови ҳаддан зиёд тирбанд бўлганда, карвоннинг бир қисмини қолганидан ажратиб юборишдан хавфсираган сарбонлар юқоридагидек жойлашган эканлар. Қароқчилар туяларнинг бирини олдингиси билан боғлаб турган арқонни ечиб юборар эканлар. Натижада карвоннинг бир қисми олдингисидан ажралиб қолади. Кейин улар бир неча соатлаб, балки бир неча кунлаб адашиб қоладилар—да, уларга нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Бундай ҳоллар кўп бўлган. Бироқ ўша тажрибали сарбон “қароқчи, эй сарбон, қароқчи”, деб бақираётган одамни пайқаса, карвонидан узилиб қолганларни қўшиб олиш учун орқага қайтади.

Бошқарувчи “амаки” қўл остидагилари қатори мен ҳам ўша куни қуролианиб олдим: мен ҳам ҳозирги замон ишбилармонлари олиб юрадиган қулай жомадон ўрнини босадиган бадавийларнинг тўрва халтасини, елкамга осиб, “изор”им¹ устидан камарни боғлаб олдим. Ҳар эҳтимолга қарши бошқарувчи тарқатган паншаҳасифат қуролини ҳам ўзим билан олдим.

¹ Иҳромнинг пастки қисми. (Таржимон изоҳи.)

Мино ва Арафот йўлларининг катта қисмини пиёда юрган бўлсам—да, зўр қизиқиш, узоқ йўл чарчоғини унуттирдим. Ора—орада онамнинг: “Ўғлим, юқорига чиқ, дамнинг ол, сен сарбонмидинг, юрасан”, — деб чақиритишларига қарамай ўзимникида туриб олардим. Тўғри, мен сарбон эмасман. Лекин сарбонлар ва хизматчилар билан юришимдан завқланардим. Бош сарбондан адо этган ҳажбадаларининг сони, бошдан ўтган воқеалар ҳақида сўрардим. У ҳам хотираси кучли, жуда қув инсон бўлиб, зиёратда бўладими ёки ҳаждами, ўзи ва ҳожилар билан боғлиқ бўлган даҳшатли воқеаларнинг кўпини биларди. Сўзлаганлари ичида энг ажойиби баъзи сарбонлар қароқчилар билан олишиш ўрнига улар билан ўзаро тил бириктирганлари ҳақидагиси эди. Бир сарбон мана шундай йўлтўсарлар ҳамлаларининг бирида ўғлини йўқотгани, Мадина йўлидаги карвонсаройларнинг бирида зиёратчи ҳожилар — “Таслим бўлмаймиз”, — дея қўлларига калтак, тош ва нима тушса ўша билан босқинчиларга қарши курашганлари, ўғрилар енгилиб қочгани, бироқ улардан икки мурда қолгани, бири унинг ўғли бўлгани ҳақида сўзлаб берди. Ушандан сўнг ҳаттиқ тавба қилгани, карвони билан очкўз, қаттол бадавийларга таслим бўлиш ўрнига лозим бўлган иш—ҳимоя қилишга киришганини айтиб берди.

Карвонбошининг тўхтамай гапириш хусусияти бўлиб, гўё олдиндан тайёрлаб қўйилган магнит тасмасига ё китоб ўқиётганга ўхшарди. Ҳикоя кетидан ҳикоя узилмасди. Балки умри бўйи мен каби тингловчини энди топгандир. Шунинг учун тинмай, чарчоқ нималигини билмасдан сўзлаётгандир. Вақти—вақти билан туялар ва устидагиларни кўриб чиқиш учун орқада қолар, қолган сарбонларга маслаҳатлар берар, “Бу туя жуда кўрс, буниси касал, мулойим бўлинг”, — дея яна туяларнинг саноғини олар, ҳаммаси жойидалигидан кўнгли тинчиб, карвоннинг бошига келар ва гапини қолган жойидан давом эттирарди. Ҳар сафар гап бошласа, “Бир марта зиёратта кетаётганимизда...” ёки “Бир марта ҳажга кетаётганимизда...” каби ўзгармас жумлалар билан бошлар, сўнг давом этарди. Агар ўша пайт бирор ёзиб олиш воситаси бўлганда эди, ҳамма ҳикояларини ёзиб олиб, тўлалигича нашр қилган бўлардим. Сабаби, ҳикояларида ҳам кулги, ҳам кўрқинч, шу билан бирга туялар борасида тўшланган тажрибалар — уларнинг касали, давоси, ёшлари — йўлдаги суви бор ёки йўқ карвонсаройлар, яна чанқоқдан ҳалок бўлганлар ҳодисалари баён этиларди. Мадина йўлидаги “Сафро” ва “Фурайш”нинг тинимсиз урушлари, карвонларга кўз олайтирадиган таниқли қабилалар, ўз давридаги шижоатли машҳур карвонбошилар ҳақидаги маълумотлар мужассам эди.

Ҳикоялар эшитиш давомида тиламчиларнинг учига суюқликдан бўшаган идиш ўрнатилган ёғочларини у ёки бу туя устидагиларга кўтариб “ҳаж қабул” деган қичқириқлари чалинарди. Ора—орада кўтарилган идишга тушган темир танганинг жиринлаган овози эшитилар, тиламчи эса бир туядан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ўтиб юришда давом этарди.

Онам Қурбон ҳайити куни ёш болаларга қилинадиган ишни сенга қиламан деб туриб олдилар. Чодирлардаги мавжуд бир нечта болаларни тўпладилар. Бир халга тўла ёнғоқ олиб келиб устимдан — “Ҳа, ҳожи-ю... қани-қани”, — дея хурсанд бўлиб соча бошладилар. Болалар эса отилган ёнғоқларни устимдан, атрофимдан шошилганча териб олишар, бошқарувчи ва унинг оиласи бу тенги йўқ ҳолатдан мазза қилиб кулишар, бақир-чақир қилишарди. Буларнинг барчаси бўйнимга бир тизим хурмо илиш билан тугади, яъни айнан ҳаж мавсумида сотиш учун тайёрланган ва юқоридаги мақсадда ишлатиладиган қуритилган хурмо тизими эди. Яна Рамазон ҳайитидан олдин ҳам “Дибяза” дегани бўларди. Қандай бўлишини ҳозир шарҳлашга ҳожат йўқ. Маккаликлар ва баъзи жиддалиқ оилалар ҳозирги авлоднинг қаршиликларига қарамай, ўша эски одатларини ҳалигача маромига етказиб бажариб келмоқдалар.

Минодаги кечалар ҳақиқатан ҳам қувончли кечалар эди. “Араблар бозори”даги сайр, “нафақат савоб учун, балки шунчаки ҳаж қилаётган, ўтган-кетган аёллар”¹ — эркакларни кўриш инсон руҳига шу қадар кўтаринкилик бағишлайдики, булар тунги тантаналар нашъасидек эди. Баъзан йўлбошчининг супасида ўтирган қори атрофини ўраб олишар ёки тўйдагидек рақс тушиб, бақир-чақир қилаётган бадавийлар атрофида йиғилишар эди. Буларнинг барчаси Минодаги манзараларнинг асосий қисмини ташкил қиларди.

¹ Умар ибн Аби Рабиа (644-712) нинг қасидасидан. (Таржимон изоҳи.)

Омма тилида айтганда, “дароз йигит” бўлушимча, болалик давримда онам менга эртақлар сўзлаб берардилар. Ўша кеча эртақнинг қахрамони туғилади. “Чаққон Ҳасан” бўладими ёки бошқасими, биринчи тунда эртақ бошланади. Иккинчи кечада орзусидаги қизни учратиб, отининг орқасига ўтказганча олиб қочар, у ёки бу булуг устида ёки сеҳрли қасрда ўша қиз билан бахтли ҳаёт кечирарди. Учинчи кечада лаззатларни вайрон қилувчи бир бузгунчи келиб қахрамонларимизни бир-биридан айириб ташларди. Воқеалар ривожи узлуксиз, табиий тарзда давом этар, зеро, усиз эртақ эртақдек чиқмасди. Баъзан эса бир кечанинг ўзида бир қахрамон туғилиб, уйланар ёки уйланмас, муҳими бу эмас, сўнг дунёдан кўз юмарди. Мен учун энг қизиқарлиси, эртақнинг иккинчи кечаси бўлиб, қахрамон орзусидаги қизга эришиш учун жанглар ва ажойиб саргузаштларни бошидан кечирарди. Йигит қизнинг севгиси йўлида, албатта қиз ҳам уни севса, унга талпинса, ҳеч қандай йўлдан қайтмас, сеҳргар ва шум камширларни ишга солиб бўлса-да, мақсадига етишарди. Туғилиш, уйланиш, сўнг боқий дунёга риҳлат қилиш узоғи билан уч кечадан ошмас, шунингдек, инсон қалбида чуқур жой эгалларди. “Эртақ болалари” тез катта бўлиб, тез ўладилар. Ойлар, йиллар ўтар экан, мана шу ҳаёт ҳам ўша тунлар каби тез ўтишини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Тўсатдан қахрамон — худога шуқр, ҳаммамиз қахрамонмиз — иккинчи кеча кетидан учинчи кеча кўз очиб юмгунча ёки ундан ҳам тез суръатда кириб келишини ҳис қилади. Агар ундай бўлмаса, тўсатдан кашф қилганим — мактаб мудирининг кексайиб пенсияга чиқиши, ҳаммага келгани каби, дунё лаззатларини барбод қилувчи фаришга — Азроилнинг келиши, шунингдек, қабри ёқасида ўтириб, “Агар икки фаришга келиб, сендан раббинг ким деб сўраса...?” кабиларни қандай изоҳлайман? Ёки мана шу йиллар давомида мактаб ҳаётида аввал ўқитувчи, кейин назоратчи, сўнг мудир муовини бўлиб ишлаганимни-чи? Ёки Жамиланинг кўз ўнгимда баркамол, келишган қиз бўлиб катта бўлиши, ҳар сафар узлуксиз, узоқ давом этадиган дарсга келганида ундан балоғатга етган қизлик латофати уфуриб турганидан, ҳатто ўқитадиган илмлар ёки китоблар танлашда ожизлик қилганимни—чи? Жамила мен берган дарсларимни Тоиф бўстонларига қирон келтирган очкўз чигирткалар каби тез ўзлаштирарди.

Шунча воқеа бўлибди-ю, лекин вақтнинг бу қадар ҳайратланарли тезликда ўтиб кетаётганига эътибор бермаган эканман. Балки вақт ярим аср давомида ер юзида бор нарсаларни йўқ қиладиган борлиқнинг сиридир. Ярим аср эса ўша кунлардаги инсонлар умрининг энг юқори кўрсаткичидир. Уларнинг ўрнини бошқалар эгаллайди, ҳаёт ёшлари янгиланади ва у ўзининг ажиб айланишида давом этади.

Мана шуларни кашф этганимда чамамда ўтгиздан ошган эдим. Чунки туғилган куним ҳали ҳам сир ёки номаълумлигича бирор китобга қайд қилинмай қолган эди, буни ҳеч ким аниқ эслолмасди ҳам. Юқоридагиларни мен Тоифдалигимизда ҳис этдим. Қурайш саёҳатчилари-ю, Макка Макка бўлишидан аввал унинг аҳолиси доимий равишда ёзни ўша ерда ўтказганлари каби, у ерга чиқиш бизнинг йиллик режамизнинг бир қисмига айланган эди. Ўша тун машҳур “Баб ур-Рий” тепалигида жойлашган манзилга қайтдим. Кечки овқатни тановул қилиш пайти келгунча ғайриоддий нарса сезмадим. Одатдагидай онам дастурхонга овқатлангани келмагач, нимадир бўлаётганини пайқадим. Онам бу кеча овқат ейишга ишгаҳалари йўқлиги сабаб келмаган эканлар. Зўрлаганимдан кейингина дастурхонга ўтирдилар ва ишгаҳасиз тановул қила бошладилар. Бироқ ҳар бир луқма орасида бир ҳўплам сув ичардилар. Еб бўлгач, бирон сўз айтмай, овқат қўйилган дастурхоннинг бир четини қайириб туриб кетдилар. Кунлар ўтиши билан ишгаҳалари баттар камайиб, камовқат бўлиб қолдилар. Хавотир ола бошладим. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг билганим бирор луқмани сувсиз юта олмаганлари бўлди. Шунга қарамай, шикоят қилмасдилар, лекин сўлиб борардилар. Ўша йили ёз тугай деб қолганида, “Вардия”ни кутмасдан Маккага қайтдик. Бу пайт ёзнинг охири, кузнинг бошланишида бўлиб, ёзлик дам оладиган жой мумкин бўлган энг гўзал жойга айланарди. Совуқ ҳавонинг қақшиши бошланар ва борлиқни тўлдириб ёзлашга келганларнинг ёноғини қизартирар,

баъзи бошқаларнинг тукини тўқар, лаблари ва чаккалари тарам—тарам бўлиб ёрилиб кетар, бу эса ёзлаш жойларини ўзининг совуқ ва қуруқ ҳавосига ўрганган Тоиф аҳлига ташлаб, жўнаш пайти келганидан огоҳ этарди. Ҳа, биз ана ўша “вардия”ни қутмай, шунингдек, Тоифга келишдек бахтга муяссар бўлолмаган дўсту—ёрларга, одатдагидай, қонда анор, узум, беҳи олмай Маккага қайтдик.

Маккада бу нарсага бошқача кўз билан қарай бошладик. “Онам касаллар” — бу мен учун галати ҳодиса эди. Илгарилари бу каби оғриманган эдилар. Тўғри, вақти—вақти билан шамоллаб турардилар. Лекин ўнлаб доривор гиёҳлар билан лиқ тўла турадиган кичик қутичадан у ёки бунисини олиб ўзлари ўзларини даволардилар. Баъзан бошлари оғрир эди. Шу сабаб “нашатир” шишаси доимо бўлар, бир икки ҳидлаганларидан сўнг оғриқ ўтиб кетарди. Баъзан бел ва қорин оғригидан ҳам шикоят қилиб турардилар. “Қарбош суртмаси” ёки иссиқ компрессдан сўнг ҳаммаси ўтиб кетарди. Буларнинг ҳаммаси эътиборни жалб қилмай, табиий муолажалардан сўнг тугарди. Бошлари қаттиқ оғриганда, боглаб олишлари одатий ҳол бўлиб, Макка аёлларининг барчаси бош оғриганда мана шундай қилардилар. Лекин ҳозиргиси умуман бошқача. Олдин оғриманган касаллик билан оғрир эдилар. Бир кун келиб шундай аҳволга тушишимни ҳеч ўйламаган эканман. Нима қилсам бўлади? Биринчи навбатда қўшнилardan маслаҳат сўрашим керак. Улар орасида Умар амакининг хотини ҳам бор. Турли фикрлар айтилди. Улар ичида онам энг тўғри деганларини танланди. Уларнинг бири: “Овқатнинг қийинчилик билан ютаётганингиз, сўнг ошқозонга боргандан кейинги оғриқ, буларнинг барчасига овқат еб турган пайтингизда пайгамбаримизга салавот айтмайдиган ҳасадли бир кўзнинг ҳасад ўқи билан назар ташлаганидир. Натижда луқма кўкрагингизда туриб олиб, овқатнинг ўтишига халал берапти. Нима қилиш керак? Ягона йўл “Муобида”да яшовчи фалончи моҳир, тикилиб қолган луқмани олишда шуҳрат қозонган одам бор, ана ўшанга мурожаат қилиш керак”, — деди. “Шундай бўла қолсин”, — дедим. Онам, мен ва қўшни аёл от—аравада аср пайти Муобидага етиб бордик. Онам ва қўшни хотин ёғоч аравада, мен бўлсам аравакаш ёнида ўтирдим. Айтганларидай, ўша моҳир табиб, луқмани чиқариб ташлади ва бизга ноҳуш ис таратаётган нам пахта бўлагини кўрсатди ва: “Мана ўша ҳасадли очқўз одамнинг назари тушган луқма, егиси келиб қарагани сабаб кўкрагида туриб қолган”. Овқат еяётганларида қараган ва луқмани онамнинг кўкракларига тўхтатиб қўйган ўша ҳасадгүй кўз ким бўлиши мумкин, деб эслашга ҳаракат қилдим. Ахтариб, излаб бўлгач, шуниси аён бўлди: “Балки “Қазоз” бозорчасидан егулик сотиб олаётганимда, бирортаси ҳасад ёйларини олаётган нарсамга отган бўлса, ўша ишпахали таомга кўз теккан. Онам еганларида эса касал бўлиб қолган бўлишлари мумкин. Балки... “Ҳасад қилувчининг ёмонлигидан ўзинг асра”¹.

Луқманинг чиқарилгани билан онам яхши бўлмадилар. Бир-икки кун ўтгач, овқатни сув ёрдамисиз еб юта олаётдилар деб ўйлаган эдик. Сув миқдори аста—секинлик билан камайиб, онам асл ҳолатларига қайтадилар деб умид қилган эдик, лекин ундай бўлмади.

Яна янгидан башоратчи табибалардан маслаҳат сўрай бошладик. Улар ҳам бир неча даво услубларини таклиф этишди: қандай гиёҳларни қайнатишни ёки уларни кукун қилиб туюшни, ё бўлмаса кичик тўпча шаклида улардан хамир қорилишини айтишди. Халқумларининг торлигига нисбатан тўпчалар катта бўлса ҳам уларни ютишлари керак эди. Лекин онам сабр—бардошли эдилар. Кукунни эрталаб, ўша кичик тўпчаларни кечки пайт истеъмол қилардилар. Бироқ бир неча марта бўғилиб қолишларига оз қолди. Шунга қарамай, сабр ва матонатли бўлишда давом этдилар. Уч ҳафтадан сўнг дорилар оз бўлса ҳам фойдасини кўрсатгандай бўлди. Қийинчилик оз бўлса—да ортда қолди. Овқат истеъмол қилишлари қандайдир вақтгача олдингига нисбатан анча енгиллашгандай бўлди. Лекин бу узоққа чўзилмади. “Эски тос, эски ҳаммом” деганларидай, халқумлари яна торашиб, овқатнинг ўтиши деярли мумкин бўлмай қолди. Натижда овқат хилини бутунлай ўзгартирдилар. Озуқалари шўрваннинг суви ёки “ҳарира” дейиладиган атала бўлиб қолди. Эрталаб эчкимиз “Умм ул—хайр” сугидан бир неча қултум ичардилар. Бироз вақт ўтгач, яна бошқа даво

¹ “Фалақ” сураси , 5- оят. (Таржимон изоҳи.)

йўллари қидира бошладик. Фалончи домланинг “афсун” ёзиши ва ўшанга мурожаат этишимизни тавсия этишди. Афсун сопол идишларга ёзиладиган Куръон оятлари бўлиб, касал унга сув ёки зам—замдан қуйиши, “шин” сиёҳи билан ёзилган оятларни ўчириши, сўнг ўша аралашмани ичиши керак бўлади. Одатда унинг мазаси ёмон бўлиб, нордон, ёқимсиз эди. Кундан—кунга мана шундай ўнлаб “идиш”ларни ичдилар, бироқ фойда бермади. Шунда ўша фалончи домла “ўраб қўйиш керак”, — дея кўрсатма берди. “Етти кунгача ҳеч ким кўриши мумкин эмас”, деб ётоқлари атрофига оқ парда илиб қўйди. У ҳам фойда бермагач, бўйинларининг ўзига боғич боғлаб қўйишди. Сўнг ўз ишининг тажрибали табибини бир неча кун давомида атрофларида ўз гуруҳидаги одамлари билан бирга “Ёсин” сурасини қайта—қайта ўқиш учун олиб келишди. Яна... яна... Мен ҳамма нарсага кўндим. Бўйин эккан ҳолда ниманики эшитсам, мантиққа тўғри келадими—йўқми, ўшани қилавердим. Худо раҳматига олсин, онамнинг тузалиб кетишлари учун уларга қилинган ёки дори сифатида берилган нарсаларга рози бўлганимни эсласам, ҳозир айтишга уяламан. Лекин тузалиб кетишлари учун кўрларча иш тутдим. Натижада мана шу аҳволда бир неча ойларни ўтказдилар. Ва ниҳоят, Маккадаги “Такия” деб аталувчи ягона шифохонадан доктор олиб келишни ўйладим. Доктор ҳам мени узоқ текшириб, касални кўриб, дори ёзиб бериши учун тўлашим керак бўлган тўлиқ бир риёлим борлигини анлагандан кейин мен билан боришга рози бўлди. Тиббий сандиқчасини кўтариб мен олдинда, у эса орқада шаҳдам қадамлар ташлаб келарди. Касални кўриш бир неча дақиқаларгина давом этди. Онамнинг томоқлари, эҳтимол, қизилўнгалари ҳам рақ касалига чалинибди. Ҳаётда биринчи марта “рақ” деган касаллик борлигини эшитишим эди, шунинг учун ҳеч нарса тушунмадим. “Доктор, нима қилиш керак?” — дедим. Ҳа, шундай деб сўрадим.

— Касаллари жуда ривожланиб кетибди, умумий аҳволлари жуда ёмон.

Шунга қарамай, бир варақча дори ёзиб қўлимга берди. Ўша кунларнинг одати бўйича дорини “Такия” дорихонасида тайёрлаб беришгач, олдиларига ўзимни йўқотганимча, олдингидан ҳам кўра кўпроқ умидсиз бўлиб қайтдим. Бир неча кун дори ичдилар. Бироқ ҳеч қандай натижа бермади. Мен яна ўша докторнинг олдига бордим. Лекин у боришдан бош тортиб:

— Пулингни бекорга олишни истамайман, онамнинг аҳволи оғир, ҳаётдаги сўнгги кунларини ўтказяпти. Ҳамманинг бошида ўлим бор, ўзингни қўлга ол. Эркак бўл, — деди.

Мана шундай оғир кунларимда Умар амакининг оиласи менга ҳам оила, ҳам озиқ—овқатим бўлди. Энг камида асосий таом — тушликни хизматкор бола ёки Жамилнинг ўзи бир неча қаватли патнисда уйларида кўтариб келарди. Умар амакининг хотини эргалаблари ёки ундан кўпроқ вақт бизникида бўлар, пешин яқинлашгунча онам билан суҳбатлашиб, кейин овқат пишириш учун мен мактабдан қайтганимча ўрнига Жамилани ташлаб кетарди. Мен келгач, Жамила овқатни юбориш учун уйларига кетарди.

Кундан-кунга уларга боғлиқлигим ортиб борар, ҳар куни асрда уйларига борганимда, Умар амаки ўзларининг далдалари, мададлари билан кўнглимга хотиржамлик киритардилар. Ҳар доимгидек камгап ва “ла ҳавла ва ла қуввата”ни кўп айтар эдилар. Онамни даволатиш йўлидаги турли усул ва найрангларни эшитиб, янада камгап бўлиб қолдилар. Лекин мен ўзим нима эканлигини билмайдиган “рақ” муаммосини айтганимда, ҳайратлари ошиб, юзлари буришиб кетди. Аммо бир неча кундан сўнг жаҳон уруши даврида (биринчи жаҳон уруши бўлса керак, деб ўйлайман) янги “пенициллин” деган дори кашф этилгани ва у жуда ноёблиги, Жиддадаги консулхоналарнинг биридаги докторда оз миқдорда шу доридан борлиги, лекин у насроний бўлгани учун Маккага кира олмаслигини айтди. Онамни ҳам Жиддага олиб боришнинг имконияти йўқ. Шунинг учун агар мен унинг фикрига қўшилсам, ўзи пенициллинни олиб келиб, “Такия” докторига бериши, у эса онамга бир неча соат оралатиб укол қилишини айтди. Агар мен унинг фикрига қўшилсам... Ўзим англамаган ҳолда ҳаёлимда бир нарса айланарди. “Насроний табиб, консуллик, жаҳон урушида кашф этилган ўша ажойиб пенициллин...” Нега ҳам йўқ дердим? Ахир ҳамма нарсага синаб кўрдик. Ҳатто икки ёнлари ва кўкракларидан қон кетишига сабаб бўлган “куйдириш”дан ҳам фойдаландик. Майли, шундай бўла қолсин.

Сеҳр ўз кучини кўрсатгани каби пенициллин ҳам ўз кучини кўрсатди. Бир неча кун ўтгач, аҳволлари анча энгиллашди. Каравотларида биринчи маротаба ўтириб, овқатларини ўзлари қалтираган қўллари билан ича бошладилар. Шифо топяптилар деган фикрга бордим. Лекин минг афсуслар бўлсинки, мана шу ўнгланишдан сўнг кутилмаганда олдингидан ҳам ёмонроқ аҳволга тушиб қолдилар. Қаттиқ дард тортаётганлари кўриниб турарди. Шу сабаб тинмай инграб чиқардилар. Бир неча тун давомида саноқли лаҳзаларгина ором олганларини биламан. Ёнларида тиззалаб уйғоқ ўтирар эканман, бедорлигим онамнинг ҳаёт қолишларига ёрдам беради, дея тасаввур қилардим.

Бир кун эрталаб кўзларини юмганча, кўз ўнгимда қайта очмадилар.

32

Қабристонгача бирга келганлар кетишганидан сўнг нам тортган қабр ёқасида ўтирар эканман, гўрков кавлаган қабр устига қўйилган мана шу тошлар остида мен учун азиз бўлган инсон ётганига ишонгим келмасди. Буни ўйламаган ҳам эканман. Атрофимда бирор нарса бўлаяптими ёки бўлмаяптими – англамасдим. Эс–хушимни бир жойга тўшлагач, “Ёсин” сураси ёдимга тушди. Такрор ва такрор ўқидим. Ҳатто томоғим қуриб, тун ўз зулматини олам узра ёйди. Қабристон қоровули бундай пайтда қабрлар ёнида бировнинг қолиши манъ қилинганлигини огоҳлантирди. Асосий эшик томон ҳушсизлардек юра бошладим. Қабристон мени ташқарига отиб чиқаргач, “ас–Саййид” қаҳвахонаси олдида қаерга боришимни билмай, ҳайрон бўлиб туриб қолдим. Ҳисоблаш машинаси тугмасини босганингизда олдингизда бир неча нуқталар ёришгани каби, миямда ҳам бир қанча боришим мумкин бўлган жойлар ўта бошлади. “Жинлар ҳибсхонаси” даги қаҳвахона, ҳарам, уй, болалигимдан бери қатнаётган мактабим, саноқсиз жойлар. Баъзиларига, табиийки, боришнинг иложи йўқ, баъзилари йўқ бўлиб кетган, баъзиларини йиллаб кўрмаганман. Буларнинг бирортаси ҳам менга ёқмагач, муносиб деб билган қарорни қабул қилиш учун оёқларимга ихтиёр бердим. У эса онамнинг жасадларини олиб келган йўл томон мени бошлади. “Мақрот ул–Фотиҳа”, “Муддаий”, “Масъа”, кейин “Сафо” тепалигига бурилди, сўнг, одатда, тун қоронғулигида одамлар ундан ўзларини олиб қочадиган “Сафо айвони”га етиб келди. Лекин мен на тунни ва на зулматни ҳис қилардим. Айвон остида юриб борар эканман, ажиб бир ҳис мени чулғаб олди. “Қани эди онамнинг қорнида қайта бўлиб қолсам”. Қандай қилиб инсон бу каби туйғуларни ҳис этади? Олдин синаб кўрмаган бўлса. Шунингдек, ундан бошқаси ҳам ҳеч қачон синамаган. Айвон сўнгида кўча чироғидан таралаётган нурнинг ёруғлиги кўрингач, яна ўша ерга қайтиб кетай дедим. Лекин ундай қилмадим.

Нимадир менга эътибор қаратаётгандай кўринди. Қай бир чироқ ёки фонар ёнидан ўтмай, ҳамма менга бир хил – бошимнинг юқори қисмидан тортиб, оёғимгача тикилиб қарарди. Нега? Эҳтимол, оёқ кийимимни ва салламни йўқотган бўлсам керак. Қандай қилиб инсон кийиб юрган нарсасини йўқотиши мумкин? Ҳа, ўша азиз чеҳрани қоронғу қабрга қўяётганимда, шиппагимни ҳам, салламни ҳам тушириб қолдирган бўлсам керак. Ҳа, шундай бўлган бўлиши керак. Балки мен учратган аксарият одамлар менга тасалли бермоқчи бўлиб, кўлимдан маҳкам ушлаб, бағриларига босмоқчи бўлишгандир. Шундай бўлса керак ёки ўша қаро тундан сўнг туш кўргандирман. Менга айтилган баъзи сўзларни эслашда давом этардим-у, лекин инсон қандай қилиб унга айтилмаган сўзларни эслаши мумкин.

Уйга етгач, табиийки, тўғри онамнинг ётоқларига кирдим. Нимага ҳам кирмай? Киши ухлашидан олдин бетоб онасини кўриб хотиржам бўлмайдами? Лекин хона тўғрисидаги бу чироқ ва анави кутиб ўтирганлар ким бўлди? Оҳ! Умар амаки ва унинг оиласидаги ҳаммалари—ку. Уларга қараганимда, Умар амаки мен томон келиб, қучоқлаганча баланд овозда йиғлай бошлади. Нега энди? Хотини эса пешона ва юзларимдан ўпиб қўйди. Бу одамларнинг ишлари ажойиб—да. Шу он бир куни менга “у масончи” деганлари ёдимга тушди, шунингдек, маҳаллада у ҳақда “инглиз жосуси” деган гап ҳам юрарди. Ажиб йўл билан улар гўё атрофимни ўраб олиб, аввал эшикка, кейин кўчага мулоийимлик билан итариб чиқаётгандай туюлди менга. Нега энди? Улар бирон сўз демас, мен ҳам индамай уйдан бошқа ёққа қараб сузаётгандай эдим. Сузаяпманми ёки биров кўтариб олганми, билмас эдим.

Биринчи бор инсонни ухлаган ҳолда “Рӯшон”да қўлида пиёла ушлаб ўтириши мумкинлигини кашф эдим. Мана мен уйғоняпман—у, ўзимни шундай ҳолатда сездим. Ухладимми ўзи ёки кўриш қобилиятимни йўқотдим—у, сўнг у қутулмаган сергаклик билан бирга қайтдим. Ўзимни “Оҳ, онажон” дея баланд овозда бақираётганимни англадим. Ўша қичқирик даҳшатидан Умар амаки қаттиқ қалтираб кетди. Хотини югурганча келиб, шошиб мени бағрига босди, силаб—сийпалар экан, оғзидан “Бисмиллоҳ” билан “ла ҳавла ва ла қуввата” тушмас эди. Мен эса номаълум сабабга кўра бақирини давом этардим. Бироздан сўнг:

— Хотираси ўзига кела бошляпти, тек қўй, йиғлаб бақириб олсин. Бўлган воқеаларни ақли рад этгандан кейин ҳиссиётлари ўзига қайта бошляпти, яхши бўлиб кетади, — деганини эшитдим.

“Ким яхши бўлиб кетади?” Яна бир пайт ўзимга келганимда кимдир менга “Ёлгон гапиряпти деб ўйляпсанми?” — дер эди. “Икки ҳафтадан буён ҳушингни тўлиқ йўқотган эдинг. Мана, худога шукр...”

33

Бошқа уйимга қайтиб бормадим. Ўша “ётоқни” қайта кўрмадим. На хона бурчагидаги чироққа нима бўлгани, на эчкимиз “Умм ул—Хайр”ни ким соғиши ва на қафасдаги қуёнлар ҳам жойидами, йўқми — билмасдим. Лекин шуниси аниқки, Умар амакиникига — ҳозир турган жойимга — кимдир кийимларимни олиб келиб берибди. Олдин кийиб юрган кийимларимни ҳали ҳам кийишим бундан далолат беради.

Уйимга қайтмасам ҳам, мактабга қайтдим. Бунга Умар амаки кўндирди. У:

— Уйда бунчалар кўп қолиб кетишинг мумкин эмас, мактаб мудири ҳам бир неча бор сўради. Ҳамма ўқитувчилар сени кўришга келмоқчи бўлишди. Лекин ўзинга келиб олгунингга қадар тўхтаб туришларини ва сен ўзинг уларнинг олдига қайтишингни айтдим. Бу тўрт девор орасидан чиқишинг ва одамларга қўшилишинг керак, — деди.

Мана шу қистовлар остида мактабга қайтдим. Мактаб деворлари ва ярим уйку ўртасида асир каби юрсам—да, ишга қайтишим билан аҳволим анча энгиллашгандай бўлди. Агар ўша кунлари ички кечинмаларим ҳақида ёзиб беришимни сўрашса, варақни оқлигича тошпирган бўлардим. Шунга қарамай, дарс ўтардим. Талабалар билан мунозара ўтказардим. Дафтарларини текширардим. Буларнинг барчаси тугар—туғамас, яна эски ҳолатимга қайтиб тошдек қотардим. Ичимдаги кечинмаларим туфайли қилаётган қилиқларим учун ҳеч ким мени маломат қилмади. Вазифаларимни бажарардим—да, уйга жўнардим.

Назаримда мен Умар амакиникида узоқ вақт қолгандай эдим. Қабристон мени отиб чиқарган тунда қандай қилиб уларникига бориб қолганимни ҳозиргача эслолмайман. Бироқ кутубхона ёнидаги мен учун ажратилган хонада доимий бўлишим, кунда аср пайтида “рӯшон” ортида ўтиришим, бу ерда чой ичишларим — шуларнинг барчаси қандай қилиб бўлса ҳам улар билан бирга яшаш учун келганимни таъкидларди. Лекин “Қачонгача бу ерда қоламан”, — деб ўзимдан ўзим сўрамасдим. Уларга оғирлигим тушмаяптимики? Қандай қилиб бу уйдан кетаман? Кетган тақдиримда ҳам қаерга бораман? Шу каби саволларнинг бирортасини ҳам ўзимга бермабман. Ҳеч ким бунга ишора ҳам қилмабди. Уларникида бўлишим кўпроқ табиийдек кўринди, менга. Бунга ҳеч ким, билишимча, ҳеч қандай эътироз билдирмади. Балки узоқ вақт иззат—икромда бўлдим. Шунга қарамай, бир ишда ғалатилик бор эди. Мен улар ва Умар амаки билан суҳбатлашганимда “сўза сўз билан жавоб” қоидаси бўйича гаплашардик. На у кўп гапирмас ва на мен ортиқча сўзламас эдим. Бир куни аср пайтида, орадан бир неча ойлар ўтган бўлиши керак, бирга ўтирган эдик. Умар амаки гайриоддий ниманидир айтишга шайланаётгандай бироз иккиланиб:

— Муҳайсин, кўнглингдаги бу изтиробни кетказиш учун сенга юпанчиқ бўла оладиган инсон керак, — деди—да, жим бўлди. Бироздан сўнг яна: — Кўнглидаги ёлғизлик дардини фақат солиҳа аёл — турмуш ўртоғинга даволай олади, инсон унга суяниб яшайди, — дея яна сукут гирдобига ғарқ бўлди. Гўё айтмоқчи бўлган гапини зўр берса ҳам айта олмаётгандай эди... Сўнг тўсатдан суҳбатлашиш йўлини ўзгартириб, савол беришга ўтди:

— Уйланиш ҳақида ўйлаб кўрмаганмисан?

— Бир марта бўлган эди.

— Демак, уйланиш фикрига қарши эмассан.

- Уйланиш фикри билан менинг ўртамда ҳеч қандай адоват йўқ.
- Яхши, мен сенга қизим Жамилани бермоқчиман. Қабул қиласанми?

Елкасидан тоғ ағанагандек биринчи бор чуқур нафас олганди гўё... Менда эса дафн кечасидаги аввалги ҳолат қайтарилди: кўз олдимда жилваланаётган нуқталарнинг баъзилари ёруғ, яна бошқалари хира бўлиб, “ла ҳавла ва ла қуввата”ни айтганча турардим. Миямда эса бир–бирига ўзаро боғлиқ бўлмаган сўзлар, жойлар, исмлар айланарди. Сукунатим чўзилгач, у яна:

- Нима дейсан? – деб сўради.
- Ҳеч нима, – дедим.
- Бирор нима дейишни хоҳламайсанми?

Мен ўйламасдан:

- Доимо иккинчи тун учинчи тундан олдин келади, – деб юбордим.

Умар амаки чуқур денгизга шўнгигандек, гапимдан маъно ахтариб, пешонасини қаттиқ ишқалади. Бир муддатдан сўнг маъно топди, шекилли:

– Ҳаёт ҳеч қандай тафсилотларсиз умумий тарзда давом этаверади. Тириклик ва ўлим доимо ёнма–ён, қай бири олдин, тунми ёки кунми, буни ҳеч ким билмайди, – деди.

Жавоб қайтаролмадим. Лекин кўз олдимдаги бояги лавҳанинг нурлари жилоланишда давом этарди. Ҳар ким ўз ишида кетди...

34

– Исмларнинг яхшиси, мақталгани¹ ва узоқ яшайдиган исмдир², – дея ўша кеча гапини бошлади Умар. Юқоридаги матални ўзгартирганлиги, шунингдек, ўғлимга ўзининг исмини қўйиш мақсади борлиги тушунарли эди. Мен:

– Ўғлимнинг исмини “Муҳайсин Муҳайсин” қўймоқчиман, – дедим.

– Муҳайсин қўймоқчисан? Муҳайсин ўғли Муҳайсин бўлади демоқчисан–да? – деб сўради.

– Мен “Муҳайсин Муҳайсин” қўймоқчиман. Эсингиздами кутубхонангизда биринчи романни ўқитганим?

– Ҳа.

– Қаҳрамоннинг исми “Жон III” эди.

– Эсимда.

– Нега ундай эканлигини сўраганимда, “Қаҳрамоннинг исми Жон, отасиники ҳам Жон, бобосиники ҳам Жон. Шунинг учун Жон III, яъни учинчи Жон бўлган”, деб жавоб берган эдингиз.

– Ёдимга тушди.

– Ўғлим Муҳайсин ҳам ўғлининг исмини Муҳайсин қўйишига ишончим комил эмас, шунинг учун унинг исмини Муҳайсин Муҳайсин қўймоқчиман. Шунда Муҳайсин ўғли Муҳайсин Муҳайсин деб ёзишга мажбур бўлади.

Назарини бошқа томонга қаратар экан, мени эшитмаяпти деб ўйлаб, паст овозда пичирлади:

– Тентаклик ҳам санъат!

Тамом.

*Араб тилидан
Муртазо САЙДУМАРОВ
таржимаси.*



¹ Таркибида “ҳамд” иштирок этган Муҳаммад, Аҳмад, Маҳмуд каби исмлар. (*Таржимон изоҳи.*)

² “Умар” деган исм ёки таркибида “умар” иштирок этган исмлар Саидумар, Муҳаммадумар каби. (*Таржимон изоҳи.*)

Наби Ғаниев таваллудининг 100 йиллигига

Ҳамидулла АКБАРОВ

Қувонч ва ташвишлар

Ўзбек кинеси жаҳон миқёсида шухрат қозониши “Тоҳир ва Зухра”, Ҳўжа Насриддин ҳақидаги фильмлардан бошланган. Бу тасмаларнинг ижодкори режиссёр, сценарийнавис, актёр, ўлкамизда кино ишлаб чиқариш саноатини ташкил этган Наби Ғаниев қисқагина (49 йил) умр кўрган. Унинг бир қисмини зиндонда, кейин эса НКВД вакилларининг назорати остида ўтказган...

Наби Ғаниев ижодига бағишланган рисолада профессор Ҳамидулла Акбаров бу санъаткорнинг фаолиятини ўша даврда ҳукм сурган кинематографик муҳит билан боғлаган ҳолда кўрсатишга жазм қилган. “Ижод дунёси” нашриётида чоп этилиши арафасида бўлган мазкур қўлёзмадан олинган парчани журналхон эътиборига ҳавола этдик.

Мен, Ғаниев Наби, Тошкентда 1904 йили қассоб оиласида туғилганман. Отам 1925 йилга қадар қассоблик қилганлар, сўнгра менинг қарамоғимга ўтганлар. Онам уй бекаси эдилар. 1915 йили вафот этганлар. Отам 1942 йили оламдан ўтганлар.

1917 йилга қадар диний мактабда ўқидим. Октябрь инқилобидан кейин биринчи совет мактаби – “Намуна”да таҳсил кўрдим. 1920 йили тугатиб, бадий ўқув юртида таълим олдим. Сўнгра ўқишни давом этдириш ниятида Москвага кетишга қарор қилдим. Отам рози бўлмадилар. Сўзимдан қайтмадим. 1921 йили ВХУТЕМАС га ўқишга кирдим. Уни 1925 йили тугатиб, Тошкентга қайтдим. 1924 йилнинг декабрь ойида Туркистонда миллий-давлат чегараланиши амалга оширилганидан кейин Тошкентда “Ўзбеккино” таъсис этилди. Шу кундан бошлаб умрим ўзбек кинематографияси билан боғлиқ бўлди...

Наби Ғаниев”.

Н.Ғаниев ёзган, имзо чеккан “Таржимаи ҳоли” шундай бошланади. Қўк сиёҳда рус тилида ёзилган бу муҳим ҳужжат биринчи марта эълон қилинмоқда. У 1952 йилнинг 22 сентябрь кuni ёзилган. Буни қарангки, орадан бир йил-у, бир ой ва бир ҳафта ўтгач, Наби ака бандаликни бажо келтирганлар. Бинобарин, бу – уч ярим саҳифадан иборат “Таржимаи ҳол”да бир умрга, ижодга яқун ясалган. Унда бизга номаълум бўлган фактлар келтирилган. Наби ака ёзган ва 43 йил давомида Маҳсума ая (Н.Ғаниевнинг рафиқалари) қўлида сақланиб келинган бу ҳужжат кўп тахминларни текшириб кўришга, маълумотларни аниқлашга ёрдам беради.

Демак, Н.Ғаниев 21 ёшида Москвадан қайтганида “Ўзбеккино” ташкил топган, ижодий режаларга тўлиб-тошган йигитча унинг биринчи директори этиб тайинланган. Ўша муҳитни, Шайхонтоҳурнинг кўринишларини, кино ширкатининг кундалик ҳаётини тиклаш бизга жуда қизиқарли туюлди. Наби ака ўз мақолаларида бу ҳақда ҳеч ёзмаган. Шу боис матбуот саҳифаларини қайта-қайта varaқлаб, ўрганиб, айрим маълумотларни топдикки, улар Наби Ғаниев кино ширкатига кириб келган кунларга бирмунча тавсиф беради. Мазкур мақолаларни келтиришдан олдин қуйидаги маълумотларни беришни зарур деб биламиз: “Ўзбеккино” фильм ишлаб чиқариш билан бирга кинолаштириш (яъни шаҳар ва қишлоқларда кино томошалари қўйиладиган биноларни қуриш, таъмирлаш, сайёр кино гуруҳларини вилоят ва туманларга юбориш) ҳамда фильмларни ижарага бериш билан ҳам шуғулланган. Айни вақтда аҳолига маиший хизмат қилишни ҳам йўлга қўйган. Бу юмушни қисман маҳаллий

миллат вакиллари бажарган. Кино ишлаб чиқариш билан эса марказдан ва айрим республикалардан келган режиссёрлар, операторлар, актёрлар банд бўлганлар.

“Ўзбеккино”нинг биринчи асари – “Пахтаорол” 1925 йили яратилгани ҳам бу кино ширкати баҳор ойлари ташкил топганидан далолат беради. Зеро, сценарийни тайёрлаш, уни Москвада тасдиқланиши, маблағ топиш, фильмни ишлаб чиқаришга тушириш, ниҳоят монтаж қилиб тайёр бир ҳолатга келтириш учун камида ярим йил зарур бўлган...

Уша кунлардаги кинофабриканинг аҳволи ҳақида янада тўлароқ ахборот бериш, бинобарин, Наби Ганиев ўш даврда ижодий, инсонийлик жасоратини кўрсатганини исбот этиш ниятида “Ер юзи” журналида 1926 йили чоп этилган яна бир мақоладан лавҳалар келтирамиз: “Ҳозир Ўзбекистон давлат кинотрести ижарачилиқдан ташқари ўзининг ҳосилини чиқариш ишларига ҳам уринади... Бу ишни хурсандчилик билан қарши олишдан бошқа айтадиган гапимиз бўлмаса керак. Албатта, биринчи даврларда Ўзбекистоннинг шароити юзасидан кенг ишлаб чиқариш ишларига киришиш мумкин эмас. Ўзимиздан киноартистлар, усталар чиқмагунча биз ўз тирикчилигимиз ва ўз турмушимизнинг чинакам тарзини... киноленталарда кўрсата олмаймиз... Ўзбекистон кинотрести ҳам бир чеккада шундай тайёрлик ишларига киришиб бормоқда. Ўзимиздан киноартистлар чиқариш ва кино асарлари ёздирини йўлида ҳаракатга тушди...”

Муштарий кинода ижод эта оладиган ижодий-техник кадрларга катта эҳтиёж мавжудлигини қайд қилади ва актёр, сценарийнавис, кино ишлаб чиқариши ходимларини тайёрлашни биринчи гадаги вазифа деб биладики, бу ҳол жамоатчилик кино ишларидан воқиф эканлигини, унинг истиқболи ҳақида қайғурганини кўрсатади. Наби Ганиевнинг ўша кунлардаги фаолиятини ўргансак, бу масалага у янада кенгроқ қараганини кўрамиз. Ёш директор аввало ўзбек фильми ўзбекона, халқчил ва ҳаққоний бўлишига эришишни мақсад қилиб қўяди. Иккинчиси – бевосита образ яратадиган санъаткор – актёр танлашга, у билан ишлашга алоҳида аҳамият беради. Шу ниятда у кино ширкатига маҳаллий халқ вакиллариини тортади. Баъзиларига рол беради, баъзиларидан ишлаб чиқаришда фойдаланади. Уларни тарбиялайди ҳам. Талабчанлик қилади. Яқиндагина Москвада тасвирий санъат сирларини ўрганиб қайтган Ганиев кионинг имкониятларини кўра билади, улардан фойдаланиш йўлларини излайди. Шу боис у директорлик лавозимида ҳам ишлайди, миллий масала бўйича маслаҳатчи ҳам бўлади, режиссёрга ёрдамчи сифатида фаолият кўрсатади, ижрочилик санъатига меҳр қўяди. Роллар ўйнайди. Истеъдодини намойиш этади.

Н.Ганиев ва унинг ҳамкасблари учун ўша пайтлар суратта олинаётган фильмлар ижодий мактаб ролини ўйнайди. Уларнинг ёнларида катта санъаткорлар бўлмади. Меҳрибон устозлар ҳам. Кино яратилиши жараёнининг ўзи катта бир дорилфунун хизматини ўтади. Наби Ганиев Бутуниттифоқ санъат бошқармаси бошлиғи Кержанцевга йўлаган хатида бу ҳақда очиқ ёздади. Мақтуб 1937 йили Москвага юборилганини эсласак, Наби аканинг жасоратига қойил қоламиз. “...Ўзбек киноси 1925 йилдан бошлаб ривож эта бошлади. Бу янги санъатни ўзлаштириш даври оғир ўтди. Бошқа жумҳуриятлардан таклиф этилган режиссёрлар аввало пул кегидан қувдилар. Улар миллий кадрларни тарбиялаш борасида ҳеч қандай иш олиб бормадилар. Бундан ташқари Ўзбекистонга 1935 йилгача таширф буюрган режиссёрларни бутунги кунда кинематографчилар рўйхатидан тоша олмайсиз. Сабаби – уларнинг дунёқарашини, совет кинематографиясига бўлган муносабати тўғри келмаслигида. Шу боис фаолиятимнинг илк палласида мен кионинг фақат техникасини ўзлаштиришга эришдим...”, – деб ёзган эди Н.Ганиев Бутуниттифоқ санъат Бошқармаси бошлиғи Кержанцевга йўлаган хатида.

Дарҳақиқат, “Пахтаорол” да ҳам, “Бахт кўёши” да (1926) ҳам чуқур бадий таҳлил эмас, дидактика, примитив сюжет, юзаки образлар кўзга ташланади. “Пахтаорол”нинг яратилишида Н.Ганиев режиссёр ассистенти сифатида иштирок этгани ҳам маълум. Шу билан бирга “Бахт кўёши”ни бир шахс (Н.Шчербаков) муаллиф, режиссёр ва оператор сифатида яратгани ҳам маълумки, бу ҳол ўзбек санъаткорининг келгиндилар “ижоди” ҳақидаги мулоҳазалари муайян асарларга, уларнинг яратилиши тарихига асосланганини тасдиқлайди.

Худди шу даврда студияда раҳбар сифатида фаолият кўрсатган Наби Ганиев бадий кино ва хроника, кинопублицистика ўртасидаги тафовутни ёдда сақлаган кўринади. Агар “Пахтаорол”да кўпдан-кўп ҳужжатли кадрлар учраган бўлса (жумладан, унга байрамнинг нишонланишини кўрсатувчи лавҳалар ҳам киритилган эди), кейинги бадий фильмлар актёрлар иштирокида, кионинг мустақил соҳаси талабларига биноан суратга олиниши учун шароит яратилди.

Наби Ганиев умрининг охиригача бу масала билан шуғулланди. Ўзи ҳам сценарий

ёзди (“Ҳокимият кимники?”, “Лотинташтириш”, “Рамазон”, “Фарғона қизи”, — М.Мелкумов билан бирга), ёзувчиларни кинога тортди (Абдулла Қодирий билан “Ўткан кунлар” устида ишламоқчи бўлди, Зиё Саид билан “Қосимовчилар” сценарийси устида ишлади, Комил Яшин билан “Номус ва муҳаббат” сценарийсини тугаллаганини газеталар хабар қилди, Собир Абдулла билан “Тоҳир ва Зуҳра” афсонаси устида ишлади, “Алпомиш”ни экранга кўчириш йўллариини излади. Шунингдек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғуллом, С.Аҳмад билан яқин алоқада бўлди). Лекин ҳаминша ҳар ким ўз касбини мукамал эгаллаш зарурлигини, ҳар ким қўлидан келадиган иш билан машғул бўлиши зарурлигини, хусусан, сценарийни адиблар, кинодраматурглар ёзиши кераклигини турли минбарлардан айтиб келди. Бу масала ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зеро, сценарий танқислиги, ёзувчилар эмас, режиссёрлар ҳам қўлга қалам олишлари ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. “Режиссёр драматург эмас. У сценарий ёза олиши шарт эмас. Мен сценарий ёзилишида иштираётган эйтишимнинг бирдан-бир сабаби шундаки, киностудияга ёрдам бергим келди. Кинодраматургларнинг йўқлиги бинобарин, сценарий танқислиги кино ишлаб чиқариш йўлидаги энг катта тўсиқдир...” — деб ёзди Москвага йўллаган бир хатда.

Наби Ғаниевнинг бундай мураккаб масалаларни теран тушуниб етиши, киновнинг фалсафий, ғоявий, ҳаётий асоси адабиёт бўлишига ишонишида унинг билими, зеҳни, узоқни кўра билиши ҳал қилувчи омил бўлди, албатта. Шу билан бирга, Ғаниев вояга етганида ўлкамизда ажойиб адабий муҳит вужудга келган эди, буюк адибларнинг ўлмас асарлари жамоатчиликка етиб бораётган, “шов-шув”ларга сабаб бўлаётган пайт эди. Абдулла Қодирийнинг романлари, Чўлпоннинг шеърляти ва насрий асарлари, Фитратнинг ўйлари, Ғуллом Зафарий, Ғози Юнус, Усмон Носир, Боту... Шундай зотлар чакмоқ каби “ялт” этиб ёнган дамлар эди. Улар тезда ўша чакмоқ каби кўздан ғойиб бўлдилар. Замон сиғдира олмади уларни. Лекин чарақлаб оламни бир зум бўлса-да, ёритган ўша чакмоқ ҳар кимга ёруғлик ато этди, хотирада қолди.

Наби ака шундай зотлар билан ҳамфикргина эмас, яқин дўст ҳам эди. Маҳсума ая умр йўлдошлари билан бир неча бор Абдулла Қодирийнинг Самарқанд дарвозадаги боғларига борганларини эслайдилар. Адиб ҳибсга олинганида эса уни озод этиш ҳақида кўп ўйлаганлари, дўстлари билан маслаҳат қилганларини уларнинг фарзандлари Дўнан Ғаниев хотирлайдилар.

Шу боисдан ҳам Ғаниев адабиёт тажрибасини кинога олиб келишга ошиқди, образлар мукамал ёзилишини, миллий характернинг аввало адабий ифодаси кучли бўлишини, воқеалар ва улар бир-бирига улашиб яхлит бир композицияни ташкил этишини кўзда тутди. Бу интилишида у ёлғиз эмасди. Тўғри, киночилар орасида у 30 йилларга келибгина маслакдошларини топди (С.Хўжаев, Э.Ҳамраев, А.Исмаев кабиларни назарда тутмоқдамиз). 20-йилларда эса уни илғор зиёлилар қўллаб-қувватлаганини матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалар кўрсатиб турибди.

1925 йил 12 октябрь сонида “Қизил Ўзбекистон” газетаси “Кино суювчи” имзоси билан эълон қилган материалда Ғаниевни ташвишга солган масалалар юзасидан билдирилган фикрни кўриб чиқайлик. “Кино бутун миллатнинг ўз маишатиға мувофиқ бўлиши, ўз тили, ўз мусиқаси, ўз урф-одати билан билим берадурғон бўлиши лозим... Ўзбекистон кино ширкатининг вазифаси ўзбеклар турмуши, ерлик халқ санъати билан иш қилиш бўлғонликдан, илгариги Бухоро-рус кино ширкати томонидан вужудга келтирилган ҳатолар такрорланмаслиги учун бир неча сўз айтиб кетишини лозим топаман... “Ўлим минораси” — бу картинка ерли халқ картинаси эмас (мавзу жиҳатдан эмас, албатта — муаллиф изоҳи). Ерли халқ ўз санъатим, ўз мусиқам, ўз турмушим, ўз ҳаётим деб қарай олмайди. Чунки буида ҳаётнинг ингичка сирлари, ингичка қиллар билан ошно бўлмағон, уни тушунмағон, уни халққа бера олмайдиғон, ерлик шартларга, ерлик ҳаётга нисбатан жуда тўпори кишилардир. Картинкани ўйновчилар орасида ерли халқдан ва ҳаттоки унинг маиший сирларига тушуна оладурғон, тушунган биргина киши ҳам йўқдир... Нафис, чиройлик, қора сочлик, қора кўзлик, қора қошлик, чаккаси суйри келган ўзбек қизи ўрнига, думалоқ юзлик, зангори кўзлик, сариқ сочлик, пучуқ бурунлик (курносий — муаллиф таржимаси) бир (моржа — муаллиф қавусга олган) тиши кўрсатилса, ўзбекнинг мулойим йигити ўрнига тагин шундай хунук, америка картинкаларининг героиларига (қаҳрамонларига — муаллиф қавусга олган) ўхшаш типлар ўйнайди. Унда ерлик киши маишатининг эса ингичка сирлари, ҳаракатлар хира, кўшол, дағал ва бир қулгили ҳаракат қилиниб, ҳаттоки ерлик шуни кўрган пайтда, бундай ҳаракат бизда йўқ-ку деярли, қилиб кўрсатилса, албатта, буни ерлик халқ ўз ҳаётим, ўз кином деб қарай олмайди”.

Мақола тагиға камтарона “Кино суювчи” деб имзо чекилган бўлса-да, унда кино ҳамда киновнинг миллий кўринишлари ҳақида фикр юритилганини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. “Ўлим минораси”га А.Қодирий ҳам шундай баҳо беради (1927). У киноя билан

ёзган эди: “...бултур ўйналиб, бир неча ойлаб кино чодирларини обод қилган “Ажал минораси”, “Мусулмон хотин” каби фильмлар ўз навбатларида тўқиб ташланган “афсона”лари билан бизни қулдирган, “турмушимиздаги шундай гапларни биз билмас эканмиз-да!” – деб ўзаро мутоиба қилишган эдик”.

Матбуотда, йиғилишларда, муҳокамаalarda шундай кўпдан-кўп муаммолар юзасидан фикр юритилар, йўл-йўриқлар ҳам кўрсатиларди. Кўпчилик кинонинг ўша 20-йиллардаги аҳволи ҳам, истиқболи ҳам актёрга, унинг маҳоратига, ўзбек миллатига тегишлигига боғлиқ эканлигини айтган. Шу мавзудаги маърузалар, мушоҳадалар, мақолалар жамоатчилик фикрини актёрга, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига қаратди.

Н.Ғаниев мураккаб бир муҳитда ўзининг ижодий, ижтимоий фаолиятини бошлади. Унинг агрофида узоқ юрглрдан келган кино ходимлари бўлди. Лекин ўзбек санъаткори дунёқарашининг шаклланишида, бадий бисотининг бойишида халқ театри ва оғзаки адабиёти анъаналари, Абдулла Қодирий романлари, публицистикаси, Ғози Юнус, Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий анъаналари муҳим омил бўлди. Наби Ғаниев бирор ерда бу аллоамларнинг исмларини келтирмайди, уларнинг асарларига қилган ишораларини ҳам ҳозиргача учратмадик. Шу билан бирга унинг ҳар бир асарининг қурилиши, ғоявий йўналиши, бадий услуби исмлари зикр этилган истеъдод, заковат соҳибларининг қаҳрамонларини, чуқур фикрларини эслатади. Биз бу ўринда “Рамазон”даги деҳқоннинг соддалигини, “Йигит”даги ишқ ўтининг таърифланишини, экрандаги Насриддиннинг донишмандлигини, “Фарғона қизи”нинг билимга интилишини... назарда тутмоқдамиз.

Абдулла Қодирийнинг поэтикаси, фикр-мулоҳазаларининг ўзбеконалиги, воқеалар тавсифида миллий руҳни сақлаб қолиши, муайян маданиятта, халққа, даврга хос бўлган характер яратиши Н.Ғаниев ижодига таъсир этгани ва унда муҳим ўрин тутганига ишонамиз. Бахтга қарши Ғаниев ҳаётлигида Абдулла Қодирий тўғрисидаги ҳақиқий фикрларини юзага чиқара олмади, “Ўткан кунлар”ни қай тарзда экранга кўчирмоқчи бўлганини айтиш имконига эга бўлмади...

Шундай. Лекин Қодирийнинг ҳам, Ғаниевнинг ҳам асарлари барҳаёт. Улардаги ғоя, образ, воқеалар тавсифини бир-бирга қиёс қилиб, икки ижодкор фаолиятидаги кўпроқ муштарак нуқталар-у, озроқ тафовут ҳақида фикр юритиш мумкин. “Ўткан кунлар” романини ўқиган, уни қадрлаган ва тўла-тўқис ўзлаштирган санъаткоргина кейинчалик “Тоҳир ва Зухра” каби миллий кино дурдонасини яратиши мумкин эди. Зухрани Кумушга, Тоҳирни Отабекка, Юлдузни Зайнабга, Қоработирни Ҳомидга, Ботирни Қутидорга, Сардорни Юсуфбекхўжга қиёс қилиб кўрин! Улар характер ва талқин йўллари жиҳатидан бир-бирларига яқин. Раънонинг (“Меҳробдан чаён”) шўхлиги, гапга чечанлиги, журъати, гўзаллиги, назокатини Дилбар (“Фарғона қизи”) да сезмайсизми?! Қодирийнинг ҳажвий асарларини ўқиганингизда Ғаниевнинг қаҳрамонларини (Насриддинни, Полвон отани, “Рамазон”даги домларлар) эсламайсизми? Сўнгги саволимиз: “Ўткан кунлар”даги катта-катта боблар, манзараларнинг тасвирланиши (Хўжа Маъоз мозори чакалаг, тунги кўриниши таърифини эсланг) кинони, бевосита Наби ака яратган фильмларни эслатмайдими?!

“Ўткан кунлар”ни Н.Ғаниев суратта олмоқчи бўлганини тасдиқловчи бирорта ҳужжатга эга эмасмиз. Лекин бу икки санъаткорнинг услуби яқинлиги ва биз юқориди айтиб ўтган бошқа сабаблардан ташқари қуйидаги далиллари ҳам келтириб ўтишни ўринли деб билдик: Комил Ерматов ўша кезлари Тожикистонда “Муҳожир” фильми устида ишламоқда эди. Сулаймон Хўжаев билан эса Абдулла Қодирий дин масалаларида келиша олмагани маълум. Лекин улар бир улфатчиликда бўлганлар... Актёр Йўлдош Аъзамов ҳали режиссурада кучини синаб кўрмаган эди. Бинобарин, бу ҳисобдан ҳам “Ўткан кунлар”га харидор бўла оладиган бирдан-бир ўзбек кино режиссёри Наби Ғаниев эди... Лекин тез орада Қодирий ҳам, Ғаниев ҳам ҳибсга олиндилар, Кумушбиби ва унинг дардида юрган Отабекнинг экрандаги умрини кўриш уларнинг иккисига ҳам nasib этмади. Орадан 35-36 йил ўтгач, роман сценарийга айланди (муаллиф С.Муҳамедов), сўнгра у фильм шаклига кирди.

Шундай қилиб, Қодирийнинг кинога қизиқиши кучли, бинобарин, кино аҳлига яқин бўлган. Ўзбек фильмларига бефарқ қарамаган. Бу ўринда алиб Ғаниев билан фикрдош, маслақдош бўлганини алоҳида қайд қилиб ўтардик. Зеро, ана шундай бевосита ва билвосита таъсир Ғаниев режиссураси шаклланишида муҳим омил бўлган.

...1927 йили “Ўзбек давлат киноси” беш бадий фильм ишлаб чиқарди: “Иккинчи хотин”, “Мачит гумбазлари остида”, “Соябонли арава”, “Чодра” ва ниҳоят, “Равот қашқирлари”. Уларнинг айримлари (айниқса “Иккинчи хотин”, “Соябонли арава”) мавзу ва унинг бадий талқини жиҳатидан Қодирий эътиборини тортган асардан қолишмайди. Лекин, айнан “Равот қашқирлари” тўғрисидаги матбуотда кетма-кет танқидий мақолалар чиқиши миллий маданиятимиз жонкуярининг диққатини тортган кўринади.

“Тоҳир ва Зухра”нинг бунёдкори кино ширкати остонасини ҳатлаб ўтиб, бир-икки йил малакасини оширмақчи бўлиб, техник, иқтисодий, ташкилий, ниҳоят, ижодий ишлар билан машғул бўлган чоғларда аҳвол шундай эди. Туркистон минтақасида Ўзбекистон ва бошқа қарам республикалар пайдо бўлиб, бўлажак кўнимлатли совет кинематографиясининг кичик-кичик гуруҳларини ташкил этиши лозим бўлган дамда “Ўзбек давлат киноси” (1925), “Тожикино” (1932), “Туркменино” (1929), кейинроқ Олмаота ва Фрунзе (Бишкек) студиялари таъсис этилди-ю, кадрлар масаласи кун тартибига қўйилди. Наби Ғаниев махсус кинематографик билим юртида таҳсил кўрмаган бўлса-да, кино ширкатида биринчи кунданок фаоллик кўрсата бошлади. Бунда унинг тасвирий санъат асосларини ўзлаштиргани, рассомлик истеъдоди ҳамда санъат сифатида шаклланиб келаётган техник ихтиро – кинога бўлган қизиқиши, меҳри ҳал қилувчи омил бўлди. У ўзи қайд қилганидек, ўша йиллари кионинг эстетик имкониятларини эмас, техникасини ўрганди. “Иккинчи хотин” даги Умар (1927), “Соябон арава”даги Боймат (1928), “Мохов қиз”даги эпизодик рол (1928) Ғаниев – актёр ана шу техникани, аввало ижрочилик техникасини мукамал ўзлаштириб олганини кўрсатди. Ошпи кўлда эмас, қошиқда емоқ афзал, радиони тингламоқ, газетани ўқимоқ, музейларга бориб турмоқ керак – шу каби оддий тушунчаларни Наби Ғаниевнинг қаҳрамони (“Иккинчи хотин”) кўрсатиши талаб этилди. Оддий плакатларни, қўлланмаларни эслатувчи бу кадрларни суратга олиш дамлари ҳаваскор ижрочи учун мактаб хизматини ўтади. Бойнинг дангаса ўғли Боймат келинчақдан ажраб қолганида ўзини қаерга қўйишини билмай елиб-югуриши, ёридан қолган намати қўлтиғига олиб беҳуш бўлиши, кўзлари олайиб кетиши – буларни йигирма икки ёшли Наби Ғаниев маромига етказиб кўрсатди (“Соябонли арава”). “Мохов қиз” деб аталган тасманинг сўнгги кадрларида эса ёш ижрочи чопқир от минган, беқасам тўнли, саллали бойваччанинг кўчада қолган аёлга бўлган муносабатини, бераҳмлигини тасвирлаши талаб этилди. Бу ўзига хос этюдни ҳам Ғаниев аёло даражада бажарди. Кейинчалик у кионинг тасвирий-овозли воситаларини, техникасини мукамал билиш билан бирга актёрнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш йўларини излади. Асад Исмаев, Эргаш Ҳамроев, Раззоқ Ҳамроев, Юлдуз Ризаева, Раҳим Пирмуҳамедов, Соат Толипов, Абдор Ҳидоятлов, Обид Жалилов санъати ила меҳр-муҳаббат ва адоват, олижаноблик ва худбинлик ҳақида ҳикоя қилишга эришди.

1925-1926 йилларда Н.Ғаниев ижодкор бўлиб етишини, миллий маданиятнинг ёрқин вакили сифатида камол топишида етук ўзбек зиёлилари алоҳида ўрин тутди. Зеро, ўша йиллар А.Қодирий ва унинг маслақдошларининг гоёлари элимизга кенг тарқалаётган дамлар эди. Кино барчанинг диққат марказида эди. Оддий томошабин ҳам, ижод сирларидан воқиф бўлган зиёлилар ҳам тайёр фильмларни кўриш билан чекланмасдан, кино муаммолари, кадр тайёрлашнинг оғир масалалари, миллий асар яратишнинг мураккаб жараёни ҳақида фикр юритар, кенг жамоатчилик диққатини шакллана бошлаган кинематографик санъатга қаратишга ошиқар эдилар. Кино ширкатининг техникаси ожиз, ҳужралари тор, ходимлари ҳаваскор даражасида бўлса-да, “Равот қашқирлари”, “Соябонли арава” каби асарлар кўпчиликнинг эътиборини тортди ва дастлабки ўзбек кинофильмлари яратилишида миллий кадрларнинг хизмати қанчалик катта эканлигини кўрсатди. Бу ўринда аввало Наби Ғаниев миллий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида фаоллик кўрсатганини алоҳида қайд қиламиз. Шу билан бирга Сулаймон Хўжаев актёр ва маслаҳатчи сифатида ижод эта бошлагани Ғаниевга мадад бўлди. Афсуски, унинг умри ҳам, ижоди ҳам ниҳоятда қисқа бўлди. Комил Ёрматов эса 1928 йили суратга олинган “Мачит гумбазлари остида” асарида Умар образини яратганидан сўнг Москвада ўқиди, Киевда (“Маққадан келган меҳмон”, 1930 йил, эпизодик рол), Тожикистонда (“Муҳожир” 1934 йил, “Дўстлар яна учрашади”, 1939 йил) ижод этди. 1939-1940 йилларда Ўзбекистонга қайтиб, Алишер Навоийга бағишланган фильмни яратишга тараддуд кўра бошлади.



Ритм – асар жозибаси

Дунё мўъжизаларга бой. Кўқдаги юлдузлар, уммон жавоҳирларию улкан чўққилар инсонни ҳайратлантиради. Аллоҳ таоло одамзот, наботот, ҳайвонот дунёсини яхлит борлик қилиб яратган. Негаки, ўсимликлар ҳам, ҳайвонлар ҳам, тоғу тошлар ҳам одамлар каби ҳаёт завқини туядилар. Туғилиш, яшаш учун кураш яралмишларнинг барчасига тааллуқли. Ҳаёт ҳеч қачон бир маромда давом этмайди, дарё мисоли гоҳ жўшиб, гоҳ сокин оқади. Атроф оламини тушуниш, ҳис қилиш учун уйғоқ қалб даркор.

Маълумки, бадий адабиёт – сўз санъати, оламу одамни турфа ранг, бетакрор оҳангда намоён эта олади. В.Г.Белинский: “Сўз ҳам товуш, ҳам сурат, ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввурдир”, – дея бежиз таъкидламаган. Асар барҳаётлиги ва бетакрорлигини таъминлашда ритм муҳим аҳамият касб этади. Стендал: “Ҳислар ритм орқали берилади”, – дея фикр билдирса, А.Горький: “Қалб тафаккурга нисбатан оҳангда кўпроқ акс этади”, – дея янада ёрқин ифодалайди. Дарҳақиқат, ритм асарни жонлантирадиган, ҳаракатлантирадиган, ижодкорнинг доимий ҳамроҳи. Днепров: “Ритм бадий умумлаштиришнинг қудратли воситасига айланиб бормоқда, насрий баён мундарижасида мусиқа зарур ва муҳимдир. Такрорланувчи, мушқий алмашинувчи элементлардан кундалик ҳаёт симфонияси вужудга келади”, – деб насрдаги ритм масаласига тўхталган эди.

Қаламқаш ижод жараёнида қалбидаги мусиқани ҳис қилиб, асарларини ҳам шундай ҳароратда ёзади. Жаҳон адабиёти дурдоналари аллақачон минглаб китобхонларни ром этган. Айниқса, Оламу Одам уйғунлигини моҳирлик билан тасвирлаган Эрнест Хемингуэй, Пауло Коэльонинг асарлари бетакрор жозибаси билан ажралиб туради. А.Толстой “Бошланиши, одатда, мураккаб, хатарли. Ритм топилб, жумлалар ўз-ўзидан қуйилиб

келиши – бу хурсандлик, хотиржамлик, ишга иштиёқ ҳисси уйғонганлигини ҳис қилишдир”, – дея асарни бошлаб олиш машаққатини эътироф этган. Китобхон биринчи жумладаёқ асарнинг сирли оламига шўнғиса, туғунга қадар қалбидаги завқ сўнмайди. Аслида яхлит ритм ибтидоси илк жумладан бошланади. Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асари барчамизга яхши таниш. Асарнинг биринчи жумласи – Чол қайиқда ёлғиз ўзи Гольфстримда балиқ овларди – сержозибга кўйнинг бошланиши. Асар, қаҳрамон ҳолати ҳақида китобхонда илк тасаввур, қизиқишни уйғотган ритмни беихтиёр ҳис қиласиз. Ёлғизликдан ҳар қандай инсон ҳам кўрқади, зерикади, ҳаёт мазмуни йўқдай туюлади. Кексайганда ёлғиз қолиш янада даҳшат. Чолнинг денгизда сузиб бориши – ҳаёт, умр йўлининг давом этиши, ҳар қандай шароитда ҳам инсонда ҳаркат мавжудлигини намоён этади. Денгизга балиқ илинжида чиққан чол: “Эҳтимол, бахт бугун менга кулиб боқар. Ҳар куннинг ўз таомили бор. Бахт келган чоғда уни кутиб олмоққа тайёр тураман, – дея ўзининг 84 кундан бери омадсизлигидан қутулиш илинжини умид куртаклари билан тўлдиради.

Адиб борлик гўзалликларини худди рангтавир каби тиниқ кўрсатиб ўтади: “Ер устида энди булутлар худди тоғ тизмалари каби юксалиб кўринар, қирғоқ эса узун яшил қийқага ўхшар, унинг ортида оч зангори тепалар чўзилиб кетган эди.” Чолнинг руҳий ҳолати бундай ёритилган: “Авваллари танҳо қолганда у хиргойи қиларди, катта елканли кемаларда сузиб, вахтада турган тошбақа овига борган кезлари гоҳо-гоҳо у кечалари ҳам кўшиқ айтарди. Эҳтимол, бола ундан кетгандан кейин ўзи билан ўзи гаплаша бошлагандир”.

Чол қармоғига улкан балиқ илиниши, уни қайиққа жойлаши; йиртқич

акулаларнинг ҳар бир ҳужуми ўзига хос оҳангда берилган. Акула ҳамласи, чолнинг ўзини ҳимоя қилишида хавотирли садо жаранглаб ўтади, навбатдаги ҳар бир ҳужумда гоҳ пастлаб, гоҳ баланглаб таралаётган куйни ҳис қиласиз. Ниҳоят, чолнинг қуруқ балиқ суяги билан ортга қайтиши, насибадан мосуво бўлиши хазинлик таратса, унинг акулаларга таслим бўлмай, маҳв этгани хурсандлик, мамнунлик ҳиссини уйғотади. Чол ўзича: “Сен денгизга узоқ кириб боришинг билан ўз омадинг, ўз бахтингни поймол қилдинг”, – деган хулосага келади.

Асар мароми, куйи китобхон қалбини сескантиради, айниқса, акулаларга қарши ёлғиз кураши, сўнгги нафасигача таслим бўлмаслик, инсоний ирода ва матонат кишини лол қолдиради.

Сўнгги 2-3 йил ичида ўзбек таржима адабиётидаги ўзига хос ритм диққатни жалб эта бошлади. Бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг “Алхимик”, “Бешинчи тоғ” асарлари мутаржим О.Шарафиддинов томонидан таржима қилинди. Таржима – асарни синчиклаб ўрганиш, ундаги сюжет, характер, вазиятларнинггинамас, балки асар поэтикаси, структураси, ритми ҳақида ҳам кенг фикр юритиш имконини берди. Биз “Алхимик”, “Бешинчи тоғ” таржима асарлардаги ритмнинг ўзига хосликлари ҳақида баъзи қарашларимизни баён қилишни лозим топдик.

Пауло Коэльонинг “Алхимик” асари ҳам Оламу Одам яхлитлигини яна бир бор намоён этди. Борлиқдаги сиру синоатни, сукунат ва ҳаракатни ўзига хос ритм орқали бериш анча мураккаб. Рус ёзувчиси Ю.Казаковнинг: “Асар бошлаб, бир-икки абзац ёзишинг ҳамон қандайдир ҳоким куч сени қамраб олади. Сен мазкур асарга зарур ягона овоз, оҳанг гармониясига тушиб қоласан ва ҳаммаси бирдан юришиб кетади”, – деган иқрори айна ҳақиқат.

Асар бошидаёқ сирли оҳанг, куй мавжуд: “Йигитнинг исми Сантьяго эди. У қўларини чала вайрона, ташландиқ черковнинг ёнига ҳайдаб келганда, оқшом чўка бошлаган эди. Бир замонлар черковнинг омбори турган жойда шохлари тарвақайлаган чинор ўсиб турибди”.

Мутолаа давомида ўзгарувчан ритмни тез илғайсиз. “Шу аҳволда у бир ўзи якка-ю ёлғиз, хаёлида биронта ҳам фикрсиз, саҳро ҳидини олиб келувчи шамолнинг бир маромдаги доимий шовуллашига қулоқ тутиб, чилимини чекиб анча ўтирди”, – жумла

мароми қандайдир тинч, осуда бўлса, “Орага сукунат чўқди. Бу сукунат ичида Сантьяго чиндан-да ҳавода қандайдир хавотирлик муаллақ турганини ҳис қилди. Яна бир марта сассиз ва сўзсиз Лисони Умумияни тушунишига ишонч ҳосил қилди”, – бунда ҳатто сукунатда ҳам маром борлигига амин бўласиз.

“Коинотни ҳаракатга келтирадиган шу-да! – деди инглиз. Алхимияда бу Оламнинг қалби – жони деб аталади. Астойдил бирон нарсани тиласанг, сен олам қалбига эш бўласан. Олам қалбининг қудрати эса поёнсиз”. Мазкур ақидага амал қилган Сантьяго қўйлари, биллур идишлар, шамол, саҳро билан тиллашишга муваффақ бўлади. Йигит куёшга: “Муҳаббатни биласанми?” – деб мурожат қилганида, у шундай жавоб беради: “Нафақат муҳаббатни, Олам қалбини ҳам биламан. У менга ўзининг асосий мушкулоти нимада эканини гапириб берган: ҳозирга қадар ёруғ дунёдаги ҳамма нарса яхлит бир бутун эканини фақат тошлару ўсимликлар англашипти. Бу яхлит дунёда уларнинг ҳар қайсиси ўзининг аниқ вазифасига эга. Агар буларнинг барини яратган қўл ижодиётнинг бешинчи куни тўхтаб қолганида, уларнинг ҳаммаси қўшилиб кетган бўларди ва жаҳоннинг ягона Симфониясини ташкил қилар эди”.

Ҳақиқатан, Соҳиби Қудрат ҳар қадамда, ҳар нарсада инсонга ўз мўъжизаларини намоён этиб боради.

Одам синоатларига ошуфта қалб эгаси Сантьяго тақдир йўлларида кўп ҳодисаларнинг гувоҳи бўлди. Курраи Замин ва Коинот қалбини ҳис қилиш бахтига муяссар бўлди. Асар хотимасида ҳам майин оҳанг эшитилиб туради: “У яна шабада эпкинини ҳис қилди. Бу аста-секин унга яқинлашиб келган ва ниҳоят унинг лабларида муҳрланиб қолган бўсаннинг хушбўй хиди, нафис овози ва бетакрор таъми эди”. Ёзувчи асаридаги муסיқийлик, оҳанг, юрак изтиробларию чексиз қувончини, атроф-олам нафосатини китобхон қалбига муҳрлай олган.

Чингиз Айтматов: “Инсон қалби – жумбоқ тўла қутича”, – дейди. Ҳаётнинг қутилмаган синовларини енгиб ўтиш, сабр-матонат ила машаққатга бардош бериш мушкул. Инсон руҳий эҳтиёжини имон, эътиқод воситасида қондиради. Одамзотни ҳидоятга бошловчи пайғамбарларга Аллоҳ томонидан қалбга солиш, инсон қиёфасига кирган фариштадан бевосита эшитиб олиш, уйқусида аниқ тушлар

кўриш ва бошқа рухий ҳолатлар воситасида Оламни идрок қилиш, соҳиби Қудрат билан тиллашиш хусусияти берилган. Пауло Козльонинг “Бешинчи тоғ” асари инсонни ўзлигини англаши, синоатларни матонат билан қарши олиб, имконлардан фойдаланишга ўргатади.

“Болалигиданоқ у ғойибдан келган овозларни эшитар ва фаришталар билан гаплашиб турарди” – Бош қахрамон Илёснинг яратганнинг элчиси этиб танланиши шу аснода рўй берган эди.

Тинч, осуда оқшом қўйнидаги бу ҳолат ҳам диққатга сазовор. “Устахонани бирдан зулмат босди, теваракатрофда минглаб оппоқ юлдузлар милтираб кетди. Юлдузчалардан биттаси бирдан бошқалардан кўра ёрқинроқ чарақлаб кетди ва тўсатдан бир вақтнинг ўзида ҳар томондан келаётгандай овоз янгради. Шу топда у Эгамнинг ўзига қаратилган сўзларини эшитди”. Бу ердаги жонли тасвир ва қудратли акс-садо мароми кишини ҳайратга солади.

Яратганнинг буйруғига биноан Илёс подшо ва халқини ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишлари, акс ҳолда ёмғир ёғмай, қурғоқчилик бўлиши ҳақида огоҳлантиради. Юртидан қувғин қилиниб, ноилоҳ қолганда яна ваҳий келади, бу ерда яна ўша тунги манзара ритми кузатилади.

Яратгандан юз ўгирган Акбар аҳолиси ассирияликлар томонидан хонавайрон бўлади. “Ярим кечада кўзи илинган Илёс яна уйғониб кетди, у ҳавода алланечук безовталиқ сузиб юрганини ҳис қилди. Кўча бўйлаб қўрқув ва хавотирлик тарқатиб, совуқ шамол изғир эди”. Мазкур оҳанг уруш дарагини таратади. Уруш тасвиридаги ритм ўзгача: “Аммо олам шовқинсурон, бақириқ-чақириқ ва чангтўзондан иборат бўлган бир куюн бағрига мангу чўмгандай туюларди”.

Чўпоннинг: “Ҳаётингни янгича тарихини ўйлаб топ-да, унга биринчи бўлиб ўзинг ишон”, – деган гапи Илёсга далда бўлади.

Инсоннинг ҳаётда ўз йўлини аниқ белгилаб олиш манзарасига эътибор қаратайлик: “Ҳар бир одам гўдаклик

чоғлариданоқ ўз исмига эга бўлади, аммо ҳар бир одамнинг ўз ҳаёти учун исм топа билмоғи муҳимдир. Бу шундай сўздирки, унинг бутун ҳаётига маъно бахш этади. Илёс Халосбек исмини танлади. Бу одамлар ҳам ўзларига исм танлаб олишлари мумкин – Муроса, Дониш, Ошиқ, Зиёридин. Ҳар бир одам ўз ҳаётининг исмини топиб олмоғи керак”.

Инсонларнинг ўзларига янги исм танлаб, вайрона шаҳарни тиклашдаги саъй-ҳаракати асардаги ритмнинг юксак нуқтаси ҳисобланади. Бу ердаги яратувчилик меҳнат симфониясини юзага келтиради.

Инсонларнинг бетиним меҳнати, шижоати Акбарнинг қиёфасини ўзгартиради, у яна гуллаб-яшнади.

Асар моҳияти ҳам содда, тушунарли ифодаланган. Яратувчи зот инсонларга танлаш ва қарорлар қабул қилиш имконини берган.

“Эгам уни муқаррар нарсага рўпара қилди ва бу билан унга инсон ўз тақдирига тан бермоғи керак эмас, аксинча, тақдирини танлаб олмоғи кераклигини кўрсатмоқчи бўлди”.

Асардаги ритм қисмлар узвийлигини таъминлабгина қолмай, гоҳ авж, гоҳ сокин, гоҳ тантанавор, гоҳ маънос пардаларда таралади. Яратган билан суҳбатда таъкид, ҳайрат, зиддият мавжуд бўлса, қалб суҳбатида нафосат барқ уради. “Алхимик” асарида табиат садолари, сирли, жозибали оҳанг эшитилади. “Бешинчи тоғ” романида эса инсон қалб туғёнлари, исён ва итоат, қатъиятлик ва ожизлик руҳи кучли. Инсон сурати-ю, сийратини англаш мушкул. Санъаткор кишилар қалби, рухий оламини ёритишда сўз сеҳридан моҳирлик билан фойдаланади. Сўз сеҳри мусиқийликни – юракларга таъсир этишни таъминлайди. Асарни ўқиётган китобхон қалби ёнса, ўртанса, кўзларига меҳр нури товланса, билинги, санъаткор ўз асарига мос оҳанг, ритм топибди. Ритм – асарнинг барҳаётлиги, жўшқинлиги, ҳаётбахшлиги. Асардан таралаётган сеҳрли нурда, уни қуршаб олган файз-тароватда ритмнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Умида ТўЛАГАНОВА.



Уилки КОЛЛИНЗ

Ойтош

Роман

МУҚАДДИМА

СЕРИНГАПАТАМНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

1799

ОИЛАВИЙ АРХИВДАН МАКТУБ

1

Мазкур мактубни Ҳиндистондан Англиядаги қариндошларимга йўлламоқдаман. Мақсадим — нима учун тоғаваччам Жон Гернкастлнинг қўлини дўстона қисиндан бош тортганим сабабини тушунтириб бериш. Бу масалада индамай юрганимни оиламиз аъзолари ногўғри талқин қилишипти. Ҳолбуки, уларнинг мен тўғримдаги яхши фикрларини жуда қадрлайман. Шунинг учун улардан мактубни охиригача ўқиб чиқмагунча мен тўғримда бирон хулосага келмасликларини сўрайман. Чин сўзим — мактубда фақат ҳақиқатни ёзаман.

Мен билан тоғаваччам ўртамиздаги кишибилмас ихтилоф биз икковимиз ҳам иштирок этган буюк ҳодиса вақтида — 1799 йил 4 май куни генерал Бёрд кўмондонлигида Серингапатамни забт этиш пайтида рўй берди.

Вазият аниқ-равшан бўлмоғи учун мен қамал арафасидаги даврга мурожаат қилишга ва Серингапатам қасрида сақланувчи беҳисоб-тиллалару, беҳудуд дуру жавоҳирлар ҳақида бизнинг кўрамизда юрган миш-мишларни эслатмоққа мажбурман.

2

Ақл бовар қилмайдиган ҳикоялардан бири сариқ олмосга тааллуқлидир. Бу олмос Ҳиндистон йилномаларида ҳам тилга олинган машҳур олмос.

Қадимий ривоятларда айтилишича, бу жавоҳир ҳиндларнинг тўрт қўлик Ой худосининг манглайини безаб турар эмиш. Яна эмишки, бу тош ўзи безаб турган илоҳнинг таъсирига тобе экан — ой тўлганда товланиши кучаяр, ой қайтганда эса сусаяр экан. Қисман шу ривоят сабаб, қисман ўзининг ажабтовур туси туфайли бу жавоҳир Ойтош деб ном олди. У Ҳиндистонда ҳозиргача ҳам шу ном билан маълум. Эшитганим бор, бунақа ривоятлар қадимги Юнонистон ва Румдаги каби бирон илоҳга бағишланган бўлиб, олмосга эмас, қиммати паст ярим ялтироқ тошларга тааллуқли. Бу тошлар ҳам Ойнинг таъсирига тобе

Русчадан
Озод
ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси.

Машҳур инглиз ёзувчиси Уилки КОЛЛИНЗнинг “Ойтош” романи (1866) саргузашт жанрининг дастлабки намуналаридан биридир. Романда Ҳиндистондан олиб келинган қимматбаҳо олмос туфайли бир гуруҳ одамларнинг бошига тушган турфа хил воқеалар ҳикоя қилинган. Романнинг сюжети ғоят мароқли, воқеалар шиддат билан кечади. Олмоснинг Вериндерлар хонадониде йўқолиш сири романнинг охиридагина маълум бўлади.

бўлиб, шу сабабдан Ойтош деб аталаркан. Бизнинг давримиздаги маъданшунослар ҳам ҳозирга қадар уларни шу ном билан билишар экан.

Сариқ олмоснинг саргузаштлари насронийлар йили ҳисобида ўн биринчи асрдан бошланади.

У даврда мусулмон фотиҳи Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга бостириб кириб, муқаддас шаҳар Сомнатҳни эгаллаб олади ва машҳур ибодатхонанинг хазинасини қўлга киритади. Шарқнинг мўъжизаси ҳисобланган бу ибодатхона бир неча асрлар мобайнида ҳинду художўйларининг эътиборини ўзига қаратиб келган.

Бу ибодатхонада ҳиндулар сизинган илоҳлар кўп бўлган, аммо улар орасида ёлғиз Ой худосигина мусулмон фотиҳларининг талон-торожидан омон қолди. Манглайида сариқ олмосли дахлеиз маъбуд учта браҳман қўриқчи томонидан тунда Ҳиндистоннинг иккинчи муқаддас шаҳри Банорасга кўчирилди.

Бу ерда Ой худоси янги бутхонага қимматбаҳо тошлар билан безатилган кўшкка, тилла устунлар кўтариб турган гўмбаз остига ўрнатилди ва уни яна зиёрат қила бошладилар. Янги бутхона куриб битказилган тунда гўё яратгувчи маъбуд Вишну уч браҳманнинг тушига кирган эмиш. У маъбуднинг манглайини безаб турган олмосга нафасини уфурипти. Браҳманлар унинг қаршисида тиз чўкишиб, юзларини этаклари билан яшириб олишипти. Вишну уч браҳманга умрларининг охиригача куну тун Ойтошни қўриқлашни буюрипти. Браҳманлар илоҳий фармон қаршисида бўйин эгишипти. Вишну башорат қилиб, бу муқаддас жавоҳирни кимда-ким эгаллаб олишга журъат этса, унинг ўзи ҳам, ундан кейин жавоҳирга эгалик қиладиган авлод-аждоди ҳам бахтсизликка учрайди депти. Браҳманлар бу башоратни муқаддас бутхонанинг дарвозасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишни буюришипти.

Асрлар кетидан асрлар, авлодлар кетидан авлодлар ўтипти. Браҳманларнинг бола-чақалари куну тун қимматбаҳо Ойтошни кўз қорачиғидай қўриқлашда давом этибдилар. Асрлар кетидан асрлар ўтипти. Ниҳоят, насронийлар йили ҳисобида ўн саккизинчи аср бошида бобурийлар султони Аврангзеб тахтга чиқишти. Унинг фармони билан Браҳма қавмининг ибодатхонаси яна талон-торож қилинипти, тўрт қўлли илоҳнинг масканини муқаддас жониворларни сўйиб, макруҳ қилишипти, маъбудлар парча-парча синдирилипти. Ойтошни бўлса, Аврангзебнинг саркардаларидан бири ўғирлаб кетишти.

Учта қўриқчи браҳман талон-торож қилинган бойликларини куч билан қайтариб олишга қурблари етмагач, кийимларини ўзгартириб, Ойтошни қидириб йўлга тушишипти. Авлодлар кетидан авлодлар ўтаверишти. Шақкоклик қилган саркарда даҳшатли қийноқлар ичида вафот этипти. Ойтош ғайриқонуний тарзда қўлдан-қўлга ўтаверишти ва ҳар гал янги этасига бахтсизликлар олиб келаверишти. Ҳар қандай тасодифларга ва ўзгаришларга қарамай, учта қўриқчи браҳман ўз жавоҳирларини пойлашда давом этипти. Улар сабр-тоқат билан яратгувчи маъбуд Вишну муқаддас тошни қайтариб берадиган кунни кутаверишипти. Аҳвол шу тарзда ўн саккизинчи асрнинг охириги йилига қадар давом этипти. Ниҳоят, олмос Серингапатам султони Типунинг тасарруфига ўтипти. У тошни безак сифатида ханжарининг дастасига ўрнатиб, ханжарни бошқа қимматбаҳо буюмлар билан бирга хазинасида сақлай бошлапти. Шунда ҳам султон қасрида учта қўриқчи браҳман махфий тарзда олмосни қўриқлашда давом этипти. Типунинг аъёнлари ичида учта мусофир бор экан, улар мусулмон динини қабул қилиб (балки, шунчаки номигадир), ҳукмдорнинг ишончини қозонишган экан. Миш-мишларга қараганда, ўшалар қиёфаларини ўзгартириб олан браҳманлар экан.

3

Бизнинг даврамизда Ойтошнинг ғаройиб тарихини шундай нақл этардилар. У бизнинг ҳеч қайсимизга бирон-бир жиддийроқ таъсир қилгани йўқ. Фақат тоғаваччамгина бундан мустасно — у ажойиб-ғаройиб нарсаларни яхши

кўрганидан бу ривоятга чиша-чин ишонди-қўйди. Серингапатамни забт этиш арафасида кечаси биз бу ривоятни бўлмаган гап деганимиз учун у жуда бемаъни бир тарзда мендан ҳам, бошқалардан ҳам хафа бўлди. Орада бемаъни мунозара кўпти, табиатан қизиққон Гернкастль ҳаддидан ошиб кетди. Унинг қонида анча-мунча мақтанчоқлик бор эди. Шунга кўра, у агар инглиз кўшини Серингапатамни ишғол қилса, олмосни менинг бармоғимда кўрасизлар, деб оғзига сўз олди. Унинг бу гапига ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Шу билан ҳамма гап битди деб ўйлагандик биз.

Энди ижозатингиз билан мен сизга ҳужум кунининг воқеаларини айтиб берай. Тоғаваччам билан мен ҳужумнинг бошланишидаёқ бир-биримизни кўздан қочирдик. Биз дарёдан ўтаётганимизда ҳам мен уни кўрганим йўқ. Қалъа деворининг ўйиқ жойига инглиз байроғини тикаётганимизда ҳам у кўзимга чалинмади. Хандақлардан ўтиб, ҳар қарич ер учун жанг қилиб, шаҳарга кирганимизда ҳам ундан хабарим бўлмади. Фақат оқшом ғира-ширасида шаҳарни олиб бўлганимиздан кейин, генерал Бёрднинг ўзи мурдалар орасидан Тишунинг жасадини топгандан сўнг, мен Гернкастль билан учрашдим.

Бизнинг икковимиз ҳам шаҳарни ишғол қилишимиз биланоқ бошланиб кетган талончилик ва босқинни тўхтатиш учун генералнинг буйруғи билан жўнатилган тўданинг ихтиёрида эдик. Солдатлар босар-тусарини билмай, теварак-атрофни талон-торож қилмоқда эдилар. Энг ёмони шундаки, улар саройнинг хазинасига кириб олиб, олтин билан қимматбаҳо тошларни таламоқда эдилар. Биз аскарларимиз орасида тартибни жорий қилиш учун саройдаги хазинага келдик. Шу ерда тоғаваччам билан учрашиб қолдик. Дарҳол менинг кўзимга ташлангани шу бўлдики, ҳозиргина кўз ўнгимда содир бўлган қирғин ва талон қизиққон Гернкастлни ҳаддан ташқари кучли ҳаяжонга солипти. Менимча, у зиммасидаги вазифани ўташга қобил эмас эди.

Хазинанинг хоналарида қий-чув ва тўшолон ҳукмрон, лекин қирғин кўзга ташланмасди. Агар, таъбир жоиз бўлса, аскарлар жуда қувноқлик билан ўзларини шармандаи шармисор қилишмоқда эди. Улар бир-бирлари билан дағал ҳазил-мутойибалар билан, тўсатдан олмоснинг тарихини эслаб қолишди. Кимнингдир истеҳзо билан “Ойтошни ким топти?” деб қичқиргани тинай деб қолган талон-тарожнинг бошқа жойда янги куч билан авж олишига сабаб бўлди. Мен тартиб ўрнатиш учун жон-жаҳдим билан уриниб турганимда ҳовлининг нариги томонидан даҳшатли фарёд эшитилди. Янги тўшолон бошланиб қолишидан кўрқиб, дарҳол ўша томонга югурдим.

Мен ланг очиқ эшикнинг ёнига бориб, остонада чўзилиб ётган икки ҳинднинг жасадига рўпара келдим. (Уларнинг кийимларидан сарой зобитлари эканини билдим).

Яна фарёд эшитилди. Мен отилиб ичкарига кирдим. Бу ер аслаҳахона экан. Оғир жароҳатланган учинчи ҳинд менга орқа ўтириб турган одамнинг оёғи остига йиқилди. Мен ичкарига киришим билан у одам менга ўтирилди ва мен бир қўлида машъала, иккинчи қўлида қонли ханжар ушлаган Жон Гернкастлни кўрдим. У мен томонга ўтирилганда ханжарининг дастасига ўрнатилган тош алангадай ярақлаб кетди. Жонталвасасидаги ҳинд тиззалаб турди-да, Гернкастлнинг қўлидаги ханжарга ишора қилиб, ўзининг она тилида хириллаб: “Сенга ва авлод-ажлудинга Ойтошнинг лаънати ёғилсин!” – деди. Шундай деди-ю, жони узилиб, ерга йиқилди.

Мен бирор нарса қилишга улгурмай, ортимдан келаётган солдатлар хонага югуриб киришди. Тоғаваччам телбаларча уларга қарши чиқди.

– Хонани бўшатиб қўйинг, – деб қичқирди у менга, – эшикнинг олдида соқчилар қўйинг!

Гернкастль қўлида машъала ва ханжар билан солдатларга ташланганди, улар чекинишди. Мен ўз тўдамдан иккита садоқатли одамни эшик олдида соқчи қилиб қўйдим. Туннинг қолган қисмида мен тоғаваччам билан бошқа кўришганим йўқ.

Эрталаб талон ҳамон давом этмоқда эди. Генерал Бёрд ноғора садолари

остида ҳаммага эшиттириб, кимда-ким жинойт қилиб турган жойида қўлга тушса, кимлигига қарамай, дорга тортилишини эълон қилди. Полиция зобитининг шу ердалиги генерал Бэрдининг гаплари чин эканлигидан далолат бериб турарди. Генералнинг фармонини эшитиб турган оломон ичида мен яна Гернкастлни кўриб қолдим.

Саломлашар экан, у одатига кўра, қўлини узатди.

Мен унинг қўлини олмасликка аҳд қилдим.

– Авваламбор, менга бир нарсани айтинг, – дедим мен, – аслаҳахонадаги ҳинд нима сабабдан жон таслим қилди ва унинг қўлингиздаги ханжарга ишора қилиб айтган сўнги сўзлари қандай маъно англатади?

– Менимча, ҳинд оғир жароҳатдан жон таслим қилди, – деб жавоб берди Гернкастль. – Унинг сўнги сўзлари нима маъно англатади десангиз, бу масалада мен ҳам сиздан ортиқ билмайман.

Мен унга синчиклаб разм солдим. Кеча кечкурун уни жунбушга келтирган газаб бутунлай тинган эди. Мен унинг ўз-ўзини оқлаб олиши учун имконият бермоқчи бўлдим.

– Менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми? – деб сўрадим.

У жавоб берди:

– Йўқ.

Мен унга орқа ўтирдим. Ўшандан бери биз бир-биримиз билан бошқа гаплашганимиз йўқ.

4

Шуни эсингизда тутишингизни сўрайманки, менинг тоғаваччам ҳақида бу ерда ёзилганларнинг ҳаммаси фақат оиламиз аъзоларигагина аталган. (Зарурият туғилиб қолгандагина бу воқеаларни бошқаларга ошкор қилиш мумкин.) Мен полк командиримиз билан гаплашай десам, Гернкастль менга бунга оид ҳеч нарса дегани йўқ. Хужум арафасида унинг қаттиқ жунбушга келганини унутмаганлар олмос масаласида бир неча марта тоғаваччамнинг жигига тегиб кўришди. Аммо у бир нарса деб индагани йўқ – афгидан, аслаҳахонада қандай вазиятда кўрганимни элаган бўлса керак. У бошқа полкка ўтиб кетармиш деган миш-мишлар тарқаб қолди. Эҳтимол, у мендан узоқроқ бўлиш учун шундай қарорга келгандир.

Бу ростми, ёлғонми, билмайман, лекин мен уни айбсита олмайман. Бунга жуда асосли сабаб бор. Агарда мен юқорида ёзганларимнинг ҳаммасини эълон қиладиган бўлсам, менда маънавий далиллардан бошқа ҳеч қандай далил бўлмайди. Мен унинг эшик олдида турган икки ҳиндни ўлдирганини исбот қилиб беролмайман. Қолаверса, хонанинг ичидаги учинчи ҳиндни тоғаваччам ўлдирган деб айтолмайман ҳам, чунки буни ўз кўзим билан кўрганим йўқ.

Рост, мен жон талвасасидаги ҳинднинг сўзларини эшитдим, лекин менга бу гаплар жон чиқар олдидаги алжираш эди деб эътироз билдиришса, мен буни қандай қилиб рад этаман? Қўйинг, яхшиси, менинг у томон қариндошларим ҳам, бу томон қариндошларим ҳам юқорида айтилган гапларнинг ҳаммаси тўғрисида ўзлари бир тўхтамга келишсин ва тоғаваччамга нисбатан кўнглимда ҳозиргача ҳам жўш уриб турган нафрат асослими-йўқми эканлигини ҳам ўзлари ҳал этишсин.

Гарчи мен олмос ҳақидаги ҳиндларнинг ақл бовар қилмас ривоятига ишонмасам-да, эътироф этишим керакки, ўзим ҳам баъзи бир хурофотлардан холи эмасман. Бу эътиқодимми ёхуд ёлғондакам хомхаёлми – барибир, лекин ўйлайманки, ҳар қандай жинойтнинг ўзига яраша жазоси бўлади. Мен Гернкастлнинг гуноҳкорлигига ишонаман, айти чокда, шак-шубҳам йўқки, агар у олмосни ўзида олиб қолган бўлса, бунга жуда пушаймон бўлади, угина эмас, агар бировларга берган бўлса, ундан олмосни олганлар ҳам қаттиқ пушаймон бўладилар.

НАҚЛ
БИРИНЧИ ҚИСМ
ОЛМОСНИНГ ЙЎҚОЛИШИ
1848

**ЛЕДИ ЖУЛИЯ ВЕРИНДЕРНИНГ ДАРБОРИ ГАБРИЭЛЬ
БЕТТЕРЕЖ ҲИКОЯ ҚИЛГАН ВОҚЕАЛАР**

1 - б о б

“Робинзон Крузо”нинг биринчи қисмининг бир юзу йигирма тўққизинчи саҳифасини очинг. У ерда куйидаги сўзларга дуч келасиз:

“Гарчи анча кеч бўлса-да, эндиликда кўриб турибман – бирон ишнинг ҳамма каму кемтикларини ҳисобга олмай, унга кучимиз етиш-етмаслигини аниқлаб олмай, шу ишга киришиш батамом ақлсизлик бўлар экан”.

Куни кечагина мен “Робинзон Крузо”нинг худди шу жойини очиб ўқиган эдим. Бугун эрталаб эса, яъни 1850 йилнинг 21 май куни бекамнинг жияни мистер Фрэнклин Блэк олдимга келди-да, менга шундай гапларни айта бошлади:

– Беттереж, мен баъзи бир оилавий ишлар баҳонаси билан оқловчимиз хузурида бўлган эдим. Гапдан-гап чиқиб, Йоркширда холамнинг уйида рўй берган воқеа ҳақида, яъни ҳинд олмосининг йўқолгани тўғрисида ҳам гаплашдик. Адвокатнинг айтишича, ҳақиқат йўқолиб кетмаслиги учун бу воқеанинг ҳаммасини ёзиб қўйса яхши бўлар экан. Буни қанчалик тез қилинса, шунча маъқул бўлар эди. Мен ҳам шу фикрдаман.

Ҳали унинг ниятларини тўла англамай туриб, тинчлик ва хотиржамлик учун ҳамиша оқловчи томонида бўлган яхши деб ўйлаб, мен ҳам худди шу фикрда эканимни айтдим. Мистер Фрэнклин давом этди:

– Сизга маълумки, олмоснинг йўқолиши гуноҳсиз одамларнинг обрўйига доғ тушириб қўйди. Агар ёзма далиллар етарли бўлмаса, беғуноҳ одамларнинг хотираси кейинчалик ҳам анча зарар кўриши мумкин. Бундан кейин яшайдиганлар ёзма далилларга мурожаат қилишади. Шубҳа йўқки, бизнинг оиламизда содир бўлган ана шу ғаройиб ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиб берса арзийди. Менинг назаримда, Беттереж, биз оқловчи икковимиз бу ишни қандай амалга ошириш борасида тўғри йўлни ўйлаб топдик.

Шубҳа йўқки, уларнинг ўйлаб топгани чиндан ҳам яхши, бироқ бунинг ҳаммасининг менга нима дахли борлигини ҳали тушунганим йўқ эди.

Биз маълум воқеаларни ҳикоя қилиб беришимиз керак, – деб давом этди мистер Фрэнклин. – Бу воқеаларга алоқадор одамлар бор. Улар воқеаларнинг мунтазамлигини бузмай баён қилиб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам адвокат биз ҳар қайсимиз шахсан ўзимиз билганимизча, камайгирмай ва кўпайтирмай, навбатма-навбат Ойтошнинг тарихини ёзиб чиқишимиз керак, деб ҳисобляпти. Биз ишни амаким Гернкастль бундан эллик йил муқаддам Ҳиндистонда хизмат қилган вақтида олмос қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолганидан бошлашимиз керак. Бу воқеанинг баёни қўлимизда бор – бу оилавий архивдан чиққан эски қўлёзма. Унда ўша воқеаларнинг шохиди жуда муҳим тафсилотларни маълум қилади. Шундан кейин олмос қандай қилиб икки йил аввал Йоркширга – холамнинг уйига келиб қолганини ва ўн икки соатдан кейин ғойиб бўлганини айтиб бериши лозим. Ўша вақтларда хонадонимизда нималар содир бўлганини ҳеч ким сиздан яхшироқ билмайди, Беттереж. Бинобарин, сиз қўлингизга қалам олиб, воқеалар баёнини ёзишга киришмоғингиз даркор.

Мана шундан сўнг олмос воқеасида мен қай тарзда иштирок этишим мумкинлигини менга маълум этишди. Агар шу вазиятда менинг аҳволимни билишга қизиқсангиз, ижозатингиз билан сизга шуни маълум қиламан: ўзингиз менинг ўрнимда бўлганингизда, нима қилсангиз, мен ҳам шундай қилдим.

Мен камсуқумлик билан бунақа ишни эплаёлмайман дедим, лекин ичимда агар ўзимга эрк берсам, эплашга эплардим-а, деб ўйлаб қўйдим. Афтидан, мистер Фрэнклин ичимдаги гапни юзимдан уқиб олди, шекилли. У менинг камсуқумлигимга ишонишни истамади ва майли, ўзингизга эрк бериб, бемалол ёзаверинг деб туриб олди.

Мистер Фрэнклин олдимдан чиқиб кетганига икки соат бўлди. Аммо у менга орқасини ўтиришга улгурмай, мен ўзишга киришмоқ учун ёзув столимга йўл олдим. Мана, қобилиятим бўлишига қарамай, ночор бир аҳволда ўтирибман. Юқорида номи зикр этилган Робинзон Крузога ўхшаб борган сари бир нарсага амин бўлиб боряпман — бирон ишнинг ҳамма каму кемтикларини ҳисобга олмай, унга кучимиз етиш-етмаслигини чамалаб кўрмай, бу ишга киришиш ўта номаъқул иш бўлур экан. Сиздан илтимос қиламан, бир нарсага эътибор беринг — ҳозир зиммамга тушган ишга ўйламай-нетмай кўнган кунимнинг арафасида китобнинг худди шу жойини мутлақо тасодифан очган эдим — шундоқ экан, айтинг-чи: наҳотки бу гойибдан башорат бўлса?

Мен бидъатга ишонмайман, тоғ-тоғ китоб ўқиганман, унча-мунча олимдан қолишмайман десам ҳам бўлади. Ёшун етмишдан ўтган бўлса ҳам, хотирам ҳали яхши, оёқларим ҳам бақувват. “Робинзон Крузо”га ўхшаган китоб илгари ҳам бўлмаган, бундан кейин ҳам икки дунёда бўлмайди десам, мени нодон деб ҳисобламанглар. Кўп йиллар давомида мен бу китобга мурожаат қилиб келдим — одатда, трубка чекиб туриб уни варақлардим — бу китоб ҳамини менга содиқ дўст бўлиб келди ва турмушнинг жамики мушкулотларида менга доно маслаҳатлар берди. Кайфиятим хуфтон бўлиб қолса, “Робинзон Крузо”ни қўлга оламан. Бирон маслаҳатга муҳтож бўлиб қолсам, яна “Робинзон Крузо” ёнимда. Бир замонлар хотиним ҳаддан зиёд диққинафас қилиб юборса ёки ҳозирги пайтларда шароб қургурга ортиқча кўнгил қўйиб юборсам, яна “Робинзон Крузо”га мурожаат қиламан. Мен ҳаётимда олтига яп-янги “Робинзон Крузо”ни эскиртиб, увадасини чиқардим. Бекам ўзининг энг кейинги туғилган кунини менга еттинчи китобни туҳфа қилди. Ўшанда шу муносабат билан жиндай ортиқроқ олиб юборган эканман, “Робинзон Крузо” мени яна тартибга тушириб қўйди. Кўк муқовали бу китоб тўрт шиллингу олти пенс туради, яна ёнига битта суврат ҳам қўшиб беришади.

Ие, бу гапларнинг ҳеч қайсиси олмос воқеасининг бошланишига ўхшамапти-ку? Гуё мен аллақерларда нималарнидир тимирскилаб тентираб юрганга ўхшайпман. Ижозатингиз билан, бир тоза саҳифа қоғоз оламиз-да, камоли эҳтиром билан ҳаммасини бошдан бошлаймиз.

2 - б о б

Бир неча сатр юқорида мен бекамни тилга олдим. Агар олмосни бекамнинг қизига туҳфа қилишмаганда, бу олмос ҳеч қачон бизнинг уйимизга келмас, гойиб ҳам бўлмасди. Бекам азоблар ичида қизини туғиб, катта қилмаганда, албатта, у бу совғани олмаган бўларди. Агар биз гапни бекадан бошлайдиган бўлсак, анча аввалдан бошлангга тўғри келади: ижозатингиз билан сизга айтиб қўяйки, сизнинг ҳам қўлингизда меникидақа иш бўлса, бу жуда яхши таскин беради.

Агар сиз озма-кўпми зодагонлар дунёсидан хабардор бўлсангиз, албатта, учта соҳибжамол мисс Гернкастль ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Булар — мисс Аделанда, мисс Каролина ва опа-сингилларнинг кенжаси, ҳам энг гўзали мисс Жулия. Бунақа дейишимнинг сабаби бор. Бунга ҳозир ўзингиз амин бўласиз. Мен уларнинг отаси — кекса лордга хизматта кирганимда (худога шукр, олмос масаласига унинг ҳеч қанақа дахлдорлиги йўқ; мен на олий табақа доираларда, на қуйи табақа ичида ҳеч қачон бунақа тили узун ва феъл-атвори галати одамни учратган эмасман), хуллас, мен кекса лордга хизматга кириб, унинг учта зодагон қизига мулозим бўлиб тайинланганимда, ўн беш ёшда эдим. Мисс Жулия марҳум сэр Жон Вериндерга турмушга чиққунга қадар мен ўша хонадонда яшадим. Жуда ажойиб одам эди раҳматлик, фақат унга бирорта одам раҳнамолик қилиб турмоғи лозим эди. Ўзаро айтадиган бўлсак, у шундай одамни топиб, бекам уни никоҳдан ўтиш учун черковга олиб борган кундан

бошлаб, сўнги дардларини енгиллатиб, кўзини мангу юмгунга қадар у бир қоп семириб, қувнаб, мамнуният билан, кайфу-сафо қилиб яшади.

Айтишни унутибман – мен келин билан бирга унинг эрининг уйига кўчиб ўтдим.

– Сэр Жон, – деди Жулия, – мен Габриэль Беттережсиз ночор бўлиб қоламан.

– Миледи, – деб жавоб берди сэр Жон, – мен ҳам у бўлмасам, ночор аҳволда қоламан.

Сэр Жон ҳамиша мисс Жулиянинг гапини икки қилмасликка уринарди. Шундай қилиб, мен унинг ихтиёрига хизматта ўтдим. Қаерга боришнинг мен учун фарқи йўқ эди, бекамдан ажралмасам бўлгани эди.

Миледи хўжалик ишлари, ферма ва шунга ўхшаш нарсаларга қизиқа бошлади. Буни кўриб, мен ўзим ҳам уларга қизиқа бошладим. Бу мен учун қийин бўлгани йўқ, чунки камбағал фермернинг еттинчи ўғли эдим-да... Миледи мени бошқарувчининг ёрдамчиси қилиб қўйди, мен кучим борича гайрат қилдим ва ишларим юришиб кетди. Бир неча йил ўтач, агар адашмасам, душанба куни миледи эрига деди:

– Сэр Жон, сенинг бошқарувчинг мияси айниб қолган чол. Унга тузукроқ нафақа тайинлагин-да, ўрнига Габриэль Беттережни қўй.

Сешанба куни сэр Жон унга жавоб берди:

– Миледи, бошқарувчига яхши нафақа тайинланди, Габриэль Беттереж эса унинг ўрнини эгаллади.

Сиз бахтсиз турмуш кечирувчи эру хотинлар ҳақида кўп эшитгансиз. Буларнинг турмуши мутлақо бунинг акси эди. Бу турмуш баъзи бировларни огоҳ этсин, баъзи бировларни эса рағбатлантирсин. Шу гаплардан сўнг мен ҳикоямни давом эттираман.

Сиз айтишингиз мумкин – бу ёғ ичидаги буйракдай яйраб кетди деб. Менга ишонишарди. Мен фахрли ўринда эдим, ўзимнинг коттежим бор эди, эрталаб туриб, бутун мулкни айланиб чиқардим, кундузлари ҳисобот тайёрлардим, кечкурунлари эса трубкамни чекиб “Робинзон Крузо”ни ўқирдим – одам ўзини бахтиёр ҳис этиш учун бундан ортиқ яна нимани истайди? Одам Ато жаннатда ёлғиз яшаганида унга нима камлик қилганини эсланг – агар сиз уни айбиситмасангиз, мени ҳам қораламайсиз.

Менинг эътиборимни ўзига қаратган аёл коттежимда хўжалик ишлари билан шуғулланарди. Унинг номи Селина Гоби эди. Хотин танлаш масаласида мен марҳум Уильям Коббетнинг фикрига қўшиламан. Аёл кишининг таомни яхшилаб чайнаб ейишига қаранг, кейин қоматини ғоз тугиб юрсин. Шунда сиз сира адашмайсиз. Селина Гоби ҳар жиҳатдан бинойидек эди. Унга уйланганимнинг сабабларидан бири ҳам шунда. Лекин ўзимча муҳим деб билган бошқа сабаб ҳам бор. У ҳали турмушга чиқмаган пайтларида мен унга маош тўлашим керак эди. Унинг хўраги ҳам бўйнимдайди. Менга хотин бўлгандан кейин эса Селина хизматимни ўз-ўзидан бепул қилиши керак. Мен бу ишга ана шу нуқтаи назардан қарадим. Иқтисод билан муҳаббат аралашиброқ кетди. Мен буларнинг ҳаммасини ўз-ўзимга баён қилгандай расамати билан миледига тушунтирдим.

– Селине Гоби тўғрисида ўйлаб кўрдим, – дедим мен унга, – менимча, миледи, уни хизматкор сифатида маош тўлаб ишлатганимдан кўра, унга уйлансам арзонроқ тушадиганга ўхшайди.

Миледи қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди-да: “Билмайман, қайси бири таҳқирлироқ – сенинг гапириш тарзингми ё амал қиладиган қодаларингми?” деб жавоб берди. Ўйлайманки, бу гап бекамга нега кулгили кўринганини ўзингиз зодагонлар тоифасидан бўлмасангиз тушуна олмайсиз. Унинг жавобидан фақат бир нарсани тушундим – бекам менга Селинанинг қўлини сўрашга изн бердилар. Тушундим-у, дарров сўрай қолдим. Селина нима деди, дейсизми? Товбангдан кетай, шунга ҳам сўраб ўтирсангиз, сиз хотин кишининг қандай эканлигини мутлақо билмас экансиз! Селина, албатта, рози бўлди.

Никоҳ вақти етиб келди, менга янги фрак тиктириш кераклиги ҳақида гап кўзгалганида бирдан юрагим орқага тортиб кетди. Бошқа эркаклардан менинг аҳволимда бўлганларида нималарни ҳис этишганини суриштира

бошладим. Уларнинг барчаси никоҳга бир ҳафта қолганида ундан воз кечишни истаб қолганликларини эътироф этишди. Мен биргина истак билан чекланмадим – чинакамига воз кечишга уриниб кўрдим. Албатта, бекорга эмас. Мен яхши билардим – бунақа пайтда аёл киши бекорга рози бўлақолмайди. Инглиз қонунларга кўра, эркак киши аёлга уйланишдан бош тортса, бунинг эвазига аёлни рози қилиши керак. Шу қонунга бўйсуниб, ҳамма нарсани пухта ўйлаб, Селина Гобиға партўшак билан эллик шиллинг пул таклиф қилдим. Сиз балки ишонмасиз, лекин бу чиндан ҳам ҳақиқат – у шу даражада оvsар эдики, бунга рози бўлмади.

Албатта, бундан кейин мен ноилож аҳволда қолдим. Ночор, арзон янги фрак сотиб олдим. Қолган нарсаларнинг ҳам иложи борича арзонини топишга уриндим. Турмушимиз бахтиёр бўлди деёлмайман, лекин биз бахтиқаро ҳам бўлганимиз йўқ. Унисидан ҳам, бунисидан ҳам тагиб кўрдик. Бунинг қандай содир бўлганини билмайман-у, лекин биз ҳаммиша бир-биримизга халақит бериб келдик. Қачонки, мен зинадан пастга тушадиган бўлсам, хотиним юқорига кўтарилар эди, хотиним пастга тушадиган бўлганда, мен юқорига кўтарилардим. Эру хотиннинг турмуши шунақа бўлар экан. Буни мен ўз бошимдан ўтказдим.

Беш йиллик англашилмовчиликлардан кейин тақдири азал бизни бир-биримиздан халос этди. Хотинимнинг умри қисқа экан. Мен қўлимда жажжигина қизим Пенелопа билан қолдим. Бошқа фарзанд кўрмаган эдик. Орадан кўп ўтмай, сэр Жон оламдан ўтди. Миледи ҳам биттагина кичкина қизи билан ёлғиз қолди. Унинг ҳам мисс Рэчелдан бошқа фарзанди йўқ эди. Менинг жажжи Пенелопа меҳрибон бекамнинг кўз ўнгида ўсиб-улгайтанини, бекам уни мактабга берганини, Пенелопа қўл-оёғи чаққонгина қиз бўлганини, улгайганда мисс Рэчелга оқсоч қилиб қўйилганини сизга тушунтиришим керак бўлса, унда миледининг таъриф-тавсифини келтира олмаган эканман.

Мен 1847 йилга қадар бошқарувчи вазифасини бажардим. Ўша йили ҳаётимда ўзгаришлар содир бўлди. Бир куни миледи менинг коттежимга чой ичгани ташриф буюрди. Бекам гапни кекса лордга мулозим бўлиб хизматга кирганимдан бери орадан эллик йил ўтганини, шундан бери бекамнинг хизматини қилиб келаётганимни айтишдан бошлади. Бу гаплардан сўнг у менга ўз қўли билан тиккан ажойиб жун камзул совға қилди. Бунақа камзул қишда ҳўшам жонингга ора киради-да.

Мен бу ажойиб совгани олар эканман, бекамнинг менга кўрсатган иззат-икромни учун миннатдорлик айтишга тилим лол эди. Аммо маълум бўлдики, камзул менга кўрсатилган иззат-икром эмас, сийлов экан. Буни мен ўзим ҳис қилишимдан аввал, бекам шуни сезиштики, йиллар ўтиши билан мен кучдан қолибман, шунинг учун у менинг коттежимга келиб кўнглимни олмоқчи бўлипти (агар бу ўринда шу таъбир жоиз бўлса). У бошқарувчилик лавозимидан воз кечиб, умримнинг қолган қисмини унинг хонадонидида тинчгина дарбон бўлиб ўтказишни таклиф қилди. Тинчгина оёқ узатиб яшаш ҳақидаги гапдан анча ранжидим, шунинг учун иложи борича унга рўйхушлик бермадим. Аммо бекам ожиз жойимни яхши биларди – шундай қилсанг, мени беҳад миннатдор қилган бўласан, деди. Баҳсимиз шу билан тугадики, мен – кекса тентак янги камзулимнинг этагига кўз ёшларимни арта-арта, “Майли, ўйлаб кўраман”, дедим.

Бекам кетганидан кейин, кайфиятим жуда ҳам бузилиб кетди. Бунақа пайтда синалган чорани қўлладим – бу чора бошимга мушкул ишлар тушганида ё кутилмаган вазиятларга тушиб қолганимда қўл келарди. Мен трубкани тутатиб “Робинзон Крузо”ни ўқишга киришдим. Бу ажойиб китобни очдим-у, беш дақиқа ўтмаёқ, таскин берувчи куйидаги гапга дуч келдим (бир юзу эллик саккизинчи саҳифа): “Бугун биз яхши кўрадиган нарса эртага нафратимизни кўзгаши мумкин”. Шу сўзларни ўқидим-у, нима қилишим аён бўлди-қолди. Ҳозирча мен бошқарувчи лавозимида қолишни хоҳлаб турибман, аммо эртага, “Робинзон Крузо”га асосланадиган бўлсам, бугунлай бошқа нарсани хоҳлаб қоламан. Эртанги кунни ва эртанги кайфиятимни кўз олдимга келгирсам бас, масала ҳал бўлади-қўяди. Шу тарзда ўзимни-ўзим тинчлантириб, уйқуга бош қўйдим. Туни билан леди Вериндернинг иш бошқарувчиси сифатида ухладим-у, эрталаб унинг дарбони сифатида уйғондим. Шундай қилиб, ҳаммаса жойида бўлди. Бу “Робинзон Крузо”нинг шарофати билан содир бўлди.

Шу лаҳзада қизим Пенелопа қанча ёзганимни билмоқчи бўлиб, елкам оша нигоҳ ташлади. Бироз разм солиб тургач, у жуда яхши ёзганимни, инсоф ва диёнат билан мулоҳаза юритганимни айтди. Аммо битта эътироз ҳам билдирди. Қизимнинг айтишича, шу пайтгача ёзганларим чакки бўлмаса-да, мен бутунлай бошқа нарсани ёзмоғим керак экан. Олмоснинг тарихини баён қилиб беришни илтимос қилишганида, ҳолбуки мен ўз тарихимни баён қилишга тушиб кетибман. Ажаб! Лекин нега шундай бўлганини тушунтириб беролмайман. Қизиқ, жаноб ёзувчилар ҳам менга ўхшаб ҳикояларига ўзларини тиқиштириб юборишармикин? Агар шундоқ бўлса, уларга раҳмим келади. Ана, яна бошқа гапларга ўтиб кетдим. Энди нима қилмоқ керак? Майли, ҳечқиси йўқ — фақат сизга сабр-тоқат берсин-у, мен учинчи марта бошидан бошлай.

3 - б о б

Ҳикоямни қай тарзда бошлашим кераклиги ҳақидаги масалани икки хил усулда ҳал қилишга аҳд қилдим. Биринчидан, аввал бошимни қашладим, лекин бунинг ҳеч қандай нафи бўлмади. Иккинчидан, қизим Пенелопа билан маслаҳатлашдим. Ундан янги бир фикр чиқди.

Пенелопанинг фикрича, мен мистер Фрэнклин Блэкининг бизникига келиши ҳақида хабар олинган кундан бошлаганим маъқул экан. Сиз шу тариқа фикрдан бирор санада эътиборингизни жам қилсангиз, хотирангизда барча керакли тафсилотлар бирин-кетин чарх ураверади. Бирдан-бир қийинчилик туғдирадиган жойи шундаки, воқеаларнинг мунтазамлигини эслаш анча мушкул бўлди. Аммо Пенелопа буни мен учун қилиб берадиган бўлди. Уни мактабда ўқиб юрганидаёқ кундалик тутишга ўргатишган эди. Шундан бери у ҳозирга қадар кундалик тутишни қанда қилмайди. Ҳозир ана шу кундалик қўл келди. Унга кундалигинга қараб ўрнимга ҳаммасини ўзинг ёзиб қўяқолгин-да, деб таклиф қилдим. Пенелопа лов этиб қизариб кетди-да, кўзларида ғазаб чақнаб, кундалигим фақат ўзимга аталган, унда нималар ёзилганини дунёда биронта жонли махлук била олмайди деб жавоб берди. Мен бунинг боиси нима деб сўрасам, Пенелопа:

— Шунақа, дадажон! — деб гапни қисқа қилди.

Мен сизга айтсам, бу ерда бирор ишқий можаро аралашганга ўхшайди.

Пенелопанинг режаси билан бошлар эканман, сизнинг ижозатингиз билан 1848 йил 24 май чоршанба кунини эслайман. Ўша куни эрталаб мени миледининг хонасига таклиф қилишди.

— Габриэль, — деди миледи, — мен айтадиган янгиликни эшитиб, ажаблансангиз керак. Фрэнклин Блэк чет элдан қайтиб келипти. У Лондонда отасиникида турган экан. Эртага бир ойда бизникига келади ва бу ерда Рэчелнинг туғилган кунини ўтказиб кетади.

Мабодо, қўлимда шляпам бўлганида фақат миледига хурматим юзасидангина уни шифтга отишдан ўзимни тийган бўлардим. Мистер Фрэнклин болалик чоғларида бу хонадонда биз билан яшаган эди. Уни ўшандан бери кўрганим йўқ. Шуниси эсимдаки, у ҳар жиҳатдан жуда маъқул бола эди. Миледи билан гаплашадиганимизда мисс Рэчель ҳам бор эди. Фрэнклинни кўғирчоқларга кун бермайдиган ўта золим бир бола сифатида эслашини айтди. У қизларни от қилиб жиловлаб олиб, роса қийнар экан.

— Фрэнклин Блэк ҳақида ўйласам, ғазабдан ёниб кетаман ва бирдан ўлпудай ҳорғинлик сезаман, — деб гапни тутатди мисс Рэчель.

Сиз, албатта, сўрасангиз керак — нима учун мистер Фрэнклин болалигидан бошлаб катта йигит бўлгунига қадар бутун умрини ватанидан ташқарида ўтказди, деб жавоб бераман: унинг шўринг қурғур отаси битта герцоглик унвонининг энг яқин вориси эди, лекин буни қонуний тарзда исбот қилолмаганди.

Қисқа қилиб айтганда, бу воқеанинг тафсилоти мана бундай:

Миледининг катта онаси мистер Блэка турмушга чиққан эди. Мистер Блэк ҳаддан ташқари беҳисоб бойликлари билан шухрат қозонгандек. Шунингдек, унинг аллақандай герцог билан даъволашгани ҳам анча шов-шувга сабаб бўлган. Бир неча йил давомида у ўзининг юртида судланган герцогни қувиб

юборишни, ўрнига эса ўзини қўйишни талаб қилиб, уларни жонидан тўйғазди, қанчадан-қанча ҳимоячиларни бадавлат қилди, унинг ҳақ-ноҳақлиги масаласида гаров боғлаган неча-неча бегуноҳ одамларни бир-бирлари билан ўчакиштириб қўйди. Ростки, уларнинг саноғига етиб бўлмайди. Судлар унинг ишига хотима қўйиб, пулларини сўриб олишдан тўхташдан олдин, Блэкнинг хотини ва иккита боласи қазо қилди. Ҳаммаси тамом бўлиб, герцог зиён-заҳматсиз қуғулиб кетгандан кейин, мистер Блэк ўзига нисбатан шундай адолатсизлик қилган ватанидан ўч олмоқчи бўлди. Бунинг учун чет элга кетиб, Англияни ўғли Фрэнклинни тарбиялаб, вояга етказиш шарафидан маҳрум этишга қарор қилди.

– Ватанимнинг муассасалари менга нисбатан шундай қилгандан кейин, – деб изоҳ берди у, – яна қандай қилиб уларга ишонмоғим мумкин?

Бунга яна бир нарсани илова қилинг – мистер Блэк ўғил болаларни, шу жумладан, ўз ўғлини ҳам ёқтирмас эди. Шундоқ экан, аҳвол ўзгача бўлмаслигига аминдирсиз. Мистер Фрэнклинни Англиядан олиб кетишиб, Германиядай ажойиб бир мамлакатта етаклаб боришди-да, отаси ишонадиган муассасага беришди. Эътибор қилинг – мистер Блэкнинг ўзи бемалол Англияда яшайверди. Бу ерда парламентда ўз ватандошлари манфаати йўлида меҳнат қилишда давом этди. Шунингдек, герцог ҳақидаги иш бўйича ҳисобот тайёрлаш билан банд бўлди. Бироқ бу ҳисоботни ҳануз ёзиб тугатганича йўқ.

Мана, худога шукр, бу воқеани айтиб бердим. Сиз ҳам, мен ҳам мистер Блэк ҳақида бошимизни қотирмай кўяқолайлик. Уни герцогпараслиги билан ўз ҳолига қўйлик-да, олмос масаласига қайтайлик.

Олмос масаласи бизни мистер Фрэнклинга қайтаради. Бахтсизлик келтирувчи бу жавоҳирни бизнинг хонадонимизга жуда беозор ва бегуноҳ бир тарзда мистер Фрэнклин олиб келди.

Севиқли гўдагимиз чет элга кетганидан кейин ҳам бизни унутиб юбормади. У вақт-вақти билан гоҳ миледига, гоҳ мисс Рэчелга, гоҳ менга мактуб ёзиб турарди. У чет элга кетишидан олдин мендан бир ўрам канош, тўрт тигли қаламтарош ва етти шиллинг олти пенс пул қарз олган эди. Мен уларни қайтариб олганим йўқ. Ҳозир эса олишдан умидимни ҳам узиб қўйганман. Унинг менга йўллаган мактублари ҳам янги-янги қарзларга доир эди. Аммо мен миледидан мистер Фрэнклин вояга етгандан кейин чет элда қандай ҳаёт кечираётганини эшитган эдим. У Германия муассасалари ўргатадиган нарсаларни ўргангач, Францияга йўл олишти, у ердан Италияга жўнапти. Мен шуни англадимки, бу ерларда у ҳар томонлама камолга етипти. Жиндай шеър ёзадиган, жиндай расм чизадиган, жиндай қўшиқ айтадиган, жиндай саз чаладиган ва музыка тўқийдиган бўлипти. Чамамда, мендан қарз олиб юрганидай, бу ишларда ҳам ундан-бундан қарз қўтаришдан тоймаган бўлса керак. У балоғатга етганда онасининг пули (йилига етти юз фунт) унга тегди. Бироқ бу пул ғалвирга тушган сувдай бир зумда ғойиб бўлди. Унинг пули қанча кўп бўлса, пулга бўлган эҳтиёжи ҳам шунча ортаверди. Мистер Фрэнклиннинг чўнтаги тешик эди, уни ҳеч нарса билан чағиб-тикиб бўлмасди. Қувноқлиги ва самимийлиги туфайли уни ҳамма ерда кучоқ очиб кутиб олишарди. У гоҳ бу ерда, гоҳ бошқа жойда яшар ва ҳамма ерда одамларга адресини “Европа, сўраб олгунча” деб берар эди. У икки марта Англияга қайтиб, биз билан дийдор кўришишга аҳд қилди, аммо ҳар икки галда ҳам аллақандай аёл уни тўхтатиб қолди. Ниҳоят, учинчи мартасида ниятига етди. Бу сизга миледининг менга айтган гашидан аён. 25 май пайшанба куни биз бир вақтлардаги суюкли жўжигимиз қандай йигит бўлиб етишганини биринчи дафъа кўрмоғимиз керак эди. У тагли-тугли, яхши оиладан, мардона феъли-атворга эга эди, ёши ҳам чамаси йигирма бешда бўлса керак. Ана энди мистер Фрэнклин Блэкни у киши бизникига кириб келгунга қадар мен қанчалик билсам, сиз ҳам шунчалик биласиз.

Пайшанба куни об-ҳаво жуда яхши эди. Миледи билан мисс Рэчель мистер Фрэнклиннинг келишини кутиб ўтирмай: аллақандай қўшнилариликка нонушта қилгани кетишди.

Улар жўнаб кетишгандан кейин, мен меҳмонимизга атаб тайёрланган ётоққа кирдим. У ерда ҳамма нарса жойида эди. Шундан кейин миледининг

дарбонигина эмас, буфетчиси ҳам бўлганим учун (эътибор қилинг, ўз илтимосим билан бу лавозимни эгаллаган эдим, марҳум сэр Жоннинг қазноқларининг калити бошқа бирор одамнинг ихтиёрида бўлса, бу менга унча хуш келмасди), шундан кейин қазноқдан донғи кетган шаробларимиздан олиб чиқдим-да, офтобга иситишга қўйдим. Кейин ўзим ҳам ёзнинг илиққина офтобида ўтиришни ихтиёр қилдим. Негаки, куёшнинг илиқ нури шаробгаки яхши таъсир қилса, қари одамнинг суяқларига ёқиши ҳам турган гап. Шундай қилиб, орқа ховлига ўтиш учун стулни кўтариб кетаётганда миледининг хоналари олдидаги айвондан секин таралаётган ноғора садоларини эшитиб тўхтадим.

Айвонни айланиб ўтиб, оқ сурупдан кўйлак-иштон кийган учта қора танли ҳиндни кўрдим. Улар уйга синчиклиб тикилиб туришарди.

Мен бориб яхшироқ қарасам, уларнинг бўйинларида кичкина ноғорачалар осилиб турарди. Уларнинг олдида кичкинагина, озғин, малла инглиз бола қўлида қоп ушлаб турарди. Мен бу одамларни сайёр кўзбойлоқчилар бўлса керак, деб ўйладим. Қоп кўтарган бола эса уларнинг асбоб-аслаҳаларини олиб юрса керак. Улардан битгаси инглизча гапирар экан. Ўтироф этишим керак, унинг ўзини тутиши ҳам зодагонларга ўхшарди. У менинг тахминимни тасдиқлади — уй бекасининг ҳузурда шериклари билан томоша кўрсатишга изн сўради.

Мен феъли тор қария эмасман, ҳузур-ҳаловатни яхши кўраман, одамнинг териси менга қараганда қорароқ бўлса, шуни баҳона қилиб, унга менсимай қарамайман. Лекин биз ҳар қанча яхши бўлмайлик, ҳар биримизнинг бирор ожизлигимиз бор — менинг заифлигим шундаки, агар оиламизнинг қадимий кумуш буюмлари солинган сават қазноқдан ташқарига олиб чиқилса, сайёр мусофирни кўришим биланоқ, дарҳол шу сават хаёлимдан нари кетмай тураверади. Шунинг учун ҳам мен ҳиндга бекамнинг уйда йўқлигини айтдим ва шериклари билан бу ердан жўнаб кетишини таклиф қилдим. Бунга жавобан у эпчиллик билан таъзим қилди-да, қайтиб кетди. Мен ҳам ўз навбатида стулимга қайтиб бордим-да, ҳовлининг кунгай томонида ўгириб, очигини айтганда, пинакка кетдим десам бўлмас-у, шунга яқинроқ аҳволда мизгиб ўтирдим.

Мени ўт тушгандай югуриб келган қизим Пенелопа уйғотиб юборди. Уни югуриб келганига нима сабаб бўлди деб ўйлайсиз? Буни қаранг, қизим учта ҳинд кўзбойлоғичини дарҳол полицияга олиб боришни талаб қилди. Сабабки, улар бизникига Лондондан мистер Фрэнклин Блэкнинг келишидан хабардор эмишлар ва ҳатто унга зиён-заҳмат етказиш пайида эмишлар.

Мистер Фрэнклиннинг номини эшитиб уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, қизимдан бор гапни тушунтириб беришини талаб қилдим.

Пенелопа ҳозиргина дарбонимизнинг ҳужрасидан келипти. У ерга дарбоннинг қизи билан чақчақлашиб келгани борган экан. Иккала қиз ҳам мен чиқариб юборган ҳиндларнинг ҳалиги бола ҳамроҳлигида кетаётганини кўрипти. Қизларнинг миясига негадир бу мусофирлар болага ёмон муомала қилишади, деган фикр ўрнашиб қолипти. Эҳтимол, бола бежирим ва нимжон бўлгани учун шундай деб ўйлашгандир. Ҳар қалай, иккала қиз ҳовлимизни йўлдан ажратиб турадиган чакалак деворнинг ичкари томонидан паналаб боришибди-да, ҳиндларнинг нима қилишини кузата бошлашипти. Ҳиндлар эса ғалати қилиқлар қила бошлашипти. Аввалига улар йўлни ҳар томондан кўздан кечириб, ўзларининг холи эканликларига амин бўлишипти. Кейин учовлари ҳам уйимиз томонга ўгирилиб, синчиклаб қарай бошлашипти. Кейин бир-бирларига алланечук шубҳа билан қарашиб, ўзларининг тилларида нималардир, деб тортишиб кетишипти. Кейин инглиз боладан ёрдам кутгандек, унга мурожаат қилишипти. Шундан кейин инглизча биладиган бош ҳинд болага буюрипти:

— Қўлингни чўз.

Қизим Пенелопа ҳикоясининг шу жойига етганда шунақа даҳшатли гапларни эшитганда қанақа қилиб юраги қинидан чиқиб кетмаганига ҳайрон эканини айтди.

Айб бўлса ҳам айтай, мен бунга сийнабанди халақит берган бўлса керак, деб ўйладим. Аммо овозимни чиқариб, бошқа гапни айтдим:

– Вой бў-ў! Бугун баданим жимирлашиб кетди-ку!

Эслатиб қўяй: аёл киши шунақа жиндай-жиндай ён беришларни хуш кўради.

Ҳинд “қўлингни чўз” деб буйруқ бергач, бола бир қадам орқага чекиниб, бошини чайқатишти-да, қўлини чўзгиси келмаётганини айтишти. Шунда ҳинд сира ҳам ўдағайламай, сени яна Лондонга жўнатайликми, бозорда, оч, яланғоч, бошпанасиз ётган жойингга элтиб қўяйликми, деб сўрапти. Шу савол билан масала ҳал бўлган кўринади. Бола истамайгина қўлини чўзишти. Ҳинд белбоғига қистириб қўйган шишани олишти-да, ундан боланинг кафтига сиёҳга ўхшаган қоп-қора бир нарсани қуйшти. Шундан кейин боланинг бошига қўлини теккизиб, унинг тепасида ҳавода аллақандай ишоралар қилиб, депти:

– Қара.

Бола кафтига қуйилган сиёҳга тикилганча турган жойида ҳайкалдай қотиб қолишти.

Шу чоққача Пенелопанинг ҳикоясидаги ҳиндларнинг қилиқлари сиёҳни беҳуда сарфлашдан нарига ўтмаган оддий найрангдек туюлган эди. Мен ҳатто яна мизғий бошладим. Лекин Пенелопанинг кейинги гапларини эшитиб, бутунлай уйқум ўчиб кетди.

– Бегона ўлкалардан келган инглиз ҳозир қаерда?

Бола жавоб берди:

– Мен уни кўряпман.

Ҳинд деди:

– Инглиз бугун шу йўлдан келадими ё бошқа йўлданми?

Бола жавоб берди:

– Инглиз бугун бошқа йўлдан эмас, шу йўлдан келади.

Жиндай сукутдан кейин ҳинд яна сўради:

– Анали нарсани инглизнинг ёнидами?

Бола ҳам бироз сукутдан сўнг жавоб берди:

– Ёнида.

Шунда ҳинд охирги – тўртинчи саволини берди:

– Инглиз бу ерга ўзи ваъда қилгандай кечкурун келадими?

Бола жавоб берди:

– Бир нарсани деёлмайман.

Ҳинд нима учун деб сўради. Бола жавоб берди:

– Мен чарчадим. Кўз ўнгимда туман. У менга халақит беряпти. Бугун бошқа ҳеч нарсани кўролмайман.

Шу билан саволлар тамом бўлди. Ҳинд иккита ҳамроҳига қараб, болага ва ўзлари тўхтаган шаҳарга (буни биз кейинчалик билдик) ишора қилиб, ўз тилида нимадир деди. Кейин яна боланинг боши устида қандайдир имо-ишоралар қилди, пешонасига пуфлади. Бола бир сесканиб, хуши жойига келди. Шундан кейин улар шаҳарга қараб йўл олишди ва қизлар уларни бошқа кўришгани йўқ.

Агар астойдил изласангиз, ҳамма нарсадан ҳам бир ибратли гап топиш мумкин, дейишади. Ана шу гапларнинг ҳаммасидан қанақа ибрат чиқарса бўлади?

Ўйлай-ўйлай шундай фикрга келдим – биринчидан, бош бойлоқчи дарвоза олдида хизматкорларнинг гап-сўзидан мистер Фрэнклиннинг келишини эшитиб олган-у, бунда оз-моз пул ишлаб олиш имконини кўрган. Иккинчидан, у шериклари ва бола билан бирга (пул ишлаш мақсадида) миледи уйга қайтиб келгунга қадар шу яқин-атрофда айланиб турмоқчи бўлишган, кейин қайтиб келиб, мистер Фрэнклиннинг келишини сеҳру жолу билан башорат қилгандай айтиб беришни ният қилишган. Учинчидан, Пенелопа уларнинг машқини эшитган. Аргистлар ўз ролларини машқ қилгандек, ҳиндлар ҳам томошаларини машқ қилишган. Тўртинчидан, бугун кечкурун кумуш қошиқларимиздан бохабарроқ бўлиб турсам чакки бўлмайди. Бешинчидан, Пенелопа тинчланса ва отасини яна офтобда жиндай мизғиб олиш учун ўз ҳолига қолдирса, яхши бўларди.

Шу хулосалар менга маъқулдай кўринади. Агар сиз жувонларнинг табиатидан сал-пал хабардор бўлсангиз, Пенелопа менинг фикримга қўшилмаганини эшитиб ҳайрон бўлмасангиз керак. Қизимнинг гапига қараганда, аҳвол жуда

жиддий эди. Қизим менга, айниқса, ҳинднинг учинчи саволини кўп таъкидладики: “Анави нарса инглизнинг ёнидами?”

– Вой отажоним-ей! – деб хитоб қилди Пенелопа қўлларини ёйиб. – Бу билан ҳазиллашманг! “Анави нарса” дегани нима ўзи?

– Биз мистер Фрэнклиннинг ўзидан сўраймиз, опоқ қизим, – дедим мен. – Мистер Фрэнклин келпунича бир оз сабр қилиб тур.

Мен кўзларимни қисиб қўйдим. Бу билан ҳазиллашаётганимни аён этдим. Аммо Пенелопа сўзларимни мутлақо жиддий қабул қилди. Унинг ташвишли қиёфасини кўриб, мен ҳам безовта бўла бошладим.

– Буни мистер Фрэнклин қаёқдан билиши мумкин? – деб сўрадим мен.

– Унинг ўзидан сўранг, – деб жавоб берди Пенелопа. – Ушанда кўрасиз, буларни у шунчаки бир эрмак деб ҳисоблайдими, йўқми...

Мени ана шундай сирли жумбоққа рўпара қилиб, қизим кетди.

Қизим чиқиб кетгандан кейин мен чиндан ҳам мистер Фрэнклиндан сўрамоқчи бўлдим. Лоақал Пенелопа тинчийди-ку... Мистер Фрэнклин билан ўртамизда шу куниеқ бўлиб ўтган гап-сўз тўғрисида сиз вақти-соати билан билиб оласиз. Лекин мен сизнинг ичингизни ортиқча қиздирмоқчи эмасман. Шунинг учун ҳикоямни давом эттиришдан олдин дарҳол сизни огоҳ этиб қўяй – бизнинг Фрэнклин билан кўзбойлогичлар ҳақидаги суҳбатимизда енгил ҳазил-мутойибадан нишон ҳам йўқ эди. Мен шунисига ҳаддан зиёд таажжубландимки, мистер Фрэнклин ҳам Пенелопа каби бу хабарни жуда жиддий қабул қилди. Унинг фикрича, “анави нарса” дегани Ойтош эканини билганингиздан кейин бунинг нақадар жиддий бўлганини ўзингиз пайқаб оласиз.

4 - б о б

Ростини айтсам, сизнинг диққатингизни ўзимга ва сават стулимга жалб қилаётганимдан жуда хижолатдаман. Орқа ҳовлида офтобда мудраб ўтирган қариянинг бирон қизиқарли жойи йўқ – буни мен яхши биламан. Аммо ҳикоя расамади билан давом этиши керак – шунинг учун мистер Фрэнклин Блэкининг этиб келишини кутиш асносида сиз яна бир неча муддат мен билан андармон бўлмоғингиз керак бўлади.

Қизим кетгандан кейин мен яна дурустроқ мизғишга улгурмай, хизматкорлар хонасидан эшитилган идиш-товоқнинг даранг-дурунгидан уйғониб кетдим. Бу овозларга қараганда тушлик тайёр бўлган эди. Мен ўзим хонамда овқатланаман, хизматкорлар хонасидаги умумий тушлик билан ишим йўқ. Шунинг учун менга уларнинг ҳаммасига яхши ишгаҳа тилаб, яна хотиржамгина ўз ўриндигимга ўрнашиб олишдан бошқа иш қолмаган эди. Шу мақсадда оёқларимни узатишим ҳамон бошқа бир хотин югуриб келди. Бу гал келган қизим эмас, балки Нанси деган оқсоч аёл эди. Мен унинг йўлини тўсдим. У мендан ўтказиб юборишни илтимос қилганда қарасам, юзи тунд эди. Хизматкорларнинг бошлиғи сифатида мен ҳеч қачон бунақа ҳолларда масаланинг тагига етмай қўймайман.

– Нега овқатни ташлаб, югуриб чиқдингиз? Нима бўлди, Нанси?

Нанси жавоб бермай, ғойиб бўлишнинг пайига тушди, аммо мен унинг қулоғидан ушлаб олдим. У ёқимтойгина, дўмбоққина, ёшгина қиз бола. Унга нисбатан дўстона эътиборимни шу йўл билан намоиш этадиган одатим бор.

– Розанна яна тушликка кечикиб қолди, – деб жавоб берди у, – мени уни чақириб келгани юборишди. Бу уйда ҳамма вақт ишнинг энг қийини менинг бўйнимда... Қўйиб юборинг мени, мистер Беттереж!

Розанна бизнинг иккинчи оқсочимиз эди. Иккинчи оқсочимизга анча-мунча мушфиқлигим бор эди (бунинг боисини ҳозир англайсиз), қарасам, Нансининг овозидан кўрдимки, у ҳозир дугонасининг олдига югуриб боради-ю, унинг бошига ҳақоратлар ёғдиради. Ҳолбуки, ҳозирги вазият мутлақо буни тақозо этмас эди. Хуллас, хаёлимга бир фикр келди – ҳозир менинг ҳеч қанақа ишим йўқ, бекор ўғириман, Розаннани бориб чақириб келақолай-да! Бирйўла унга бундан кейин тартибни бузмаслиги ҳақида танбеҳ ҳам бераман. Бунақа танбеҳларни у мендан индамай эшитади.

– Розанна қаерда? – деб сўрадим.

– Қаерда бўларди, қумлоқда-да! – деб жавоб берди Нанси бошини чайқаб. – Яна мазаси қочган эмиш. Соф ҳаводан нафас олиб келай деб сўраб кетган. Жоним ҳалқумимга келди.

– Бориб тушлигингни қилавер, азизим, – дедим мен. – У менинг жонимни ҳалқумимга келтиргани йўқ. Мен бориб айтиб келақолай.

Нанси (унинг ҳамиша иштаҳаси карнай) бу гапдан мамнун бўлди. У мамнун бўлганида янада хушрўй бўлиб кетади. Шунда мен унинг иягини силаб қўяман. Буни уятга йўйманг – одатим шунақа.

Шундай қилиб, қўлимга таёқни олиб, қумлоққа жўнадим.

Йўқ, бунақаси кетмайди. Сизни яна алаҳситаётганимдан афсусланаман, лекин сиз, албатта, қумлоқ тарихини ҳам, Розаннанинг тарихини ҳам эшитишингиз керак. Чунки олмос ҳақидаги иш бевосита шуларга дахлдор. Мен ҳеч қаерда алаҳсимамай, ҳикояни равон баён қилишга уринсам ҳам, бу ҳеч қўлимдан келмаяпти. Аммо начора! Бу ҳаётда буюмлар билан одамлар шунақанги аралаш-қуралаш бўлиб кетганки, улар ўз-ўзидан диққатингизни жалб этишни талаб қилади. Бунга тинчгина рози бўлайлик-да, мухтасаргина ҳикоя қилайлик. Шунда, ваъда қиламан, орадан кўп ўтмай сирнинг таг-тагига етиб борамиз.

Розанна (одоб юзасидан, буюмлардан кўра одамлар ҳақида олдинроқ гапириш керак) бизнинг уйимиздаги бирдан-бир янги оқсоч эди. Мен ёзаётган воқеалардан тўрт ойча муқаддам миледи Лондонга борган эди. У ерда миледи турмадан озод қилинган жиноятчи аёлларнинг яна ёмон йўлга кириб кетишларига йўл қўймаслик билан шуғулланувчи ахлоқ тузатиш муассасасига боради. Бошлиқ аёл миледининг бу муассасага қизиқаётганини кўриб, унга Розанна Спирман деган бир жувонни кўрсатади-да, унинг жуда қайғули тарихини айтиб беради. Бу ерда унинг тарихини қайта бошдан баён қилишга менинг қурбим етмайди, чунки заруриятсиз ўзимни ҳаяжонлантиришни ёқтирмайман. Менимча, сиз ҳам шунақа бўлсангиз керак. Гап шундаки, Розанна Спирман ўғри эди. Аммо у Ситида тўда-тўда бўлиб уюшиб иш тутадиган ва минглаб одамларни шип-шийдон қилиб шиладиган ўғрилардан эмас эди. У ҳаётда ўта муҳтожликдан шу йўлга киришга мажбур бўлганди. У полициянинг қўлига тушади, уни турмага ўтқазишади, кейин ахлоқ тузатиш уйига жўнатишади. Бошлиқ аёлнинг фикрича, Розанна унинг аввалги қилгиллигига қарамай, жуда яхши қиз эди. Имкониёт бўлса, ҳар қандай яхши одамнинг меҳр-шафқатига муносиб қиз эканини исботлаши мумкин эди. Миледи жуда кўнгли юмшоқ аёл эди – бошқа бунақа мушфиқ аёлни қидириб топиш амри маҳол эди. Шунинг учун у бошлиқ аёлга деди:

– Розанна Спирманни мен оқсочликка оламан.

Бир ҳафтадан кейин Розанна Спирман бизнинг хонадонимизга иккинчи оқсоч бўлиб келди. Мисс Рэчель билан мендан бошқа унинг тарихидан уйимизда ҳеч ким хабардор эмас эди. Менга тез-тез маслаҳат сўраб мурожаат қилиб турадиган миледи Розанна масаласида ҳам мен билан маслаҳат қилди. Кейинги пайтларда марҳум сэр Жоннинг ҳамиша миледининг фикрига қўшилиш одатини қабул қилиб олганим учун Розанна Спирман масаласида ҳам чин кўнгилдан унинг фикрини маъқулладим.

Шўрлик қизнинг бир омади келиб қолди-да. Бунақа ҳол камдан-кам содир бўлади. Хизматкорлардан биронтаси унинг ўтмишини юзига солиб, таъна қилолмасди, чунки буни ҳеч ким билмас эди. У ҳамма билан бир қаторда маош олар ва имгёлардан фойдаланарди. Миледи ҳам вақти-вақти билан уч-тўрт оғиз ширин гап айтиб кўнглини кўтариб қўярди. Шунисини ҳам айтишим керакки, унинг ўзи ҳам шунақа яхши муомалага муносиб чиқди. Гарчи унинг саломатлиги унча бақувват бўлмай, баъзи-баъзида хушидан кетиб қоладиган бўлса-да (бу ҳақда куйироқда яна айтаман), ўзининг ишини камтарлик билан, гап қайтармай, пишиқ қилиб бажарарди. Аммо негадир у хизматкорлар орасидан дўст орттира олмади. Фақат менинг қизим Пенелопагина у билан жуда яқин бўлмаса ҳамки, одатда, унга яхши муомала қиларди.

Билмадим, бу қиз уларга нега ёқмади экан. У бошқаларда ҳасад уйғотадиган даражада хушрўй ҳам эмас эди. Аксинча, у хонадонимиздаги энг хунук қиз

эди, бунинг устига бир елкаси иккинчисидан баландроқ эди. Менимча, хизматкорлар ҳаммадан ҳам ортиқроқ унинг индамаслигини ва ёлғизликка мойиллигини ёқтиришмади. Бўш вақтларида бошқалар гап соғиш билан машғул бўлса, у китоб ўқирди ё бирон иш билан банд бўларди. Дам олиш навбати унга келганда эса ўн мартадан тўққизгасида бамайлихотир шляпасини киярди-да, ёлғир сайр қилгани жўнарди. У ҳеч қачон ҳеч ким билан жанжаллашмас, ҳеч кимдан хафа бўлмас, ўжарлик билан ҳаммадан нарироқ туришга ҳаракат қиларди. Бунга яна шуни илова қилингки, у ҳар қанча хунук бўлмасин, унда оқсоч жувонга эмас, зодагон хонимга хос алланечук сифат бор эди. Балки бу унинг овозида намоён бўларди, балки юзида зухур этарди. Мен фақат шуни айтишим мумкинки, бошқа аёллар у бизникига келган биринчи кунданок бу хислатини пайқашиб, Розанна Спирман такаббур аёл экан, деб юришди. Аммо бу гап мутлақо асоссиз эди.

Розаннанинг тарихини баён қилар эканман, бу ғалати жувоннинг кўшгина ғаройиб хислатларидан биттасини айтиб беришим керак. Ундан кейин эса кумлоқлар тарихига ўтамиз.

Бизнинг уйимиз баланд Йоркшир соҳилида, шундоққина денгиз бўйида жойлашган. Бизнинг олдимизда бу йўналишдан бошқа ҳар томонда сайр қиладиган жуда яхши жойлар бор. Менимча, бу жойларда сайр қилиш жоннинг роҳати. Чорак милча ҳазин қарагайзор ўрмондан борасиз-да, пастак-пастак қоялар орасидан ўтиб, бир кўрфазга чиқасиз. У бутун соҳилимиз бўйлаб энг ҳоли ва бефайз кўрфаз.

Бу ерда кумлоқ адирлар денгизгача етиб келади-да, денгизда бир-бирининг рўпарасида учи чиқиб турган иккита қоя тарзида тутади. Қояларнинг бирини Шимолий, иккинчисини Жанубий қоя деб аташади. Шу икки қоя орасида бутун Йоркшир соҳилини қидирсангиз топилмайдиган даҳшатли билқиллама кумлоқлар ястаниб ётади. Денгиз суви қайтган пайтларда кумлоқларнинг ичида нималардир бўлади – унинг сатҳи ҳаддан ташқари ваҳимали тарзда билқиллай бошлади. Шунинг учун маҳаллий аҳоли уни Билқиллама кумлар, деб атади. Кўрфаз бўйида ярим милча чўзилган катта кўтарма бор – у океан тўлқинларининг хуружини қайтариб туради. Қишда ҳам, ёзда ҳам денгиз суви кўтарилганда тўлқинлар кумлоқларни кўмиб кетади. Жуда холи ва жуда кўрқинчли жой! Гапимга ишонаверинг. Биронта ҳам қайиқ юраги бетлаб у кўрфазга кира олмайди. Кобес-Голл деб аталган балиқчилар қишлоғининг болалари ҳеч қачон бу ерга ўйнагани келмайди. Менга шундай туюладики, ҳатто қушлар ҳам Билқиллама кумларни четлаб учишади. Агар ёш жувон истироҳат қиладиган чоқларида сайр қилишга бири-биридан яхши ўнта йўналишдан истаганини танилаб олиш имконига эга бўлса-ю, унинг биргина “Юринг!” деган хитобига маҳғал бўлиб турган қанчадан-қанча одам унга ҳаминша ҳамроҳ бўлишга бажонудил рози турса, бунинг ўрнига у жувон шу жойни афзал кўрса, шу ерда ёлғиз ўзи бирон иш билан банд бўлса ё китоб ўқиса, сизни ишонтириб айтаманки, бу ҳеч қанақасига ақл бовар қилмайдиган гап. Аммо – буни қандай изоҳласангиз, ихтиёрингиз – Розанна Спирман ана шундай сайр қилишни яхши кўрарди. У фақат бир марта, икки марта Кабес Голла борган эди. У ерда унинг яқка-ю ёлғиз дўсти бор эди. Бу тўғрида сизга кейинроқ батафсил айтаман. Мана ҳозир мен ана шу сўхтаси совуқ жойга Розаннани тушлик қилгани чақиргани кетиб боряпман. Бу ҳол бизни ҳикоямизнинг бошланишига қайтаради ва биз яна кумлоқлар томон йўл оламиз.

Мен қарагайзор ўрмонда жувонни учратмадим. Кумлоқ адирлар устидан юриб соҳилга чиққанимда, мен уни кўрдим. Унинг бошида чоққина похол шляпа, устида кулранг плаш: у, одатда, доим шу плашини кийиб юрарди, унинг ёрдамида имкони қадар бесўнақай елкаларини яширмоқчи бўларди. Жувон ёлғиз ўзи денгизга ва кумларга тикилиб ўтирарди.

Мен унинг олдида борганимда у сесканиб тушди ва мендан ўтирилиб олди. Хизматкорлар учун жавобгарлик зиммамда бўлганидан, мен ҳаминша нима учун юзимга тик қарамасликларининг сабабини аниқлашга уринаман. Мен жувонни ўзимга бурдим. Қарасам, у йиғлаяпти. Миледи менга бир дюжина жуда чиройлик нафис дастрўмол совға қилган эди. Шулардан бири ёнимда эди. Дарров уни олдим-да, Розаннага дедим:

– Юринг, азизим, иккимиз нишаб соҳилда бирга ўтирамыз. Мен аввал кўзларингизни артиб қўяй. Кейин нима боисдан йиғлаганингизни сўрайман.

Сиз ҳам менинг ёшимга етганингизда соҳилда ўрнашиб ўтириб олиш ҳозир сизга туюлганча осон иш эмаслигига амин бўласиз. Мен ўрнашиб ўтириб олгунимча, Розанна ўзининг дастрўмоли билан кўзларини артиб олди. Унинг дастрўмоли меникидан анча паст эди. У жуда ҳам хотиржам кўринарди. Қайғуси тубсизга ўхшарди. Аммо мен буюришим биланоқ итоаткорлик билан ёнимга ўтирди. Агар сиз аёл кишига тезроқ таскин бериб, тинчлантормоқчи бўлсангиз, уни тиззангизга ўтқазинг. Мен шу олтин қойдани эслашга эсладим-у, лекин ҳамма гап шундаки, Розанна Нанси эмас-да!

– Қани, менга айтинг-чи, азизим, – деб давом этдим мен. – Нима сабабдан йиғлаганингиз?

– Ўтганларни эслаб йиғладим, мистер Беттереж, – деб хотиржам жавоб берди Розанна. – Баъзан ўтган умримни эслаб, хўрлигим келиб кетади.

– Қўйинг, қўйинг, азизим, – дедим мен, – ўтмиш гуноҳларингиз аллақачон ювилиб кетган. Энди уни бутунлай унутинг.

Розанна менинг суртугимнинг этагини кўлига олди. Мен ношудроқ бўлиб қариганман, еб-ичаётганимда кўпинча кийимимга тўкиб юбораман. Гоҳ бир аёл, гоҳида бошқа аёл кийимларимни тозалаб туради. Кеча кечкурун Розанна ҳар қанақа доғни йўқ қиладиган битга янги дори билан суртугимнинг этагидаги доғни кетказган эди. Ёғ кетди-ю, аммо ўрнида, барибир, хира доғ қолди. Жувон шу доғни кўрсатиб, бошини чайқади.

– Доғ кетган, – деди у, – лекин ўрни ҳамон кўриниб турипти, мистер Беттереж, ўрни кўриниб турипти!

Бирор одамнинг суртуги муносабати билан унга беҳосдан бирор гап айтиларкан, бунга даб-дурустан жавоб бериш анча қийин. Шу дақиқада жувоннинг ўзидаги алланечук нарса унга нисбатан жуда раҳмимни қўзғаб юборди. Гарчи унинг ўзи хушрўй бўлмаса-да, кўнғир кўзлари жуда чиройли эди. У менга алланечук теран бир эҳтиром билан тикилиб турарди. Гўё у менинг бахтимга ва обрўйимга ҳавас қилаётгандай, ўзи ҳеч қачон етиша олмайдиган бир нарсага қарагандай тикиларди. Буни кўриб, иккинчи хизматкоримизга нисбатан меҳрим ийиб кетди. Мен унга таскин беришга қурбим етмаслигини ҳис қилганим учун, уни тушликка етаклашдан бошқа иложим қолмади.

– Туришимга кўмаклашиб юборинг, – дедим мен. – Сиз тушликка кечикдингиз, Розанна. Мен сизни чақиргани келдим.

– Сиз-а, мистер Беттереж? – деди у.

– Сизни чақиргани Нансини юборишган эди, – деб давом этдим мен, – лекин мен сизга танбеҳ берсам, унча оғир олмассиз деб ўйладим.

Менга ўрнимдан туришга кўмаклашиш ўрнига шўрлик жувон астагина қўлимни қисди. У ўзини йиғлашдан тийишга уринди ва бунга эришди ҳам. Буни кўриб унга хурматим ошди.

– Сиз жуда меҳрибонсиз, мистер Беттереж, – деди у. – Мен бутун тушлик қилмоқчи эмасман. Ижозат берсангиз, шу ерда яна бир оз ўгирсам.

– Сиз нега бу ерда ўтиришни яхши кўрасиз? – деб сўрадим. – Бу ғуссали жойга доим келиб туришингизнинг боиси нима?

– Нимадир мени ўзига тортади, – деди жувон бармоқлари билан қумда нималарнидир чизар экан. – Мен бу ерга келмасликка ҳаракат қиламан, лекин қўлимдан келмайди. Баъзан, – деб илова қилди паст овозда гўё ўзи айтаётган гапдан чўчиб кетгандай, – баъзан, мистер Беттереж, шу ерда мени гўрим кутиб турганга ўхшайди.

Сизни қовурилган қўй гўшти билан ёғлиқ пудинг кутиб турипти, – дедим мен. – Қани, дарров овқатлангани кетдик. Оч қоринга фалсафазлик қилманг, шунақа нохуш гаплар мияга келади, Розанна.

Мен ўлим ҳақида гапирётган йигирма беш ёшли жувондан табиий равишда жаҳлим чиққани учун зарда билан гапирдим.

Гўё менинг гапларим унинг қулоғига кирмаётгандай эди. У қўлларини елкамга қўйди-да, мени ўз ёнидан жилдирмади.

– Бу жой мени сеҳрлаб олганга ўхшайди, – деди у. – Мен эрта-ю кеч шу жойни ўйлайман, қашга тикиб ўтирганимда ҳам кўз олдимдан кетмайди. Сиз

биласиз, мистер Беттереж, мен жуда миннатдорман, нима қилиб бўлса ҳам сизнинг хурматингизни ва миледининг ишончини қозонишга уришиб ётибман. Лекин мени баъзан-баъзан ташвишли ўйлар қийнайди: мендай аёл учун бошимдан кечган шунча мусибатлардан кейин ҳозирги турмуш ҳаддан зиёд тинч ва яхши эмасмикан? Мен бу ерда ўзимнинг бошқаларга ўхшамаган эканимни ўйлайман. Шундан хизматкорлар орасида ўзимни янада ёлғизроқ ҳис қиламан. Номусли, ҳалол одамларни кўрганда мендақа аёл ич-ичидан эзилиб кетади. Буни миледи ҳам билмайди, ахлоқ тузатиш уйининг бошлиғи ҳам билмайди. Мени койиманг, меҳрибон мистер Беттереж. Мен ўз вазифамни бажаряман, шундайми? Марҳамат қилиб, миледига менинг норозилигимни айтманг. Мен ҳамма нарсадан розиман. Фақат баъзи-базида кўнглим нотинч, холос.

У қўлини елкамдан олди-да, бирдан менга қумни кўрсатди:

— Қаранг! Қаранг! — деди у. — Ғалати эмасми? Кўрқинчли эмасми бу? Мен бунга йигирма мартача кўрдим, лекин ҳозиргиси мен учун янгидай туюлади. Гўё уни аввал ҳеч қачон кўрмаганман.

Мен жувон кўрсатган томонга қардим. Денгиз қайта бошлаган эди, даҳшатли қумлоқ билқиллай бошлади. Унинг кенг жигарранг сатҳи секин-аста кўтарилиди-да, кейин ҳаммаси титрай бошлади.

— Биласизми нимага ўхшайди бу? — деди Розанна яна елкамдан ушлаб олиб. — Худди бу қумлоқ остида юзлаб одамлар бўғилиб ётганга ўхшайди. Гўё улар юқорига чиқмоқчи бўлишадими-ю, бунинг ўрнига борган сари унинг даҳшатли қаърига чуқурроқ чўкишади. Битта тош ташланг, мистер Беттереж. Битта тош ташланг — қумлоқ уни қандай ютишини кўрасиз.

Гапнинг тутуриқсизлигини қаранг! Оч қорин нотинч кўнгилни нима қўйларга солмайди. Жавобим (жуда кескин бўлса-да, сизни ишонтириб айтаман, шўрлик жувоннинг фойдасига) шундоққина тилимнинг учида турганди, бирдан қумлоқ адирлар ортидан кимдир отимни айтиб чақириб қолди.

— Беттереж! — дерди кимдир. — Қаердасиз?

— Бу ердан! — деб жавоб бердим чақирган одамнинг кимлигига ақлим етмай.

Розанна сакраб ўрнидан турди-да, овоз келган томонга қаради. Мен ўзим ҳам ўрнимдан турмоққа кўзғолдим-у, жувоннинг юзидаги ногаҳоний ўзгаришни кўриб кўрқиб кетдим.

Унинг юзи бирданга қизариб кетди. Мен илгари ҳеч қачон унинг чеҳрасида бунақа чиройли қизилликни кўрмаган эдим: у гўё унсиз ва шодиена ҳайратдан бошдан-оёқ нурланиб кетгандай эди.

— Ким бу? — деб сўрадим мен.

Розанна менинг саволимни такрорлади.

— О! Ким бу? — деди у жуда паст овозда. Гўё у мен билан эмас, ўзи билан гапашаётгандай эди.

Мен ўгирилиб, ўша томонга қарай бошладим. Биз томонга адирлар орасидан ёш бир йигит яқинлашиб келмоқда эди. Унинг кўзлари порларди, устида жуда яхши кулранг костюм, қўлида қимматбаҳо қўлқоп, бошида бежирим шляпа, юзида табассум. Табассуми шу қадар ёқимли эдики, унга жавобан ҳатто Билқиллама қумлар ҳам табассум қилиши мумкин эди. Мен ўрнимдан туришга улгурмай, у менинг ёнимдаги қум устига сакраб тушди-да, ажнабийларнинг одатига амал қилиб, бўйнимга осилиб олди ва мени шу қадар қаттиқ кучоқладикки, жон-жоним чиқиб кетай деди.

— Азизим қария Беттереж! — деди у, — мен сиздан етти шиллинг у олти пенс қарздорман. Энди билпаңдирсиз менинг кимлигимни?

О, тангрим, биздан иноятингни аяма! Бу — биз кутганимиздан тўрт соат олдин келиб қолган мистер Фрэнклин Блэк эди.

Оғиз жуфтлаб, бир сўз айтишга улгурмасимдан кўрдимки, мистер Фрэнклин ҳайрон бўлиб Розаннага қараб турипти. Унинг нигоҳи йўналган томонга қараб, мен ҳам жувонга разм солдим у аввалгига қараганда яна ҳам қизариб кетганди. Билмадим, нигоҳи мистер Фрэнклиннинг нигоҳига тўқнаш келдими, ўгирилди-да, бирдан ғалати бир ҳаяжонга тушиб, ўзини йўқотиб қўйгандай, ёш жентльменга таъзим ҳам қилмай, менга бир оғиз бир нарса

демай биздан нари кетди. Мен буни тушунолмай қолдим — Розанна ўзига ўхшамас эди — одатда у ҳамиша хушмуомала эди, бундан одоблироқ оқсочни қидириб топиш маҳол эди.

— Жуда ғалати қиз экан-ку! — деди мистер Фрэнклин. — Қизиқ, менинг қайси жиҳатим уни шунчалик ажаблантирди экан?

— Менимча, сэр, — деб жавоб бердим мен ёш жентльменимизнинг ажнабий тарбиясидан жиндай мийигимда кулиб, — уни сизнинг ажнабий ҳашаматингиз ҳайрон қолдирган.

Мен бу ерда мистер Фрэнклиннинг бепарволик билан берган саволини ва унга мен қайтарган бемаъни жавобни келтирганимнинг сабаби бор. Бу билан мен жамики ақли қосир одамларга таскин бериб, рағбатлантирмоқчиман, чунки шуни пайқаганманки, маҳлуд одамлар ўзларидан кўра донороқ одамлар ўрни келганда улардан кўра тузукроқ иш тута олмасликларини билсалар бундан жуда хурсанд бўлиб кетадилар. На мистер Фрэнклин ҳайрон қоладиган даражада яхши ажнабий тарбия кўрганига қарамай, на мен кекса ёшимга, тажрибамга, табиатан қилган донолигимга қарамай, Розанна Спирман нега бунақа хижолатта тушганини англаёлмадик. Унинг кулранг плаши кумлоқ адирлар ортида кўздан ғойиб бўлиб улгурмай, биз бечора қиз ҳақида ўйламай қўйдик. Нима бўлипти — деб сўрасиз гоят табиий бир тарзда. Сабр-тоқат билан ўқишда давом этаверинг, биродари азиз. Бутун ҳақиқатни билганимдан кейин Розанна Спирманга жуда ҳам раҳмим келди. Эҳтимол, сиз ҳам шўрлик жувонга ана шундай раҳмдиллик билан муносабатда бўларсиз.

5 - б о б

Биз ўзимиз ёлғиз қолгандан кейин мен ҳар нарсадан аввал учинчи марта ўтирган жойимдан туришга уриниб кўрдим. Мистер Фрэнклин мени тўхтатди.

— Бу даҳшатли жойнинг битта афзаллиги бор, — деди у. — Биз ёлғизмиз. Ўрнингиздан турманг, Беттереж. Сизга айтадиган баъзи гапларим бор.

У гапирар экан, мен унга тикилиб, қаршимда турган эркак билан хотирамда қолган бир замонлардаги гўдак ўртасида ўхшашликлар топишга уриндим. Эркак мени чалғитиб қўйди. Мен ҳар қанча тикилиб қарамай, боланинг дўмбоқ юзларини топа олмадим. Мистер Фрэнклиннинг юзи рангсиз тус олипти, юзининг паст қисмини эса жингалак соқол билан кўнғирранг мўйлов қоплагти. Буни кўриб ҳаддан ташқари ажабландим ва анча кўнғлим қолди. У ўзини жуда эркин тутарди, буниси маъқул эди, уни жозибадор қиларди, лекин, барибир, муомалаларидаги аввалги самимиятга етмас эди. Яна ҳам ёмони шунда эдики, у баланд бўйли бўлишга ваъда бериб, ваъданинг устидан чиқмапти. У хипча, қалди-қомати келишган эди-ю, лекин бўйи ўрта бўйдан бир энлик ҳам ортиқ эмасди. Хуллас, ундан кутганларимнинг ҳеч қайсиси оқланмади. Йиллар унинг аввалги қиёфасидан ҳеч нарса қолдирмапти, фақат нурли, тик нигоҳигина қолипти. Худди шу нигоҳида мен ўша аввалги ёқимтой жўжиқни танидим ва шу билан тадқиқотларимни хотималадим.

— Туғишган жойларингизга хуш келибсиз, мистер Фрэнклин, — дедим мен. — Биз кутганимиздан бир неча соат олдинроқ келдингиз. Бундан бағоят мамнунмиз.

— Олдинроқ келганимнинг боиси бор, мистер Беттереж, — деб жавоб берди мистер Фрэнклин. — Назаримда, Беттереж, менинг орқамдан одам тушганга ўхшайди. Улар мени Лондонда уч кунми, тўрт кун кузатиб юришди. Шунинг учун мен сўнгги поезд билан эмас, эрталабкисада келдим. Чунки мен сўхтаси совуқ бир ажнабийнинг табиатидан қочиб қутулмоқчи бўлдим.

Бу сўзларни эшитиб, ҳаддан ташқари ажабландим. Учга кўзбойлогич ҳақидаги фикр ва Пенелопанинг уларнинг мистер Фрэнклин Блэкка бирон зиён-заҳмат етказиши мумкинлиги ҳақидаги тахмини миямдан чақмоқдек ярқ этиб ўтди.

— Сизнинг кетингиздан ким ва нима сабабдан тушган эди, сэр? — деб сўрадим.

— Бугун бизникига келган учга ҳинд ҳақида гапириб беринг, — деб давом этди мистер Фрэнклин саволимга эътибор бермай. — Балки, Беттереж, менинг ажнабий одамим билан учга кўзбойлоқчи бир-бирига қариндош чиқиб қолар.

– Кўзбойлоқчилар ҳақида қаердан билдингиз, сэр? – деб сўрадим саволга савол билан жавоб бериб.

Билиб турибман, бу қилганим одобдан бўлмади. Аммо сиз бир оддий одамдан ортиқча нарса талаб қилмайсиз-ку! Мендан ҳам талаб қилманг-да!..

– Мен Пенелопани кўрдим, – деб давом этди мистер Фрэнклин, – у менга айтиб берди. Қизингиз ёшлигидаёқ гўзал бўладиган чоғи бор эди, мистер Беттереж. Шундоқ бўлишти ҳам. Пенелопанинг қулоқлари жажжигина экан. Оёқлари ҳам кичкина. Марҳума миссис Беттереж ана шундай бебаҳо афзалликларга эга эди, шекилли.

– Марҳума миссис Беттережнинг қусурлари анча-мунча эди, сэр, – деб жавоб бердим мен. – Улардан бири – агар уни айтишга ижозат берсангиз, айтиш – шунда эдики, у ҳеч қачон ҳеч нарса билан жиддий шугулланмас эди. У аёлдан кўра кўпроқ пашшага ўхшарди – бирор нарсани устида қўним билмасди.

– Марҳума жуда ҳам менга мос келар экан-да, – деди мистер Фрэнклин. – Мен ҳам бирор нарса устида муқим тўхтаёлмайман. Беттереж, сиз аввалгига қараганда янада закийроқ бўлиб қолибсиз. Қизингиздан кўзбойлоқчилар ҳақида батафсилроқ суриштирганимда у сизни анча мақтади. “Отажоним ҳаммасини гапириб беради, сэр, у кексайиб қолганига қарамай, ажойиб одам, тили ҳам бағоят бурро”, – деди Пенелопа. Бу гапларни айтган экан, фаришгадек қизариб кетди. Сизга ҳурматим ҳар қанча катта бўлмасин, ўзимни тиёлмай... Ҳа, майли, бунинг аҳамияти йўқ. Мен қизингизни кичкиналик чоғидан бери биламан. Шу билан у менинг учун кўримсизроқ бўлиб қолгани йўқ. Қани, жиддий гапга ўтайлик. Кўзбойлоқчилар бу ерда нима қилишди?

Ростини айтсам, шу тобда қизимдан бироз ранжидим – йўқ, мистер Фрэнклиннинг ўпишига изн бергани учун эмас – мистер Фрэнклиннинг буна ҳадди сигади – ранжиганимнинг боиси шуки, қизим бу бемаъни воқеани такроран айтишимга мажбур қилди. Начора, илож йўқ, бўлган гапларнинг ҳаммасини бирма-бир қайтадан гапириб беришга тўғри келди. Мен гапирганим сари мистер Фрэнклиннинг кайфияти бузила берди. У қовоғини солиб, соқолини торқилаб ўтирарди. Мен тўхтаганимда, у бош кўзбойлоқчи болага берган иккита саволни такрорлади – афтидан, уларни хотирасида яхшироқ ўрнашиб қолишни истади, шекилли.

– “Бугун инглиз бошқа йўлдан эмас, шу йўлдан келадими?” “Анави нарса инглизнинг ёнидами?” Назаримда, – деди мистер Фрэнклин чўнтагидан кичкинагина сурғичланган пакет чиқариб, – анави нарса деганининг маъноси бундай бўлса керак. Анави, Беттереж, – амаким Гернкастлнинг машҳур олмоси бўлиши керак.

– Ё парвардигор, сэр! – деб хитоб қилдим мен. – Бу бетавфиқ полковникнинг олмоси қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолди?

– Бетавфиқ полковник васиятида бу олмосни жияним Рэчелнинг туғилган кунда унга совға қилишни ихтиёр этган эди, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Отам эса бетавфиқ полковникнинг васийси сифатида олмосни бу ерга олиб келишни менга топширди.

Билқиллама қумлар устида аста чайқалиб турган денгиз менинг кўз ўнгимда тўсатдан қуриб қолса, эҳтимол, бу ҳодиса мени мистер Фрэнклиннинг сўзларидан камроқ ажаблантирган бўларди.

– Полковник олмосни мисс Рэчелга васият қилганми? – деб хитоб қилдим мен. – Сизнинг отангиз, сэр, васийсими? Истаган нарсдан гаров ўйнашга тайёрман, мистер Фрэнклин, сизнинг отангиз полковникка қўлининг учини теккизишни ҳам истамас эди.

– Қаттиқ кетдингиз, Беттереж. Полковник ҳақида қандай ёмон гап айтиш мумкин? У менинг давримнинг эмас, сизнинг замонангизнинг одами. Унинг тўғрисида билганларингизни айтиб беринг, мен ҳам отам қандай қилиб полковникнинг васийси бўлиб қолганини айтиб бераман. Яна бир-иккита нарсани ҳам қўшиб айтаман. Мен Лондонда амаким Гернкастль билан унинг олмоси ҳақида баъзи бир гаплардан хабардор бўлдим. Назаримда, бу гаплар унча ҳам тузук гапларга ўхшамайди. Сиз бу гапларни тасдиқлайсизми – йўқми, мен шуни билишни истар эдим. Сиз ҳозир уни “бетавфиқ” деб атадингиз.

Хотирангизни бир титкилаб кўриб, айтинг-чи, кекса дўстим, нима сабабдан шундай дедингиз?

Унинг жиддий гапираётганини кўриб, мен жамики билган нарсамни айтиб бердим.

Бу ўринда фақат сизни хабардор қилиб қўйиш учун ҳикоямнинг мағзини айтиб бераман. Ҳушёрроқ бўлиб кулоқ солинг, акс ҳолда бу воқеанинг ичкарироғига кирганимизда бутунлай калаванинг учини йўқотиб қўйишингиз мумкин. Бола-чақа, тушлик-пушлик, янги шляпа-ю, яна шунга ўхшаган нарсаларни буткул ҳаёлингиздан чиқариб ташланг. Сиёсатни, отларни, Ситидаги биржа ишларини, клубингиздаги кўнгилсизликларни унутинг. Умид қиламанки, менинг дадиллигимдан жаҳлингиз чиқмаса керак – буларни ёзишимдан мақсад – сизнинг диққатингизни кўзга, холос, муҳтарам ўқувчим. О, тангрим! Ахир мен сизнинг қўлларингизда улуг-улуг муаллифларнинг китобларини кўрмаганманми? Ахир, ўша китоблар сиздан эътиборингизни жам қилишни талаб қилганда, жуда осонлик билан бошқа нарсаларга чалғиб кетмаганмисиз?

Мен юқорида миледининг отасини тилга олгандим. Унинг жаҳли тез, тили заҳар эди. Унинг бор-йўғи бешта фарзанди бор эди. У аввал иккита ўғил кўрди. Кейин анча вақт ўтгандан сўнг хотини яна ҳомиладор бўлди ва бирин-кетин учта қизалоқ туғиб берди. Менинг бекам, юқорида зикр этилганидек, уччала қизнинг орасида энг яхшиси ва кенжаси эди. Икки ўғилдан катта – Артурга отасининг унвони ва мулки меросга тегди. Иккинчи ўғил Жонга эса қариндошларидан бири томонидан қолдирилган каттагина бойлик тегди. Кейин у ҳарбий хизматга кириб кетди.

Ўз уясини булғатадиган куш ёмон куш бўлади. Мен олижаноб Гернкастлар оиласини ўзимнинг уям деб биламан, шунинг учун менга зоти пок Жон ҳақидаги тафсилотларни гапирмай қўяқолишга изн берилса, айни муддао бўлар эди. Мен юрак-юракдан аминманки, бу одам дунёда шу пайтгача ўтган жамики ярамаслар ичида энг аблаҳларидан бири. У хизматини гвардия полкидан бошлаган эди. У бу хизматидан йигирма икки ёшга тўлмасданоқ кетишга мажбур бўлган эди – бунинг сабабини айтмай қўяқолай. Армияда интизомнинг қаттиқлигига зоти пок Жон дош беролмади. Кейин у Ҳиндистонга равона бўлди – армия тартиблари у ерда ҳам қаттиқми-йўқми эканини билиб, жангу жадал ишларида ҳам қатнашмоқчи бўлди. Жонкуярлик масаласига келганда, адолат юзасидан айтиш керакки, унда бульдогнинг шиддати, жангари хўрознинг урушқоқлиги, ёввойи одамнинг довюраклиги қўшилиб кетганди. Гернкастль Серингапатамни забт этишда ишгирок қилган. Шундан кейин орадан кўп ўтмай, у бошқа полкка ўтиб кетган, кейинчалик эса учинчи полкка ўтган. Шу ерда унга полковник унвонини беришади. Кейин уни офтоб уради-ю, у Англияга қайтади.

У шунақа ном орттириб келадики, биронта қариндоши уни уйига йўлатмайди. Яқиндагина турмушга чиққан миледи эрининг розилиги билан “акам ҳеч қачон меникига қалам изи қилмайди” деб эълон қилади. Полковник ўз обрўйини тўкиб қўйгани учун одамлар ундан ўзларини олиб қочишди. Лекин мен бу ерда унинг шаънига тушган битта доғ ҳақидагина эслатиб ўтмоғим керак. – Бу – олмос билан боғлиқ.

Миш-мишларга қараганда, у ўзининг довюраклигига қарамасдан, ҳинд жавоҳирини қандай қилиб қўлга киритганини биронта одамга айтмаган экан. У ҳеч қачон олмосни сотишга уриниб кўрган эмас. Унинг пулга муҳтожлиги йўқ эди. Яна адолат юзасидан айтиш керакки, у пулга сира ўч бўлган эмас. У олмосни ҳеч кимга совға қилган эмас. Ҳатто биронта тирик жонга кўрсатган ҳам эмас. Баъзиларнинг гапига қараганда, у бундай қилса бошлиқлардан гап эшитишдан чўчиган бўлиши мумкин. Бу одамнинг табиатини билган бошқа бировлар айтишадики, у олмосни кўрсатса, ҳаётидан ажраб қолишдан кўрққан.

Сўнги миш-мишларда ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин. Уни кўрқоқ деб аташ инсофдан эмас, лекин шуниси ҳам борки, унинг ҳаёти Ҳиндистонда икки марта хавф остида қолган. Ҳамма қатъий амин бўлганки, бунинг сабаби Ойтош бўлган. Полковник Англияга қайтиб келгач, ҳамма ундан ўзини олиб қоча бошлаганини ҳам яна Ойтошдан кўришди. Полковник ҳаётидаги сирли

томонлар унга ҳар жиҳатдан ҳалақит бериб, ватандошларидан ажраб қолишига олиб келди. Эркаклар уни ўз клубларига йўлатишмасди, у уйланмоқчи бўлиб, оғиз солган аёллар эса (улар камчилик эмас эди) унга рад жавобини беришарди. Дўстлар ва қариндошлар бирдан кўчада унга рўпара келиб қолишганда ўзларини кўрмасликка солиб ўтиб кетишарди.

Бунақа қийин вазиятга тушиб қолган бошқа одамлар зодагонлар назарида ўзини оқлашга уриниб кўрарди. Аммо сэр Жоннинг одатида ён бериш деган нарса йўқ эди. У ҳатто бутунлай ноҳақ бўлганда ҳам ва зодагонлар дунёси унга қарши бош кўтарган тақдирда ҳам у ён беришни хаёлига келтирмасди. У Ҳиндистонда олмосни ёнида олиб юрган, бу билан ўлдириб кетишларидан кўрқмаслигини намойиш этмоқчи бўлган. Англияда ҳам олмосни ёнидан кўймай олиб юраверган ва бу билан жамоатчиликнинг фикрини сариқ чақага олмаслигини кўрсатган. Бу одамнинг суврати ана шунақа — табиатан ҳеч ким билан чиқишмайди, ўта ўжар, ўз билганидан қолмайди, юзи жозибадор бўлса ҳам аллақандай иблисона ифодаси бор.

Вақти-вақти билан унинг тўғрисидаги ҳар хил миш-мишлар қулоғимизга чалиниб турарди. Айтишларича, у қора дори истеъмол қила бошлаган экан, эски китобларни йиғар эмиш, аллақандай ажабтовур кимёвий тажрибалар ўтказармиш, Лондоннинг энг пастқам гўшаларида ҳар хил қаланғи-қасанғилар билан ичишиб, кайф-сафо қилармиш. Ҳар нима бўлганда ҳам, полковник сирли ҳаёт кечирар, бузуқлик билан яшарди. У Англияга қайтгандан кейин бир марта, ҳа, фақат бир марта у билан юзма-юз учрашиб қолгандим.

Ҳозир мен сизга ҳикоя қилаётган воқеалардан икки йилча аввал ва полковникнинг вафотидан бир ярим йилча муқаддам у кутилмаганда Лондонда миледининг ҳузурига келди. Уша куни мисс Рэчелнинг туғилган куни — йиғирма биринчи июль эди. Шу воқеа муносабати билан, одатда, меҳмонлар келарди. Хизматкор олдимга келиб, аллақандай жаноб мени кўрмоқчи эканини айтди.

Даҳлизга чиқиб, мен полковникни учратдим. Озиб кетипти, анча ҳориган, кийими бир аҳволда. Аммо аввалгидай ўжар ва бетгачошар.

— Синглимнинг ҳузурига боринг-да, — деди у, — мен жиянимни муборакбод қилгани келганимни, унга шу бутунги кунни беҳисоб марта бахтиёр кутиб олишини тиламоқчи эканимни айтинг.

У шу пайтгача бир неча марта хат орқали миледи билан ярашмоққа уриниб кўрганди. Қатъий аминманки, бундан кўзлаган мақсади — миледига кўнгилсизликлар келтириш эди, холос. Аммо уйимизга ҳозир биринчи бор келиши эди. Бир кўнглим, ҳозир миледининг меҳмонлари бор дегим келди унга. Аммо унинг юзидаги иблисона ифодадан кўрқдим. Мен унинг тошпиригини бажаргани йўл олдим ва унинг ихтиёрига кўра полковникни даҳлизда жавобни кутишга қолдирдим. Хизматкорлар нари-наридан унга кўзларини бақрайтириб қараб туришарди — гўё у ичига порох билан ўқ тўлдириладиган, кунпаякун қиладиган машина-ю, истаган дақиқада портлаб кетиши мумкиндай.

Миледи ҳам кўп эмас, жиндай қизиққон аёл.

— Айтинг полковник Гернкастлга, — деди у менга акасининг илтимосини етказишим билан, — мисс Вериндер банд денг. Мен уни кўришни истамайман.

Полковник, одатда, жентльменлар ўртасида бўладиган расмийроқ муомалани умуман ёқтирмайди. Шундан хабардор бўлганим учун миледини мулоимроқ жавоб беришга кўндирмоқчи бўлдим. Мутлақо фойдаси бўлмади. Аксинча, миледининг жаҳли менга йўналди.

— Менга маслаҳатингиз керак бўлганда, — деди миледи, — биласиз, мен ўзим сўрайман. Ҳозир сиздан ҳеч нарса сўраётганим йўқ.

Мен шу тошпириқ билан пастга йўл олдим, аммо миледининг гапини бироз ўзгартириб, юмшатиброқ айтишга журъат этдим.

— Миледи билан мисс Рэчель банд эканликларини таассуф билан маълум қиладилар, полковник, — дедим мен. — Улар сизни кўриш шарафига ноил бўлмасликлари учун узр сўрайдилар.

Мен миледининг гапини ана шундай юмшатиб айтганимга қарамай, полковникнинг фифони фалакка чиқиб кетса керак деб ўйлаган эдим. Лекин

таажжубки, бунақа бўлмади; полковникнинг бу гапни ҳаддан ташқари хотиржам эшитганини кўриб кўрқиб кетдим. Унинг порлаб турган сур кўзлари бир дақиқа менга тикилиб турди, кейин у кулиб юборди, лекин бошқаларга ўхшаб қаҳ-қаҳ уриб эмас, ичида, секин овозда, газаб билан кулди.

– Миннатдорман сиздан, Беттереж, – деди у, – мен жиянимнинг туғилган кунини сира унутмайман.

Шу сўзларни айтиб, орқасига ўтирилди-да, уйдан чиқиб кетди.

Бир йилдан кейин яна мисс Рэчелнинг туғилган куни бўлганида биз полковникнинг хаста эканини, тўшақда ётганини эшитдик. Ярим йил ўтгач, яъни мен ҳозир ҳикоя қилаётган воқеалардан ярим йил аввал, – миледи битга муҳтарам пастордан мактуб олди. Мактубда иккита галати оилавий янгилик ҳақида хабар қилинган эди. Биринчидан, полковник ўлим тўшагида синглизининг ҳамма гуноҳларидан ўтипти; иккинчидан, у қолганларнинг ҳам ҳаммасидан рози бўлиб, жуда хотиржам кўз юмипти. Мен ўзим епископ ва пасторларга қарамай, черковни чин юракдан ҳурмат қиламан, лекин аминманки, зоти пок Жон доимий тарзда шайтоннинг васвасасида бўлган. Бу разил одамнинг ўз ҳаётидаги энг сўнгги разил қилғилиғи шу бўлганки, у руҳонийни ҳам алдаган.

Мистер Фрэнклинга гапириб берган гапларимнинг мазмуни шунақа. Шунини сездимки, ҳикоя давомида у борган сари зўрроқ эътибор билан унга қулоқ сола борди ва жиянининг туғилган кунини полковникни қабул қилмагани ҳақидаги гап, афтидан, мистер Фрэнклинни мўлжалла теккан ўқдек қарахт қилиб қўйди. Гарчи у буни тан олмаган бўлса-да, бу хабар уни анча безовта қилиб қўйгани юзидан шундоққина кўришиб турарди.

– Сиз билан нарсангизнинг ҳаммасини айтдингизми, мистер Беттереж, – деди у. – Энди менинг навбатим. Аммо Лондонда мен нималарни кашф қилганим ҳақида ва олмос билан боғлиқ бу ишга қанақа қилиб аралашиб қолганим тўғрисида гапириб беришдан аввал, бир нарсани билиб олмоқчиман. Юзингиздан кўриб турибман, муҳтарам дўстим, бизнинг келганимиздан мақсад нима эканини сиз унчалик тушунмаётганга ўхшайсиз. Ё менинг гапим нотўғрими?

– Йўқ, сэр, – деб жавоб бердим мен, – мен чиндан ҳам буни тузукроқ тушунганим йўқ.

– Ундай бўладиган бўлса, – деди мистер Фрэнклин, – бирга мулоҳазаларимизни давом эттиришдан аввал, мен сизни ўз нуқтаи назаримга ишонтиришга уриниб кўраман. Холаваччам Рэчелнинг туғилган кунига полковник қилган совға учта жуда жиддий масала билан боғлиқ. Менинг гапларимни диққат билан эшитинг, Беттереж. Агар бу сизга ёрдам берса, бармоқларингизни букиб, санаб боринг, – деди мистер Фрэнклин ўзининг узоқни кўраолишини намоён этганига мамнун бўлиб. Унинг бу қилиғи менга мистер Фрэнклиннинг болалик чоеларини эслатди. – Биринчи савол: полковникнинг олмоси Ҳиндистонда бирор суиқасднинг боиси бўлганми? Иккинчи савол: бу суиқасд полковникнинг олмоси кетидан Англияга келганми? Учинчи савол: суиқасд олмос кетидан эргашиб келганини полковник билганми ва билган бўлса, уни қасддан мерос тарзида қолдириб, синглизининг бошига бегуноҳ қиз орқали кўнгилсизликлар ёғдирмоқчи, хавф-хатар солмоқчи бўлганми? Мен ана шуни билмоқчиман, Беттереж. Кўрқманг.

Унга “кўрқманг” деб мени огоҳлантириш осон. Мен бўлсам, аллақачон бўларим бўлган.

Агар у ҳақ бўлса, бизнинг хотиржам хонадонимизга тўсатдан машбум ҳинд олмоси кириб келади-ю, унинг кетидан мурданинг интиқоми томонидан устимизга йўлланган тирик муттаҳамларнинг суиқасди бостириб келади. Мистер Фрэнклиннинг охириги сўзларидан кўз ўнгимизда хонадонимизнинг аҳволи ана шундай намоён бўлди. Ахир, ўн тўққизинчи асрда, – эътибор беринг-а – тараққиёт асида, Британия конституцияси берган имтиёзлардан фойдаланиб яшовчи бир мамлакатда шунақа нарсаларнинг бўлиши мумкинми? Ҳеч ким ҳеч қачон бунақа нарсани эшитган ҳам эмас, бинобарин, ҳеч ким бунга ишоналмайди. Шунга қарамадан, ҳикоямни давом эттираман.

Бирдан сиз ҳам мен кўрққанчалик кўрқиб кетсангиз, бу кўрқув муқаррар

тарзда сизнинг ошқозонингизга таъсир этади ва диққатингиз чалғийди-да, ўтирган жойингизда типирчилай бошлайсиз. Мен кумлоқда ўтирган жойимда типирчилай бошладим. Мистер Фрэнклин менинг безовга бўлаётган ошқозоним билан қандай ҳарб олишга танимни кўриб, ҳикоясини энди бошламоқчи бўлиб турган жойида бирдан тўхтатди-да, мендан жаҳл билан сўради:

– Нима бўлди сизга?

Нима бўлди менга? Нима бўлганини унга айтганим йўқ, лекин махфий тарзда сизга айтаман. Мен трубкални тутатиб, “Робинзон Крузо”ни ўқигим келиб кетди.

6 - б о б

Мен туйғуларимни ошкор қилмай, мистер Фрэнклиндан эҳтиром билан ҳикоясини давом эттиришни сўрадим. Мистер Фрэнклин “Типирчиламанг, Беттерез”, деди-да, давом этди.

Бизнинг навқирон жентльменимизнинг биринчи жумлалариданоқ менга аён бўлдики, у бетавфиқ полковникка ва олмога алоқадор кашфиётларини бизникига келмасдан аввал Хэльпстедда отасининг адвокатининг ҳузурига борганда қилган. Мистер Фрэнклин тушликдан кейин адвокат билан ўтиришганда отаси мисс Рэчелнинг туғилган кунига совға олиб боришни унга топширганини беҳосдан айтиб қўйди. Гап гапга уланиб, суҳбат шу билан тамом бўладики, адвокат мистер Фрэнклинга олиб борадиган совғаси нима эканини ошкор қилади ва марҳум полковник билан Фрэнклиннинг отаси мистер Блэк ўртасидаги дўстона алоқалар қандай вужудга келганини гапириб беради. Уларни бир-бирига яқинлаштирган вазият шу қадар ғалати, мен уларни ўз тилида баён қилиб бераоламанми-йўқми, билмайман. Шунинг учун мистер Фрэнклиннинг кашфиётини унинг ўз сўзлари билан айтиб берганим маъқул.

– Эсингизда бўлса керак, Беттерез, – деди у, – отам бир вақтлар герцоглик унвонига ҳаққи борлигини исбот қилмоқчи бўлиб кўп даъволашган эди. Худди ўша пайтларда Ҳиндистондан амаким Гернкастль қайтиб келди. Унинг кўлида алақандай ҳужжатлари бор экан. Бу ҳужжатлар отамнинг ишига фойдаси тегиши мумкин экан. Отам бундан хабар топиб қолипти. Полковникнинг Англияга қайтиши муносабати билан табриклаш баҳонасида унинг ҳузурига боришти. Аммо бу йўл билан полковникни лақиллатиш осон эмас эди. “Сизга мендан нимадир керак, – депти у. – Бўлмаса, меникига келиб, обрўйингизга пулур етиши мумкинлигига йўл қўймас Эдингиз”. Отам тушунипти – ҳаммасини очик айтишдан бошқа илож йўқ. Шу лаҳзадаёқ у ҳужжатлар кераклигини эътироф этипти. Полковник ўйлаб кўриш учун бир кун муҳлат сўрапти. Унинг жавоби бағоят ғалати бир мактуб шаклида келипти. Адвокат ошнам бўлгани учун бу мактубни менга кўрсатди. Полковник гапни шундан бошлаптики, унинг ўзи отамга муҳтож экан. Шунинг учун дўстона тарзда хизматга хизмат бўлсин деб таклиф қилипти. Уруш тасодифлари (бу унинг ўз калимаси) уни дунёдаги энг катта олмослардан бирининг эгасига айлантирган. Эндиликда на унинг ўзи, на унинг қимматбаҳо олмоси – агар у олмосни ўз ихтиёрида қолдирадиган бўлса – биронта уйда, дунёнинг бирон гўшасида хавф-хатардан холи бўлолмайди. Бундай қалтис вазиятда у олмосни сақлаш учун бошқа одамга беришга аҳд қилипти. Бу одам шахсан ҳеч қандай хавф-хатарга дуч келмайди. У қимматбаҳо тошни сақлаш учун истаган жойга топшириши мумкин – масалан, қимматбаҳо тошларни сақлаш учун махсус жойлари бор заргарга ёки банкирга берса бўлади. Бу ишда унинг шахсий масъулияти пассив характерда бўлади. Унинг ўзи ёки биронта ишончли одами орқали аввалдан келишиб қўйилган адрес бўйича, аввалдан келишиб қўйилган кунда ҳар йили полковникдан ҳали унинг ҳаёт эканини маълум қилувчи мактуб олади. Келишилган кун мактуб келмай қолса, полковникнинг сукути унинг ўлдирилганини билдирувчи аниқ белги бўлади. Фақат шу ҳолда, бошқа ҳолда эмас, олмосни нима қилиш ҳақидаги қўлланмани очиб керак ва унда айтилганларни сўзсиз бажариш керак. Бу қўлланма олмос билан бирга муҳрланган ҳолда сақланади. Агар менинг отам ана шу ғалати топшириқни зиммасига олишга кўнса, полковникнинг қоғозлари унинг ихтиёрига берилади. Мактубда ана шу гап бор экан.

– Хўш, отангиз нима қилди, сэр? – деб сўрадим мен.

– Нима қилди дейсизми? – такрорлади мистер Фрэнклин. – Нима қилганини айтаман, албатта. У полковникнинг мактубига муносабатда соғлом ақл деб аталмиш ноёб қобилиятини намоёниш этди. У бу гапларнинг ҳаммаси бошдан-оёқ бўлмағур гаплар деб эълон қилди. Ҳиндистон бўйлаб саргардон юрганларида полковник биронта арзимас шишани қўлга туширган бўлса керагу, уни олмос деб ўйлаб юргандир. Қатл қилиниш хавфига ва унинг ҳаёти билан бу шишани муҳофаза этиш учун чора-тадбирлар кўриш масаласига келганда, ҳозир ўн тўққизинчи аср эканини унутмаслик керак. Ҳар бир эси бутун одам бунақа ҳолларда полицияга мурожаат қилиши керак. Полковникнинг анча йиллардан бери қорадори истеъмоат қилиши маълум эди. Агар борди-ю, қимматли ҳужжатларни қўлга киритишнинг бирдан-бир чораси қора дори ейдиган одамнинг алжирашини чиндан қабул қилиш бўлса, отам бундай кулгили мажбуриятни зиммасига олишга тайёр эди. Бу иш унга ҳеч қандай ташвиш орттирмайдиган бўлса, нур устига аёло нур. Олмос билан муҳрланган қўлланма банкирнинг ихтиёрига топширилди, полковникнинг ҳаётлигини билдириб, вақти-вақти билан келиб турган мактубларни эса оиламизнинг адвокати, отамнинг ишонган одами мистер Брефф олиб, очиб ўқиб турди. Биронта ҳам оқил одам бундай аҳволда бу ишга ўзгача қараши мумкин эмас эди. Бизга, Беттереж, фақат ўзимизнинг турмуш тажрибамизга мос келадиган нарсаларгина воқе бўлиши мумкиндай кўринади ва биз романни газетда ўқиб чиққанимиздан кейингина унга ишонамиз.

Менга аён бўлдики, мистер Фрэнклиннинг ўзи отасининг полковник ҳақидаги фикрини хом ва хато деб ҳисоблайди.

– Бу масала ҳақида сизнинг фикрингиз қанақа, сэр? – деб сўрадим мен.

– Аввал полковник воқеасини гапириб тутагай, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Инглизча ақл учун мунтазамликнинг йўқлиги характерлидир. Сизнинг саволингиз ҳам, азиз дўстим, шунга мисол бўлади. Биз машина ишлаб чиқаришдан тўхтайдиган бўлсак, ақлий жиҳатдан бутун дунёдаги энг ислиқи халқ бўлаемиз.

“Ана, чет эл тарбиясининг оқибати! – деб ўйладим мен. – Афтидан, ўз миллатини майна қилишни Францияда ўрганган бўлса керак”.

Бу орада мистер Фрэнклин ҳикоянинг узилиб қолган жойидан давом эттирди:

– Отам ўзига тегишли қоғозларни олипти ва ўшандан кейин қайнисини бошқа кўрмапти. Ҳар йили аввалдан келишиб қўйилган куни аввалдан келишиб қўйилган мактуб полковникдан келиб турган ва уни адвокат Брэфф очиб ўқиб турган. Мен бу мактубларнинг бир уюмини кўрганман. Уларнинг ҳаммаси биргина қисқа иборадан ташкил топганди: “Сэр, бу мактуб сизни менинг ҳамон ҳаётлигимга ишонтирмоғи керак. Олмос аввалги жойида тураверсин. Жон Гернкастль”. Унинг мактуби бор-йўғи шу жумлалардан иборат эди. Улар белгиланган куни қанда бўлмай келиб турарди. Аммо олти ойми, саккиз ойми аввал мактубларнинг шакли биринчи марта ўзгарди. Энди уларда бундай дейиларди: “Сэр, кунинг битган дейишяпти. Менинг олдимга келсангиз, васият ёзишимга ёрдам берсангиз”. Адвокат Брэфф унинг олдида жўнаб кетди. Полковник шаҳар ёнидаги кичкинагина уйда истиқомат қиларкан. Уйнинг ёнида жиндай майдони ҳам бор экан. Полковник Ҳиндистондан келганидан бери шу ерда ёлғиз яшар экан. У ёлғизлигини билинтирмаслик учун кучук, мушук ва қушлар сақлар экан, аммо унинг ёнида биронта ҳам инсон зоти бўлмаган, фақат хўжалик ишларини юритадиган хизматкор аёлу доктор келиб турган, холос. Унинг васияти жуда ҳам содда экан. Полковник бойлигининг кўп қисмини тажрибаларга сарфлаб бўлипти. Унинг васияти уч моддадан иборат эди. Буни у тўшақда ётган ҳолда, эси-ҳуши бутунлигида айтиб турипти. Биринчи моддада уйдаги жониворларининг қарови ва боқуви масаласи айтилган. Иккинчи моддада Шимолий университетлардан бирида экспериментал ҳимоя кафедрасини очиб ҳақида гапирилади. Учинчи моддада эса полковник Ойтошни жиянининг туғилган кунига совға сифатида васият қилган. Бунга отамнинг васий бўлиши кераклигини шарт қилиб қўйган. Отам кўнмасликка ҳаракат қилган. Аммо биров ўйлаб кўриб, рози бўлган: қисман,

васийлик унга ҳеч қандай ташвиш келтирмайди деб ўйлаган; қисман эса адвокатнинг Рэчелнинг манфаатларини ўйлаб, олмос ҳар қалай бирон қимматга эга бўлиши мумкин деган гумони сабаб бўлган.

– Полковник олмосни нима сабабдан мисс Рэчелга васият қилганини айтгани йўқми? – деб сўрадим мен.

– У буни айтишдан ташқари, васиятига ёздириб ҳам қўйди, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Мен ундан кўчирма ҳам олганман. Ҳозир сизга кўрсатаман. Шоппанг, Беттереж. Ҳамма нарса ўз навбати билан бўлмоғи керак. Сиз полковникнинг васиятини эшитдингиз. Энди полковникнинг вафотидан кейин нималар рўй берганини эшитишингиз керак. Расмият юзасидан васиятни кўрсатишдан аввал олмоснинг баҳосини аниқламоқ даркор эди. Шу мақсадда қайси бир заргарга мурожаат қилмайлик, уларнинг ҳаммаси бу олмос дунёдаги энг катта олмос экани ҳақидаги полковникнинг тапини тасдиқлади. Олмоснинг баҳосини аниқ белгилаш анча мушкул иш чиқиб қолди. Унинг катталиги олмослар ичида уни энг олдинги қаторга қўяди, ранги туфайли олмос яна бир фавқулодда фазилат касб этди. Бу хислатлар ёнига яна бир хусусият қўшилди – унинг нуқсони – ўртасида бир доғ бор экан. Ҳатто шу нуқсони билан ҳам олмоснинг энг паст баҳоси йигирма минг фунтга тенг келаркан. Отамнинг нақадар лол қолганини тасаввур қилинг – у васийликдан кечишига сал қолди. Ана шу ажойиб жавоҳир оиламиз ихтиёридан чиқиб кетишига сал қолди-я! Бу ишга қизиқиб қолгандан кейин отам олмос билан бирга сақланаётган қўлланмани муҳрини бузиб очишга журъат қилади. Адвокат бошқа қоғозлар билан бирга менга бу қўлланмани ҳам кўрсатди. Менимча, улар полковникнинг ҳаётига таҳдид солган суиқасднинг илдизларини англашга ёрдам беради.

– Демак, сэр, сиз шу суиқасд бўлган деб ўйлайсизми? – деб сўрадим мен.

– Мен отамдай жуда ўткир “соғлом фикр” эгаси эмасман, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Шунинг учун ўйлайманки, полковникнинг ҳаёти, ўзи айтганидек, чиндан ҳам хавф остида бўлган. Муҳрланган қўлланма унинг ҳар қалай ўз тўшагида нечук хотиржам вафот этганини тушунтириб беради. Мабодо уни биров ўлдирадиган бўлса (яъни белгиланган куни ундан келишилган мактуб келмай қолса), менинг отам Ойтошни хуфиёна тарзда Амстердамга юбориб, машҳур тошқарга бериши керак эди. У олмосни тўрт-беш бўлакка қирқмоғи даркор эди. Қирқилган топшларни исталган баҳода сотиб, тушган пулни экспериментал химия кафедрасини очишга харжлаш лозим эди. Полковник бу кафедрани васиятида эслатиб ўтганди. Энди, Беттереж, топқир ақлингизни бир ишлатинг-да, полковникнинг кўрсатмаси қанақа хулосаларга олиб келишини ўйлаб кўринг.

Мен шу заҳотиёқ зўр бериб ўйлай бошладим. Аммо, инглиз эмасманми, миям кургур жуда секин ишлайдиган миялардан. Мистер Фрэнклин нимага эътибор беришни кўрсатиб бергунча, анча нарсани аралаштириб ҳам юбордим.

– Эътибор беринг, – деди мистер Фрэнклин, – бриллиантнинг қиммати жуда усталик билан полковникнинг ҳаётига боғлаб қўйилган эди. У ўзи хавфсираб юрган душманларига: “Майли, мени ўлдириг, лекин сиз ҳозиргидан кўра олмосга яқинроқ бўлолмайсиз. Олмос банкирнинг омборида сақланишга – унга қўлингиз етмайди!” – дейиш билан қаноат ҳосил қилгани йўқ. Бунинг ўрнига у: “Майли, мени ўлдириг – олмос олмослигини йўқотади, у майда топшларга айланади”, деди. Бунинг маъноси нима?

Шу тобда, кўнглимни лоп этиб ажнабийларга хос бўлган тарзда ажиб бир кароматли гап нурлантириб юборди.

– Биладан, – дедим мен. – Бунинг маъноси шуки, олмоснинг қиммати тушиб кетади ва унинг кетидан қувиб юрганлар аҳмоқ бўлиб қолади.

– Сира ҳам ундай эмас! – деди мистер Фрэнклин. – Мен буни суриштириб кўрганман. Доғлик олмос парчаланса, бутунига қараганда қимматроқ бўлар экан. Чунки тўртга ёки олпига ажойиб бриллиант битта катта, лекин доғлик олмосдан қимматроқ бўларкан. Агар суиқасднинг мақсади даромад учун қилинадиган олдий ўғирлик бўлганида полковникнинг қўлланмаси олмосни ўғрилар учун янада жозибалдорроқ қилар эди. Унинг учун кўпроқ пул олиш

мумкин бўларди. Агар олмос Амстердам усталарининг қўлидан ўтганида уни сотиш анча қулай бўлиб қоларди.

– Ё тавбангдан кетай, сэр! – деб хитоб қилдим. – Унда суиқасднинг том мақсади нима экан?

– Олмоснинг аввалги эгалари бўлмиш ҳиндлар томонидан уюштирилган суиқасд, – деди мистер Фрэнклин, – аллақандай қадимий ҳинду хурофотига асосланган. Менинг фикрим шунақа. Бу фикримни оилавий архивимиздан олинган бир ҳужжат ҳам тасдиқлайди. У ҳужжат ҳозир менинг ёнимда.

Мен энди тушундим – шу сабабдан уйимиз ёнида учта ҳинд кўзбойлоқчининг пайдо бўлгани мистер Фрэнклинга гоётда шубҳали кўринган экан-да...

– Мен ўз фикримни сизга мажбуран сингдирмоқчи эмасман, – деб давом этди Фрэнклин, – лекин қадимий ҳинд хурофотларига хизмат қилувчи махсус одамларнинг ҳар қандай хавфу хатар ва мушкулотларга қарамай, ўз ҳаётини бугундай муқаддас миллий жавоҳирни қайтариш вазифасига бағишлаши ва бунинг учун қулай келадиган биринчи фурсатни кутиб юриши ҳақидаги фикр, менимча, шарқ халқларининг бизга маълум сабр-бардошига ва шарқ динларининг таъсирига мос келади. Мен жонли ҳаётот эгасиман – қассоб, новвой ва солиқ йиғадиган инспектор менга бу дунёнинг ягона одамлари бўлиб кўринмайди. Майли, менинг тахминимни қандай баҳолашса, баҳолайверишсин, энди бизга тааллуқли ягона амалий масалага ўтайлик. Ойтош атрофидаги суиқасд полковникнинг ўлимидан кейин ҳам давом этаверадими? Полковник жиянининг туғилган кунига олмосни совға қилиб қолдирганида буни билганми, йўқми?

Мен энди англай бошладим – бу иш ҳаммадан ҳам кўра миледи билан мисс Рэчелга алоқадор бўлиб чиқяпти. Энди мистер Фрэнклиннинг оғзидан чиққан биронта ҳам сўзни эътибордан қолдирмай тинглай бошладим.

– Ойтошнинг тарихидан хабардор бўлганимдан кейин, – деб давом этди у, – мен уни бу ерга олиб келишни унча истамай қолдим. Аммо мистер Брэфф менга ахир биронта одам амакимдан қолган меросни мисс Рэчелга етказиши керак-ку, бу ишни ҳаммадан кўра ўзингиз яхши эплайсиз, деди. Мен олмосни банкдан олганимда, аллақандай қорамангиз жулдурвоқи одам кўчада мени таъқиб қилгандай туюлди. Мен буюмларимни олгани отамнинг олдига бордим. У ерда менга мактуб бор экан. Шу мактуб кутилмаганда мени Лондонда ушлаб қолди. Мен ёнимда олмос билан банкка қайтиб келиб, яна ўша жулдурвоқи одамга рўпара келдим. Бугун эрталаб банкдан олмосни олар эканман, бу одамга учинчи марта тўқнаш келдим, у менинг изимни олиб улурмай, бир амаллаб кўзини шамғалат қилиб, ғойиб бўлдим-да, тушдан кейинги поезд билан эмас, эрталабкисиди йўлга чиқдим. Мана, мен олмос билан бу ерга етиб келдим – иккаламиз ҳам эсон-омонмиз. Хўш, бу ерга келиб эшитган биринчи янгилгим нима бўлди? Шунга эшитдимки, бу ерга сайёр ҳинд кўзбойлоқчи келиб кетишти. Ўзларини холи деб ҳисоблаганларида менинг Лондондан келишим ҳақида ҳам, ёнимда нима билан келишим тўғрисида ҳам баралла гаплашишти. Улар қандай қилиб боланинг кафтига сиёҳ қуйишгани-ю, унга олисда бир одамни кўришни буюрганлари ҳақида гапириб, вақтни кетказиб ўтирмайман. Бу нарсани мен Шарқда кўп кўрганман. Бу менинг фикримча ҳам, сизнинг фикрингизча ҳам кўзбойлоқчидан бошқа нарса эмас. Энди биз ҳал қилишимиз керак бўлган масала шуки, мен оддий бир тасодифга ортиқча баҳо бериб хатога йўл қўймаётганмиканман ёки бу воқеалар Ойтош банкдан олиниши биланоқ ҳиндлар унинг изига тушганини кўрсатувчи чинакам далилми?

Аммо на у, на мен бундай тадқиқот билан шуғулланишга ҳушимиз йўқдай эди. Биз бир-биримизга қарадик, кейин билқиллама қумларни борган сари кўмиб бораётган денгизнинг кўтарилишига тикилдик.

– Нимани ўйлаясиз? – деб бирдан сўраб қолди мистер Фрэнклин.

– Нимани ўйлардим, сэр, – деб жавоб бердим, – менга қолса шу олмосни Билқиллама қумлар қаърига улоқтирсам-у, бира-тўла шу масалани ҳал қилиб қўяқолсам...

– Агар ёнингизда Ойтошнинг қимматига етадиган пул бўлса, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин, – майли, кўрсатинг, Беттереж, иш пишпади-қўяди.

Шуниси ажабки, кўнглимиз нотинч бўлса, жуда оддий бир ҳазил ҳам бизни анча енгил торттиради. Мисс Рэчелнинг қонуний мулкани қумлоққа улоқтириш ва полковникнинг васийси мистер Блэкнинг бошига даҳшатли ташвишлар ёғдириш ҳақидаги фикр бизга жуда галати туюлди. Лекин эндиликда бу гапнинг нимаси кулгили эканини сира ҳам тушунолмай қолдим.

Мистер Фрэнклин биринчи бўлиб гапимизнинг асосий мавзуга қайтди. У чўнтагидан конверт олди-да, уни очиб, ичидаги қоғозни менга узатди.

– Беттерез, – деди у, – сиз аммамнинг манфаатлари йўлида нима сабабдан полковник жиянига шунақа мерос қолдирганини муҳокама қилмоғингиз керак. Леди Вериндер акаси Англияга қайтиб келганидан бошлаб то сизга жиянининг туғилган кунини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман, деган дақиқагача унга қандай муомалада бўлганини яхшилаб эслаб кўринг. Кейин мана буни ўқинг...

У менга полковникнинг васиятидан олинган кўчирмани берди. Ҳозир шу мисраларни ёзарканман, ўша кўчирма ёнимда. Сиз учун қуйидаги гапни тўғридан-тўғри кўчириб ёзяпман:

“Учинчиси ва сўнггиси – жияним Рэчел Вериндерга, менинг синглим бева Жулия Вериндернинг ёлғиз қизига – агар менинг вафотимдан кейин Жулия Вериндер деб номланган опаси ҳаёт бўлса, – Шарқда Ойтош номи билан маъхур бўлган менга тегишли сариқ олмосни совға қиламан ва васият қиламан. Ўз васийимга топшираман: бу олмосни унинг ўзими ёхуд ўзи танлаган биронта ишонарли воситачи орқалими юқорида номи зикр этилган жияним Рэчелнинг ўз қўлига менинг вафотимдан кейинги бўладиган биринчи туғилган кунда топширсин. Бунда иложи бўлса, менинг синглим, юқорида номи зикр этилган Жулия Вериндер ҳозир бўлса яхши бўларди. Ва яна истаймankи, юқорида номи зикр этилган синглимга васиятимнинг учинчи ва сўнгги моддасидан аниқ нусха кўтариб маълум қилишсинким, мен унинг қизи Рэчелга олмосни совға қилар эканман, синглимнинг қилғилиқлари менинг обрўйимга етказган зарарни бутунлай кечирганимнинг белгиси сифатида, айниқса, синглимнинг хизматкори унинг буйруғи билан қизининг туғилган кунда мени унинг ҳузурига қўймай, менинг зобитлик ва жентльменлик шаънимни таҳқирлаганини ҳаёт билан видолашаётган одамга муносиб бир тарзда кечираётганимнинг далили сифатида тақдим этмоқдаман”.

Мен қоғозни мистер Фрэнклинга қайтарар эканман, унга нима дейишимни билмай, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Сизга маълум, шу дақиқага қадар мен полковникни қандай яшаган бўлса, ўшандай бетавфиқларча ўлган деб ҳисоблаб келгандим. Унинг васиятидан кўтарилган нусха менинг бу фикримни бутунлай ўзгартириб юборди демайман, фақат шунга айтаманки, у мени иккилантириб қўйди.

– Хўш, – деб сўради мистер Фрэнклин, – энди сиз полковникнинг ўз сўзларини ўқиб чиққанингиздан кейин, бу масалада нима дейсиз? Аммамнинг уйига Ойтошни олиб келиб, мен кўр-кўрона тарзда унинг интиқомига хизмат қиламанми ёхуд ўз гуноҳларига тавба қилган бир бандаи мўминнинг оқланишига ёрдам бераманми?

– Сэр, – деб жавоб бердим мен, – у қалбда разил интиқом туйғуси билан, тилида разил ёлгон билан жон берган деб тасаввур қилиш жуда қийин. Ҳақиқат яккаю ягона худонинг ўзига маълум. Мендан сўраманг.

Мистер Фрэнклин васиятдан олинган кўчирмани қўлида айлантириб гижимлар, гўё шу йўл билан ундан ҳақиқатни сиқиб чиқармоқчи бўларди. Айни шу чоқда у ҳайрон қоладиган даражада ўзгариб кетди. Қувноқлиги, тиниб-тинчимаслиги йўқолиб, қандайдир номаълум тарзда сокин, тантанавор, хаёлчан йигитга айланди-қўйди.

– Бу масаланинг икки томони бор, – деди у, – булар объектив ва субъектив томонлар. Қай бирини танлаб оламиз?

У фақат французча эмас, немисча ҳам тарбия кўрган эди. Менинг тахминимча, ҳозирга қадар у французча тарбиянинг таъсирида эди. Энди эса – агар мен тўғри ажрата олган бўлсам – немисча тарбиянинг таъсири биринчи ўринга чиқди. Ҳаётимда мен амал қиладиган қоидалардан бири шуки, ақлим етмаган нарсаларга рўпара келсам, сезмаганга олиб кетавераман. Шунинг учун

мен объектив томоннинг ўртасини танладим. Жўнгина қилиб айтадиган бўлсак, мен кўзларимни лўқ қилдим-да, индамай туравердим.

— Буларнинг барисидан моҳиятини топиб олайлик, — деди мистер Фрэнклин. — Нега амаким олмосни Рэчелга васият қилди? Нега уни аммамга мерос қилиб қолдирмади?

— Ҳар ҳолда, бунинг сабабини топмоқ унча мушқил эмас, сэр, — дедим мен. — Полковник Гернкастль жуда яхши билганки, миледи ундан ҳеч қандай меросни қабул қилишни истамайди.

— Аммо Рэчель ҳам онаси каби меросдан воз кечмаслигини қаердан билган?

— Ойтошга ўхшаган қимматбаҳо совғани олиш ишгиёқидан бош тортишга қурби етадиган ёш қиз оламда топилармикан, сэр?

— Бу субъектив нуқтаи назар, — деди мистер Фрэнклин. — Субъектив нуқтаи назарга эга эканингиз жуда катта гап, Беттереж. Аммо полковникнинг васиятида яна бир сир бор. Уни шу пайтгача тузукроқ ўйлаб кўрганимиз йўқ. Нима учун у олмосни Рэчелга айни туғилган куни, бунинг устига, албатта, онасининг ҳаётлигида совға қилади?

— Марҳум ҳақида мен ёмон гапиришни истамайман, сэр, — деб жавоб бердим мен, — агарда у қизи орқали опасига ғам-ташвишлару хавф-хатарларни мерос қолдиришни ният қилган бўлса, унда бундай меросни топиширининг зарурий шарти — опасининг ҳаётлиги бўлиши керак эди. Чунки шундагина опасига анча озор етиши мумкин эди.

— О! Демак, сиз унинг ниятлари шу даражада ёмон бўлган деб ўйлайсизми? Лекин бу ҳам, барибир, субъектив фикр. Сиз Германияда бўлганингиз борми, Беттереж?

— Йўқ, сэр. Сизнинг талқинингиз қанақа? Билсак бўладими?

— Менинг назаримда, — деди мистер Фрэнклин, — полковникнинг мақсади балки шундай бўлгандир: у ўзи умрида бирон марта кўрмаган жиянига фойда келтирмоқчи бўлган, лекин шунинг воситасида синглисига унинг гуноҳидан ўтганини, ўтганда ҳам назокат билан қизига қилган совғаси орқали ўтганини исботламоқчи бўлган. Бу, Беттереж сизнинг талқинингиздан бутунлай фарқ қилади. Бундай талқин объектив ўйлаш оқибатида туғилган. Кўриниб туриштики, бу талқинларнинг иккови ҳам бирдай тўғри бўлиши мумкин.

Ишни кишига хуш ёқадиган ва хотиржам қиладиган нуқтага етказгач, мистер Фрэнклин, афтидан, ундан талаб қилинадиган ишнинг ҳаммасини бажариб бўлдим деб ўйлади, шекилли. У қумга чалқанча ётиб олди-да, энди мен нима қилай, деб сўради.

У ажнабийчасига гапдонлик қилишга киришишдан аввал ўзини шу даражада узоқни кўра оладиган доно қилиб намоён этдики, ўртадаги жумбоқни ҳал қилишда менга қараганда шу даражада устунлигини кўрсатдики, у бирдан қуролини ташлаб, мендан ёрдам сўраб мурожаат қилганида мен бунақа кутилмаган ўзгаришга мутлақо тайёр эмас эдим. Фақат анча вақт ўтгандан кейин мисс Рэчелдан билдимки (буни биринчи бўлиб унинг ўзи кашф этган экан), мистер Фрэнклиндаги ғалати ўзгаришлар ва бир ҳолатдан иккинчисига ўтиб туришлар унинг ажнабий тарбиясининг оқибати экан. Биз ҳаммамиз ўзимизнинг қиёфамизни бошқа одамлар қиёфасининг инъикоси сифатида қабул қилишга қобилиятимиз етиб қолган бир ёшда уни чет элга юборишди ва у табиатида бирон-бир сифат турғунроқ бўлиб қолгунга қадар бир миллатнинг бағридан иккинчисига кўчиб юрди. Бунинг оқибатида у характерида шунақа хилма-хил томонлар билан шунақа шаклланиб етмаган бир-бирига зид сифатлар билан қайтиб келдики, гўё уни чет элда доимий равишда ўз-ўзидан норози бўлиб яшаган деб ўйлаш мумкин. У бир вақтнинг ўзида ялқов ва ишчан одам бўлиши, ақли ҳам равшан ё хира, қатъий ҳаракат қила оладиган ёки ночор бўлмоғи мумкин эди. Унинг табиатида ҳам франсузча, ҳам немисча, ҳам италянча томонлари бор. Баъзан дастлабки инглизча зуваласи ҳам кўриниб қоларди. Бунда у гўё: “Мана, кўриб турибсиз, дабдалам чиқиб кетган, лекин баъзи масалаларда ҳамон ўзлимизни сақлаб қолганман”, деяётгандай бўларди. Мисс Рэчель, одатда, шундай дерди, у кутилмаган ҳамма нарсадан қўл ювиб, ажиб бир мутелик билан ўзининг зиммасидан масъулиятни олиб ташлашни сиздан илтимос қилганда унинг табиатида италянча томон устун келиб кетарди.

Мен ўйладим, сиз ҳозир унда итальянча томон устун келяпти деган хулосага келсангиз, унга нисбатан ноҳақ айтган бўлмайсиз.

— Энди нима қилмоқ кераклигини сиз ўзингиз ҳал қилмоғингиз керак, сэр, — дедим мен. — Ҳарқалай, буни мен ҳал қилмайман.

Мистер Фрэнклин, афтидан, менинг гапларимнинг маъносини тўғри баҳолай олмади, шекилли, — ўша пайтда у шунақа аҳволда эдики, тепасидаги осмондан бошқа нарсани кўришга қурби етмас эди.

— Мен аммамни сабабсиз хавотирга солмоқчи эмасман, — деди у, — лекин уни огоҳ қилмай ҳам қўёлмайман. Агар менинг ўрнимда бўлганингизда. Беттерез, — икки оғиз гап билан айтнинг — нима қилар эдингиз?

Мен унга икки оғиз қилиб айтадиганимни айтдим!

— Шошмас эдим. Кутардим.

— Бажонудил тайёрман, — деди мистер Фрэнклин. — Қанча кутиш керак?

Мен фикримни тушунтира бошладим.

— Тушунишимча, сэр, — дедим мен, — бу лаънати олмосни Рэчелнинг туғилган куни кимдир унга топшириши керак-ку. Бошқа ҳар қандай одамга қараганда буни сиз қилсангиз ҳам бўлаверади. Жуда яхши. Бугун йигирма бешинчи май, туғилган кун йигирма биринчи июнда. Ҳали тўрт ҳафтача вақтимиз бор. Кутайлик. Бу вақт мобайнида нима бўлишини кутамиз. Вазиятга қараб, миледини ё огоҳлантирамиз, ё йўқ.

— Жуда соз, Беттерез, — деб хитоб қилди мистер Фрэнклин. — Аммо туғилган кунга қадар олмосни нима қиламиз?

— Отангиз нима қилган бўлса, сиз ҳам шундай қилинг, сэр, — деб жавоб бердим. — Отангиз уни Лондонда банкка топширган эди, сиз Фризинголлдаги банкка топширинг.

Фризинголл бизга энг яқин шаҳар, унинг банки ҳам худди Англия банкидек жуда ишончли.

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда эди, сэр, — деб илова қилдим, — аёллар қайтиб келмасдан олдин олмосни олиб, отда Фризинголлга йўл олардим.

Аниқ ишнинг дараги чиққач, бунинг устига отлиқ сайр ҳақида гап кетгач, мистер Фрэнклин бир зумда ўрнидан сапчиб турди. У сапчиб турди-да, такаллуфсизлик билан мени ҳам туришга мажбур қилди.

— Беттерез, сиз одам эмас, олтинсиз! — деди у. — Юринг, ҳозирнинг ўзида отхонадаги энг яхши отни эгарлашни буюринг.

Худоба шуқр, шу ўринда унинг табиатидаги инглизча зуваласи жамики ажнабий қатламларини ёриб чиқиб, рўйи-рост кўринди. Бу — ўша менинг хотирамда сақланиб қолган, отда юриш деса бир зумда жонланиб кетадиган мистер Фрэнклин эди. У менга хайрли эски замонларни эслагди. Унга от эгарлаб беришни айтасиз! Агар у ҳаммасини баравар миниб кетишга қодир бўлса, мен унга бир эмас, ўн иккита отни эгарлаб берардим.

Биз шоша-пиша уйга қайтдик, отхонадаги энг илдам отни тезда эгарлашни буюрдик ва мистер Фрэнклин лаънати олмосни банкнинг омборига топшириш учун елдек йўртиб кетди. Унинг оти туёқларининг дуқурлаши тиниб, мен ўзим яна ёлғиз қолганда, буларнинг бари тушимда рўй бермаётганмикан, деб ўз-ўзимга савол беришга ҳам тайёр эдим.

7 - б о б

Мен туйгуларимни тартибга келтириб, хотиржамроқ бўлишим учун отамнинг таскинига муҳтож аҳволда ўта паришонлик ичида турганимда, қизим Пенелопа рўпара келиб қолди. Унинг раҳматлик онаси ҳам менга зинада худди шундай рўпара бўлиб турарди. Қизим дарҳол мени саволга тугди. Мен унга мистер Фрэнклин билан учрашганимни айтиб бердим. Ҳозирги вазиятда фақат битта чора қолганди — дарҳол Пенелопанинг ўт олиб келаётган қизиқишига сув сепиш керак эди. Мен унга жавоб бериб, мистер Фрэнклин билан ташқи сиёсат борасида суҳбатлашдик, суҳбатимиз шу даражада бўлдики, икковимиз ҳам офтобда донг қотиб ухлаб қолибмиз, дедим. Хотинингизми ё қизингиз ноўрин савол билан тиқилинч қилса, шунақа жавоб бериб кўринг-а! Амин

бўлаверингки, улар аёлларга хос камсуқумлиги билан юзингиздан ўпади-ю, яна ўнг келган биринчи ҳолдаёқ тиқилинч қилишда давом этаверади.

Бир кун ўтди. Миледи билан мисс Рэчель қайтиб келишди.

Мистер Фрэнклин Блэк келганини ва яна отда қаяққадир жўнаб кетганини эшитиб, улар нечоғлик ажабланганини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Яна уларнинг шу заҳотиёқ ўринсиз саволлар беришганини ва “ташқи сиёсат” билан офтобда донг қотиб ухлагани ҳақидаги гап уларга тўғри келмаслигини ҳам гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Тузукроқ бирор гап тополмаганимдан кейин мистер Фрэнклиннинг эргалабки поездда келишини фақат унинг эркалигига йўйиш мумкин, дедим. Мендан наҳотки унинг жўнаб кетгани ҳам шунақа эркаликларидан бири бўлди, деб сўрашганда, “ҳа, худди шундай” деб жавоб бердим ва жуда осон қутулдим, шекилли.

Аёллар билан мушкул аҳволдан қутулганимдан кейин, ўз хонамга равона бўлдим. У ерда мени янаям оғирроқ мушкулотлар кутарди. Пенелопа келиб, мени ўнди-да, аёллар табиатига хос қизиқувчанлик билан янги савол берди. Бу гап у бизнинг иккинчи хизматкоримиз Розанна Спирманга нима бўлганини билмоқчи эди, холос.

Маълум бўлишича, мистер Фрэнклин билан мени Билқиллама қумларда қолдириб, Розанна Спирман уйга тушуниб бўлмайдиган ғалати бир кайфиятда қайтиб келипти. Пенелопанинг гапига ишонса, унинг юзи камалак ранглиридай товланиб турган эмиш. Ҳеч бир сабабсиз у гоҳ қувноқ ҳолда тушаркан, гоҳ ғамгин бўлиб қоларкан. Нафасини ростламай, мистер Фрэнклин ҳақида юзлаб савол сўрапти. Пенелопа нега энди бегона эркакка шунчалар қизиқиб қолдинг деб сўраган экан, қизимдан қаттиқ хафа бўлипти. Шунини ҳам сезишиптики, у жилмайиб туриб, кир соладиган қутининг тагига мистер Фрэнклиннинг номини ёзипти. Бир қарашса, у ойнанинг олдида ўзининг бесўнақай елкаларига қараб йиғлаб турганмиш. У мистер Фрэнклинни авваллари билганми? Муғлақо бўлиши мумкин эмас. Улар бир-бирлари ҳақида аввал эшитишганми? Бундай ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўзим шоҳид — қиз ўзига қараб турганини кўрганда мистер Фрэнклин ростакамига таажжубга тушганди. Розанна Спирман мистер Фрэнклинни суриштирганида унинг қизиқиши бениҳоя самимий бўлганига Пенелопа ҳам гувоҳлик бериши мумкин. Суҳбатимиз шу тарзда анча суст давом этмоқда эди, қизим бирданига сира куракда турмайдиган бир гап айтиб қолди. Бунақа гапни мен умрим бино бўлиб эшитган эмасман.

— Отажон, — деди Пенелопа муғлақо жиддий оҳангда, — фақат битта изоҳ қоляпти: Розанна мистер Фрэнклин Блэки биринчи кўришдаёқ севиб қолган.

Сиз бир қарашдаёқ ошиқу беқарор бўлиб қолган гўзал ёш қизлар ҳақида эшитгансиз ва буни, албатта, табиий бир ҳол деб билгансиз. Аммо ахлоқ тузатиш уйидан чиққан, ўзи хунук, елкаси бесўнақай оқсоч аёлнинг бекасиникига меҳмонга келган аслзода йигитга бир қарашда ошиқ бўлиб қолишига ақл бовар қилмайди. Қўлингиздан келса, менга истаган романингиздан шунга ўхшаш бирор бемаъниликни тошиб беринг-чи... Мен кўзимдан ёш тирқирагунча хохолаб кўлдим. Қулганимни кўриб, Пенелопанинг жаҳли чиқди.

— Сизнинг бағритошлигингизни илгарилари сезмаган эканман, отажон, — деди у мутелик билан ва чиқиб кетди.

Қизимнинг гапи бошимга совуқ сув қуйгандай таъсир қилди. Қизимнинг ўша гапларини эшитиб, ҳовлиқиб кетганим учун ўзимдан-ўзим қаттиқ аччиқландим. Агар сиз изн берсангиз, гап мавзусини ўзгартирамиз. Мен бу тўғрида ёзганимга пушаймон бўляпман, лекин бунинг сабаби бор — кейинроқ буни ўзингиз кўрасиз.

Кечқурун бўлди, тушлик учун кийиниш зарурлигидан хабар бериб қўнғироқ чалинганда Фрэнклин Фризинголддан эндигина қайтиб келган эди. Унинг хонасига иссиқ сувни ўзим олиб бордим — шу қадар узоқ йўқ бўлиб кетганидан кейин бирор саргузаштни бошидан кечирдимикан, шундай бўлса, айтиб берар деб умид қилгандим. Аммо, минг афеуски, ҳафсалам пир бўлди (сиз ҳам шундай бўлгандирсиз) — ҳеч нима рўй бермапти. На Фризинголлага кетаётиб, на қайтаётиб у ҳиндларга дуч келмапти. У Ойтошни банкка топширипти, жўнгина

қилиб, у жуда қиммат тош, депги ва тилхат олиб қайтиб келипти. Олмос ҳақидаги эрталабки ташвишларимиздан кейин бундай бўлгани жуда ғалати-ку деб ўйлаб, пастга тушдим.

Мистер Фрэнклиннинг аммаси ва аммаваччаси билан кўришуви қандай ўтганини билмайман.

Ўша куни улар овқатланаётганда бажонудил хизматини қилиб турардим. Аммо менинг бу уйдаги мавқеим баланд эди. Фақат катта оилавий байрамлардагина тушлик вақтида хизмат қилсам бўларди. Бошқа вақтларда бундай қилсам, бошқа хизматкорларнинг кўз ўнгида обрўйимга путур етар эди. Бусиз ҳам миледи мени ўз иззат-нафсингда турмайсан деб койирди, шундоқ бўлгандан кейин уни ортиқча ранжитишга не ҳожат? “Юқори доиралар”дан хабарни менга ўша куни Пенелопа билан хизматкор олиб келди. Пенелопанинг айтишича, мисс Рэчель авваллари ҳеч қачон сочини турмаклашпа бу қадар эътибор берган эмас экан, у ҳеч қачон бутунгидай қувноқ ва гўзал кўринишга уринмаган экан. Хизматкор айтдики, зодагонлар даврасида ўзини хотиржам тутиш билан мистер Фрэнклинга тушлик чоғида хизмат қилиш бир-бирига мос келмайдиган бошқа-бошқа нарсалардир. У бутун умри давомида ўз вазибаларини бажариш асносида сира ҳам бунақасига рўпара келмаган экан. Кейинроқ кечкурун биз уларнинг музика чалганини ва жўровоз бўлиб ашула айтишганини эшитдик. Мистер Фрэнклин баланд пардада айтди, мисс Рэчель янада баландроқ пардада олди, миледи эса фортепьянода пойгадагидек чуқуру баландликлардан сакраб ўтиб, уларга етишиб юришга ҳаракат қилди. Нима бўлганда ҳам айвонда очиқ деразалар олдида уларнинг куйини тинглаш мароқли эди. Яна бироз ўтгач, мистер Фрэнклинга чекиш хонасига содали сув билан виски олиб кирдим. Шунда кўрдимки, мисс Рэчель уни олмос ҳақидаги ўйларни унутишга мажбур қилипти.

— Англияга қайтиб келганимдан бери кўрган ҳамма қизлар ичида энг жозибали қиз — шу! — Мистер Фрэнклинни жиддийроқ мавзуларда гаплашишга ҳар қанча ундамай, ундан эшитган бирдан-бир жавобим шу бўлди.

Ярим кечага яқин мен ёрдамчим хизматкор Самюэль билан бирга ҳамма эшикларни занжирлаш учун, одатдагидек, уйнинг атрофини айланиб чиқдик. Айвонга олиб чиқадиган ён томондаги эшикдан бошқа ҳамма эшикларни занжирлаб бўлганимиздан кейин мен Самюэлга ухлагани жавоб бердим, ўзим эса ўз навбатида ётоғимга йўл олишдан аввал бироз тоза ҳаводан нафас олай, деб айвонга чиқдим.

Тун жуда сокин ва дим эди. Осмонда ой чарақлаб турарди. Тун шу қадар сокин эдики, гоҳи-гоҳида кичкинагина кўрфазимизнинг қумлоқ соҳилларига келиб урилаётган денгиз тўлқинларининг шовуллаши қулоғимга чалиниб қоларди. Уй шундай қурилган эдики, айвон қоронғи эди, аммо айвоннинг нариги томонидаги қумлоқ йўлкани ой нури ёритиб турарди. Мен аввал денгиз томонга қарадим, кейин йўлка томонга қарадим. Қарадим-у, қандайдир одамнинг соясини кўрдим. Унинг ўзи уйнинг панасида, фақат сояси кўринарди.

Кекса ва муғомбир одам бўлганим учун дод-вой кўтармадим, аммо, бахтга қарши, кекса бўлганим сабабли, оёқларимни қумдан узолмай қолдим. Мен билинтирмасдан бурчак томонга ўтмоқчи эдим, аммо бундай қилганимча ташир-тупур оёқ товушларини эшитдим. Чамамда, улар бир киши эмас эди. Мен бурчакка етиб борганимда, қочаётган одамлар ким бўлсалар-да, йўлканинг нариги бошидаги бутазорга яшириниб улгуришган эди. Орадан кўп ўтмай, улар хиёбоннинг этак томонидаги дарахтлар ва буталар орасида кўздан ғойиб бўлишди. Бутазордан ўтиб, улар деворимиз орқали бир сакраб кўчага тушишлари мумкин эди. Қирқ ёшда бўлганимда борми, эҳтимол, улар хиёбонимиздан қочиб улгурмасларидан бирортасини ушлаб олишим мумкин эди. Мендан ёшроқ бирор кимсани улар изидан юбориш учун қайтиб келдим. Ҳеч кимни безовта қилмай, Самюэль икковимиз милтиқларни олиб, уйнинг атрофини айланиб чиқдик, бутазорни ҳам синчиклаб кўздан кечирдик. Бизнинг ерларимизда ҳеч ким яширинмаганига ишонч ҳосил қилиб, қайтдик. Мен сояни кўрган йўлкадан ўтаётиб, биринчи марта қум устида ётган ялтироқ бир нарсага кўзим тушди. Уни кўлимга олиб қарасам, ёқимли ҳид анқиб турган, қуюқ қора сиёҳга ўхшаган суяқлик солинган пицца идиш экан. Мен Самюэлга бу

ҳақда ниқ этмадим. Аммо Пенелопа менга кўзбойлоқчилар ҳақида гапирганини, улар боланинг кафтига сиёҳ қуйишганини айтганини эслаб, шу лаҳзадаёқ тушундимки, мен учта ҳиндни чўчитиб юборибман. Улар уйнинг теварагида айланиб, шу тунда ўзларининг маъжусий усуллари билан олмосдан бирон дарак топмоқчи бўлишган, шекилли.

8 - б о б

Шу ўринда бир лаҳза тўхтаб ўтайлик.

Сезиб турибман — хотираларим ва Пенелопанинг кундаликлари ёрдамида мистер Фрэнклин Блэкиннинг келиши билан мисс Рэчелнинг туғилган куни орасидаги муддатни тез ўташимиз мумкин. Бу муддатнинг кўп қисмида диққатга арзийдиган ҳеч қандай воқеа рўй бергани йўқ.

Сизнинг ижозатингиз билан ва Пенелопанинг ёрдамида мен бу ўринда фақат баъзи воқеаларнигина тилга олиб ўтаман. Кейин эса Ойтош бизнинг хонадонимизда ҳамманинг диққат-эътиборини жалб қилиб олган вақтга етганимизда воқеанинг давомини кунма-кун баён қилиб бераман.

Кечаси кумлоқ йўлкадан топиб олганим хушбўй сиёҳли шиша идишдан бошлайман.

Эртасига эрталаб (йигирма олтинчи куни) мен бу жодули шишачани мистер Фрэнклинга кўрсатдим ва сизга айтиб берган воқеани айтдим. У ҳиндилар олмосининг орқасидан тушгангина эмас, балки ўзларининг бемаъни сеҳру жодуларига ҳам ишонар эканлар, — деди. Бундай деганда у ҳиндиларнинг боланинг боши узра қилган ишораларини, унинг кафтига сиёҳ қўйганларини ва шу йўл билан бола одамларнинг кўзига кўринмайдиган буюмлар билан кишиларни кўради, деб умид қилганларини назарда тутгани. Мистер Фрэнклин менга худди Шарқдаги каби бизда ҳам ана шундай гаройиб найранглар билан шуғулланадиган одамлар бор, деди. Фақат улар сиёҳ ишлатишмас экан.

— Ишонаверинг, — деди мистер Фрэнклин, — биз олмосни шу ерда сақлаётганимизга ҳиндлар қатъий ишонишади. Шунинг учун улар башоратчи болани ўзлари билан олиб келишган. Улар амаллаб уйга киришлари биланоқ бола уларга олмоснинг қаердалигини айтиб бериши керак.

— Нима деб ўйлайсиз, сэр, улар яна бошқатдан уриниб кўришармикин? — деб сўрадим мен.

— Бу нарса боланинг қандай гап айтишига боғлиқ. Агар у олмосни Фризинголь банканинг пўлат сандиги ичидан кўришга қодир бўлса, ҳиндилар вақти-соати етгунча бу ерга келиб, бизни безовта қилишмайди. Агар бу боланинг қўлидан келмаса, бир неча кун ўтмасданоқ биз яна уларни бугазордан қувиб чиқаришимизга тўғри келади.

Мен худди шундоқ бўлишини кутган эдим, аммо қизиқ жойи шундаки, бу ҳол чиндан ҳам бошқа тақдорланмади.

Кўзбойлоқчилар шаҳарда мистер Фрэнклиннинг банкда юрганини эшитиб, шундан тегишли хулоса чиқаришганми ёки бола чиндан ҳам олмосни ҳозирги турган жойида кўрганми (бунга мен сира ҳам ишонмайман), ёки шунчаки тўғри келиб қолдими — ҳар ҳолда мисс Рэчелнинг туғилган кунига қадар ўтган ҳафталар мобайнида уйимиз атрофида ҳиндилар қорасини кўрсатгани йўқ. Кўзбойлоқчилар шаҳардан ва атрофидан чиқишгани йўқ, ўша жойларда хуналарини намойиш этиб юраверишди, биз мистер Фрэнклин билан бирга нима бўлишини кутишда давом этдик. Вақтидан олдин шубҳамизни ошқор этиб, бу муттаҳамларни чўчитиб қўймасликка аҳд қилдик. Ҳар иккала томоннинг ишлари ҳақидаги ана шу ҳисобот билан ҳиндилар ҳақида айтишим мумкин бўлган гаплар адо бўлади.

Йигирма тўққизинчи кундан бошлаб мисс Рэчел билан мистер Фрэнклин вақт ўтказишнинг янги йўлини ўйлаб топишди. Уларнинг фикри-зикрини банд этган машғулотга алоҳида эътибор бериш зарур. Бунинг сабаби бор — чунки бу машғулот кейинчалик рўй берадиган воқеаларга дахлдор.

Умуман айтганда, ҳўжайинларнинг ҳаётида сув ости қоясидай жуда ноқулай бир жиҳати бор — бу уларнинг бекорчилигидир. Улар умрининг кўп қисмини

бирорта машғулот қидириб ўтказишади, кузатсангиз, қизиқ нарсаларни кўрасиз — масалан, уларда бирон-бир ақлий ишпа мойиллик бўлса, кўпинча ўйлаб-нетиб ўтирмай, ҳаддан ташқари бемаъни ишлар билан шуғултанаверишади. Унтадан тўққизтасида улар ё бировни қийноққа оладилар ё бирон нарсани бузадилар; яна бунинг устига, ўзларини маърифатга ошно қилаётганларига астойдил ишонадилар, ҳолбуки, тўғриси айтганда, улар уйнинг тўс-тўполонини чиқаришдан нарига ўтмайдилар. Мен ўзим кўрганман (афеус ва надоматлар билан айтмоғим керак) — аёллар ҳам худди эркаклар каби қўллариди доридан бўшаган қутилар билан кун уззукун изниб юришади-да, ҳар хил калтакаеса, кўнғиз, ўргимчак ё қурбақаларни ушлашади, уйга қайтиб келгач эса, у шўринг қурғурларга ина санчишади, заррача виждонлари қийналмаган ҳолда бўлак-бўлак қилиб кесишади. Сиз хўжайинингиз ёки бекангиз катта қилиб кўрсатадиган шишада ўргимчакнинг ичак-чавоғини томоша қилаётганини кўрасиз ёки зинада боши узилган қурбақага рўпара бўласиз: шунда бениҳоя ажабланиб, бунақа ашаддий шафқатсизликнинг сабаби нима деб сўрасангиз, хўжайин йигит ёхуд ёш бекангизнинг табиий илмларга майли борлигини айтишади. Баъзан яна шуни пайқайсиз — улар бемаъни қизиқишини қондириш учун соатлар давомида бирон ўткир тиг билан бири-биридан гўзал гулларни ичида нима борлигини кўриш ниятида кавлаштириб расво қилишади. Кошки шуни билишгани билан уларнинг туси чиройлироқ ёхуд ҳиди муаттароқ бўлиб қолса! Ахир, шу бечоралар бир амаллаб вақтларини ўтказиши керак-да! Ҳа, бирон нарса билан банд бўлиши керак-да! Сиз кичкиналигингизда ҳамма ёгингизни лой қилиб, ҳаммомпиш ўйнагансиз, энди катта бўлганингизда, ҳамма ёгингизни ўргимчакка бостириб, уларни суясиз ва гулларни расво қиласиз. Ҳар иккала ҳолда ҳам масаланинг моҳияти шундаки, сизнинг шўрлик бошингизда ўйлайдиган ўйингиз йўқ, шўрлик бекорчи қўлларингиз эса нима билан банд бўлишни билмайди. Иш шу билан тамом бўладики, сиз бўёқ суриб, сурулларни расво қиласиз, бўёгингизнинг қўланса ҳиди бутун уйни тутиб кетади; ифлос сувли шиша идишда итбалик урчитасиз, бундан уйдагиларнинг ҳаммаси беҳузур бўлади; ёхуд бирон ердан тошни кўчириб олиб, унинг парчаларини йиға бошлайсиз; бу аснода егуликларнинг ҳаммасига тошнинг кукуни ёғилади; ёки фотография билан шуғуллана бошлайсиз-у, қўлларингизнинг қарайдиган сиёқи қолмайди, сувратларингизда эса уйдаги бор одамнинг башарасини қинғир-қийшиқ қилиб чиқарасиз. Албатта, ўзига бошпана топишга, ўз-ўзини боқишга, уст-бош қилишга мажбур одамларнинг аҳволи оғир. Аммо сиз қачондир бўлмасин машҳур бўлган энг оғир меҳнатни бекорчилик туфайли гулларни расво қилиш билан ёхуд ўргимчакнинг ошқозонини ағдар-тўнтар қилиш билан бир таққослаб кўринг — шунда миянгиз бирон ўй билан банд эканига, қўлингиз қандайдир ишлар билан машғул эканига шукроналар айтасиз.

Мамнуният билан айтаманки, мистер Фрэнклин билан мисс Рэчель ҳеч кимни қийнаганлари йўқ. Улар уйнинг тўс-тўполонини чиқариш билан чекланишди ва адолат юзасидан айтиш керак, фақат битта эшикни бузишди.

Мистер Фрэнклиннинг қўлидан келмайдиган иши йўқ, у ҳамма нарсага ўрганиб, ҳатто “манзарали рассомлик” деган иш билан шуғулланиш даражасига етди. У бизга янгича бўёқ ясаш усулини ўйлаб топганини айтди; у қандай тайёрланарди — буни мен билмайман. Аммо икки оғиз қилиб сизга айтишим мумкинки, бу бўёқнинг бир сифати бор эди — у димоқни ёрар даражада сассиқ эди. Мисс Рэчель ана шу янги бўёқни, албатта, ишлатиб кўрмоқчи бўлди. Мистер Фрэнклин Лондонга одам юбориб материалларни олдириб келтирди. Кейин шунга ҳам бир бўёқ ишлатдики, унинг сассигидан ҳатто уйга кириб қолган итлар ҳам акса уриб юришди. Кейин у мисс Рэчелни олдига пешбанд боғлаб, дурра ўраб, ўзининг мўъжазгина меҳмонхонасининг сувратини чизишга мажбур қилди. Инглизча номи бўлмаганидан бу меҳмонхонани булар деб аташарди. Ишни эшикнинг ичкари томонини бўяшдан бошлашди. Мистер Фрэнклин унинг устидаги силлик, чиройлик сирини қилиб ташлади-да, “ишлаш учун майдон” деб атаган нарсани ҳосил қилди. Кейин унинг кўрсатмаси ва ёрдами билан мисс Рэчель эшик сиртига нақшлар ва сувратлар ишлади. Улар орасида бургутлар, қушлар, гуллар, фаришталар ва шунга ўхшаган

нарсаларнинг суврати бор эди. Мисс Рэчель буларни машхур италян рассомининг сувратларидан кўчириб олди. Бу рассомнинг номини ҳеч эслай олмаганим — анави бор-ку — Биби Марямнинг суратини ишлаб оламни қойил қолдирган, наввойхонада ишлайдиган жувон машуқаси бўлган — ўша-да! Эшикка суврат ишлаш жуда серташвиш ва ифлос иш экан. Аммо, бизнинг ойимқизимиз ёш жентльмен билан бирга бу иш билан шуғулланишдан толмайдиган кўринарди. Улар отда сайр қилмаганларида, меҳмон қабул қилмаганларида, стол ортида ўтириб тушлик-пुшлик қилмаганларида, қўшиқ айтмаганларида ёнма-ён туриб олишиб, асаларилардек меҳнатсеварлик билан эшикни расво қилиш билан банд бўлишарди. Қайси шоир айтганди — иблис ҳаммаша ҳатто бекорчи қўлларга ҳам зиён-заҳмат етказадиган бирон нарсени ўйлаб топади деб? Агар у миледининг дарбори лавозимида ишлаганида ва мисс Рэчелни кўлида мўйқалами билан, мистер Фрэнклинни эса қўланса бўёғи билан кўрганида, мен ёзаётганимдан кўра чинроқ ҳеч нарса ёзолмасди.

Эслаб ўтишга арзийдиган эртанги кун — тўртинчи июн якшанба эди.

Шу кун иккун хизматкорлар хонасида биз биринчи марта хонадонимиз масалаларини муҳокама қилдик. Бу масала ҳам эшикларга суврат ишлаганга ўхшаб бундан кейинги бўладиган воқеаларга дахлдор.

Мистер Фрэнклин билан мисс Рэчель бир-бирлари билан ораларидан қил ўтмайдиган даражада иноқликларини кўриб, уларнинг иккови ҳам ҳар жиҳатдан бир-бирларига муносиб эканликларига амин бўлиб, биз ҳаммамиз бағоят табиий равишда улар эшикка суврат ишлагандан бошқа ҳам бирон иш билан машғул бўлишар деб тахмин қилдик. Ҳатто, баъзи бирларимиз шу ёз ўтмасдан тўй бўлиб қолса ҳам ажаб эмас, дея бошлашди. Бошқалар эса (уларнинг бошида мен эдим) бунга қўшилишиб, мисс Рэчель турмушга чиқиши мумкин деб ҳисоблашди-ю, лекин унинг қаллиғи мистер Фрэнклин Блэк бўлишига шубҳа билдиришди (бунинг сабабларини қуйироқда баён қиламиз).

Мистер Фрэнклиннинг ошиқу беқарор бўлиб қолганига уни кузатиб юрганимиздан ҳеч ким шубҳа қилмай кўйганди. Аммо мисс Рэчелни тушуниниш анча қийин бўлмоқдайди. Изн берсангиз, мен уни сизга таништириш шарафига ноил бўлсам — шундан кейин, агар эпласангиз, унинг жумбоғини ўзингиз ҳал қиларсиз.

Йигирма биринчи июн кун бизнинг ёш бекамиз ўн саккиз ёшга тўлади. агар сизга қорамғиз қизлар ёқса (эшитишимча, кейинги пайтларда зодагонлар дунёсида улар назардан қолган эмиш) ва агар сиз қиз боланинг бўйи масаласида унча инжиқ бўлмасангиз, шуни айтаманки, сиз ҳеч қачон мисс Рэчелдек ошuftажон қизни кўрмагансиз, У жуссаси кичик ва хипча бўлса-да, гавдаси бошдан-оёқ жуда бежирим эди. Унинг ўтиришига, туришига ва айниқса, юришига қараб, ҳар қандай эс-ҳуши бутун одам унинг жозибаси (бу иборани ишлатганим учун узр), қизнинг либосида эмас, қадди-қоматининг келишган эканига амин бўлади. Мен уникадай тим қора сочларни ҳеч қачон бирон кимсада кўрган эмасман. Кўз демаган ҳам сочларга монанд; лекин айтишим керак, бурни кичкинагина. Оғиз билан даҳани (мистер Фрэнклиннинг сўзлари билан айтганда), луқмай илоҳий, юзининг ранги (яна мистер Фрэнклиннинг гувоҳлигига асослансак) шу даражада ёқимлики, куёш ҳам у билан тенглашолмайди. Унинг куёшдан яна бир афзаллиги бор — унинг юзига қараб тўймайсан. Юқорида айтилганларнинг ҳаммасига яна илова қиламиз: у бошини доимо кибр билан, ҳокимона тарзда, зодагонларча тик тутарди, овози кўнгироқдек жарангдор ва нафис, табассуми лабларида пайдо бўлишдан аввал кўзларида намоеън бўларди. Мана сизга қизнинг бутун бўйи бастини кўрсатадиган суврати — мен уни кўлимдан келганича чизиб бердим. Хўш, унинг характери қандай дерсиз? Наҳотки, ана шу латофатли мавжудоднинг бирор-бир нуқсони бўлмаса? Муҳтарама хоним, сизда қанча қусур бўлса, мисс Рэчелнинг шунақа нуқсони бор эди — ҳа, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас.

Жиддий гапирадиган бўлсак, азизам, жозибадор мисс Рэчель беҳисоб фазилатлару латофатларга эга бўлган ҳолда битта нуқсонга ҳам эга эди. Мен бу гапларни ўга холислик билан ёзаётганим учун, унинг нуқсонини тан олишга мажбурман. У кўшгина бошқа қизлардан шуниси билан ажралиб турардики,

ҳамиша унинг ўз мустақил ғоялари бўларди. У шу даражада ўзига хос эдики, агар мода унинг дидига мос келмайдиган бўлса, у сира иккиланиб ўтирмай, модага тескари иш қилаверарди. Арзимаган майда-чуйда масалаларда унинг мустақиллигига чидаса бўларди, аммо муҳим масалаларда (миледи билан менинг фикримча) у ҳаддидан ошиб кетарди. У ўзидан икки барабар катта аёллар мулоҳаза юритгандек фикрларди, ҳеч қачон бировдан маслаҳат сўрамасди, нима қилмоқчи эканини олдиндан айтиб юрмасди, сирларини ҳеч кимга, ҳатто онасига ҳам ишониб айтмасди. Катта ва кичик масалаларда ўзи ёқтирмайдиган одамларга нисбатан ҳам, ёмон кўрадиган одамларига нисбатан ҳам мисс Рэчел доимо ўзига хос тарзда муносабатда бўлар, ҳаётидаги мушкул дамларда ҳам, бахтиёр онларда ҳам фақат ўзига суянарди. Кўпинча мен миледидан:

– Рэчелнинг энг яхши дўсти ҳам, энг ёвуз душмани ҳам – унинг ўзи! – деган гапни эшитиб қолардик.

Бу гапларнинг ёнига яна битта нарсани қўшаман-да, шу билан тугатаман.

У ҳар қанча писмиқ бўлмасин, ҳар қанча ўзбошимча бўлмасин, ясамалик бугундай унга бегона эди. У бирон марта “ҳа” деб ўйлаб туриб, “йўқ” деганини эслолмайман. Мен ҳамон эслайман – болалик йилларида бу олижаноб қиз неча маргалаб сеvimли дугоналарининг бирон кирдикори учун айбни бўйнига олар, кейинчалик бу нарса очилиб қолиб, уни сўроққа тутишганда буни ҳеч қачон олмас эди. Айни чоқда, ҳеч ким унинг бирон марта ёлғон гапирганини ҳам эшитган эмас. У сизнинг юзингизга тик қарарди-да, ўжар башарасини чайқаб туриб, соддагина:

– Айтмайман! – деб тураверарди.

Бунинг учун яна жазога дучор қилинса, “айтмайман” деганига пушаймон эканини тан оларди-ю, унга нону сувдан бошқа овқат бермай қўйганларига қарамай, ҳеч нарсани айтмас эди. Ҳа, ўзбошимча, баъзан ҳаддан зиёд ўзбошимча эди у – мен бунга қўшиламан, лекин шунга қарамай, у жамики қизлар ичида энг жозибалиси эди. Балки сиз бу гапларимда аллақандай зиддият кўрарсиз. Ундай бўладиган бўлса, бир нарсани қулоғингизга шипшитиб қўйишга руҳсат бергайсиз. Йигирма тўрт соат давомида рафиқангизни диққат билан синчиклаб ўрганинг. Агар шу вақт ичида сизнинг маликаи дилоромингиз биронта ҳам зиддиятли иш қилмаса – худо сизга ёр бўлсин! – Сиз хотин кишига эмас, гаройиб бир махлуққа уйланган экансиз!

Энди мен сизни мисс Рэчел билан таништираман. Бу эса бизни ёш қизнинг турмуш қуриш борасидаги режалари масаласи билан рўпарама-рўпара қилиб қўйди.

Ун иккинчи июн куни менинг бекам Лондондаги бир жентльменга мисс Рэчелнинг туғилган кунига келиш тўғрисида таклифнома юборди. Менинг тахминимча, ана шу омадли йигитга мисс Рэчел кўнгул берган эди. Мистер Фрэнклинга ўхшаш у ҳам аммавачча эди. Унинг исми мистер Годфри Эблүайт эди.

Миледининг иккинчи синглиси муҳаббат масаласида омади юришмади, кейин номига бўлса-да, эрга тегиш учун, “тенгсиз никоҳ” деган нарсани зиммасига олишга журъат этди. Зоти пок Каролина, албатта, Фризинголл банкири мистер Эблүайтга турмушга чиқаман деб туриб олганда, бугун оила ҳаддан зиёд жунбушга келди. У жуда бадавлат ва жуда кўнгулчан одам эди. Оила қурганидан кейин бирин-кетин фарзандлари туғилди. Ҳозирча буларнинг ҳаммаси унинг фойдасида далолат беради. Аммо у юқори мартабани эгаллашни кўмсаб қолди – бу эса унинг зарарига далолатдир. Аммо вақт ва ҳозирги маърифат ривожи ўнг келиб қолди ва тенгсиз никоҳ, ҳар қалай, ёмон оқибатларга олиб келмади. Биз эндиликда ҳаммамиз либерал бўлиб олганмиз (агар мен сизни юмдаласам, жавобига сиз ҳам юмдаламасангиз бўлди) – сиз парламентдамисиз ё йўқми, фаррошмисиз ё худ герцогми – менинг нима ишим бор? Бу замонвий қараш. Мен эса замонвий қараш тарафдориман. Эблүайтлар жуда яхши уйда истиқомат қилишарди. Унинг ёнида каттагина парк ҳам бўлиб, у Фризинголльдан унча олиса эмас эди. Бутун теварак-атрофда ҳамманинг хурматини қозонган файзли одамлар эди. Биз бу саҳифаларда уларга ҳаддан зиёд кўп эътибор бермаймиз, фақат мистер Эблүайтнинг иккинчи ўғли мистер Годфрига кенгроқ тўхтаимиз. Чунки у мисс Рэчелга дахлдор.

Ҳар қанча донолиги, салобати ва умуман яхши сифатлари бўлмасин, мистер Фрэнклин, менинг фикримча, ёш бекамизнинг назарида Годфридан ўтиб кетолмасди.

Биринчидан, мистер Годфрининг бўйи анча баланд эди. У олти футдан баландроқ бўлиб, юзининг ранги ҳам жуда яхши, оқ-қизил эди. Юзи сипсиллик, юмалоқ, соқоли ҳамиша тоза олинган, жуда чиройли малла сочларини орқасига ташлаб юрарди. Бироқ мен нима қилиб уни тасвирламоқчи бўляман? Агар сиз бирор марта Лондонда аёлларнинг хайрия жамияти комитетига аъзо бўлган бўлсангиз, мистер Годфри Эблўайтни менчалик яхши биласиз. У мутахассислиги бўйича адвокат, табиатига кўра аёлларга жазман эди. На хайриона қилувчи аёллар, на қашшоқ аёллар унингсиз иш битира олмас эди. Ойкуни яқинлаб қолган аёлларга ёрдам бериш жамиятида, йўлдан озган аёлларни қутқариш билан шуғулланувчи муқаддас Магдалина жамиятида, фақир аёлларни ишга ўрнаштириш билан шуғулланувчилар жамиятида у вице-президент, директор, аъзо эди. Қаердаки аёллар комитети бўлса, ўша ерда мистер Годфри ҳозир у нозир – қўлида шляпаси билан мажлисининг ортиқча қизиби кетишига йўл қўймай, машаққатли йўллар орқали хонимларни масалаларни ҳал қилиш сари етаклайди. Менинг ўйимча, у Англияда дунёга келган жамки инсонсеварлар орасида энг комил инсонсевар эди (давлати унча катта бўлмаса-да). Хайрия масалаларига бағишланган митингларда одамларнинг кўзидан ёшини оқизиби, ҳамёнидан пулини олиш бобида унга тенг келадиган нотикни топиш осон эмас эди. У етук жамоат арбоби эди. Сўнгги марта Лондонда бўлганимда бекам мени икки бора хурсанд қилди: бир марта у мени театрга юборди – ҳамманинг эс-ҳушини банд қилган раққосани томоша қилдим. Иккинчи марта эса Экстер-Холлга бориб, мистер Годфрининг нуқтини эшитдим. Раққоса оркестр жўрлигида ўйнади. Жентльмен дастрўмол ва бир стакан сув билан нутқ сўзлади. Оёқ ўйини томошасида – одам минди-минди. Нотиклик томошасида ҳам одам минди-минди. Шунга қарамай, нотик жуда камтар, ўта қамсуқум одам экан. У ҳаммани севарди. Одамлар ҳам уни яхши кўришарди. Ана шундай одамнинг олдида Фрэнклин қандоқ қилиб ютиб чиқиши мумкин эди; оддий обрўта эга бўлган, оддий қобилият эгаси бўлган бир одам қандоқ қилиб ундан устун келиши мумкин?

Ўн тўртинчи куни мистер Годфридан жавоб келди. У бекамнинг таклифини қабул қилиб, чоршанбадан (туғилган кундан) жума куни оқшомгача бўлишини айтишга – жума куни аёллар хайрия комитетидаги вазифалари туфайли у шаҳарга қайтмоғи шарт экан. У мактуб ичига шеър ҳам қўшиб юборишти – уни аммаваччасининг шоирона ибора билан аталган “Таваллуд куни”га бағишлашти. Менга айтишларича, тушлик вақтида мисс Рэчель мистер Фрэнклин билан қўшилиб олиб, роса шеърни калака қилишишти, мистер Фрэнклиннинг томонида бўлган Пенелопа эса менадан тантанавор оҳангда: “Бу тўғрида нима деб ўйлайсиз”, деб сўради.

– Мисс Рэчель сени бошлаб чалғитишти, жонгинам, – деб жавоб бердим. – Сен бунинг фарқига етмабсан. Лекин мени алдаш осон эмас. Мистер Эблўайтнинг шеърларидан кейин мистер Эблўайтнинг ўзи пайдо бўлгунча, шошмай тур.

Қизим жавоб бериб, шоир шеърларининг орқасидан етиб келгунча мистер Фрэнклин бахтини синаб кўриши мумкин эди. Эътироф этишим керакки, мисс Рэчелнинг кўнглини олиш учун мистер Фрэнклин ҳақиқатан ҳам бирон имкониятни фойдаланмасдан қолдирмади.

Мистер Фрэнклин мен умримда учратган энг ашаддий кашандалардан бири эди. Аммо шунга қарамай, мисс Рэчель бир гал унинг кийимигача сингиб кетган тамаки ҳидига тоқати йўқлигини айтиши биланоқ мистер Фрэнклин чекишни ташлади. Чекишни ташлаб, тамакининг ўрганиб қолган оромбахш таъсиридан маҳрум бўлгач, у тузукроқ ухламайдиган бўлиб қолди. Бунинг оқибатида у ҳар куни эрталаб ўта кайфиятсиз кўринишда шунақа толиққан аҳволда ётоғидан чиқар эдики, мисс Рэчелнинг ўзи буни кўриб чекишда давом этаверишини илтимос қилди. Қаёқда дейсиз! Модомики, унинг чекиши мисс Рэчелга лоақал бир дақиқа нохуш кайфият бахш этар экан, у зинҳор-базинҳор сигаретни қайтиб оғзига олмайди. У қатъий равишда ўзининг ёмон одатига

қарши кураш олиб борди ва эртами-кечми иродаси ва бардошининг кучи билан йўқотган уйқусини яна топиб олади. Сиз айтишингиз мумкинки — бунақа садоқат мисс Рэчелга муайян тарзда таъсир этмай қолиши мумкин эмас. Яна бунинг устига бу садоқат ёнига кундалик эшик бўяшлар қўшилиб турган бўлса... (Пастда хизматкорлар хонасида ҳам шуни гапиришарди.) Буларнинг ҳаммаси чакки эмасу, аммо қизнинг ётоғида мистер Годфрининг суврати осийлик турарди. Бу сувратда унинг хайрия мигинида нутқ сўзлаётгани тасвирланган бўлиб, ўзининг сўзамоллигидан юзлари лов-лов ёниб турар, кўзлари ҳам чарақлаб, ажиб бир тарзда чўнтагингиздаги пулни суғуриб олаётгандай эди. Хўш, сиз бунга нима дейсиз? Пенелопанинг ўзи менга айтди — ҳар куни эрталаб сувратдаги эркак кўзларини лўқ қилиб, мисс Рэчелнинг сочларини тортаётганини кўриб турар экан. Орадан кўп ўтмай, сувратдаги эмас, ҳаётдаги мистер Годфрининг ўзи буни кузатиб турадиган бўлади — менинг фикрим шундай эди.

Ўн олтинчи июн куни мистер Фрэнклиннинг аввалги умидларини анча сусайтирган бир воқеа рўй берди.

Шу куни эрталаб уйимизга бир нотаниш жаноб келди. У инглизча гапирар, аммо гапининг оҳангидан ажнбайлиги билиниб турарди. Бу одам қандайдир иш юзасидан мистер Фрэнклинни кўрмоқчи эканини айтди. Бу иш қуйидаги икки сабабга кўра олмога алоқадор бўлиши мумкин эмас эди: биринчидан, мистер Фрэнклин менга бу ҳақда ҳеч нарса дегани йўқ; иккинчидан, у келган жаноб тўғрисида (у жўнаб кетгандан кейин) миледига айтди. Миледи бу тўғрида қизига ҳам шишпитган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳам, гап-сўзларга қараганда, ўша куни кечқурун фортепьяно чалишаётган вақтда мисс Рэчель мистер Фрэнклинга у алоқа қиладиган галатироқ одамлар муносабати билан, шунингдек, чет элда ўзлаштириб олган баъзи қилмишлари тўғрисида анча жиддий танбеҳ берилгн. Эртаси куни биринчи марта эшик бўяшмади. Мен бир нарсадан гумон қила бошладим — мистер Фрэнклиннинг қитъадаги бирон-бир ноҳўя ҳаракати (аёллар масаласидами ё пул-мул қарз олганми) бу ерда Англияда анча ноҳуш оқибатларга олиб келган бўлиши мумкин. Аммо буларнинг бари тахмин, холос. Бу масалада мистер Фрэнклингина эмас, миледи ҳам менга ҳеч нарса демади.

Ўн еттинчи куни, афтидан, булут яна тарқаб кетди. Улар яна эшик борасидаги ишларини давом эттира бошлашди. Бир қараганда, улар аввалгидай жуда иноқ дўст эди. Агар Пенелопанинг гапига ишонса, мистер Фрэнклин ярашишлари борасида мисс Рэчелнинг қўлини сўрапти, лекин у на ҳа депти, на йўқ депти. Менинг қизим амин эдики (баъзи бир белгилар ва ишораларга қараб шундай деяпман — уларни айтиб бошингизни қотириб ўтирмайман), унинг бекаси мистер Фрэнклиннинг таклифи жиддий эканига унча ишонмаганидан аниқ жавоб беришдан ўзини олиб қочган, кейин эса шундай қилганига ичида пушаймон бўлган. Ёш бекалар, одатда, оқсочларини унча ўзларига яқин тутмайдилар. Мисс Рэчель бунга хилоф равишда Пенелопани ўзига анча яқин тутган, чунки улар болаликдан бирга тарбия кўришган, лекин шунга қарамай, мисс Рэчель анча писмиқ бўлгани учун, Пенелопага ҳамма сирини айтган эмас. Бу гал қизимнинг менга айтгани, менинг гумонимча, ҳақиқатда эшитган гапи эмас, хаёлида гавдаланган гаплар бўлса керак.

Ўн тўққизинчи куни янги бир воқеа рўй берди. Бизникига доктор келди. Уни бир аёлга дори ёзиб бериш учун чақиришган экан. Бу аёлни мен мазкур ҳикоямнинг ўтган саҳифаларида сизга таништирган эдим — у бизнинг иккинчи оқсочимиз Розанна Спирман эди.

Билқиллама қумларда мени кўп ҳайратга солган бу жувон ҳикоя қилинаётган воқеалар давомида ҳам мени яна бир неча бор ажаблантирди. Пенелопанинг дугонасининг мистер Фрэнклинни яхши кўриб қолгани ҳақидаги фикри (менинг буйругимга биноан қизим буни қаттиқ сир тутарди) менга аввалгидек ақл бовар қилмайдиган бўлиб туюларди. Аммо айтишим керакки, иккинчи оқсочимизнинг хулқ-атвори ҳаддан ташқари жумбоқли бўлиб қолди.

Қиз ҳар қадамда мистер Фрэнклинга рўпара келиб қолаверарди — буни муғамбирлик билан киши билмас қилса-да, рўпара келаверарди. Мистер Фрэнклин мушукка қанча эътибор берса, унга ҳам шунча эътибор берарди:

Розаннанинг бадбашара юзига қараш бирон марта унинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Шўрлик жувоннинг ишгаҳаси шундоқ ҳам тузук эмас эди, энди бугунлай йўқолди, кўзларидан эса унинг тун бўйи ухламай йиғлаб чиққани кўришиб турарди. Бир куни Пенелопа жуда нозик бир нарсани кашф этди – биз бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очганимиз йўқ: Пенелопа Розаннани мистер Фрэнклиннинг пардоз столи ёнида кўриб қолипти. У мисс Рэчель мистер Фрэнклинга совға қилган гулни аста олиб, унинг ўрнига худди шунақа бошқа атир гулни – фақат ўзи узиб олган гулни қўяётган экан. Шундан кейин менинг эҳтиётроқ бўлиш кераклиги ҳақида хайрихоҳлик билан берган маслаҳатимга икки марта кўрслик билан жавоб берди. Бундан ҳам ёмони бу бўлдики, мисс Рэчель гоҳ-гоҳида у билан гаплашиб қолганида унга нисбатан ҳам эҳтиромсизлик қилди.

Миледи бу ўзгаришни пайқаб қолиб, мендан бу тўғрида нима деб ўйлашимни сўради. Мен жувоннинг ёнини олишга ҳаракат қилдим: менимча, унинг саломатлиги бироз чақоқроқ бўлса керак деб жавоб берди. Иш шу билан хотималандики, юқорида айтилганидек, ўн тўққизинчи числода докторга одам юбордик. Доктор жувоннинг асаблари дуруст эмаслигини айтди ва унинг хизматга ярашига шубҳа билдирди. Миледи ҳавони алмаштириш учун уни олисдаги фермаларимиздан бирига жўнатишни таклиф қилди. Розанна кўзида ёши билан шу ерда қолдиришларини сўраб ялиниб-ёлборди. Мен ҳам кўнглим бўшлиқ қилиб, миледига уни яна бир неча муддат шу ерда синаб кўришни маслаҳат берибман. Воқеалар оқимидан маълум бўлдики, – буни ҳадемай ўзингиз ҳам кўрасиз, – бундан ёмонроқ маслаҳатни ўйлаб ҳам топиб бўлмас экан. Кошки эди келажакка назар ташлаб бўлса, унда мен Розанна Спирманни ўз кўлим билан уйдан чиқариб юборган бўлардим.

Йигирманчи куни мистер Годфридан мактуб олдик. У бир иш бўйича отаси билан маслаҳатлашмоқчи экан, шунинг учун Фризинголлда бир кеча тунамоқчи эканини айтибди. Эртаси куни пешиндан кейин тушлиқдан анча олдин у иккита опаси билан бизникига отлик келиши керак эди. Мактуб билан бирга хитой чиннисидан ишланган жуда чиройлик қутичани мисс Рэчелга совға қилиб юборибди ва унга муҳаббат билан энг яхши тилақларини йўллапти. Мистер Фрэнклин унга чинни қутидан икки баравар арзон турадиган оддийгина медальон совға қилган эди. Шундай бўлса-да, – аёлларнинг ўжарлигини биласиз-ку – қизим Пенелопа мистер Фрэнклинга бахт кулиб боқишини башорат қилмоқда.

Худоба шукр, биз ниҳоят туғилган куннинг арафасига етиб келдик. Ўзингиз тан олинг, бу гал мен сизни йўлларда унча чалғитмай, манзилга олиб келдим. Кейин шодланаверинг – мен сизни янги боб билан хурсанд қиламан. Бу бобда воқеанинг туб моҳияти очилади.

9 - б о б

Йигирма биринчи июнда – мисс Рэчелнинг туғилган куни эрталабдан осмоннинг қовоғи солиқ эди, аммо тушга бориб ҳаво бутунлай очилиб кетди.

Биз – хизматкорлар бу қутлуғ кунни, одатдагидек, мисс Рэчелга арзимас совғалар беришдан бошладик, мен эса хизматкорларнинг бошлиғи сифатида ҳар йили қиладиганимдек нутқ сўзладим. Мен нутқ сўзлаганимда, парламентни очишда қиролича қўллайдиган усулга амал қиламан, яъни ҳар йили гапни гапираман. Менинг нутқимни (худди қироличанинг нутқи каби) ҳам аввалига гўё умрларида ҳеч қачон эшитмаган алламбало бир нарсасек бетоқатлик билан кутишади. Аммо нутқимда мутлақо янги гап йўқлиги маълум бўлгач, тингловчилар бироз норози бўлишади-ю, янги йилда бирон янги гап эшитиш умидида тинчланишади. Бундан шундай хулоса чиқадики, парламентни ҳам, ошхонани ҳам бошқариш қийин эмас.

Нонушгадан кейин мистер Фрэнклин Ойтош тўғрисида мен билан махфий кенгаш ўтказди: уни Фризинголь банкдан олиб, миссис Рэчелнинг ўз қўлига топшириш фурсати етган эди.

Мистер Фрэнклин яна мисс Рэчелга муҳаббат изҳор этишга уриниб кўриб, ундан рад жавоби олганми ёки узоқ давом этган уйқусизлик унинг

табиатидаги ғалати зиддиятларни ва мужмалликни кучайтирганми — мен билмайман. Фақат мистер Фрэнклин туғилган куни эрталаб яна бир бор ўзини ноқулай аҳволга солиб қўйди. У олмос масаласидаги ниятини йигирма мартача ўзгартирди. Мен ўз томонимдан сизга маълум олдий фактларга таянмоқда эдим. Олмос масаласида миледини безовта қилишимиз учун асос бўладиган бирон воқеа рўй бергани йўқ, шунингдек, мистер Фрэнклиннинг зиммасига олмосни мисс Рэчелга топшириш вазифасини юклаган қонуний васиятни бекор қилиш учун ҳам ҳеч қандай асос йўқ эди. Менинг бу ишга қарашим ана шунақа эди. Гарчи мистер Фрэнклин ўз қарорини кўп марта лаб ўзгартирган бўлса ҳам, охир-пировардида менинг фикримга қўшилишга мажбур бўлди. Биз мистер Фрэнклин нонушгадан кейин отда Фризинголлга бориб, олмосни олиб келади деб қарор қилдик. Балки у қайтишда мистер Годфри ва унинг иккита опаси билан бирга келар.

Шу тўхтамга келгандан кейин, ёш жентльмен яна мисс Рэчелнинг ҳузурига олганди.

Улар эрталаб эшик бўйиш билан банд бўлишди. Пенелопа уларнинг ёнида туриб, уларнинг кўрсатмаси билан бўёқларни қориштириб бериб турди, миледи эса нонушгадан олдин дастрўмолини бурнига тутиб, хонага кириб чиқиб турди (шу куни улар мистер Фрэнклин тошган қўланса бўёқни аямай ишлатишди) ва рассомларни ишдан чалғитишга беҳуда уринди. Соат учларга бориб, улар пешбандларини ечиб, Пенелопага жавоб беришди (Пенелопа шўрлик бўёқнинг сассигидан ҳаммадан кўпроқ абгор бўлган эди) ва юзу қўлларисидаги бўёқ теккан жойларни ювиб тозалашди. Аммо улар мақсадларига эришдилар — туғилган кунга эшикни бўяб тугатишди ва бу ишларидан кўнглилари тоғдай кўтарилди. Қўшлар, фаришталар ва ҳоказолар, эътироф этишим керак, кўринишга жуда чиройлик чиққан эди, аммо улар шу қадар кўп эди, гуллар ва нақшлар билан шунақа аралашиб кетган эдики ва яна туриш тарзлари шунчаки ясама эдики, сиз уларни томоша қилиб бўлганингиздан кейин фаришталар зеҳнингизга ўтиришиб қолиб, бир неча соатга қадар кўнглингизни беҳузур қилиб турарди. Агар мен бу гапларга эрталабки иш тугагандан кейин Пенелопа ошхонада кўнгли беҳузур бўлди деб илова қилсам, буни мутлақо сассиқ бўёқни ёмон кўрганимдан қилаётганим йўқ. Йўқ! Асло! У қуриши биланоқ сасишдан тўхтади. Агар санъат шундай қурбонлар талаб қилса, Пенелопа менинг қизим бўлса ҳам атай, майли, санъатга қурбон бўлайлик.

Мистер Фрэнклин апил-тапил овқатланди-да, Фризинголлга йўл олди — миледига холаваччаларимни олиб келаман деди, фақат икковимиз билганимизча, Ойтошни олиб келмоғи даркор эди.

Бу кун мен буфетнинг ёнида туриб, тушлик вақтида ҳар хил фармойишлар бериб турадиган тантанали кунлардан бири эди. Шунинг учун мистер Фрэнклиннинг йўқлигида ўйларимни ўйлаб олишим мумкин. Шаробларни тахт қилиб, тушлик вақтида хизмат қилиши керак бўлган эркак-аёл хизматкорларни кўздан ўтказиб, меҳмонлар келиб улурмасдан фикрларимни жамлаб олиш учун ўз хонамга йўл олдим. Тўйгунча бир тортиб, — нималигини биласиз, — китобни қўлга олдим-да, (қайси китоблигини ҳам биласиз, чунки юқоридаги саҳифалар давомида мен уни бир-икки зикр этганман) руҳан ҳам, жисмонан ҳам анча ором олдим. Ухлаб қолганим йўғ-у, хаёлга чўмиб кетибман — туёқ товушларидан хушёр тортдим. Кейин чиқиб суворийларни қарши олдим. Улар мистер Фрэнклиндан, мистер Годфридан, унинг иккита опасидан ва уларни кузатиб келган хизматкордан иборат эди.

Мистер Годфрини кўриб ҳайрон қолдим-у, бир жиҳатдан мистер Фрэнклинга ўхшарди — унинг ҳам кайфияти йўқ. У одатига кўра хушмуомалалик билан қўлимни қисди-да, эски қадрдони Беттережни соғ-омон кўраётганидан ғоят мамнун эканини айтди. Аммо негадир тундроқ эди. Бунинг сабабини топа олмадим. Ундан отасининг саломатлигини сўраганда ҳам лўндагина жавоб қилди:

— Ҳар доимдагидек, Беттереж!

Лекин мисс Эблъяйтларнинг иккови ҳам ўн кишига етарли даражада қувноқ эдилар. Шу билан вазият тиклангандай эди. Улар ҳам худди укаларидек барваста, новча, сариқ сочли, қизил юзли жувонлар эди. Ўзлари ҳам тўладан

келган, юзларидан қон томади. Хуллас, вужудларидан саломатлик ва хушнудлик ёғилади. Уларнинг тагида шўрлик отларнинг беллари эгилиб кетибди. Улар бировнинг кўмаклашишини кутмай, эгардан сакраб ерга тушганларида, ишонаверинг, худди резинка коптокдек қапчиб кетдилар. Мисс Эблўайтларнинг оғзидан чиққан ҳамма гапи “О!” деган хитобдан бошланади, улар нимаики қилишса, шовқин-сурон билан қилишади, жиндай баҳона бўлса бас – лозим ўринда ҳам, нолозим ўринда ҳам ҳиринглашиб, шовқин кўтаришади. Мен уларнинг номини “вайсақи” қўйиб олдим.

Бу жувонлар кўтарган тўс-тўполондан фойдаланиб, мен даҳлизда мистер Фрэнклин билан бир-икки оғиз гаплашиб олдим.

– Олмосни эсон-омон олиб келдингизми, сэр?

У бош ирғаб “ҳа” деди-да, суртугининг кўкрак чўнтагига қўли билан шапатилаб қўйди.

– Ҳиндларни кўрдингизми?

– Биронтасини ҳам кўрмадим.

Шу жавобни бергач, у миледини сўради ва унинг кичкина меҳмонхонада эканини эшитиб, тўғри ўша ёққа йўл олди. У ерга кирганига бир дақиқа ҳам ўтмай эшикнинг қўнғироғи жаранглади ва Пенелопа мисс Рэчелга мистер Фрэнклин Блэк у билан гаплашиш ниятида эканини айтди.

Шундан кейин ярим соатча ўтгач, даҳлиздан ўтиб боратуриб, кичкина меҳмонхонадан келаётган хитобларни эшитиб турган жойимда тақа-тақ қотиб қолдим. Йўқ, мен кўрқиб кетдим, деб айта олмайман – бу хитобларда мисс Эблўайтларнинг севимли “О” деган нидоси қулоғимга чалингандай бўлди. Шундоқ бўлса ҳам, мен (тушлик масаласида қанақа фармойишлар борлигини билиш баҳонасида) нима бўлганини билмоқ учун ичкарига кирдим.

Меҳмонхонада стол ёнида мисс Рэчель қўлида полковникнинг машғум олмоси билан лол қолгандай қотиб турарди. Унинг ўнг ва сўл томонида тиз чўккан ҳолда кўзлари билан қимматбаҳо жавоҳирни еб қўйгудек бўлиб, вайсақилар туришарди. Ҳар гал олмос жилоланиб ярқираганида, улар завқдан қийқириб юборишарди. Уйда столнинг нариги томонида мистер Годфри турарди. У боладай қўлларини икки ёнига ёйиб, ўзининг оҳангдор овози билан аста такрорларди:

– Беназир! Беназир!

Мистер Фрэнклин филофнинг ёнида ўтирганича, ўзининг соқолини тортиқларди ва хавотир ичида деразага қараб-қараб қўярди. У қараган томонда – дераза олдида эса ҳаммага орқа ўтирганча миледи ўтирарди. У қўлидан полковникнинг васиятидан олинган кўчирмани ушлаб олганди.

Тушлик масаласида қандай фармойишлар борлигини сўраганимда у мен томонга ўтирибди. Шунда мен унинг пешонасидаги ажини ва лабларини ўжарлик билан қимтиб олганини кўрдим.

– Ярим соатдан кейин менинг хонамга кириг, – деб жавоб берди у. – Сизга айтадиган гапларим бор.

Шу гапни айтиб, у меҳмонхонадан чиқди. Кўриниб турибдики, мистер Фрэнклин билан мени Билқиллама кумлардаги маслаҳатимиз пайтида чулғаб олган гумонлар ҳозир бекамнинг ҳам юрагини ўртамоқда эди. Ойтошнинг васият қилинишида қандай маъно бор? Ёки у акасига нисбатан шифқатсиз ва адолатсиз муносабатда бўлганми? Ёки унинг акаси миледи ўйлагандан кўра ҳам ёмонроқ эдимми? Миледи жуда жиддий масалани ҳал қилмоғи керак эди, ҳолбуки унинг кизи полковникнинг характери ҳақида ҳеч нарса билмаган ҳолда қўлида унинг совғаси билан турарди.

Ўз навбатида мен ҳам меҳмонхонадан чиқиб ултурмасимдан, мисс Рэчель туғилган кундан бери шу хонадонда хизмат қилувчи кекса хизматкорга ҳамиша эътибор билан қараган ёш бекам мени тўхтатди:

– Буни кўринг, Габриэль, – деди у ойдан тушаётган нур шуъласида ярқираётган олмосни кўрсатиб.

Ё Парвардигор! Ҳақиқий олмос шунақа бўлар экан-да! Лойхўракнинг тухумидай келади-я! Ундан таралаётган нур тўлин ойнинг нурига ўхшарди. Сиз тошга қарайдиган бўлсангиз, унинг зарҳал ичи кўзларингизни ўзига шундай тортиб олардики, бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолардингиз. Унинг

теранлиги беулчовдай эди, бош бармогингиз орасига олиб, ушлаб туришингиз мумкин бўлган шу тош ҳудудсиз осмондай тубсиз эди. Аввал у кўёш нурида ётди. Шунда у қоронгида ойдек нур тарата бошлади. Не ажабки, мисс Рэчель унга мафтун бўлган эди. Не ажабки, унинг холаваччалари ҳадеганда завқдан қийқиришиб юборишарди. Олмос мени ҳам шу даражада эс-ҳушимни олиб кўйдик, мен ҳам беихтиёр вайсақиларга ўхшаб, “О!” деб хитоб қилиб юбордим. Ёлғиз мистер Годфригина ўзини йўқотиб қўйгани йўқ. У опаларининг белидан кучди-да, гоҳ олмосга, гоҳ менга қараб, деди:

– Кўмир, Беттереж! Оддий кўмир, қадрдон дўстим.

Менимча, у мени маърифатли қилиш мақсадида шундай деди. Бироқ бу гап менинг эсимга тушликни туширди, холос. Мен пастга ўзимизнинг одамлар томонга кетдим. Чиқиб кетаётганимда мистер Годфрининг гапи қулоғимга чалинди.

– Ажойиб чол-да Беттереж! Мен уни чин юракдан ҳурмат қиламан.

У менга ўзининг яхши муносабатини ифодалаб, шу сўзларни айтар экан, опаларининг белидан кучиб турар ва мисс Рэчелга меҳр тўла нигоҳ билан қараб-қараб кўярди. Ҳақиқатан ҳам, унинг қалби муҳаббатга тўлиқ эди. Унинг олдида мистер Фрэнклин ҳақиқий ёввойи одамга ўхшаб қоларди.

Ярим соат ўтгандан кейин менга буюрилгандай, миледининг хонасига кириб бордим.

Шу кун оқшом мен билан бекам ўртасида содир бўлган гап-сўзлар мистер Фрэнклин билан менинг ўртамда Билқиллама қумларда содир бўлган гап-сўзларнинг айнан ўзи эди. Фақат фарқи шунда бўлдики, мен кўзбойлоқчилар ҳақида оғиз очмадим, чунки ҳозирча бу масалада миледини хавотирга солиш учун асос берадиган ҳеч воқеа бўлгани йўқ. Бекам менга жавоб берганида мен шуни пайқадимки, миледи полковникнинг ниятларига жуда ёмон тус берапти ва у ўнг келиши биланоқ, қизидан Ойтошни олиб қўймоқчи бўляпти.

Ўз хонасига қайтаётиб, мистер Фрэнклинни учратдим. У мендан мисс Рэчелни кўрган-кўрмаганимни сўради. Йўқ, мен кўрганим йўқ. Мистер Годфрининг қаерда эканини айтолмайсизми? Йўқ, айтолмайман. Лекин дарров кўнглимдан ўтди – Мистер Годфри мисс Рэчелнинг теварак-атрофида бўлса керак, кўп ҳам ундан узоқда эмасдир. Мистер Фрэнклин ҳам худди шу фикрга келди, шекилли. У куч билан соқолини тортқилади-да, кутубхонага кириб, эшикни қарсиллатиб ёпиб олди. Бунда катта маъно бор эди, албатта.

Меҳмонларни кутиб олиш учун ясаниш вақти етиб келмагунча, мени тушликка тайёргарлик ишларидан чалғитишмади. Оқ жилетимни кийиб улпурмасимдан Пенелопа кириб келди. Баҳонани қаранг – бошимда қолган яккам-дуккам соч толаларини тараб, бўйинбоғимнинг тугунини тўғрилаб қўйгани келганмиш. Қизимнинг жуда ҳам кайфи чоғ эди. Сезиб турибман, менга нимадир демоқчи. Ниҳоят, у тепакалимдан ўтди-да, қулоғимга шивирлади:

– Янгилик, отажон! Мисс Рэчель рад этди.

– Нимани? Кимга?

– Аёллар комитетининг аъзосига йўқ деди, – деб жавоб берди Пенелопа.

– Роса муғамбир экан-да! Мистер Фрэнклинни сиқиб чиқармоқчи бўлгани учун уни жинимдан баттар ёмон кўрдим.

Агар мен шу дақиқада эркинроқ нафас олиш имконига эга бўлганимда машҳур одамшинаванда ҳақида шунақа ибосиз ибораларда гапиргани учун қизимни койиб берардим. Аммо шу дақиқада қизим бўйинбоғимнинг тугунини боғлаётган эди ва унинг бутун кучи шу тобда бармоқларига кўчганди. Мен умримда ҳеч қачон шу қадар бўғилиб қолай демагандим.

– Ўзим кўрдим, мистер Годфри уни гулзор томонга бошлаб кетди, – деб жавбарди Пенелопа. – Уларнинг қандай қайтишларини кўриш учун йўғон бир дарахтнинг панасига беркиниб олдим. Улар бир-бирларининг қўлларини ушлаб, чақ-чақ қулишиб кетишганди. Қайтишда эса алоҳида-алоҳида бўлиб, мум тишлагандай, бир-бирларига қарамай келишди. Сира адашиш мумкин эмас. Мен умримда ҳеч қачон бунақа хурсанд бўлган эмас эдим, отажон! Мистер Годфри Эблўайтнинг жозибали қаршида ўзини тутиб тура оладиган лоақал битга аёл бор экан-ку дунёда! Агар мен аёлзода хоним бўлганимда, иккинчиси бўлардим!

Бу гапдан кейин яна қизимни койигим келди. Аммо шу чоқда қизим қўлига чўткани олди-ю, унинг бармоқларидаги барча кучи чўткага ўтди. Агар сиз кал бўлсангиз, қизим мени қанчалар тимдалаганини яхши тушунасиз. Агар борди-ю, кал бўлмасангиз, бу сатрларни ўқимамай ўтказиб юборинг-да, бошингизнинг териси билан чўтка орасида ҳимоянгиз борлиги учун худога шукрлар қилинг.

– Мистер Годфри дарахтнинг нариги томонида тўхтади, – деб давом этди Пенелопа. “Гўё ҳеч нарса рўй бермагандек, сизларникида қолаверсам, сизга малол келмайдими?” – деди у. Мисс Рэчель унга чақмоқдай тез ўтирилиб қаради. “Сиз бу ерга онамнинг таклифи билан келансиз, – деди у, онамнинг меҳмонлари билан биргасиз. Уйда оргиқча гап-сўз кўзгалишини истамасангиз, албатта, бу ерда қоласиз”. Мисс Рэчель бир неча қадам қўйди-да, кейин бироз юмшагандек бўлди. “Бўлган гапни унутайлик, мистер Годфри, – деди у, – қариндошлигимизча қолайлик”. У мистер Годфрига қўлини узатди, у қизнинг қўлидан ўпди – назаримда, бу ўринсиздек эди. Кейин у кетди. Мистер Годфри бошини қуйи солганча, пошнаси билан кумда чуқурча қазиб туриб қолди. Умрим бино бўлиб, мен бунақа қаттиқ хижолат бўлган одамни кўрмаган эдим. “Жуда ноқулай бўлди! – деди у тишларини қистанича. Кейин бошини кўтарди-да, уй томон йўл олди. – Жуда ноқулай бўлди!” Агар бу гапни ўзининг аҳволи ҳақида айтган бўлса, у мутлақо ҳақ эди. Албатта, анча ноқулай бўлди-да! Лекин, отажон, шунақа бўлишини мен сизга аллақачон айтган эдим! – деб қичқирди Пенелопа сўнги марта бор кучи билан чўткани ишга солиб. – Ҳақиқийси – бу мистер Фрэнклин!

Мен чўткани қўлимга олдим-да, қизимга танбеҳ бериш учун оғиз жуфтладим. Ўзингиз кўриб турибсиз – қизимнинг гапи ҳам, қилиқлари ҳам жуда танбеҳбоп эди. Аммо мен бир нарса деб улгурмай, гилдирақлар овози эшитилди. Меҳмонлар кела бошлаган эди. Пенелопа шу заҳоти гойиб бўлди. Мен фрак кийиб; кўзгута қарадим. Бошим қисқичбақадай қип-қизил эди, аммо бошқа жиҳатлардан қараганда мен кечки маросимга муносиб тарзда яхши кийинган эдим. Биринчи келган икки меҳмонни маълум қилиш учун даҳлизга жуда вақтида чиқдим. Сиз уларга қизиқмай қўяқолинг. Булар мистер Годфрининг отаси билан онаси – мистер ва миссис Эблбуайтлар эди.

10 - б о б

Эблбуайтлардан кейин меҳмонлар бирин-кетин келаверди. Ниҳоят, уларнинг ҳаммаси тўпланиб бўлди. Хўжайинларни ҳам қўшганда, ҳамма йигирма тўрт киши эди. Ҳаммалари стол теварагига ўтиришиб, Фризинголь ректори ўрнидан турди-да, ибодатни бошлаб юборди. Унинг талаффузи жуда яхши эди, шунинг учун бу манзара жуда гўзал кўринди.

Меҳмонларни тасвираб, сизни толиқтирмай қўяқолай. Сиз улардан ҳеч қайсисини иккинчи марта учрагмайсиз. Ҳарҳолда менинг ҳикоям мобайнида улардан фақат икки кишигина иштиради. Улар мисс Рэчелнинг икки ёнида ўтиришарди. Табиийки, мисс Рэчель ўтиришнинг маликаси сифатида ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига тортганди. Бу гал ҳамманинг кўзи одатдагидан кўра кўпроқ унга тикилган эди, чунки унинг кўксига ажойиб совға – Ойтош порлаб турарди. Ойтош ўзининг гўзаллиги билан қолган ҳамма зеб-зийнатлардан ўзиб кетганди. (Бунинг барчасидан миледи ичида ўқиниб ўтирарди.) Ойтошни унга гардишсиз беришган эди, аммо ҳар қанақа ишни дўндириб ташлайдиган мистер Фрэнклин ўзининг эпчил бармоқлари-ю, кумуш сим ёрдамида қизнинг оқ қўйлагига жуда ярашадиган тўнағичга айлангириб берибди. Албатта, ҳамма олмоснинг катталигига ва гўзаллигига қойил қолди. Фақат икки кишигина олмос ҳақида одатдагидан ташқари бир нарсалар деди – бу икки меҳмонни мен юқорида тилга олган эдим – улар мисс Рэчелнинг ўнг ва сўл томонида ўтирган меҳмонлар эди.

Чал томонда ўтирган меҳмон – фризинголлик докторимиз мистер Канди эди.

У жуссаси кичик, ўзи ёқимтой, ҳамма билан тил топишиб кетадиган одам эди, аммо эътироф этишим керакки, битта нуқсонни бор эди; у бўлса-бўлмаса

Ўзининг ҳазилларидан ўзи завқланаверар ва ўйлаб ўтирмасдан нотаниш одамлар билан суҳбатга киришиб кетаверарди. Улфатчиликда ўтирганда у доимий равишда хато устига хато қилаверар ва беихтиёр одамларни бир-бири билан уриштириб қўярди. Табобат ишларида у ўзини жуда эҳтиёт тутарди ва кўпинча шунақа бир туйғуга амал қилардики, (душманларининг сўзларига қараганда), кўпгина оқил докторлар хато қилган жойда, шу туйғу туфайли мистер Канди адашмасди. У мисс Рэчелнинг олмоси ҳақидаги гапини ҳам ўз одатига кўра ҳазил-мутойиба тарзида айтди. У илм манфаатлари йўлида мисс Рэчелдан олмосни ёқишни ўгиниб сўради.

— Биз уни аввал маълум градус иссиқликкача иситамиз, мисс Рэчель, — деди доктор, — кейин унга ҳавони таъсир қилдирамиз. Шундай қилиб, олмосни жиндай-жиндайдан буғлантириб юборамиз-да, сизни шу қимматбаҳо тошни асраш машаққатидан халос этамиз.

Миледи юзида шу қадар ташвишли ифода билан тинглардики, гўё у докторнинг жиддий гапиришини тилаётгандай ва мисс Рэчелда илм йўлида ўз совғасини қурбон қилиш истагани уйғотишга муваффақ бўлишини хоҳлаётгандай эди.

Менинг бекамнинг ўнг қўл томонида ўтирган иккинчи меҳмон машҳур сайёҳ, мистер Мертуэт эди. У Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қилган, ҳатто ҳаётини хавф остида қолдириб, кийимларини ўзгартириб, шу пайтларгача биронта европаликнинг қадами етмаган жойларга ҳам борган эди.

У новча, озгин, қорамағиз, камсухан одам эди. Кўринишидан жуда ҳориганга ўхшар, аммо нигоҳи қаттиқ ва синчков эди. Миш-мишларга кўра, бизнинг юртларимизда одамлар ўртасида оддий турмуш кечириш унинг жонига теккан эмиш ва у Шарқнинг ёввойи мамлакатларини кўмсармиш. Унинг Рэчелга олмос муносабати билан айтган гапини мустасно қилганда, у тушликнинг бошидан охиригача на бирор стакан шароб ичди, на олги огиз гапирди. Унинг диққатини қай бир даражада жалб қилган ягона нарса Ойтош бўлди. Афғидан, бу тошнинг шуҳратини у анча аввал аллақандай хатарли жойларда сафарда юрганидаёқ эшитган бўлса керак. У Ойтошга синчков назар ташлаб, анча вақтгача индамай ўтирди. Бундан мисс Рэчель хижолат чека бошлади. Кейин у қизга ўзининг одатдаги совуққонлиги билан деди:

— Агар сиз қачонлардир Ҳиндистонга борадиган бўлсангиз, мисс Вериндер, тоғанизнинг совғасини ўзингиз билан олиб кетманг. Ҳиндистонда бунақа олмос диний сифинишларнинг омили ҳисобланади. Мен бир шаҳарни биламан. Унда бир ибодатхона бор. Агар сиз шу безагингиз билан ўша шаҳарда пайдо бўлсангиз, беш дақиқа ҳам ҳаёт кечира олмас эдингиз.

Англияда хавф-хатарсиз яшаётган мисс Рэчель Ҳиндистонда бошига тушиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳақида завқ-шавқ билан эшитди. Вайсақилар эса янада завқланишди, улар пичоқ ва вилкаларини ирғитишиб, баланд овозда қийқиришди:

— Вой, бирам қизиқки...

Миледи ўтирган жойида безовталаниб, гапнинг мавзуини ўзгартирди.

Тушлик ўтиб бораётгани сари мен секин-аста шунини пайқадимки, бу галги байрам аввалги йилдагидек унчалик зўр руҳда ўтмаяпти.

Ҳозир тутилган кунни ва кейинроқ рўй берган воқеаларни эслар эканман, бир фикрга келиб қолдим десам бўлади — лаънати олмос қандайдир тарзда ҳамма меҳмонларнинг кайфиятини бузди. Мен меҳмонларга шароб кўйиб бериб турдим ва имгизли шахс сифатида стол тевагаида айланиб, кам тановул қилинаётган овқатлардан ейишга ундаб, меҳмонларга шивирладим:

— Марҳамат қилиб, шунини татиб кўринг. Биламан, бу сизга манзур бўлади.

Ўн ҳолдан тўққизгасида улар кекса дилкаш Беттережга ҳурмат юзасидан (мени шундай деб аташни маъқул кўришганди) овқатларни татиб кўришарди. Лекин, барибир, фойдаси бўлмади. Гап гапга кўшилмади. Мен ўзим ҳам сиқилиб кетдим. Бирорта одам гап бошлаб қолса, гапи жуда ҳам ноўрин чиқарди. Масалан, доктор мистер Канди ноўрин гапларни одатдагидан кўпроқ гапирди. Мен сизларга битта мисол келтирай — мен буфетнинг ёнида туриб, чин юракдан зиёфатимизнинг яхши ўтишини тиласам-да, шунақа гапларни эшитсам, қандай аҳволга тушганимни ўзингиз қиёс қилаверинг.

Тупшиқда иштирок қилаётган аёллар орасида профессорнинг беваси миссис Тридголл ҳам бор эди. Ёши ўтинқираб қолган бу муҳтарам зот тин олмасдан ўзининг марҳум эри тўғрисида гапирарди-ю, лекин бегоналарга унинг аллақачон нариги дунёга рихлат қилганини сира гапирмас эди. Назаримда, бу аёл жиндай саводи бўлган ҳар бир инглиз буни яхши билади деб астойдил ишонарди. Суҳбат ип ташлаб қолган дақиқалардан бирида кимдир куруқ ва анча бежо мавзуни — инсон танасининг анатомиясини тилга олди. Шу лаҳзадаёқ миссис Тридголл марҳум эрининг аллақачон оламдан ўтиб кетгани ҳақида индамай, унинг тўғрисида гап бошлади. Унинг гапига қараганда, профессор бўш вақтларида анатомия билан шуғулланишни яхши кўраб экан. Бахтга қарши унинг рўпарасида ўтирган ва профессорнинг вафот этганидан бугунлай беҳабар бўлган мистер Канди бу гапларни эшитиб қолади. Фавқулудда хушмуомала одам бўлганидан у имкониятдан фойдаланиб, хотини орқали профессорга бекорчиликда анатомия билан шуғулланишга ёрдам бериши мумкинлигини айтади.

— Яқинда жарроҳлик академиясида бир нечта жуда ажойиб скелет олинди, — деди мистер Канди баланд овозда, қувноқ оҳангда. — Хоним, мен профессорга маслаҳат берадим — бўш вақтида бориб кўрсин уларни.

Орага шундай сукунат чўкдики, ҳатто тўғнағичнинг тушиб кетгани ҳам эшитилди. Меҳмонлар (профессорнинг хотирасига ҳурматан.) лом-мим демай ўтиришарди. Мен бу орада миссис Тридголлнинг стули ортида туриб, унга шароб қуйиб бераётган эдим. У бошини қуйи солиб, маҳзун овозда гапирди:

— Менинг севимли турмуш ўртоғим оламдан ўтиб кетган...

Бахтга қарши, мистер Канди унинг гапини эшитмади ва муғлақо гап нимада эканини хаёлига келтирмай, янада баландроқ овозда, аввалгидан ҳам хушмуомалироқ бўлиб давом этди:

— Эҳтимол профессорнинг хабари йўқдир — академия аъзосининг билети билан у яқшанбадан ташқари ҳар куни соат ўндан тўртгача у ерга кириши мумкин.

Миссис Тридголл бошини кашталиқ ёқаси ичига олди-да, аввалгидан ҳам тантанавор сўзларни такрорлади:

— Менинг севимли турмуш ўртоғим оламдан ўтган...

Мен стол орқали мистер Кандига кўз қисиб имо қилдим. Мисс Рэчель унинг кўлини турткилади. Миледи унга ўқрайимо қараб қўйди. Муғлақо бефойда! У шунақа бир очикқўнғиллик билан давом этардики, уни гапдан тўхтатишнинг сира иложи йўқ эди.

— Агар менга профессорнинг манзилини маълум қилсангиз, мен хушнудлик билан унга ўзимнинг ташрифномамни жўнатардим...

— Унинг манзили қабристон, сэр, — деди миссис Тридголл бирдан тоқати тоқ бўлиб ва шунақа ғазаб билан гапига кетдики, ҳатто қадаҳлар зириллади. — Профессор ўн йил аввал қазо қилган.

— Ё парвардигор! — деди мистер Канди.

Вайсақилар хахолаб кулиб юборишди. Аммо бошқа меҳмонлар жуда ўсал бўлишди. Уларни шундай ғам босдики, гўё ҳаммалари ҳам профессорнинг кетидан нариги дунёга жўнашга тайёрдай эдилар.

Етар, мистер Канди ҳақидаги гаплар! Қолган меҳмонларнинг ўзини тутиши ҳам докторникидан қолишмас эди. Гапириш керак бўлганда, улар оғизларига толқон солиб олишарди, гапирадиган бўлсалар ҳар гал гап беўхшов чиқарди. Одатда, минбарда жуда суҳандон бўлиб кетадиган мистер Годфри ҳам хусусий меҳмондорчиликда ўзини кўрсатишга муғлақо уринаётгани йўқ. Гулзордаги мағлубияти алам қилганми ёки жаҳдини чиқарганми — буни айтолмайман. У ўзининг нотиклик ҳунарини ёнида ўтирган хоним учун авайлаб асраб ўтирарди. Бу хоним оиламизнинг аъзоси бўлиб, унинг комитетида иштирок этарди. У ўзи анча муҳтарам зот бўлиб, бўйни жуда ҳам бежирим эди. Бу хоним шампанскийга ўта ҳирс қўйган эди — ўзингиздан қолар гап йўқ — у жуда кўп ичарди. Мен уларнинг орқасида буфет олдида турганим учун шохидлик бериб айтишим мумкинки, уларнинг суҳбатини эшитмай, одамлар кўп нарса йўқотишди. Мен шишаларни очиб бера туриб, қўй гўшгини тўғраб бериб туриб ва ҳоказо, ва ҳоказо ишларни бажаратуриб, уларнинг жуда ибратли суҳбатини

тингладим. Лекин улар хайрия ишлари ҳақида нималар дейишганини эшитганим йўқ. Мен уларнинг гапига қулоқ сола бошлаганимда, улар аллақачон ҳомиладан бўшаган аёллар тўғрисидаги ёки муҳтожликдан қутқариб олинган хотинлар ҳақидаги гапларини тугатиб, бошқа жиддий масалалар ҳақида гаплаша бошлаган эди. Шишани очатуриб, гўштни тўғрайтуриб, уларнинг гапидан шуни англадимки, дин дегани севги деган маънони билдирар экан. Севги эса дин дегани экан. Ер эса бироз эскирган осмон экан. Осмон бироз янгиланган ер экан. Ерда анча-мунча гуноҳкор одамлар яшар экан. Аммо гуноҳларидан фориғ бўлганларидан кейин ҳамма аёллар осмонда катта бир комитетга аъзо бўлар эканлар. Бу комитетда ҳеч ким ҳеч қачон жанжаллашмас экан. Эркаклар эса югурдак фаришталар қиёфасида аёлларнинг ҳар бир хоҳишини бажо келтирар эканлар. Жуда гўзал! Жуда соз! Лекин нима учун мистер Годфри қолган меҳмонларни шундай қизиқ суҳбатдан маҳрум этдийкин?

Сиз балки мистер Фрэнклин меҳмонларни ҳаракатда келтириб, ўлтиришни қувноқроқ қилишга уринган бўлса керак деб ўйларсиз? Анча кайфияти чоғ эди. Менимча, Пенелопа унга мистер Годфрининг гулзорда қандай муомаллага дуч келганини айтган бўлса керак. Аммо у нима тўғрисида гап бошланмасин, деярлик ҳар гал ё бирон ноўрин мавзуни кўзгаб кўярди, ёхуд гапи ўринсиз чиқарди. Оқибатда у кимларнидир таққирлаб, кимларнидир ўйлангириб кўярди. Унинг ажнабий тарбия кўргани, яъни мен юқорида зикр этганим табиатининг французча, немисча ва итальянча жиҳатлари миледиининг сахий дастурхони теварагида жуда ноқулай бир тарзда намоён бўлди.

Масалан, унинг эрлик аёлининг бегона эркакка яхши муомаласи қай даражага етиб бориши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларига нима дейсиз? Бу гапларнинг ҳаммасини у французча зукколик билан Фризинголнинг ҳали турмушга чиқмаган холасига тушунтириб ўтирибди. Ё бунисига нима дейсиз? Меҳмонлар ичида бир заминдор бор эди. У чорвачилик бобида ўзини энг зўр мутахассис деб биларди. Ўтиришда ҳам буқа, урчигишда тажрибаси катталигидан сўзлаб ўтирганди. Мистер Фрэнклин табиатининг немисча жиҳатини намоён этиб, унга, очигини айтганда, тажриба деган нарсанинг ҳеч қанақа қиммати йўқ, буқа урчигишдаги энг зарур нарса шундан иборатки, одам ўзлигига чуқурроқ кириб бормоғи, намунали буқа ғоясини ривож топтирмоғи ва шу йўл билан буқани дунёга келтирмоғи керак деса бўладими! Ниҳоят, унинг куйидаги қилиғига нима дейсиз? Бизнинг графлигимиздан сайланган депутатимиз пишлоқ билан салатга ўтилганда, Англияда демократизмнинг тарқалиши ҳақида суҳандонлик қилаётиб, оғзидан куйидаги гап чиқиб кетди:

— Изн беринг, мистер Фрэнклин, сиздан бир нарсани сўрай: — Агар биз ҳуқуқларимизнинг қадимий ҳимоясидан маҳрум бўлсак, унда бизнинг ихтиёримизда нима қолади? — Бу саволга мистер Фрэнклин итальянча нуқтаи назардан жавоб берди:

— Бизнинг ихтиёримизда уч нарса қолади, сэр: муҳаббат, музыка ва талант.

Мистер Фрэнклин шунақа қилиқлари билан одамларни кўрқитибгина қолмади, балки табиатидаги инглизча жиҳати намоён бўлгач, ўзининг ажнабий сайқалини бутунлай йўқотиб, табиат масалалари ҳақида гапира бошлади. Бунда у ҳамма докторларнинг устидан шунақа кулдизи, ҳатто увовқина мистер Кандининг ҳам газабини кўзгатиб юборди.

Уларнинг орасидаги баҳс шундан бошландики, мистер Фрэнклин — нима муносабат билан эканини ҳозир унутиб қўйдим — сўнгги пайтларда уйқусизлик дардига чалинганини тан олишга мажбур бўлди. Мистер Канди унинг бу гапига жавобан, асабларингиз бузилшти, дарҳол даволанишингиз керак, деди. Мистер Фрэнклин даволаниш билан қоронғида турганини юриш — иккови бир нарса деб жавоб берди. Мистер Канди унинг пичингига ўринли жавоб бериб, дедики, мистер Фрэнклиннинг ўзи қоронғида тимирскиланиб излаб юришти, ҳолбуки фақат дори ёрдамидагина уни топиш мумкин. Унинг зарбасини қайтариб, мистер Фрэнклин ўз навбатида сўқир одам сўқирни етаклаб юришини кўп эшитган эдим, аммо бунинг маъноси нима эканини мана энди биринчи марта кўриб турибман, деб жавоб берди. Шундай қилиб, улар гап таллашиб қолиб, бир-бирларини узиб-узиб олишди. Охирида, икковлари ҳам қизишиб кетди. Айниқса, мистер Канди ўз касбини ҳимоя

қилиб, шу даражада тутақиб, миледи аралашинга мажбур бўлиб, баҳсни давом эттиришни ман этди. Воқеалар тақозоси билан мажбуран берилган бу буйруқ меҳмонлар ўртасида қолган-қутган қувноқликка ҳам барҳам берди. Тўғри, вақт-вақти билан гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда гап қўзиб турарди-ю, аммо у икки дақиқадаёқ узиларди. Бу гапларнинг жони йўқдай эди. Алвасти (ёки олмос) меҳмонларни асир этгандай эди. Шунинг учун ҳам бекам ўрнидан туриб, хонимларга эркакларни май ичишга ёлғиз қолдириш ҳақида ишора қилганда, ҳамма ўзини енгил ҳис қилди.

Мен графинларни кекса мистер Эбльўайтнинг олдига (у уй эгасининг ўрнини босмоқда эди) эндигина қатор қилиб териб чиққан ҳам эдимки, айвондан аллақандай товушлар эшитилди. Уларни эшитиб, шу даражада қўрқдимки, бир лаҳзада зодагонларга хос олифта қилиқларимни йўқотиб қўйдим. Биз мистер Фрэнклин билан кўз уриштириб олдик – бу ҳинд ноғорасининг овози эди. Мен қасам ичмоққа ҳам тайёр эдим – уйимизда Ойтош пайдо бўлганидан хабар топиб, кўз бойлоқчилар бизникига қайтиб келишган эди.

Айвонни айланиб ўта бошлаганларида уларни қувиб юбориш учун ошиқдим. Аммо, бахтга қарши, иккита вайсақи мендан олдинроқ ҳаракат қилиб қолди. Улар ҳиндиларнинг фокусларини тезроқ кўриш иштиёқида бир жуфт мушакдай айвонга отилиб чиқишди. Бошқа хонимлар уларга эргашишди. Ниҳоят, эркаклар ҳам айвонга чиқишди. Сиз “тавбангдан кетай” дейишга улгурмасингиздан, муттаҳамлар томошани бошлаб юборишди. Вайсақилар эса аллақачон дўмбоққина болани кучоқлаб, ўпишга киришишган эди.

Мистер Фрэнклин мисс Рэчелнинг ёнига турди, мен эса қизнинг орқасидан жой олдим. Агар бизнинг шубҳаларимиз чин бўлиб чиқса, мисс Рэчель, ҳеч нарсадан беҳабар, қўйлагига қадалган олмосни ҳиндиларга кўрсатди.

Айтолмайман – ҳиндилар нима томоша кўрсатишди-ю, қандай кўрсатишди. Мен тушликнинг ноҳуш ўтганидан ранжиганим ва олмосни ўз кўзи билан кўриш учун жуда вақтида етиб келган муттаҳамлардан газабланганим учун, ростини айтсам, бутунлай ўзимни йўқотиб қўйдим. Эсимда қолган биринчи нарса – Ҳиндистонга саёҳат қилган мистер Мертуэтнинг саҳнага чиққани бўлди. Давра олиб тик турган ё ўтирган меҳмонларни айланиб ўтиб, у хотиржамлик билан кўзбойлоқчининг орқасидан келди-да, тўсатдан улар билан уларнинг тилида сўзлаша кетди.

Билмадим, агарда у ҳиндиларнинг кўксига найза санчганда ҳам улар бундан ортиқроқ қўрқиб кетишармиди, йўқми! Унинг оғзидан чиққан биринчи жумлани эшитиш биланоқ, ҳиндилар яшин тезлигида унга бурилдилар. Бир лаҳза ўтмай улар мистер Мертуэтга бениҳоя хушмуомалалик билан мутеларча таъзим қила бошлашди. Улар билан номаълум тилда бир неча оғиз гаплашгач, мистер Мертуэт қандай хотиржам келган бўлса, яна шундай қайтиб кетди. Тилмоч ролини бажарган бош кўзбойлоқчи яна томошабинларга юз ўтирди. Шунинг сездимки, бу одамнинг жигарранг чехраси мистер Мертуэт билан гаплашгандан кейин бўзариб кетишти. У миледига таъзим қилиб, томоша тутаганини айтди. Ҳаддан ташқари ҳафсалалари пир бўлган вайсақилар баланд овозда “О!” дейишди. Бу хитоб келиб томошани тўхтатиб кетган мистер Мертуэтга қарши қаратилган эди. Бош кўзбойлоқчи қўлини кўксига қўйиб, иккинчи марта томоша тутаганини эълон қилди. Бола қўлида шляпа билан даврани айлана бошлади. Хонимлар меҳмонхонага йўл олишди, эркаклар эса (мистер Фрэнклин билан Мертуэтдан бошқа) майхўрликни давом эттиргани отланишди. Мен хизматкорлардан бирини ёнимга олиб, ҳиндиларни уйимиздан нарироққа жўнатиш мақсадида уларнинг кетидан кетдим.

Бутазор орқали қайтаётим, бурнимга тамаки ҳиди урилди. Шу ондаёқ мистер Фрэнклин билан мистер Мертуэтни кўрдим. (Мистер Мертуэт сигара чекарди.) Улар дарахтлар орасида аста-аста у ёқдан-бу ёққа юришарди. Мистер Фрэнклин менга “бери келинг” деган маънода ишора қилди.

– Бу киши, – деди мистер Фрэнклин мени машҳур сайёҳга таништираар экан, – Габриэль Беттереж. Кекса ходимимиз. Оиламизнинг қадрдони. Унинг тўғрисида ҳозир сизга гапириб турганим. Марҳамат қилиб, ҳозир менга айтган гапларингизни унга ҳам такрорланг.

Мистер Мертуэт оғзидан сигарани чиқариб, одатдаги ҳорғин қиёфада дарахтга суянди.

— Мистер Беттерез, — деб гап бошлади у, — бу учта ҳинди худди сиз билан бизга ўхшаган кўзбойлоқчи...

Бу янгиликни қаранг энди! Табиийки, мен сайёҳдан илгари бу ҳиндилар билан учрашмаганмисиз деб сўрадим.

— Ҳеч қачон! — деб жавоб берди мистер Мертуэт. — Лекин мен ҳинд фокуслари қанақа бўлишини яхши биламан. Бугун сизлар кўрган томоша бошдан-оёқ ҳинд фокусларига беўхшов тақлид, холос. Агар кўп йиллик катта тажрибам мени алдамаётган бўлса, бу одамлар — юқори табақага мансуб браҳманлар. Мен уларга қиёфаларингни ўзгартириб олибсизлар-ку, дедим. Ўзингиз кўрдингиз, бу гапдан улар қаттиқ хижолатга тушишди. Ҳолбуки, ҳиндилар ичларидан нима ўтаётганини яширишга жуда моҳир. Уларнинг хулқ-атворида аллақандай сир бор. Мен уни топа олмаяпман. Улар ўз табақалари қаршисида иккита катта туноҳ қилишган. Биринчидан, денгиздан сузиб ўтишган. Иккинчидан эса, кўзбойлоқчи қиёфасига киришган. Улар яшайдиган мамлакатда бу даҳшатли жиноят ҳисобланади. Бунинг учун жуда жиддий сабаб бўлиши керак. Буни оқлайдиган бирон фавкулудда омил бўлмаса, ватанларига қайтиб борганларида, уларнинг ўз табақаларига қайтадан қабул қилинишлари мумкин бўлмай қолади.

Мен хайратдан донг қотиб қолдим. Мистер Мертуэт сигарасини тутатишда давом этди. Мистер Фрэнклин эса, менга шундай туюлдики, табиатининг турли жиҳатларини омухта қилиб, сукунатни бузди ва ёқимли итальян услубида (унинг заминидagi мустақкам инглиз пойдевори кўриниб турарди) гап бошлади:

— Мистер Мертуэт, бизнинг хонадонимизнинг ишлари сизни унча қизиқтирмаса керак. Бундан ташқари ўзим ҳам хонадонимиз доирасидан ташқарида улар ҳақида гапиришни ёқтирмайман. Шундоқ бўлса ҳам, баъзи оилавий ишларимизни айтиб, сизни ташвишлантиришга журъат қиламан. Чунки сизнинг сўзларингиздан кейин леди Вериндер ва унинг қизининг манфаати йўлида баъзи гапларни айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан. Эҳгимол, бу гаплар жумбоқни ечиш учун калит бўлар. Мен сиз билан мутлақо хуфиёна тарзда гаплашяпман. Буни унутмасиз деб умид қиламан.

Шундай муқаддимадан кейин у машҳур сайёҳга (лўнда французча баён услубига ўтиб) менга Билқиллама қумларда айтган гапларининг ҳаммасини гапириб берди. Ҳатто лоқайдгина кўринган Мертуэт ҳам бу ҳикояга шу даражада қизиқиб қолдики, ҳатто сигараси ўчиб қолганини пайқамади.

— Буларнинг бари тўғрисида тажрибангиз нима дейди? — деб сўради мистер Фрэнклин гапининг охирида.

— Менинг тажрибам шундай дейдики, — деб жавоб берди сайёҳ, — мен ўз ҳаётимда ўлимга кўп дуч келганман. Бироқ сиз, мистер Блэк, ўлимга мендан ҳам яқинроқ рўнара бўлибсиз. Бу гапнинг тагида гап кўп.

Энди ажабланиш навбати мистер Фрэнклинга ўтди.

— Наҳотки, бу шу даражада жиддий? — деб сўради у.

— Менинг фикримча, жуда жиддий, — деб жавоб берди мистер Мертуэт.

— Сиз гапириб берган гаплардан кейин менда заррача шубҳа қолмади — Ойтошни жойига — ҳинд маъбудининг манглайига қайтариш мен сизга айтган бараҳманлар қонунини бузиш учун сабаб бўлган. Бу одамларнинг бардоши мушукникага ўхшайди. Улар шундай бардош билан қулай фурсатни кутишди ва ундан йўлбарсдай шафқатсизлик билан фойдаландилар. Қандай қилиб уларнинг қўлидан омон қолганингизга сира ҳам ақлим етмаяпти, — деб илова қилди машҳур сайёҳ, яна сигарасини ўт олдириб ва мистер Фрэнклинга синчков назар ташлаб. — Сиз, ахир, ёнингизда олмос билан бу ерда ҳам, Лондонда ҳам бемалол юравергансиз. Буни қарангки, ҳамон ҳаётсиз. Буни изоҳлашга уриниб кўрайлик. Менимча, ҳар икки талда ҳам сиз Лондон банкидан олмосни кундуз куни олгансиз? Шундайми?

— Ҳа, — деб жавоб берди мистер Фрэнклин.

— Ўшанда кўчада одам кўп эдимиз?

— Кўп эди.

– Сиз, албатта, леди Вериндернинг ҳузурига келадиган вақтингизни олдиндан белгилаб қўйгансиз, а? Бу ердан станциягача жуда овлоқ жойлар. Сиз белгиланган вақтда келдингизми?

– Йўқ, мен белгиланган муддатдан тўрт соатча олдин келдим.

– Чин қалбимдан табриклайман сизни! Сиз олмосни қачон қайтариб олиб кетдингиз?

– Мен уни бу ерга келганимдан кейин бир соат ўтач қайтиб олиб кетдим. Мени бу ерда кўришлари керак бўлган муддатдан уч соат олдин.

– Сизни яна бир бор табриклайман. Кейин олмосни ёлғиз ўзингиз қайтариб олиб келдингизми?

– Йўқ. Ёнимда амакиваччам билан унинг иккита опаси бор эди. Хизматкорим ҳам бирга эди.

– Ижозат беринг, сизни учинчи марта кулай. Агар сиз қачонлардир бирон ёввойи мамлакат бўйлаб сафар қилмоқчи бўлсангиз, мени бохабар қилинг, мистер Блэк. Мен сиз билан бирга бораман.

Шу ўринда мен гапга аралашдим. Менинг инглизча қарашларим бунақа нарсалар билан келиша олмас эди.

– Наҳотки мистер Фрэнклин имкон берадиган бўлса, ҳиндилар олмосни қўлга киритиш учун унинг жонига қасд қилишарди? Сиз шунақа демоқчимисиз, сэр? – деб хитоб қилдим мен.

– Сиз чекасиз-а, мистер Беттерез? – деб сўради сайёҳ.

– Ҳа, чекаман, сэр.

– Трубкангизнинг тагида қоладиган кулни жуда ҳам авайлайсизми?

– Сира ҳам авайламайман, сэр.

– Бу одамлар истиқомат қиладиган мамлакатда инсон ҳаёти сизнинг трубкангиздаги кулча ҳам қадрга эга эмас. Агар улар мингта одамни ўлдириш эвазига олмосни қайтариш мумкин деб ўйласалар ва бу одамларни бежазо ўлдиришлари мумкин деб ўйласалар, сира иккиланмай шунча одамни ўлдириб юборишарди. Табақадан воз кечиш Ҳиндистонда жуда жиддий иш, бировнинг ҳаётини қурбон қилиш эса оддий нарса.

Бунга жавобан мен, улар халқ эмас, ўғри ва қотиллар тўдаси, дедим. Мистер Мертуэт улар жуда ғаройиб халқ деган фикрни айтди. Мистер Фрэнклин ҳеч нарса деб билдирмади-ю, бизни асосий масалага қайтарди.

– Улар Ойтошни мисс Вериндернинг кўйлагига кўришди, – деди у. – Энди нима қилмоқ керак?

– Амакингиз қилмоқчи бўлган ишни қилиш керак, – деб жавоб берди мистер Мертуэт. – Полковник Гернкастль қанақа одамлар билан иш юритаётганини тушунган. Эртага олмосни бир неча одамнинг соқчилигида Амстердамга юборинг. Уни майдалаб, олти бўлакка бўлишсин. Шунда Ойтошнинг муқаддаслиги тугайди. Сизлар ҳам бошингиздаги хавф-хатардан қутуласиз.

Мистер Фрэнклин менга ўтирилди.

– Начора? – деди у. – Биз эртагаёқ леди Вериндер билан гаплашмоғимиз керак.

– Бугун-чи, сэр? – деб сўрадим мен. – Ҳиндилар қайтиб келса нима бўлади?

Мистер Фрэнклин бир нарса деб оғиз очишга улурмай, мистер Мертуэт менга жавоб берди.

– Ҳиндилар бугун қайтишга журъат қилолмайдилар, – деди у. – Улар ҳеч қачон ишнинг осон кўчадиган йўлидан боришмайди. Айниқса, бунақа ишда. Ахир, ҳар қандай арзимас хато уларнинг мақсади учун ҳалокатли бўлиши мумкин.

– Бу муттаҳамлар сиз ўйлагандан кўра довиюракроқ бўлса-чи, сэр? – деб сўрадим мен.

– Ундай бўладиган бўлса, итларни бўшатиб юборинг, – деди Мертуэт, – Ҳовлингизда катта итлар борми?

– Иккита бор, сэр. Булдог билан този.

– Етарли. Бундай ҳолларда, мистер Беттерез, булдог билан тозининг битта катта фазилати бўлади: улар инсон ҳаётининг дахлсизлиги ҳақидаги сиздаги хурофотдан холи бўлишди.

У менга қарата сўнги ўқини узганида меҳмонхонадан таралаётган фортепьяно овозлари кулоғимизга чалинди. У сигарасини улоқтирди-да, хонимларнинг ёнига қайтиб бориш учун мистер Фрэнклинни қўлтиқлади. Уларга эргашиб, уй томонга борар эканман, ҳаво айнаётганини, осмонни булутлар қоплаётганини кўрдим. Мистер Мертуэт ҳам буни пайқади. У менга қаради-да, ўзининг одатдаги қуруқлиги билан истехзо аралаш деди:

– Ҳиндларга бугун кечаси зонтик керак бўлади, мистер Беттереж! Унга осон – ҳазил қилаверади. Лекин мен машҳур сайёҳ эмасман, умримни ҳар хил олис мамлакатларда ўғрилару қотиллар орасида ҳар қадамда хавфу хатарларга рўпара келиб ўтказган эмасман. Мен ўз хонамга кириб, ўзимнинг ўриндиғимга ўтирдим. Аъзойи баданимни тер босган эди. Шу аҳволда ноумид кайфиятда ўз-ўзимга “Энди нима қилмоқ керак?” деб савол бердим. Вужудини бунақа хавотирлик эгаллаб олса, бошқаларни қалтироқ тутиб қоларди. Мен эса бугунлай бошқача иш қилдим: трубкани тутатдим-да, “Робинзон Крузо”ни кўла олдим.

Беш дақиқа ҳам ўтмасдан бир юз олтмиш биринчи саҳифадаги куйидаги лавҳага дуч келдим:

“Хатардан кўрқиш – кўзимизга кўринадиган хатардан ўн минг баробар кўрқинчлироқдир. Бизга шундай туюладики, бизни безовта қиладиган бахтсизликдан кўра ўшани ўйлаш ташвиши оғирроқдир”.

Шундан кейин ҳам Робинзон Крузога ишонмайдиган одам бўлса, ё унинг миясида бирор нарсаси етишмаган бўлади, ё бунақа одам ҳаддан ташқари ўзига бино кўйган бўлади. Бундай одамга бирон нарса деб гап маъқуллаб ўтиришга арзимайди, яхшиси, гапни қўнғилчанроқ одамга айтиш керак.

Меҳмонларга чой тарқатаётган Пенелопа меҳмонхонадан менинг ҳузуримга бир хабар билан кириб қолганида мен алақачон иккинчи трубкани чекиб бўлиб, ҳамон ўша ажойиб китобдан завқланиб ўтирардим. Пенелопа келаётганда вайсақилар жўр бўлишиб қўшиқ айтишаётган экан. Албатта, уларнинг қўшиғи “О!” дан бошланади. Музыка ҳам шунга мос эди. Қизим миледининг карта ўйинида адашганини пайқабди. Биз илгари ҳеч қачон унинг хато қилганини сезмаган эдик. Қизим машҳур сайёҳнинг бир бурчақда мудраб қолганини кўрипти. Пенелопа мистер Фрэнклиннинг аёллар комитетлари баҳонасида мистер Годфрининг устидан кулганларини, мистер Годфри эса унга бунақа хулқ-атвори комил жентльменга ярашадиган даражада кескин оҳангларда эътироз қилганини ҳам эшитипти. Улар шуни пайқаптики, мисс Речэль, афтидан, мисс Тридголни хотиржам қилиш учун унга сувратлар кўрсатибди, аммо у шу аснода яширинча мистер Фрэнклинга шунақа нигоҳлар ташлаптики, биронта ҳам эс-ҳўшли оқсоч қиз бу нигоҳларнинг маъносини сира адашмай ўқиб олмаслиги мумкин эмас экан. Кейин қизим меҳмонхонадан киши билмас ғойиб бўлиб қолиб, яна киши билмас тарзда қайтиб келган доктор мистер Кандининг мистер Годфри билан хуфиёна гаплашганини ҳам кўрипти. Хуллас, тушлик пайтидаги аҳволга қараб кутишимиз мумкин бўлганига қараганда ишлар анча чатоқ эди. Агар шу аҳволда биз яна бир соатга сабримиз чидаса, вақт деган қария фазтон келтирарди-ю, бизни меҳмонлардан бугунлай халос этарди.

Бу дунёда ҳамма нарса ўтиб кетади. Пенелопа олдимдан чиқиб кетгандан кейин ҳатто “Робинзон Крузо”нинг таскин берувчи таъсири ҳам ўтди. Мен яна хавотирга тушиб қолдим ва ёмғир бошланмасдан аввал ўйнинг теварагини айланиб кўрмоқчи бўлдим. Оддий инсоний бурунга эга бўлган, бинобарин, бирон кутилмаган ҳолатда фойдаси тегиши қийин бўлган хизматкорни бирга олиб ўрнига мен тозани етаклаб олдим. Ҳарҳолда, унинг бурни беронанинг ҳидини тезроқ олиши мумкин эди-да. Биз ўйни айланиб, йўлга чиқдик. Лекин қандай чиққан бўлсак, шундай қайтдик – бирон жойда биқиниб олган инсон зотининг изини кўрмадик. Мен итни занжирлаб қўйиб, бутазор орқали қайтаётиб, меҳмонхонадан чиқиб, менинг олдимга келаётган иккита жентльменимизга рўпара келдим. Булар мистер Канди билан мистер Годфри эди. Улар (Пенелопа менга маълум қилганидек) ҳамон бир-бирлари билан аллақандай галати нарсанинг устидан кулишиб, гаплашиб келишарди. Бу икки одам бир-бири билан иноқ бўлиб қолганига ҳайрон бўлиб қолдим, лекин албатта, уларни сезмагандай ўтиб кетавердим.

Фазтонларнинг етиб келиши гўё ёмғирнинг бошланишидан дарак бергандай бўлди. Бирданига шундай қуйиб бердики, тун билан тўхтамай ёғиб чиқадиган кўринарди. Меҳмонларнинг ҳаммаси усти ёпиқ кареталарда уй-уйларига жўнашди. Фақат докторнинг фазтонигина усти очиқ эди. Мен мистер Кандига бу аҳволда уйга етгунча ивиб кетасиз-ку, дедим. У бўлса менга жавоб бериб: “Хайронман, шу ёшга етибсиз-у, докторнинг терисидан сув ўтмаслигини билмас экансиз”, деди. Ўзининг ҳазилидан ўзи завқланганча, у очиқ фазтонга ўтириб жўнаб кетди. Шундай қилиб, биз тушликка келган меҳмонларнинг ҳаммасидан халос бўлдик. Энди шу кечанинг тарихини ҳикоя қилиб бериш қолди.

11 - б о б

Охирги меҳмон жўнаб кетгандан кейин мен хонага қайтдим ва у ерда Самюэлни кўрдим. У ён томондаги стол олдида туриб, содали сув билан бирга бренди тайёрламоқда эди. Миледи билан мисс Рэчель меҳмонхонадан чиқиб келишди. Уларнинг ёнида мистер Годфри билан мистер Фрэнклин бор эди. Мистер Годфри содали сув қўшилган брендидан ичди, мистер Фрэнклин ҳеч нарса ичмади. У ўтирди. У кўринишидан роса толиққан эди. Афтидан, бугунги тантанали кундаги гап-сўзлар уни қийнаб юборган эди.

Хайрли тун тилаш мақсадида бизга ўтирилган миледи қизининг қўйлагида яқрираб турган бетавфиқ полковникнинг совғасига тикилиб қараб қолди.

— Ё Рэчель, — деди у, — кечаси олмосингни қаерга яшириб қўясан?

Мисс Рэчелнинг кайфияти жуда яхши эди. Одам шунақа кайфи чоғ дақиқаларда арзимас гапларни айтиб, гўё бу гаплар қандайдир жуда теран маънога эгадай, уларга ёпишиб олади. Балки ўзингиз ҳам сезгандирсиз — одатда, кун бўйи кучли кечинмаларни бошидан ўтказган ёш қизлар кун охирлаганда асаблари жунбушга келиб, шунақа аҳволга тушишади. Аввалига мисс Рэчель олмосни қаерга яширишни билмаслигини айтди. Кейин деди: “Албатта, бошқа нарсаларим билан бирга пардоз столига қўяман. Кейин олмос тунда ўз-ўзича нурланиб кетиб, унинг шуъласи қўрқитиб юбориши мумкинлиги хаёлига келди. Кейин даҳлизда турган ҳинди жавончани эслади ва дарҳол ҳинди олмосини ҳинди жавонига яширишга аҳд қилди — майли, Хиндистонда ясалган бу икки гўзал асар бир-бирининг хусн-жамолига тўйсин. Мисс Рэчелнинг жаврашига бардош билан қулоқ солиб турган миледи ниҳоят уни тўхтатди.

— Жонгинам, сенинг ҳинди жавончанг қулфланмайди-ку!

— Вой худойим-эй, онажон! — деб хитоб қилди мисс Рэчель. — Ахир, биз меҳмонхонада эмасмиз-ку! Наҳотки, уйимизда ўғри бўлса!

Қизнинг бу ажабтовур жавобига эътибор бермай миледи жентльменларга хайрли тун тилади-да, кейин мисс Рэчелга ўтирилиб, уни ўпди.

— Олмосингни менга берсанг бўлармиди? Мен тузукроқ яшириб қўярдим, — деди у.

Мисс Рэчелга бу сўзлар малол келди — ўн йил аввал унинг янги қўғирчоғини бериб туришини сўрашганда — унга шундай малол келмаганди.

Миледи бу оқшом қизини гапга киритиб бўлмаслигини тушунди.

— Эрталаб ўрнингдан туришинг биланоқ менинг олдимга кел, Рэчель, — деди у. — Сенга баъзи гапларни айтаман.

Шу сўзлар билан миледи аста юриб хонадан чиқиб кетди. У чуқур хаёл оғушида эди. Афтидан, уни чулғаб олган хаёллардан миледининг ўзи ҳам мамнун эмас эди.

Унинг кетидан мисс Рэчель ҳам хайрлашди. Аввалига у мистер Годфрининг қўлини қисди. Мистер Годфри залнинг нариги четидан туриб, деворга осиелиқ сувратларни томоша қилмоқда эди. Кейин мисс Рэчель ҳамон бир бурчақда сукут сақлаб ҳорғин ўтирган мистер Фрэнклинга ўтирилди.

Улар ўзаро нимани гаплашганини айтолмайман. Аммо девордаги катта ёғоч рамкага ўрнатилган кўзгунинг олдида туриб, кўзгуда кўрдим — мисс Рэчель ухлагани кириб кетишдан олдин мистер Фрэнклин унга совға қилган медальонни билинтирмай кўкрагидан олди-да, уни жилмайиб туриб, мистер

Фрэнклинга кўрсатди. Унинг табассуми, албатта, қандайдир ғайриодатий нарсани билдирарди. Бу ҳол менинг аввалги ишончимни сусайтиргандай бўлди ва мен, эҳтимол, қизим Пенелопа бекасининг туйғулари масаласида ҳақ бўлиши ҳам мумкин деб ўйлай бошладим.

Мисс Рэчель унинг кўзларидан сал-пал нари бўлиши биланоқ, мистер Фрэнклин мени ҳам кўрди. Унинг тез-тез ўзгариб турадиган феъл-атвори ҳиндилар масаласида ҳам ўзгариб ултурган эди.

— Беттереж, — деди у, — бутазорда гаплашган пайтимизда мистер Мертуэтнинг гапларига ҳаддан ташқари катта қиммат бериб юборибманми, дейман. Қизиқ, у бизга ҳам одатда сайёҳатчилар мақтаниб айтадиган олди-қочди гаплардан гаширмадимикин? Наҳотки, сиз чиндан ҳам итларни ечиб юбормоқчи бўляпсиз?

— Мен уларни занжирдан бўшатиб юбораман, сэр, — деб жавоб бердим мен. — Агар улар бирор бегонанинг исини олиб қолишса, кечаси билан кўнгилларига сиққунча югуриб чиқишсин, майли.

— Бу яхши, — деди мистер Фрэнклин. — Унақа бўладиган бўлса, эртага нималар қилишимиз аниқ бўлади. Бирон жиддий сабабсиз мен аммамни бекорга кўрқитмоқчи эмасман, Беттереж. Хайрли тун!

У мен билан бош ираб хайрлашиб, юқорига чиқиш учун қўлига шам олганда шу қадар ҳорғин ва ранги оқарган кўринадики, мен унга кечасига содали сув солинган бренди ичишни маслаҳат бердим. Хонанинг у бурчагидан бизнинг олдимизга келган мистер Годфри гапимни маъқуллади. У жуда дўстона бир тарзда мистер Фрэнклинни ётиш олдидан бирор нарса ичиб олишга ундади.

Менинг бу ҳақда эслаётганимнинг сабаби бор — шу бугун эшитган ва кўрган гаплардан кейин иккала жентельменни ҳам аввалгидек бир-бирлари билан яхши муносабатда кўриш мен учун жуда мароқли эди. Уларнинг Пенелопа меҳмонхонада эшитган даҳанаки жанги ва мисс Рэчелнинг кўнглини овлаш учун рақобатлашгани, афтидан, ўзаро жиддий аразлашишга олиб келмаган кўринади. Аммо уларнинг иккови ҳам хуш табиатли зодагонлардан эди. Зодагонлар табақасига мансуб одамларнинг бир фазилати шуки, улар ҳеч қачон ўзаро олдий одамларга ўхшаб жанжаллашишмайди.

Мистер Фэнклин брендидан воз кечди ва юқорига мистер Годфри билан бирга чиқиб кетди, чунки уларнинг хоналари ёнма-ён эди. Бироқ, афтидан, хоналарига етиб бормасданоқ, мистер Годфри уни кўндирган бўлса керак ёхуд одатдагидек, мистер Фрэнклиннинг кайфияти ўзгариб қолган кўринади.

— Балки кечаси ичгим келиб қолар, — деб қичқирди у. — Менга бир шиша бренди киритиб юборинг.

Мен Самюэлни бренди билан содали сув олиб келишга юбордим, ўзим эса итларни занжирдан бўшатишга йўл олдим. Иккала ит ҳам уларни туннинг шундай палласида бўшатиб юборганлари учун ҳайрон бўлди, шодликларидан ақдан озишга сал қолди. Улар ҳадеб теваратимда ирғишларди. Аммо орадан кўп ўтмай, ёмғир уларни ҳовуридан тўширди. Улар жиндай сув ичишган бўлишди-да, қайтиб уяларига кириб кетишди. Уйга қайтар эканман, осмонда об-ҳавонинг яхши томонга ўзгаришидан дарак берувчи белгилар кўрдим. Биз Самюэль билан бирга уйнинг теварак-атрофини айланиб чиқдик ва одатдагидек, ҳамма эшикларни занжирладик. Аммо бу гал мен ҳаммасини ўзим кўздан кечириб чиқдим — ёрдамчимга ишониб қўяқолганим йўқ. Кечаси соат бирларга бориб, мен тўшакка чўзилиб, кекса суякларимга ором бера бошлаганимда ҳаммаёқ тақа-тақ беркитилган эди.

Афтидан, бугунги ташвишлар мени жуда ҳолдан тойдирган эди. Нима бўлганда ҳам, менга шу тун мистер Фрэнклиннинг касали юқди.

Нихоят, кўзим уйқута кетганида куёш чиқа бошлаган эди. Мен ухлолмай тўшагимда ағдарилиб ётар эканман, бугун уй сукунат кўйнида эди, бирон жойдан тиқ этган овоз эшитилгани йўқ. Фақат ёмғирнинг шивири-ю, эрталабга яқин кўтарилган шамолнинг шовуллаши эшитиларди, холос. Соат етти яримда уйғониб, деразани очдим. Ажойиб куёшли кун бошланмоқда эди. Соат саккизга занг урди. Мен итларни боғлаб қўйишга отландим. Шу пайт орқа томондан зинада аёл кишининг этаги ер сидириб шитирлаганини эшитдим. Мен ўтирилдим — зинадан эсини йўқотгандай қизим югуриб келарди.

– Дадажон! – деб қичқирди у. – Худо ҳаққи, юқорига чиқинг. Олмос йўқолди!

– Нима бало, жинни-пинни бўлиб қоланмисан? – деб сўрадим мен.

– Йўқолди! – деб такрорлади Пенелопа. – Йўқолди! Нима бўлиб йўқолганини ҳеч ким билмайди. Ўзингиз чиқинг юқорига, кўрасиз.

У мени орқасидан эрташтириб, бекасининг ётоғи ёнидаги даҳлизга судради. У ерда ётоқ остонасида мисс Рэчель турарди. Унинг юзи ҳам худди тунги опшоқ кўйлаги каби оқариб кетганди. Ҳинд жавончасининг иккала эшиги ланг очик эди. Кутилардан бири анча суғуриб олинган – зўрға илиниб турарди.

– Ана, кўринг, – деди Пенелопа. – Кеча мисс Рэчель олмосни шу жавончага кўйганини ўз кўзим билан кўрган эдим.

Мен жавончанинг олдига бордим – кути бўм-бўш.

– Шу гап ростми, мисс? – сўрадим мен.

Мисс Рэчель ўзининг одатдаги нигоҳига ўхшамаган нигоҳ билан қаради-да, ўз овозига ўхшамаган овозда худди қизимга ўхшаб жавоб берди.

– Олмос йўқолди!

Шу сўзларни айтиб, у ётоғига кириб кетди-да, эшикни ичидан беркитиб олди.

Бу ёғига нима қилишни ўйлаб бир тўхтамга келмасимиздан олдин миледи кириб келди. У қизининг даҳлизидан менинг овозим келаётганини эшитибди. Миледи кириб келиши билан нима бўлди деб сўради. Олмос йўқолгани ҳақидаги хабар уни лол қолдирди. У шу заҳотиёқ қизининг ётоғи эшигига борди-да, қизидан ичкари киритишни талаб қилди. Мисс Рэчель уни ичкарига киритди.

Ўйни ёнғин тезлигида қоплаб олган ваҳима ҳаммадан аввал иккита жентльменга етиб борди.

Мистер Годфри биринчи бўлиб хонасидан чиқди. У рўй берган воқеани эшитганида хайрат ичида қўлларини икки ёнига ёзди. Аммо бу унинг руҳан бардамлигини кўрсатувчи қатъий далил эмас эди. Мен мистер Фрэнклиннинг донолигидан умид қилган эдим – ундан бирон жўяли маслаҳат чиқар деб ўйлагандим. Аммо у ҳам бу хабарни эшитиши биланоқ, амакиваччасига ўхшаб топқирлигини йўқотди-қўйди. Аксига олиб, бутун у жуда мириқиб ухлаган эди. Бунақа тўйиб ухлашга ўрганмагани учун – ўзининг айтишича, – аллақандай карахлик ҳис қилаётган эди. Аммо мистер Фрэнклин қаҳва ичиб олгач, (у ажнабийлар одатига амал қилиб, доимо нонушгадан бир неча соат аввал қаҳва ичиб оларди), ақли тиниқлашди. Энди у ўзининг туғма донолигини намоён эта бошлади. Бир зумда қатъият билан қўйидаги чораларни кўрди.

У нимадан бошлади денг? Аввал хизматкорларни чақириб, биринчи қаватдаги эшик ва деразаларни (мен очиб кирган катта эшикдан бошқасини) кеча кечкурун ётганимизда қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолдиришни буюрди. Кейин у бирон талбир кўришдан олдин мен билан амакиваччасига олмос бирор ёққа тушиб кетган-кетмаганига, масалан, жавончанинг ё жавонча турган столнинг орқа томонига тушиб кетмаганига амин бўлиш учун текшириб кўришни таклиф этди. Иккала жойни ҳам обдон қидирдик, лекин ҳеч нарса топмадик. Кейин Пенелопани сўроққа тутди, лекин у ҳам менга айтган гапидан бошқа бирон гап айтолмади. Мистер Фрэнклин мисс Рэчелдан ҳам суриштириш керак деди ва уни таклиф қилгани ётоғига Пенелопани жўнатди.

Пенелопа эшик қоққанда миледи чиқиб, кетидан эшикни ёпди. Бир лаҳзадан сўнг калит айланиб, эшик қулфланганини эшитдик. Мисс Рэчель эшикни ичидан қулфлаб олди. Менинг бекам жуда қаттиқ изтироб ва алам ичида бизнинг ёнимизга келди.

– Олмоснинг йўқолиши Рэчелни бутунлай ларзага солибди, – деди у мистер Фрэнклинга жавобан. – У ғалатиноқ бўлиб қолипти. Бу ҳақда ҳатто мен билан гаплашишни истамаяпти. Сиз энди уни кўришингизнинг сира иложи йўқ.

Миледининг мисс Рэчель ҳақидаги бундай хабари ҳаммамизнинг таажжубимизни яна оширди. Миледи эса ўзини ўзи жиндай мажбурлаб, аввалги хотиржамлигига қайтди-да, яна одатдаги қатъият билан ҳаракат қила оладиган бўлди.

– Менимча, полицияга одам юборишдан бошқа чора йўқ, – деди у хотиржам оҳангда.

– Полиция эса, биринчи навбатда, – деб илова қилди мистер Фрэнклин миледининг гапини қувватлаб, – бу ерда кеча томоша кўрсатган ҳинди кўзбойлоқчиларини қўлга олиши керак.

Миледи билан мистер Годфри буни эшитиб сесканиб тушишди ва ҳайрон қолишди – мен билан мистер Фрэнклинга маълум бўлган нарса уларга маълум эмас эди.

– Ҳозир тушунтириб ўтиришга фурсатим йўқ, – деб давом этди мистер Фрэнклин, – сизларга фақат бир нарсани айтишим мумкин – олмосни ҳиндилар ўғирлаган. Фризинголл судьяларидан бирининг номига менга тавсиянома ёзиб беринг, – дея у миледига мурожаат қилди. – Тавсияномада мен сизнинг манфаатларингиз юзасидан иш олиб боришимни ва сизнинг хоҳишингизни бажараётганимни айтинг. Тавсиянома ёзилиши биланоқ, ижозат берсангиз, йўлга чиқаман. Ўғриларни қўлдан чиқармайлик десак, бир дақиқа фурсатни ҳам бой бермаслигимиз керак.

Бу гал мистер Фрэнклин табиатининг французча ё инглизча жиҳати устун келди. Лекин нима бўлганда ҳам у оқилона иш қилди. Фақат унинг бундай ҳаракатчанлиги қанчага етаркин?

У аммасининг олдига қоғоз, сиёҳ ва ручка келтириб қўйди. Миледи ўтириб тавсиянома ёзди, аммо назаримда у буни унчалик рўйиҳушлик билан қилмади. Агар йигирма минг фунт турадиган нарсанинг йўқолишини оқибатсиз қолдиришининг иложи бўлганида, миледининг марҳум акаси ҳақидаги фикрига ва унинг совғасининг беғаразлигига ишонқирамаганига қараб ҳукм қилганда, менинг назаримда, ўғрилар ёнида Ойтош билан Лондондан гоийиб бўлса, бундан бекам анча енгил тортган бўларди.

Мен мистер Фрэнклин билан бирга отхонага бордим ва шундан фойдаланиб, ҳиндилар қандай қилиб уйга кирган бўлишлари мумкин деб ундан сўрадим. Ахир, менинг ҳам мистер Фрэнклин каби ҳиндилардан шубҳам катта эди.

– Улардан бири меҳмонлар тарқалаётганда залга кириб олган бўлиши мумкин, – деди мистер Фрэнклин. – У, афтидан, диваннинг тагига яшириниб олган-у, амма билан Рэчель олмосни қаерга яширганини кўрган. Кейин уйда ҳамма тинишини кутиб турган-да, ўрнидан чиқиб, жавончадан олмосни олган.

Шундай деди-ю, у қичқириб, хизматкорга дарвозани очишни буюрди ва шу заҳоти ўқдай отилиб кетди.

Дарҳақиқат, бу бирдан-бир ақл бовар қиладиган изоҳ эди. Бироқ ўғри қайси йўл билан уйдан чиқиб кетишга улгурди? Эрталаб бориб, катта эшикни очганимда, уни кечкурун қай тарзда қулфлоглиқ қолдирган бўлсам, шундай турган эди. Бошқа деразалар билан эшиклар эса ўзлари айтиб туришини – улар ҳозирга қадар ёпиғлигича туришти. Итлар-чи? Айттайлик, ўғри юқори қаватдаги деразадан сакраб тушиб, қочиб кетган. Бироқ у, қандай итлардан халос бўла олди? У ёнида итларга атаб заҳарланган гўшт олиб олган бўлмаса керак? Миямда шу гумон лип этиб ўтишга улгурмай, бурчақдан итларимиз чиқиб, нам майса устида ўмбалоқлашиб, мен томонга югуриб кела бошлаганди. Улар соппа-соғ, кайфиятлари чоғ эди. Жуда катта қийинчилик билан уларни тинчитиб, яна занжирлаб қўйдим. Мен бу тўғрида ўйлаган сари, мистер Фрэнклиннинг изоҳи қаноатланарли эмасдай туюларди. Биз нонушта қилдик – ахир, унда нима воқеа рўй бермасин – ўғирлик бўладими ё қотиллик содир бўладими, барибир, одамлар нонушта қилмоқлари керак-ку! Нонуштадан кейин миледи мени чақиртирди. Мен шу пайтгача ҳиндилар ва уларнинг суиқасди ҳақида ундан яшириб келган гапларимизни ҳаммасини бекамга айтиб беришга мажбур бўлдим. Мен айтган гапларни эшитиб, аввалига кўрқиб кетди, аммо довюрак аёл бўлгани учун бир зумда ўзини қўлга олди. Бекам бу маъжусий муттаҳамлару уларнинг суиқасдларидан кўра қизининг аҳволдан кўпроқ ташвиш чекаётгандай кўринарди.

– Хабарингиз бор, Рэчель анча ғалати қиз, – деди миледи менга, – у бошқа тенгдошларига ўхшамайди. Аммо, мен уни шу пайтга қадар ҳеч қачон ҳозиргидай ғалати ва писмиқ ҳолда кўрмаганман. Олмоснинг йўқолиши уни ақлдан жудо қилганда-я! Ким ҳам ўйлабди дейсиз – бу ярамас тош шунчалик қисқа муддатда уни шу қадар ошуфта қилади?

Албатта, аҳвол ғалати эди. Мисс Рэчелъ кўпгина бошқа ёш қизларга ўхшаб, ҳеч қачон ҳар хил тақинчоқлару зеб-зийнатлар қаршисида эс-хушини йўқотган эмас. Ҳолбуки, ҳозир унинг мусубати чексиз эди, у ҳамон ўз ётоғида эшикни беркитганча ўтирарди. Адолат юзасидан шуни илова қилиш жоизки, бизнинг уйимизда одатдаги яшаш тарздан чиқиб кетган одам ёлғиз мисс Рэчелъ эмас эди. Масалан, касбига кўра ҳаммага таскин бериб, тинчигиши лозим бўлган мистер Годфри ҳам ўзини кўйишга жой тополмай қолганди. Эътироф эгаман — ўзим ҳам жуда ташвишда эдим, кайфиятим бузуқ эди. Лаънати Ойтош хонадонимизда ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди.

Соат ўн бир бўлар-бўлмас мистер Фрэнклин қайтиб келди. Унинг қиёфасига қараганда зиммасига тушган масъулият юкидан унинг қатъияти бутунлай йўқ бўлиб кетишти. У бизникидан ўқдай отилиб чиқиб кетган эди, қайтишда қадамлаб келди. Кетаётганда у темирдай таранг эди, келганида эса пахтадай бўшашиб қолишти.

— Ҳўш, нима бўлди? — деб сўради миледи. — Қани полиция? Келадими?

— Ҳа, — деб жавоб берди мистер Фрэнклин. — Кетингиздан дарров етиб боради, дейишди. Маҳаллий полициямизнинг бош инспектори Сигров билан бирга яна иккита ёрдамчиси келар экан. Уччига чиққан расмиятчилик! Ҳеч қанақа умид йўқ.

— Нечук? — Ҳиндилар қочиб кетиптими, сэр? — деб сўрадим.

— Шўринг қурғур ҳиндиларни бекорга хафа қилиб, турмага тиқиб кўйишди, — деб жавоб берди мистер Фрэнклин. — Улар янги туғилган гўдаклардай беғуноҳ, Улардан бири уйга беркиниб олгани ҳақидаги гумоним менинг бошқа гумонларим каби тутундай тарқаб кетди. Гумонларимнинг юзага чиқиши сира ҳам мумкин эмаслиги очиқ-ойдин исботланди, — деб илова қилди мистер Фрэнклин ўз ҳатосини қизишиб таъкидлар экан.

Ойтош ҳақидаги ишнинг бунақа янги жиҳати ҳақидаги хабар билан ҳаммамизни таажжубга солгач, жентльменимиз аммасининг илтимосига биноан ўтириб, ҳамма гапни тушунтириб берди.

Табиатининг қатъиятли томони Фризинголлга етиб боргунча ҳам кифоя қилмапти. У ҳамма воқеани судьяга рўйирост айғиб беришти. Судья шу ондаёқ полицияга одам юборипти. Улар суриштиришга киришипти. Биринчи маълумотларданоқ билишиптики, ҳиндилар шаҳардан чиқишни хаёлларига ҳам келтиришмаган экан. Кейинги суриштиришлардан маълум бўлиптики, уччала ҳиндини бола билан биргаликда кеча кечкурун соат ўн бирларда Фризинголлга қайтиб келишадиганини кўришган экан. Масофа билан вақтни ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳол уларнинг айвонимизда томоша кўрсатганларидан кейин тўппа-тўғри Фризинголлга қайтиб келганларини исбот қилади. Кейинроқ ярим кечада полиция улар тўхтаган уйда тинтув ўтказган экан — тинтув чоғида учта ҳиндини бола билан бирга яна кўришипти. Ярим кечадан кейин кўп ўтмай мен ўзим ҳамма эшикларни эсон-омон беркитиб чиққанман. Ҳиндиларнинг бу ишга дахлсизлигини кўрсатадиган бундан зўрроқ далил бўлмади. Судья ҳозирча улардан заррача ҳам шубҳаланиб бўлмади, дебди. Аммо полиция бориб тафтиш ўтказганидан кейин кўзбойлоқчиларга тааллуқли бирон янгилик чиқиб қолиши мумкин бўлгани учун, судья уларни муғамбир ва дейди одамлар тарзида қамоққа олиб, бир неча муддат ҳибсда сақлашга қарор қилибди. Тафтиш вақтида керак бўлиб қолишса излаб юрмаслик учун шундай қилипти.

Муҳтарам судья миледининг эски қадрдони эди — шунинг учун ҳиндилар тўдаси ўша кун эрталаб тергов бошланиши биланоқ, қамоққа олинди.

Мистер Фрэнклиннинг Фризинголлдаги воқеалар тўғрисидаги ҳикояси шунақа. Йўқолган олмоснинг сирини очадиган ҳинди қалити, афтидан, бизнинг кўлларимизда синиб қолган эди. Агар кўзбойлоқчилар беғуноҳ бўлса, Ойтошни мисс Рэчелънинг тортмасидан ким олган?

Ўн дақиқалардан кейин инспектор Сигрэв етиб келди. Ҳаммамиз анча енгил тортидик. У бизга айвонда офтобда исиниб ўтирган мистер Фрэнклиннинг ёнидан ўтиб келганини маълум қилди. Мистер Фрэнклин инспекторни огоҳлантириб, ҳеч қанақа теровнинг фойдаси йўқ, бошланмасдан турибоқ, унинг самарасиз бўлиши кўриниб турипти, дедди.

Бизнинг аҳволимизда Фризинголл полициясининг инспектори бизга нафи

тегадиган энг фойдали ва зарур одам эди. Мистер Сигрэв баланд бўйли, қадди-қомати ҳарбийчасига келишган, серсавлат одам. Овозида бошлиқларникига хос ёқимли оҳанг бор. Нигоҳи тешиб юборай дерди. Мундирида ҳам юқоридан пастгача икки қатор тугмалар чиройли қилиб қадалган эди. Унинг юзига гўё: “Мен сиз қидирган одамнинг айна ўзиман!” деб ёзиб қўйилгандай эди. У ёнида келган мансаби пастроқ икки полициячига шу қадар қаттиққўллик билан муомала қилардики, буни кўриб, биз у билан ҳазиллашиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдик. У ишни шундан бошладики, ҳамма иморатларни ташқаридан ҳам, ичкарасидан ҳам синчиклаб кўриб чиқди. Бунинг оқибатида маълум бўлдики, ўғрилар ташқаридан уй ичига кираолмас эканлар. Бинобарин, уй ичига кимдир олмосни ўғирлаган. Бу расмий гап хизматкорларнинг қулоғига етгач, улар қанақа аҳволга тушганини тасаввур қилиш ўзингизга ҳавола. Инспектор аввал “будуар”нинг кўриб чиқиб, кейин хизматкорларни сўроқ қилмоқчи эканини айтди. Айна чоқда, у ўзига тобе полициячилардан бирини хизматкорларнинг ётоғига олиб борадиган зинага қўйди – бундан кейин махсус фармойиш бўлмагунча бу уйда яшайдиганлардан ҳеч ким хизматкорлар ётоғига кирмаслиги керак эди.

Бу буйруқни эшитгандан кейин аёл хизматкорларнинг ҳаммаси жунбушга келди. Улар бурчак-бурчаклардан сакраб чиқиб, мисс Рэчелнинг хонаси томон югуришди. У тўлқин бу гал ўзи билан Розанна Спирманни ҳам илаштириб кетди. Улар инспектор Сигрэвни қуршаб олиб, қайси биримиздан шубҳа қилаётганини ҳозир айтасан, деб талаб қила бошлашди.

Инспектор ўзини йўқотиб қўймади: у аёлларнинг ҳаммасига бир ўқрайиб қаради-да, ҳарбийча овоз билан уларнинг юрагига ғулғула солмоқчи бўлди.

– Ҳой, сизлар, қани, ҳаммангиз пастга тушинг-чи! Мен сизларни бу ерга чақирганим йўқ. Буни қараганлар! – деб у тўсатдан гапини бўлди-да, мисс Рэчелнинг бўялган эшигида шундоққина қулфнинг тагидан чиқиб турган доғни кўрсатди. – Ана, кўрдингларми, этакларингиз нима қилиб қўйди? Йўқол ҳамманг!

Розанна Спирман ҳаммадан кўра инспекторга ва эшикдаги доғга яқин турган эди. У биринчи бўлиб, одоблилик намунасини кўрсатди-да, шу ондаёқ ўзининг ишига йўл олди. Қолганлар унинг кетидан эргашишди. Инспектор хонани тафтиш қилишни тугатди, ҳеч қандай самарага эришмагач, олмос йўқолганини биринчи бўлиб ким айтди деб мендан сўради. Биринчи бўлиб буни қизим айтган эди. Унга одам юборишди.

Аваллига инспектор Пенелопага анча дағал муомала қилди.

– Менга қаранг, ҳой жувон. Эсингизда бўлсинки, сиз менга ҳақиқатни айтишингиз керак.

Пенелопа шу зумдаёқ туюқиб кетди.

– Мени ёлғон гапиришга ўргатишган эмас. Отам шу ерда туриб, унинг ўзини ёлғончиликда ва ўғриликда айблашларини эшитиб индамаса, қизини ўз хонасига киришига йўл қўйишмаётганини, бечора қизининг бирдан-бир мулки бўлмиш покиза номига доғ тушираётганларини кўриб туриб индамаса, демак, отам мен ўйлаганча яхши отам эмас экан...

Шундан кейин мен жим турмадим, албатта. Менинг гапим туфайли терговчининг Пенелопага муносабати анча элақага келиб қолди. Савол-жавоблар анча силлиқ кетди, лекин бу ерда айтиб ўтиришга арзийдиган бирон самара бергани йўқ. Қизим кечкурун мисс Рэчель жавончанинг кутисига олмосни яшириб қўйганини кўрганини айтди. У эрталаб соат саккизда мисс Рэчелнинг хонасига чой кўтариб кириб, қути очиклиги ва унда ҳеч нарса йўқлигини кўрган. Кўргану, шу ондаёқ шовқин-сурон кўтарган. Пенелопанинг кўрсатувлари шу билан тамом бўлди.

Кейин инспектор мисс Рэчелни кўришга изн сўради. Пенелопа унинг илтимосини эшик орқали бекасига етказди. Жавоб ҳам эшик орқали айтилди: менинг полициячи билан гаплашадиган гапим йўқ; мен ҳеч кимни кўришни истамайман.

Бизнинг тажрибали полициячимиз бундай жавобни эшитиб, ҳайрон қолгандай ва хафа бўлгандай бўлди. Мен унга бекамиз бетоблигини тушунтирдим ва бироз сабр қилиб туришни, у билан кейинроқ кўришмоғини

илтимос қилдим. Шундан кейин биз яна пастга тушдик ва даҳлиздан ўтатуриб, мистер Фрэнклин билан мистер Годфрини учратдик.

Бу уйга меҳмонга келган иккала жентльменни ҳам инспектор сўроқ қилди – бирон-бир жиҳатдан бу ишни ёритишга ёрдам берадиган ҳеч нарса айта олмайсизларми, деб сўради у. Уларнинг ҳеч қайсиси ҳеч нарса билмас эди. Сўроқдан қутилган мистер Фрэнклин менга шивирлади:

– Бу одам бизга ҳеч қандай фойда келтиролмайди. Инспектор Сигрэв – эшшак!

Ўз навбатида сўроқдан қутулган мистер Годфри ҳам менга шивирлади:

– Афтидан, ўз ишининг устасига ўхшайди. Беттереж, ундан менинг умидим катта.

Мендан анча аввал яшаб ўтган аллақандай қадимий ёзувчи айтган экан – ҳар каллада бир ақл...

Кейин инспектор орқасига қайтиб, будуарга йўл олди. Мен билан қизим Пенелопа у билан бирга эдик. Бундан кўзлаган мақсади – кечаси уй анжомлари ўрнидан кўзгатишган-кўзгатилмаганини билиш эди. Афтидан, хонада ўтказилган биринчи тингув бу масалада самара бермаганди.

Биз столлар ва стуллар орасида тимирскиланиб юрганимизда, бирдан ётоқнинг эшиги очилди. Ҳаммамизни кўришдан воз кечган мисс Рэчель, бизни хайрон қолдириб, ҳузуримизга ўзи чиқди. У стул устидан ўзининг ёзги шляпасини олди-да, тўпша-тўғри Пенелопанинг олдига келиб, шундай савол берди:

– Мистер Фрэнклин, бутун эрталаб сизни менинг ҳузуримга юборганмиди?

– Юборганди, мисс.

– У мен билан гаплашмоқчи бўлганмиди?

– Худди шундай, мисс.

– Қаерда у ҳозир?

Пастда говур-гувур овозларни эшитиб, деразадан қарадим-да, айвонда у ёқдан-бу ёққа юраётган иккита жентльменни кўрдим. Қизимнинг ўрнига мен жавоб берақолдим.

– Мистер Фрэнклин айвонда, мисс.

Мисс Рэчель бошқа бирон оғиз гап айтмади. Инспектор у билан гаплашмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, унга ҳам заррача эътибор бермади. Ранги докадай оқариб кетган, ўзининг аллақандай хаёлларига ғалати гарқ бўлган тарзда у хонадан чиқди-да, айвонга – тоғаваччаларининг ёнига тушди.

Мен бекамнинг ҳурматини ўрнига қўёлмадим: одам қоидаларидан чиқиб кетдим: лекин гап менинг ҳаёт-мамотим ҳақида кетганида ҳам, мисс Рэчель жентльменлар билан учрашганида мен уларга ойнадан қарашдан ўзимни тиёлмаган бўлардим. У мистер Годфрини сезмаган бир алфозда мистер Фрэнклиннинг ёнига борди. Мистер Годфри ҳам уларнинг икковини қолдириб бир чеккага чиқди. Афтидан, у мистер Фрэнклин билан зарда қилиброқ гаплашди, шекилли. Бу узоқ давом этмади ва мистер Фрэнклинни гоёта хайрон қолдирди. Мен унинг юзини деразадан кўриб тургандим – унинг лол қолгани башарасидан шундоққина кўришиб турарди. Улар икковлари гаплашиб туришганда, айвонда миледи пайдо бўлди. Мисс Рэчель уни пайқади-да, мистер Фрэнклинга яна бир неча оғиз гап айтди ва онаси олдига келиб ултурмасдан шартга бурилиб, кетиб қолди. Миледи ўзи ҳам гоёта таажжубланиб ва мистер Фрэнклиннинг ҳаддан ташқари таажжуб ичиди эканини кўриб, у билан гаплаша бошлади. Мистер Годфри ҳам уларга яқинлашиб, гапга аралашди. Мистер Фрэнклин, афтидан, нима воқеа рўй берганини гапириб бериб, улар билан бирга одимлай бошлади. Миледи билан мистер Годфри унинг гапини тинглаб бир неча қадам кўйишди-да, бирдан қоққан қозикдай туриб қолишди. Афтидан, мистер Фрэнклиннинг гапи уларни ҳаддан ташқари ажаблантирган эди. Мен буларни ҳаммасини пайқаб ултурмай, меҳмонхонанинг эшиги яна бирдан ланг очилди. Мисс Рэчель кайфи бузуқ, фиғони фалакка чиққан ҳолда, кўзлари газабдан чақнаб, ёноқлари лов-лов ёниб, шиддат билан ётоғига ўтиб кетди. Инспектор яна уни тўхтатишга уринди. У ётоғининг эшигида инспекторга ўтирилди:

– Мен сизни чақиртирганим йўқ! – деб қичқирди у жазава ичида. – Менга сизнинг керагингиз йўқ. Менинг олмосим йўқолди. Уни на сиз, на оламда бошқа бирор одам топа олади.

Шу сўзларни айтди-да, у хонасига кириб шундоққина тумшугимиз олдида эшикни тарақлатиб ётди. Ҳаммамиздан кўра эшикка яқинроқ турган Пенелопа бекаси ёлғиз қолиши биланоқ, хўнтраб йиғлаб юборганини эшитипти.

Бир лаҳзада – газабдан туютқса, яна бир лаҳзада кўз ёшларига гарқ бўлса – бу қандай маънони билдиради?

Мен инспекторга буларнинг ҳаммаси мисс Рэчелнинг олмоснинг йўқолиши туфайли қай даражада қаттиқ газабланганини кўрсатади, холос, дедим. Мен яна шунисидан қаттиқ хафа бўлдимки, ёш бекам ҳатто полиция зобити ҳузурида ҳам ўзини туюлмади. Хонадонимиз шаънини ўйлаганим учун, хаёлимга келган қандайдир узрларни айтиб, ундан кечирим сўрадим. Аммо ичимда мисс Рэчелнинг ғаройиб гап-сўзлари ва хулқ-атворида ханг-манг бўлиб қолгандим. Буни сўз билан ифодалаш қийин. Мисс Рэчелнинг боя останада туриб айтган гапларига асосланиб, мен фақат битта хулосага келдим: у полициянинг келишини ўзи учун ашадий ҳақорат деб билган. Айвонда мистер Фрэнклинни таажжубга солган нарса ҳам шу бўлганми, мисс Рэчел унга (полицияни чақириб келган одам сифатида) бу масаладаги фикрини ўта кескин тарзда айтган. Агар шу тахмин тўғри бўлса, нега энди у олмосдан маҳрум бўлгач, яқин одамларининг уйда бўлишига қаршилик қилади. Ахир, айни шу одамлар унга олмосини қидириб топиб беришлари керак-ку! Бундан ташқари, – Ойтошнинг ҳеч қачон топилмаслигини мисс Рэчел қаёқдан билади?

Ҳозирги вазиятда бу саволларга жавобни уйдаги бирон кимсадан топиш амримаҳол эди. “Будуар”даги жиҳозларни ағдар-тўнтар қилиб чиқиб, ҳеч нарса тополмагач, бизнинг тажрибакор изқуваримиз менга савол билан мурожаат қилиб, олмоснинг кечаси қаерга қўйилишини хизматкорлар билармиди, йўқми, деб сўради.

– Мен билардим, сэр, – жавоб бердим мен. – Хизматкоримиз Самюэль ҳам хабардор эди, чунки кечасига олмосни қаерга яшириб қўйиши ҳақида гап кетганда у ҳам шу ерда – даҳлизда эди. Қизим ҳам бундан хабардор эди. Буни ўзи сизга айтди. Қизим ёки Самюэль бу ҳақда бошқа хизматкорларга айтган бўлишлари ҳам мумкин ёки бошқа хизматкорлар бу гапни даҳлиздаги орқа зинага олиб чиқадиган эшик орқали эшитган бўлишлари мумкин. Менимча, ўтган кечаси олмос қаерда бўлганини уйдагиларнинг ҳаммаси билган бўлиши керак.

Менинг жавобим инспекторнинг гумонларига гумон қўшди, холос. Шунинг учун у гумонлари доирасини торайтириш мақсадида мендан хизматчиларимизни таърифлаб беришни сўради. Шу зумдаёқ Розанна Спирман хаёлимга келди. Лекин ҳозир унинг номини тилга олиш ноўрин бўларди. Бунинг устига мен инспекторнинг ундан гумон қилишини истамас эдим, чунки у бизникига хизматга келгандан бери ҳалоллигига доғ туширадиган бирон ишга йўл қўйгани йўқ. Ахлоқ тузатиш уйининг назоратчиси миледига Розаннани чин юракдан гуноҳларига тавба қилган ва ҳар жиҳатдан ишонса бўладиган жувон деб таърифлаган эди. Агар полиция офицери бирон сабаб билан ундан шубҳаланса, шундагина мен унинг қандай қилиб миледининг ихтиёрига хизматга келиб қолганини айтиб беришга мажбур эдим.

– Хизматкорларимизнинг ҳаммаси жуда яхши тавсияномаларга эга, – деб жавоб бердим мен. – Уларнинг ҳаммаси бекамизнинг тўла ишончини қозонган.

Шундан сўнг мистер Сигрэвнинг ишга шахсан ўзи киришиб, ҳамма хизматкорларимизни синовдан ўтказишдан бошқа иложи қолмади. Уларни бирин-кетин сўроқ қилишди, аммо уларнинг биронтаси ҳам бирон янги гап айтолмади. Ҳолбуки улар, айниқса, аёллар жуда кўп жаврашди ва хоналарига киритмаётганликлари учун қаттиқ норозилик билдиришди.

Терговдаги бундан кейинги ва сўнги тadbир ишни узил-кесил расво қилди. Полиция зобити миледи билан учрашди. Бу учрашувда мен ҳам ишгирок этдим. Инспектор унга олмосни уйдагилардан биронтаси ўғирлаган бўлиши кераклигини айтиб, хизматкорларнинг хоналари ва сандиқларини тинтиб кўришга ижозат сўради. Менинг ажойиб бекам яхши тарбия кўрган, олижаноб аёл бўлганидан хизматкорларига ўғридай муомала қилишларига йўл қўймади.

– Менинг хонадонимда истиқомат қилиб, хизматини ўтаётган содиқ хизматкорларимдан кўп яхшиликлар кўрганман. Уларга бунақа ношукурлик билан жавоб беришга сира рози бўлмайман.

Полиция зобити таъзим қилди-да, менга маънодир қараб қўйди. Унинг қарашидан “Шу тарзда қўлимни боғлаб қўйсанглар, мени чақирининг нима ҳожати бор эди?” деган маънони ўқиш мумкин эди.

Мен шу лаҳзада бир нарсани ҳис қилдим – адолат юзасидан қараганда, биз бекамизнинг олижаноблигини суистеъмом қилишга ҳаққимиз йўқ.

– Чин юракдан миннатдормиз, хоним афандим, – дедим мен, – бу масалада қонун буюрганича иш юритишга рухсат беришингизни сўраймиз. Биз ўз ихтиёримиз билан калитларимизни берамиз. Габриэль Беттереж ўрناق кўрсатса, – дедим мен остонада инспектор Сигрэвни тўхтатиб, – қолган хизматкорлар ундан намуна олишади. Бунга қафилман. Мана сизга менинг калитларим.

Миледи қўларимдан ушлаганча, кўзларида ёш билан менга миннатдорлик билдирди. О, тангрим! Шу дақиқада инспектор Сигрэвни дўшпослаш ҳуқуқига эга бўлиш учун нималар бермаган бўлардим!

Мен қафил бўлганим учун қолган хизматкорлар мендан ўрناق олишди – албатта, улар ичларига унча мамнун бўлишмаса-да, ҳар қалай, гапимни икки қилишмади. Полициячилар аёлларнинг буюмларини титкилаётганда уларнинг важоҳатини бир кўрсангиз эди! Ошпаз аёл шунақа ўқрайиб қарадики, гўё у инспекторни тириклай қовуришга тайёр эди. Қолган аёллар эса у қовурилиб бўлиши билан ўртага олиб, хомгалаш қилишмоқчидай важоҳатда эди.

Тинтув тамом бўлди, олмоснинг эса, албатта, изини ҳам топиша олмадилар. Инспектор Сигрэв менинг хонамга кириб келиб, бу ёғига нима қилиш кераклигини ўйлай бошлади. Инспектор ёрдамчилари билан бизникига келганига бир неча соатдан ошди, аммо улар Ойтошнинг ким ва қандай ўғирлаганини топишга бир қадам ҳам яқинлашганлари йўқ.

Полиция зобити ҳоли ўтириб ўйини ўйлар экан. Мени мистер Фрэнклиннинг ҳузурига, кутубхонага чиқаришди. Мен кутубхона эшигининг тутқичини ушлаб улгурмай, эшик тўсатдан ичкаридан очилди-да, хонадон Розанна Спирман чиқиб келди. Буни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Эрталаб кутубхонани супуриб-сидириб чиқишгандан кейин бу хонага на биринчи, на иккинчи оқсочнинг киришига ҳожат йўқ эди. Мен Розанна Спирманни тўхтатиб, хонадон тартибини бузгани учун унга танбеҳ бердим.

– Бундай пайтда кутубхонада сизга нима керак бўлиб қолди? – деб сўрадим мен.

– Мистер Фрэнклин Блэк юқорида узугини тушириб қўйган экан, – деди Розанна. – Шуни бергани келандим.

Қизнинг ёноқлари лов-лов ёнарди.

Мистер Фрэнклин кутубхонада стол ёнида ўтириб нималарнидир ёзарди. Мен хонага киришим биланоқ, у мендан станцияга бориб келиш учун от сўради. Унинг овозини эшитишим биланоқ, билдимки, унинг табиатидаги қатъиятли жиҳат яна устун келипти. Пахтадай бўшашган одам йўқолиб, менинг қаршимда яна темир иродали одам ўтирарди.

– Сиз Лондонга бормоқчимисиз, сэр? – деб сўрадим.

– Лондонга телеграмма жўнатмоқчиман, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Мен аммамни кўндирдим – бизга инспектор Сигрэвдан ақлироқ одам ёрдам бериши керак. Аммамдан отамга телеграмма жўнатишга ижозат олдим. У полиция бошлигини танийди, полиция бошлиғи эса олмоснинг сирини ечишга қобилияти етадиган одамни топа билади. Айтгандай, сир масаласида... – деб қўшимча қилди мистер Фрэнклин овозини пасайтириб, – сиз отхонага йўл олмасингиздан аввал, мен сизга икки оғиз гап айтишим керак. Аммо ҳозирча бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очманг. Ё Розанна Спирманнинг мияси унча жойида эмас ёки қўрқаманки, у Ойтош ҳақида билиши керак бўлгандан кўра кўпроқ нарса билади.

Бу сўзларни эшитиб, мен кўрқиб кетдимми ё хафа бўлдимми – буни аниқ айта олмайман. Ёшроқ бўлганимда мистер Фрэнклин олдида буни тан олиб қўя қолардим. Аммо сиз қартайганингизда битта жуда ҳам ажойиб фазилат

касб этасиз — мянгизда ҳали кўп нарсалар аниқ бир тусга кирмаган экан, индамай қўя қоласиз.

— Мен ётоғимда узугимни тушириб қўйган эканман. У шуни кўтариб бу ерга келипти, — деб давом этди мистер Фрэнклин. — Мен унга ташақкур айтдим-да, чиқиб кетишини кутдим, албатта. Бунинг ўрнига у столим қаршисида тўхтаб туриб қолди-да, менга ғалати бир тарзда тикилиб қолди. Унинг нигоҳида кўрқиб бормиди ё такаллуфсизлик бормиди — ажратолмадим. “Ғалати иш бўлди-да, олмос масаласи, сэр!” деди у кутилмаганда. Мен “ҳа” деб жавоб бердим ва нима бўлишини кута бошладим. Номусим ҳаққи, қасам ичаман, Бетереж, менимча, бу қизнинг эс-хуши жойида бўлмаса керак! Нима дейди денг? “Олмосни топиша олмайди, сэр, шундоқ эмасми? Йўқ, уни ким олганини ҳам топиша олмайди — бунга кафилман”. У менга бош ирғаб жилмайди. Бу билан нима демоқчи эканини сўраб улгурмасимдан, эшик ортидан сизнинг қадам товушингиз эшитилди. Уни бу ерда кўриб қолишингиздан у кўрқиб кетди, шекилли. Ҳарҳолда нима бўлганда ҳам, ранги ўзгариб, хонадан чиқиб кетди. Бунинг маъноси нима бўлсайкин-а?

Мен ҳатто шунда ҳам унга бу қизнинг тарихини айтиб беришга журъат етолмадим. Ахир, бунинг учун унинг ўғри қиз бўлганини айтишим керак эди-да! Бундан ташқари, тахмин қилайликки, мен мистер Фрэнклинга ҳамма нарсани яширмай айтиб ҳам бердим, ҳатто олмосни шу қиз ўғирлаган бўлиши ҳам мумкин дедим — шунда ҳам Розанна ўзининг сирини ошкор этиш учун дунёдаги ҳамма одамлар ичидан фақат мистер Фрэнклинни танлаганининг сабаби барибир очилмай қоларди.

— Бу қиз енгилроқ бўлгани ва ғалати гапларни гапиргани учунгина мен бу шўрлик қизга айб қўйишга ботина олмайман, — деб давом этди мистер Фрэнклин. — Ҳолбуки, у менга айтган гапини инспекторга айтганида эди, инспектор ҳар қанча бефаросат бўлмасин, қўрқаманки...

У гапини чала қолдириб, шу ерда тўхтатди.

— Энг яхшиси шуки, сэр, — деб жавоб бердим мен, — буларнинг ҳаммасини ўнг келиши биланоқ, мен миледига айтиб берай. Миледи Розаннани ўзига жуда яқин олади. Эҳтимол, бу қиз адашгандир, ё ақлсизлик қилиб қўйгандир. Хонадонда бирон-бир алғов-далғов кўтариладиган бўлса, сэр, хизматкор аёллар ҳаммаша масалага ёмон жиҳатидан қарашга ҳаракат қилишади — шу билан уларнинг назарида ўзларининг қадри ортгандай бўлади.

Масалага бундай қараш мистер Фрэнклинга жуда маъқул бўлди, шекилли: у телеграммани буклаб суҳбатни тўхтатди. Кабриолетни қўшишни буюриш мақсадида отхонага бораётиб, хизматкорлар хонасига кириб ўтдим. Хизматкорлар овқатланмоқда эди. Уларнинг орасида Розанна Спирман кўринмади. Уни суриштириб билсам, бирдан мазаси қочиб қолипти — у хонасига кетиб, ётиб олипти.

— Қизиқ! Боя уни кўрганимда у бутунлай соппа-соғ кўринганди, — дедим мен.

Пенелопа орқамдан чиқди.

— Отажон, бошқаларнинг олдида бунақа деманг, — деди у, — бу билан сиз Розаннани хизматкорларга янада ёмонроқ кўрсатиб қўясиз. Шўрлик мистер Фрэнклин Блэка ошиқу беқарор бўлиб, куйиб юрипти.

Бу энди масалага бошқача қараш эди. Агар Пенелопа ҳақ бўлса, бу билан Розаннанинг ғалати гап-сўзлари ва ажабтовур қилиқлари изоҳ топар эди.

Отларни қандай қўшишаётганини ўзим кузатиб турдим. Бизни чулғаб олган сирлар ва номаълумликларнинг жаҳаннамий сиртмоғида ростини айтсам, айиллар билан жиловлар бир-бирига монанд келаётганини кўриб, анча таскин топдим. Отнинг аравага қўшилаётганини ўз кўзингиз билан кўриб турсангиз — бундан шубҳаланишга ўрин қолмайди-да...

Кабриолетга чиқиб, дарвоза олдида келар эканман, фақат мистер Фрэнклинни эмас, мистер Годфри билан инспектор Сигрэвни ҳам кўрдим. Улар зинада мени кутиб туришарди.

Хизматкорларнинг хоналари ёки сандиқларидан олмосни топа олмагач, инспектор ўйлай-ўйлай янги тўхтама келган бўлиши керак. У ҳамон олмосни шу хонадондан бирон одам ўғирлаганига астойдил ишонарди. Шунинг учун

бизнинг тажрибали терговчимиз ўғри ҳиндилар билан тил бириктириб иш тутган деган фикрга келипти ва терговни Фризинголл турмасига кўчириб, кўзбойлоқчиларни сўроқ қилишни таклиф қилипти. Унинг бу янги қарорини эшитгач, мистер Фрэнклин уни шаҳарга элтди қўймоқчи бўлипти – шу баҳонада Фризинголлдан Лондонга телеграмма ҳам жўнатади. Ҳар қалай, у ердан ҳам телеграмма жўнатиш унча қийин эмас. Ҳамон Сигрэвнинг кудратига ишонишда давом этаётган ва ҳиндиларнинг сўроғига шахсан қатнашишни ҳаддан ташқари истаган мистер Годфри Фризинголлга инспектор билан бирга жўнашга ижозат сўрапти. Бирон қутилмаган воқеа рўй бериб қолса, ёрдам бергани полициячилардан бири шу ерда қолиши керак эди. Иккинчиси эса инспектор билан шаҳарга қайтади. Шундай қилиб, кабриолетдаги тўртта ўриннинг ҳаммаси ҳам банд эди.

Мистер Фрэнклин жиловни қўлга олмасдан олдин, у мени бир неча қадам чеккага олиб чиқди-да, ҳеч ким эшитмайдиган паст овозда деди:

Мен Лондонга телеграммани жўнатмай тураман. Қани, кўрай-чи, ҳиндиларнинг сўроғидан нима чиқаркин. Сирасини айтганда, ишончим комилки, бу бефаросат полициячи ҳеч нарсани тушунаётгани йўқ. У бир амаллаб вақтдан ютмоқчи, холос. Хизматкорлардан биронтасининг ҳиндилар билан тил бириктиргани ҳақидаги гап, менимча, учига чиққан бемаънилик. Мен қайтунча, уйга яхшилаб кўз-қулоқ бўлиб турунг, Беттерез, иложи бўлса, Розинна Спирмандан гап олишга уриниб кўринг. Мен сиздан иззат-нафсингизга тетадиган бирон иш қилишни ёки қиз бечорага шафқатсиз бўлишни талаб қилаётганим йўқ. Мен фақат сиздан жамики кузатувчанлигингизни ишга солишни ўтиниб сўрайман. Биз буларнинг ҳаммасини аммадан яширамыз, аммо иш сиз ўйлагандан анча жиддийроқ бўлиб чиқиши мумкин.

– Гап йигирма минг фунт ҳақида кетяпти, сэр, – дедим мен олмоснинг баҳосини ўйлаб.

– Гап Рэчелни хотиржам қилиш ҳақида кетяпти, – деб жиддий жавоб берди мистер Фрэнклин. – Мен ундан жуда ҳам ташвишдаман.

У бундан кейинги гап-сўзларни тўхтатмоқчи бўлгандай, бирдан менинг ёнимдан кетди. Мен бунинг сабабини анлагандай бўлдим. У мисс Рэчель айтган гапларни менга ошкор қилиб қўйишдан қўрқди, шекилли.

Шу тарзда улар Фризинголлга жўнаб кетишди.

Тушлиқдан ярим соат олдин иккала жентльмен Фризинголлдан қайтиб келишди. Улар инспектор Сигрэв билан келишипти – у бизникига эртаси куни қайтадиган бўлипти. Улар мистер Мертуэтникига ҳам кириб ўтишипти. Машҳур сайёҳ шаҳарга яқин жойда истиқомат қилар эди. Мистер Фрэнклиннинг илтимосига кўра сайёҳ инглиз тилини мутлақо билмайдиган икки ҳиндининг сўроғида тилмочлик қилишга лутфан рози бўлипти. Синчковлик билан батафсил ўтказилган сўроқ ҳеч қандай самара бермапти. Кўзбойлоқчилар хизматкоримиздан бирортаси билан тил бириктирган деб гумон қилишга асос бўладиган заррача ҳам далил топилмапти. Шундай тўхтама келгач, мистер Фрэнклин Лондонга телеграмма жўнатишти. Шу билан иш кейинги кун эрталабгача тўхтади.

Туғилган куннинг эртаси ҳақидаги ҳикояни бас қилай. Ўшанда йилг этган бирор шуъла кўнгилларимизни ёритгани йўқ. Фақат икки кун ўтгандан кейингина туман жиндай-жиндай тарқала бошлагандай бўлди.

(Давоми келгуси сонда.)

